Ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири - бу мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлиги масаласидир. Бу масалалар бўйича бир қанча ишлар ҳам олиб борилган [1-2, 5-7, 9]. Шунинг учун, биринчи навбатда Статистика қўмитаси маълумотларига асосан вилоятлар бўйича етиштирилаётган буғдой ҳақидаги маълумотларни таҳлиллаш билан чегараланамиз.




3-расм. Ўзбекистон Республикасида дон экинлари етиштириш ва шундан бугдойнинг ҳажми, минг тонна. [32]

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки сўнгги йилларда мамлакатимизда 6 миллион тонна атрофида бугдой етиштирилмоқда. Бугдой етиштиришни ҳудудий хусусиятини кўриб чиқадиغان бўлсак 2021 йилда энг кўп бугдой Қашқадарё (753718 минг тонна), Самарқанд (659104 минг тонна) вилоятларида етиштирилган.

2-5-расмларда манбада келтирилган минтақалар бўйича Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича ялпи маҳсулотининг (млн.т), ҳосили (ц/га) ва 2005 й., 2010 й., 2015 й. ва 2020 йиллар давомида вилоятлар аҳолиси бўйича бугдойнинг аҳоли жон бошига тақсимланиш диаграммалари келтирилган.

4-расмда Ўзбекистонда бугдой ялпи ҳосилининг вилоятлар бўйича тақсимланиши келтирилган. 2005-2020 йиллар давомида етиштирилган бугдой ялпи ҳосилдорлигининг ўртача қиймати минтақаларда жойлашган вилоятлар кесимида қуйидагича тақсимланган: биринчи учталикни Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятлари (878,3-674,0 минг.т), Тошкент (531,2 минг.т), Бухоро (520,0 минг.т) Андижон (515,3 минг.т) бўлса қолган вилоятлар 400-500 минг.т ораликни, охириги ўринларда I-минтақа Хоразм ва Қорақалпоғистон (237,9-177,1 минг.т) эгаллаган. 2020 йил ҳолатига кўра Республикаимизда 7636 минг.т донли экинлар етиштирилган бўлиб, шундан 80,6% ни бугдой ташкил этган.




4-расм. Ўзбекистонда бугдой ялпи ҳосилининг (минг.т). вилоятлар бўйича тақсимланиши (2005-2020 йй.)

Ўзбекистонда бугдой ҳосилининг вилоятлар ва Республика бўйича тақсимланиши 4-расмда келтирилган.

5-расмдан кўриниб турибдики, вилоятлар бўйича юқори ҳосилдорлик Андижон, Бухоро вилоятлари 60,0 ц/га дан юқори, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари 50,0-55,0 ц/га, Самарқанд, Хоразм, Навоий ва Наманган вилоятлари 45,0-50,0 ц/га, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари 40,0-45,0 ц/га, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти 25,0-30,0 ц/га ораликда тебраниб турган бўлса, Республикаимизда ўртача ҳосилдорлик 46,4 ц/га ни ташкил этган.


Сўнгги 2021 йилда ҳосилдорлик бўйича эса Андижон (68,8 ц/га), Бухоро (61,2 ц/га), Фарғона (56,5 ц/га) вилоятлари етакчилик қилади. Ялпи ҳосил юқори бўлган Қашқадарё вилоятида эса ҳосилдорлик анча (35,6 ц/га) паст.



5-расм. Ўзбекистонда буғдой ҳосилининг (ц/га) вилоятлар бўйича тақсимланиши (2005-2020 йй.)

Маълумки, йилдан-йилга дунё аҳолиси сони ошиб бормоқда, 2019 йилга келиб аҳоли сони 7,7 миллиардга етган. Охирги беш йилликда эса (2014-2018 йй.) аҳоли сони йилига 83 миллиондан ошиб борган ва аҳолининг жон бошига 101 килограммдан буғдой тўғри келган [30].

Қуйидаги 6-расмда Республикамиз вилоятларида 2005 й., 2010 й., 2015 й. ва 2020 йиллар давомида вилоятлар бўйича буғдойнинг аҳоли жон бошига (кг/одам) тақсимланиш диаграммаси келтирилган. 4-расмга назар ташлайдиган бўлсак, 2015 йилгача Республикага нисбатан буғдойнинг аҳоли жон бошига тақсимланиши Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Наманган вилоятларида юкори, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деярли бир хил, Андижон, Наманган, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида пастки ўринларни ташкил этган.



6-расм. Вилоятлар бўйича буғдойнинг аҳоли жон бошига тақсимланиш диаграммаси

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, ўртача ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилдорлиги вилоятлар бўйича нотекис жойлашган. Умуман 2015 йилгача буғдойнинг аҳоли жон бошига тақсимланишининг ошиб бориши кузатилган бўлса, 2020 йилда Жиззах ва Хоразм вилоятларидан бошқа вилоятларда кескин камайиши кузатилган. Бунинг асосий сабабларидан аҳоли сонининг ошиб бориши билан боғлиқ. Буни минтақаларнинг агроиклимий шароитлари, сув ресурслари ва тупроқ турлари, унумдорлик хусусиятлари ҳамда буғдой етиштиришда олиб бориладиган агротехник тадбирлар билан баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон учун ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган буғдой ҳосилини, аҳоли сонининг ўсиб боришини инобатга оладиган бўлсак, келажакда ҳосилдорликни оширишни назарда тутиш лозим. Ўзбекистон 2000 йилларда ғалла мустақиллигига эришди, лекин, ҳали сифат кўрсаткичлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мавжуд. Республикамиз аҳоли сонининг ўсиши, маълум қишлоқ хўжалиги майдонларининг шаҳарлар қуриш ва бошқа мақсадларда “истеъмолдан” чиқарилиши, агроиклим хусусиятларидан келиб чиқиб, ерлардан оқилона фойдаланишни янада долзарб масалага айлантиради. Шу билан бирга Ўзбекистонда трансгегаравий сув масалалари тўлиқ ечимини топгани йўқ. Бу эса сув билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишда “агроиклимшунослик”га янада катта аҳамият бериш зарурлигидан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х. О географическом размещении посевных площадей, сроках сева и уборки посевов хлопчатника, пшеницы и риса в мире. -Ташкент. 2003. Тр. САНИГМИ, вып.164(245), С.41-54.
2. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х. Рис, пшеница, хлопковое волокно по странам мира. -Ташкент. НИГМИ. 2005 г. -240 с.
3. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Сафаров Э.Ю. Агрометеорологияда муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани қўллаш, ЭХМ ва географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. -Тошкент, 2009. -149 б.

4. Абдуллаев А.К., Назаров Р.С., Холбаев Г.Х., Гафуров Э.Ш. О особенностях продовольственной проблемы в различных странах мира. Материалы конференции. Бозор иктисодиёти шароитида кишлок ҳўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари. 20-21 март 2003 г. -Ташкент. С.120-122.
5. Агроэкология. –М.: Колос, 2000. -535 с.
6. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. «Бугдой». Монография, Т. ТошДАУ, 2008, 10,5 б.т.
7. Аманов А. Галла экинлари. “Тафаккур қаноти”. Тошкент, 2019. 15 б.т. 240 б.
8. 100 китоб тўплами. Бугдой етиштириш. 1-китоб. илмий нашр / «Агробанк АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021.-76 б.
9. Группер С.Р. Агрометеорологическая оценка продуктивности озимой пшеницы в Узбекистане. Ташкент. 1998. -156 с.
10. Мокиевский В.М. Урожайность пшеницы и ее изменчивость по странам мира // Тр. ВНИИСХМ. 1998. –Вып.31. С. 68-79.
11. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бугдой ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар // Ўзбекистонда бугдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи Миллий конференция / Бўриев Х.Ч., Омонов А., Гафурова Л., Нурбеков А. -Тошкент. 2004. – 11-17 б.
12. Сиддиқов Р.И. Суғориладиган ерларда кузги бурдой навлари ва уларни етиштириш технологияси Тошкент «Tafakkur qanoti» 2011.
13. Уланова Е.С., Сиротенко О.Д. Методы статистического анализа в агрометеорологии. –Л.: Гидрометеиздат, 1968. -198 с
14. Холбаев Г.Х., Пулатов У. Ш., Абдуллаев А.К. О динамике производства продукции риса, пшеницы, хлопкового волокна в мире и Узбекистане. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23 -жилд. -Тошкент. 2003. -С. 187-189.
15. Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Абдикулов Ф.И. Имом Ал-Бухорий мажмуаси худудининг биоиклимий шароитлари. Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги. №2, 2021. –Б. 19-31.
16. O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2017-2020. Toshkent, 2021. - 287 b.
17. Dana Magdalena Micu, Vlad Alexandru Amihaesei, Narcisa Milian&Sorin heval. Recent changes in temperature and precipitation indices in the Southern Carpathians, Romania (1961–2018). *Theoretical and Applied Climatology*. 2021. <https://link.springer.com/article/10.1007/s00704-021-03560-w>
18. Ellen Audia, M. Megan Woller-Skar&Alexandra Locher. Crowd-sourced data link land use and soil moisture to temperature and relative humidity in southwest Michigan (USA). *Theoretical and Applied Climatology*. 2021, Volume 143, -PP. 341–348.
19. Kudoyarova G.R., Veselov D.S., Faizov R.G., Veselova S.V., Ivanov E.A.& Farkhutdinov R.G. Stomata response to changes in temperature and humidity in wheat cultivars grown under contrasting climatic conditions. *Russian Journal of Plant Physiology*. 2007. Volume 54, - PP.46–49.
20. Kholbaev G. Kh, Abdullaev A.K. Change of meteorological values in the autumn of Republic of Karakalpakstan and Khorezm region. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*. 2020.Vol. 7, Issue 3, March. –PP. 123123-13130.
21. Kholbaev G.Kh., Abdullaev A.K., Egamberdiev Kh.T., Ergasheva Yu.Kh. Phenological Phases and Thermal Mode of the Winter Wheat in the Irrigated Areas in the Fergana Region. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 2020. Vol. 24, Issue 05, –PP. 3833-3838.
22. Kholbaev G.Kh., Khadjieva G. The air temperature changes in the irrigated areas of the republic of Karakalpakstan. *SIJF Impact Factor: 7.001 EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*. 2020.Volume: 5. Issue: 5. May <https://doi.org/10.36713/epra2016>. www.eprajournals.com
23. Kholbaev G.Kh., Abdullaev A.K., Egamberdiev Kh.T. The vegetation period of winter wheat in southern areas of the Republic of Uzbekistan. *Journal of Critical reviews*. 2020. Vol 7, Issue 9, –PP. 122-125.
24. Kholbaev G.Kh., Egamberdiev Kh.T., Egamberdiev H.Kh. Change of meteorological values in autumn of Samarkand region. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. 2020. Vol. 24, Issue 05, –PP. 6652-6660.
25. Kholbaev G.Kh., Egamberdiev Kh.T. Influence of Air Temperature Changes and Productivity Elements at Different Observation Periods. *Alinteri J. of Agr. Sci*. 2021. 36(1): -pp. 242-247
26. Liu Yang, Xinrong Cheng, Zhijie Jiang, Zhijun Ren. Research on the Monitor and Control System of Granary Temperature and Humidity Based on ARM. *International Conference on Computer and Computing Technologies in Agriculture CCTA 2011: Computer and Computing Technologies in Agriculture*. –PP. 257-264
27. Montes-García, N., Prom L.K., Williams-Alanis H.& Isakeit T. Effect of temperature and relative humidity on sorghum ergot development in northern Mexico. *Australasian Plant Pathology*. 2009. Volume 38, -PP. 632–637.
28. Mohammad Reza Kousari & Mohammad Amin Asadi Zarch. Minimum, maximum, and mean annual temperatures, relative humidity, and precipitation trends in arid and semi-arid regions of Iran. *Arabian Journal of Geosciences*. 2011. Volume 4, -PP. 907–914.
29. Waldron L.J. & Terry N. The influence of atmospheric humidity on leaf expansion in Beta vulgaris. *Planta*. 1987. Volume 170, - PP. 336–342.
30. www.fao.org
31. Ҳасанов И., Ғуломов П.Н., Қаюмов А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Ўқув қўлланма.-Т.: Университет, 2010. 14-25 бет.
32. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари.Стат уз.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси вилоятларида бугдойнинг экин майдони, яппи ҳосили, аҳоли жон бошига тўғри келадиган бугдой миқдори ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мамлакат, Ўзбекистон, бугдой, майдон, ҳосилдорлик, яппи ҳосил, аҳоли.

Аннотация: В работе сопоставлены и проанализированы данные о урожайности, валовом сборе пшеницы, возделывание пшеницы на душу населения, вилоятов Узбекистане. Даны предложения по развитию научно-исследовательских работ в соответствующих направлениях сельского хозяйства.

Ключевое слово: страна, Узбекистан, пшеница, площадь, урожайность, продукция, населения

Annotation. The article compares and analyzes data on wheat cropland, crop yield, gross domestic product, per capita wheat in the world, Uzbekistan and neighboring countries.

Keywords. Country, Uzbekistan, Wheat, Field, Harvest, Products, Population.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ИНВЕСТИЦИЙ, ИХ СОДЕРЖАНИЕ И РОЛЬ В РАЗВИТИИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Абдиева Н., Раджабова Г.

Ташкентский финансовый институт

Введение. Поступательное развитие экономики непосредственно связано с воспроизводством основных фондов ввиду того, что удовлетворение возникающих общественных потребностей требует реконструкции, технического перевооружения существующих основных фондов или создания новых, способных давать требуемую продукцию. Для достижения этой цели нужны дополнительные ресурсы, капитал (инвестиции).

Объективно необходимым звеном воспроизводственного процесса является замена изношенных основных средств новыми, которая осуществляется с помощью механизма аккумулирования амортизационных отчислений и их использования на приобретение нового оборудования и модернизацию действующих основных фондов. Вместе с тем существенное расширение производства может быть обеспечено только за счет новых вложений средств, направляемых как на создание новых производственных мощностей, так и на совершенствование, качественное обновление техники и технологии. Именно вложения, используемые для развития и расширения производства с целью извлечения дохода в будущем, составляют экономический смысл инвестиций.

Обзор литературы. Существуют различные модификации определений понятия «инвестиции», отражающие множественность подходов к пониманию их экономической сущности. В значительной степени это обусловлено экономической эволюцией, спецификой конкретных этапов историко-экономического развития, господствующих форм и методов хозяйствования. С точки зрения финансовых параметров (или с позиций финансиста, бухгалтера) инвестиции могут быть представлены как любые виды активов, вкладываемых в производственно-хозяйственную деятельность с целью последующего получения дохода, выгоды. С точки же зрения экономической (а значит, с позиций оценки экономической целесообразности использования ресурсов в виде основного и оборотного капитала) инвестиции рассматривают как расходы на создание (приобретение), расширение, реконструкцию и техническое перевооружение основного капитала, а также на вызванные этим изменения размеров и состава оборотного капитала.

В Законе Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» инвестиции определены следующим образом: «инвестиции — материальные и нематериальные блага и права на них, в том числе права на объекты интеллектуальной собственности, а также реинвестиции, вкладываемые инвестором на условиях несения рисков в объекты социальной сферы, предпринимательской, научной и других видов деятельности в целях получения прибыли, которые могут включать в себя: средства, в том числе денежные средства (включая иностранную валюту), целевые банковские вклады, паи, доли, акции, облигации, векселя и иные ценные бумаги; движимое и недвижимое имущество (здания, сооружения, оборудование, машины и другие материальные ценности); имущественные права интеллектуальной собственности, в том числе запатентованные или незапатентованные (ноу-хау) технические, технологические, коммерческие и другие знания, оформленные в виде технической документации, навыков и производственного опыта, необходимые для организации того или иного вида производства, а также другие ценности, не запрещенные законодательством Республики Узбекистан».

Русский учёный Илья Мельников определил капитальные вложения следующим образом: Основные фонды – это и долгосрочные финансовые вложения, т. е. вложения сроком более 1 года в ценные бумаги других предприятий, процентные облигации государственных и местных займов, уставные фонды других предприятий и т. п. Сюда же входят и капитальные вложения – вложения средств в новое строительство и приобретение основных средств, а также в реконструкцию, расширение и техническое перевооружение действующих основных фондов. (И. Мельников). В.Золотоголов определил инвестиции как одним из важнейших элементов, на котором основывается экономика и благосостояние государства, развитие производства, предпринимательства и бизнеса. (В.Золотоголов)

Scott B.Jackson, Xiaotao(Kelvin) Liu, Mark Cecchini в результате проведенных исследований пришли к выводу, что выбор хозяйствующими субъектами метода амортизации, влияет на решения менеджеров о капиталовложениях: Мы обнаружили, что хозяйствующие субъекты, использующие ускоренную амортизацию, делают значительно большие капитальные вложения, чем использующие линейную амортизацию. Кроме того, мы обнаружили, что за последние два десятилетия произошел переход от ускоренной амортизации к линейной амортизации. Хозяйствующие субъекты, которые вносят такие изменения в бухгалтерский учет, делают меньшие капитальные вложения в периоды после изменений, чем в периоды до изменений. Эти результаты свидетельствуют о том, что выбор, сделанный для целей внешней финансовой отчетности, влияет на решения менеджеров о капитальных вложениях. (Scott B.Jackson, Xiaotao(Kelvin) Liu, Mark Cecchini)

Таким образом, можно сделать вывод о том, что как экономическая категория инвестиции выражают: - вложение капитала в объекты предпринимательской деятельности с целью прироста первоначально авансированной стоимости (в форме прибыли); денежные (финансовые) отношения, возникающие между

участниками инвестиционной деятельности в процессе реализации различных проектов (застройщиками, подрядчиками, банками, государством).

Методология исследования. Методологической базой исследования являются диалектическая теория развития, фундаментальные положения теорий, включающие анализ и теоретическое обобщение сущности, содержания и роли инвестиций в развитии промышленных предприятий. Методологические исследования, направленные на эффективные формы капитальных вложений а также оценки его эффективности проводили ведущие научные центры мира, а также высокорейтинговые высшие учебные заведения.

Анализ и результаты. Экономическая природа инвестиций состоит в опосредовании отношений, возникающих между участниками инвестиционного процесса по поводу формирования и использования инвестиционных ресурсов в целях расширения и совершенствования производства. Поэтому инвестиции как экономическая категория выполняют ряд важных функций, без которых невозможно развитие экономики. Они определяют рост экономики, повышают её производственный потенциал.

На макроуровне инвестиции являются основой для осуществления политики расширенного производства, ускорения научно-технического прогресса, улучшения качества и обеспечения конкурентоспособности отечественной продукции, структурной перестройки экономики и сбалансированного развития всех её отраслей, создания необходимой сырьевой базы промышленности, развития социальной сферы, решения проблем обороноспособности страны и её безопасности, проблем безработицы, охраны окружающей среды и т.д. На микроуровне они необходимы для обеспечения нормального функционирования предприятия, стабильного финансового состояния и максимизации прибыли хозяйствующего субъекта. Без инвестиций невозможны обеспечение конкурентоспособности выпускаемых товаров и оказываемых услуг, преодоление последствий морального и физического износа основных фондов, приобретение ценных бумаг и вложение средств в активы других предприятий, осуществление природоохранных мероприятий и т.д..

Для осуществления инвестиционной деятельности как на макро- так и на микроуровнях необходимо детально представлять существующие виды и типы инвестиций. Инвестиционная деятельность – вложение инвестиций и осуществление практических действий в целях получения прибыли и (или) достижения иного полезного эффекта.

Капитальные вложения - инвестиции в основной капитал (основные средства), в том числе затраты на новое строительство, расширение, реконструкцию и техническое перевооружение действующих предприятий, приобретение машин, оборудования, инструмента, инвентаря, проектно-изыскательские работы и другие затраты. Инвестиционный проект - обоснование экономической целесообразности, объема и сроков осуществления капитальных вложений, в том числе необходимая проектная документация, разработанная в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и утвержденными в установленном порядке стандартами (нормами и правилами), а также описание практических действий по осуществлению инвестиций (бизнес-план). Любые инвестиции связаны с инвестиционной деятельностью предприятия, которая представляет собой процесс обоснования и реализации наиболее эффективных форм вложений капитала, направленных на расширение экономического потенциала предприятия. Для осуществления инвестиционной деятельности предприятия вырабатывают инвестиционную политику. Эта политика является частью стратегии развития предприятия и общей политики управления прибылью. Она заключается в выборе и реализации наиболее эффективных форм вложения капитала с целью расширения объема операционной деятельности и формирования инвестиционной прибыли. Инвестиционная политика на предприятиях должна вытекать из стратегических целей их бизнес-планов, т. е. из перспективы, а в конечном итоге она должна быть направлена на обеспечение финансовой устойчивости предприятий не только на сегодня, но и на будущее. Если этого плана нет, то ни о какой инвестиционной политике не может быть и речи. Основной целью инвестиционной политики предприятия является обеспечение экономического подъема за счет привлечения инвестиций в эффективные и конкурентно способные производства и виды деятельности, способные обеспечить создание собственного инвестиционного потенциала.

Инвестиционная политика предприятия представляет собой сложную, взаимосвязанную и взаимообусловленную совокупность видов деятельности предприятия, направленную на своё дальнейшее развитие, получение прибыли и других положительных эффектов в результате инвестиционных вложений.

Разработка инвестиционной политики предполагает: определение долгосрочных целей предприятия, выбор наиболее перспективных и выгодных вложений капитала, разработку приоритетов в развитии предприятия, оценку альтернативных инвестиционных проектов, разработку технологических, маркетинговых, финансовых прогнозов, оценку последствий реализации инвестиционных проектов. Инвестиционная политика выступает как часть реформирования предприятия и нацелена на обеспечение оптимального использования инвестиционных ресурсов, рациональное сочетание различных источников финансирования, на достижение положительных интегральных показателей эффективности проекта и в целом - на экономически целесообразные направления развития производства.

При её разработке необходимо предусмотреть: 1. Достижение экономического, научно-технического и социального эффекта от рассматриваемых мероприятий – для каждого объекта инвестирования используют специфические методы оценки эффективности, а затем отбирают те проекты, которые при прочих равных условиях обеспечивают предприятию максимальную эффективность инвестиций. 2. Получение предприятием наибольшей прибыли на вложенный капитал при минимальных

инвестиционных затратах (капиталовложениях). 3. Рациональное распоряжение средствами на реализацию неприбыльных инвестиционных проектов, то есть снижение расходов на достижение соответствующего социального, научно-технического и экологического эффекта реализации данных проектов. 4. Использование предприятием для повышения эффективности инвестиций государственной поддержки в форме бюджетных кредитов, налоговых льгот, и т.д. 5. Минимизацию инвестиционных рисков, связанных с выполнением конкретных проектов. 6. Обеспечение ликвидности долгосрочных инвестиций.

Формирование инвестиционной политики представлено на рисунке 1.




Рисунок 1 - Содержание и основные этапы формирования инвестиционной политики предприятия.⁸

В таблице № 1 приведена структура освоенных инвестиций в основной капитал по источникам финансирования в Республике Узбекистан. По данным таблицы можно увидеть, что за последние 3 года привлеченные средства составили в 2019 году 70,7 %, из областей самый высокий процент в Навоийской и Сурхандарьинской областях-84,3%. В 2020 году привлеченные средства составили 60,9 %. Из общего показателя наиболее высокий у Джизакской области-79,1%. Из этого можно сделать вывод что Такие области как Навоий, Джизак и Сурхандарья занимают передовые позиции по привлечению инвестиций.

Таблица 1. Структура освоенных инвестиций в основной капитал по источникам финансирования в Республике Узбекистан⁹

(в процентах к итогу)															
	Собственные средства предприятий и населения	Привлеченные средства	из них за:			Собственные средства предприятий и населения	Привлеченные средства	из них за:			Собственные средства предприятий и населения	Привлеченные средства	из них за:		
			государственный бюджет	кредиты банков и прочие заемные средства	иностранные инвестиции и кредиты			государственный бюджет	кредиты банков и прочие заемные средства	иностранные инвестиции и кредиты			государственный бюджет	кредиты банков и прочие заемные средства	иностранные инвестиции и кредиты
	2019	2020					Январь-сентябрь 2021								
Республика Узбекистан	29,3	70,7	9,0	13,8	43,6	40,8	59,2	6,8	7,6	42,7	38,6	61,4	8,5	8,9	41,9
Республика Каракалпакстан	34,3	65,7	15,3	7,1	36,9	39,1	60,9	12,1	7,7	38,9	39,8	60,2	13,0	9,9	32,9
области:															
Андижанская	38,2	61,8	8,6	12,3	39,6	47,6	52,4	6,3	8,7	36,3	42,9	57,1	7,2	6,8	40,7
Бухарская	28,9	71,1	7,1	9,1	53,9	38,3	61,7	5,8	7,4	48,2	27,8	72,2	4,4	5,4	60,9
Джизакская	22,5	77,5	10,8	15,6	48,8	20,9	79,1	5,5	9,3	61,9	43,5	56,5	6,5	18,1	29,1
Кашкадарьинская	22,2	77,8	3,7	3,0	70,3	21,6	78,4	3,6	3,8	69,3	37,4	62,6	4,9	4,4	50,0
Навоийская	15,7	84,3	2,8	22,1	39,9	25,8	74,2	1,9	2,3	67,8	22,8	77,2	5,0	10,2	60,9
Наманганская	29,4	70,6	4,9	15,9	45,8	41,9	58,1	5,9	14,3	37,2	38,6	61,4	7,9	17,0	34,8
Самаркандская	38,5	61,5	12,1	20,0	27,8	53,0	47,0	8,0	10,7	27,0	46,2	53,8	11,5	10,8	29,7
Сурхандарьинская	15,7	84,3	5,8	11,1	66,3	23,7	76,3	7,5	7,6	60,1	30,0	70,0	11,5	9,0	46,5
Сырдарьинская	20,4	79,6	10,5	22,4	44,8	29,9	70,1	7,8	11,2	48,7	25,3	74,7	10,9	14,2	47,6
Ташкентская	38,6	61,4	11,5	16,2	26,0	51,6	48,4	9,6	8,8	26,7	45,2	54,8	10,1	8,7	34,3
Ферганская	34,7	65,3	8,1	13,7	42,7	43,3	56,7	7,6	7,0	41,3	40,9	59,1	9,6	6,3	40,3
Хорезмская	32,8	67,2	9,5	13,6	42,5	41,2	58,8	8,5	14,5	32,0	41,9	58,1	8,9	12,3	32,3
г. Ташкент	36,6	63,4	7,6	16,1	36,7	54,0	46,0	6,8	6,1	29,9	42,5	57,5	8,6	6,1	41,4

⁸ Рисунок составлен авторами на основе изученного материала

⁹ Таблица составлена на основе информации Комитета статистики Республики Узбекистан

Таблица 2. Освоение инвестиций в основной капитал в Республике Узбекистан¹⁰

	2017		2018		2019		2020		Январь-сентябрь 2021	
	(в фактических ценах, млрд. сумов)	(темпы роста, %)	(в фактических ценах, млрд. сумов)	(темпы роста, %)	(в фактических ценах, млрд. сумов)	(темпы роста, %)	(в фактических ценах, млрд. сумов)	(темпы роста, %)	(в фактических ценах, млрд. сумов)	(темпы роста, %)
Республика Узбекистан	72155,2	119,4	124231,3	129,9	195927,3	138,1	210195,1	95,6	163933,8	105,0
Республика Каракалпакстан	2822,0	60,4	6757,8	169,9	8750,6	100,3	7089,8	69,9	5543,8	100,6
области:										
Андижанская	2986,0	114,3	4711,9	113,7	7452,1	129,0	9622,6	110,6	7653,0	111,5
Бухарская	11613,4	154,7	9610,9	60,6	10366,6	95,9	12183,9	104,7	13805,4	125,1
Джизакская	1788,2	108,2	3606,3	158,1	7900,9	194,9	12545,4	147,4	9036,4	98,2
Кашкадарьинская	11175,3	129,7	16518,5	112,4	24462,5	131,2	20557,6	76,5	10841,0	67,9
Навоийская	3977,9	107,4	10579,5	188,0	17646,3	144,3	15688,4	77,1	11730,4	84,7
Наманганская	3586,7	110,2	8158,1	178,1	12084,9	131,1	12007,2	88,0	9392,7	102,9
Самаркандская	4384,2	105,7	7061,4	131,4	10266,7	134,5	14656,4	128,8	12170,8	119,4
Сурхандарьинская	3551,0	148,4	7240,6	164,2	11835,1	144,0	10068,2	77,4	7078,8	124,2
Сырдарьинская	1628,0	115,4	2699,3	131,0	5869,1	186,0	7191,9	111,2	5284,4	100,4
Ташкентская	5938,4	118,4	11226,9	139,9	20353,9	158,5	21148,6	92,2	17194,0	117,8
Ферганская	2954,5	98,6	5539,1	145,9	8685,4	132,0	11040,0	113,5	9102,7	103,1
Хорезмская	2175,9	128,5	3013,8	111,7	5032,0	150,7	5391,8	92,7	5726,8	135,2
г. Ташкент	13573,7	121,4	26435,7	138,2	42458,1	145,8	50371,3	108,6	38795,3	119,1

Таблица 3. Структура инвестиций в основной капитал по видам основных фондов в Республике Узбекистан.¹¹

(млрд. сум)		
Основные фонды	2019	2020
Всего	195927,3	210195,1
Жилые здания	20621,9	23200,8
Нежилые здания	33408,1	38172,7
Другие сооружения	23148,7	27039,0
Улучшения земли	127,3	285,9
Машины и оборудование, всего	107305,8	110493,8
в том числе:		
Транспортное оборудование	16588,2	12415,2
Информационное, компьютерное и телекоммуникационное (ИКТ) оборудование	3194,8	7347,0
Другие машины и оборудование	87522,7	90731,6
Ресурсы животных, приносящих продукцию на регулярной основе	2418,9	2843,0
Ресурсы деревьев, сельскохозяйственных культур и насаждений, приносящих продукцию на регулярной основе	372,0	880,7
Издержки, связанные с передачей прав собственности на произведенные активы	198,1	225,0
Компьютерное программное обеспечение и базы данных	28,7	25,2
Оригиналы развлекательных, литературных и художественных произведений	3,7	1,6
Научные исследования и разработки	5,9	86,5
Разведка и оценка запасов полезных ископаемых	763,7	26,7
Другие продукты интеллектуальной собственности	330,1	229,0

³ Таблица составлена на основе информации Комитета статистики Республики Узбекистан⁴ Таблица составлена на основе информации Комитета статистики Республики Узбекистан

В таблице № 2 приведены данные по освоению инвестиций в основной капитал в Республике Узбекистан по областям. По данным таблицы, можно сделать выводы, что наиболее высокие темпы роста по освоенным инвестициям в основной капитал по Республике в целом, составили 119,4 %, 129,9 % и 138,1 % в 2017, 2018 и в 2019 годах относительно. В 2021 году данный показатель снизился на 23,1 % и составил 105,0 %.

В таблице №3 приведена Структура инвестиций в основном капитале по видам основных фондов в Республике Узбекистан. И по данным таблицы, можно увидеть, что инвестиции в основные фонды в целом в 2019 году составили 195927,3 млрд.сум, в 2020 году данный показатель увеличился на 7 % и составил

210195,1 млрд.сум. Из этого наибольший показатель у машин и оборудования 107305,8 млрд.сум и 110493,8 млрд.сум соответственно, что составляет 54,76% и 52,57%. На втором месте по привлечению инвестиций занимают нежилые здания, которые составляют 17% и 18,2 процентов в 2019 и 2020 годах соответственно.

Заключение и выводы. В результате написания данной статьи можно сделать следующие выводы. Инвестиции являются одним из важнейших инструментов для развития экономики и благосостояние страны, развития производства и бизнеса. Инвестиции – это вложение капитала как в денежной, так и материальной и нематериальной формах в объекты предпринимательской деятельности с целью получения текущего дохода или обеспечения возрастания его стоимости в будущем. Важным рычагом воздействия на экономику страны и деятельность хозяйствующих субъектов является инвестиционная политика. Инвестиционная политика – составная часть экономической политики, проводимой государством и предприятиями в виде установления структуры и масштабов инвестиций, направлений их использования, источников получения с учетом необходимости обновления основных средств и повышения их технического уровня. Республика Узбекистан имеет налаженную стабильную инвестиционную политику, которая направлена на инвестиционные проекты, с целью развития как экономики страны в целом, так и каждого региона в частности. Также особое внимание уделяется во вложение капитала в основные фонды который играет немаловажную роль в деятельности предприятий. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёевым «О мерах по реализации инвестиционной программы республики Узбекистан на 2020 — 2022 годы» была утверждены прогнозные параметры освоения капитальных вложений, инвестиций и кредитов на 2020-2022 годы, где только в 2020 году запланировано 635 инвестиционных проектов.

Основные направления инвестиционной деятельности Республики Узбекистан включают – новое строительство, модернизация и реконструкция и другие.

Использованная литература

1. Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» 2019г.
2. Постановление, Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации инвестиционной программы республики Узбекистан на 2020 — 2022 годы» ПП №4563 от 09.01.2020 г.
3. Мельников И. Бухгалтерский учёт. М: 2010. Литагенство Ильи Мельникова
4. Золотогоров, В.Г. Инвестиционное проектирование / В.Г. Золотогоров. – Мн.: Книжный Дом, 2015.
- 5.Scott B.Jackson, Xiaotao(Kelvin) Liu, Mark Cecchini. Economic consequences of firms' depreciation method choice: Evidence from capital investments. Journal of Accounting and Economics.October 2009, Pages 54-68.
6. <https://stat.uz>- официальный сайт Комитета статистики Республики Узбекистан.

УДК 338 . 51 : 004

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Мырзатаев С.М.

Қорақалпоқ давлат университети

Хизмат кўрсатиш соҳаси аллақачон барқарор ривожланишнинг асосий механизми сифатида шаклланиб улгурди [1]. Шу билан бирга хизматлар соҳасининг ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотидagi улуши ҳам ошиб боргани ҳолда бугунги кунга келиб жаҳон ЯИМда хизматлар соҳаси улуши 65 фоизни ташкил қилмоқда [2]. Натижада, жаҳондаги жами банд аҳолининг 50,6 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда [3]. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланган мамлакатлардаги юқори улуши, шунингдек, ривожланаётган давлатлардаги улушининг тез суръатларда ўсиб бориши унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муҳим драйвер сифатида шаклланишига асос бўлмоқда. Шу сабабдан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожини таъминлашда хизматлар соҳаси таянч вазифасини баражариб келмоқда.

Бугунги ахборотлашган жамиятда ахборотлар оқимининг тезлашуви ҳамда маълумотлар базасининг кенгайиб бориши, уларни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш учун керакли ҳолатга келтириш каби жараёнларнинг мураккабланишига сабаб бўлмоқда. Натижада, ушбу жараёнларни осонлаштириш учун АКТдан фойдаланишни замон талабига айлантирди. Катта ҳажмдаги ахборотлар турли усуллар асосида иқтисодий таҳлилларни амалга оширишни ҳам қийинлаштирди. Махсус дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалиётда фойдаланиши назария билан амалиётни боғлашдаги қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Юқорида келтирилганларни инobatта олган ҳолда, хизматлар соҳаси тараққиётида ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг таъсирини баҳолаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ялпи қўшилган қийматининг 40,9 фоизини ташкил қилади ва инфратузилманинг ривожланишини таъминлаш асосида бошқа тармоқлар тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади. Статистик таҳлиллар 2010-2020 йиллар мобайнида хизматлар соҳасининг барқарор суръатларда ўсиши тенденциясига эга бўлганлигини тасдиқлаётганлигига қарамадан ЯИМдаги улушининг ўзгариб туриши ҳамда давр охирига келиб пасайганлиги кузатилади. Соҳа ривожидagi барқарорлик даражасини аниқ микдорий усуллар асосида баҳолаб ўтиш мақсадида жами хизматлар ҳажми ҳамда унинг асосий йўналишларининг ўсиш даражаси бўйича статистик таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида жами хизматлар ва хизмат турлари ўсиш суръатининг сататистик таҳлили

	Хизматлар жами	Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	Молия хизматлари	Транспорт хизматлари	Савдо хизматлари	Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	Компьютер, шахсий фойдаланиш буюмлари ва машииний товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар
Ўртача	113.8	117.4	132.4	108.4	114.6	114.1	111.0
Стандарт хатолик	1.4	3.2	4.1	2.2	3.1	2.9	2.8
Медиана	113.2	115.8	135.7	106.6	118.7	113.7	110.8
Мода	#Н/Д	#Н/Д	135.7	116.2	118.7	#Н/Д	#Н/Д
Ўртача квадратик четланиш	4.6	10.7	13.6	7.2	10.4	9.6	9.2
Дисперсия	20.8	115.4	185.7	51.7	108.1	92.7	84.4
Эксцесс	-0.9	0.4	0.8	-0.8	-1.4	-0.5	-1.4
Асимметрия	-0.2	1.0	-0.1	-0.1	0.2	-0.2	0.0
Интервал	13.7	33.8	51.4	22.2	28.6	32.7	27.7
Минимум	106.1	105.4	105.8	95.4	101.8	96.8	96.5
Максимум	119.8	139.2	157.2	117.6	130.4	129.5	124.2
Сумма	1252.0	1291.3	1456.2	1192.5	1260.1	1255.2	1220.7
Кузатувлар сони	11.0	11.0	11.0	11.0	11.0	11.0	11.0
Энг катта қиймат (1)	119.8	139.2	157.2	117.6	130.4	129.5	124.2
Энг кичик қиймат (1)	106.1	105.4	105.8	95.4	101.8	96.8	96.5
Ишончлилик даражаси (95.0%)	3.1	7.2	9.2	4.8	7.0	6.5	6.2

Олинган натижалар мазкур даврда ўртача ўсиш суръати жами хизматларда 13,8 фоизни, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларида 17,4 фоизга тенг бўлганлигини кўрсатади. Юқори ўсиш суръати молия хизматлари ҳиссасига тўғри келгани ҳолда 32,4 фоизни ташкил қилган. Транспорт хизматларида ўртача ўсиш суръати мазкур даврда энг кичик қийматга эга бўлган, савдо, ижара ва лизинг хизматларида мос равишда 14,6 ва 14,1 фоизни ташкил қилган. Шунга мос равишда мазкур кўрсаткичларнинг ўртача квадратик четланишларидаги фарқларни ҳам кузатиш мумкин, бироқ транспорт хизматларининг ўртача ўсиш суръати паст бўлишига қарамасдан ўртача квадратик четланиш кўрсаткичи 7,6 бирликни ташкил қилмоқда. Бу дегани ундан ўртача ўсиш суръати 1,6 баробар юқори бўлган жами хизматларнинг ўртача квадратик четланишига нисбатан 1,5 баробарга юқори қийматга эга бўлмоқда.

Молия хизматларини ҳисобга олмаганда келтириб ўтилган барча хизмат турлари бўйича юқорида келтириб ўтилган муаммони кузатиш мумкин. Бундан кўринадики, хизматлар турларининг ривожланиши анча беқарор бўлиб, жами хизматлар ҳажмининг ўсишидаги барқарорликни бузган ҳолда уларнинг улушининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу жараёни ўрганиш мақсадида хизмат соҳаси таркибий тузилишининг ўзгариш динамикасига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз (2-жадвал).

2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси таркибий тузилишининг ўзгариш динамикаси


	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўзгариш
Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	5.5	6.5	9.1	9.7	9.0	8.6	8.1	8.5	7.5	6.2	5.9	0.4
Молия хизматлари	8.4	6.0	6.5	7.2	7.6	8.2	8.9	10.1	13.2	17.7	19.8	11.4
Транспорт хизматлари	34.4	42.0	36.7	34.2	33.8	35.3	31.4	28.6	28.1	26.2	25.7	-8.8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0.5	0.5	0.5	0.6	0.7	0.8	2.8	3.0	3.0	2.8	2.6	2.1
Савдо хизматлари	25.8	23.9	25.8	26.1	27.0	24.0	24.9	25.4	24.5	23.3	23.7	-2.1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3.1	3.0	3.1	3.6	3.5	3.8	3.7	3.8	3.4	2.9	2.5	-0.5
Таълим соҳасидаги хизматлар	5.1	4.2	4.3	4.5	4.4	4.5	4.4	4.8	4.9	5.3	5.7	0.6
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0.7	0.6	0.7	0.8	0.9	1.0	1.1	1.2	1.1	1.1	1.1	0.4
Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	2.4	2.0	2.1	2.3	2.3	2.3	2.3	2.3	2.2	2.2	2.1	-0.3
Компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	5.1	4.0	3.8	3.6	3.5	3.9	4.2	3.8	3.4	3.1	2.9	-2.2
Шахсий хизматлар	4.9	3.8	3.7	3.8	4.0	4.4	4.5	4.2	4.0	3.8	3.6	-1.2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	0.7	0.5	0.7	0.7	0.6	0.7	1.0	1.1	1.6	1.9	1.4	0.7
Бошқа хизматлар	3.4	2.9	3.0	3.0	2.9	2.6	2.8	3.3	3.1	3.3	3.0	-0.4
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	

Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг улуши 2020 йилга келиб 5,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда, 2010 йилга нисбатан 0,4 бирликка кўтарилган, бироқ ушбу давр мобайнида у ўзининг максимал қийматига 2013 йилда эришиб жами хизматлардаги улуши 9,7 фоизга етган. 2017 йилдаги ўсишни ҳисобга олмаганда 2014 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 2020 йилга келиб 3,8 бирликка пасайган. Хизмат турларининг улушидаги энг юқори ўзгариш молия хизматларига тўғри келади, 2011 йилдаги пасайишни ҳисобга олмаганда ўсиш тенденцияси таъминланган. Натижада, молия хизматларининг улуши 8,4 фоиздан 19,8 фоизгача ошган. Энг юқори пасайиш транспорт хизматларига тўғри келиб, 8,8 бирликка пасайган, ундан кейинги ўринда 2,2 бирликка пасайиш билан компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар келмоқда.

Ҳисоб-китобларимиз натижаларига кўра, 2010-2020 йилларда ҳудудда барча турдаги хизматларнинг ўсиши кузатилган, уларнинг ўсиш даражалари орасидаги фарқнинг мавжудлиги манфий қийматларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Хусусан, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳажми 5,6, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 3,0 баробарга ошиши таъминланган. Энг паст ўсиш транспорт ва таълим хизматларига тўғри келгани ҳолда, уларнинг қиймати мос равишда 2,4 ва 2,8 ни ташкил қилган.

Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг ҳудуд ривожига алоҳида аҳамият қаратиб ўтдик. Дастлаб мазкур хизмат турларини жами хизматлар ҳажмида етарли даражада юқори улушга эгаллиги, аммо кейинги даврда пасайиш тенденцияси кузатилганлигини ҳисобга олган ҳолда, омилли таҳлилни амалга оширилди. Яъни,

хизматлар ҳажмидаги йиллик ўсишнинг қанча фоизи айнан ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳамда унинг ўзгариш динамикасига эътиборни қаратиб ўтамиз (1-расм).



1-расм. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг жами хизматларнинг ўсишига таъсирини баҳолашнинг омили таҳлили натижалари

Қорақалпоғистон Республикасида 2010 йида жами хизматлардаги 16,2 фоизга ўсишнинг 1,3 қисми, бошқача айтганда жами 16,2 фоиз ўсишни 100 фоиз деб қабул қилганда, шунинг 8,3 фоизи ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ҳиссасига тўғри келган. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг жами хизматлар ўсишига таъсири ўсиш даражалари орасидаги фарқга қараб ўзгариб турганлиги кузатиш мумкин. Хусусан, 2013 йилга келиб жами хизматлар, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар ўсиш даражалари орасидаги фарқ тадқиқ қилинаётган даврдаги ўзининг максимал қиймати эришган 24,4 (39,2-14,8) бирликка етган натижада таъсир ҳам юқори бўлиб, 25,7 фоизни ташкил қилган. 2014 йилга келиб жами хизматларнинг ўсиш суръатининг ошиши ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар турларининг пасайиши натижасида таъсирнинг ҳам камайиши кузатиш мумкин ҳолда 14,9 фоизгача камайган. Кейинги даврда фарқнинг тескари томонга ўзгариши таъсирнинг камайишига сабабчи бўлган, натижада 2020 йилга келиб 7,5 фоизгача камайган.

Келтирилган таҳлилларга қўра, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръатларининг пасайиши, шу билан бирга унинг жами хизматлардаги улушининг ҳам камайиши хизматлар соҳаси ривожига таъсирининг сусайишига сабаб бўлмоқда. Фикримизча, ахборот ва алоқа хизматларини кенгайтириш, улардан фақат аҳолига хизмат кўрсатиш эмас, балки иқтисодий тармоқларини бошқаришда фойдаланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, самарадорликни ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади. Келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишида хизматлар соҳаси, хусусан ахборот технологияларидан фойдаланиш тармоғига эътибор қаратиб ўтган ҳолда тадқиқотимизда уларни амалиётга жорий қилиш йўналишларини аниқлаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Laurentiu, Tachiciu. (2012). Contribution of Services to Economic Development. *Amfiteatru Economic*. 14. 578-579.;
2. <https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS>;
3. <https://data.worldbank.org/indicator/SL.SRV.EMPL.ZS>.

Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси тараққиётида ахборот-коммуникация хизматлари таъсирини баҳолаш

Мырзатаев С.М. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси тараққиётида ахборот-коммуникация хизматлари роли баҳоланган.

Калит сўзлар: ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, омили таҳлил, квадратик четланиш, микдорий усуллар, статистик таҳлил.

Оценка влияния информационно-коммуникационных услуг на развитие сферы услуг в Республике Каракалпакстан

Мырзатаев С.М. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается оценена роль информационно-коммуникационных услуг в развитии услуг в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: услуги в сфере информации и связи, факторный анализ, квадратичное отклонение, количественные методы, статистический анализ.

Assessment of the impact of information and communication services on the development of services in the Republic of Karakalpakstan

Myrzataev S.M. Karakalpak State University

Summary: In the article the role of information and communication services in the development of services in the Republic of Karakalpakstan was assessed.

Key words: services in the field of information and communication, factor analysis, quadratic deviation, quantitative methods, statistical analysis.

УДК 330.341

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Мырзанов Б.Ж., Тажекеев З.К., Рузиева Д.А.

Қорақалпоқ давлат университети

Яширин иқтисодиётни ўрганиш муаммолари бугунги кунда мамлакатимизда ҳам бутун дунёда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Яширин иқтисодиёт – бу моддий неъматлар ва хизматларни иқтисодиёт субъектлари томонидан яширин тарзда ишлаб чиқариш, алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар амалда мавжуд, лекин ҳисобга олинмаган, қонунчиликни четлаб ўтиш мумкин бўлган, нолегал даромад топиш усулидир.

Миллий иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада бўлиши бизнес субъектлари ўртасида тенг бўлмаган бизнес юритиш мухитини юзага келтиради.

Юқоридаги салбий оқибатларни олдини олиш ва мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли қарори [2], 2020 йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 6098-сон Фармони қабул қилинди [1]. Ушбу норматив ҳужжатларда иқтисодиётда яширин айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, бизнеснинг «соядан» чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини «пулни ювиш»га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, яширин иқтисодиётнинг ривожланишини тавсифловчи омилларни баҳолаш, яширин иқтисодиёт юқори бўлган соҳаларни статистик усулларда таҳлил қилиш ва прогнозлашни тақозо этади.

Иқтисодчи олимлар томонидан яширин иқтисодиётни ўрганишга жиддий эътибор XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. “Яширин иқтисодиёт” тушунчасини таърифлашда мавжуд ёндашувлар иқтисодий фаолиятнинг турли, лекин кўпинча ўзаро боғлиқ турларини акс эттиради ва улар доирасида бу тушунча қуйидагича изоҳланади: “яширин иқтисодиёт”, “норасмий иқтисодиёт”, “хуфиёна иқтисодиёт”, “соядаги иқтисодиёт” ва бошқалар.

Яширин иқтисодиёт ҳажмини ҳисоблаш усулларининг назарий-услубий масалалари хорижлик олимлардан Ф. Шнайдер, Э. Боббио, С. Уиллиамс, Б. Келмансон, Л. Медина, Г. Гобби, Р. Зизза ва бошқаларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Яширин иқтисодиётнинг назарий асосларини кенг очиб бериш ҳамда унинг ҳажмини статистик баҳолаш ва халқаро таққослаш масалалари Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Ю. Иванов, Н. Кремлев, Б. Рябушкин, А.Шестаков, Голованов, С. Барсукова, Ж. Тумунбаяров, Е. Дробот, М. Руденко, Д. Федотов ва бошқаларнинг илмий изланишларидан кенг жой эгаллаган.

Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг шаклланиши унинг моҳияти, асосий хусусиятлари, хуфиёна жараёнларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш масалалари Ҳ. Абулқосимов, Б. Гойибназаров, Н.Муминов, А. Худайназаров., И. Маматкулов, К. Мамбетжанов, Б. Турдиев, А. Ахмадалиев, Э. Закиров каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Халқаро валюта жамғармаси сайтидаги Л. Медина ва Ф. Шнайдер ҳаммуаллифлигида «Жаҳондаги яширин иқтисодиётлар: охириги 20 йилда нима ўргандик» номли илмий мақоласида (2018-йил январ) 1991-2015-йилларда 158 давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида яширин иқтисодиётнинг ўртача улуши тадқиқ қилинган. Ушбу ҳисоб-китоблар натижасига кўра, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да яширин иқтисодиётнинг ўртача улуши Австрияда 8,9%, Швейцарияда 7,2%, АҚШда 8,34%, Японияда 10,41%, Австралияда 12,6%, Германияда 11,97%, Буюк Британияда 11,08%, энг юқори яширин иқтисодиётга эга давлатлар Зимбабве 60,64%, Танзания 52,22%, Нигерия 56,67%, Грузия 64,87%, Гаити 53,28%, Озарбайжон 52,19%, Боливия 62,28% [5].

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра Ўрта Осиё мамлакатларида МIMIC (Multiple indicators and multiple causes) модели асосида ҳисоб китоблар бўйича 2019 йил ҳолатига ЯИМда яширин иқтисодиётнинг улуши Ўзбекистонда 52,11%, Тожикистонда 40,76%, Қозоғистонда 36,65% ва Қирғизистонда 30,53% ташкил қилган [3].

Ўзбекистон республикасида яширин иқтисодиёт ҳажмини статистик баҳолаш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ҳисоблашда “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” халқаро стандарти ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг “Кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш бўйича қўлланма”си асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича услубий низомидан фойдаланилади. Ушбу услубий низомда кузатилмайдиган иқтисодиётнинг норасмий, яширин ва ноқонуний фаолият турларига қуйидагича таърифлар берилган:

Кузатилмайдиган иқтисодиёт – доимий статистик кузатувларда тўлиқ ёки қисман қамраб олинмаган, шунингдек, статистик кўрсаткичларда акс эттиришда билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари; Норасмий иқтисодиёт – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият; Яширин иқтисодиёт – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият; Ноқонуний иқтисодиёт – қонун билан таъқиқланган ёки ваколатга эга бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келадиган иқтисодий фаолият турлари [7].

*Labor resources and ways of their effective use. Seitniyazov S.P
Karakalpak State University*

Summary. In the article analyzed the dynamics of rise of labor resource of Uzbekistan and their structural changes, and occupation in the economics. In the article reported some thoughts and opinions about their effective use in economics.

Key words: citizen, labor resource, economic active citizen, economic inactive citizen, the unemployment, level of the unemployment, workstation.

УДК: 336:77(575)1

ББК: 65.262.1

МЕТОДОЛОГИЯ БАНКОВСКОГО КРЕДИТОВАНИЯ И ЕГО РОЛЬ В РЕСУРСНОМ ОБЕСПЕЧЕНИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Каримова А. М.

Самаркандский институт экономики и сервиса

Введение. Снижение эффективности производства рынка туристических услуг в начальный период реформ во многом явилось следствием неблагоприятных социально-экономических условий функционирования хозяйствующих туристических субъектов. Среди основных причин сложившейся ситуации можно выделить недостаточность финансирования туристических предприятий, в том числе и то, что кредитование отрасли не учитывает особенности их современного финансово-экономического состояния.

На сегодняшний день субъектам сферы туризма затруднительно получить кредит в коммерческих банках, так как они нацелены на работу с такими заемщиками, которые способны за непродолжительный период времени обеспечить возврат кредитных ресурсов под высокий процент.

Приступая к исследованию банковского кредитования предпринимательства сферы туризма, целесообразным является привести краткую характеристику таких терминов, как «кредит», «кредитование» и «банковское кредитование».

Методология исследования. Данное исследование базируется на результатах анализа научных трудов в области банковского кредитования деятельности сферы туризма, а также трудов, посвященных финансированию и кредитованию предприятий сферы туризма.

Степень изученности. В связи с развитием различных форм и методов кредитования многие учёные-экономисты, в частности, зарубежные такие как: С.И. Ожегова,[1] Пужаева Я.Б.,[2] Мазикова Е.В.,[3] Н.А.Зайцева,[4] М.Кривуля,[5] В.Федорова,[6] А.Козыбагаров,[7] Батычко В.Т.,[8] Оборин М.С., [9] Калугина Я.Н. [10] А также отечественных учёных: Ё.Абдуллаев, Ш.А.Юлдашев, [11] Ш.Абдуллаева, [12] И.Алмардонов, [13] Д.Таджибаева, [14] Ж.Исаков, [15] Л.Зойиров, [16] Н.Урманова, [17] Т.Маликова, [18] и др.

Основная часть. В настоящее время существует значительное количество определений понятия кредит. Так, согласно толковому словарю русского языка С.И. Ожегова под кредитом понимается: 1) ссуда, предоставление ценностей (денег, товаров и т.д.) в долг; 2) коммерческое доверие. [1]

Под кредитом понимают экономические отношения, объединяющие субъектов кредита по поводу одновременного предоставления на платной и возвратной основе экономических благ. Кредитование является одним из экономических методов управления, поскольку при кредитовании происходит централизованное определение порядка удовлетворения общественных потребностей в заемных ресурсах. Займы активизируют и мобилизуют деятельность объектов управления по повышению эффективности их использования.

Кредит аккумулирует высвобождающийся капитал, обслуживает его поступление и обеспечивает воспроизводственный процесс. Кредит ускоряет процесс денежного обращения, участвует в регулировании рыночных отношений. Он служит важнейшим источником формирования оборотного капитала практически во всех отраслях экономики.

Исследованием сущности кредита занимались многие ученые, которые высказывали в отношении его свои взгляды. По-нашему мнению, кредит как особая форма стоимостных отношений возникает тогда, когда стоимость, высвобождающаяся у одних экономических субъектов, некоторое время не используется в хозяйственных сделках и не вступает в новый воспроизводственный цикл. При кредитовании эта стоимость переходит от одних субъектов другим, испытывающим временную потребность в дополнительных источниках финансирования, и, следовательно, продолжает функционировать в рамках воспроизводственного процесса.

Кредит является безусловным инструментом повышения эффективности функционирования коммерческих организаций. Зачастую, именно за счет кредитных ресурсов большинство предприятий могут осуществить реструктуризацию своей производственной системы.

Для того чтобы понять сущность кредитования сначала рассмотрим его понятие и суть. Одним из видов ссудного капитала, является банковский кредит. Под *банковским кредитованием* понимают экономические (денежные) отношения, в процессе которых временно свободные денежные средства

государства, юридических и физических лиц, аккумулированные кредитными организациями, предоставляются хозяйствующим субъектам (а также гражданам) на условиях возвратности.[8]

Так, в исследовании Пужаевой Я.Б. под рынком банковских кредитов понимается совокупность отношений банков с заемщиками по поводу купли-продажи кредитных продуктов, которые базируются на конкретных видах и методах кредитования (функциональный подход) или как совокупность институтов и частных лиц, принимающих прямое и опосредованное участие в этих отношениях (институциональный подход). В тесной взаимосвязи с рынком банковских кредитов находится термин «банковское кредитование».[2]

Мазикова Е.В. определяет банковское кредитование как «рабочий процесс, определенные действия участников банковских кредитных операций, прежде всего банковских работников, это совокупность отношений между банком как кредитором и его заемщиком по поводу: а) предоставления заемщику определенной суммы денег для целевого (как правило) использования; б) их своевременного возврата; в) получения от заемщика платы за пользование предоставленными в его распоряжение средствами».[3]

В случае возникновения недостатка собственных денежных средств у турсубъектов, для осуществления различных их потребностей, которые требуют дополнительных вложений, банковский кредит дает возможность пополнения счета субъекта, за счет средств иных субъектов.

Кредитная поддержка, осуществляется в рамках разработанных программ банковского кредитования. Соответственно специфика любой программы зависит от финансовых возможностей банков и целей кредитования. [19]

Кредит - существенная категория экономической науки. Как было сказано выше, главным видом кредита выступает банковский кредит, под которым понимаются: форма передачи стоимости на основе возвратности, срочности и платности; форма аккумулирования и размещения свободных временно денежных средств субъектов хозяйствования с целью стимулирования оборачиваемости основных и оборотных фондов и авансирования процесса воспроизводства; фактор производства.[10]

Объединение турфирм и кредитных учреждений в форме стратегического альянса, цель которого - является стимулирование потребителей к приобретению пакета услуг участников, является предметом исследования Н.А.Зайцевой.[4] Роль кредитных институтов в процессе инвестиционной деятельности в сфере туризма отражена в работах М.Кривули [5]и В.Федоровой.[6]

Исходя из анализа опыта зарубежного инвестирования в отрасль туризма А.Козыбагаров определил ряд наиболее эффективных инструментов, в том числе кредитование субъектов туристической сферы, которое в комплексе с другими инструментами позволят обеспечить стабильное развитие туристической сферы. Кредитная поддержка является неотъемлемой частью инфраструктурного блока туррынка, ее взаимодействие с предприятиями рынка и потребителями услуг обеспечивается за счёт проведения инвестиционных, расчётных и кредитных операций.[7]

Рассмотреть более подробно субъекты туруслуг, нуждающиеся финансово-кредитной поддержки, можно рассмотреть ниже:

– курортно-оздоровительные комплексы; прокат и аренда транспортных средств; хостелы, гостиницы, отели, дома отдыха, санатория, другие места пребывания туристов; зоопарки, спортивные площадки, парки развлечений, другие объекты развлекательной индустрии; рестораны, кафе, бары, закусочные, другие места массового питания; транспорт, услуги связи, интернет; финансовые и организационные услуги.

Исходя из схемы делаем заключение о том, что деятельность туристических услуг является многообразной, оказывая ей финансово-кредитную поддержку, мы одновременно развиваем и другие сферы деятельности, что гласит о важности кредитования данной сферы.

Сегодня потребитель туристских услуг как субъект туристского рынка оказывает существенное влияние для развития рынка за счет формирования потребности к инновационным туруслугам. Но, как было сказано ранее, на определенном этапе субъекты сталкиваются с проблемой дефицита финансовых ресурсов, решить которую способно банковское кредитование. Кредитование, как правило, реализуется в рамках разработанных программ банковского кредитования. Соответственно специфика любой программы зависит от финансовых возможностей банков и целей кредитования.

Ниже рассмотрим проблемы, с которыми сталкиваются туристические предприятия при кредитовании, (см.: табл.1)

Таблица 1. Проблемы, туристических предприятий при кредитовании

Во-первых,	- степень кредитного риска банка при кредитовании туристических предприятий выше, чем у категории заемщиков из числа малого бизнеса;
Во-вторых,	- при проведении кредитной сделки банки особое внимание обращают на состояние расчётного счета туристического предприятия, чем выше остаток средств, тем более высока вероятность одобрения решения о предоставлении кредита;
В-третьих,	- не прозрачность полноценной финансовой отчетности. Большинство банков используют методы оценки ликвидности, финансовой стабильности, т.е. банки не могут объективно определить кредитоспособность туристических предприятия;

В-четвертых, - в числе кредитных продуктов банка в большинстве случаев не включают категорию заемщика и туристические предприятия, что вынуждает их пользоваться программами потребительского кредитования, условия которых не соответствуют их требованиям или финансовом смысле менее выгодны.

Проведенные исследования свидетельствуют о том, что на сегодняшний день деятельность сферы туризма развивается с не малой скоростью, свидетельством которого является количество туристов посещающие нашу страну, рост гостевых домов, гостиниц и тд. Индустрия туризма в рамках своей деятельности имеет высокую зависимость от фактора сезонности спроса на их услуги, в связи, с чем финансовые показатели при рассмотрении в рамках кредитной заявки большинством кредитных организаций оцениваются как неудовлетворительные.

Ресурсная и организационная ограниченность предприятий туризма в условиях необходимости привлечения заёмного капитала позволяет им рассчитывать лишь на коммерческий кредит, который при этом может включать дополнительные условия по обеспечению кредита (залог, договор поручительства). С учетом того факта, что к данной группе предприятий чаще всего относятся турагенты, которые не производят турпродукт и, следовательно, не имеют возможности воздействовать на спрос туристских услуг, обеспечить своевременное выполнение обязательств перед банком по коммерческому кредиту достаточно сложно.

В целях совершенствования кредитной поддержки для предприятий сферы туризма необходимо создание разработки по реализации банковских программ по кредитованию. Необходимость разработки для реализации банковских программ по кредитованию в целях оказания банковских услуг туристических предприятиям вызвано следующим (рис.1).



Рис.1. Необходимость разработки для реализации банковских программ (разработана автором)

Заключения и предложения. Рассмотрев и изучив кредитование субъектов туристического рынка, а также кредитование их деятельности можно заключить о том, что до сих пор существует множество не решенных проблем, связанных с финансово-кредитной поддержкой предприятий туризма.

Всё это становится исследованием о необходимости реализации комплексной программы финансово-кредитной поддержки предприятий туризма, к их числу можно отнести, таких как: повышением спроса кредитования со стороны потребителей тур предприятий; формирование положительной статистической динамики показателей выездного, а также внутреннего туризма; рост стоимости туристических путёвок за счет роста расходов за проживание, питание, дополнительные туристические услуги; доступность кредитных пакетов, для субъектов предпринимательства сферы туризма.

В заключении для поддержки и дальнейшего развития деятельности сферы туризма предлагаем следующее: снижение стоимости кредитных ресурсов, с помощью предоставления налоговых льгот банкам, кредитующим предприятия малого бизнеса на условиях выгодных последним; создание банка, деятельность которого направлена на финансирование деятельности сферы туризма; предоставление правительственных гарантий банкам, которые готовы финансировать деятельность предприятий малого бизнеса через специальные государственные фонды.

ЛИТЕРАТУРЫ

- Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка: Ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений. — М.: ООО «Мир и Образование» 2012. - 1376 с.
- Пужаева Я.Б. Анализ кредитования малого и среднего бизнеса в России // Экономика и современный менеджмент: теория и практика: сб. ст. по матер. Межд. науч.-практ. конф. – Новосибирск: СибАК, 2012.
- Мазикова Е.В. Коммерческие банки и малый бизнес: основные направления сотрудничества // Молодой ученый. – 2014. – №3. – С. 466-469.
- Зайцева Н.А. Инвестиционная деятельность в туризме и гостиничном бизнесе в РФ // Сервис в России и за рубежом. 2009. № 4. - С. 84-90.
- Кривуля М.А. Механизм стимулирования инвестиционной деятельности в сфере туризма // Вестник Северо-Восточного государственного университета. 2011. -Т.: 15. № 15. - С. 135-139.;

6. Федорова С.В. Финансовые отношения в туризме // Сборник материалов V межд. науч. прак. конф. «Архитектура финансов: стратегия взаимодействия финансового и реального секторов экономики». СПб.: Санкт-Петербургский государственный экономический университет, 2014. - С. 403-406.
7. Козыбагаров А.А. Зарубежный опыт инвестирования в туризм // Вестник университета Туран. 2015. № 4. - С. 166-169.
8. Батычко В.Т. Финансовое право. Конспект лекций. Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2009.
9. Оборин М.С., Нагоева Т.А. Направления развития кредитования субъектов туристского рынка. -М.: Финансы и кредит. 2017.-С. 2646-2662
10. Калугина Я.Н. Совершенствование системы кредитования малого бизнеса банками с государственным участием в российской федерации. Дисс. на соис. уч.степ. к.э.н. -СПб.: 2019. -229 с.
11. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. А. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим направлениям и специальностям. / -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 340 с.;
12. Абдуллаева Ш.З., Азизов У.У. Банк иши. -Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2019. – 1150 б.;
13. Алмардонов И.М. Совершенствование методических и практических основ кредитования субъектов малого бизнеса. Автореф. дисс. на соис. уч.степ.д.э.н. -Т.: 2018. -62 с.;
14. Таджибаева Д.А. Микрофинансирование в Центральной Азии: теория, практика и перспективы развития. – Т.: Konsuditinform-nashr, 2011. – 256 с.;
15. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. Автореф.дисс. на соис. уч.степ. к.э.н. – Т.: 2016.–28с.;
16. Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. . Автореф.дисс. на соис. уч.степ.к.э.н. – Т.: 2011. – 20 с.;
17. Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Авто.дисс.на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: 2012. – 23 с.;
18. Маликов Т.С. Стратегия управления инновационными процессами предприятий как фактор финансовой стабилизации экономики. меж. науч. прак. конф. -С.: СамИЭС, 2020. - С. 25-28.;
19. Оборин М.С., Нагоева Т.А. Направления развития кредитования субъектов туристского рынка. -М.: Финансы и кредит. 2017.- С. 2646-2662.

Банклар томонидан кредитлашнинг методологияси ва унинг туризм корхоналарини ресурслар билан таъминлашдаги ўрни

Каримова А. М. Самаркандский иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Ушбу мақолада банк кредитлашнинг моҳияти, шунингдек, туристик корхоналарни кредитлаш ва унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти ўрганилган. Молиявий-кредит қўмағига муҳтож туристик хизматлар субъектлари ва кредит беришда туристик корхоналар дуч келадиган муаммолар кўриб чиқилади. Туризм корхоналарини кредит билан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, туризм, туризм корхоналари, молия, молиялаштириш, молиявий ресурслар, кредит, банк кредити, пул, товар, қарз

Методология банковского кредитования и его роль в ресурсном обеспечении деятельности туристических предприятий

Каримова А. М. Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: в данной статье рассматривается сущность банковского кредитования, а также кредитования туристических предприятий и его значимости в экономическом развитии страны. Рассмотрены субъекты туристических услуг, нуждающиеся финансово-кредитной поддержки, и проблемы, с которыми сталкиваются туристические предприятия при кредитовании. Даны предложения по совершенствованию кредитной поддержки для предприятий сферы туризма.

Ключевые слова: экономика, туризм, туристические предприятия, финансы, финансирование, финансовые ресурсы, кредит, банковское кредитование, деньги, товар, долг, коммерческое доверие.

Methodology of bank lending and its role in the resource provision of tourism enterprises

Karimova A. M. Samarkand Institute of Economics and Service

Summary. This article examines the essence of bank lending, as well as lending to tourist enterprises and its importance in the economic development of the country. The subjects of travel services in need of financial and credit support and the problems faced by tourism enterprises in lending are considered. Proposals are made to improve credit support for tourism enterprises.

Keywords: economy, tourism, tourism enterprises, finance, financing, financial resources, credit, bank lending, money, goods, debt, commercial trust

УДК:334.72(575.1):658

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ражапов Х. Б.

Урганч давлат университети

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор бу соҳада олиб борилаётган ислохотларда ўз аксини топмоқда. Бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкилий-хуқуқий асосларини бунёд этиш ва уни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар мазкур амалиётни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди.

Жумладан, улардан энг асосийлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи 1995 йил 05 январдаги №ПФ-1030-сон “[Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида](#)” ги, 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон “[Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари](#)

[тўғрисида»](#)ги ПФ-1987-сон фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 августдаги 193-сон «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 августдаги №193-сон “Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 12 майдаги ПҚ–1529-сон “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 24 августдаги ПФ–4354-сон “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 18 июл 2012 йилдаги ПФ-4455-сон “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 16 май 2015 йилдаги ПФ-4725-сон “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 06 октябрь 2016 йилдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 19 июн 2017 йилдаги ПФ-5087-сон “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 20 ноябр 2019 йилдаги ПҚ-4525-сон [“Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”](#)ги қарорлари ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва бошқа бир қатор меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек - «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди»[1].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан 05 январ 1995 йилда қабул қилинган [“Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”](#) ги №ПФ-1030 фармони Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг қўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида қабул қилинган бўлиб: моддий-техника, ахборот ва кадр ресурсларига эришишда тадбиркорлар билан давлат корхоналарининг тўла тенг ҳуқуқлилигини оғишмай таъминлашни; қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, тадбиркорларнинг тезкор-ҳўжалик ва ҳўжалик-тижорат фаолиятига аралашушга йўл қўймасликни;

➤ томонлардан бирининг айби билан кўрилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш шарти билан, иқтисодий муносабатларда бошқарув органлари билан тадбиркорларнинг икки томонлама масъулияти принципига амал қилишни кўзда тутди.

Шу билан бирга мазкур фармон билан маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни ва турли хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш учун фойдаланилмай ётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда хусусий корхоналарга ижарага беришни, чала қурилган ишлаб чиқариш иншоотлари ҳамда фойдаланилмаётган ускуналарни кимошди савдоси ва танловлар орқали сотишни амалда кенг жорий қилишни ҳам қафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан 28 июл 2010 йилда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПФ-4232 сонли Фармони «Баркамол авлод йили» [Давлат дастурига](#) мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Шунингдек, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларининг камида 30 фоизини умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари ташкил этган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар ва преференциялар беришни кўзда тутган. Ушбу фармонга асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиш қўлами кенгайди. Яъни микрофирмалар ва кичик корхоналар касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишни, ўз навбатида уларни иш билан таъминланган тақдирда, қонунчиликда белгиланган имтиёз ва енгилликларни сақлаб қолган ҳолда, ўз ходимлари сонини белгиланган чегаравий миқдоридан 20 фоизга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши хусусий тадбиркорлик фаолиятига ва кичик бизнесга нақадар эътибор катталигини кўрсатиб берди.

Мулқдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастурда мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом-ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес соҳасига хизмат килувчи объектларни куриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиш борадаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмининг такомиллаштириш ва унификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмининг янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш, кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш кўзда тутилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултиватив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш мақсад қилиб белгиланди. Албатта бу тадбирларнинг аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури доирасида амалга оширилган чоралар 2011 йилда 35,0 минг янги кичик бизнес корхоналари (фермер хўжаликларисиз) ташкил этилишини таъминлади[10].

Шунингдек, 2011 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМдаги улуши 54,0 фоизни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1,5 фоизга кўпдир. 2011 йилда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 33,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. 2010 йилда эса 32,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган. 2011 йилда 1 фоизга ўсиш кузатилди.

2011 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан: 8913,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,8 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6575,1 минг нафари индивидуал сектор, 2338,4 минг нафари кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. 5788,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 31,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2010 йилга нисбатан 117,5 фоизни ташкил қилди. 2827,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 18,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди. 2010 йилга нисбатан 158,6 фоиз. 2011 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланди:



Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8204,4 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 92,0 фоизини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши тадбиркорларга янада қулайлик ва шарт-шароитлар яратиш беради. Мазкур Фармон билан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ушбу Дастурда қуйидагилар назарда тутилган: тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиной жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш; хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жинойят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш; барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш; хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш ва ушбу “бир дарча” марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланиши белгиланди. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган “бир дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2016 йил 11 ноябр куни Шовот туманида Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан ўтказилган учрашувда ўз нутқида қуйидагиларни айтиб ўтганди: Биринчидан, Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, фармон билан тасдиқланди. Бу ҳақда кўп гапирмасдан фақат битта фикрни таъкидлашни, зарур деб биламан.

Ушбу дастур шу борада олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларини жойларда сўзсиз бажариш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, давлат органлари томонидан тадбиркорларга ҳалақит бериш, уларни йўлига тўсиқ қўйиш эмас, аксинча, ҳар томонлама кенг қўмак беришни таъминлашга қаратилади[2].

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, прокуратура органлари тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан ўтган йили қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон талабларига сўзсиз амал қилинишини таъминлаши зарур[3].

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодий-иқтисодий рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида «Мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз хал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур», - деб таъкидлагани бу борада келгусида улкан ишлар амалга оширилишидан дарак беради[4].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз аҳолисини истеъмолини қондириш билан чекланиб қолади, балки уни четга чиқариш асосида валюта тушумларини ошириш, тушган валюталар ҳисобига аҳолининг четдан келтириладиган бошқа турдаги маҳсулотларга эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу-тадбиркорликни қўллаб қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Конституциямизда иқтисодий фаолият, барча мулк шакллариининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган. Лекин, иқтисодий давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни камайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгрок жалб этишга ҳали ҳам тўсик бўлиб келмоқда.

Машҳур Хитой файласуфи Сунь Цзининг хикматли гапи бор: «Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-тарожиликни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инқирозга учрайди»[5].

Тадбиркорлик молиявий муносабатларида солиқлар муҳим ўрин тутди. Солиқлар – бу давлат бюджетида мажбурий тўлов ҳисобланади. Давлат бюджети эса давлат томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш учун сарфланадиган марказлаштирилган пул жамғармаларидир [6].

Солиқ юқини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5468-сон Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида [Фармони](#) қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари белгиланди.

Иқтисодий давлат солиқ юқининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юқи даражасидаги номуносивибликларни бартараф этиш – концепциянинг асосий йўналишлари биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги йилларда тадбиркорликнинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъорий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди. Шунингдек, тадбиркорларни солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботларини топшириш тизими соддалаштирилди.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларга назар соладиган бўлсак, мазкур ислохотларни қуйидаги уч босқичга бўлишимиз ҳамда ҳар бир босқичда эришилган тенденцияларни таҳлил қилишимиз мумкин:

I босқич (1991-1997 йиллар);

II босқич (1998-2004 йиллар);

III босқич (2005 йилдан ҳозирги кунга қадар) [7].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида – «Биз давлатнинг солиқ сиёсати адолатли ва самарали бўлиши, у фақат бюджет тўлдирилишини таъминлабгина қолмай, балки янги корхоналар яратилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтиришни рағбатлантириши ҳам лозим, деб ҳисоблаймиз. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси асосидаги кенг қамровли фаолиятни янада оптималлаштириш, ушбу йўналишда кейинги йиллардаги тараққиёт тамойилларини акс эттирган “Солиқ – 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш лозим» - дейилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш ва бу соҳадаги ислохотлар самарасини янада ошириш бўйича баъзи тизимли муаммолар сакланиб қолаётганини ҳам рад қилиб бўлмайди, албатта.

Иқтисодий таркибий жиҳатдан ислох қилиш ва ривожлантиришга алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлаш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни янада такомиллаштириш зарурати каби вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Қуйида ушбу вазифалардан айримлари келтирилган: Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, ташқи ва ички омиллар таъсирида юзага келадиган иқтисодий циклларни бошқаришнинг замонавий прогнозлаштириш моделларига асосланган самарали тизим ва механизмларини жорий этиш жараёни янада кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда; Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек,

ушбу йўналишдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш вазифаларини бажаришда юксак самарадорликка эришилмаганлиги сабабли тегишли аҳоли гуруҳлари билан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш вазифаси долзарблигича қолмоқда; Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг янада самаралироқ ёндашувларини белгилаб олиш, тадбиркорликни молиявий ва номолиявий қўлла-қувватлашнинг мақсадга йўналтирилган, айниқса, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва касбга ўргатиш ишларини янги босқичга кўтариш, шу жумладан, барча дастурлар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиш самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш зарур[8].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очик мулоқотида қуйидагиларни таъкидлади:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингта яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қувватлаш чекловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охириги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, тадбиркорлардан келиб тушган 15 мингдан ортиқ савол, таклиф ва ташаббуслар асосида дастур ишлаб чиқилган. Дастурга мувофиқ, келгусида мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар 7 та йўналиш асосида амалга оширилади.

Ушбу йўналишлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базаси ва кредитларнинг мақбул фоиз ставкаларини шакллантириш йўналиши
2. Солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юқини имкон қадар камайтириш йўналиши
3. Ер ажратиш, сотиш ва хусусийлаштириб беришда очиқлик тамойилларига амал қилиш ҳамда тадбиркорларнинг ерга бўлган мулккий ҳуқуқларини кафолатлаш йўналиши
4. Тадбиркорлик фаолиятини инфратузилма билан таъминлаш йўналишида
5. Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш йўналиши
6. Транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш йўналиши
7. Тадбиркорликка оид тартиб-таомилларни соддалаштириш йўналиши.

Президентимиз бундай очик мулоқотни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиш таклифини билдирди. Бу таклифлар кенг қўллаб-қувватланди[9].

Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 23 декабр куни ЎРҚ-739-сонли «Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни имзолади ва ушбу қонун билан 20 август «Тадбиркорлар куни» этиб белгиланди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикаси, қолаверса давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларга катта куч ва шижоат бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек – «Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз».

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Маърифат, 2016 йил №5.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. 258-бет.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтариламиз. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 201-бет.
4. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак // «Халқ сўзи», 2017 йил 15 январ.
5. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтариламиз. 3-жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 67-бет.
6. Ҳамраев, Ҳалим Ражабович. Тадбиркорлик асослари: касб таълими (иқтисодиёт) йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент.: Янги нашр, 2010. 318-бет.
7. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш

- бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. –Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. 116-бет.
8. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 130-132-бетлар.
9. Халқ сўзи газетаси, №177-178 (7957-7958), 2021 йил 21 август.
10. <https://stat.uz/uz/>. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
11. <https://lex.uz/uz/>. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi.

*Ражанов Х. Б. Урганч мамлекетлик университети
Ўзбекистонда киши бизнес ҳам жеке исиблерименликни хуқықый тийкарлары.*

Аннотация. Мақалада киши бизнес ҳам жеке исиблерименликни мамлекет тэрепинен хуқықый қорғалыў, исиблерименлик тараўында шығарылған қарар ҳам пэрманлардың мазмун-аҳмийети, исиблерименликни раўажландырыў шэраятлары, имкэният ҳам тосықлар, хуқықый тийкарларының тийкарғы бағдарлары жарытылған.

Гилт сөзлер: киши бизнес, жеке исиблерименлик, экспорт, халық дэрамады, валюта, салық, инвестиция, жалпы ишки өним, жеке мүлк.

*Ражанов Х. Б. Урганч давлат университети
Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хуқықый асослары.*

Аннотация. Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан хуқықый ҳимояланиши, тадбиркорлик соҳасида чиқарилған қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти, тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитлари, имкэният ва тўсиқлар, хуқықый асосларининг устувор йўналишлари ёритилған.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, экспорт, аҳоли даромади, валюта, солиқ, инвестиция, ялпи ички маҳсулот, хусусий мүлк.

*Ражанов Х. Б. Урганчский государственный университет
Правовые основы малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане*

Аннотация. В данной статье описаны правовая защита малого бизнеса и частного предпринимательства со стороны государства, содержание решений и указов в сфере предпринимательства, условия развития бизнеса, возможности и барьеры, приоритеты законодательной базы.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, экспорт, доход населения, валюта, налоги, инвестиции, валовой внутренний продукт, частная собственность.

*Rajapov X. Urgench State University
Legal basis of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan*

Annotation. This article describes the legal protection of small businesses and private entrepreneurship by the state, the content of decisions and decrees in the field of entrepreneurship, the conditions for business development, opportunities and barriers, the priorities of the legislative framework.

Key words: small business, private entrepreneurship, exports, income of the population, currency, tax, investment, gross domestic product, private property.

ЁШЛАРГА КАСБ-ХУНАРНИ ЎРГАТИШДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ
ҒОЯЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Пахратдинова Р.О.

Қорақалпоқ давлат университети

Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш масаласи ҳамма даврда ҳам жамиятнинг илғор кишиларининг диққатини ўзига торттиб келган. Улар томонидан яратилган асарлар бундан далолат беради. Масалан, Кайковус томонидан яратилган “Қобуснома” асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур бўлиб, жумладан, ушбу китобда хунарга ўрганишнинг афзаллиги тўғрисида шундай ўғит берилади: “Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас”. ... “Бас, агар ақлинг бўлса, хунарга ўргангил, нединким, хунарсиз ақл – бошсиз тана” дир.[1]

Буюк муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих” (“Ишонарли тўплам”) асарида касб-хунарга ўрганиш, унинг жамият учун афзаллиги, фойдали меҳнат қилмоқ тўғрисида ҳам кўплаб ҳадисларни тўплаб, шарҳлаб берган. Масалан, 14-бобда “Кишининг касби ва ўз қўли билан меҳнат қилиши ҳақида”ги ҳадисда шундай дейилади: “Менинг ўз касбим борлигини қавмимиз яхши билур. Мен гарчи мусулмонлар ишлари биланбанд бўлсам ҳам, шу касбим орқали оила тебратурман”.

Абу Наср Форобий “Бахт-саодатга эришув” асарида “Агар касб-хунарга фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган, табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди”, дея таъкидлайди. Таълим билимларни ўрганиш асосида бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба-синов билан сингдирилади. Яъни шу халқнинг касб-хунарга берилган-лигини ўзида намоён қилишидир. Агар улар бирор касб-хунарга берилган бўлсалар, қизиқсалар, шу қизиқиш уларнинг борлиқларини бутунлай касб-хунарга жалб этса, демак, улар касб-хунарни чинакам ошиғи бўладилар. Ал-Хоразмий “Ўғитлар”ида “Меҳнат бу бир сел, агар шу сел тўхтаб қолса сингиб кетади”, дея фикр юритган. Буюк мутафаккир ал-Хоразмий бунда жуда муҳим ҳаётий бир ҳақиқатни айтган, чунки, сув – ҳаёт манбаи, сувсиз ҳаёт йўқ. Шунингдек, меҳнатсиз ҳаёт ҳам бўлмаслигини, сувнинг ерга сингиб кетишига ўхшаб умрнинг қуруқ ўтиб кетишини таърифлаган.

Абу Райхон Беруний ўзининг “Минералогия” асарида “Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми?” - деган савол қўяди ва унга ўзи қуйидагича жавоб беради: “Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат ва роҳат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир”. Буюк мутафаккир ушбу сўзлари билан ҳақиқий улуғлик, ҳақиқий роҳат, ҳақиқий фароғатда яшаш учун киши ҳалол меҳнат қилмоғи лозим, деган ғояни илгари суради. “Агар киши меҳнатсиз ҳолда юқори мартабаларга чиқиб қолган тақдирда ҳам (ҳаётда бунақаси ҳам учраб туради) меҳнат қилмаса, бу ҳолда киши юзаки обрўга эга, аслида эса у яланғочдир”, - дейди у.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида ҳам адолат, давлат, ахлоқ-одоб, илм-маърифат, бола тарбияси, бахт-саодат, қаноат, тилнинг фазилатлари, эл-юрт манфаати, меҳмондорчилик ва сўзлашиш одоби ҳамда хунарга ўрганиш хусусида фикр юритилади. Унинг таъбирича, ҳар бир киши ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида хунарга ўрганмоғи, ўз хунари билан халқига, Ватанига хизмат қилмоғи зарур. Хунарга ўрганишга ва меҳнат қилишга бўлган интилиш ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёж бўлмоғи керак. Ушбу асар туркий халқларнинг қадимги таълим ва тарбия усуллари ҳақидаги илк маълумотларни сақлагани билан ҳам муҳимдир. Муаллиф инсонни улуғлайди. Унинг фикрича, инсоннинг улуғлиги, ақл-идроқи, сўзлаш қобилияти, билими, укуви хунарга ва касбни қандай эгаллаганлигига боғлиқдир.

Маҳмуд Қошғарий “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарида: “Илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб сўзларини тингла. Илмларни, хунарларни ўрганиб, амалга ошир”, - дейди ва у кишиларни меҳнат қилишга, яхшиликка ундайди, ёмонликни қоралайди, илм ва хунарга соҳибларини эъзозлайди, кишиларни улардан ибрат олишга чақиради. Демак, улуғ донишманд ўзининг ушбу сўзлари билан унумли меҳнат қилишни илм ўрганиш билан баробар қўяди. Киши меҳнат қилсагина, хунарга ўргансагина илмли, ақлли киши ҳисобланиб, ҳақиқий яхшилик қилиш қўлидан келишини исботламоқчи бўлади.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод сиймосида инсонларни ёшлик чоғидан илм-хунарга қизиқишга, бир неча хунарларни эгаллаб олишга ундайди. Шунинг учун Навоий Фарҳодни меҳнат ва хунарга ҳаваси юқори, сангтарошлик, рассомлик ва наққошлик хунарларини ҳам мукамал эгаллаб олган киши сифатида улуғлайди. Илм ва хунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиникқан меҳнатсевар Фарҳод камтарин, мазлумларга ғамхўр, софдил, мард ва олийжаноб, жасур инсон бўлиб етишади. Навоий Фарҳодни сувсиз ерларга сув чиқарган қаҳрамон, меҳнатда мўъжизалар яратувчи баҳодир сифатида тасвирлайди. У илм ва хунарни омма манфаати учун хизмат эттириш лозим, деб ҳисоблайди. Фарҳод Ширинни қидириб Арманистонга борганда, арман юртида тоғда канал қазиб учун қийналиб ишлаётган кишиларни кўради ва: “Хунарни асрабон нетқумдир охир, олиб тупроққа кетгумдир охир”, - дея ўз билими, хунари ва ғайратини ишга солади, канал қазувчилар машаққатини енгиллаштиради ва халқ ўртасида катта шуҳрат қозонади.

XII асрда яшаган атоқли ёзувчи Воиз Кошифий ҳар томонлама етук аллома ҳисобланган. У ўзининг “Футувватномаи Султоний” асарининг 14-фаслида касб-кор ва савдо, тижорат одоби ҳақида қуйидагича ёзади: “Агар барча касблар учун зарурий одоблар ҳулосаси нечта деб сўрасалар, саккизта деб айтгил: *биринчидан*, ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол-маблағдан пок сақлансин; *иккинчидан*, ризқ-рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансин, касбни мол-дунё тўплашга сарфламасин; *учинчидан*, касбни обрў олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби деб билсин; *тўртинчидан*, моли ҳаром одамлар (порахўрлар, қароқчилар, ўғрилар, киморбозлар, каззоб дўкандорлар, нопок амалдорлар,) билан муомала қилмасин; *бешинчидан*, ўз хунарига безътиборлик қилмасин, хато-нуқсонларга, айб ишларга йўл қўймасин, ҳар хил ифлосликлар, булғанишлардан сақлансин; *олтинчидан*, инсоф чизигидан ташқари чиқмасин, мол-матони танимайдиган одамлар билан муомала қилмасин; *еттинчидан*, агар тарози аҳлидан (нарсаси тортувчи) бўлса, тошдан уриб қолмасин ва ортиқ ҳам бермасин; *саккизинчидан*, газлама ўлчаб сотувчилар аҳлидан бўлса, ўзига кўп олиб қолиб, бошқаларга кам бермасин, чунки баракат тўғрилиқда ва инсоф билан ҳалол кун кечиришдадир”, - дейди. Воиз Кошифийнинг ушбу сўзлари ҳам хунараманд кишиларни ҳалол, инсофли, софдил бўлишга, одамларнинг улардан ахлоқий хислатларни ўрганишга, ёшларни касб-хуналарни ўрганиш орқали жамиятда ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

XII-XIII асрнинг буюк алломаларидан ҳисобланган Саъдий Шерозий ўзининг “Гулистон” асарида тарбиянинг таъсири баёнига қуйидагича ҳикоят келтиради: “Бир донишманд фарзандларига шундай панду-насихат қиларди:

“Азиз ўғлонларим, бирор хунар ўрганишлар, зероки, молу дунёга эътикод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо хунар – қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар хунараманд молдан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарни ўзи давлатдир. Хунараманд қаерга борса, қадрланади ва унинг тўридан жой олади. Хунарсиз одам эса ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади”. XVII-XVIII асрнинг улуғларидан ҳисобланган Аҳмад Дониш “Нодир воқеалар” асарида меҳнат қилиш, хунар ўрганиш тўғрисида шундай ёзади: “Ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди: уни меҳнат қилмай топа олмайди, ҳаракат қилмаса, ҳеч ким мақсадига ета олмайди ...”

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё ва Хуросонда Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти кенг тарқалди. У ҳар бир кишини деҳқончилик, чорвачилик, қурувчилик, савдо, наққошлик каби хуналарни ўрганишга, эгаллашга ундади. “Даст ба кор-у, дил ба ёр”, яъни “Қўлинг ишда-ю, қўнглинг Аллоҳда бўлсин” дея у кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, хунар ўрганишга, ўз меҳнати мевасидангина баҳраманд бўлишга чақирган эди. Баҳовуддин Нақшбанд талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида “бирор касбинг борми”, дея сўраган. Хунарсиз одам ўқишга қабул қилинмаган. Агар киши хунарни бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиришга сарфлайди, агар киши хунарни бўлмаса у ҳалол меҳнатни унутади, нопок ишларга қўл уриши мумкин, деб огоҳлантиради.

Ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хуналарни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг қўлланми тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикамизда касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: - “Ўзбекистон”, 2017.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон, 1999 - 393 б.
3. И.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи”. 1994.
4. К.Хашимов., С.Нишонов. Педагогика тарихи. Дарслик. Тошкент. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриоти. 2005.
5. Гуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юрлари учун ўқув қўлланма. Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 2007.-96 б
6. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: Tafakkur, 2020.
7. М.Х.Шомирзаев Texnologiya ta'limi metodikasi. Darslik. Т.: –“ТерДУ НАШР – МАТБАА” нашриёти, 2021, 632 б.

Ёшларга касб-хунарни ўргатишда шарқ алломалари гоёларининг тарбиявий аҳамияти
Пахратдинова Р.О. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада умумтаълим мактабларида ёшларни касб-хунарга ургатиш орқали уларни ҳалол меҳнат қилишга, ўз меҳнати билан кун кечиришга ва турли касб-хуналарни эгаллашга ўргатиб бориш назарда тутилган, шунингдек шарқ алломалари томонидан бу соҳада кенг қўлланми тадқиқот ишлари олиб борилганли ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Мактаб, ўқувчи, дарс, синф, технология, фан, таълим, тарбия, босқич, кўникма, малака, шахс, маънавият, касб, қизиқиш, меҳнатсеварлик.

Востоковеды в обучении молодежи профессии воспитательное значение идей
Пахратдинова Р.О. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья направлена на то, чтобы научить молодых людей честно работать, зарабатывать на жизнь и заниматься различными профессиями в общеобразовательных школах, а также проводить обширные исследования в этой области учеными-востоковедами и направлять их в осознанном выборе карьеры.

Ключевые слова: Школа, ученик, урок, класс, технология, наука, образование, воспитание, этап, умение, квалификация, личность, духовность, профессия, интерес, трудолюбие.

Orientalists in teaching young people the profession educational value of ideas
Pakhratdinova R.O. Karakalpak State University

Summary. The article aims to teach young people to work honestly, earn a living and engage in various professions in mainstream schools, as well as conduct extensive research in this area by oriental scholars and guide them in making informed career choices.

Key words: School, student, lesson, class, technology, science, education, upbringing, stage, skill, qualification, personality, spirituality, profession, interest, hard work.

УДК: 678.769.3

ИЗУЧЕНИЕ НЕКОТОРЫХ ПЕРЕРАБОТОК ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ИХ РОЛЬ В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Ходжибеков С. Н.

Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Известны способы переработки полимерных материалов и изготовление изделий из них, которые можно классифицировать на основании физического состояния материала в момент формования: формование из полимеров, находящихся в вязко-текучем состоянии, (литье под давлением, экструзия, прессование и др.); формование из полимеров, находящихся в высокоэластическом состоянии, обычно с использованием листов или пленочных заготовок (вакуум-формование, пневмоформование, горячая штамповка и др.); формование из полимеров, находящихся в твердом (кристаллическом или стеклообразном) состоянии, основанное на способности таких полимеров проявлять вынужденную высокоэластичность (штамповка при комнатной температуре, прокатка и др.) [1, 48-56]. Литье в форму - сравнительно недорогой процесс, который состоит в переработке жидкого форм полимера в твердые изделия требуемой формы. Этим методом могут быть получены листы, трубы, стержни и т.п. изделия ограниченной длины. Схематически процесс литья в форму представлен на рис. В этом случае форм полимер, смешанный в соответствующих пропорциях с отвердителем и другими ингредиентами, выливают в емкость, которая и служит формой. Затем емкость помещают на несколько часов в печь, нагретую до необходимой температуры, до полного завершения реакции отверждения. После охлаждения до комнатной температуры твердый продукт вынимают из формы. Твердое тело, отлитое таким образом, будет иметь форму внутреннего рельефа емкости. [2, 36-42, 3, 72-76]

Если вместо емкости использовать цилиндрическую стеклянную трубу, закрытую с одного конца, можно получить изделие в виде цилиндрического стержня. Кроме того, вместо форм полимера и отвердителя в форму можно вылить смесь мономера, катализатора и других ингредиентов, нагретую до температуры полимеризации. Полимеризация в этом случае будет протекать внутри формы до образования твердого продукта. Для литья в форму подходят акрилы, эпоксины, полиэферы, фенолы и уретаны.

Формы для литья изготавливают из алебаstra, свинца или стекла. В процессе отверждения происходит усадка полимерного блока, что облегчает его освобождение из формы [4, 56-63].

Полимеризационное наполнение заключается в том, что синтез полимера из газовой фазы протекает на поверхности частиц наполнителя. Регулируя условия синтеза, удается изменять толщину оболочки полимера на частицах и степень его наполнения. Волокнистые и листовые наполнители пропитываются низковязкими полимерным связующими. Пропитка – это процесс проникания (заполнения пор) жидкого полимерного связующего в пористую структуру наполнителя. Пропитка является промежуточной стадией получения полимерных материалов: волокнистых, гетинаксов, текстолитов, слоистых пластиков, препрегов, древеснослоистых, декоративно-слоистых и объемно-армированных пластиков. Для пропитки волокнистых, слоистых, нетканых и объемных наполнителей используют мономеры, олигомеры, форполимеры, растворы, дисперсии, эмульсии, расплавы полимеров и каучуков. Применяемые на практике пропиточные составы включают наряду с полимером отвердители, растворители, разбавители, ПАВ, красители и другие вещества.

Технология сочетания твердых наполнителей с полимерами зависит от структуры, размеров наполнителя, а также природы, вязкости и состояния полимерного связующего. Наполнители можно вводить на стадии синтеза полимера или в полимеры, олигомеры, форполимеры, в растворы, расплавы, а также смешивать их с твердыми порошками или с полимером, находящимся в высокоэластическом состоянии.

Метод прямого прессования широко используется для производства изделий из термореактивных материалов, типичная пресс-форма, используемая для прямого прессования. Форма состоит из двух частей - верхней и нижней или из пуансона (позитивная форма) и матрицы (негативная форма). В нижней части пресс-формы имеется выемка, а в верхней - выступ. Зазор между выступом верхней части и выемкой нижней части в закрытой пресс-форме и определяет конечный вид прессуемого изделия.

В процессе прямого прессования термореактивный материал подвергается однократному воздействию температуры и давления. Применение гидравлического пресса с нагреваемыми пластинами позволяет получить желаемый результат.

Температура и давление при прессовании могут достигать 200 °C и 70 кг/см² соответственно. Рабочие температура и давление определяются реологическими, термическими и другими свойствами прессуемого

пластического материала. Выемка пресс-формы полностью заполняется полимерным компаундом. Когда под давлением пресс-форма закрывается, материал внутри неё сдавливается и прессуется в требуемую форму. Избыточный материал вытесняется из пресс-формы в виде тонкой плёнки, которую называют «заусенец». Под действием температуры прессуемая масса отверждается. Для освобождения конечного продукта из пресс-формы применяется выталкивание. Полученный продукт можно пользоваться в сельском хозяйстве.

Раздувное формование. Большое количество полых пластиковых изделий производят методом раздувного формования: канистры, мягкие бутылки для напитков и пр. Раздувному формованию могут быть подвергнуты следующие термопластичные материалы: полиэтилен, поликарбонат, поливинилхлорид, полистирол, нейлон, полипропилен, акрилы, акрилонитрил, акрилонитрил-бутадиенстирольный полимер, однако по ежегодному потреблению первое место занимает полиэтилен высокой плотности, которые можно пользоваться в водном хозяйстве.

Раздувное формование ведёт своё происхождение от стеклодувной промышленности.

Горячую размягченную термопластичную трубку, называемую «заготовкой», помещают внутрь полый формы, состоящей из двух частей. Когда форма закрыта, обе её половины зажимают один конец заготовки и иглу для подачи воздуха, расположенную на другом конце трубки.

Под действием давления, подаваемого из компрессора через иглу, горячая заготовка раздувается как шар до плотного соприкосновения с относительно холодной внутренней поверхностью формы. Затем форму охлаждают, открывают и вынимают готовое твёрдое термопластичное изделие.

Для производства поливинилхлоридных пластизоль применяют гомо- и сополимеры винилхлорида с молекулярной массой 150 000 – 180 000. В производстве особопрочных изделий используют пластизоли на основе более высокомолекулярных полимеров. Пастообразующий поливинилхлорид получают суспензионной или эмульсионной полимеризацией винилхлорида. При суспензионной полимеризации может образоваться полимер с частицами двух различных морфологических типов: 1) индивидуальные глобулярные частицы со средним диаметром 1—3 мкм; распределение частиц по размеру может быть мономодальным (диаметр около 1 мкм) или полимодальным; 2) неоднородные пористые комки неправильной формы. Пластизоли на основе суспензионного полимера первого типа обладают малой вязкостью и жизнеспособностью до 6 месяцев.

Экструзия является одним из самых дешёвых методов производства широко распространённых изделий из пластмасс, таких как плёнки, волокна, трубы, листы, стержни, шланги и ремни, причём профиль этих изделий задаётся формой выходного отверстия головки экструдера. Расплавленный пластик при определённых условиях выдавливают через выходное отверстие головки экструдера, что и придаёт желаемый профиль экструдату.

В этой машине порошок или гранулы компаундированного полимерного материала загружают из бункера в цилиндр с электрическим обогревом для размягчения полимера.

Измельчение – это процесс уменьшения размеров частиц твердых тел преимущественно за счет механического воздействия. В процессе измельчения всегда получаются зерна различной величины. Если по каким-то причинам, например, для исключения проблем в процессе дальнейшей переработки материала, требуется отделение крупной фракции материала от мелкой, следует ввести стадию рассеивания. Причины, вызывающие необходимость измельчения, многообразны. Так, например, увеличение удельной поверхности позволяет добиться лучшего распределения добавок в процессе смешения. Кроме того, измельчение позволяет улучшить условия сушки, способствует равномерности дозировки, ускорению расплавления и так далее. В зависимости от типа вещества при измельчении могут быть использованы различные Технологические установки. Хорошо зарекомендовали себя следующие измельчающие машины: валковая дробилка, молотковая дробилка, бегуны, дисковая ударно-отражательная мельница, ножевая дробилка, стержневая мельница и вальцовая мельница. При помощи дробилок измельчают хрупкие материалы. Для тонкого дробления используются мельницы. Решающим фактором при выборе соответствующего измельчающего оборудования является состояние материала и его зернистость. Воздействие перечисленных здесь машин на материал различно. Так, например, при использовании валковой дробилки измельчение достигается за счет давления, в ножевой дробилке – посредством среза, а в стержневой мельнице – за счет ударного действия и трения.

Получение гранулята возможно двумя различными методами – горячей резкой и холодным гранулированием. При использовании метода горячей резки применяют экструдер с многоканальной головкой. Пластифицированная полимерная масса, выходящая из многоканальной головки, отсекается (отрезается) вращающимся перед головкой ротационным ножом и отбрасывается (центрифугируется) за счет центробежной силы. Решетка головки и нож размещены в закрытом корпусе, куда для охлаждения гранулята вдувается холодный воздух, иногда для тех же целей создается кольцо из водяного тумана. Для сильно прилипающих в расплавленном виде термопластов (ПЭВД) горячая резка может быть проведена под водой. После завершения этого процесса гранулят сушится и засыпается в мешки (закладывается на хранение в силосы). Поскольку частицы после среза еще достаточно горячие, то гранулят всегда имеет форму шарика или линзы. Для изготовления цилиндрического гранулята выходящие из головки прутки (стренги) отдельно друг от друга протягиваются через ванну с холодной водой и охлаждаются. Далее, тянущим устройством, например, ленточным питателем, стренги направляются в гранулятор, где за счет поворотного ножевого вала разрезаются на гранулы длиной в 2-3 мм. Такой метод получил название холодное гранулирование. На рынке полимерной промышленности предлагается очень большое количество самых различных машин, однако в последнее время наибольшим спросом пользуются автоматические установки, работающие в непрерывном режиме. Это

объясняется большей производительностью и экономичностью подобных машин, а также более высоким качеством получаемого материала.

Наиболее часто в качестве смесителей высоковязких сред используются одношнековые машины (экструдеры). Валковые смесители (вальцы) применяются для гомогенизации высоконаполненных композитов с практически утраченной текучестью. Вальцевание применяется для приготовления композиционных термо- и реактопластов. Их используют для введения в термопластичные полимеры и реакционноспособные олигомеры (РСО) дисперсных и волокнистых наполнителей, пигментов, пластификаторов, отвердителей (в РСО), различных добавок. При вальцевании полимеры, как правило, не переходят в вязкотекучее состояние. Особенно широко вальцевание используется в технологии поливинилхлоридов, фено- и аминопластов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Сутягин В. М. Общая химическая технология полимеров: учебное пособие / В. М. Сутягин, А. А. Ляпков. — 5-е изд., стер. — Санкт-Петербург: Лань, 2020. — 208 с. ил. — (Учебники для вузов. Специальная литература).
2. Шерышев, М. А. Производство изделий из полимерных листов и пленок / М. А. Шерышев. — 2-е изд., испр. и доп. — Москва, 2020. Рауендааль, К. Экструзия полимеров / К. Рауендааль ; перевод с английского под редакцией А. Я. Малкина. — Санкт-Петербург : Профессия, 2008.
3. Рауендааль, К. Выявление и устранение проблем в экструзии : пер. с англ. 2-го изд. / К. Рауендааль [и др.]. — Санкт-Петербург : Профессия, 2011.
4. Унгер, П. Технология горячekanального литья : пер. англ. / П. Унгер; под редакцией В. Г. Дувидзона. — Санкт-Петербург : Профессия, 2009.

Полимер материалларын қайта исლეүди үйрениү хэм олардың халық хожалығыдағы роли
Ходжибеков С.Н. “Ташкент ирригация хэм ауыл хожалығын маханизациялау инженерлери институты”, Миллий илим изертлеу университети

Резюме. Полимер материалларын өндириүдин усуллары хэм олардан буйымлар жасау, оларды қалиплеу пайытында материалдың физикалық халатына карай классификациялау мүмкин: полимерлерден жабыскақ агым халатында қалиплеу (инекциялық қалиплеу, экструзия, пресслеу хэм басқалар) полимерлерден жокары эластикалық халатта, әдетте тауар яки плёнка бланкалары (вакуумлы қалип, пневматикалық қалип, ыссы штампау хэм бас қалар) жәрдемінде қалиплеу; қатты (кристалл яки шийше сыяқлы) халатта полимерлерден қалиплеу, бундай полимерлердин мәжбүрий жокары ийилиушеңлик (хана температурасында штампау, прокат х.т.б) көрсетиу қабилетине тийкарланған.

Таяныш сөзлер: полимер, технология, вакуум, температура, кристалл.

Polimer materiallarni qayta ishlashni o'rganish va ularning xalq xo'jaligidagi o'rni

Xodjibekov S. N. “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti” milliy tadqiqot universiteti

Rezyume. Polimer materiallarni qayta ishlash va ulardan mahsulotlarni ishlab chiqarishning ma'lum usullari, ularni qoliplash paytidagi materialning fizik holatiga qarab tasniflash mumkin: polimerlardan yopishqoq oqim holatida qoliplash (inyektsion kalıplama, ekstruziya, presslash va boshqalar); polimerlardan yuqori elastik holatda, odatda choyshablar yoki plyonka blankalari (vakuumli kalıplama, pnevmatik kalıplama, issiq shtamplash va boshqalar) yordamida qoliplash; qattiq (kristalli yoki shishasimon) holatda polimerlardan qoliplash, bunday polimerlarning majburiy yuqori egiluvchanlik (xona haroratida zarb qilish, prokat va boshqalar) ko'rsatish qobiliyatiga asoslangan.

Kalit so'zlar: polimer, texnologiya, vakuum, harorat, kristall.

Изучение некоторых переработок полимерных материалов и их роль в народном хозяйстве

Ходжибеков С. Н. Национальный исследовательский университет “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Резюме. Известны способы переработки полимерных материалов и изготовление изделий из них, которые можно классифицировать на основании физического состояния материала в момент формования: формование из полимеров, находящихся в вязко-текучем состоянии, (литье под давлением, экструзия, прессование и др.); формование из полимеров, находящихся в высокоэластическом состоянии, обычно с использованием листов или пленочных заготовок (вакуум-формование, пневмоформование, горячая штамповка и др.); формование из полимеров, находящихся в твердом (кристаллическом или стеклообразном) состоянии, основанное на способности таких полимеров проявлять вынужденную высокоэластичность (штамповка при комнатной температуре, прокатка и др.).

Ключевые слова: полимер, технология, вакуум, температура, кристалл.

The study of some processing of polymer materials and their role in the national economy

Khodjibekov S. N. National Research University “Tashkent Institute of Irrigation and agricultural mechanization”

Summary. There are known methods for processing polymeric materials and manufacturing products from them, which can be classified based on the physical state of the material at the time of molding: molding from polymers in a viscous-flowing state (injection molding, extrusion, pressing, etc.); molding from polymers in a highly elastic state, usually using sheets or film blanks (vacuum molding, pneumatic molding, hot stamping, etc.); molding from polymers in a solid (crystalline or glassy) state, based on the ability of such polymers to exhibit forced high elasticity (stamping at room temperature, rolling, etc.).

Key words: polymer, technology, vacuum, temperature, crystal.

КОНСТРУКТИВ ПСИХОЛОГИК ХИМОЯ МЕХАНЗМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДАСТУРИЙ САМАРАДОРЛИК ТАҲЛИЛИ


Файзиева М.

Қарши давлат университети

Психолог касбий фаолиятининг асосий вазибаларига шахснинг конструктив хусусиятларини барқарорлаштириш ва шакллантириш киради. Психолог профессионал фаолиятининг асосий воситларидан бири у бажарадиган харакатларнинг муваффақиятини белгилайдиган шахсий ва касбий шаклланганлик

психологик қиёфаси (характеристикаси)дир. Психологнинг профессионал фаолиятига хос зарурий хусусиятларининг шаклланиши олий таълимда тахсил олиш даврида руй беради. Олий таълимдаги билим олиш жараёнида бўлажак психолог илмий билим, конструктив ўзаро мулоқот-муносабатларни ташкиллаштириш ва қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали зарур билим, кўникма ва малакаларни маълум миқдори эгаллаши керак бўлади. Шахснинг психологик ҳимоясини функциялаштирилиши ҳаётий қийинчиликларни енгишнинг самарадорлигини белгилайди, шахсни ўзи ҳақидаги ижобий таассуротларини сақлаб қолади. [2, 92]. Конструктив психологик ҳимоя шаклланишининг дастури психология йўналиши 1-курс талабалари ўқиш фаолияти давомида махсус курсни ўзлаштириш жараёнида амалга оширилди. 1-курс психология йўналиши талабаларининг психологик ҳимоя тизимида юз берган ўзгаришлар тақдим этилган 1-4-расмларда ифодаланган кўрсаткичлар ҳақида фикр билдирамиз.

1-расм.



Психологик ҳимоя механизмларининг ишлаш частотасига кўра, 1-курс психолог талабаларнинг ўрта гуруҳ профилига кўра (6-шакл), махсус курсни ўзлаштириш таъсири натижасида барча психологик ҳимоя механизмларининг ишлаш юқламасида сезиларли миқдорий ўзгаришлар юз бергани кузатилди. Энг катта эмпирик ўзгаришлар - "ўрнини эгаллаш" механизмларидан фойдаланиш эффектида (тажрибадан олдин-53%; кейин-38%; фарқ-15%), "Рад этиш" (тажрибадан олдин-58%; кейин-44%; фарқ-14%), " Лойқхалаштириш" (тажрибадан олдин -71%; кейин-59%; фарқ-12%) кузатилди. Ушбу механизмлар қабул қилувчи гуруҳлар типига мансублиги учун, талабалар тажриба жараёнида қийинчиликларни назорат қилиш орқали ушбу ҳимоя механизмлари ишлашида кескинликлар бироз камайганлиги кузатилди.

Психологик ҳимоянинг юқсак механизмлари: "компенсация" (тажрибадан олдин-63%, кейин-69%; фарқ-6%), "гиперкомпенсация" (тажрибадан олдин -39%; кейин-42%; фарқ-3%), "рационализация" (тажрибадан олдин-53%; кейин-54%; фарқ-1%) ишлаш юқламасида миқдорий ўзгаришлар камроқ кучланишда ифодаланганлиги аниқланди. (1-расм).

Талабаларда психологик ҳимоя механизмларининг конструктив усулларини шакллантириш бўйича экспериментал изланиш натижаларини статистик қайта ишлаш Вилкоксон Т-мезони ёрдамида амалга оширилди. Бу борада статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар психологик ҳимоя механизмларидан: репрессия, регрессия, рад этиш, компенсация, гиперпенсацияларда аниқланди. (3-жадвал).

Биринчи курс талабаларининг "ўрнини эгаллаш"ни ҳимоя қилишнинг ибтидоий механизми кескинлиги сезиларли даражада камайди ($T_{\text{Вмэ}} = 9,5$ ўтиш: сайтда ҳаракатланиш, қидирув 6), бу кўкаламзорлаштириш тенденциясининг пасайишига ишора қилади, онг соҳасидан безовта қилувчи маълумотни олиб ташлайди.

"Орқага қайтиш" ибтидоий механизмининг ишлаш кучланишини камайитириш $T_{\text{Вмэ}} = 8$ да $p < 0,01$) қийинчиликларни бартараф этишда болаларнинг хатти-ҳаракатларини тез-тез ишлатиб туриши мумкин (3-жадвал).

3-жадвал. Психологик ҳимоя механизмларининг 1-курс талабаларида шакллантириш кучланишини ўзаро таққослашда Вилкоксон мезонининг эмпирик қийматлари ифодаси

Психологларни ҳимоя қилиш механизмлари	Ўрнини эгаллаш	Орқага қайтиш	Ўрин алмаштириш	Рад этиш	Лойқхалаштириш	Компенсация	Гиперпенсация	Рационализация	ПХУК
$T_{\text{Вмэ}}$	9,5*	8*	26	15,5	41,5	18	21	34,5	36,5

Эслатма: 1,11-0,05 даражасида муҳим аҳамиятга эга

1,11* - 0,01 муҳим аҳамиятга эга

$T_{\text{Вмэ}}$ - Вилкоксон мезонининг эмпирик аҳамияти

ПХУК-психологик ҳимоянинг умумий кескинлиги

Ўтиш: сайтда ҳаракатланиш, кидирув Т-Вмэа=41,5) статистик жиҳатдан сезиларли даражада ўзгармади, эҳтимол, бу талабаларнинг ёши ва уларнинг ўқитиш профилига боғлиқ, тасдиқланган адабий манбалар ва бошқа илмий тадқиқотларда ҳам шунга яқин ҳолатлар кузатишган.

"Рад этиш" механизмининг ишлаш кучланиши (Т-Вмэа=15,5 да $p<0,05$) камайди ва пасайишига олиб келди, қийинчиликларга эътибор бермаслик, қийинчиликларни эътиборсиз қолдириш кузатилди (3-жадвал).

"Компенсация" механизмларидан фойдаланиш кескинлигининг ошиши. Т-Вмэа=18 да $p<0,05$), "гиперкомпенсация" (Т-Вмэа=21 да ўтиш: сайтда ҳаракатланиш, кидирув 6) меҳнатнинг когнитив таҳлилини кучайтириш, уларни енгил учун мумкин бўлган вариантларни топишга интилиш ифодаланган.

Умумий тарангликда статистик жиҳатдан психологик ҳимояда аҳамиятли ўзгаришлар (Т-Вмэа=36,5) аниқланмаган. Натижада, ҳимоя механизмлари функцияларининг ўртача интенсивлиги бир хил, юқори даражада бўлиб қолди. Ибтидоий механизмлардан фойдаланиш частотасини камайитириш ва юқсак кучланишнинг ошиши тадқиқот мақсадини тасдиқлаш имконини беради. Тадқиқотда амалга оширилган илмий тарбиявий таъсир талабалар шахсининг психологик ҳимоя тизимига конструктив таъсири аниқланди.[2.37]

Психологик тадқиқотимизнинг диагностик натижаларини муҳокама қилишнинг навбатдаги босқичига ўтамыз. 4-жадвалда тақдим этилган психологик ҳимоя механизмларининг талабалар гуруҳларидаги сезиларли фарқларини таҳлил қилиш Стьюдент мезони ёрдамида амалга оширилди.

4-жадвал. 1-курс талабаларини психологик ҳимоя қилиш механизмларининг кескинлигини таққослаш Тг-1 ва Нг-1 ўзаро таъсирдан кейин

Психологик ҳимоя механизмлари	Тг-1курсада психологик ҳимоя механизмларининг кучланиши (%)	Нг-1курсада психологик ҳимоя механизмларининг кучланиши(%)	t < P
Ўрнини эгаллаш	38	50	2,12
Орқага қайтиш	43	54	2,55
Ўрин алмаштириш	41	46	2,01
Рад этиш	44	60	2,15
Лойиҳалатириш	56	60	2,02
Компенсация	69	60	2,80*
Гиперкомпенсация	42	33	2,78*
Рационализация	54	51	1,99
ПХУК	48	50	1,83


Эслатма: 1,11-0,05 (2.04) даражасида муҳим аҳамиятга эга.

1,11* - муҳим аҳамиятга эга бўлган 0,01 (2.75).

t < P. - Стьюдент мезонининг аҳамиятли кўрсаткичи.

Ибтидоий ҳимоя гуруҳида механизмларнинг кескинлиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайиб борди: "ўрнини эгаллаш" (фарқ-12%);, "орқага қайтиш" (фарқ-11%), "рад этиш" (фарқ-16%). Психологик ҳимоянинг юқсак механизмлари гуруҳида "компенсация" (фарқ-9%), "гиперкомпенсация" (фарқ-9%) дан фойдаланиш частотасининг ошиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Тг-1 ва Нг-1 талабаларида ҳимоя механизмларининг умумий кескинлиги (ПХУК) нинг кўрсаткичлари статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмайди, аммо ҳосил қилувчи ўзаро таъсир натижасида ҳар икки гуруҳ субъектларининг қийинчиликларни бартараф этишлари учун сифат жиҳатидан турли механизмлар кўрсаткичлари фарқланди.



2-расм. 1-курс психология йўналиши талабаларининг тажриба гуруҳида копинг-хулқ-атвор стратегиясини тақсимланиши.

Талабаларнинг копинг хулқ-атвор хатти-ҳаракатларидаги ўрта гуруҳ ўзгариши фақат "муаммони ечиш" стратегиясини қўллашда (тажрибагача-73%, кейин-88%; фарқ-15%). Талабаларнинг қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллари мустақил излашга бўлган интилишлари кучайиб борган.

"Ижтимоий қўллаб-қувватлаш" стратегиясига амал қилиш интенсивлиги (тажрибагача -60%, кейин-60%), "қочиш" механизмидан фойдаланиш (тажрибагача -58%, кейин-58%) ўзгаргани йўқ (2- расм.).

5-жадвал. Вилкоксон мезонининг эмпирик қадриятлари 1 курс талабаларининг копинг-хатти-ҳаракатлари стратегияларини шакллантиришдан олдин ва кейин таққосланганда

Копинг-хатти-ҳаракатлар стратегиялари	Муаммони ҳал қилиш	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш	Қочиш
Т- Вмэа	46,5	39	33

Эслатма: 1,11-0,05 даражасида муҳим аҳамиятга эга.

1,11* - 0,01 муҳим аҳамиятга эга.

Т- Вмэа - Вилкоксон мезонининг эмпирик аҳамияти.

Экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлиллари копинг хулқ-атор стратегиясидан фойдаланишда сезиларли ўзгаришлар аниқланмади (5-жадвал.). Психологик ҳимоя механизмларини ўзлаштириш давомида талабалар фаолиятида кескинликлар юз берганда хавотирли ахборотни баҳолаш механизмларини ўзгартирдилар, аммо уларни хулқ-атворларига қўчириш усулларини ўзлаштирамайдилар.

6-Жадвал . Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан кейин Сопинг-хулқ-атвор стратегияларини хариталаш (Тг-1 ва Нг-1, 1- курс талабаларида)

Копинг-хулқ -атвор стратегиялари	Тг-1 да стратегияни қўллаш частотаси (%)	Нг-1 да стратегияни қўллаш частотаси (%)	t< P
Муаммони ҳал қилиш	88	75	2,03
Ижтимоий қўллаб-қувватлаш	60	55	1,87
Қочиш	58	60	2,01


Эслатма: 1,11-0,05 (2.04) даражасида муҳим аҳамиятга эга.

1,11* - муҳим аҳамиятга эга бўлган 0,01 (2.75)

t< P. - Стьюдент мезонининг аҳамиятли кўрсаткичи.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг(биринчи курс талабалари) копинг-хулқ-атвор стратегиясини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш (6-жадвал.) гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар йўқлигини кўрсатди. [5.86]

Ўз-ўзини англашнинг хусусиятлари ва психологик ҳимоя тизимининг самарадорлиги мезонлари сифатида ифодаланган "баҳолаш", "куч", "фаолият" омиллари ўрганилганда, тажриба-тадқиқот ишлари натижаларида ўзгаришлар юз берди (3-расм).



Ўз-ўзини англаш хусусиятлари

3-расм. Психология йўналиши 1-курс талабаларида (Тг-1да) ўз-ўзини англаш хусусиятларининг ифодаланиш кўрсаткичлари.

"Баҳо" омилининг гуруҳий ўртача кўрсаткичлари (тажрибагача-43%, кейин-57%; фарқ-14%) сезиларли ортганлиги кузатилди (3-расм), бу ўз-ўзидан уларнинг қобилиятлари ижобий намоён бўлишига кўра, имкониятлари ошиб бораётганлигини кўрсатди.

"Куч" омилининг қийматлари ҳам сезиларли ортганлиги аниқланди (тажрибагача- 33%, кейин-43%, фарқ-10%), бу талабалар шахсининг иродавий сифатларини кучайиб бориш назоратини оширишни, қийинчиликларни енгиб ўтишга мойиллигини кўрсатади.

"Фаоллик" омили биринчи курс талабаларида (тажрибагача- 10% гача; кейин-24%; фарқ-14%) анча юқори баҳоланганлигини кўриш мумкин, бу муаммоларни ҳал қилишда қатъийлик, дадиллик, журъатлилик ва тadbиркорлик сифатлари шаклланаётганлигини кўрсатади (3-расм).

7-жадвал. Психология йўналиши 1-курс талабаларининг ўз-ўзини англаш хусусиятлари шаклланиш даражасини тажрибадан олдин ва кейинги ҳолатини Вилкоксон мезонининг эмпирик кадриятлари асосида солиштириш.

Ўзини-ўзи англаш хусусиятлари	Баҳо	Куч	Фаоллик
T-Вэмп.	22,5	31	24

Эслатма: 1,11-0,05 даражасида муҳим аҳамиятга эга

1,11* - 0,01 муҳим аҳамиятга эга

T- Вмэа - Вилкоксон мезонининг эмпирик аҳамияти.

Олиб борган тадқиқотимиз натижаларининг статистик таҳлиliga кўра, "баҳо" омилидаги ўзгаришларнинг ишончлилигини тасдиқлади (T- Вмэа. Ўтиш: сайтда ҳаракатланиш, кидирув=24 да $p<0,05$) (7-жадвал). Биринчи курс талабалари тадқиқот дастурни амалга ошириш (ўзлаштириш) натижасида ўзларининг шахс хусусиятларини ижобий баҳолаб, қийинчиликларни бартараф этишда янада фаол ҳаётий позицияни эгаллаганликларини кўрсатди.

Талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларида ўз-ўзини англаш хусусиятларидан ўз-ўзини баҳолаш ва фаоллик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда (8-жадвал) тажриба гуруҳидаги талабаларда (фарқ-12%) сезиларли ўзгариш кузатилди. Статик маълумотлар қайта ишланганда кўрсаткичлардаги эмпирик ўзгаришлар тасдиқланди.

8- жадвал. Ўз-ўзини англаш хусусиятларини таққослаш Тг-1 ва Нг-1 1 курс талабалари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан кейин


Ўз-ўзини англаш хусусиятлари	Кўрсаткичлар Тг-1-курс (%)	Кўрсаткичлар Нг-1-курс (%)	t < P
Баҳо	57	45	2,15
Куч	43	39	1,85
Фаоллик	24	12	2,08

Эслатма: 1,11-0,05 (2.04) даражасида муҳим аҳамиятга эга.

1,11* - муҳим аҳамиятга эга бўлган 0,01 (2.75)

t < P - Сьюдент мезонининг эмпирик аҳамияти

Психология йўналиши 1-курс талабалари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантиришдан олдин ва кейин ўтказилган синов натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш уларда психологик ҳимоянинг конструктивлик даражасини аниқлаш имконини берди (4-расм).



4-расм. Психология йўналиши 1-курс талабаларининг тажриба гуруҳида психологик ҳимоянинг конструктивлик даражасини ифодаланиши.

Психологик ҳимоянинг конструктивлиги умумий кўрсаткичидаги ўзгаришлар фоиз нисбатида аниқланди: назарий даражадаги ўзгариш 17% дан 22% гача, эмпирик даражадаги 43% дан 60% гача, табиий даражада 40% дан 18% гача ўзгаришлар кузатилди. Психологик ҳимоя тизими таркибий қисмларининг ўзгаришларини статистикий таҳлил қилиш ўзгаришларнинг ишончлилигини, шунингдек, қўлланилган методикалар таъсирнинг ишончлилиги, самарадорлиги ва етарлилигини тасдиқлаш имконини берди.

Шундай қилиб, конструктив психологик ҳимояни шакллантириш бўйича тажриба-эксперимент ишлари давомида биринчи курс талабаларида психологик ҳимоя механизмлари ва ўзлигини англаш стратегиялари муносабатларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Психологик ҳимоянинг функционал жиҳатларида умумий зўриқиш кўрсаткичи сақланиб қолса-да, ибтидоий ҳимоя қийматларининг пасайиши кузатилди (ўрнини эгаллаш, орқага қайтиш, рад этиш) ва юксак ҳимоя механизмлари (компенсация, гиперкомпенсация) кучайганлиги аниқланди. Бундай ўзгариш талабаларнинг мақсадга эришишларида фаол бўлишга, шахс хусусиятларининг намунали ва меъёрий намоён бўлишини таъминлашга имкон берди. Ушбу ўзгаришлар талабаларни психологик ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга ва уларнинг янги фаолият даражасига осонлик билан ўтишига олиб келди.

Психологик ҳимоя - ички ва ташқи зиддиятлар, можаролар, безовталиқ, ноқулайлик билан боғлиқ бўлган субъектга таъсир этувчи ахборотларни қабул қилмаслик, травматик тажрибалардан ҳимоя қилишга қаратилган шахсни барқарорлаштиришнинг махсус тизими.

Психологик ҳимодан фойдаланиш эмоционал стрессни бартараф этиш, хатти-ҳаракатларнинг тартибсизликларини олдини олиш, қисқа вақт ичида янги ижтимоий-психологик шароитларга мослашиш имконини беради. Баъзи ҳолларда ҳимоя механизмлари доимий можаролик ҳолатига олиб келиши мумкин, шунинг учун улар ҳалокатли (деструктив) ва конструктив психологик ҳимоя механизмлари сифатида таснифланади.

Шахснинг психологик ҳимояси копинг ҳулқ-атвор (шахсий муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилган ҳаракатлар) ҳимоя механизмлари ва стратегиялари билан таъминланади. Биргаликда улар адаптив (мослашув) жараёнларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ шакллари ва шахснинг фстрессли вазиятларга жавоб беришини таъминлайди. [5.43]

Илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш бизга психологик ҳимоянинг конструктив эканлигини аниқлашга имкон берди, агар у қуйидаги хусусиятларга эга бўлса: жамоатчилик талаблари ва қоидаларига риоя қилиш; фикрлаш ва тасаввур жараёнлари фаолият юритишнинг асоси ҳисобланганда; фаолият юритишдан хабардорлиги, рефлекс (акс эттириш) асосида назорат қилинганда; муҳофаа механизмларидан оқилона фойдаланиш; ташқи ижтимоий-психологик мослашувни таъминлаш ва шахсий ҳаётини муаммоларни қониқарли ҳал қилиш; ўзаро муносабатларда конструктив психологик ҳимоя инсоннинг прогрессив ривожланиши ва ижтимоийлашувини таъминлайди.

АДБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.
2. Бассин Ф.В. Проблема психологической защиты // Психол. журнал. -1988. - №9. - С.79-86.
3. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: дис. ... доктора психол. наук. - М., - 456 с.
4. Жабборов Х.Х. Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари. Пс.ф.б.фал.док. (PhD) дисс... - Т., 2019, -160 б.
5. М.Файзиева Шахснинг психологик ҳимоя механизми. Монография. Қарши “Насаф” НМИУ-2021 йил. 143 бет.

Аннотация Мазкур мақолада конструктив психологик ҳимоя механизми шаклланишининг дастурий самарадорлик таҳлили хусусидаги фикрлар баён этилган. Унда Экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш шарт-шароитлари: психологик ҳимоя тизими ҳақидаги билимларни ассимиляция қилиш, айниқса, шахс ва психологик ҳимоя тизимининг ишлаш талабаларини психологик ҳимоя тизимининг турли йўналишларда ўзгаришига олиб келиши таҳлилларда орқали ифодаланган.

Аннотация В статье представлены взгляды на анализ программной эффективности формирования конструктивного механизма психологической защиты. В нем условия для проведения экспериментального исследования: усвоение знаний о системе психологической защиты, в частности, о характеристиках личности и системе психологической защиты, побуждают студентов менять систему психологической защиты в разных направлениях.

Abstract This article presents the views on the analysis of software effectiveness of the formation of a constructive psychological defense mechanism. In it, the conditions for conducting experimental research: the assimilation of knowledge about the system of psychological protection, in particular, the performance of the individual and the system of psychological protection lead students to change the system of psychological protection in different directions.

Қарши Давлат университети, Психология фанлари номзоди, доцент.

Қарши шаҳри 6 митти тумани 1 /6 уй, 6 хонадон.

Телефон +998914510783

SOG'LOMLASHTIRUVCHI YUGURISHNING INSON ORGANIZMIGA TA'SIRI

Utepov M. D.

Qoraqalpog' davlat universiteti

Bugungi kunda sog'lom turmush tarziga katta e'tibor qaratilmoqta. Prezidentimiz tashshabusi bilan 2020-yil 30 oktyabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Sog'lom turmush tarzini hayotga keng tatbiq etish va ommaviy sportni yana-da rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni qabul qilindi[1]. Shuning o'zi ko'rsatib turibdi, mamlakatimizda sog'lom turmush tarziga e'tiborning yuqoriligini.

Zamonaviy dunyo juda tezlashib bormoqta. Har birimizning hayotimiz turli hodisalarga boy. Lekin doimiy ish kuni inson tanasini zarur bo'lgan jismoniy yuklamalar bilan ta'minlashga qodir emas. Harakatsiz turmush tarzi, kompyuterda ishlash vaqt o'tishi bilan odamlarda turli xil kasalliklar keltirib chiqaradi.

Shuning uchun jismoniy yuklamalar uchun eng optimal variantni tanlash muhimdir. Yugurish deyarli har bir kishi uchun mavjud. Yugurishning sog'lomlashtiruvchi ta'siri mavzusi bugungi kunda ayniqsa muhimdir. Axir, atrofida yugurishning foydali va bo'lishi mumkin bo'lgan zarari, uning davomiyligi va mashg'ulot chastotasi haqida ko'p ma'lumotlar bor. Faqat bitta narsa shubhasizdir: yugurish inson tanasini tiklashning eng oddiy va eng samarali usullaridan biridir.

Yugurish-kardiorespirator tizimini mashq qildirish uchun asosiy va eng samarali jismoniy mashq hisoblanadi. Yugurish, chidamlilik va tezlik kabi jismoniy sifatlarni rivojlantirishga katta darajada ko'maklashadi [2]. Yugurganda badandagi mushak guruhlarining deyarli hammasi ishga tushadi, yurak-qon tomir, nafas olish va boshqa tizimlar faoliyati kuchayadi, modda almashinuvi ancha oshadi. Yugurish bilan shug'ullanish jarayonida kishi irodasi mustahkamlanadi. O'z kuchini taqsimlay olish, to'siqlardan o'ta bilish, ochiq joyda mo'ljal ola bilish qobiliyati hosil bo'ladi [3,4].

Yugurish har yili ommalashib bormoqda. Axir, bu odam uchun odatiy usul. Sog'lomlashtiruvchi yugurish bir qator afzalliklarga ega. Birinchidan, yugurish jarayonida tanadagi yuklamani mo'ljalash oson. Ikkinchidan, mashq qilish uchun qimmat sport anjomlari va maxsus zallar talab qilinmaydi. Uchinchidan, yilning istalgan vaqtida yugurish mumkin. Va nihoyat, yugurish bilan shug'ullanish uchun murabbiyning doimiy nazoratini talab qilmaydi. Shunday qilib, siz o'zingizcha va bo'sh vaqtingizda yugurishingiz mumkin.

Yugurishning foydasi haqida nafaqat mahalliy, balki xorijiy olimlar ham ko'plab asarlarini yozgan. Har bir inson yugurishning o'z tanasiga ijobiy ta'sirini tushunadi. Yugurish tananing jismoniy holatini yaxshilaydi, uni mustahkamlaydi, va ularning sog'lig'iga kompleks tasir ko'rsatib hayotni sifat jihatidan o'zgartirishi mumkin. Faqat muntazam ravishda yugurish emas, balki to'g'ri ovqatlanish, ish va dam olish rejimiga rioya qilish, gigiena haqida unutmashlik ham muhimdir.

Yengil atletika mashqlarining xilma-xilligi: yurganda, yugurganda, sakraganda va uloqtirganda kuch kelishni o'zgartirish mumkinligi – har xil jins va yoshdagi kishilar bilan yengil atletika mashg'ulotlari o'tkazaverish imkonini beradi. Bu mashqlarning ko'pchiligi ijro texnikasi jihatidan qiyin emas, o'rgatish uchun oson va ularni oddiy maydonchalar yoki ochiq joylarda bajaraversa bo'ladi[4,5].

Texnik nuqtaiy nazaridan, yugurish inson salomatligini saqlashning eng oson usuli hisoblanadi. Maxsus adabiyotlarni tahlil qilish sizga sog'lomlashtiruvchi yugurish eng yaqshi ijobiy ta'sir ko'rsatadigan asosiy jihatlarni aniqlash imkonini beradi. 1. Insonning yurak-qon tomir tizimi. Muntazam yugurish bilan shug'ullanish yurak tomlarining devorlarini kuchaytiradi, qon bosimi darajasini normallashtiradi. Shunday qilib, yurak bilan bog'liq kasalliklar xavfi sezilarli darajada kamayadi [6]. 2. Nafas olish tizimi. Uning mustahkamlanishi sodir boladi. O'pka kuchli bo'lib, ularning sig'imgi ortadi. Ya'ni, nafas olish uchun mas'ul bo'lgan mushaklar tufayli o'pkaning hajmi oshadi. Axir ular doimo mashq qiladilar. 3. Immunitet. Immunitet darajasining oshishi ochiq havoda mashq qilish orqali amalga oshiriladi. Axir siz qishda, yozda, yomg'irda va ochiq havoda yugurishingiz mumkin. Shunday qilib, tananing chiniqishi, immunitetini mustahkamlaydi. 4. Jismoniy kuch. Yugurish barcha mushak guruhlarini faollashtiradi. Yugurish oyoqlarning, qo'llarning, tananing old va orqa qismi mushaklarini rivojlantiradi. Shunday qilib, muntazam ravishda yugurish tayanch harakat tizimini mustahkamlash, odamni kuchli va chidamli qilishi mumkin. 5. Intizom. Albatta, doimiy jismoniy yuklamalar insonni tartibga soladi. Vaqt o'tishi bilan muntazam mashg'ulotlar odat tusiga kiradi va natijada sog'lom turmush tarzi paydo bo'ladi.

Bundan tashqari, jismoniy yuklamalar ko'rinishida sog'lomlashtiruvchi yugurish uzoq muddatli davolanishtan keyin tiklanish uchun qo'llaniladi. Yugurish tananing motor funktsiyalarini yaxshi tiklaydi. Yugurish yana, bo'sh vaqt o'tkazish usullaridan biri bo'lishi mumkin. Axir, faol dam olish nafaqat psixo - emotsional holatni yaxshilashga, balki sog'liqni mustahkamlashga ham qodir. Shuni ta'kidlash kerakki, yugurish bilan shug'ullanish ba'zi printsiplarga rioya qilishni talab qiladi.

Birinchidan, xavfsizlik printsiipi. Mutaxassislar yo'llar yoki kata yo'llar bo'ylab yugurishni tavsiya etmaydi. Axir, xavf nafaqat yaqin atrofdagi avtomobilda, balki jismoniy mashqlar paytida iste'mol qiladigan havoda ham yashiringan. Shuning uchun mashq qilish uchun eng yaxshi joy-tig'iz bo'lgan yo'llardan chuqurlikda joylashgan bog'lar va maydonlar. Bundan tashqari, xavfsizlik printsiipi mashg'ulot kiyimini ham o'z ichiga olishi kerak. Axir, qulay kiyim va poyabzal jarohatlar xavfini kamaytiradi. Ikkinchidan, bosqichma-bosqichlik printsiipi. Barcha jismoniy yuklamalar asta-sekin o'sib borishi kerak. Bu shuningdek, mashg'ulotlar davomiyligi uchun ham amal qiladi. Tana asta-seki ortib borayotgan jismoniy yuklamalarga moslashishi kerak.

Shuni ta'kidlash kerakki, yurak-qon tomir tizimini jismoniy mashqlar bilan shug'ullanib chiniqtirish asta-sekin olib borilishi zarur. Chiniqishning boshlanishida jismoniy mashqlar hajmi kam bo'lib, asta-sekin ko'paytirilishi kerak.

Har bir odam bajaradigan mashqining hajmi, ya'ni har kuni yuradigan va chopadigan masofasi, harakat tezligi uning yoshini, jismoniy rivojlanish darajasini, sog'lig'ini e'tiborga olgan holda belgilanishi kerak [6].

Uchinchidan, o'z-o'zini nazorat qilish printsipli. Mashg'ulot davomida tanangizni, tuyg'ularingizni "tinglash" muhimdir. Qon bosimi va yurak urishini o'lchash ortiqcha bo'lmaydi. Yangi shug'ullanuvchilar uchun yugurish va yurishning o'zgarishi joizdir. Asta-sekin tez yurish bilan almashtirilishi mumkin.

Yugurish, boshqa har qanday jismoniy yuklamalar kabi, o'ziga xos xususiyatlarga ega. 1. Noto'g'ri tanlangan poyabzal jiddiy shikastlanishga olib kelishi mumkin. Bundan tashqari, noto'g'ri poyabzal tananing bo'g'imlariga va tayanch-harakat tizimiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. 2. Yuqori qon bosimi shifokorga majburiy murojaat qilishni talab qiladi. Bunday hollarda, yugurish faqat zarar etkazishi mumkin. Axir, jismoniy faoliyat davomida qon tomirlarining tonusi oshiradi va inson yurak – qon tomir tizimining buzilishi xavfi mavjud. 3. Umirtqa pog'onasi, bug'imlarda va boshqalarda jismoniy mashqlar paytida muntazam og'riqlar, mutaxassisni muntazam kuzatishni talab qiladi. Bunday holda, yugurish xavfli bo'lishi mumkin, chunki sport bilan shug'ullanish paytida tayanch-harakat tizimiga yuklama oshadi. 4. Haddan tashqari ortiqcha vazin yugurish uchun hafliy hisoblanadi. Axir, ortiqcha tana massasi bilan bo'g'inlardagi yuk bir necha marta oshadi. Bularning barchasi xavfli oqibatlariga olib kelishi mumkin.

Shunday qilib, mashg'ulotlarni boshlashdan oldin shifokor bilan maslahatlashish kerak. Axir, har qanday boshqa sport kabi, yugurish nafaqat sog'lig'ini mustahkamlashga, balki unga tuzatib bo'lmaydigan zarar etkazishga ham qodir.

Yugurishning inson tanasiga ta'siri bo'yicha nazariy tadqiqot o'tkazish salomatlikni mustahkamlash uchun jismoniy yuklamalarning yuqori ahamiyatini tasdiqlaydi. Biroq, yugurish nafaqat ijobiy ta'sir ko'rsatishi, balki salbiy ham bo'lishi mumkin. Har qanday mashg'ulotga ongli ravishda qarash kerak. Tana asta-sekin hayotning yangi ritmiga o'rganishi kerak. Shunday qilib, inson uchun noxush oqibatlar xavfini kamaytirish mumkin bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. <https://lex.uz>
2. Allamuratov Sh. I. fiziologiya va sport fiziologiyasi. Darslik. Tashkent, 2010
3. R. Qudratov yengil atletika. Darslik. Tashkent, 2012
4. H. T. Rafiyev yengil atletika va uni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma.
5. Tashkent, 2012
6. A.N.Normurodov yengil atletika va uni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent, 2011
7. E.Nuritdinov odam fiziologiyasi. Darslik. Tashkent, 2005

Sog'lamlashtiruvchi yugurishning inson organizimiga ta'siri

Utepov M.D. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume: ushbu maqolada sog'lamlashtiruvchi yugurishning inson salomatligiga har tamonlama ta'sir ko'rsatishining asoslari o'rganilgan. Tanadagi muntazam jismoniy yuklamalarning ahamiyati aniqlangan. Umuman olganda sog'liq uchun yugurishning avzalliklari va uning har bir komponenti alohida tahlil qilindi. Yugurishning maksimal ta'siriga bo'ysunadigan asosiy jihatlari shakllantirilgan. Asosiy jismoniy faoliyat sifatida, yugurishning asosiy tamoyillari tavsiflandi. Salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkin bo'lgan yugurish mashg'ulotlarining o'ziga xos xususiyatlariga e'tibor qaratilgan.

Tayanch so'zlar: yugurish, salomatlik, tayanch-harakat tizimi, yurak, o'pka, bo'g'inlar.

Salamatlandiruvchi juvuriwdn insan organizimine tasiri

Utepov M.D. Qaraqalpaq mamleketlik universiteti

Rezyume : bul maqalada salamatlandiruvchi juvuriwdn insan salamatligina har tarepleme tasir korsetiwini tiykarlari uyrenilgen. Insan denesindegi uzliksiz fizikalıq juklemelerdin ahmiyeti aniqlangan. Uluwma alganda den-sawliq ushin juvuriwdn abzallıqlari jane onın har bir komponenti boleک analiz etildi. Juvuriwdn maksimal tasirine boysınatuın tiykarǵı tarepleri qalıplestirilgen. Tiykarǵı fizikalıq iskerlik retinde, juvuriwdn tiykarǵı principleri xarakteristikalandi. Unamsız aqibetlerge alıp keliwi mumkin bolǵan juvuriw shınıǵıwlarınin ayırıqsha qasıyetlerine itibar qaratılǵan.

Tayanish so'zler: juvuriw, salamatlıq, tirek-qozǵalis sistemasi, jurek, okpe, buwınlar.

Влияние оздоровительного бега на организм человека

Утепов М.Д. Каракалпакский государственный университет

Резюме: в данной статье изучены основы всестороннего воздействия оздоровительного бега на здоровье человека. Выявлена важность регулярных физических нагрузок на организм. Преимущества бега для здоровья в целом и каждая его составляющая были проанализированы отдельно. Сформулированы основные аспекты бега, которые подчиняются максимальному эффекту. В качестве основной физической нагрузки были описаны основные принципы бега. Основное внимание уделяется особенностям тренировок по бегу, которые могут привести к негативным последствиям.

Ключевые слова: бег, здоровье, опорно-двигательный аппарат, сердце, легкие, суставы.

The effect of recreational running on the human body

Utepov.M.D. Karakalpak State University

Summary: this article examines the basics of the comprehensive impact of recreational running on human health. The importance of regular physical exertion on the body is revealed. The benefits of running for health in general and each of its components were analyzed separately. The main aspects of running that obey the maximum effect are formulated. The basic principles of running were described as the main physical activity. The main attention is paid to the peculiarities of running training, which can lead to negative consequences.

Keywords: running, health, musculoskeletal system, heart, lungs, joints.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ МОДДАЛАРНИНГ СОЛИШТИРМА ОҒИРЛИГИ ВА ЗИЧЛИГИНИ АНИҚЛАШДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШ

Уракова Ф. Э.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Бугунги кунда ўрта мактабларда ўқитиладиган фанларнинг сифатини яхшилашда ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда дарс жараёнларини ташкил қилишда таълимни ривожлантиришга қўйилаётган давлат таълаблари жуда юқори бўлиб, ўқувчининг шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларини эътиборга олиб, дунё бўйлаб фан, техника ва технологияларнинг истикболли ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда, ўқувчиларнинг фанларни ўрганишларида таянч ва фанга оид умумий билимларни ривожлантиришдан иборат.

Айниқса, физика фанидан бериб борилаётган узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларда фаннинг техника тараққиётида ва ҳаётда тутган ўрни, фанга оид зарурий билимларни эгаллаши, олган билимларини ҳаётга татбиқ эта олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсад қилиб олинади.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу асосий дастурий вазифанинг ажралмас қисми таълим мазмунини такомиллаштиришдан иборат. Бу масалани ҳал этишдаги асосий ишлардан бири замонавий педагогик тизимларнинг илғор ғояларидан қанчалик маҳорат ва ижодий фойдаланилганига боғлиқ. Улкан жамоат ғоялари, ахлоқий меъёрлар ва маданий анъаналар асосида ўсиб келаётган ёш авлодни яхши тарбиялаш учун нималарга эътибор бериш ва нималардан фойдаланиш керак, деган саволга жавоб беришда таълим технологияларини танлаб олиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Атоқли олим ва аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси, илм-фан, таълим ва тарбия мазмуни ҳақидаги қимматли фикрларни ўзида жамлаган улкан бир хазинадир. Берунийнинг математика, физика, география ва геодезия фанлари бўйича ёзган асарларида берилган илмий маълумотлар ҳозирги кунда фанларни ўқитишда асосий қўлланмалардан бири бўла олади десак муболаға бўлмайди. Берунийнинг фикрлари ҳозирги кун учун жуда мосдир, чунки замонавий мактаб таълимининг асосий мақсади ўқувчиларни билимларни онгли равишда эгаллашларига яқиндан қўмақ беришдир. Демак ўқувчи нафақат илмий билимларга эга бўлади, балки уларни мустақил равишда ажратиш ва фикрлай олишлари керак ва бунга ақлий ёндашувлар асосида эришилади.

Умум ўрта таълим мактабларда физика фанидан дасрларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ўқув жараёнида физика фанига оид сўнгги янгиликлар ва ютуқларни таништириб бориш билан бирга фан тарихи ҳақидаги маълумотларни ҳам мунтазам бериб бориш уларнинг бу фанни янада чуқурроқ ўрганишларига имкон яратади. Бу ўринда физика фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг илмий меросларини дарс жараёнида ўқувчиларга етказиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Физика дарсларини бундай ташкил этилиши ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш билан бир қаторда дарс жараёнини янада қизиқарли ташкил этишга имкон яратади. Физика фани жуда қадим замонлардан бошлаб, (физика-табиат фани) инсониятнинг амалий фаолиятида ҳаёт тақозоси туфайли, инсон тафаккури билан бирга ўсиб ривожланиб келган. Жаҳон физикасини бойитишда, улуғ ватандошларимиздан Аҳмад ал-Фаробий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абдурахмон Хозин (XI-XII асрлар), Умар Ҳайём (1048-1131) ва бошқа қўллаб олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар [1.13].

Берунийнинг механика, акустика, иссиқлик, ёруғлик, электр ва магнетизмга оид илмий ишлари айниқса жаҳон аҳамиятига эгадир. Бироқ олимнинг бу борадаги ишлари ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги ва мақсадли илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмаганлиги натижасида, аллома яратган қонунлар ва илмий фикрлар замонавий физиканинг ривожланиш тарихида ўзининг муносиб ўрнини топган эмас [2.34].

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида танилганидан сўнг аждодларимизнинг жаҳон фанини ривожланишига қўшган улкан ҳиссалари, шахсан Берунийнинг оламшумул илмий меросидаги маълумотларни умумтаълим мактабларда физика фанини ўқитишда яратилган янги давлат таълим стандартларига киритиш ва тарихий материаллардан дарс жараёнида фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Бу ўринда, Берунийнинг материя, ўлчов бирликлари, тезлик, қизиқли ва бурчакли тезлик, оғирлик, солиштирма оғирлик, туташ идишлар, водопровод, булоқлар, фонтан, артезиан қудуқлар, бўшлиқ, атмосфера босими, конвекция, суюқлик заррачалари ўртасидаги тортишув кучи, инерсия, таъсир, жисмларнинг эркин тушиши, оддий механизмлар каби жуда кўп илмий ишларидан дарс жараёнида ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар, факультатив курслар, илмий семинарлар ва ўқув тўғрақларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Беруний ҳар бир илмий асарни чуқур таҳлил қилар, муаллифнинг ким бўлишидан қатъий назар хатосини топиб танқид қилар ва ютуқларини кўрсатар эди. У ҳамиша ўз устида тинимсиз ишлар ва меҳнатдан ҳеч қачон қочмасди.

Беруний физик катталикларни ўлчаш ҳақида аниқлик киритиб, жисмларнинг оғирлигини тортиш, ҳажмини ўлчаш ва булар асосида ҳажм бирлигидан оғирлик ёки оғирлик бирлигидаги ҳажм орқали солиштирма оғирлигини топиш усулини ишлаб чиққан [3.45]. Бундан ташқари ҳажм ўлчагич-қурилма ясаб, сифон ва ёнганда ўзини мой билан таъминлаб турадиган мой чироқни ишлаш асосларини илмий изоҳлаган, экспериментал физикага асос солган. Физикада математик, график усулларини қўллаб, физика фанига янги тушунча ва терминлар киритиб, жаҳон илм-фани хазинасини бойитган.

Зичлик ва солиштирма оғирлик мавзусидаги дарсларда ўқувчиларга 50 дан ортиқ моддаларнинг солиштирма оғирлигини ҳозирги замон аниқлиги даражасида жаҳонда биринчи бўлиб Беруний томонидан

аниқланганлигини алоҳида қайд этиш аҳамиятга лойиқ ҳисобланади. Беруний турли моддаларнинг тенг ҳажмдаги оғирликларини таққослаб, уларнинг солиштирма оғирликларини аниқлаган. Бундан ташқари у ўша моддаларнинг тенг оғирликдаги ҳажмларини ўлчаб, натижаларини таққослаш орқали ҳам солиштирма оғирлигини қайта аниқлаган. Ўша даврларда етарли шарт-шароитлар йўқлигига қарамасдан буюк аллома тинимсиз изланишлар олиб борган. Бунга мисол тариқасида сувнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш устида 5 йил мобайнида тажриба ишларини олиб борганини мисол қилиш мумкин [4.22].

Немис олими Г.Штромаер Беруний олиб борган тадқиқотлар тўғрисида тўхталар экан, унинг физика соҳасидаги тажрибалари учун, яъни металллар ва қимматбаҳо тошларнинг зичлигини ўлчаш учун асбоблар яратгани ва бу борада кўплаб тажрибалар ўтказгани, шундан сўнг олтин моддасининг ҳақийқийлигини аниқлаш имкони пайдо бўлганини алоҳида таъкидлайди [5.14]. Бу ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиб, унинг ўлчаш усулларидан фойдаланиб оддий уй шароитида моддалар, минераллар ва суюқликларнинг зичлигини ўлчаш бўйича тушунчалар бериб, уларни мустақил тажрибалар ўтказишлариغا йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳаммамизда бир савол туғилиши мумкин. Хўш ҳозирги техника юқори даражада ривожланган даврда бу нимага керак ва бизга нима беради? Ундан кўра замонавий ўлчаш усуллари орқали ҳам ўқувчиларга зичлик, масса ва ҳажм ҳақида тушунчалар беришимиз мумкин. Умуман олганда ҳозирги замон талаби асосида физика фанини ўқитишни ташкил қилиш ва давр билан ҳамоханг яшамоқлик тўғрисида. Лекин ўқувчиларда бошланғич билим базасини мукаммал даражада шакллантириш учун оддий усуллардан фойдаланиш, уларнинг фанларни кенгроқ тушунишларига ва аслида улар кимнинг фарзандлари бўлганликларини англаб етишларига асос бўлиб, янада кўпроқ билим эгаллашларига ва маънавияти юксак инсон бўлиб камол топишларида бир кўприк бўлади. Бундан ташқари, узлуксиз таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади. Бу орқали физик жараён ва ҳодисаларни содда усуллар билан кузатишни ўрганиш, тушуниш, физик катталикларни ўлчаш ва аниқлаш, тажрибалар ўтказиш, физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш каби базавий билимларни эгаллашлари орқали ўқувчиларда билим савияси янада оширилади.

Куйидаги 1-жадвалда Беруний томонидан аниқланган моддаларнинг солиштирма оғирлигини ҳозирги замонда аниқланган маълумотлар билан ўзаро солиштирилгандаги маълумотлар келтирилди.

1-жадвал

Модда	Солиштирма оғирлик (ρ, г/см ³)		Модда	Солиштирма оғирлик (ρ, г/см ³)	
	Беруний ҳисоби	Замонавий маълумотлар		Беруний ҳисоби	Замонавий маълумотлар
Олтин	19,05	19,25	Кир (тош тури)	1,01	1,001-1,10
Кумуш	10,43	10,50	Гагат (тош кўмирнинг ўта ялтироқ тури)	1,11	1,10-1,40
Мис	8,7	8,93	Гемотит (темир ялтироғи, темирнинг кенг тарқалган минерали)	4,11	4,9-5,8
Қалай	7,31	7,28	Сапфир (кўк тош тури)	3,56	3,97-4,12
Қўрғошин	11,33	11,34	Сердолик (тошнинг ялтироқ тури)	2,56	2,55-2,63
Симоб	13,58	13,55	Обнус (қарадарх тош тури)	1,14	1,1-1,3
Темир	7,84	7,87	Сандар дарахти (ёғоқ)	0,65	0,6-0,7
Бронза	8,83	8,7-8,9	Тол пояси (қарағай)	0,403	0,4-0,5
Лаъл (шпилел)	3,58	3,5-4,1	Асал	0,4	-
Лаъл (турмалик)	2,90	2,98-3,20	Булоқ суви	1	1
Ёкут	3,85	3,94-4,08	Қайноқ сув	0,959	0,95-879
Зумрад	2,75	2,67-277	Муз ҳолатидан эриб турган сув	0,965	-
Феруза	2,69	2,4-2,9	Шўр сув	1,114	-
Қахрабо	0,85	0,05-1,1	Денгиз суви	1,14	1,03
Марварид	2,60	2,5-2,78	Сирка	1,02	1,019
Садаф	2,48	-	Бодринг суви	1,017	-
Мумиё	1,04	1,00-1,10	Мусаллас	1,029	-
Тупроқ	1,99	1,8-2,6	Қовун суви	1,010	-
Шиша	2,5	2,4-2,6	Хинд қовуни суви	1,016	-
Ош тузи	2,22	2,1-2,2	Сигир сути	1,11	1,03
Мум	0,93	0,87-0,99	Тухум оқи	1,035	-
Фил суяги	1,64	-	Инсон қони	1,033	-
Тоғ хрустали	2,56	2,55-2,63	Зайтун мойи	0,92	-
Эмал	3,9	-	Сезам мойи	0,915	0,9
Оникс (кварц ёки)	2,50	2,55-2,68	-	-	-

чақмоқтошнинг бир тури)					
-------------------------	--	--	--	--	--

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, Беруний томонидан аниқланган моддаларнинг солиштирма оғирлиги ҳозирги кунда аниқланган маълумотлар билан деярли бир хил. Беруний ҳар қандай олимнинг изланишлари тажриба билан бойитилса ва амалиёт натижасида ривожлантирилса албатта, фойдадан ҳоли бўлмаслигини ҳамда илм излаётган инсон учун бу жараён зарурлигини таъкидлаб: “Ҳар бир олим ўз муҳокамасида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотини аниқ бажариши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини кидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдурма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур”–деган. Яна, ҳуқумдорларни илм аҳли ва олимларнинг меҳнатларига алоҳида эътибор беришга, уларга ҳайрихоҳ бўлишга ундаган [6.35]. Абу Райҳон Берунийнинг бундай дунёқараши ҳозирда ҳам долзарб бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таълимга қилаётган эътиборига мос бўлиб, унинг нақадар оламшумул олим ва аллома бўлганидан далолат беради [7]. Мақоланинг асл моҳияти ва мақсади республикада мустақкам умумий таълим базасини яратиш ва бўлажак Берунийларни кашф қилишдир. Берунийнинг физика соҳасида олиб борган илмий ишларини дарс жараёнларида ўқувчиларга кенгрок тушунтириш, уларнинг билимларини янада мустақкамлашга асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил [1.13.]
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар I, II томлар. Тошкент, “Фан”, 1965, 1968 йил [2.34].
3. Абу Райҳон Беруний. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2021 йил [3.45].
4. Н.Зириллаев, Ф.Уракова. “Абу Райҳон Берунийнинг физика соҳасидаги илмий асарларидан таълим жарёнида фойдаланиш”. Тошкент, 2022 йил [4.22].
5. Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси. “Ўқув-услубий кўрсатма”, Фарғона-2017 [5.14].
6. Koinot nighohidagi alloma. “ART FLEX” нашриёти, Тошкент, 2011 йил [6.35].
7. <https://uz.wikipedia.org/>.

Абу Райҳон Берунийнинг моддаларнинг солиштирма оғирлиги ва зичлигини аниқлашдаги илмий ишларини таълим жараёнига татбиқ этиши

Уракова Ф. Э. Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Резюме. Бу ишда ўрта таълим мактабларида Берунийнинг методларидан фойдаланган ҳолда физика дасида моддаларни солиштирма оғирлиги ва зичлигини аниқлаш орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга доир тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: физика, ўқувчи, мактаб, модда, зичлик, минералл, оғирлик, тажриба, билим.

Применение научной работы абу райхана беруни по определению удельного веса и плотности веществ в учебном процессе
Уракова Ф. Э. Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Резюме. В данной работе даны рекомендации по формированию у учащихся знаний, умений и навыков путем определения удельного веса и плотности веществ на уроках физики по методике Беруний в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: физика, ученик, школа, вещество, плотность, минерал, тяжесть, эксперимент, знание.

Apply the scientific work of abu rayhan beruni on determining the specific gravity and density of substances in the educational process

Urakova F. E. Tashkent State Technical University named after Islam Karimov

Summary. In this study, the recommendations were given to enhance the knowledge, skills, and qualifications of school students for determining the specific gravity and density of substances in physics using Beruni's method.

Key words: physics, student, school, substance, density, mineral, heaviness, specific, gravity.

OLIY O'QUV YURTLARI TALABALAR MUSTAQIL ISHINI TASHKIL ETISH SHAKLLARI.

Sobirova A. B.

Nukus davlat pedagogika instituti

Oliy ta'lim muassasalarida yetishib chiqayotgan kadrlarning salohiyatini oshirishda mustaqil ishlash ahamiyati katta ekanligi barchamizga ma'lum. Auditoriya darslarida dars uchun belgilangan maqsadlarga to'raligicha erishish, auditoriya mavzulari va mustaqil ishlash mavzularining o'zaro bog'liqligi va izchilligi, talabalar o'qib o'rganishi uchun moddiy bazaning yetarliligi yetishib chiqayotgan kadrlarning yanada salohiyatli bo'lishini ta'minlaydi. Matematika faniga oid fanlarni o'qitishda ularning moddiy hayotdagi ahamiyati haqida talabalarga ma'lumot berish yoki unga qiziqitirish talabalarni yanada mustaqil o'qib o'rganishga yo'naltiradi. Bu esa ta'lim jarayonining samaradorligini yanada oshiradi. Ushbu jarayonda axborot texnologiyalari yutuqlaridan samarali foydalanish ta'lim darajasi va sifatini yanada oshiradi. [4. B. 25]

Talabalar mustaqil ta'limidan asosiy maqsad-o'qituvchining rahbarligi va nazorati ostida belgilangan o'quv jarayonini mustaqil ravishda bajarish uchun bilim va ko'nikmalarni shakllantirish va rivojlantirishdan iborat. [5. B. 34]

Talabalarning mustaqil ta'lim olishlari muammosi psixologlar, pedagoglar, didaktlar va metodistlar tomonidan keng muhokama qilinmoqda. Ularning tadqiqotlari ta'lim oluvchilarning o'quv jarayonidagi mustaqil ta'lim didaktik maqsadlarini umumiy ko'rinishda shakllantirishga imkon yaratadi.

Matematika fanidan mustaqil-tadqiqot ishlari talabalarning bilimlarni egallashga bo'lgan qiziqishlarini oshirish va akademik bilimlar negizida ularni amaliy faoliyatga tayyorlashni ko'zda tutadi. Talabalar oldiga u yoki bu ilmiy-nazariy ma'lumotlar nima uchun o'rganilmoqda, ushbu bilimlarni qachon, qanday vaziyatlarda qo'llash mumkin? kabi savollar ko'ndalang qo'yiladi. [6. B. 124]

Ushbu savollarga javobni ular real, hayotiy muommolarni echish natijasida topishlari mumkin bo'ladi. Matematik masalalar echimini topishda ular oldin egallagan bilimlariga tayanadilar va albatta, bilimlarini yanada kengaytirishga zarurat sezadilar. O'qituvchi yordamida talabalar faoliyat yo'nalishlarini belgilab oladilar. Talabalar matematik muommolar echimini qidiradilar va muayyan natijalarni qo'lga kiritadilar. Har bir javobi qidirilgan matematik muammo ya'ni misol yoki masalalar tabiatda, ilm-fanda yoki amaliy hayotda biror bir muammoning yechimi bo'lishini tushuntirish va misollar orqali ko'rsatish talabalarning fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshiradi. Matematika hech qanday ro'l o'ynamaydigan sohani topishning o'zi qiyin menimcha. Ma'lumki, fanlarning keyingi rivojlanishi matematik usullar va ularga matematik fikrlash uslubining kirib borishi bilan tavsiflanadi. Bir qarashda, matematika quruq va qiziqmas fandek tuyulishi mumkin. Ammo, e'tibor berib qarasangiz amaliy hayotimizda har kuni matematik masalalarga duch kelamiz. Matematika aniq fan ekanligi hammamizga ma'lum shu tufayli bu fanni o'rganish xoh siz O'zbekistonlik bo'ling xoh boshqa davlat vakili bo'ling uning ahamiyati zamon va makon tanlamaydi. Bugungi kunda hayotimizni turli xil gadjetlar va enternetsiz tasavvur qila olmaymiz. Bu narsalarning yaratilishining asosini ham bir qancha matematik masalalarning o'z yechimini topishi bilan izohlashimiz mumkin. Talabalarga har bir matematikaga oid bo'lgan masalalarni amaliy hayot bilan bog'lagan holda o'rgatish ularning ongida mavzuning mustahkam joy olishiga sabab bo'ladi va fanga bo'lgan qiziqishi yanada oshadi. Bu qiziqish esa ularni mustaqil o'qib o'rganishiga zamin yaratadi. Quyida geometriya faniga oid bo'lgan elementlarning kundalik hayotimizda uchraydigan holatlaridan bittasiga oddiy misol keltirib o'tdik. Bu chizmani nafaqat matematika faniga talluqli bo'lgan kasb egalari balki jamiyatimiz har bir a'zosi tushuna oladi. [4. B. 72]



Yuqoridagi uyning suratida ko'zga yaqqol ko'rinib turgan geometrik figuralar ko'rsatib o'tilgan. Ammo uyni bo'laklarga bo'lib tasavvur qilsak uning har bir bo'lagi geometriyadagi biror bir figurani ifodalashini ko'rishimiz mumkin. Nafaqat uylar balki kundalik hayotimizda biz foydalanadigan har bir moddiy buyum biror bir geometrik figurani ifodalaydi. Faqatgina qismlarga ajratib, bo'laklab tasavvur qila olsak yetarli. Biz buyumlarni geometrik figuralar bilan solishtira olar ekanmiz ularning qisman bo'lsa o'lchamlarini bilib olsak bo'ladi. Mana ko'rib turganimizdek matematika hayotimizning har bir javhasida biz bilan hamroh ekan. Bu bilan biz nima demoqchimiz matematikani nazariy va amaliy jihatdan o'rganishdan tashqari ularni moddiy hayotga bo'g'lab o'rgatsak talabalarda fanga bo'lgan qiziqish, yangi bilimlarni o'rganishga bo'lgan ishtiyoq yanada kuchayadi. Bu esa o'z navbatini talabalrni mustaqil o'qib, o'rganishi uchun zamin yaratadi. Shu bilan birga mustaqil ishni tashkil etishda talabalarga mustaqil o'rganilishi belgilangan mavzular, bajariladigan mashqlar, yozadigan referatlar auditoriya darslarining mantiqiy davomi sifatida, izchil tarzda belgilanishi oldimizga qo'ygan maqsadimizga bizni yanada tez erishishimizga yordam beradi. [7. B. 221]

Talabalar mustaqil ishini tashkil etishda quyida keltirib o'tilgan shakllardan foydalaniladi.

Mustaqil ishni tashkil etish shakllari	Ayrim nazariy mavzularni o'quv adabiyotlari yordamida mustaqil o'zlashtirish.
	Berilgan mavzular bo'yicha axborot tayyorlash (referat, prezintatsiyalar, bukletlar...)
	Nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llash. Aynan matematikaga talluqli fanlarda berilgan mavzular bo'yicha mustaqil tarzda misol va masalalar yechish.
	Uy vazifalarini bajarish.
	Ilmiy maqolalar tayyorlab ilmiy jurnallarda chop ettirish, ilmiy anjumanlarga ma'ruzalar taayyorlash.
	Fan olimpiadalarga tayyorlanish va qatnashish, turli ta'lim grantlari tanlovlariga tayyorlanish va qatnashish.

Yuqorida biz mustaqil ishni tashkil etish shakllarini odatiy jadval orqali keltirib o'tdik. Aynan mana shu narsalarni talabalarga o'rgatmoqchi bo'lsak bunday odatiy jadvallardan ko'ra ko'proq bu mavzuga innovatsion yondashganimiz ma'qul. Axborot texnologiyalar yutuqlaridan imkon qadar ko'p foydalansak ishimiz samaradorligini yanada oshiradi. Bugungi kunda talabalarining o'quv, bilish jarayonini axborot texnologiyalarisiz tasavvur qila olmaymiz. Aynan mustaqil o'qib, o'rganish jarayoni ajralmas qismi hisoblanadi. Internet tarmog'i orqali o'zlarini qiziqtirgan mavzulardagi ma'lumotlarni tez va oson topish mumkin. Quyida **Canva** dasturi yordamida tuzilgan jadval keltirib o'tilgan. Ushbu jadval odatiy ko'rinishdagi jadvaldan mazmun jihatdan farq qilmasada uning ko'rinishi, dizayni berilayotgan ma'lumotning o'ziga mos bo'lgan suratlar bilan hamohang tarzda aks ettirilgan. Bu esa har bir ilm oluvchida o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshiradi. Bilim olishda, ya'ni ma'lum turdagi axborotlarni izlashda kompyuter tizimining yordami benihoya kattadir. Axborot qanday ko'rinishda ifodalanishidan qat'iy nazar, uni yig'ish, saqlash, kayta ishlash va foydalanishda kompyuter texnikasining ahamiyati hech birimizga sir emas. Birinchidan, o'qitishda yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish standart (an'anaviy) tizimga nisbatan o'quv jarayonini jadallashtirib, talabada ilmga qiziqishni oshiradi, ular ijodiy faoliyatini o'stiradi, bilim berishga differentsial yondashish, olingan bilimlarni takrorlash, mustahkamlash va nazorat qilishni yengillashtiradi, talabani o'quv jarayonining sub'ektiga aylantiradi.

Ikkinchidan, yangi axborot texnologiyalaridan ta'lim-tarbiya jarayonida quyidagi shakllarda foydalanish mumkin bo'ladi: muayyan pedmetlarni ukitishda kompyuter darslari; kompyuter darslari — kurgazmali material sifatida; talabalarining guruhli va frontal ishlarini tashkillashtirishda; talabalarining ilmiy izlanishlarini tashkillashtirishda; talabalarining o'qishdan bo'sh vaqtlarini to'g'ri tashkil qilish masalalarini hal etishda va h.k.

Respublikamizda axborotlashtirish keng yo'lga qo'yilishi bilan undagi xar bir fuqoroga kerakli paytda, kerakli miqdorda, kerakli sifatda olish imkoniyatlari ochilmoqda.



Canva dasturi orqali tuzilgan jadval. Yuqorida keltirilib o'tilgan mustaqil ishni tashkil etish shakllarining har biriga to'xtalib o'tamiz.

Ayrim nazariy mavzularni o'quv adabiyotlari yordamida mustaqil o'zgartirish. Mustaqil o'rganish uchun belgilangan mavzular va talabalar o'zlarini qiziqirgan mavzular bo'yicha kutubxonalardagi adabiyotlardan va internet tizimidan foydalangan holda o'rganadilar. Masalan Algebra sonlar nazariyasi fanidagi haqiqiy sonlar, ularning turlari va xossalari mavzusi auditoriya darsida o'tilgan bo'lsa baxtli sonlar, egizak sonlar, pifagor sonlari kabi mavzular mustaqil o'rganish uchun havola qilinadi.

Berilgan mavzular bo'yicha axborot tayyorlash. Mustaqil o'rganish uchun tayinlangan mavzular bo'yicha referatlar tayyorlash, prezintatsiya qilish bukletlar tayyorlanadi. Masalan talablar mavzularni taqsimlab olishib ketma-ket tarzda mavzular bo'yicha noan'anaviy usullar orqali prezintatsiyalar tashkil qilsa va fan o'qituvchisi, qolgan talabalar, qatnashishi ular uchun esda qolarli dars bo'ladi. Bundan tashqari prezintatsiya qilayotgan talabada ko'pchilikning oldida gapirish, o'zini tutish, mavzuga yanada chuqurroq kirib o'rganish ko'nikmasi rivojlanadi.

Nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llash. Aynan matematikaga talluqli fanlarda berilgan mavzular bo'yicha mustaqil tarzda misol va masalalar yechish. Mustaqil o'rganilishi talab qilingan mavzular bo'yicha (uy vazifasidan tashqari) mustaqil tarzda misol va masalalar yechish matematika va unga talluqli bo'lgan fanlarni chuqur o'rganishning asosi hisoblanadi. Bundan tashqari o'qib o'rganayotgan nazariy bilimlarini moddiy hayotning qaysi javhalarida qo'llanishini o'rganish ham shular sirasiga kiradi.

Uy vazifalarini bajarish. Auditoriya darslari davomida uyga berilgan topshiriqlarni bajarish. Berilgan mavzuning nazariy qismini darsliklar va boshqa adabiyotlardan o'qib o'rganish, uyga berilgan misol va masalalarni yechish, mavzu bo'yicha klasterlar tayyorlash va testlar tuzish kabilar shular jumlasiga kiradi.

Ilmiy maqolalar tayyorlab ilmiy jurnallarda chop etish, ilmiy anjumanlarga ma'ruzalar taayyorlash.

Darsdan tashqari vaqtlarda ilmiy rahbarlari va boshqa o'qituvchilari ko'magida ilmiy maqolalar tayyorlab, ularni ilmiy jurnallarda chop ettirish. Bundan tashqari ilmiy anjumanlarda bugungi kundagi dolzarb mavzular (ilmiy, ma'daniy) bo'yicha ma'ruza qilish.

Fan olimpiadalarga tayyorlanish va qatnashish, turli ta'lim grantlari tanlovlariga tayyorlanish va qatnashish. Fan olimpiadalariga o'qituvchilari yordamida va mustaqil tarzda tayyorlanish va qatnashish ushbu mustaqil ta'limni tashkil etish shaklining asosiy qismi hisoblanadi. Bundan tashqari bugungi davlatimiz tomonida yoshlarimizga yaratilayotgan ulkan imkoniyatlardan biri ta'lim grantlari tanlovlariga qatnashish va ishtirok etish ham ushbu shakl tarkibiga kiradi. Ma'lumot o'rniida yana Davlat stipendiyalarini ham keltirib o'tishimiz mumkin.

ADABOYOTLAR

1. 2020 yil 23 sentyabrda "Ta'lim to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining O'RQ-637 sonli qonuni. 40 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi «Oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish choratadbirlari to'g'risida»gi PQ-3151-son qarori /O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 30-son, 729-modda; Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 25.05.2018 y., 06/18/5447/1269-son.
3. 2020 yil 7 maydagi "Matematika soxasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4708-sonli qarori. 33b
4. A.Janabaeva "Axborotlashgan ta'lim muhitida talabalarning mustaqil ishini tashkil etish metodikasi" PHD dissertatsiyasi.
5. Qarliboeva Guljahon Ermekebaevna "Bo'lajak fizika o'qituvchilarining tayyorgarligini takomillashtirish" DSc dissertatsiyasi.
6. S.Alixonov Matematika o'qitish metodikasi. Cho'lpon. Toshkent-2011y. 306 b
7. З.Г. Таджиева, Б.С. Абдуллаева, М.Э.Жумаев «Методика преподавания математики» Тошкент, Турон-Икбол, 2011, 336с
8. Б.С. Абдуллаева «Создание методического комплекса для организации самостоятельных работ студентов» Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития, 2013, 272 с.
9. Баракаев М. И др. «Методика преподавания математики» Учебное пособие. 1-часть, общая методика. – Ташкент, "Наука и технология, 2017, 368 с.

Oliy o'quv yurtlari talabalar mustaqil ishini tashkil etish shakllari
Sobirova A. B. Nukus davlat pedagogika instituti doktoranti

Rezyume. Ushbu maqola quyidagi masalalarga bag'ishlangan: oliy ta'limda mustaqil ishlashning ahamiyati, talabalarning mustaqil ishlash ko'nikmasini takomillashtirish, mustaqil ishlashni rivojlantiruvchi usullar, mustaqil ishini tashkil etish shakllari.

Kalit so'zlar: mustaqil ish, mustaqil ishlash ko'nikmasi, mustaqil ishlashni talab qiladigan masalalar, mustaqil ishini tashkil etish shakllari, axborot texnologiyalari ahamiyati.

Организованная форма самостоятельной работы для студентов в высшем учебном заведении
Собиорова А. Б. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В данной статье рассматриваются следующие вопросы: значение самостоятельной работы в высшем учебном заведении, повышение способности студентов к самостоятельной работе, пути развития самостоятельной работы, формы организационной самостоятельной работы.

Ключевые слова: самостоятельная работа, навыки самостоятельной работы, вопросы, требующие самостоятельной работы, формы организационной самостоятельной работы, значение информационных технологий.

An organized form of independent work for students in a higher education
Sobirova A. B. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. This article discusses the following issues: the importance of independent work in a higher educational institution, increasing the ability of students to work independently, ways of developing independent work, forms of organizing independent work.

Key words: independent work, independent work skills, issues requiring independent work, forms of organizing independent work, the importance of information technology.

ПАРАЛИМПИА БЎЙИЧА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ КИНЕМАТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Миржамоллов М.Х.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Ногирон ва имконияти чекланган спортчиларимиз осие, жаҳон ҳамда паралимпиада микёсидаги мусобақларда иштирок этиб, юртимиз довуғини юқори кўтаришмоқда. Кейинги йилларда параспорт соҳасида эришилган ютуқлар шуни кўрсатадики, ушбу масала хамиша давлатимизнинг спорт соҳасидаги асосийбўғини сифатида ривожланаётганидан дарак бермоқда. Ногирон ва имконияти чекланган шахсларни спорт турларига танлаб олиш ва мақсадли йўналтириш ушбу соҳадаги ишларни ягона тизим асосида шакллантиришни илмий ёндошувларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу ўринда ногирон ва имконияти чекланган шахсларни кинематик имкониятларини чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Параспорт турларини ривожлантиришнинг асосий мақсади: ногирон ва имконияти чекланган шахсларни саломатлик даражасини тиклаш ва сурункали касалликларни жисмоний машқлар ёрдамида асоратларини йўқотиш, жисмоний ва ақлий қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни меҳнатга тайёрлашга ёрдам бериш, ҳаётий дунёқарабини шакллантиришга қаратилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилади: ишчанлик қобилиятини кўтарилиши, оптимал ҳаракатни ўрганиш; мустақил шуғулланиш малакасини ҳосил қилиши, қийин шароитларга мослаштириш; профессионал иш қобилиятини ва жамиятда ижтимоий мослаштириш имкониятларини ошириш; ногирон спортчиларни юқори натижаларга эришиш дастурларини ишлаб чиқиш; таянч ҳаракат аппаратида турли шикастланишлари бўлган ёки қайсидир

функцияларни амалга оширишда турли қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган мақсадли машғулотларни тузишда илмий ёндошувларни ишлаб чиқиш.

Спортчини индивидуал хусусиятига қараб, ҳаракат таъсирини тузилишини, уни динамикаси, кинематика имкониятлари асосида машғулотларни ташкил қилиш мураббийлар учун биринчи навбатда спортчи саломатлик даражасига салбий таъсир қилувчи воситаларни машғулот дастуридан чиқариб юборишга ва параспорт турлари бўйича мақсадли тайёрлашга имкон яратади.[4, 5, 6]

Биз томонимиздан таянч ҳаракат аппаратида турли шикастланишлари бўлган шахсларни ҳаракатланиш имкониятлари қўл нозологиясида юриш ва турли бурилишдаги имкониятлари “Turn” технологияси ёрдамида айланишдафазовий ҳаракат тести орқали таҳлил қилинди.

Analysis Report - Timed Up and Go

Parameters	Value	Units
Analysis Duration	10.47	s
Functional mobility skill	Independent	


Parameters	Sit to Stand	Stand to Sit	Units
Phase Duration	1.10	1.40	s
Antero-Posterior Acceleration	1.9	8.2	m/s ²
Lateral Acceleration	2.0	5.6	m/s ²
Vertical Acceleration	6.7	6.4	m/s ²

Parameters	Mid Turning	End Turning	Units
Phase Duration	1.50	0.84	s
Maximum Rotation Speed	144.6	294.1	°/s
Average Rotation Speed	99.1	140.7	°/s

Ушбу текширувда таянч ҳаракат аппарати шикастланишининг ўндан ортиқ турлари бўйича 44 нафар имконияти чекланган шахслар катнашди. Оёқ нозологиясидан ташқари қўл нозологияси бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Таъкидлаш жоизки тана компонентлари бўйича дастлабки ўтказилган тадқиқотларда 49% таянч ҳаракати нозологиясида вазн етишмаслиги аниқланган бўлса, 37%дан ортиқча вазн кўрсаткичлари қайд этилди. Фақатгина 14% таянч ҳаракат аппарати шикастланганларда тана вазни кўрсаткичлари меъерий талабларга яқин эканлиги аниқланди. Бу шундан далolat берадики уларни одатий ҳаракатланиш имкониятларида ҳам турли камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Кинематик тадқиқотлар асосида ушбу камчиликларни аниқлаш ва мумкин бўлган ҳолларда машғулот дастурига коррекциялаш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконияти шакллантирилди.[1, 2, 3]

Қўл нозологиясида 5 см-дан 25 см-гача бўлган шахсларда одатий юриш, айланишда бурчак кўрсаткичлари қадам узунлиги ва тезланиш имкониятлари меъерий талаблардан катта фарқ қилмаслиги аниқланди. Лекин қадам босишда чап ёки ўнг қўл нозологияси томон оғиш бурчагида қадам ташлаш кучланиши меъерий талаблардан юқори эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар ҳаракатларни симметрик бажаришда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса ушбу кўрсаткичлар циклик спорт турларида бирон ҳаракат фаолиятини доимий такрорланиши ҳисобига катта фарқларни келтириб чиқаради. Ўз навбатида циклик спорт турлари мусобақа жараёнида кичик кўрсаткичлар ҳам натижага катта таъсир кўрсатиб келмоқда [9,10].

Ушбу текширилишда ҳаракатчанлик қобилиятлари ўртача бурилиш фазасининг давомийлиги 1.50 сонияни ташкил қилган бўлса, оғиш бурчаги 0.84 сонияда амалга оширилди. Максимал бурилиш тезлигига нисбатан ўртача бурилиш тезлиги 99.1 ни оғиш бурчаги 140.7 (градус сония) ни ташкил қилди.



Спорт тайёргарлигида жисмоний машқлар техникасини таҳлил қилишда ҳаракатлар тизими асосларидан ташқари ҳаракат даври ва ҳаракат қисми каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракат давлари жисмоний машқнинг техника асосини ташкил этади, ҳаракат қисмлари эса уни бажаришдаги уриниш динамикасидан иборат бўлади. Машғулотда ҳаракатнинг тайёргарлик қисми вазифалари – асосий юкламаларга тайёрлаш билан биргаликда ҳаракатни бажариш учун уринишни кучайтириш билан белгиланади [7, 8].

Ҳаракатнинг асосий қисми вазифалари - ҳаракатни бажаришда уринишдан юқори даражада фойдаланишга қаратилди. Ҳаракатнинг якуновчи қисми вазифалари – ҳаракатни бажариб уринишни тўхтатиш каби талаблар инобатта олиниши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdurakhmonovich A. S. Planning of training load of highly qualified athletes with locomotor system damage Page 1 European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 10, 2020 Part II ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page
2. Bobomurodov, Norpo'lat Shirinovich. "Kurashchilarning jismoniy tayyorgarligi tuzilmalari". Fan va ta'lim axborotnomasi 4-2 (82) (2020). 24.12.2021
3. G'ofurov S.H. Malakali sprinterchilarning sport mashg'ulotlarini rivojlantirishning usullari //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 4. – С. 309-313.
4. M.X. Mirjamolov, R.F. Odilov, N.Y. Valiyeva, D.B. Baxtiyorov Ko'rish qobiliyatida nuqsoni bo'lgan talabalarda harakat koordinatsiyasini rivojlantirish uslubiyati // Academic research in educational sciences. 2021. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ko-rish-qobiliyatida-nuqsoni-bo-lgan-talabalarda-harakat-koordinatsiyasini-rivojlantirish-uslubiyati> (дата обращения: 22.01.2022).
5. Mirjamolov M.X., Odilov R.F., Zokirov D.R. Salomatligi nogironat imkoniyatlari bo'lgan o'quvchilarning maxsus Jismoniy tarbiyasini takomillashtirish // Jismoniy tarbiya va sportning dolzarb muammolari. – 2020 - B. 20-23.
6. Svetlichnaya N.K. Integral approach in assessing the functional state of adaptive and healthy physical culture В сборнике: Материалы XXVI Международного научного Конгресса. Под общей редакцией Р.Т. Бурганова. г. Казань, 2021. С. 412-414
7. Л.Б. Собирова Эффективность использования специальных упражнений в профилактике нарушений роста у младших школьников // Academicresearchineducationalsciences. 2021. №5.
8. Л.Т. Давлатова Болалар церебрал фалажда жисмоний тайёргарликни машғулот жараёнида ва илмий назарий соҳада ривожлантириш // Academic research in educational sciences. 2021. № Special Issue 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bolalar-tserebral-falazhida-zhismoniy-tayyorgarlikni-mash-ulot-zharayonida-va-ilmiy-nazariy-so-ada-rivozhlantirish> (дата обращения: 12.01.2022).
9. С.А. Юнусов Особенности периодизации тренировочного процесса высоко квалифицированных парапауэрлифтеров «Фан-Спортга» 2021
10. Л.Б. Собирова Эффективность использования специальных упражнений для предупреждения сколиоза у учеников начальных классов // Современное образование (Узбекистан). 2019. №10 (83).

Паралимпия бўйича спортчиларни тайёрлашнинг кинематик имкониятлари
 Миржамоллов М.Х. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Резюме. Мақолада таянч ҳаракат аппаратида турли шикастланишлари бўлган шахсларни ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида кинематик кўрсаткичлар орқали пара спортчиларни тайёрлашга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Адаптив, кўл нозологияси, кинематик имкониятлар, ишчанлик қобилияти, таянч ҳаракат аппарат, имконияти чекланган.

Возможности кинематической подготовки спортсменов паралимпийцев
 Миржамоллов М.Х. Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Резюме. В статье с помощью кинематических показателей с целью расширения возможностей мобильности на основное внимание уделяется подготовке спортсменов лиц с различными травмами в диапазоне движений.

Ключевые слова: адаптивность, нозология кисти, кинематическая возможность, работоспособность, поражение опорно-двигательного аппарата, ограниченная возможность.

Possibilities of kinematic training of paralympian athletes

Mirzhamolov M.Kh. Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Summary. The article focuses on training para-athletes through kinematic indicators in order to expand the mobility of individuals with various injuries in the musculoskeletal system.

Keywords: Adaptive, hand nosology, kinematic capabilities, workability, basic locomotor apparatus, with disabilities.

РОЛЬ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АНГЛИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ

Ескараева С.

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

На сегодняшний день установление в стране стабильных социально-экономических взаимоотношений во многом зависит не только от компетентности специалистов - профессионалов, которые призваны быть носителями передовых научных, технических и технологических идей, но и во многом определяется уровнем развития их творческого потенциала.

Изменения, происходящие в обществе, потребовали обновления системы образования. В соответствии с изменившимися социальными запросами общества существенно изменилась и направленность системы образования. Естественно, возрос интерес к образованию, в основе которого лежит личностно-ориентированное обучение и развитие независимой и творческой личности. Время радикальных перемен требует воспитания

людей социально активных, мыслящих творчески и свободно, способных самостоятельно получать и оценивать новую информацию.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПФ-5847 от 08.10.2019 г. «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» для определения приоритетов системного реформирования высшего образования в Республике Узбекистан необходимо: поэтапная академическая самостоятельность высших учебных заведений при формировании и утверждении образовательных программ на основе индивидуальных образовательных траекторий, развитие у обучающихся творческого мышления, формирование практических навыков в соответствии с интересами обучающихся и потребностями персонала.¹² [1]

Развитие творческой активности личности требует организованного взаимодействия образования, профессиональной подготовки и воспитания, интеграции учебной, научно-исследовательской и воспитательной работы в целостном педагогическом процессе.

Эта проблема в той или иной степени изучалась в области педагогики, психологии, физиологии юношества и философии. Восточные мыслители Абу Наср Фараби, аль-Хорезми, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хас Хаджиб, Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур и др. широко освещали вопросы, связанные с воспитанием и формированием индивидуального сознания одаренной, талантливой молодежи в своих философских, педагогических наследиях.

Проблема развития творческой активности не является совершенно новой. Значительно возрос интерес исследователей и преподавателей высшей школы к проблемам творчества, творческой активности, развития студента как творческой личности. Ведущие ученые мирового сообщества (Ф. Баррон, Дж. Гилфорд, Г. Лозанов, А. Маслоу, К. Роджерс, Р. Торренс и др.) активно разрабатывают философские, педагогические, психологические и других работы по данной проблематике. Проблема творческого развития личности изучается на междисциплинарном уровне, привлекая внимание крупнейших зарубежных и отечественных теоретиков и практиков (В.И. Андреев, Д.Б. Богоявленская, Т.В. Кудрявцев, Ю.А. Пономарев, С.Р. Ражабов, К. Хошимов, А.К. Мунавваров, У.К. Толипов, Ш.С. Шарипов и др.)

Творчество далеко не новый предмет исследования. Оно имеет уже длительную историю и осуществляется представителями многих дисциплин: историками, логиками, философами, психологами, физиологами. Каждая наука изучает отдельные аспекты творческой деятельности и стремится решить вопросы, определяемые ее спецификой.

Если обратиться к смыслу слова "творчество", то оно означает созидание. "Творить, - читаем в Толковом словаре В. Даля, - давать бытие, сотворять, созидать, создавать, производить, рождать ... делать, исполнять, чинить" [4, 394].

Другое направление берет свое начало в трудах Я.А. Коменского [6]. Его содержанием является разработка организационно-практических вопросов вовлечения учащихся в творческую деятельность. При изложении нового материала Я.А. Коменский рекомендовал всегда сообщать вначале что-либо интересное и полезное, чтобы побудить учащихся «ревностно и с готовым вниманием приступить к делу», учил в процессе изложения нового материала предлагать учащимся вопросы и задания, которые помогли бы им установить связь с пройденным, выделить существенное в изучаемом и т.п. Видную роль он отводил и тренировочным упражнениям, поскольку они развивают у учащихся навыки творческого применения знаний на практике.

На наш взгляд, в определении творчества Л.Рубинштейна мысли ясны и лаконичны. Он отметил, что творчество - это в некотором роде инновация, это творческая деятельность. Он привносит новшества в историю совершенствования создателя. [7, 713]

Роль творческой активности в усвоении учащимися знаний, формировании умений и навыков высоко оценивал А. Дистервег. Он считал, что высшей целью воспитания должно быть развитие творчества, направленное на служение истине, добру и красоте, что творческая активность в процессе обучения является одним из важнейших средств развития творческих способностей. Она выражается «в деятельности ощущений, в стремлении к чувственному познанию, в любознательности. Следует упражнять чувства посредством внимательного ознакомления с предметами, сохранять прирожденную впечатлительность и заботиться об основательном усвоении». [5, 103]

По мнению ученых психологов, творческая способность человека является качеством личности и делится на четыре группы. Интеллектуальные качества: мировоззрение, эрудиция, творческие особенности мышления (глубина, широта, объем критики, иррациональное мышление); Продуктивные качества: приобретенные знания и способность синтезировать методы, методология исследования, занятие; Волевые качества: их активность, планирование и адаптация, уметь владеть собой, развивать идеи и достигать определенного результата; Эмоционально-творческие качества: интуиция, воображение, фантазия.

В нашем исследовании иностранный язык, как общеобразовательный учебный предмет может и должен внести свой вклад в процесс развития творческих способностей учащихся. Обладая огромным воспитательным, образовательным и развивающим потенциалом творческих способностей учащихся, иностранный язык может реализовать его лишь в ходе осуществления практической цели обучения, то есть только в том случае, если

¹² Постановление Президента Республики Узбекистан № ПФ-5847 от 08.10.2019 г. «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года».

студент в процессе иноязычной коммуникативно-познавательной деятельности (слушая, говоря, читая, пользуясь письмом) будет расширять свой общеобразовательный кругозор, развивать свое мышление, память, чувства и эмоции; если в процессе иноязычного общения будут формироваться социально-ценностные качества личности: мировоззрение, нравственные ценности и убеждения, черты характера.

Основная задача педагога состоит в том, чтобы пробудить в студенте творческую активность и дать ему возможность самостоятельно выразить эмоции и чувства, возникающие в процессе обучения. Активизация учебно - творческих способностей студентов педагогических вузов как способ построения содержания образования и организации процесса обучения, требует приведения во взаимодействие на основе взаимосвязывающего компонента – специально организованной поисковой творческой деятельности. Это позволит создать условия для направляемой активизации учебно-творческих способностей, качественного изменения и усиления одновременно в нескольких видах творчества, например литературного и художественного. Литературное творчество занимает особое место в развитии творческой личности. Начиная с детства, способности к этому виду творчества человек проявляет под влиянием чтения художественных произведений.

Литература английского языка как вид искусства и как учебный предмет предполагает качественное освоение учащимися учебного предмета литературы и формирование интереса к художественному слову, помогает освоить знание об окружающем мире, отраженном в литературных произведениях при условии понимания словесником необходимости научить ребенка видеть, чувствовать, воспринимать специфику художественного образа, создаваемого каждым автором, писателем или поэтом; воспринимать реальный мир и выражать своё представление о нем в художественных образах.

Преподавание английской литературы стало важным и неизбежным, особенно на факультетах иностранных языков во всем мире. Почти все учебные программы факультетов искусств включают курс английской литературы, на котором студенты знакомятся с различными жанрами английской литературы. Таким образом, у студентов есть возможность познакомиться с английской литературой в университете. Вообще говоря, литература играет жизненно важную роль в повышении способности учащихся к языковым навыкам. Сегодня во многих странах английская литература является обязательным предметом, незаменимым предметом и важным элементом учебной программы.

Неоспорим тот факт, что английская литература играет важную роль в преподавании и изучении английского языка в странах, где английский язык является иностранным. Он предназначен не только для того, чтобы помочь учащимся изучить историю английской литературы и оценить ее литературные произведения, но и для развития культурной осведомленности.

Акьель и Яклин показывают, что при обучении литературе учителя должны стремиться к расширению знаний учащихся, к повышению культурной осведомленности, к симулятивному творчеству; развивать их понимание литературы и знакомить учащихся с образовательным опытом. [2, 174-180]

Таким образом, всем преподавателям обучающим произведениям английской литературы, рекомендуется пользоваться преимуществами литературы. Кроме того, они должны использовать методы, которые способствуют развитию и совершенствованию способностей учащегося в английском языке.

Основными составляющими творческой способности учащегося являются:

- Сила воображения, богатство фантазии.
- Острая наблюдательность.
- Богатство и яркость ассоциирования.
- Эмоциональность восприятия действительности.
- Развитое чувство художественного слова.

Как исходное из описанного выше, существует следующая классификация заданий:

- Задания, направленные на развитие воображения.
- Задания, способствующие развитию наблюдательности.
- Задания, развивающие ассоциативное мышление.
- Задания, развивающие эмоциональную отзывчивость.
- Задания, формирующие чувство художественного слова.

Задания, развивающие творческие способности студентов:

устное словесное рисование; создание киносценария по одному из эпизодов произведения; инсценирование; чтение по ролям; выразительное чтение; творческие пересказы; иллюстрирование в любых видах - живописном, графическом, лепке; стилистический эксперимент; сопоставление реальной основы с сюжетом произведения, героев с прототипами и др.

Творческие формы урока в зависимости от характера творческой деятельности разделяют на логические и эмоционально-образные (или эмоционально-художественные).

К логическим формам принадлежат *уроки-лекции, семинары, практикумы, исследования, защиты докладов, рефератов.*

К эмоционально-образным формам относятся *урок-концерт, композиция, монтаж, урок-новелла, урок-сказка, урок - воображаемое путешествие.*

Подготовка и проведение эмоционально-образных форм урока "многосторонне приобщает студентов к творчеству: попытка создания сценария концерта или композиции, творческое (с целевой установкой отбора и

использования в сценарии) знакомство с критической литературой, отбор стихов и их исполнение, поиски живописных и музыкальных произведений, усиливающих эмоциональное впечатление, разработка эмоционального анализа-комментария" - все это оставляет у учащихся ощущение сотворчества и способствует переносу полученных на уроках знаний и навыков в творческую деятельность.

It should be noted that the culture of attitude, the culture of intellectual activities and culture of self-regulation form an internal, intellectually-affective-volitional, value-semantic layer of the general culture of a person. Culture of objective activity, culture of behavior and culture of communication represent an external manifestation of culture, in the implementation the peculiarities of internal culture are revealed. The presented structure culture of the individuals determines the direction of its formation, which will contribute to the education of tolerance which reflected above.

As indicators of the formation of culture, characteristics of an adult cultured person: respect for the dignity of another person and the preservation of one's own dignity in a variety of situations of social interaction (household, professional, public), i.e. culture of personality, self-regulation; the adequacy of a person (appearance, demeanor, communication) situations of everyday, professional, social interaction, i.e. culture of everyday life, work, rest, healthy lifestyle, communication; observance of ethno-sociocultural traditions, customs, norms, etiquette in mono- and cross-cultural interaction, i.e. culture of normative behavior, etiquette, relationships, social interaction; the actual readiness to use the general cultural individual knowledge fund (humanitarian, natural science, economic, political, legal, etc.), i.e. culture of intellectual and subject, activity, culture of intelligence; unsaturation of the need for satisfaction and continuation personal sociocultural (moral, intellectual, aesthetic, etc.) development and self-development, i.e. culture of self-regulation, personal self-determination; orientation in the main value-semantic dominants modern world, country, society; in the main areas of history and preservation of the cultural life of the world, country, (painting, music, literature, architecture, etc.), i.e. general civilization culture; social responsibility for oneself, one's behavior within the framework of the personality-activity approach.

The presented list of characteristics of a cultured person is upbringing program in the education system and determined the directions for fostering a tolerant attitude of a person in focusing him on another person. Individualization of tolerance education in the learning process in the university will be more effective if individual cognitive processes. We have identified general pedagogical conditions that provide individualization of tolerance education among students in higher education [6]:

1. Individualization of tolerance education among students - it is advisable to carry out in the context of their mastery of the experience of an emotional-value relationship to the world around them. This pedagogical the condition involves the transition from information cognitive pedagogy to semantic value pedagogy, in connection with which the individualization of education, tolerance of students is possible only on the basis of the development of their values,

empathy, cooperation, professionalism. Individualization of education tolerance will pass effectively, provided that the students, cognitive problems will be personally meaningful and emotionally filled.

2. Individualization of education of students' tolerance should be carried out on the basis of the development of self-education mechanisms in them.

3. To increase the level of students' tolerance in the classroom at higher the school needs to rely on pedagogical technologies that produce students' own activity, such as business games, discussions, round tables, independent work, design work, excursions, communication games.

4. Students' manifestations of tolerance should be supported and approval from the instructor. Organization of all educational process should be built on the basis of cooperation between teacher and student in joint creative and cognitive activities.

5. It is necessary to have a tolerant educational environment of the university, which represented by all levels of interaction in the system: student – teacher - student group - management structures - educational structures.

6. Pedagogical technologies of students' tolerance education developed based on their empirical and sociocultural experience. The traditional pedagogy, empirical experience was viewed as negative, interfering with the assimilation of the system of scientific knowledge. A humanistic approach to development of pedagogical technologies for the education of tolerance presupposes appeal to the individual - empirical, everyday, therefore, personally meaningful student experience. Pedagogical tolerance of students is advisable based on their personal experience, is aimed at the formation of emotions and feelings of the individual.

7. The teacher must create a psychologically comfortable climate in the classroom, taking into account the individual characteristics of students, who will ensure the internal readiness of students to study the academic discipline and possessing tolerant behavior. It is necessary to give students the opportunity freely express your views and feelings when describing the traditions of your family, their nationality.

8. The learning process with a parallel task of individualization of upbringing tolerance must be exercised through authentic means. Original texts and materials retain their genuine value in conditions of natural communicative situations. The teacher's task is to focus this abundance varied original material and find a way to present students to solve the set educational and educational tasks and for increasing the level of tolerance.

9. Individualization of tolerance education in the learning process, it is necessary to build on the basis of the variability of the modality of information.

Tolerance towards every object of the environment manifests itself as a subjective idea of safety is formed a given object, whether it be a separate individual or a social group. Accordingly, we highlight the main functions of tolerance: humanitarian - aimed at the formation of value orientations and interests of the subject; identification - acts as a way to attach oneself to any group, correlating their position with the group, gives rise to the ability to reflections, the desire to expand the information field of interaction; socially adaptive - harmonizes the relationship of the subject with the environment, allows you to realistically assess your subjective potential, create base for your own self-development.

In addition, we have identified the following structural components, which must be taken into account when developing pedagogical technologies of upbringing tolerance: cognitive-value - fulfills the mission of promoting the formation, personality of significant system, value orientations, characterizes the quality world perception and attitude; integrative - provides recognition of the significance and intrinsic value as group, like and individual; motivational and need-based - consists in the formation of moral criterion "tolerance" for the purpose of social adaptation.

Tolerance allows a person not to go against in any situations of their own will, do not humiliate the interlocutor and preserve the principle of personal freedom. A person is aware of himself as tolerant when he is aware of his actions.

Awareness of cultural differences does not occur without the influence of opinion, develops in the mass consciousness on the basis of real life observations, the essence of which is that representatives of different peoples differ from each other, friend with some of their characteristics in relation to character traits, features of behavior, lifestyle, habits, traditions, customs, for example: the French are a little frivolous, the British are prim and cold, Germans - pedantic, etc. In addition, the mass consciousness generalized and disseminated ideas about their community, the so-called autostereotypes, which can also be positive and negative. For a long time prevailing or specially disseminated in the mass consciousness stereotypes can become a regulator of relationships between people. In a calm situation, these stereotypes can be taken with humor and not affect the relationship between people. However, at a time of tension in society, actualized and mobilized stereotypes, especially negative ones, can exacerbate conflict. Stereotypes as generalizations about one person, about a group of people, can be true (positive) or incorrect (negative). The stereotype of behavior is also universal, a criterion for distinguishing people from each other. Behavioral stereotype is special behavioral language that is inherited, but not genetically, but through the conditioned reflex mechanism of heredity, when children by imitations adopt behavioral stereotypes from parents and peers, which are at the same time adaptive skills. Stereotypes reflect culture-specific norms and patterns behavior, the main ethnic categories that are significant for a given culture in system of attitudes and values.

In conclusion, fostering tolerant consciousness and behavior involves the formation of positive stereotypes. Pedagogical technologies of upbringing stereotypes of tolerance consciousness and behavior of students are based on the formation of elements behaviors that reflect positive stereotypes and debunk negative and autostereotypes as attributive features that make up idea of the real or imagined features of your own ethnic group, and heterostereotypes reflecting the totality attributive features that make up the idea of other ethnic groups.

REFERENCES

1. Berulava M.N., Berulava G.A. The development of domestic education: choice of the main vector of motion / M.N. Berulava, G.A. Berulava // Philosophy education. 2006. No. 1. P. 13-16.
2. Berulava, G.A. Intra-university electronic space based on new educational technologies / Berulava G.A., Druzhinina A.V., Belyaeva E.V., Malyshev V.G., Pil'shchikova T.S., Istaliev S.K., Kadyrova L.R. // Higher education in Russia. 2014. No. 12. P. 83-89.
3. Berulava, M.N. Problems and prospects for the development of modern higher schools / M.N. Berulava // Humanization of education. 2015. No. 2. P. 8-12.
4. Berulava, G.A. Role of methodological foundations in development educational technologies / G.A. Berulava // Humanization of education. 2015. - No. 6. - P. 4-18.
5. Izvekov I.N. "Methodological requirements for the construction technologies of spiritual and moral education of the individual from the standpoint of the value-genealogical approach", monograph, Sochi, 2012. 114 p.
6. Khilyuk S.O., Pichugin D.A., Ivanov E.O. On the limits of tolerance among employees of internal affairs bodies // Scientific-methodical electronic journal "Concept". - 2018.- URL: <http://e-koncept.ru/2018/0.htm>.
7. Platonov Yu.P. Ethnic psychology. - SPb. 2001, p. 152.
8. Soldatova G.U. Psychology of interethnic tension. - M. 1998. P. 70.
9. Zapesotsky A.S. Education: philosophy, cultural studies, politics. M. 2002. P. 38-42.
10. Zimovina O.A. "Pedagogical technologies of tolerance education in the context of humanization of education", monograph, Sochi, 2012. 127 p.
11. Zimnyaya I.A. Educational psychology: Textbook. M. 2003. 384 p.

*Talabalarda tolerantlikni tarbiyalashning pedagogik modeli**Narshabaeva A.Yu. Nukus davlat pedagogika instituti*

Rezyume. Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonida talabalarning tolerantligining pedagogik modeli muammosi tahlil qilinadi. Tolerantlikni modellashtirish qobiliyati kelajakdagi bakalavrning kasbiy va kundalik hayotda tezkorligini ta'minlaydigan zaruriy kompetensiyadir. Maqolada keltirilgan birinchi kurs talabalarining ekspress testlari natijalari ushbu muammoning kasbiy pedagogikadagi dolzarbligini tasdiqlaydi. Tolerantlikni tarbiyalash muammosining dolzarbligi zamonaviylik nuqtai nazaridan bag'rikenglik mazmuni va shakllanishining tarbiya maqsadi sifatida aniqlanmaganligi, bag'rikenglik tarbiyasining nazariy va uslubiy asoslari ishlab chiqilmaganligi bilan kuchayadi.

Tayanch so'zlar: tolerantlik, tolerantlikni shakllantirish, pedagogik model, ijtimoiy kompetensiyalar, kasbiy faoliyat, etnik o'ziga xoslik turlari.

*Педагогическая модель воспитания толерантности у студентов**Наршабаева А.Ю. Нукусский государственный педагогический институт*

Резюме. В данной статье анализируется проблема педагогической модели толерантности студентов в процессе обучения в высшей школе. Способность к модели толерантности является необходимой компетенцией, обеспечивающей стремительность будущего бакалавра как в профессиональной, так и в повседневной жизни. Представленные в статье результаты экспресс-тестирования первокурсников подтверждают актуальность данной проблемы в профессиональной педагогике. Актуальность проблемы воспитания толерантности усиливается тем, что с позиций современности не выяснены содержание и формирование толерантности как цели воспитания, не разработаны теоретико-методические основы воспитания толерантности.

Ключевые слова: толерантность, формирование толерантности, педагогическая модель, социальные компетенции, профессиональная деятельность, типы этнической идентичности.

*Pedagogical model of tolerance education in students**Narshabaeva A.Yu. Nukus State Pedagogical Institute*

Summary. The article is devoted to the problem of the pedagogical model of tolerance of students in the process of education in higher education. The ability for model of tolerance is the necessary competence that ensure the haste of the future bachelor in both professional and everyday life. The results of express testing of first-year students presented in the article confirm the relevance of this problem in professional pedagogy. The relevance of the problem of tolerance education is amplified by the fact that from the standpoint of modernity, the content and formation of tolerance as the goal of education has not been clarified, the theoretical and methodological basis for education of tolerance has not been developed.

Key words: tolerance, formation of tolerance, pedagogical model, social competences, professional, types of ethnic identity.

UDK-796.01.

ТАЛАБАЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИ ТАСНИФЛАНИШИ**Казаков Б. А., Табынбаев А. Р.***Қорақалпоқ давлат университети*

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва шу соҳага оид барча концептуал ҳужжатларни қабул қилиниши, уларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолатдир.

Ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим муассасалари, талаба ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ва спорт мусобақаларида иштирок этишлари учун шарт шароитлар яратиб бермоқда. Шу билан бирга уларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳамда жисмоний ривожланиш даражасини ошириш учун ташқирий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилмоқда.

Талаба ёшларнинг таълим олиш жараёнида жисмоний тарбия – ҳам ўқув фани, ҳам бутун бир педагогик жараёнинг кичик бир тизими сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳозирги кунда таълим муассасалари талабаларини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш ва спортда юқори натижаларга эришиш учун эски қотиб қолган ташкилий-услубий дастурлар асосида таълим бериш ушбу масаланинг тўлақонли ҳал этилишини таъминламайди [1].

Ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири, жисмоний тарбия ва спорт машғулотида ҳар бир талабанинг шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга, уларнинг жисмоний ривожланиш ва тайёргарлик даражасини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ташкил этилганда ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун олий таълим муассасаларида спорт машғулотларини ташкил қилишда машғулотлар мақсади, вазифалари, воситалари, шакллари ҳамда машғулоти олиб бориш технологияларини ишлаб чиқиш зарур.

Бу талабаларнинг жисмоний имкониятларини ривожлантириш жараёнини оптималлаштиришга имкон яратади, уларнинг самарали касб-амалий тайёргарлигини таъминлайди.

Юқорида айтиб ўтилган муаммолар ўрганиб чиқилганда, ҳозирга қадар олий ўқув юрти жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва амалиёти муаммоларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган бўлиб, талаба ёшлар жисмоний тарбия жараёнини ташкил қилишда табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланишнинг илмий-назарий ва амалий асослари ҳамда услублари баён қилинган. Бироқ ўрганилган манбаларда талабаларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тайёргарлик ва морфологик кўрсаткичлари асосида ташкил қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Айтиб ўтилган муаммоларни ечиш учун бир нечта вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади: биринчидан талабаларнинг шахсий хоҳиш-истаклари устуворлигини ҳамда морфофункционал кўрсаткичлари, жисмоний ва спорт тайёргарлиги даражаси динамикасини аниқлаш; иккинчидан талабаларнинг жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини, морфофункционал кўрсаткичларини аниқлаш учун интеграл шкала ишлаб чиқиш; учунчидан тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган талабалар билан олиб бориладиган машғулоти технологияларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бунинг аҳамияти шундан иборатки талабаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида табақалаштиришга доир ишлаб чиқилган технологиянинг ўқув-машғулотларга жорий этилиши уларнинг жисмоний тарбия машғулотида бўлган қизиқишларини муҳим даражада кучайтиришга, таълим олувчиларнинг жисмоний ҳамда спорт-техник тайёргарлик даражасини оширишга имкон беради.

Шунинг учун талабалар билан ўтказиладиган спорт секция жараёнида шуғулланувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш асосида зарур амалий кўникмалар, малакалар, умумий ва махсус жисмоний сифатларни танлаб шакллантирувчи маълум бир спорт турларидан фойдаланиш лозим.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг ишлари талабаларни жисмоний тарбиялаш вазифаларини комплекс ҳолда ҳал этиш мақсадида алоҳида спорт турларини тавсия этиш учун тегишли таснифлардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди [2,3].

Биринчи гуруҳ – ҳаракат координациясини устувор такомиллаштириш. Бу гуруҳга акробатика, спорт ва бадий гимнастикаси, сувга сакраш ҳамда шунга ўхшаш спорт турлари киради. Биринчи гуруҳ машқлари инсонда “мушакни сезишни” проприоцептив анализаторни, гавданинг фазодаги турли ҳаракатларида тўлиқ мўлжал ола билиш қобилиятини ривожлантиради, алоҳида мушак гуруҳларининг ривожланишига ёрдам беради. Бу гуруҳдаги спортчиларга куч, тезкорлик, эгилувчанликни намоён қилишда ҳар хил талаблар қўйилади.

Иккинчи гуруҳ – циклик ҳаракатларда кўпроқ юқори тезликка эришиш. Бу машқлар гуруҳига енгил атлетика югуриши, велосипед спорти ва ҳ.к. Бу спорт турларининг энг асосий йўналиши – юқори ҳаракат тезлигига эришиш. Иккинчи гуруҳнинг ҳар бир турида масофа бўйлаб ҳаракат қилиш тезлиги нафақат циклик ҳаракатларнинг (техниканинг) ўзининг такомиллаштирилишига, балки спортчининг толиқишни енгил қобилиятига ҳам боғлиқ.

Учинчи гуруҳ – куч ва ҳаракат тезлигини такомиллаштириш. Бу гуруҳнинг жисмоний машқлари максимал куч катталигига эришишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Уларни бажаришда спортчиларнинг ҳаракат аппарати энг катта юкламаларга (мувофиқ равишда ривожланишга) дуч келади. Бу иккита чекка вариантларда амалга оширилади. Биринчиси – ҳаракат пайтидаги силжиётган оғирликни максимал ошириш қобилиятини такомиллаштириш ҳисобига (масалан, оғир атлетика машғулоти учун). Иккинчиси – силжиётган оғирликларнинг маълум катталигида тезланишни максимал ошириш йўли орқали (енгил атлетикадаги улоқтириш, сакрашлар).

Тўртинчи гуруҳ – рақиб билан бевосита кураш олиб бораётган вазиятда ҳаракатларни такомиллаштириш. Ациклик машқларнинг ушбу гуруҳига кирувчи спорт ўйинлари ва ҳар хил яккакураш турлари (бокс, кураш, қилчбозлик ва ҳ.к) анализаторлар вазифасини такомиллаштиришга, рақиб билан бевосита курашиш жараёнида кенг қамровли ўзгарувчан ахборотни тез “ўзлаштириб олиш”га қаратилган.

Аста-секин ушбу спорт турлари билан шуғулланувчининг жисмоний сифатлари комплекси ва тасодифий ҳаракатларга бўлган қобилияти такомиллаштирилади. Машқлар жараёнида физиологик юкламалар ўта ўзгарувчан, лекин умуман олганда улар анча катта. Машқлар билан боғлиқ ҳис-ҳаяжонлар алоҳида эътиборни тақозо этади, чунки улар жисмоний юкламаларнинг организмга таъсирини анча кучайтиради.

Бешинчи гуруҳ – турли ҳаракатланиш воситаларини бошқаришни такомиллаштириш. Бу машқлар гуруҳи (мотоцикл, от спорти) физиологик нуқтаи назардан жуда кам ўрганилган. Лекин унинг амалий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Спортчилар ҳаракатларининг ўзи ациклик хусусиятга эга, кўпроқ кичик шиддатли. Уларни бажариш учун марказий асаб тизимини анча зўриқтириш тақозо этилади. Чунки бунда кечаётган ҳаракатлар ва вазиятларга нисбатан илгарироқ ҳаракат қилиш лозим бўлади. Бу машқлар сабр-тоқат, совуққонлик, жасурлик, ташаббускорликни тарбиялайди ва уларни бажариш учун координация, тезкорлик, куч ҳамда чидамликни етарлича намоён қилиш тақозо этилади.

Олтинчи гуруҳ – жуда кичик жисмоний юкламаларда энг юқори кучланишдаги марказий асаб фаолиятини такомиллаштириш. Қатъият билан айтадиган бўлсак, бу гуруҳ машқлари жисмоний машқлар ҳисобланмайди (ўқ отиш, шахмат ва ҳ.к), чунки уларда ҳаракатланиш таркиби кичик даражада ифодаланади (кам энергия сарфланиши ва ациклик ҳаракатларнинг кичик диапазони).

Бироқ бу гуруҳ машқлари марказий асаб тизими функциясининг зўриқишини келтириб чиқаради. Бундай машқлар жараёнида турли ҳаракатлар алмашлаб турган пайтда қисқа вақт оралиғида вазифаларни ҳал этишга диққатни жамлаш қобиляти ривожлантирилади.

Еттинчи гуруҳ – кўп-курашга ўтиш қобилятини тарбиялаш (замонавий бешкураш, биатлон ва бошқалар). Ҳар хил кўпкурашлар таркибининг физиологик ва педагогик аҳамияти кўпкурашнинг ҳар бир таркибидан ҳосил бўладиган самаранинг оддий йиғиндиси билан чекланиб қолмайди.

Ҳар хил машқ турларининг ҳар бир уйғунлиги организмга алоҳида таъсир кўрсатади, ҳам хусусий, ҳам комплекс тарзда ўрганишга лойиқ. Ушбу таснифлашга ва ҳаракат кўникмалари ҳамда малакаларнинг такомиллашувини белгилаб берувчи асосий услубий қоидаларга таяниб, олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия кафедралари, турли факультетлар талабаларини жисмоний тарбиялаш муаммосини ҳал этиш мақсадида спорт турларини асосланган ҳолда мақсадли танлашни амалга оширишлари мумкин [4,5].

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Юқори жисмоний ва психик юкламалар билан бирга кечадиган машғулотларда онглик элементи спортдан замонавий ишлаб чиқаришда энг муҳим бўлган психофизиологик функцияларни такомиллаштириш, кишиларнинг психологик чиникиши, зарур ахлокий сифатларни тарбиялаш учун фойдаланишга имкон яратади. Бу айниқса жамоавий спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларида ёрқин намоён бўлади.

Ҳар хил спорт турларидан кенг фойдаланиш талабаларнинг уларга бўлган юқори қизиқиши, спорт машғулотларининг ижобий эмоционал ва соғломлаштириш самараси билан устувордир. Бироқ агар бундай спорт машғулоти талабаларни касб фаолиятига тайёрлаш мақсадида ўтказиладиган бўлса, унда ҳар бир талаба учун, унинг ушбу спорт турига бўлган қобиляти даражасидан қатъий назар, машғулотларнинг енгил бўлиши таъминланиши лозим. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки талабаларни спорт турларига танлашда ва жисмоний сифатларини тарбиялашда тўғри услуб қўлланилмаса, кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Яъни спорт машғулотларининг нотўғри йўлга қўйилиши ҳар қандай спорт тури бўйича унинг амалий моҳиятини йўққа чиқариши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Машарипов Ф.Т. Волейбол машғулотларида талаба қизларни жисмоний ривожлантиришнинг табақалаштирилган услубияти. Монография. – Тошкент, “Фан технологиялари” нашриёти, 2012. – Б. 104.
2. Машарипов Ф.Т. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини назария ва услубиятининг замонавий муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани, илмий тезислар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 193, 268.
3. Ayrapetyants L.R. Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiati. Дарслик. Т., ЎзДЖТИ, 2011, 280 б.
4. Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. ЎзДЖТИ, 2005, - 238.
5. Сейтхалилов Э.А. Таълим сифати устуворлиги - ўзгармас талаб. Фан-спортга Т.: 2004, № 1 – Б. 20-24 .

*Классификация физических упражнений в подготовке студентов
Казаков Б.А. Табынбаев А.Р. Каракалпакский государственный университет*

Резюме. В статье освещаются проблемы привлечения студентов к занятиям физической культурой и спортом, а также рассматриваются вопросы контроля показателей физического воспитания и уровня подготовки, цель тренировок, и задачи их ведения, а также, их средства.

Ключевые слова: учебные заведения, студент, физическая культура, спортивные занятия, физическая подготовленность, морфофункциональный показатель.

*Талабалар тайёргарлигида жисмоний машқларни таснифланиши
Казаков Б.А. Табынбаев А.Р. Қорақалпоқ давлат университети*

Резюме. Мақолада талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилиш, уларнинг жисмоний ривожланиш ва тайёргарлик кўрсаткичларини назорат қилиш, машғулотларни ташкил қилиш, машғулотлар мақсади, вазифалари, воситалари ҳамда машғулоти олиб бориш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: таълим муассасалари, талабалар, жисмоний тарбия, спорт машғулотлари, жисмоний тайёргарлик, морфофункционал кўрсаткичлар.

*Classification of physical exercises in the preparation of students
Kazakov B.A. Tabibbayev A.R. Karakalpak State University*

Summary. The article describes the problems of students involvement in physical education classes and sport. It also considers the inspection of physical education indicators, the level of organization and implementation, tasks and the means of training

Key words: institution of learning, students, physical education, sport classes, physical preparation, morph-functional indicators.

ЎСМИРЛИК ЁШИДА МУЛОҚОТ ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ибодуллаева И. Н.

Нукус давлат педагогика институти

Шахс тараққиётида ўсмирлик даврини “қайта туғилиш” даври дейилишига илмий адабиётларда ижтимоий, психологик, жинсий сабаблар кўп келтирилган. Хусусан, жинсий етилиш ўсмирнинг бу ёшдаги хулқ-атворида асосий биологик восита сифатида таъсир ўтказади. Лекин, бу бевосита таъсирдир. Ушбу ўзгаришлар таъсирида болалар жисмоний ва ақлий имкониятларини ўсиб бориши натижасида ўзларига кўпроқ ишона бошлайдилар, у энди оилавий муаммолар муҳокамасида ҳам иштирок этишга ҳаракат қила бошлайдилар.

Катта ўсмирларга нисбатан кичик ўсмирларда пайдо бўладиган келиша олмасликни улардаги жинсий етилишига эмас, балки атрофдаги шарт-шароитлар, оиладаги ота-она, ака-укаларнинг унга муносабати, ижтимоий шароитлар таъсири билан боғлаш жоиз. Тажрибалардан шу маълумки, баъзи ўқитувчилар кичик ўсмирдаги бу ўзгаришлар урушқоклик ва салбий аломатлар ўжарликнинг илдири қардан келиб чиқиши ва нимага боғланганлигини, нима таъсири эканлигини билмай туриб, нотўғри ташхис ва хулосага келадилар ва бу, аксарият ҳолда фожиага олиб келиши мумкин.

Аслида эса ўсмирларнинг психик ҳолатларини ва психик ривожланаётганлигини ҳисобга олиш ва психик муаммоларини эркин ва тўғри ечимлари учун ёрдам бериш, уларни ақлий қобилиятларини ривожлантирувчи методлар ёрдамида психологик ёндашиш зарур.

Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолатга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади.

Ўсмир ёшдаги боланининг ҳар бир ишдаги асосий мақсади у ўзини энди кичкина эмас, катта бўлиб қолганлигини атрофдагиларга ишонтиришдан иборат бўлади. Ўсмирлик даври «Ўтиш даври», «Кризис даври», «Қийин даври» каби номларни олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки бу ёшдаги ўсмирлар хатти-ҳаракатида ноадекватлик, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.С.Выготский бундай ҳолатни психик ривожланишдаги кризис деб номлаган. [1, 47]

Ўсмирлик ёшида уларнинг хулқ-атворида хос бўлган алоҳида хусусиятларни асосан жинсий етилишнинг бошланиши билан изоҳлаб бўлмайди. Жинсий етилиш ўсмир хулқ-атворида асосий биологик омил сифатида таъсир кўрсатиб, бу таъсир бевосита эмас, балки кўпроқ билвоситадир. Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоклик каби хусусиятлар хос. Катталарга нисбатан агрессив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари ноҳуш хулқ-атвор аломатлари ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлмай, балки улар билвосита таъсир кўрсатадиган ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, турли жамоалардаги мавқеи туфайли, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги ўрни муносабатлари сабабли юзага келадиган характер белгиларидир. Мана шу ижтимоий шароитларни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг хулқ-атворида тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш мумкин.

Айнан мактаб таълими ўсмир билиш жараёнларини ривожланиш йўналишини сифат жиҳатидан ўзгаришида асосий омил ҳисобланади. Билиш жараёнларининг ривожланишида нутқ ҳам оғзаки, ҳам ёзма мавжуд бўлиши билан ҳам кучли восита. Ўқув масканидаги ўқув жараёнларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан ўсмир мулоқотининг тўғри ривожланишига шароит яратилади. Ўсмирлик даврида ўқиш ва ёзма монологик нутқ жадал ривожланади. 5–синфдан бошлаб то 9–синфгача ўқиш тўғри, тез ва ифодали бўлиш даражасидан, ёддан ифодали, таъсирли айтиб бера олиш даражасигача кўтарилади. Ёзма нутқ ҳам яхшиланган ҳолда ўсмирлар энди уларга берилган эркин мавзу бўйича мустақил ҳолда иншо ёза оладилар. Ўсмирларнинг нутқи тўла тафаккур билан боғлиқ ҳолатида амалга оширилади.

Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши тафаккурнинг ривожланишига ва бу эса мулоқот даражаларининг шаклланишига олиб келади. Бунинг таъсирида исбот, далиллар билан фикрлаш қобилияти ривожланади. Унда дедуктив хулосалар чиқаришга қобилият пайдо бўлади. Ўқув масканида ўқитиладиган фанлар ўсмир учун ўз тахминларини юзага келтириш ёки текшириш учун шароит бўлиб хизмат қилади. Ж.Пиаженинг таъкидлашича, «Ижтимоий ҳаёт уч нарсанинг таъсири – тил, мазмун, қоидалар асосида шакллантирилади» [1,145].

Бу борада ўзлаштирилган ижтимоий муносабатлар ўз-ўзидан тафаккурнинг янги имкониятларини яратади. 11–12 ёшдан бошлаб ўсмир энди мантикий фикрлаб ҳаракат қила бошлайди. Ўсмир бу ёшда худди катталар сингари кенг камровли таҳлил этишни ўргана бошлайди.

Ўсмир тафаккурнинг назарий даражага қанчалик тез кўтарила олиши, ўқув материалларини тез ва чуқур эгаллаши унинг интеллектини ҳам ривожланишини белгилаб беради. Ўсмирлик даври юқори даражадаги интеллектуал фаоллик билан фарқланади. Бу фаоллик ўта қизиқувчанлик ҳамда атрофдагиларга ўз лаёқатларини намоиш этиш, шунингдек, улардан юқори баҳо олиш эҳтиёжининг мавжудлиги билан белгиланади. Ўсмирнинг катталар билан бўладиган мулоқоти ва уларга берадиган саволлари мазмунли, мулоҳазали ва айнан ўша масала доирасида бўлишга интилишлари натижасида бўлади. Сабаби, айтиш мумкин, шу даврдаги етакчи фаолият бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий

вазифаси - бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларни аниқлаш ва эгаллаш ҳисобланиб, улар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик сифатларига боғланади.

Ўсмирларнинг ота-онаси ва катталар билан бўладиган муносабатида ҳақ-ҳуқуқларининг чеклашланиши, қаршилиқ ва эътирозлар қаттиқ қаршилиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамадан, у мулоқотда катталарнинг қўллаб-қувватлашларига эҳтиёж сезади. Биргаликдаги фаолият ўсмирга катталарни яхшироқ тушунишлари учун ёрдам беради. Ўсмир ўзида бўлаётган ўзгаришлар, уни ташвишга солаётган муаммолар ҳақида катталар билан бўлишига катта эҳтиёж сезади, лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўсмирлар нутқининг тез кенгайиши ва мулоқоти нихоятда ўзгарувчанлиги билан алоҳида характерланади. Муҳтасар айтганда, ўсмирлик даврида нутқ ва мулоқотнинг тўғри шаклланиши ўсмирда билиш жараёнининг тараққий этишида ва бу ўз навбатида дунёқарашнинг ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Зеро, бу хусусиятлар келажакда инсоннинг шахс сифатида ўзига бўлган ишончи ва баҳосининг даражасини белгилайди.

Ўсмирлар нихоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунёқараш шаклланмаган бўлади. Улар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек, уларга мардлик, жасурлик, тантқиқлик ҳам хосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрнинг юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота-оналарнинг, атрофдаги катталарнинг шунингдек, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Жуда кўп ўсмирлар бу даврда чекиш ҳамда спиртли ичимликларга қизиқиб қоладилар. Катта одам, шунингдек чекувчи, ичувчи сингари янги ролда ўзини нормал, қулай ҳис қилади. Бундай ҳолатларга тушган ўсмир жуда ташвишга тушади ва унда кризис ҳолати юзага келади. Бу кризис ўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек, психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида юзага келади.

Кўпгина ўсмирларда ўздан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлаштишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар, шунингдек, ота-онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларнинг ичдан асабийлаштишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси дейилади. Ўсмирлик даврида етакчи фаолият-бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир.

Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларини аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирларни ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ҳақ катта аҳамиятга эгадир. Ўз тенгдошлари билан тенглик асосида қилинган муаммолар муносабат асосида ўсмир алоҳида бир ижтимоий муносабатлар ўқув масканини ўтайди. Ўзаро қизиқишлар, атроф дунёни, бир-бирларини англашлари ва тушунишлари улар учун жуда қимматлидир.

Ўсмирлар учун уй вазифалари, уй ишлари бўйича мажбуриятларни бажаришга қараганда тенгдошлари билан мулоқот қилиш муҳимроқдир. Ўз ишларини сирларини бола энди ота-онасига эмас, балки тенгдошига кўпроқ ишонади. У энди салбий ва ижобий томонларига алоҳида бир ургу бермаган ҳолда ўзи хоҳлаган кишиси билан дўст бўлиш ҳуқуқини талаб этади. Ўз тенгдошлари билан мулоқот ва муносабат жараёнида ўз шахсини эркинлик билан тўла намоеън эта олади.

Ўсмирлик даврида, асосан, билиш жараёнлари юқори даражада ривожланади. Бу йўлларда ўсмирларга ҳаёт давомида керак бўладиган асосий шахсий ва тадбиркорлик хусусиятлари очик кўрина бошлади. Хотира, механик хотира даражасидан мантикий хотира даражасига кўтарилади. Нутқ ривожланган, хилма-хил ва бой тафаккур эса ўзининг барча кўринишлари: ҳаракатли, образли, мантикий даражасида ривожланади. Ўсмирларни энди турли амалиёт ва ақлий фаолиятларга ўргатиш мумкин. Шунингдек, бу даврда умумий ва махсус лаёқатлар шаклланади ва ривожланади. Ўсмирлик даврига жуда кўп зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар хос. Ўқув маскани дастури ва бошқа ишлар билан боғлиқ турли масалаларни ечишда кўзга ташланадиган ўсмирларнинг интеллектуал ривожланганлиги катталарни улар билан бирга жиддий муаммолар бўйича фикрлашга ундайди, ўсмирларнинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қиладилар.

Бошқа томондан эса айниқса, келажак касб, ҳуқ-атвор этикаси, ўз мажбуриятларга масъуллик каби муаммолар муҳокамасида инфантилликни кузатиш мумкин. 5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса, 6 синфдан бошлаб, ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар. 7-синф ўқувчиларида эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8-синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзига ҳослик, дўстлик ва ўртоқлик билан боғлиқ бўладиган шахсий ҳислатларни юқори баҳолашади. Ўсмирларнинг ана шу кетма-кет юзага келадиган қизиқишларига асосланган ҳолда фаол равишда иродавий ишбилармонлик ва бошқа фойдали сифатларни ривожлантириш мумкин.

Ўсмирлик даврида ўқув фанларини турли ўқитувчилар ўқитиш муносабати юзага келади. Катталар шахси ва фаолиятни баҳолашнинг янги мезонлари ҳам уларда шакллана бошлади. Улар ўқитувчи билан муносабатларига ҳам катта эътибор берадилар. Ўсмирлик асосан, билимли, талабчан, ҳаққоний, ўқув материални қизиқарли ва тушунарли йўл билан етказа оладиган ўқувчиларни ажратмайдиган, ўқитувчиларни кўпроқ ҳурмат қиладилар ва яхши курадилар. 10-15 ёшли болаларнинг фаолият мотивларида ҳам ўзгаришлар

амалга ошади. Илк ўсмирлик даврида кўпчилик ўсмирлар ўзларига салбий шахсий характеристика берадилар. Катта бўлган сари ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳоси дифференциал характерда намоён бўла бошлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Дўсмухаммедов Ш.А, Нишанова З.Т ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Тошкент, 2013.
2. Виготский Л.С, Психология развития человека. Москва, Смысл.2005.
3. Кан-калик В.А. Учителю о педагогическом общении: Книга для учителя. - М.: Просвещение, 1987.
4. Karimova V.M., Sunnatova R.I., Tojibaeva R.N. Mustaqil firlash. –Toshkent, Sharq.2000.

Ўсмирлик ёшида мулоқот ва унинг намоён бўлиши

Ибодуллоева И. Н. Нукус давлат педагогика институти

Резюме: Мақолада ўсмирлик ёши ўқувчиларида шахсий сифатларнинг шаклланишига таъсир қиладиган омиллар ҳақида айтилади, шунингдек, олимлар томонидан ўрганилган назариялар ва соҳа олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз боради.

Таянч тушунчалар: Ўсмирлик даври, муносабат, ўтиш даври кризиси, шасх, ҳуқ-атвор.

Общение в подростковом возрасте и его проявления

Ибодуллоева И. Н. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме: В статье рассматриваются факторы, влияющие на формирование личностных качеств у школьников-подростков, а также теории, изучаемые учеными, и важные задачи, стоящие перед этой областью.

Ключ слова: Подростковый возраст, установки, переходный кризис, личность, поведение.

Communication in adolescence and its manifestation

Ibodullayeva I. N. Nukus State Pedagogical Institute

Sumarry: The article discusses the factors influencing the formation of personal qualities in adolescent students, as well as the theories studied by scientists and the important tasks facing the field.

Key words: Adolescence, attitudes, transition crisis, personality, behavior.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Кулдашев Ш. А.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган жамиятда таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш шарт-шароитларига зарурат бўлмоқда.

Таълим хизматлари бозори бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг истеъмол бозоридаги мураккаб бўлган ўзаро боғланган барча элементларидан ташкил топган. Мазкур тизимни бош генератори бўлиб, шубҳасизки, меҳнат бозорида ўзига хос товар сифатида чиқувчи малакали профессионал кадрлар тайёрлашдаги жамиятнинг эҳтиёжи ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида таълим хизматлари бозорининг ривожланиш механизмини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим хизматлари бозорида рақобатнинг шаклланиш механизмини кўриб чиқамиз. Рақобат категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмунини англаб олиш учун унинг тавсифини ёритиб беришга турли хил томондан ёндашишни зарурат этади. Рақобат муаммоси иқтисодиёт фани ривожланишининг турли босқичларида кўплаб муаллифларнинг қизиқишини уйғотган. М.Портер XX асрнинг иккинчи ярмида рақобат муносабатлари назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим ҳисбланади. Рақобат назариясини ўрганар экан, у технологик ўзгаришларга мослашиш қобилиятига етакчи ўринни берди. Рақобат манбаи сифатида М.Портер фундаментал иқтисодий тузилмани кўриб, уни янги иштирокчилар, ўрнини босувчи маҳсулотлар, харидор ва етказиб берувчиларнинг бозорга таъсири, бозор иштирокчилари ўртасидаги рақобат хусусиятларига боғлиқлигини аниқлади. Шу нуқтаи назардан М.Портер рақобатни кенгайтирилган рақобат деб таърифлайди.

М.Портер муайян бозорда устунликка эришишга йўналтирилган мувофиқ рақобат стратегияси тўғрисида фикр юритади. У бундай стратегияни ўзининг рақобатдош устунликларини, шунингдек, уларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш имкониятларини баҳолашга асослашни таклиф қилади. М. Портер «юқори даражадаги рақобатдош устунликларни» ажратиб кўрсатадики, уларнинг ўзига хос хусусияти рақобатчилар томонидан қарз олишга имкон бермайди. У ушбу рақобатдош устунликларни шаклланиш шарт-шароитларини нафақат ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, балки персонални махсус ўқитишга узок муддатли ва интенсив инвестициялар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш ҳамда маркетинг тадқиқотларида деб айтади [1]. Ўзбекистонда ҳам иқтисодчи олимларнинг рақобатга алоқадор бир қанча илмий қарашлари ҳам мавжуд. Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғофуров таърифига кўра, рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади [2]. Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, рақобат – ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисми бўлиб, у кўп миқдордаги эркин харидорлар ва иш кучини сотувчиларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириши ва уни тарқ этиш имкониятини англатади [3]. Бизнинг фикримизча, муайян

мактабнинг «рақобатбардошлик назарияси» ривожига қўшган ҳиссасига қараб таснифни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биз, рақобат ва рақобатбардошликнинг турли жиҳатларига у ёки бу даражада эътибор берган барча иқтисодий мактаблар ва назария ҳамда тушунчаларни рақобат муносабатларини ўрганишга қўшган ҳиссасига қараб таснифлаймиз. 1. Рақобат ва рақобатбардошликнинг замонавий концерциялари учун асос бўлиб хизмат қилган мактаблар ва назариялар. Бу, биринчи навбатда, меркантилизм, халқаро савдонинг турли назариялари ҳамда мукамал ва номукамал рақобатдан (А. Смит, Д. Рикардо, А. Маршалл, Ж. Робинсон, П. Кругман, Б. Баласса) иборатдир. 2. Турли хил иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш контекстида рақобат муносабатларини кўриб чиқувчи мактаблар ва назариялар. Буларга қуйидагилар киради: жойлашувни ташкил этишнинг баъзи назариялари (А.Леш, Ф.Перроух, Ж.Боудевилле, Ж.Х.Дуннинг сайловолди ОЛЕ-парадигмаси, М.Шимагучининг тизимли инновациялар назарияси. Б.Лундвалл томонидан миллий инновация тизими концепцияси, худудий ишлаб чиқариш тизимлари Д.Маиллатт ва бошқалар. 3. Тадқиқот предмети рақобат ёки рақобатбардошликнинг ўзи бўлган мактаблар ва назариялар. Буларга қуйидагилар киради: М.Портернинг рақобат афзалликлари ва саноат кластерлари назарияси, минтақавий кластерлар назарияси М.Ж.Энрайт, иқтисодий фаолиятнинг “сифат индекси” тушунчаси Е.С.Реинерт, кластерлар ва қиймат занжирларининг ўзаро таъсири назарияси (Ж. Хамфри ва Х. Шмитс, Р. Каплинский ва бошқалар. 4. Рақобат муносабатларининг турли назарий жиҳатларини ўрганишга таъсир кўрсатган назариялар ва тушунчалар. Буларга қуйидагилар киради: геосиёсий назариялар (Ф. фон Ратцель, Р. Кжеллен, Ф.Науманн), жойлаштиришнинг классик назариялари (И.Г.Тюнен, W.Launhardt, А.Вебер ва бошқалар) ва бошқалар.


Турли даражадаги рақобат муносабатлари соҳасидаги аксарият тадқиқотлар, рақобатбардошликни таъминлаш назариялари ва механизмларининг мавжудлигига қарамай, рақобат категориясининг яхлит мазмунини ифодалайдиган тушунча шакллантирилмаган.

Рақобатбардошликнинг моҳиятини аниқлашда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган методикага кўра, рақобатбардошлик – халқаро рақобат учун очиқ бўлган ҳолда компаниялар, тармоқлар, минтақалар ва давлатларнинг етарли даромадлиқ даражаси, иш ҳақини яратиш ҳисобланади. Бир қарашда ушбу таъриф мукамал ҳисобланади, аммо методологиянинг ички шароитларга қўлланилиши ва компаниялар, минтақалар, мамлакатлар учун кўрсаткичлар ва мезонларнинг универсаллиги ҳақида саволлар туғилади.

Универсallasштиришнинг яна бир уриниши Жаҳон иқтисодий форуми методологияси бўйича ҳисобланган Глобал рақобатбардошлик индекси (ГРИ) назарда тутилади. Ҳозирги вақтда индекс статистик маълумотлар ва турли мамлакатлар менежерлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини ўз ичига олган 113 та асосий кўрсаткич бўйича аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар тўққиз омил индексига бирлаштирилади, сўнгра мамлакатлар кўрсаткичларига кўра, тартибланган рақобатбардошлик индекси аниқланади. Юқорида келтирилган тадқиқотлар асосида, биз, олий таълим хизматларининг ички ва ташқи таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи ресурслардан самарали фойдаланиш воситаси сифатида ўқув юрлари салоҳиятини аниқладик.

Олий таълим муассасалари салоҳияти кўринишлари қуйидаги шаклда аниқланади: 1. Таълим салоҳияти – халқаро даражада даражасида таълим фаолиятини амалга оширувчи университет салоҳияти. 2. Илмий-тадқиқот салоҳияти – университетнинг халқаро даражасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш ва танланган илмий билим йўналишлари бўйича етакчиликни сақлаб қолиш қобилияти. 3. Инновацион салоҳият – ўқув ва илмий фаолият синтези натижасида сифатида ноёб билимларни тақдим этувчи университет қобилияти. 4. Маркетинг салоҳияти – университетнинг таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва маркетинг аралашмаси орқали ўз бозор улушини сақлаб қолиш (кенгайтириш) қобилияти; 5. Халқаро салоҳият – университетнинг олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда рақобатчилар билан солиштирганда қулай ўринни эгаллаш қобилияти. 6. Инвестиция салоҳияти – университетнинг мамлакат ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун илмий, таълим ва технологик базани шакллантириш қобилияти. 7. Бошқарув салоҳияти – олиф таълим муассасасининг мақсад ва вазифаларининг бажарилишини таъминловчи бошқариш тизими қобилияти. 8. Тижорат салоҳияти – университет фаолиятининг тижорат самарадорлигини таъминлаш қобилияти; 9. Молиявий салоҳият – университетнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш қобилияти. Таълим хизматлари бозорида потенциал рақобатчиларни баҳолаш таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни аниқлаш, олий таълим тизимида потенциал рақобатчиларни аниқлаш, таянч рақобатчилар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш ҳамда уларнинг салоҳиятини баҳолаш босқичларидан иборат бўлади (1.2-расм).

ОТМ рақобатбардошлиги унинг имкониятларини интеграциялашуви натижаси сифатида таълим хизматлари рақобатбардошлиги ва ОТМнинг рақобатбардошлиги тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Бизнинг фикримизча, **таълим хизматлари рақобатбардошлиги** – бу таълим салоҳиятини рўёбга чиқариш натижаси бўлиб, таълим муассасасининг ҳар бир салоҳият тури рақобатбардошликнинг тегишли турининг манбаи бўлиб хизмат қилади ва рақобатдош устунликларни шакллантиради. Шу билан бирга, ОТМ салоҳиятининг ҳар қандай ўзига хос турини, шунингдек, унинг бир нечта ёки барча турларини амалга ошириш орқали сезиларли рақобатдош устунликларга эга бўлиши мумкин.



1.2-расм. Таълим хизматлари бозорида потенциал рақобатчиларни баҳолаш¹³

Биз, ОТМлар фаолият юритишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардошлик категориясининг муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик: **ОТМлар рақобатбардошлиги** – олий таълим хизматлари бозори субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, ўзининг мавқиеини оширишга йўналтирилган муайян салоҳият тури орқали намоён бўладиган, юқори ижтимоий самарага эришиш ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатувчи кўп қиррали иқтисодий категориядир. У таълим хизматлари бозори субъектлари ўртасидаги юзага келадиган мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобатбардошликни баҳолашга комплекс ёндашув унинг турларини таснифлаш зарурлигини, турли хил хусусиятларга кўра мунтазам равишда амалга ошириладиган уринишларни англатади. Шу билан бирга, тадқиқотчилар кўпинча рақобатбардошлик ва рақобатдош устунлик турларини тенглаштирадilar, бу бизнинг нуқтаи назаримиздан, услубий нуқтаи назардан мутлақо тўғри келмайди. Шундай қилиб, Х.М.Гумба ва М.И.Мамаев хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош устунликларини таснифлашга ёндашувни таклиф қилади, унинг фарқли жиҳати бўлиб, таснифлаш белгилари тизими ҳисобланади [4]. В.Д.Жариков ва П.М.Трофимов муваффақиятнинг асосий омилларини кўриб чиқади ва маркетинг, технологик, ишлаб чиқариш ва менежмент каби гуруҳларни ажратиб кўрсатади [5]. М.Н.Иванников муваффақиятни муҳим омилларининг оригинал таснифи сифатида бу рақобатбардошлик шаклланишининг бозор ва ресурс жиҳатларини талқин этади [6]. А.С.Головачев рақобатбардошликни турли мезонлар бўйича таснифини шакллантиради: бошқарув субъектлари ва объектлари ҳамда иқтисодий натижалари. Муаллиф турли омилларнинг рақобатбардошликка таъсиридан боғлиқлигини таснифлашга ҳаракат қилади. Ушбу нуқтаи назарнинг камчиликлари бўлиб, фақат ишлаб чиқариш омилларини таҳлил қилишдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда рақобатбардошлик турларини таснифлашда комплекс ва тизимли ёндашувни амалга ошириш зарурдир. Шунинг учун, биз, турли хил хусусиятларига қараб, рақобатбардошлик турларини таснифлашни таклиф қиламиз (1.2-жадвал).

Рақобатбардошлик турларининг батафсил тавсифи 1-иловада келтирилган. Таълим муассасасининг рақобатбардошлик турини унинг фаолиятини ўзига хос хусусиятлари ва натижаларига қараб аниклаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, олий таълим ташкилотининг рақобатбардошлигини ҳисобга олган ҳолда, қараб иерархия даражаси, унинг рақобатбардошлиги халқаро (агар ташкилотнинг тегишли халқаро рейтингдаги позитсияси бундай ҳулосага келишга имкон берса), минтақавий (агар ташкилот ўз мамлакатининг таълим хизматлари бозорида ўзини тутган бўлса) маҳаллий (агар минтақада рақобатбардош ўринлар таҳлил қилинса қолиш ёки ҳудудий ҳамжамият) ва шунга мос равишда маҳаллий (агар аниқ таълим дастурларининг рақобатбардошлиги баҳоланса).

1.2-жадвал. Рақобатбардошлик кўринишлари таснифи¹⁴

Таснифий белгилари	Рақобатбардошлик кўринишлари
Иерархик даражасига кўра	Халқаро, минтақавий, ҳудудий, маҳаллий.
Фаолият соҳасига кўра	Таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, савдо ва б.
Ташкилий фаолият кўринишларига кўра	Таълим, илмий-тадқиқот, маркетинг, инвестицион, тижорат, молия, бошқарув, инновацион ва бошқалар.
Бозорга таъсир этиш тавсифига кўра	Юқори (қулай), паст (ноқулай).
Ҳаётийлик давридаги босқичларига кўра	Янги маҳсулот, «етилган» маҳсулот, «эскирган»

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	маҳсулот.
Ташкилот салоҳиятидан фойдаланишига кўра	Реал рақобатбардошлик, потенциал рақобатбардошлик.
Ишлаб чиқариш омилларига кўра	Меҳнат (ишчи-ходим), капитал, ер (жойлашган ўрни).
Бошқариш объектига кўра	Бутун университет, ишлаб чиқариш бўлимлари (институт, факультет, кафедра, персонал).
Вақт омилига кўра	Динамик рақобатбардошлик, статик рақобатбардошлик.
Ўсиб бориш даражасига кўра	Дастлабки, мультипликатив, синергитек ва б.
ОТМ салоҳиятини реализация қилиш кўринишига кўра	Таълим фаолияти, илмий-тадқиқот фаолияти, инновацион фаолият, маркетинг фаолияти, халқаро фаолият, инвестицион фаолият, бошқарув фаолияти, тижорат фаолияти, молиявий фаолият.

Фаолият соҳасига қараб: таълим муассасаларига нисбатан таълим соҳасидаги рақобатбардошлик категорияси қўлланилади. Фаолият турлари бўйича таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини аниқлаш ишлаб чиқариш фаолияти таълим ва тадқиқот сифатида талқин қилинишининг ўзига хослиги билан унинг барча турлари бўйича даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳаётийлик даврининг босқичи ва салоҳиятдан фойдаланишга боғлиқ ҳолда ўзаро таъсир этиш тавсифи бўйича рақобатбардошлик тури тадқиқот объектига нисбатан таълим муассасаси фаолиятининг аниқ натижалари бўйича аниқланади.

Сотиш ва сотиш объекти бўйича рақобатбардошликни таснифлаш ҳам «рақобатбардошлик хизмати», ҳам сотиш объекти сифатида олий таълим муассасаларига нисбатан аниқлаш имконини беради, чунки ушбу ҳолатда барча ўзига хос хусусиятларга эга таълим хизматлари намоён бўлади.

Таълим муассасаларининг фаолияти ишлаб чиқаришнинг барча омилларида фойдаланишни назарда тутати. Шунинг учун меҳнатнинг рақобатбардошлигини мақсадга мувофиқ аниқлаш унинг етакчи илмий ва педагогик кадрларни самарали жалб қилиш қobiliяти, молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш бўйича капитал рақобатбардошлиги ҳамда жойлашган ўрнини ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Портер М.Ю. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с.
2. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2010, 220-бет.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: “Mehnat” – 2009, 145-бет.
4. Гумба Х.М. Концептуальные основы формирования устойчивых конкурентных преимуществ [Текст] / Х.М.Гумба, М.И.Мамаев // Известия Иркут. гос. экон. акад. (Байкальский государственный университет экономики и пра-ва). – 2014. – № 1. – С. 11.
5. Жариков В.Д. Теория 20К формирования и поддержания конкурентоспособности предприятия [Текст] / В.Д. Жариков, П.М. Трофимов // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И. Вернадского. - 2014. - №1 (50). - С. 171-175.
6. Иванникова М.Н. Формирование сущности конкурентных преимуществ предприятия и их классификация [Текст] / М.Н. Иванникова // Вестник Белгородского ун-та кооперации, экономики и права. - 2013. - № 2 (46). - С. 325-329.

Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш шарт-шароитлари
Кулдашев Ш.А. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Резюме: таълим хизматлари бозорида рақобатни тутган ўрни ва хусусиятлари, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги, олий таълим тизимидаги таркибий ўзгаришлар, ички ва ташқи омиллари.

Таянч сўзлар: таълим хизматлари бозори, рақобат, талаб, таклиф, олий таълим тизими, омиллар, шахс рақобатбардошлиги, меҳнат бозори.

Условия обеспечения конкурентоспособности высших учебных заведений на рынке образовательных услуг

Кулдашев Ш.А. Самаркандский институт экономики и обслуживания

Резюме: Роль и свойства конкуренции на рынке образовательных услуг, взаимодействие образования и производства, структурные изменения в системе высшего образования, внутренние и внешние факторы.

Ключевые слова: рынок образовательных услуг, конкуренция, спрос, предложение, система высшего образования, факторы, индивидуальная конкурентоспособность, рынок коктейлей.

Conditions for ensuring the competitiveness of higher education institutions in the market of educational services

Kuldashv Sh.A. Samarkand Institute of Economics and Service

Summary: The role and properties of competition in the educational services market, Interaction of education and production, structural changes in the higher education system, Internal and external factors.

Key words: education services market, competition, demand, offer, higher education system, factors, individual competitiveness, cocktail market.

ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫ: МИЙНЕТ ТӘРБИЯСЫНЫҢ МАЗМУНЫ ҲӘМ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ**Дошниязов Ж.К.***Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Халық педагогикасы тәрбия усулларының бай дәрегі болып табылады. Халық дәстүрлері, үріп-әдеттері, үлкенлер хәм балалар фольклоры, халық байрамдары, ойындары хәм ойыншықтары, қосықтары, аяқ ойындары, хәзиллері, шебер сөзлері, халық ырымдары, хәр қыйлы жағдайлар менен байланыслы ырымдар, хәр қыйлы темалардағы дәстанлар хәм аңыздар, шаңарақтағы хәм жәмийеттегі мийнет қатнасықтары хәм басқа қатнасықлар халық педагогикалық даналығының ғәзийнеси болып есапланады. Буның барлығы әуладтан-әуладқа өтеди, жаңа тәжірийбе менен байытылады. Изертлеушінің халық педагогикасына мүрәжәты, оған хәзиргі уақыт хәм өткен дәуірлердің жасларды тәрбиялаудың бай тәжірийбеси ғәзийнесинен мағлыұмат алыу имканиятын береді [17, 3]. Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёев «...мектеп оқыушыларын кәсип-өнерге үйретиу системасын улыұма билим беріу менен бирге енгизиу» зәрүр екенлиги ҳаққында барқулла белгилеп өтеди [2].

Мийнет тәрбиясы қарақалпақ халық педагогикасының өзегі болып табылады. Балаларды киши жастан баслап-ақ мийнетти сүйиуге тәрбиялау шаңарақтың әдиули ұазыйпасы есапланған. Балаларды мийнетти сүйиуге тәрбиялау көп еллердің бир қатар нақыл-мақалларында жарқын сәуленген: «Мийнет етсең, жемисин көресең», «Балаң мийнетти сүйсе, жериң де егиуге таяр болады», «Мийнетсиз мақсетиңе жетпейсең». Халық, барлық уақыт жас әулад бир неше кәсип ийелеуи, хәр бир жас жақсы қәниге болыуи ҳаққында қайғырған [3].

Авестода (бизің эрамызға шекем VII-VI әсирлер) раўажланыу хәм тәрбия үш нәрсе тийкарында әмелге асырылыуи керек деп айтылған: ақылды, мийримликти, мийнеткешликти раўажландырыу [4]. Халықтың, мийнетке унамлы шахсты қәлиплестириуеги шешиуши жағдай сыпатында баха беріуи шығыстың көплеген ойшылларының мийнетке болған көз-қараслары менен үнлеседи. Ибн Сина (XI әсир) тәрбия хәм билим беріу системасына төмендеги компонентти киритеди: кәсипке үйретиу (мийнет тәрбиясы) хәм оқыушылардың оқыу мийнети бойынша усыныс береді: шынығыулар мөлшерленген, дене шынығыулары менен сәйкес болыуи керек, оқытуу жеңилден ауырға аз-аздан алып барылыуи керек х.т.б [5]. Беруний мийнет тәрбиясы кәсиплик түрде алып барылыуи керек деп жазады: кәсипке барлық балаларды оқытуу керек: кәмбағал хәм бай шаңарақлардың балаларын [6]. Балаларға мийнет көнликпелерин синдириу лазым хәм мийнетти сүйиу және оны әдет етиуди тәрбиялау керек. Ибн Сина жақсы мәмлекетте әдил басшының басқарыуында барлық инсанлар жәмийетлик пайдалы мийнет пенен бәнт болыуи керек деп есаплаган [7].

Өзбекстан хәм Қарақалпақстан халықларының мәдений, руўхый хәм мийнет мийрасы мәселелерин, миллий қәдириятларын үйрениуге Р.Х.Джураев, К.Ж.Турекеева, Р.У.Торежнова, Т.Утебаев, Г.Д. Давлятов, А.Я.Журкина, Р.Ш.Ахлетдинов, Х.И.Ибрагимов, К.Хашимов, З.Ф.Миртурсунов, М. Очилов, О.Мусурманова, Х.Хамидов, П.Ш.Шылманов, О.В.Кореев, И.М.Садгян хәм басқа алым-педагоглар үлкен үлес қосты.

Педагогикалық әмелиятта өз алдына миллий мәдениятты қайта тиклеуди, балаларды руўхыйлық хәм әдеп-икрамлылық қәдириятлар тийкарында тәрбиялауды, миллий тәрбияны миллий көркем-өнер арқалы әмелге асырыуды мақсет етип қоятуғын Қарақалпақстан Республикасындағы миллий билимлендириудің доктринасын әмелге асырыу ушын, мектепте жоқары дәрежедеги миллий санасы, өз халқының тарийхый, мәдений хәм этнопедагогикалық қәдириятларын сүйиуши хәм тийкарларын билиуши оқыушыларды таярлау зәрүрлиги пайда болады. У.Алеуовтың, Г.Н.Волковтың, К.Д.Ушинскийдің, И.Я.Яковлевтың хәм басқада белгили педагоглардың мийнетлеринде өсип қиятырған әуладты тәрбиялауда хәм оларға билим беріуде этникалық мәденияттың, халық дәстүрлеринің унамлы орны анықланған. Этнологиялық изертлеулерде халық дәстүрлері тарийхта қәлиплескен хәм әуладтан-әуладқа өтип қиятырған узақ уақытлар дауамында жәмийетте яки айрым социаллық топарларда сақланып келетуғын үріп-әдетлер, салт-дәстүрлер, жәмийетлик орнатулар, идеялар, қәдириятлар, минез-құлық нормалары сыпатында тәрийпленеди.

Хәзиргі Қарақалпақстан аймағында ең әйемги дәуірлерден хожалықтың, кәсип-өнердің, мәденияттың хәм көркем өнердің хәр қыйлы түрлері раўажланады. Философ С.Шермухаммедовтың пикиринше:

«... инсанның хайўанлар дүньясынан айрылып шығыуи адамның мийнети аңлы болып басланғаны себепли мүмкин болған, буның арқасында адамлар хәр қыйлы мийнет қуралларын ислеп үйренген хәм олардан азық-ауқат табыу процессинде пайдаланған». Инсан тек ғана күн көриу жолларын излеп қалмай, турмысын аңсатластырыуға талпынып баслаған [8, с.17]. Жәмийетлик хәм педагогикалық пикирдің өсип баратырған мийрасында, мийнет адамның ең ылайықлы талабы екенлиги, мийнет тәрбияның мақсети хәм қуралы екенлиги ҳаққындағы пикирлер оғада үлкен орынды ийелейди. Басқа сөз бенен айтқанда, ең жақсы жәмийет ҳаққындағы әрманлар едеде жақсырақ мийнет тәрбиясы ҳаққындағы пикирлер менен тәбийий рәуиште араласады.

Адамзат тарийхының биринши басқышында әйемги жәмийетте ислеп шығарыу күшлеринің төмен раўажланыу дәрежеси материаллық ислеп шығарыу процессинде жәмәттің хәр бир мийнетке жарамлы ағзасының қатнасыу зәрүрлиги шәрт болған уақытта, мийнет искерлигине таярлық улыұмалық хәм миннетли болған. Балаларды хәм өспиримлерди тәрбиялау, оларды қәуимнің турмысына қосыу, өсип қиятырған әуладларды ислеп шығарыу искерлигинің тәжірийбесине қатнастырыу менен, оларды мийнет компетенциялары менен қуралландырыу менен байланыслы болған. Алғашқы қәуимли қурылыстың ыдырау дәуиринде ислеп шығарыу мийнети улыұмалық көринисин жойтып баслайды. Усы уақыттан баслап, кейинги көп әсирлер дауамында өсип қиятырған әуладты ислеп шығарыу мийнетине таярлау халық массалары

тәрәпинен әмелге асырылған. Әйне сол халық массалары тийкары адамзат тарийхының ең басында салынған мийнет тәрбиясының салт дәстүрлерин ғамхорлық пенен сақлап келген [9].

Шығыстың уллы ойшыларының педагогикалық идеялары жәхән педагогикасына үлкен үлес қосқан. Лекин, заманағөй Шығыста Орта әсирлер ойшыл алымларының педагогикалық мийрасы Орта Азия республикалары ғәрезсизликке ерисемен дегенше талап етилмеген. Тек ғана кейинги жыллар ишинде бул педагогикалық пикирдің ғәзийнесине қызығыушылық бирден көтерилди. Ойшыллардың педагогикалық көз-қараслары Орта әсирлердің педагогикалық пикиринде демократиялық бағдарды көрсетеди: олар инсан ҳаққындағы түсиникке, өсип киятырған әуладқа мийнет тәрбиясын бериуди хәм оқытыуды қәлиплестириуге және жетилистириуге үлкен тәсир тийгизген хәм тийгизбекте. Олардың педагогикалық идеялары бүгинги күнге шекем адам хәм оның тәрбиясы, соның менен бирге гуманизм, хәр тәрәплеме рауажланған шахсты қәлиплестириу, оқыушы хәм оқытыушыларға қойылатуғын талаптар хаққында түсиниклерди қәлиплестириу ушын үлкен билим ошағы болып есапланады. Аль-Хорезмий, Аль-Фарабий, Аль-Беруний, Ибн Сина, Омар Хайям, Саади, Абдурахман Джами, Әлишер Науайы, Захириддин Бабур, Юсуф Баласагун, Махмудхаджи Бехбуди, Абдулла Авлоний, Махмуд Қашқарий, Ахмад Югнакий хәм басқалардың педагогикалық көз-қарасларын үйренип отырып, уллы алым-педагоглар инсан, шахс, өсип киятырған әуладты тәрбиялау хәм оқытыу хаққында аса ойланып пикир жүргизгенинде, мийнетке, билимге, ақылға, сөз шеберлигине, жоқары әдеп-икрамлылық сыпатларға үлкен итибар қаратқан деген жуўмаққа келемиз.

Орта әсирлер Шығысының уллы шахслары өзлериниң беккем педагогикалық қолланбаларын, педагогикалық ой-пикирлерин хәм принциплерин, оқытыу хәм тәрбия усылларын, оқыушы хәм оқытыушыға қойылған талаптарды әсирлерге қалдырған. Олардың барлығы инсанның хәр тәрәплеме рауажланған хәм билимли болыуын көргиси келген. Олардың дүньяға көз-қарасы – бул үлкен руўхый күш, концепциялардың жасауға уқыпшылығы хәм жасағышшылығы, принциплердің избе-излиги, педагогикалық пикирлеудің көлеми, жоқары гуманизм, ұатан сүйиушилик, ҳақыйқатлық хәм тынышлықты сүйиушилик [10].

Улыўма билим бериу мектеби өспиримлериниң мийнет тәрбиясы машқалаларын шешиу ушын Шығыстың уллы ойшылларының усыныс еткен барлық идеялары, принципери, усыллары әхмийетли деп тән алынған, себеби, олар заманағөй оқыу-тәрбия процессинде жүдә әхмийетли педагогикалық потенциал хәм билимлендириу қәдирияты болып табылады. Бул, бәринен бурын Орта әсирлер энциклопедияшыларының төмендеги қағыйдалары: оқыушы шахсының толық хәм хәр тәрәплеме рауажланыуы; оқыушылардың билим алыу искерлигин белсендилестириу, олардың логикалық пикирлеуин рауажландырыу; оқытыудың илимийлиги хәм көргизбеллиги; билимлерди терең аңлау, оларды өз бетинше ийелеу; оқыушының өз бетинше билим алыуында хәм өзи-өзин тәрбиялауында белсене қатнасыуы.

Шығыс ойшыларының педагогикалық идеяларын улыўма билим бериу мектебинде әмелге асырыудың тийкары тезислери: Шығыс ойшылларының шахстың хәр тәрәплеме сәйкес рауажланыуы, оның жеке, кәспий хәм социаллық-зәрүрли тәрәптен толық дәрәжеге жетиуи хаққындағы философиялық-педагогикалық концепциясына бағдарланыуы; оқыу-тәрбия процессиниң мақсетли, мазмунлы хәм процессуал бағдарында гуманизацияға қарап жүриу; педагогикалық искерликке дәрәттиушилик пенен қарау; оқыушыларда этикалық мәдениетти (педагогикалық этика), әдеп-икрамлылық, руўхый қызығыушылықты хәм мийнет талабын қәлиплестириу; билимди белсене ийелеу, интеллектуаллық рауажланыу (әсиресе педагогикалық пикирлеуди рауажландырыу); өспиримниң шахсын рауажландырыуға жеке қарау; оқыушы шахсын толық рауажландырыудың таза усылларын, жолларын хәм қуралларын излеу [10].

Билимлендириу сапасын көтериуге бағдар хызметин атқаратуғын әхмийетли принциплердің бири, бул оқыушылардың заманағөй мийнет тәрбиясы дәстүрлерине, атап айтқанда соңғы әсирлердің педагогикалық мийрасына мүрәжәт етиу екенлиги улыўма белгили. Дәстүрлерге, өтмиштеги халық салт-дәстүрлерине хәм олардың бүгинги күн менен байланысына айрықша дыққат аударыу жүдә әхмийетли. Дәстүрлилик дегенде (латыншадан tradition – өткеру, гүрриңлер) тарийхий әдет болған, әуладтан-әуладқа өтетугын дәстүрлерди, тәртиптерди, минез-құлық қағыйдаларын, аудармаларды түсиниу керек, басқа сөз бенен айтқанда дәстүр – бул бурыннан үйренген, әйемги заманнан сақланып қалған хәм қабыл етилген қәдириятлардың арқасында жасап киятырған тәртип. Дәстүрлилик – турақлы қубылыс, ол көп жәмийетлик хәрәкетлерге мәни береди, системаның турақлылығын сақлайды хәм бизиң көз қарасларға әдетлилик береди. Билимлендириу системасында мийрасылық механизми жәрдеминде өткерилетуғын мәдениеттың турақлы хәм мәнили компоненти бар.

Дәстүрлер – бул жәмийеттиң руўхый турмысының қубылысы, жәмийетлик хәм социаллық сананың жүдә әхмийетли элементи екенлиги улыўма тан алынған, оларда әуладлардың даналығы жыйналған. С.И.Ожеговтың түсиндирме сөзлигинде төмендегилерди оқысақ болады: «Дәстүр – бул бир әуладтан екинши әуладқа өткен, алдыңғы әуладлардан мийрас болып қалған нәрсе» [11, 807]. С. Я. Левитиң редакторлығы астындағы сөзликте, дәстүрлер – бул «әуладтан әуладқа өтетугын хәм белгили жәмийетлерде және социаллық топарларда узақ мүддет дауамында үзликсиз қайталанатуғын социаллық хәм мәдени мийрас» деп белгиленген. Дәстүрлер социаллық мәдени мийрастың объектлерин (материаллық хәм руўхый қәдириятлар); социаллық мәдени мийрастың процесслерин хәм усы мийрасқа қалдырыу усылларын өз ишине алады [12, 480].

М.А.Некрасованың пикиринше, дәстүрдің тийкары – бул «миллий мийрасқа болған дурыс қатнасық. Мийрас – өтмиштиң барлық өнери. Дәстүрге өтип кетпейтуғын қәдириятқа ийе барлық нәрсе өтеди. Бул халықтың тәжрийбеси, хәзирги заманда жаңаша өмир сүре алатуғын нәрсе» [13, с.36]. Дәстүр – бул әдеуир қыйын түсиник. Дәстүрлер өмирдің, турмыстың, ислеп шығарыудың, экономиканың, мәдениеттың, көркем

өнердин, барлық кубылыстарынан өтеди, хәм хәр бир саланың мазмунында хәм көринисинде өзиниң өзгешелигине ийе болады. Әуладтан әуладқа өтетуғын барлық дәстүрлердин ишинде ең әхмийетлиси педагогикалық дәстүрлер болып табылады, себеби инсанның, халықтың ең баслы ўазыйпасы, бул өмир тәжирийбесин, тәрбия хәм билим бериў тәжирийбесин өсип киятырған әуладқа өткериў. Соның ушында академик Г.Н.Волковтың халық педагогикасының алтын формуласы есапланатуғын төмендеги сөзлери айрықша әхмийетке ийе болмақта: «Ядсыз (тарийхый) – дәстүр жоқ, дәстүрсиз – мәденият жоқ, мәдениятсыз – тәрбия жоқ, тәрбиясыз – руўхыйлық жоқ, руўхыйлықсыз – шахс жоқ, шахссыз – халық (тарийхый шахс) жоқ» [14, 34]. Билимлендириўдин мазмуны бул кейинги әуладқа мәденият қәдириятларын үйретиў есапланады.

«...Психологиялық механизм арқалы адамлар өтмиштен қалған исенимлерди, билимлерди, белгилерди, сондай-ақ шаңарақта, қәуимде, өмирдин басқа жәмәатлик формаларында сақланып қалатуғын, мәниге ийе болатуғын, пайдаланатуғын хәм өткерилетуғын нормаларды, қәдириятларды, қағыйдаларды мийрас етип алады». Бизге өтмиштен жетип келген нәрселердин барлығы, бир бири менен байланыслы өсип баратырған тарийхый процессте бизге өтетуғын нәрселердин барлығы, өтмиштин мийрасын курайды [3, с. 63].

Миллий мәденият, халық дәстүрлери әхмийетли педагогикалық курал болып табылады, оннан педагогикалық искерликте пайдалансан тәлим-тәрбия процессин оғада мақсетли қылады. Билимлендириў, бир тәрәптен тәрбия, екинши тәрәптен тәлим өз тамырларын анық билиўине жәрдемлесийи керек. Өз мәдениатына болған хұрметти тәрбиялаўды балалықтан баслаў керек. Усыған байланыслы М.Неменскийдин «Сулыўлықтын даналығы» китабындағы «Баланы өз халқы мәдениатының терегине оның барлық сезимлери менен байлаў керек» деген сөзлери жүдә орынлы [15, с.35]. Туўылған үлкенің көркем өнери – бул бала дүнья көркем өнери жолларына шығып баратырған үй, соның ушын бала өз көркем өнерин анық сезинген болыўи керек. Адам өз көркем өнерин түсинбей турып, басқа халықтың мәдениатын сезийи, басқа миллеттеги адамның психологиясын түсинийи нәғман. Белгили болғанындай, хәр бир халықтың мәдениаты адамзаттың барлығына бир болған ызамлар бойынша раўажланады. Ал материаллық хәм руўхый мәденияттың миллий хәр қыйлылығы, көбинесе халық қәлиплескен хәм раўажланған анық шәртлер менен, оның этно-эстетикасы, мәдениатының, турмысының хәм хожалығының, дининиң хәм дүньяға көз-қарасының раўажланыў жағдайлары менен байланыслы. Хәр бир халық мәдениатында ҳеш қашан халықтың ядынан шықпайтуғын өз ишинде ата-бабалардың образларын хәм белгилерин жыйнаған, декоратив-әмелий дәретиўшиликтиң миллий өзине тән тили жәмленген. Мысалы, түркменлердин айтыўынша сәтсизликлер «көмирден яки темирден» - тек жаман темиршиде болыўи мүмкин. Мийнеттин сапасы ҳаққында ең басынан қайғырыў керек, болмаса бар мийнеттин барлығы пайдасыз болып қалады: «Егер биринши гербишти қыйсық койсан, онда тамынды жулдызларға шекем өрсенде – ол қыйсық болады». Мийнет жеңил болмайды, соның ушын халық: «Назлылықты үйренбе, қыйыншылықты үйрен» деп мәсләхәт береді. Халық мийнеттен қашқанды мақұлламайды, соның ушын өткир сөзлерде «Жумыссыз турғанларға, ол сениң ата-анаң болсада жумыс ислет» делинген. Мийнетсүйгиш адамға ўақытта, қолда жетиспейди: «Жумыс ислеў ушын он бармақ керек, және биреўи болғанда оннанда жақсы болар еди». Түркменлерде хәм таў тәжиклеринде тек ғана қол емес, ал хәр бир бармақ уйқасланған мийнет сыпатламасына ийе: бас бармақ – масақ алып келеди, суқ бармақ – сүт алып келеди, ортаншы бармақ – атады, шунатай – күлди жыйнайды [3].

Халық, мийнет көнликпелерине ийе болыў ушын ўақыт хәм ғайрат талап етилетуғынлық анық елеслеген, себеби «үйренбей турып ислеи алмайтуғын нәрселер бар, лекин үйрениў ушын ислениўи керек болған нәрселер де бар». Шеберлик, тынымсыз мийнеттин арқасынан келеди, соның ушын «шәкирттин биринши себеті, азық-аўқат сақлаў ушын пайдаланылмайды». Иси келиспегенде, адам объектив себеplerди излеўи керек емес.

Хәр бир халық өзине тән, миллий-руўхый жүзине ийе. «Басқаларға қызық болыў ушын, биринши гезекте өзлигинди жойтпаў керек» [16, с.21]. Адам тек өз мәдениатының билимлери менен байып ғана, басқа миллетлердин мәдениатын хұрмет ете алады. Дәстүрий өнерлер халық мәдениатының ажыралмас бөлеги екенлиги хәммеге белгили. Көпшилик өнерлердин арасында дәстүрий өнерлерди, яғный әйеменен сақланып қалып, дәстүрлердин арқасында жасап киятырған өнерлерди (еркеклерде де, ҳаял-қызларда да) ажыратып алыўға болады. Өнерлердин дәстүрий түрлерине ерлер хәм ҳаял-қызлардың турмысы хәм мийнети, оларды қоршап турған тәбият хәм хожалық шараятлар менен байланыслы халық сүўретлеў дәретиўшилиги, кестешилик, ағаш хәм зергерлик буйымларын ойыў, тоқымашылық, гезлеме тоқыў, тигиўшилик х.б. киреди. Оларда миллий өзгешелик, сүўретлеў уқыбы хәм халықтың гөззаллық және мийримлилик ҳаққындағы пикирлери сәўелеленеди, атқарыўшылық шеберлиги анықланады. Бизин изертлеўимиздин контекстинде дәстүрий қарақалпақ өнерлерин, тарийхый-мәдениет хәм педагогикалық көз-қарас пенен көрип шығыў лазым. Дәстүрлер хәм инновациялар өзиниң мазмуны бойынша айырып болмайтуғын бирликте өмир сүреди. Қарақалпақ билимлендириў системасын реформалаў, тәлимдеги инновациялардың хәм дәстүрлердин өз-ара қатнасы ҳаққындағы мәселелерди актив талқылаўға алып келди. Бир тәрәптен, педагогиканы раўажландырыўда инновациялар менен дәстүрлердин өз-ара байланысы зәрүр, лекин әмелиятта олардың уйғынлығы биринши яки екинши тәрәпке қарай бузылады. Инновациялар хәм дәстүрлер билимлендириў дүньясының еки тәрәпи сыпатында қаралыўи керек.

Сол себеpleri «2017-2021-жылларда Өзбекстан Республикасын раўажландырыўдың бес тийкаргы бағдарлары бойынша Хәрекетлер стратегиясы»нда хәм «Өзбекстан Республикасының халық билимлендириў системасын 2030-жылға шекем раўажландырыў Концепциясы»нда мектеplerди раўажландырыўға жүдә үлкен итибар қаратылған [1]. Әмелиятта көргенимиздей, хәр қайсы халықтың педагогикасындағы дәстүрлер барқулла

миллий билимлендириш системасын қурыш ушын тийкар болған, себеби дәстүрлер өмірден шыққан хәм өмір менен сыналған.

Инновациялық процесс болса инсан искерлиги компонентлерин өзгертишге бағдарланған. Бирақ бул жерде де идеялар дәстүрге бай өтмиштен алынады. Дөретишлик – бул жетискенликтин шынына шығыудын узак жолы. Хәр бир адым, оннан алдынғы адым басылғаны ушын басылыуы мүмкин.

Жуумақлап айтқанда, көпшилик бурынғы көз-қараслар хәм дәстүрлерди қайта ойлап көриш, хәзирги заманның билимлендириш системасын хәр тәреплеме раўажландырышға хәм жеделлестиришге алып келеди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Өзбекстан Республикасының халық билимлендириш системасын 2030-жылға шекем раўажландырыш Концепциясы (Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2019-жыл 29-апрелдеги ПП-5712-санлы пәрманына 1-қосымша).
2. Ўзбекистон Республикасы Президентиниң 2019-йыл 3 майдағы «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш туғрисида» ПҚ-4306-сонли Қарори.
3. Кузиев М.А. Педагогические условия организации трудового воспитания школьников на основе прогрессивных идей и положений научной и народной педагогики : На материале общеобразовательных школ Республики Таджикистан : дис. ... канд. пед. наук – М., 2002. – 174 с.
4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – 400 б.
5. Ибн Сина. Избранное: Пер. с араб. и тадж./перс. /Сост. и авт. предисл. А.Ирисов; Ред. Б.Пармузин. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 111 с.
6. Бируни (Беруни) Абу Райхан. Канон Мас'уда /Пер. и примеч. Б.Розенфельда и А.Ахмедова; Отв. ред. С.Х.Сираждинов и Г.П.Матвиевская //Избранные произведения. Т. V, ч. II, кн. VI-XI. – Ташкент: Фан, 1976. – 636 с.
7. Ибн Сина. Избранное: Пер. с араб. и тадж./перс. /Сост. и авт. предисл. А.Ирисов; Ред. Б.Пармузин. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 111 с.
8. Шермухамедов С. Очаги древней цивилизации – Тошкент: Зиё, 1999.-с.17.
9. Джуринский А.Н. История педагогики: Учеб. пособие для студентов пед.вузов. – М.: Гуман. изд. центр ВЛАДОС, 2000.
10. Джураев Р.Х. Изучение передового опыта как показатель творческой деятельности учителя // docs / 768/ index – 94461-1. html.)
11. Ожегов, С. И. Толковый словарь русского языка : 80 000 слов и фразеологических выражений / РАН ; Ин-т русского языка им. В. В. Виноградова ; С. И. Ожегов, Н. Ю. Шведова. - 4-е изд., доп. - М. : Азбуковник, 1999. - 944 с.
12. Культурология. XX век : словарь / Л. В. Скворцов и др. ; под ред. С. Я. Левита. - СПб.: Университетская книга, 1997. - 640
13. Некрасова М. А. Народное искусство как часть культуры : теория и практика / М. А. Некрасова. — М. : Изобразительное искусство, 1983. - 343 с.
14. Волков, Г. Н. Чувашская этнопедагогика / Г. Н. Волков. - Чебоксары : Чуваши, кн. изд-во, 2004. - 488 с.
15. Неменский, Б. М. Мудрость красоты : о проблемах эстетического воспитания : кн. для учителя / Б. М. Неменский. - М. : Просвещение, 1987. -255 с.
16. Шадриков, В. Современное содержание образования / В. Шадриков // Управление школой. - 2002. - No 6. - С. 2-5.
17. Руфат Лятиф ОГЛЫ ГУСЕЙН ЗАДЕ, Тариел Мамед ОГЛЫ МАМЕДОВ Педагогика – Баку, 2015. – 318 с.

Халқ педагогикаси: меҳнат тарбиясининг мазмунини ва ўзига хос хусусиятлари
Дошниязов Ж.К. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме: Мазкур мақолада халқ педагогикасидаги халқ анъаналари, урф-одатлари, қатталар ва болалар фольклори, халқ байрамлари, нақл-мақоллари, қўшиқлари, ҳазиллари, чебар сўзлари, ҳар хил мавзулардаги дастонлар ва афсоналар, оиладаги ва жамиятдаги меҳнат муносабатлари халқ педагогик доналигининг болаларни меҳнатга тарбиялашдаги долзарблиги таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: педагогика, халқ педагогикаси, миллийлик, урф-одатлар, анъаналар, болалар фольклори, таълим, меҳнатсеварлик, меҳнат тарбияси, нақл-мақоллар, мерос, санъат, маданият, дастонлар.

Народная педагогика: сущность и особенности трудового воспитания
Дошниязов Ж.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме: В данной статье анализируется отношение народной педагогической мудрости в народной педагогике к народным традициям, обычаям, фольклору взрослых и детей, народным праздникам, пословицам, песням, шуткам, поговоркам, былинам и легендам на различные темы, трудовым отношениям в семье и обществе сделано.

Ключевые слова: педагогика, народная педагогика, народность, обычаи, традиции, детский фольклор, воспитание, трудолюбие, трудовое воспитание, пословицы, наследие, искусство, культура, былины.

Folk Pedagogy: The essence and features of labor education

Doshniyazov J.K. Karakalpak State University

Summary: This article analyzes the attitude of folk pedagogical wisdom in folk pedagogy to folk traditions, customs, folklore of adults and children, folk holidays, proverbs, songs, jokes, sayings, epics and legends on various topics, labor relations in the family and society.

Key words: pedagogy, folk pedagogy, nationality, customs, traditions, children's folklore, education, diligence, labor education, proverbs, heritage, art, culture, epics.

ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Курбаниязова З.К.

Нукус давлат педагогика институти

Таълимнинг сифатини оширишда компетентли кадрлар асосий ўринни эгаллашни жаҳон таълим тизими ва ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳон тажрибасида ўзининг танлаган касбига ижтимоийлашиб кета оладиган, уни самарали ташкил эта оладиган ижтимоий-педагогик компетентликка эга

кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Шу жумладан, Республикамизда ҳам олий педагогик таълимга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, янги Ренессанс педагогикаси шароитида муқобил таълим шаклларида муваффақиятли фаолият юритишга қодир, комплекс педагогик компетентликка эга ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш масаласи билан қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилган [1;20.]. Узлуксиз таълим тизимида сифатли таълим хизматларининг имкониятларини оширишга қодир компетентли кадрларни тайёрлаш ва таълимнинг сифатини оширишда олий таълим муассасаларида ҳар бир модулни ўқитишнинг дидактик тизимини такомиллаштириб бориш талаб этилади. Шу мақсадда олий педагогика таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналиши талабалари учун ишлаб чиқилган “Умумий педагогика” фанининг “Ижтимоий педагогика” модулининг такомиллаштирилган ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди ва ўқув амалиётида синовдан ўтказилди [2;45.]. Бунда педагог-олим П.И.Пидкасистыйнинг ўқув фанини “қаватли” тузилиши ҳақидаги тахминига асосланиб, “Ижтимоий педагогика” модули таркибида ўқув материалларини тақдим этиш мантиғи билан ўзаро боғлиқ бўлган тўртта субмодул таклиф этилди.

Биринчи субмодулнинг мазмуни ижтимоий педагогиканинг пайдо бўлиши тарихи, турли тарихий даврларда ижтимоий-педагогик назарияларнинг ривожланиши ва ижтимоий педагогик фаолият тажрибаси бўйича масалаларини ўрганишга қаратилган.

Ижтимоий педагогика тарихи талабаларни касбий тайёрлашда катта тарбиявий вазифасини бажаради. Ўрганилаётган далиллар ва ҳодисалар бўлажак ўқитувчиларни илҳомлантиради, уларни ижтимоий-педагогик жихатдан қўллаб-қувватлайди. Ушбу субмодул бўйича талабаларга ўқув лойиҳаси мавзуларини таклиф қилиб, фан тарихидан назарий билимларни ўзлаштиришнинг тизимли-комплекс воситаси сифатида фойдаландик. Семинарларда қуйидаги мавзуларда тайёрланган ўқув лойиҳалар алоҳида қизиқиш ва қизғин мунозараларга сабаб бўлди: “Қадимги даврларда таълим, унинг моҳияти: Афина ва Спарта модели”, “Уйғониш даври педагогик таълимотидаги ижтимоий-инсонпарвар ғоялар”, “Жадид мутафаккирларининг ижтимоий-педагогик фаолияти”, “Маҳаллаларда ижтимоий педагогик фаолиятни ташкил этиш тарихи”, “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш”, “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий таълим амалиёти”. Ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида талабалар жуда катта ҳажмдаги илмий маълумотларни қайта ишлашди, тадқиқот муаммоси билан боғлиқ асосий материалларни танлаб олишди, янги билимларни мавжудлари билан ўзаро таққослашди.

Ижтимоий педагогика тарихини ўрганиш талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, тарихий-педагогик ўтмишни “жонлантириш” қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий жараёнларнинг жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузилмалари билан алоқаларини кашф этиш имконини берди. Тайёрланган ўқув лойиҳаларини ижобий баҳолаш талабаларда мустақил илмий-тадқиқот ишларига қизиқишини оширишга ёрдам берди.

Талабалар ижтимоий педагогика ривожланишининг асосий босқичлари, тенденциялари ва қонуниятлари тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлашлари, ижтимоий тараққиётнинг умумий шароитида ижтимоий-педагогик ҳодисалар ва асосларни таҳлил қилишлари учун биз “Ижтимоий педагогика тарихига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг ижтимоий-педагогик мероси” жадвалини тузиш ва тўлдириш вазифасини таклиф қилдик. Талабалар ўз хоҳишларига кўра ижтимоий педагогика тарихи ривожига муносиб ҳисса қўшган шахсларни мустақил танлашди ва уларнинг илмий қарашлари, ғоялари, назариялари ва амалий фаолиятларига тавсиф беришди. Ҳақиқатдан, илм-фан тарихи назарий билимларнинг шакли ва усулини ўзида акс эттиради, шу билан кучли методологик функцияни бажаради.

Модулнинг иккинчи қисмида ижтимоий педагогиканинг назарий асослари, асосий ғоялари ва тушунчалари ўз ифодасини топган. Иккинчи субмодул мавзуларини ўрганаётганда бизнинг вазифамиз талабаларни инсоннинг табиат, давлат билан табиий муносабатлари, ижтимоий-маданий ва таълим маконидаги шахсни шаклланиш жараёнлари, асосий қонунлар, педагогик фаолиятнинг қонуниятлари ва тамойиллари тўғрисида тизимли билимлар билан қуроллантиришдир. Ушбу субмодулни ўрганиш жараёнида ўқитувчининг касбий маҳоратини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, биз илмийлик, тизимлилик, назарий ва амалий машғулотлар бирлиги тамойилларидан фойдаланилди.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг илмийлик тамойили “Ижтимоий педагогика” модулининг мазмунида замонавий илм-фан ютуқлари, ижтимоий тарбиянинг янги концепциялари, талабаларни ижтимоий-педагогик тадқиқот методлари билан қуроллантиришнинг акс этиши сифатида тушунилади.

Масалан, “Ижтимоий педагогика педагогик фанлар тизимида” мавзусини ўрганишда талабаларни ижтимоий педагогика, объекти, фаннинг предмети, функциялари каби тушунчаларни аниқлашда турли хил ёндашувлар билан таништирдик, бу ерда ижтимоий педагогика фани мазмунига нисбатан замонавий олимларнинг фикрлари хилма-хиллигини намойиш этдик. Турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалардаги таърифларни таққослашни таклиф қилиб, биз талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантирдик, изланишли фаолиятини фаоллаштирдик, фикрлашни ривожлантириш ва ўқув материални танқидий таҳлил қилишга рағбат уйғотдик.

“Ижтимоий педагогика асослари” мавзусини ўрганиш тизимли ўқитиш тамойилини амалга ошириш учун ажойиб имконият яратди. Ижтимоий педагогика тамойилларининг моҳиятини тавсифлаш талабаларга уларнинг

умумпедагогик тамойиллар билан алоқаларини кўриш, умумий ва ижтимоий педагогикани ўзаро таққослаш, ижтимоий педагогиканинг педагогика фанлари тизимидаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Назорат топшириғи сифатида талабаларга ижодий иш – “Ижтимоий педагогика намоёндаларининг илғор ғояларини замонавий ижтимоий-педагогик иш назарияси ва амалиёти билан ўзаро таққослаш” мавзусида эссе ёзиш таклиф қилинди. Бунда талабалар иккита субмодулда ўрганилган материаллар асосида ижтимоий-педагогик ғояларнинг ривожланишини тарихий нуқтаи назардан “кузатиш” ва баҳолаш имконига эга бўлишди.

Ўқув жараёнида биз муаммоли маърузалардан фойдаландик. Муаммоли маърузалардан фойдаланган ҳолда мазкур иш шаклининг педагогик ОТМларда оммабоплиги ва фаол қўлланилишини инобатга олдик, аммо ижтимоий педагогика бўйича маърузалар мазмунининг ривожланиши фаннинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ баъзи бир янги жиҳатларга эгалигини ҳам эътироф этиб ўтиш зарур.

Ахборотли маърузанинг мазмунидан фаркли ўлароқ, муаммоли маърузага биз талабаларга номаълум бўлган янги билимларни таклиф қилдик. Ушбу дидактик усул фанда аллақачон маълум бўлган “кашфиёт” қилиш ва ўзимизга номаълум бўлган билимларнинг субъектив кашфиёти сифатида талабалар томонидан маълумотларнинг ўзлаштирилишини бошдан кечиришга имкон берди. Муаммоли маърузада талабаларнинг фикрлашлари муаммоли вазият яратиш орқали фаоллаштирилди. Бунинг учун материал ўқув муаммоси шаклида тақдим этилди. У ўз шароитида баъзи зиддиятларни қайд этадиган ва шу зиддиятни объективлаштирадиган савол билан тугайдиган билим вазифасининг мантикий шаклига эгадир. Ушбу қарама-қаршиликни ҳал қиладиган саволга жавоб номаълумлик касб этади. Муаммоли маърузада биз талабалардан “шахснинг ривожланиши”, “ижтимоийлашуви” ва “ижтимоий тарбия” тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги саволга жавоб беришни сўрадик. Маърузанинг муаммоли саволига жавоб излаш ижтимоий педагогиканинг асосий тушунчаларини янада мустақамроқ ўзлаштириш, талабаларнинг диққат ва тафаккурини фаоллаштириш, қарама-қаршиликларни излаш ва ечиш йўллари топишга мустақил ишни рағбатлантиришга имкон берди.

Маъруза-матбуот анжуманидан “Боланинг социумда ривожланиши” субмодули якунида фойдаланилган. Ушбу турдаги маърузалардан субмодулни умумлаштириш ва ўзлаштирилган материални ривожлантириш истикболларини аниқлаш учун фойдаланилди. Маъруза давомида ҳар бир талаба 3-5 минут ичида ўрганилган мавзу юзасидан энг қизиқарли саволларни тузиб чиқди, бу эса талабаларнинг билим даражаси, уларнинг машғулот мазмунига қабул қилиш даражаси, саволни тўғри туза олиш қобилиятини аниқлашга имкон берди.

Талабалар муаммоли масалаларни кўриб чиқиш учун таклиф этганликлари сабабли, биз уларнинг муаллифларини муҳокамага жалб қилиш имкониятига эга бўлдик. Бу савол ва уларга жавоб бериш, мулоқот шакллари хилма-хил қилиш, мураккаб коммуникатив вазиятларга ечим топиш, савол берган кишининг позициясини ҳисобга олган ҳолда исботлаш ва рад этиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берди. Мисол тариқасида, талабаларнинг қуйидаги саволларини келтириш мумкин: “Замонавий шароитда оила инқирозининг намоён бўлиши нимада?”, “Ота-оналар тарбияда қандай хатоларга йўл қўйишади ва бунини нима билан тушунтириш мумкин?”, “Ҳозирги кунда мактаб асосий ижтимоий функцияларни бажараётганининг сабаби нимада?”, “Бошланғич синфларда қайси ўқув предметлари ўқувчиларнинг ижтимоий шаклланишига кўпроқ ёрдам беради?”, “Қандай қилиб атроф-муҳитни педагогизациялаш мумкин?”, “Нима учун мактабларда ўқувчилар кенгаши топиш зарур?”, “Ўқитувчига ижтимоий-педагогик функцияларни бажаришга нима ҳалакат беради?” ва бошқалар.

Талабаларнинг баъзи саволлари муаммоли тавсифга эга бўлмади, фақатгина маъруза саволлари такрорланган. Бу эса, бизга “Ижтимоий педагогика” модули бўйича маъруза ва семинар машғулотлари тизимини қайта ишлаб чиқиш вазифасини шарт қилиб қўйди.

Тўртинчи субмодулда асосий эътибор амалий машғулотларга қаратилди.

Бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий тарбияни ташкил этишга тайёрлаш амалиётга йўналтирилган бўлиши керак. Машғулотларда ижтимоий тарбиянинг назарий қоидаларини амалда қўллаш устида иш олиб борилди, ижтимоий-педагогик вазиятлар таҳлили амалга оширилди, ижтимоий-педагогик топшириқлар таклиф этилди ва ҳал қилинди. Биз бадий ва оммабоп матнлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратдик, ижтимоий-педагогик диагностика бўйича дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантирдик. ИПКнинг касбий-фаолиятли компонентини ривожлантиришда етакчи омил нафақат вербал ўқитиш методлари, балки ролли, ижтимоий йўналтирилган ўйинлар, ижтимоий-педагогик тренинглар кабилардан фойдаланишни тақозо этди.

Бўлажак ўқитувчилар микромуҳитнинг болага салбий таъсирини камайтириш ва тузатишнинг самарали йўллари ва усулларини излашди ҳамда ижобий омиллардан ишончли компенсатор сифатида фойдаланишди.

Г.А.Воронина томонидан таклиф қилинган бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий тарбияни ташкил этишга тайёрлигининг объектив даражасини аниқлаш методикасига асосланиб, ижтимоий таълим-тарбия шакллари ва усулларини босқичма-босқич амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди (1-жадвал) [3;121.]. Ҳар бир босқичнинг кутилаётган натижалари бўлажак ўқитувчининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделининг таркибий тузилмаси билан мос келади, бу эса “Ижтимоий педагогика” модулини ўқитиш жараёнида мазкур алгоритмдан фойдаланишга тўлиқ имкон беради.

1-жадвал. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларни ижтимоий тарбиялашга тайёрлаш шакллари ва усулларини босқичма-босқич амалга ошириш

Компонентлари	Кутиладиган натижа	Шакл, метод ва воситалари
Мотивацион	Талабаларнинг ижтимоий тарбия	- реал ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш;

	вазифаларининг аҳамияти ва долзарблигини тушуниб етиши, янги ўқув вазифасини шахсан аҳамиятли, амалий жиҳатдан аниқ деб қабул қилиш.	- муаммоли масалалар; - мавзуни муаммоли таҳлил қилиш; - кўрсатмали вазиятлар; - танқидий ўз-ўзини баҳолаш вазияти.
Когнитив	Ижтимоий тарбияни амалга оширишга талабаларнинг назарий жиҳатдан тайёрлиги; Ўқув материални мазмунини бирламчи тизимли тақдим этиш, мавзу бўйича умумий йўналиш.	- бўлажак ўқитувчининг ижтимоий тарбияни амалга оширишга тайёрлиги стандартини тақдим этиш; - фараз ва ечим режаси таклифи билан ўқув вазифасининг мустақил ечимини асослаш; - талабаларнинг қизиқишлари, мотивлари, қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда ижтимоий-педагогик вазифаларни таклиф қилиш;
Касбий-фаолиятли	Ижтимоий тарбияни амалга оширишга технологик тайёрлик; талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга жалб этиш.	- материални фанлараро асосда умумлаштириш; - асосий билимлар ва ҳаракат усулларини умумлаштириш (мавзуга оид лўғатлар, конспектлар, ҳаракатлар алгоритмлари, фаолият стандарт намуналарини тузиб чиқиш); - мураккаблашган ўқув, индивидуал амалий вазифалар.
Касбий-шахсий	Бошланғич мактабда ижтимоий тарбияни амалга оширишга шахсий тайёргарлик. Болалар ва катталар (ота-оналар, муассаса ходимлари) билан ижтимоий-педагогик фаолиятнинг инсонпарвар йўналтирилганлиги, фаоллик, масъулиятлилик	- ўзгарувчан ролли, синфда ишлашнинг гуруҳ шакллари; - низоли вазиятларни ҳал қилиш (бола-бола, бола-ота-она, бола-ўқитувчи, ота-она-ўқитувчи); - таҳлил қилинадиган ижтимоий муаммолар тавсифлари, хулосалари, ечимлари лойиҳаларини тузиш.

Талабаларнинг ижтимоий тарбияни амалга оширишга тайёрлашнинг юқори ахлокий тарбиявий салоҳиятини таъкидлаш лозим. Машғулотда биз бўлажак ўқитувчиларнинг эътиборини ижтимоий тарбиянинг кадриятлари, устувор йўналишлари, инсонпарварлик, масъулиятлилик ва бағрикенглик каби шахсий фазилатларини ривожлантиришга эътибор қаратдик. Ўқитувчининг коммуникатив маҳорати ўқув материалнинг мазмунини ўзлаштириш бўйича ҳамкорлик даражасида педагогик ўзаро муносабатларни ташкил этиш шарти билан белгиланади. Ўз навбатида, бундай ўзаро муносабатни фақат ўзлаштирилаётган таълим мазмунини муаммоли тарзда лойиҳалаш ва мулоқот технологияларини полисубъектив диалогда мақсадли тарзда ўзлаштирилгандагина ташкил этиш мумкин. Амалий машғулотларда ижтимоий-педагогик компетентликнинг коммуникатив компонентини шакллантириш жараёнида ана шундай машқлар ишлаб чиқилиб, талабалар вазиятга мос равишда, позиция ва ролларни мослашувчан равишда бажаришлари, ҳам мулоқот объекти ҳамда субъекти позициясидан ҳаракат қилишлари талаб этилди. Амалий машғулотда талабалар вазиятдаги турли “болалар” билан (синфга янги келган бола, ўртоғи билан жанжаллашган бола, бола машғулотларга боришдан бош тортмоқда, бола дарсларни жуда кўп қолдиради) индивидуал мулоқотга (жуфтликда) киришишди. Машқдан сўнг мулоқот самарадорлиги таҳлил қилинди:

1. Сиз қуйидаги функцияларни бажара олдингизми: а) болани мулоқотга “жалб этиш”; б) мулоқот жараёнида боланинг “иштироки”; в) мулоқот жараёнида болани “қўллаш”?

2. Мулоқот даражаси қандай бўлди?

3. Вербал ва невербал мулоқотнинг қандай хусусиятлари ва воситаларидан фойдаландингиз?

4. Бола билан мулоқот қанчалик тез ва самарали ўрнатилди?

Бошқа бир машғулотда биз талабаларга мулоқот қоидаларига риоя қилган ҳолда машқларни бажаришни таклиф қилдик: ўзингизнинг ҳозирги ҳолатингизни баҳоланг; сиз мурожаат қилаётган одамнинг ҳолатини аниқланг; “Бола” ҳолатини бошқа одамда ҳис этинг, шерик ҳолатига психологик мослашиш усулларидан фойдаланинг; “Мен-хабар”, “Сиз-хабар” ва бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда, шеригингизни “Мен – катта кишиман” ҳолатига туширишга ҳаракат қилинг. Бўлажак ўқитувчининг ташкилий кўникмаларини ривожлантиришда имитацион ўйинларга катта эътибор қаратилди. Ўйин стереотип ва шаблонлардан халос бўлишга имкон берди, бу айниқса талабаларда замонавий шароитларда ижодий услубнинг таркибий қисми сифатида инновацияларга муносабатни ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳимдир. Имитацион ўйин когнитив, фаолиятга асосланган, коммуникатив тавсифдаги муаммоли вазиятлар занжири сифатида қурилганлиги сабабли, у ижодий фаолиятнинг психологик эквиваленти бўлиб хизмат қилди ва шу билан бирга, бундай фаолият тажрибасини ривожлантириш. Шунингдек, ўйин давомида биз жамоавий фикрлаш фаолияти малака ва кўникмаларини – самарали ҳамкорлик қилиш, баҳслашиш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, бошқаларни рад этиш ва баҳслашиш қобилиятларини ривожлантирдик. Имитацион педагогик ўйин сунъий равишда яратилган педагогик вазиятларда ҳақиқий жараён, унинг алоқалари ёки алоҳида элементларини такрорлайдиган ўқитувчи ва талаба фаолиятининг моделини ўзида акс этади. Биз “Ижтимоий педагогика” модулдан фойдаланадиган ишбилармонлик ўйинига “Болалар жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари” мавзусидаги ўйинни мисол қилиб келтириш мумкин. Ишбилармонлик ўйини – бу “Бошланғич таълим шароитида болалар ташкилоти фаолияти мазмунини лойиҳалаш”. Қўлланма саволлари (намуна варианты):

ташкilot аъзоларини бирлаштирадиган нарса; ташкilot ҳаётининг шиори, қоидалари, қонунлари; ташкilot ва бошқарув органлари аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; ташкilot тузилмаси, ўз-ўзини бошқариш тизими, ўзини ўзи бошқариш органлари; уюшма ким билан ҳамкорлик қилади; амалий фаолиятдаги, бўш вақтни ташкил қилиш ва ўтказишда асосий қадриятли йўналишлар, асосий устуворликлар; катталар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг табиати. Ўйинни қўллаш талабаларнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги компонентларини такомиллаштиришга ёрдам берди. Бу мустақиллик, ижодкорликнинг намоён бўлиши, муаммоларни ҳал қилишнинг ностандарт вариантларини излаш, танқидийлик каби фазилятларнинг намоён бўлишида акс этди. “Девиант хулқ профилактикаси ва коррекцияси” мавзусини ўрганаётганда талабаларни ушбу масала бўйича тегишли билимлар билан қуроллантириш, келгуси педагогик фаолиятга муносабат ҳамда турли ҳаётий вазиятларда билим ва тажрибадан фойдаланиш қобилиятини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Мисол тариқасида ушбу мавзу бўйича амалий машғулот ўтказиш методикасини кўриб чиқамиз. Семинар вазифалари сифатида мавзу бўйича янги билимларни ўзлаштириш, амалий вазифалар, педагогик вазиятлар ва муаммоларни ҳал қилиш белгилаб олинди. Олдиндан талабаларга асоциал хулқли болалар билан ишлашнинг ўзига хосликларини ўрганишда илғор тажрибага эга бўлган бошланғич синф ўқитувчиси билан учрашиш вазифаси берилди.

Мазмун жиҳатидан методикада кичик мактаб ёшидаги боланинг оиладаги асоциал хатти-ҳаракатлари, таълим фаолиятига муносабати ва боланинг тенгдошлар гуруҳи, шахслараро муносабатлар тизимидаги нуқтаи назарини тавсифловчи кўрсаткичлар акс эттирилган. Машғулот давомида ҳар бир талаба “ўз ўқитувчиси” ишининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди. Лойиҳалар тақдимида ўқитувчи оиладаги вазиятни яхшилаш бўйича кўрган чора-тадбирлари акс эттирилган, боланинг ўқув фаолиятига ижобий мотивларини шакллантириш бўйича ҳаракатлар тизими аниқланган, боланинг синф жамоаси билан бўлган муносабатларидаги зиддиятли вазиятларни бартараф этиш учун шароитлар яратилган, шунингдек, боланинг кучли томонларини намоён қилиш учун “муваффақиятли томонлари” аниқлаштирилди. Мазкур ўқув лойиҳаси натижасида бўлажак ўқитувчилар ўз эътиборларини болалардаги ижтимоий меъёрдан оғиш сабаблари ва ўқитувчининг вазифаси бундай болага индивидуал-шахсий ёндашувни амалга ошириш эканлигига қаратишди. Талабалар болалардаги ғайритабиий хатти-ҳаракатларининг сабабларини аниқладилар. Амалий машғулотда талабалардан педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун гуруҳларга бўлиниш таклиф этилди: бир нечта талабалар томонидан тузилган асоциал хулқ-атворли болаларнинг хусусиятларига асосланиб, ишчи гуруҳлар болаларнинг хатти-ҳаракатларидаги оғиш сабабларини, характер хусусиятларини ва педагогик коррекция йўналишларини аниқладилар. Талабаларни асоциал хулқ-атворли болалар билан ишлашга тайёрлаш бўлажак ўқитувчилар келгуси фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўрганиш ва прогноз қилишни ўз ичига олади. Шу мақсадда талабаларга индивидуал топшириқлар берилди, масалан: ўқитувчилар учун “Асоциал хулқ-атворли бола билан ишлаш тамойиллари” бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш, “Асоциал оиладаги ота-оналар билан учрашувни қандай ўтказиш керак?” мавзусида қўлланма тузиш, “Асоциал хулқ-атворли боланинг ота-онаси билан нима ҳақида гаплашиш керак?” мавзусидаги суҳбат режасини тузиш ва бошқалар.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисми “Ижтимоий педагогика” модулида ўрганилаётган муаммолар бўйича мустақил ишларни ташкил этишдан иборат этиб белгиланди. Биз мустақил ишлашнинг турли шакллари қўллаш ва назорат қилишга алоҳида эътибор қаратдик. Талабаларнинг мустақил иши учун ўқилган материалнинг матнли ва эркин конспектлари, тезислари, режа-конспектлари ва режалари, мантикий графлар тузиш, мавзу бўйича асосий атамаларнинг луғатини тузиш, фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхатини тузиш каби вазифалар, болаларнинг ижтимоий ривожланиш даражасини диагностика қилиш учун воситаларни тўплаш, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари бўйича ҳужжатлар тўпламини йиғиш ва бошқа вазифалар бизга ўқув модулини самарали яқунлаш, аниқроғи уни янги, янада такомиллашган даражада такрорлаш учун асос яратишга имкон берди. Қўйида “Ижтимоий педагогика” модулининг мазмунини лойиҳалаштириш тизимини ишлаб чиқдик (2-жадвал).

2-жадвал. Бўлажак ўқитувчининг касбий фаолият соҳалари, ижтимоий-педагогик компетентлик компонентлари ва “Ижтимоий педагогика” модули мазмуни ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

Ўқитувчининг касбий фаолият соҳалари	Ижтимоий-педагогик компетенция компонентларининг кўрсаткичлари гуруҳи	“Ижтимоий педагогика” модулининг такомиллаштирилган мазмуни
Тарбиявий	- ўқувчиларни ижтимоий тарбиясини ташкил қилиш; ижтимоий тарбия усуллари ва воситаларини танлаш; ижтимоий тарбия жараёнини режалаштириш ва прогнозлаш.	- ижтимоий-педагогик фаолиятнинг гуманистик йўналиши; боланинг ижтимоий ривожланиши; ўқувчиларнинг ижтимоийлашуви; болаларнинг психофизиологик хусусиятлари; тарбиянинг педагогик қонуниятлари ва тамойиллари; болаларни тарбиялаш, ижтимоийлашув ва ижтимоий ривожланиш жараёнларини таққослаш.
Ташкилий-коммуникатив	- синфда ва ундан ташқарида болалар билан самарали муносабатларни ўрнатиш қобилияти; катталар ва болаларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш; ота-оналар билан ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар.	- мулоқот ва педагогик мулоқот; педагогик мулоқот кўникмаларини ривожлантириш бўйича тренинг; мулоқот усуллари ишлаб чиқиш бўйича вазифалар: “Мен-баён”, “бошқача ибора”, “ҳиссиётларни акс эттириш”, “хулосалаш”, “тушунтириш”, “эмпатик тинглаш”; талабаларнинг ота-оналари билан ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш; оила билан ишлашнинг ноанъанавий шакллари (когнитив, интеллектуал, ташкилий-фаолиятли ўйинлар, викторина

		ўйинлар); таълим жараёнининг барча субъектларининг ижтимоий-педагогик ўзаро муносабатлари методикаси образовательного процесса.
Коррекцион	- амалий фаолиятни назарий билимлар билан таққослаш қобилияти; талабаларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ташхислаш; ўқувчиларга ёрдам кўрсатишда мутахассисларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этиш қобилияти	- ўқувчиларнинг асоциал хатти-ҳаракатлари; болалардаги меъёрдан огишнинг олдини олиш ва тузатиш; бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш; хатар гуруҳи ва асоциал оилалар билан ишлашни режалаштириш; мазкур оилалар билан контактли муносабатни ўрнатиш методикаси.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, таълим сифатини оширишда ва бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда кредит-модул тизимидаги ўқув фанларини ўқитишни лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир модулнинг мазмунини лойиҳалаштириш, модул мазмуни билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижтимоий-педагогик фаолият соҳаларининг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратиш орқали фанларни ўқитишнинг дидактик имкониятларини такомиллаштириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
2. Бошланғич таълим бакалавриат йўналишининг малака талаблари. – Тошкент, 2020. – 42 б.
3. Василькова Ю.В., Василькова Т.А. Социальная педагогика. – М.: Академия, 2003. – 439 с.
4. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процес: методика изучения уровня профессиональной компетентности учителя (модифицированный вариант методики Г.А. Ворониной). 2019. https://bstudy.net/975599/pedagogika/metodika_izucheniya_urovnya_professionalnoy_kompetentnosti_uchitelya_modifitsirova_nnyu_variant_metodiki_v

Ўқув модулларининг дидактик таъминотини такомиллаштириш таълим сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири сифатида

Курбаниязова З.К. Нукус давлат педагогика институтини

Резюме. Ушбу мақолада таълимнинг сифатини оширишда ва бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга ижтимоийлаштиришда ўқув модулларининг дидактик имкониятларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Ўқитувчининг касбий фаолият соҳалари ҳамда ижтимоий-педагогик компетенция компонентларининг кўрсаткичлари гуруҳи шакллантирилган. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларни ижтимоий тарбиялашга тайёрлаш шакллари ва усулларини босқичма-босқич амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: таълимнинг сифати, ўқув модули, субмодул, дидактик тизим, умумий педагогика, ижтимоий педагогика, ижтимоий-педагогик компетентлик, ўқитувчининг касбий фаолият соҳалари.

Совершенствование дидактической обеспеченности учебных модулей как одно из важных условий повышения качества образования

Курбаниязова З.К. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В данной статье представлены отзывы о повышении качества образования и совершенствовании дидактических возможностей учебных модулей в социализации будущих учителей в педагогической деятельности. Сформирована группа показателей компонентов социально-педагогической компетенции, а также отрасли профессиональной деятельности учителей. Указаны пути поэтапной реализации форм и методов подготовки будущих учителей к социальному воспитанию учащихся.

Ключевые слова: качество образования, учебный модуль, субмодуль, дидактическая система, общая педагогика, социальная педагогика, социально-педагогическая компетентность, отрасли профессиональной деятельности учителей.

Improving the didactic support of educational modules as one of the important conditions for improving the quality of education

Kurbaniyazova Z.K. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. This article presents reviews on improving the quality of education and improving the didactic capabilities of training modules in the socialization of future teachers in pedagogical activities. A group of indicators of the components of the teacher's professional activity and socio-pedagogical competence has been formed. The forms and methods of preparing future teachers for the social education of students are shown step by step.

Key words: quality of education, educational module, submodule, didactic system, general pedagogy, social pedagogy, socio-pedagogical competence, areas of teacher's professional activity.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ДИДАКТИКАНИНГ ЎЗARO НИСБАТИ МАСАЛАЛАРИ

Хожаниязова И.Ж.

Қорақалпоқ давлат университети

Бугунги кунда таълимни самарали ташкил этиш борасида ўқувчиларнинг янгича педагогик технологиялар асосида таълим олиши ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Бундай шаклдаги таълим эса ўқувчининг кизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиши, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган муайян дарс машғулотларини ўзлаштира олмаслик ҳолатларини бартараф этишда муҳим ҳисобланади. Мазкур туркумга доир шаклларнинг у ё бу турларидан ёки барчасини тўлиқ фойдаланиш келгусида бошланғич синф ўқувчиларининг муайян ўқув предметлари ҳақидаги дастлабки билим ва амалий кўникмаларини шакллантиришга тааллуқли бўлган ўзига хос хусусиятларни белгилаб беради ҳамда бу ҳолат бошланғич синф ўқувчиларини бевосита муайян соҳа ва мутахассисликка кичкиналигидан бошлаб йўналтириш имкониятини беради.

Шу нуқтаи назардан, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсларни ўзлаштириши жараёнига таъсир кўрсатадиган бошланғич таълимга хос бўлган асосий белгилар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: ўқувчи шахсининг индивидуаллиги; ўқувчининг оилавий, ижтимоий ва коммуникатив хусусиятлари; ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги мулоқотни ўрнатишнинг энг оддий усулларини қўллаш ҳамда кейинчалик ушбу усулларни анъанага айлантириш.

Ушбу ўринда, педагогика фанининг муҳим тармоғи саналган дидактиканинг долзарб аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, бугунги кун таълим амалиётида педагогика фанидан дарс беришга ихтисослашган олий таълим муассасаларида мазкур фан билан биргаликда бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлашга доир бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига дидактикани ўқитиш доирасини кенгайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Одатда, педагогика фанига оид илмий адабиётларда мазкур фаннинг алоҳида муҳим тармоғи сифатида дидактика тўғрисида олимлар томонидан турлича қарашлар ҳамда назариялар илгари сурилади. Ўз моҳияти ва келиб чиқишига кўра “дидактика” сўзи грекча сўз бўлиб, *didaktikos* – “ўргатувчи”, *didasko* эса “ўрганувчи” деган маъноларни англатади. Шунга кўра кўпгина педагог олимлар дидактикани ўқитиш ва ўқиш тўғрисидаги фан, яъни “ўқитиш-ўқиш” қонуниятлари, боғланишлари ва ҳодисаларига оид асосли хулоса ва фаразлар” тизими деб тушунадилар [1, 386].

“Дидактика” сўзини биринчи бўлиб илмий терминлар сирасига киритган олим Ратихий Ратке бўлиб (1571-1635), у биринчи марта бу терминни “Дидактикадан қисқа ҳисобот ёхуд Ратихийнинг ўқитиш санъати” деб номланган маърузасида қўллади. Чех педагоги Ян Амос Коменский ҳам (1595-1670) бу сўзни худди шу маънода қўллади. У дидактикани буюк деб атади ва унга “ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санъати” деб қараш билан бир қаторда, дидактиканинг ичида тарбия масалаларини ҳам киритади. Тарбияни у ҳар томонлама маънавий баркамолликка олиб боровчи ахлоқни эгаллаш шарти деб таърифлайди [2, 80]. Чех ўқитувчиси Ян Амос Коменский (1592-1670) дидактиканинг асосчиси ҳисобланади, чунки у биринчи марта “Буюк дидактика” китобида дидактиканинг фундаментал илмий ривожланишини амалга оширган. Замонавий маънода дидактика (таълим назарияси) таълим ва тарбия муаммоларини ўрганадиган илмий билимларнинг бир тармоғидир [3, 10].

Фикримизча, дидактиканинг бошланғич синф ўқувчиларига дарсларни ўқитишдаги аҳамияти шундан иборатки, ўқитувчи томонидан амалда ўқувчиларга дарс бериш жараёнида ўзи қўлланилаётган педагогик технологиялар самарадорлигини оширишнинг янгича имкониятилари яратилади. Бошқача айтганда, дидактика ўқитувчи учун таълимда қўллаётган педагогик ва инновацион ўқитиш технологияларини натижа бериши учун ҳам ҳар томонлама муҳим ва зарур аҳамиятга эгадир.

Мазкур масалаларда ҳам юқоридаги каби республикаимиз ва хорижий олимлар томонидан бир-бирига мазмунан баҳсли бўлган, бири-бирига номувофиқ ёки бири-бирини тўлдирувчи қарашлар ёхуд фикрларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Хусусан, педагогика фанлари доктори, профессор Р.Мусурмоновнинг фикрича, “...Бугунги кунда мавжуд бўлган педагогик-психологик назариялар дидактиканинг асосий негизи сифатида ўқувчилар ҳаракатларини қандай ташкил этиш керак, деган саволга жавоб излаши лозим. Чунки ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари муайян ўқув муаммоларини ечишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун фаолият усуллари ва методлари йиғиндисидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир” [4., 102]. Ушбу фикрга қўшимча қилар экан, педагог олим Ш.Неъматов “...Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг уй ҳамда мустақил ишларини текширишнинг самарали методларини излаш, уларни назарий эмперик жиҳатдан асослаш дидактиканинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда” [5., 113], деган қарашни илгари суради.

Мазкур нуқтаи назарни бошқа олим, яъни илмий педагогика, жумладан, бошланғич мактаб дидактикасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган К.Д.Ушинский (1824-1870) ҳам қўллаб-қувватлаб, “...Муайян материални қайта кўриб чиқиш, уни бойитиш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча иш олиб борилиши биланок, билимларни ўзлаштиришда кейинги тараққиёт учун зарур бўлган ақлий ҳаракат болалар учун қийинчилик туғдирмайди”, деган фикрни билдиради. Яъни К.Д.Ушинский фикрига кўра, бу позицияни катта психологик қонуният ҳамда ушбу қонуниятни англаш ва ундан фойдалана билиш дидактиканинг асосини ташкил этади, чунки ўқувчиларнинг фактик материални ўзлаштиришлари асосида турли ақлий фаолият амалга оширилади [6., 7].

Ушбу фикрлар таҳлилидан шундай хулоса келиб чиқадики, мазмунан дидактиканинг бошланғич синф ўқувчиларининг дарсларни ўзлаштириш самарадорлигига таъсири қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

бошланғич таълимда дарсларни ўзлаштириш изчиллиги, яъни назарий билим орқали ўқувчида муайян мавзуга доир тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш, натижада эса уларнинг билими, тафаккури ва амалий кўникмаларини вужудга келтириш бевосита дидактик имкониятлар орқали таъминланади ва оддийликдан мураккаблик сари тамойилига амал қилинади; бошланғич синф ўқувчиларининг дарс машғулотларига қизиқишларини оширишнинг самарали, илмий-педагогик жиҳатдан асосланган, дидактика қонуниятларига амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилган усул ва ўқитиш воситалари қўлланилишига эришилади; ўқитувчи фаолиятидаги бевосита ўз дарсини ўқитиш жараёнига ижобий муносабати, жумладан ўқитувчининг ўз устида кўпроқ ишлашга иштиёқи, интилиши, ўқитиш жараёнига эмас, балки муайян ютуқ ва муваффақиятларга эришишига хизмат қиладиган таълим натижасига эришиш учун астойдил ҳаракат қилиши айнан дидактик имкониятлари орқали шаклланади ва у такомиллашиб боради; ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, хусусан таянч билим олиши, амалий кўникмага ҳамда юқори салоҳиятга эга бўлиши таъминланади ва яхлит ҳолда моддий ҳамда маънавий жиҳатдан самарали тарзда рағбатлантирилишига эришилади; бошланғич синф ўқувчиларининг иқтидори, зеҳни ва қобилиятларини аниқлаб олишга кенг имкониятлар яратилиши таъминланади; бола шахсининг индивидуал тарзда шаклланиши ва ривожланиши юз беради; бошланғич таълимнинг сифати таъминланиши орқали ўқувчига назарий билимларни бериш даражасидан амалий кўникмаларни эгаллашгача бўлган натижаларни қўлга киритишга эришилади.

Юқорида билдирилган фикрлар ва педагог олимлар қарашлари таҳлилларидан келиб чиқиб, бевосита бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштиришнинг педагогик асосларини уларнинг турли хил тармоқ ҳамда йўналишлар билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда дидактик таълим технологияларини қуйидагича ифодалаш тавсия этилади: бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштиришнинг назарий жиҳатдан бойитилган ўқитиш технологиялари; бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштиришнинг амалий жиҳатдан бойитилган ўқитиш технологиялари.

Мазкур тарзда ифодаланиши бугунги кундаги замонавий педагогик ва инновацион технологияларнинг доимий равишда такомиллашиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда ўқитувчи томонидан бошланғич таълимдаги ўқитишни ташкил этиши ва уни амалга оширишида ўқувчилар онги ва билимини атрофлича баҳолаши, ҳар бир ўқувчига нисбатан ўзи томонидан “педагогик ташхис”ни қўйиши муҳим ҳисобланади. Бу борада эса, бевосита бошланғич синф ўқувчиларининг билимини ташхис этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади: бошланғич синф ўқувчисининг мактабгача таълим ёши давомида олган билимлари кўрсаткичи; бошланғич синф ўқувчисининг шахсий хусусиятлари, ҳуқ-атвори ва ижтимоий ҳолати кўрсаткичлари; бошланғич синф ўқувчисининг психик жиҳатлари, бошқа тенгдошларидан ажралиб турувчи алоҳида иқтидори ва қобилиятлари кўрсаткичи ва ҳ.к.

Ушбу жараёнларда эса албатта ўқитувчи-ўқувчи ўзаро ҳамкорлигининг ҳар қандай усуллари ва воситаларини қўллаш лозим бўлади. Бу борада, педагог олим З.К.Курбаниязованинг “ҳамкорлик – педагогикаси – бу “гуманизм ва ижодкорликка асосланган ўрганиш ва изланиш усуллари ва методлар тизими” бўлиб, ушбу таълим технологиясидан узлуксиз таълимнинг барча турларида, шу жумладан, олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашга ҳам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир” деган фикрлари ҳар томонлама асосли эканлигини эътироф этишимиз мумкин [7., 15].

Дарҳақиқат, бугунги кундаги замонавий педагогика фанида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги таълимга оид мулоқот шакллари ва турлари кўпайиб бораётган бир шароитда ўқитувчи-ўқувчи ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш борасида қатор долзарб масалаларнинг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ушбу ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, таълим босқичларининг муҳим бўғини сифатида бошланғич таълимни сифатли ташкил этиш, бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштиришнинг энг илғор усуллари ва воситаларини қўллашга эришиш педагогика фани олдида ҳам қатор вазифаларни қўймоқда.

Чунки, замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари ҳамда воситаларини қўллашда ҳозирги кунда анъанавий дарс ўтиш услублари ахборот коммуникация технологиялари имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги туфайли ноанъанавий дарс ўтиш услублари билан алмашиши кузатилмоқда. Ушбу тенденция юқорида таъкидлаб ўтилган бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштиришнинг илмий-педагогик асослари такомиллашувига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқдаки, буни бугунги кундаги бошланғич таълимга оид илмий ва илмий педагогик тадқиқот жараёнлари қўламининг кенгайиб бораётганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бинобарин, бошланғич синф ўқувчиларида дарсларни ўзлаштириш жараёнларида педагогиканинг энг илғор ўқитиш технологияларини қўллаш самарадорлигини баҳолашнинг бугунги кун мезонларини ишлаб чиқиш ва ушбу мезонлар асосида бошланғич таълимни ташкил этиш юзасидан қатор педагог олимлар яхлит умумий фикрларни билдирар экан, умумий ҳулоса сифатида албатта ушбу тадқиқотларга педагогика фанида муҳим тармоқ сифатида дидактиканинг ҳам ўзвий хусусиятлари мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтади.

Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсларни ўзлаштириши самарадорлигини доимий равишда таъминлашга эришиш ўқитувчининг доимий фаолият мақсади бўлибгина қолмасдан, унинг кундалик иш услубининг бир бўлаги ҳисобланишига олиб келиши мумкин. Зеро, педагогика фани, қолаверса, дидактика оид давлат томонидан белгилаб берилган таълим ҳамда малака талаблари ҳар қандай ҳолатда бажарилишига эришиш муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Куписевич Ч. Основы общей дидактики / пер. с польского О.В. Долженко. – М.: Высшая школа, 1986. С. 386.

2. Коменский Я.А. Буюк дидактика. –Тошкент: Ўқитувчи, 1961. –Б. 80-161.
3. Дмитриев А.Е., Дмитриев Ю.А. Дидактика начальной школы. – М.: Юрайт 2016. – С. 10-11.
4. Мусурмонов Р. Кичик мактаб ёшидаги болаларда дарс жараёнига нисбатан салбий муносабатни олдини олиш омиллари. // “Бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР ПФИТИ, 2014. – Б. 102.
5. Нейматов Ш. Бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаш фаолиятларини фаоллаштириш усуллари. // “Бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР ПФИТИ, 2014. – Б. 113.
6. Дидактика К. Д. Ушинского / М. А. Данилов. Москва : Издательство Академии педагогических наук РСФСР, 1998 – с 7.
7. Курбаниязова З.К. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ёшларни жаҳон миқёсида стратегик шерикликка ўргатишнинг муҳим омиллари сифати. // “Бошланғич таълимни модернизациялари жараёнилари: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари тўплами (2019 йил 25-26 апрель). 1-секция. –Нукус: НДПИ босмахонаси, 2019 й. – Б. 15.

Бошланғич таълим ва дидактиканинг ўзаро нисбати масалалари
Хожаниязова И.Ж. Қарақалпоқ давлат университети

Резюме: Ушбу мақолада бошланғич таълим ва дидактика тўғрисидаги олимларнинг фикрлари атрофича тадқиқ қилинган. Шунингдек, мақолада бошланғич таълимда дидактиканинг аҳамияти кенг мазмунда очиқ берилган.

Калиг сўзлар: таълим, бошланғич таълим, дидактика, дидактик таълим, педагогик технологиялар, педагогик ташхис.

Баслаўиш тәлим хәм дидактиканың өз-ара салыстырмалылығы мәселелери
Хожаниязова И.Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Бул мақалада басланғыш тәлим хәм дидактика ҳақындағы илимпазлардың пикирлери ҳәр тәрәпләмә үйренилген. Соның менен бирге, мақалада басланғыш тәлимде дидактиканың әҳмийети кең мазмунда ашып берилген.

Таяныш сөзлер: тәлим, басланғыш тәлим, дидактика, дидактикалық тәлим, педагогикалық технологиялар, педагогикалық диагностика.

Проблемы соотношения начального образования и дидактики
Ходжаниязова И.Ж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье подробно рассматриваются взгляды ученых на начальное образование и дидактику. Также в статье объясняется значение дидактики в начальном образовании в широком смысле.

Ключевые слова: образование, начальное образование, дидактика, дидактическое образование, педагогические технологии, педагогическая диагностика.

Problems of the correlation of primary education and didactics
Rhodzhaniyazova I. Zh. Karakalpak State University

Summary: The article examines in detail the views of scientists on primary education and didactics. The article also explains the importance of didactics in primary education in a broad sense.

Key words: education, primary education, didactics, didactic education, pedagogical technologies, pedagogical diagnostics.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Темирбеков Б. О.

Қарақалпоқ давлат университети

Ҳар қайси миллатнинг ва ҳар бир инсоннинг маънавиятини шакллантиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Инсонга хос бўлган энг самимий ва беғубор туйғулар, ҳаёт тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, атроф-муҳитга муносабат, энг аввало, оилада шаклланади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакда комил инсон сифатида шаклланиши учун муҳим бўлган дунёқарабини, характери, белгилаб берадиган маънавий мезонлар – олижаноблик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эзгулик, ор-номус, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат каби юксак тушунчаларнинг барчаси оилада туғилади. Оилавий тарбия бола ҳаётида муҳим ўрин тутди. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси сингари кенгдир. “Оила болаларни Ватанга муҳаббат, ота-она ва атрофдагиларга садоқат, меҳнат ва халқ бойликларига онгли муносабат, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни шакллантиришда, турмушга, ижтимоий фаолиятга нисбатан психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашда катта имкониятларга эгадир”.¹⁵

Тарихий манба ҳисобланган “Авесто”да оила муқаддас саналгани боис, бошқа айрим сабабларга қўра, масалан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилиги, ота-она билан муроса-мадора қила олмаслик каби баҳоналар билан никоҳнинг бекор қилинишига йўл қуйилмаган.¹⁶

Қуръони Каримда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хавф-хатарлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тadbиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир.

¹⁵ М.Тўрабоева, М.Дехқонова. Оила – баркамол авлодни шакллантиришда илк таълим-тарбия маскани / “Аёл – маънавият гулшани” VIII Республика илмий-амалий анжумани. Жиззах, 2016 йил. 13-14 май. 321-323-б.

¹⁶ Авесто - тарихий-адабий ёдгорлик. - Т.: “Шарк” НМАК, 2001, 3-20-б.

Оила тарбияси жамиятдаги тарбия жараёнининг энг муҳим, энг нозик нукталаридан экани Амир Темур даврига оид тарихий манбалар мазмун-моҳиятида янада яққолроқ қўзга ташланади. Амир Темурнинг ўз оиласига, фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўстларига муносабатидан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. У, айниқса, насл-насаб тозалиги, авлодлар давомийлиги, фарзандларни аҳли солиҳ этиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.¹⁷

Ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоаларида оилавий жараёнда жинсий алоқаларнинг меъёрлари, унга қатъий амал қилиш, жинсий муносабатларда ўзгаришнинг сабаблари, уларни йўлга қўйиш тadbирлари ҳақида қимматли кўрсатмалар берилган. Унинг фикрича, эр-хотин уларни ёдда тутиши ва унга амал қилиши оилавий муносабатлар барқарорлигига ижобий таъсир этади. Шунингдек, Ибн Сино “Китоб уш-шифо” асарида оила инқироzi ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. Буларга: агарда эр ва хотинликдан фарзанд дунёга келмаган бўлса; агарда хотин эрига хиёнат қилиб, унинг эътиборини пасайтирса; хотин киши тарбиясиз бўлсаю, тарбия олишни истамаса; эр ва хотин бир-бирларига ёқмайдиган табиатли бўлса.

Кўриш муминки, Ибн Сино асарларида оила-никоҳ ва оилавий турмушда эр-хотин муносабатларини ибратли мисоллар асосида ёритган ҳамда аёллар мавқеи оиладаги муносабатларда муҳим ўрин тутишини асослаб берган.

Дарҳақиқат, қачонки жамиядаги оилалар ўз тинчлиги, мустаҳкамлигига эга бўлар экан, шунда давлат ҳам тараққий топади. Ҳозирги даврда инсоният маънавиятидаги ўзгаришлар оилага тегишли айрим глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Баъзи мамлакатларда асрлар давомида шаклланган бурч, оилавий садоқат, эътикод каби ахлоқий-маънавий асосланган, оилавий маъданият ва анъаналарга беписанлик, никоҳга ҳурматсизлик нисбатан кучайди, болалар ва кекса ота-оналарни болалар ҳамда қариялар уйига жойлаштириш ҳолатлари кенгайди. Оила шаънини улуғлаш, авлодлар анъаналарини қадрлаш каби миллий фазилатлар ўз қадрини ёқотиб бораётгани ачинарлидир. Оилага муносабат борасидаги бундай маънавий таназзул қўплаб мамлакатларни қамраб олди. Бу эса ёш авлодда баъзи зарарли одатлар: чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандлик, жиноятчилик, ажримлар каби иллатларнинг кўпайишига олиб келди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган **“Ўз уйингни ўзинг асра!”** деган даъватга бугун **“Ўз болангни ўзинг асра!”** деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман”¹⁸, деб алоҳида эътироф этгани бежиз эмас. Чунки фарзанд тарбияси мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг илдизи оила, маҳалла, жамиятга бориб тақалади. Тарбия ота-онанинг нафакат шахсий иши, балки ижтимоий бурчидир. Таълим-тарбия жараёни орқали келажак ворисининг мамлакат учун фидойи бўлиши, садоқатли фуқаро бўлиши, юрт тинчлигини кўзлаши, мустақилликни сақлаб қолиши каби эзгу ниятлар ётади. Жамият тараққиётига фарзандлар қамоли орқалигина эришилади. “Хар бир мамлакатда оила ва никоҳ институти дин, урф-одат, маданият, ахлоқ, анъана таъсирида шакллланган”¹⁹.

Жамиятда содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий ва маданий ўзгаришларнинг халқ миллий руҳиятининг негизи бўлмиш оилавий муносабатларда акс этишини тадқиқ этиш муҳим масаладир.

Оилавий муносабатлар тизими жуда мураккаб ва анча теран мазмунга эга бўлиб, ўз ичига эр-хотин ўртасидаги, ота-она ва фарзандлар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ва шу каби қатор муносабатлар тизимини олади.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда, авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларимиз тафаккурини, онгини ўзгартиришга эътибор қаратилмоқда. Қизларимиз онгида оналик, ўғилларимизда эса, ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тadbирлар қўлами кенгаймоқда. Зеро, оила фаровонлиги миллат фаровонлигининг асосидир.

Оилавий тарбиянинг асосий намунавий шакли - бу эр-хотиннинг ўзаро иззат-ҳурмати, ширинсўзлиги, бир-бирига ёрдам бериши ва ҳамжи-ҳатлигидир. Бу болалар тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фарзанд айтилган насиҳатни эсидан чиқариши мумкин, лекин кўрганини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Тарбиянинг бу жиҳатига эътибор бериш лозим. Кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, оила тарбияси мазкур оиланинг мустаҳкамлигини сақлашда, ундаги муносабатларни аниқ мақсадларга қаратиш ва йуналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Оила қуришдан мақсад болалар тарбияси билан боғланган бўлса, эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа ҳамда оила учун зарурий нарсаларни, уйнинг шинам ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлсагина, оилавий муносабатлар янада мустаҳкамланади.²⁰

¹⁷ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё ҳаётида тутган ўрни ва роли. - Тошкент: Фан, 1993; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 2-жилд, - Тошкент: Мехнат, 1992; Темур тузуқлари. - Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

¹⁸ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 июнь.

¹⁹ Пешперова И.Ю. Брак и семья: традиционные и коллизонные аспекты в международном семейном праве. / “Россия в глобальном мире”, 2014, № 4 (27). - С. 464-466.

²⁰ Васильева Н. Семья как философская проблема: Сб. Сила первого взгляда. - М., 1998.

Бахтли оила масалалари билан шуғулланган етакчи социолог ва психолог олимлар унинг 11 та энг муҳим шарт-шароитлари мавжудлигини аниқлаганлар. Булар: эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши; алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги; моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик; фарзандлар; никоҳ мустаҳкамлигига ишонч; оилада бўш вақтни қизиқарли ўтказиш; ўзига ёққан иш билан таъминланганлик; маълумотнинг мослиги; иш жойининг қулайлиги; яхши дўстларнинг мавжудлиги; эр-хотиннинг эркинлиги.²¹

Уларнинг тадқиқот таҳлилларига кўра, қайси бир оилада ана шундай имкониятлар мавжуд бўлса, у оилани бахтли оила дейиш мумкин, унинг аъзолари эса бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётганликларидан дарак беради.

Оила барқарорлиги - оила аъзоларининг ўзаро ҳурматга, севги-муҳаббатга, жавобгарлик - бурч ҳиссига ва эр-хотиннинг психологик ва жинсий ўзаро мослигига асосланган жуда мураккаб, кўп қиррали ва даражали муносабатлари натижасидан иборатдир.

Кўпчилик психологларнинг фикрича, оилавий бахт бўлиши учун низоли оилаларда етарлича психологик шарт-шароитлар мажмуаси мавжуд эмас (оилада ижобий барқарор психологик муҳитни таъминлайдиган эр-хотин муносабатларига хос сифат ва фазилатлар етарли шаклланмаганлигидан далолат беради). Уларнинг фикрича, оилада етарли психологик шарт-шароитлар комплексини қуйидагилар ташкил этади: нормал (дўстона) зиддиятсиз муносабат; ишонч ва эмпатия; бир-бирини тушуниш; нормал (интим) жинсий ҳаёт; уй-жойнинг бўлиши.

Афсуски, бугунги кунда миллий анъана ва қадриятларимизни менсимаслик, миллий ва диний қарашлари ўзгача бўлган чет халқлар ҳаётидан кўр-кўрона андоза олиш, “оммавий маданият” таъсирига берилиш ҳолатлари юртимизда асрлар давомида шаклланган оилавий муносабатларга путур етказмоқда. Буни айрим ёшларнинг оила, никоҳ масаласига юзаки ёндашаётгани, фарзанд тарбиясига бепарволиги, ота-оналик бурчи ва масъулиятини чуқур англамаслигида кўриш мумкин.

Оила кўрғонининг мустаҳкам бўлиши учун халқимизга хос сабр-қаноат, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларга амал қилиб яшаш лозим. Миллий, диний қадриятларни, инсоний фазилатларни улуғлаш, азалий анъаналарга содиқлик бахт ва саодат маскани бўлган оилани мустаҳкамлайди. Айниқса, ёш кизларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, касб-хунарга ўргатиш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган, ўзига хос мазмунга эга тадбирларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий муносабатлар учун ўзига ишонч, раҳмдиллик, бегаразлик, фидокорлик, ишонувчанлик, итоаткорлик, мурасакорлик, мустақиллик қадриятлари, шахс сифатлари зарур омил эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, баркамол авлодни тарбиялашда, аввало, оила муҳитини, оила маънавиятини юксалтириш, аёлларга ҳурмат ва эътиборни янада кучайтириш бугунги кун талабларидан биридир. Чунки келажагимиз бўлган ёш маънавий баркамол авлод мана шу оилавий муҳитда, шу оиладаги тарбия туфайли вояга етади. Оилада масалан: бир-бирини кўролмаслик, фиску фасод, игво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб булмайдиган оғир асоратлар қолдиради. Умуман айтганда, оилавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини ҳар бир ота-она тўғри англаб тушуниб олмоқлари зарурдир. Демакки, соғлом оила муҳитида тарбияланган ҳар қандай фарзанддан баркамол авлод етишиб чиқиши шубҳасиздир.

Модомики, ҳар қандай жамият тарихан таркиб топган оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий йиғиндисидан иборат экан, бир тарихий босқичдан иккинчисига ўтишда оила тарбиясида содир бўладиган ўзгаришларни ўрганишнинг амалий аҳамияти ғоят каттадир. Зеро, оила ёшларимизда миллий истиқлол ғоялари негизида вужудга келадиган янгича дунёқараш ва янгича тафаккур таркиб топадиган муқаддас макон, жамиятнинг бош бўгинидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Авесто - тарихий-адабий ёдгорлик. - Т.: “Шарк” НМАК, 2001, 3-20-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанмиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 июнь.
3. Васильева Н. Семья как философская проблема: Сб. Сила первого взгляда. - М., 1998.
4. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё ҳаётида тутган ўрни ва роли. - Тошкент: Фан, 1993; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 2-жилд, - Тошкент: Мехнат, 1992; Темур тузуқлари. - Тошкент: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
5. Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. 22-б.

Оилани мустаҳкамлашнинг ижтимоий-психологик омиллари
Темирбеков Б. О. Қорақалпоқ давлат университетини

Аннотация: Маколада оилани мустаҳкамлашнинг ижтимоий-психологик омиллари кўриб чиқилган. Оила барқарорлигида шахслараро муносабатларнинг кўринишлари ва оила тарбиясининг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: оила, оила муҳити, оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлиги, соғлом оила, оила тарбияси.

Социально-психологические факторы укрепления семьи
Темирбеков Б. О. Каракалпакский государственный университет

²¹ Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. 22-б.

Аннотация: В статье рассматриваются социально-психологические факторы укрепления семьи. Обсуждаются проявления межличностных отношений в стабильности семьи и важные особенности семейного воспитания.

Ключевые слова и понятия: семья, семейная среда, семейные отношения, семейная стабильность, здоровая семья, семейное воспитание.

*Socio-psychological factors for strengthening the family
Temirbekov B. O. Karakalpak State University*

Annotation: The article discusses the socio-psychological factors of strengthening the family. The manifestations of interpersonal relationships and important features of family upbringing are considered in family stability.

Key words and concepts: family, family environment, family relationships, family stability, healthy family, family upbringing.

УМУМҲИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИККА БЎЛГАН ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

Айтмуратов Б. Т.

*Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
ҳудудий маркази*

Бугунги глобаллашув даврида замонавий психология ва педагогика узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган барча фанларга янада кенг қамровда кириб бормоқда. Бу умумтаълим мактабларида ўқитиладиган миллий хунармандчилик соҳасига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, ўқувчининг таълим жараёнида ижодий фикрлаши, ўрганган нарсаларини амалиётга татбиқ қилишига кенг йўл очмоқда.

Умумтаълим мактабларига илк бор қадам қўйган ва миллий хунармандчилик сирларини ўрганишни бошлаган ўқувчи нақш элементларининг шакли, унинг композицион тузилиши хусусиятларини, Шарқнинг буюк хунарманд ва усталарининг ижодларини кузатиб, ўрганиб олади. Миллий хунармандчиликни ўрганиш умумтаълим мактаблари ўқувчиларида бадиий-эстетик дидни, меҳнатсеварликни ривожлантиришга ва амалий қўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга ёрдам беради [5. 27-30].

Ўқувчилар бу соҳани мукаммал эгаллашлари учун, энг аввало, миллий хунармандчилик жараёни билан яқиндан танишишлари мақсадга мувофиқ.

Умумтаълим мактабларида миллий хунармандчилик ўқитишнинг ҳолатини ўрганиш билан бирга уни амалиётда қўллаш методлари тажриба-синов ишлари жараёнида амалга оширилади. Ташкилий ва методик тайёргарлик ишларини бажариш мақсадида тажриба-синов ишларининг самарасини кафолатлайдиган ўқув-режа ишлаб чиқилади. Бунда тажриба-синов ишларини сифатли амалга оширишга имкон берадиган тажриба-синов майдонлари, бу жараёнда иштирок этувчи синов ва назорат синфлари белгиланади ҳамда тажриба-синовга тақдим этиладиган дидактик мажмуа (дарс ишланмалари, ўқитувчилар учун методик кўрсатмалар, анкеталар ва ҳ.к.) ишлаб чиқилади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари нафақат фан асосларини, балки ахборот технологияларини ҳам эгаллаган бўлишлари, ўзларининг педагогик маҳоратларини узлуксиз доимий ошириб боришлари талаб этилади. Ана шу мақсадда:

миллий хунармандчиликнинг тадрижий, тарихий тараққиёт босқичлари; ўқитувчиларнинг миллий хунармандчиликдан назарий ва амалий машғулотларни ўтишда ахборот-технологияларининг таълим тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч эканлиги; замонавий педагогик технологияларнинг тарихий тараққиёт босқичлари; хорижий мамлакатларда таълим тизимида қўлланилиб келинаётган интерфаол методлар; замонавий педагогик технологияларнинг амалий санъат машғулотларида қўлланиш имкониятлари; миллий хунармандчилик машғулотларида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, уни амалиётда қўллаш шакл, метод ва йўллари; ўқувчиларнинг назарий билими, амалий қўникма, малака ва компетенциялари ҳамда ижодий иш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари.

Маълумки, таълим-тарбия самарадорлигига эришиш йўлида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиш мотивларига бефарқ қараши асло мумкин эмас. Чунки билим эгаллашга бўлган муносабат ўқувчининг танлаган касбига бўлган қизиқиши билан уйғунлашиб кетади. Шунга қўра, ўқувчининг миллий хунармандчиликка бўлган қизиқиш мотивларига асосий эътибор қаратилади. [1. 592]

Тажриба-синов жараёнида ўқувчиларнинг нақш композицияларини тузиш учун дастлабки билими, қўникма, малака ва компетенцияларини билиш мақсадида ўтказган суҳбатлар ва анкета саволларидан олган жавобларидан маълум бўлдики, деярли 75 % ўқувчида келажакда миллий хунармандчиликни эгаллаш хоҳиш-истаклари мавжудлиги маълум бўлди.

Психологик жиҳатдан ўқувчиларда миллий хунармандчилик санъатини ўрганишга бўлган қизиқишни шакллантиришда мустақил билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятга киришиш, нақш композицияларини тузишда мантикий фикрлаш, қўйилган муаммо ечимини топишга ўргатиш қабилар муҳим ҳисобланади. Бунда ўқувчиларда мустақил таълим эгаллаш йўлида ўз олдига янги талаблар қўя бошлайди. Бу жараён ўз-ўзини тарбиялаш заминида амалга ошади. Ана шунда таълим ижтимоий бурч даражасига кўтарила боради. Чунки таълим ўқувчини меҳнатга, касбий фаолиятга тайёрловчи омил вазифасини бажаради.

Тадқиқий кузатувлар асосида ўқувчиларнинг дастлабки бир ой давомидаги каштачилик санъатига бўлган қизиқиш мотивларини алоҳида ўрганиб чиқилди. Бу жараён икки йўналишда ўз ифодасини топди. Биринчиси – “янги жамоа”ни аста-секинлик билан ўзаро танишувидан иборат бўлиб, “жамоа” орасида фаолларнинг кўзга ташланиши, айниқса, амалий санъат сирларидан тўла ёки бир оз хабардор бўлган ёш йигит ва қизлар оз бўлса-да, ўзларининг мазкур соҳа борасида амалий тажрибалари билан ажралиб турганлар, иккинчиси кимнингдир маслаҳатига кўра, ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқий кузатувлар ижтимоий долзарб масалани талаблар даражасида эмаслигини кўрсатди. Бундай ёндашув асосида салбий омилларнинг шаклланиши ўқувчида дастлабки нотўғри тушунчаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги ўқувчиларнинг илмий ва ижодий дунё қараши анча кенг бўлиб, буни уларнинг келажақда ким бўлиши ва касб танлаш мотивларидан ҳам билса бўлади. Айниқса, жамиятга фойда келтириш, танлаган касби бўйича уни давом эттириш, ўрганган касбини ўқувчиларга ўргатиш, жамиятда шаклланиб келаётган ўқувчиларнинг амалий санъатга бўлган қизиқишини ўз вақтида аниқлаб, унга тегишли ёрдам ва шарт-шароитлар яратиб бериш, ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Миллий ҳунармандчилик турларини мукаммал эгаллаган шахснинг шарафли, масъулиятли ва жамият ривожига тутган ўрнини англаб етган шахс келажақда адашмайди. Чунки у жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий, тарбиявий ривожига ўсиб келаётган авлод қўлида эканлигини касб бурчи нуқтаи назардан таҳлил эта олади [2]. Айниқса, ҳаётимни миллий ҳунармандчиликка бағишлаш орзусидан деган ўқувчилар миллий санъатни ривожлантиришдек эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшиш истагида эканликларини билдиришди.

Тадқиқий ва таҳлилий кузатувларнинг кўрсатишича, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларида қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши биринчи даражали аҳамият касб этади:

ўқувчиларнинг касб танлашида методик кўрсатма ва маслаҳатлар беришни кучайтириш; фан ўқитувчиларнинг амалий санъатдан ўқув-методик ишларини режалаштириш; таълим-тарбиявий жараёнинг илғор усуллари ва методларидан, ўқитишнинг ташкилий шакллари ва воситаларидан оқилона фойдаланиш асосида ўқувчиларга каштачилик санъатидан таълим беришнинг замонавий усуллари ва методларини ишлаб чиқиш; таълим-тарбия жараёнининг мантикий уйғунлигини таркиб топтириш, амалий санъат дарслари дастурий материалларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, унинг кетма-кетлиги, изчиллиги, узлуксизлиги ва узвийлигини бўлажак каштачи усталарнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш нуқтаи назаридан таъминлаш; бўлажак миллий ҳунармандчилик усталарининг мустақил билим олиш фаолиятига амалий-методик раҳбарлик қилишни режалаштириш, такомиллаштириш, ташкил этиш ва назорат қилишнинг оқилона шакллари ва методларини ишлаб чиқиш; таълим жараёнини зарур жиҳозлар, жумладан, техник ва кўргазмалар воситалар, шунингдек, нақш композицияларини ишлашда компьютер дастурларидан фойдаланишни йўлга қўйиш; умумтаълим мактабларининг миллий ҳунармандчилик машғулотларида ўқувчиларнинг онги ва тафаккурини ривожлантириш, назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, фуқаролик бурчи ва мажбуриятини англаб етишни ўргатиб боришда таълим-тарбиянинг турли метод ва воситаларидан кенг фойдаланишни назарда тутати [3.47-49].

Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, пухта режалаштирилган бўлиши лозим. Унинг таълим-тарбиявий аҳамияти, дарс босқичлари, кўргазмалар материаллардан фойдаланиш, ғоявий, мафкуравий мазмунига мос келиши, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, кўргазмалар воситалар билан жиҳозланиши, ўзига мос усул, метод ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаол муносабатда бўлиши ҳисобга олинishi зарур.

Ўқувчиларни каштачилик санъатига ўргатишда таълимнинг замонавий методларидан фойдаланишга муҳим аҳамият берилган. Ўқувчиларда ўтилаётган мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, мавзуга оид тарқатма материалларни яққа ва гуруҳ ҳолида ўзлаштириб олишлари учун суҳбат-мунозара ташкил этиш, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрлаш кабиларнинг бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнлар технологияси ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Технология таълими жараёнида ахборот-технологияларини қўллашнинг ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш, бўлажак технология таълими ўқитувчисини тайёрлашда умумқасбий фанларни ахборот-технологиялари асосида ўқитишнинг дидактик имкониятлари, замонавий ўқитиш технологиялари ва воситалари асосида умумқасбий тайёргарлик фанларини ўқитишнинг концептуал асослари, умумқасбий фанларни ўқитишда бўлажак технология таълими ўқитувчисини қасбий тайёрлаш мазмуни ва унинг мантикий-тузилмавий схемасини изохлаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.


Ўқувчиларни ўқитишда ахборот-технологияларидан фойдаланишда қасбий тайёрлашнинг асосий йўналишлари аниқланди ва модели ишлаб чиқилди. Ўқувчиларни педагогик фаолият жараёнида ахборот-технологияларидан фойдаланишга тайёрлаш ҳолати ўрганилиб, уларнинг технология таълим жараёнида ўқитишнинг ахборот-технологияларини қўллаш кўникмалари ташхис қилинди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили асосида ва ўқувчининг қасбий фаолиятида ахборот-технологияларидан фойдаланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот давомида қуйидаги мезонлар ажратиб кўрсатилди: мотивация ва қасбий фаолиятда ахборот-технологияларидан фойдаланиш бўйича

билимларнинг эгалланганлик даражаси; ўқувчи ўқув фаолиятида ахборот-технологияларидан фойдаланишда ижодкорлик кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси.

Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ахборот-технология-ларидан фойдаланишнинг педагогик тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Технология таълими ўқитувчисини ахборот-технологиялари асосида тайёрлаш педагогик тузилмасининг мақсад компоненти (жамиятнинг рақобатбардош технология таълими ўқитувчисини тайёрлашга ижтимоий буюртмасига кўра, Ўзбекистон Республикаси олий касбий таълимнинг ДТСлари асосида технология таълими ўқитувчисини ахборот-технологиялари асосида тайёрлаш ва натижасини аниқлаш, ташкилий компонентлари (вазифалар, таълим усуллари, таълим методлари, таълим шакллари ва таълим тамойилларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), мазмуний компонентлари (“Халқ хунармандчилиги” фани бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида инновацион, компетенциявий, интегратив, шахсий-фаолиятли ёндашувларни қўллаб, амалий машғулотларни ташкил этиш орқали бўлажак технология таълими ўқитувчиларида фаолияти вариативлиги, субъективлиги, ижодий индивидуаллиги, шахсий имкониятларини ривожлантириш), натижа компоненти (бўлажак технология таълими ўқитувчиларини ахборот-технологиялари асосида тайёрлаш натижаларини аниқлаш)дан иборат.



1-расм. Ахборот-технологиялари асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик компетентлигини тайёрлашнинг педагогик модули.

Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини ахборот-технологиялари асосида тайёрлаш турли даражадаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилди. Вазифаларни бажаришда фаолиятнинг хусусиятига қараб, ахборот-технологиялари асосида касбий, педагогик кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг тўрт (интуитив, репродуктив, репродуктив-ижодий, ижодий) даражаси белгиланди.

Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини ахборот-технологиялари асосида тайёрлашнинг педагогик тузилмаси илмийлик, узвийлик, кетма-кетлик, изчиллик, кўргазмалилик, фаоллик, фанлараро алоқадорлик назария ва амалиёт бирлиги каби тамойилларига асосланган, шунингдек, таълим натижасини аниқлаш учун баҳолаш мезонлари аниқланиб олинди. Эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик,

интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик ташхис қилиш методлари (дарсни специфик таҳлил қилиш, ижодий топшириқ, амалий ишлар) такомиллаштирилди. Ўқувчиларда касбий билим, амалий кўникма ва малакаларни ахборот-технологиялари асосида шакллантириш жараёни вазиятни яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни бўлажак технология таълими ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни ўқувчининг фаолият объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. Ахборот-технологиялари асосида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ўқувчи фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Ўқувчиларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ахборот-технологиялари асосида шакллантириш педагогик таъминотнинг зарурий шарти педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади. Ўқитувчи халқ хунармандчилиги ўқув фанини ахборот-технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрганиш асосига методик тизим билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш дастурига эга бўлиши керак.

Умумтаълим мактаблари технология таълими йўналишлари битирувчилари Малака талаблари ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини ташхислашнинг таҳлилий, лойиҳалаш ва педагогик прогностик компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида бўлажак технология таълими ўқитувчиларини ахборот-технологиялари асосида тайёрлашнинг концептуал асоси мазмуни такомиллаштирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 592 б.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008.
3. Урацов М. Б. Каштадўзлик ва тўқимачилик хунаrlарига оид атамалар. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1996. 6-сон. –Б. 47-49.
4. Абдуразақов А. А. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида ўзбек хотин-қизларнинг чеварчилик касб-хунаrlари. Обществeнные науки Узбекистане. – 1998. – № 1. -С. 27-30.
5. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари. XX-XIX асрлар. -Т., 2001, -304 б.
6. Рассудова Р. Я. Узбекский художественный шов. - Т., 1966.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка бўлган психологик-педагогик имкониятлари
Айтмуратов Б. Т. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази

Резюме. Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка бўлган психологик-педагогик имкониятлари дидактик принциплар, талаблар ва мезонлар асосида баён қилинган.

Калит сўзлар: глобал, узлуксиз таълим, хунармандчилик, жараён, метод, хусусият, таълим, тарбия, самарадорлик, кўникма, малака, комбинация, суҳбат, муаммо, даража, санъат, маслаҳат, жамият.

Текст научной работы на тему «Психолого-педагогические возможности учащихся общеобразовательных школ для народных промыслов»

Айтмуратов Б. Т. Региональный центр переподготовки и повышения квалификации кадров народного образования Республики Каракалпакстан

Резюме. В данной статье говорится о психолого-педагогическом потенциале учащихся общеобразовательных школ в национальном ремесленничестве через призму дидактических принципов, требований и критериев

Ключевые слова: глобальный, непрерывное образование, ремесленничество, процесс, метод, качество, образование, воспитание, результативность, навык, квалификация, комбинация, беседа, проблема, степень, искусство, совет, общество.

Psychological and pedagogical possibilities of students of general education schools for folk crafts
Aitmuratov B. T. Regional Center for Retraining and Advanced Training of Personnel of Public Education of the Republic of Karakalpakstan

Summary. This article researches about the psychological and pedagogical potential of secondary schools learners in search of handicraft through the prism of didactic principles, requirements and measures.

Key words: global, lifelong education, handicraft, process, method, quality, education, upbringing, performance, qualification, qualification, combination, conversation, problem, degree, art, advice, society.

УДК 37.01

АГРАР КОМПЛЕКСДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

Султанов Е. Қ.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим унинг парадигмасини қайта кўриб чиқиш ва инновацион ривожланишга эътибор қаратиш билан боғлиқ туб тизимли ва таркибий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Педагоглар таълимини модернизациялаш жараёнлари алоҳида долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчиларнинг касбий таълимининг мавжуд тизимини инновациялар билан таъминлаш, унинг энг яхши анъаналари ва ютуқларини сақлаб қолиш вазифаси қўйилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида асосий бўлган жуда кўп турли хил ёндашувлар мавжуд. Оддий ва узок вақтдан бери таниш - шахсга йўналтирилган, фаоллик, тизимли,

анъанавий, маданий, аксиологик ёндашувлар ва нисбатан яқинда илмий муомаларга кирган янгилари - компетенцияга асосланган, контекстуал, вазиятчи, ахборот, полипарадигматик, эргономик ва бошқалар.

Тадқиқотнинг асосий қисми. Таълим соҳасида "компетентлик" ва "компетентли" тушунчалари биринчи марта 60-йилларда пайдо бўлган. 20-аср Америкада ушбу тушунчаларнинг шаклланиши даврида кўплаб тадқиқотчилар уларни аниқладилар. 1959 йилда америкалик социолог Р. Уайт биринчилардан бўлиб "компетентлик" атамасини киритиб, уни шахснинг атроф-муҳит билан самарали ўзаро таъсири сифатида ифодалади [2]. Шундай қилиб, Р. Уайт уни амалга ошириш учун юқори мотивацияга асосланиб, ишда сезиларли натижалар учун зарур бўлган индивидуаллик хусусиятларини тасвирлаб берди. Бироз вақт ўтгач, 1965 йилда Н. Хомский тил назариясига "компетентлик" тушунчасини қўлади ва "она тилида маълум, асосан лингвистик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган қобилият" [22]. Н.Хомский ўз асарларида "компетентлик" тушунчасини шахснинг сўзлаш ва тинглаш малакаси ва тажрибаси билан боғлайди.

1984 йилда инглиз олими Д.Равен ўз асарларида "замонавий жамиятдаги компетенция" тушунчасига таъриф берди, бунда у "компетентлик" атамасини аввалгиларига қараганда кенгроқ изоҳлашни таклиф қилди. Муаллиф "компетентлик"ни "кўп сонли таркибий қисмлардан иборат бўлган, уларнинг кўплари бир-бирдан нисбатан мустақил бўлган, баъзи компонентлар когнитив соҳага, бошқалари эса ҳиссий соҳага тегишли бўлган ҳодиса" деб ҳисоблайди ва бир-бирларини самарали хулқ-атворнинг таркибий қисмлари сифатида" бу компонентлар ўрнини босиши мумкин [1]. Д.Равен "компетентлик"ни ижтимоий аҳамиятга эга соҳадаги ҳаётий муваффақият деб таърифлайди. Бу ерда муаллиф 37 турдаги компетенцияларни тақдим этган ҳолда ушбу таърифнинг таснифини ўрганади. У ўз фаолиятини "мотивацияланган қобилиятлар" билан таққослайди. Шундай қилиб, "компетентлик" атамаси "тайёрлик", "масъулият", "ишонч", "қатъиятчилик" каби янги таркибий таърифлар билан тўлдирилади. Бу атаманинг ижтимоий аҳамияти муаллиф томонидан аниқланган, бу компетенция турлари орасида намоён бўлади [1]. Бу даврдаги хорижий тадқиқотчиларнинг ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик олимлар "компетентлик" ва "компетентли" атамаларини ҳар қандай фаолият соҳаси, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаш, билиш ва тушуниш, билимлардан тўғри фойдаланиш қобилияти билан боғлайдилар ва билим ва кўникмаларни эгалайдилар. Шахснинг билим, кўникма, хулқ-атвор хусусиятлари, унинг кадрият йўналишлари, мотивлари эса бу атамалар таркибининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади.

"Компетентлик", "компетентли" атамалари 80-йиллардаги таълимда пайдо бўлган. 1989 йилда ижтимоий педагогикада Л.А. Петровская, унда муаллиф "коммуникатив компетенция" тушунчасини батафсил кўриб чиқади. Китобда муаллиф бошқа одамлар билан керакли алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятига урғу беради. Компетенция таркиби коммуникатив жараённинг самарали оқимини таъминлаши керак бўлган коммуникатив билим ва кўникмалар тўпламини ўз ичига олади.

Н.В. Кузминанинг "Ўқитувчи шахсининг касбийлиги ва ишлаб чиқариш таълими устаси", унда муаллиф ўқитувчининг касбий компетенциясини кўриб чиқади ва уни "ўқитувчининг ўзи эгаллаган мутахассислигини айлантириш қобилияти" деб таърифлайди ва талаба шахсини шакллантириш воситасига айланади. Шундай қилиб, бу даврда маҳаллий педагогика биринчи марта бу тушунчани шахснинг мулки деб ҳисоблайди.

Таълим натижасида "компетентлик", "компетентли" тушунчаларининг мустаҳкамланиши 90-йилларнинг охирида ЮНЕСКО ҳужжатларида содир бўлган. Бу давр А.К. Маркова (1993, 1996) асарларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади ва бу ерда меҳнат психологиясининг умумий контекстида касбий компетенция алоҳида ҳар томонлама кўриб чиқиш мавзусига айланади. Шу вақт ичида Л.И. Митина Л.А. Петровскаяни ўрганишни давом эттирди, бу ерда ўқитувчининг ваколатининг ижтимоий-психологик ва коммуникатив жиҳатлари таъкидланган.

"Педагогик компетенция" таркибида Л.И.Митина билимлар, қобилиятлар, кўникмалар, шунингдек, фаолият, мулоқот ва шахсий ривожланишда уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини ўз ичига олади. Ушбу даврдаги маҳаллий тадқиқотчиларнинг ишларини таҳлил қилиш компетенциянинг мураккаб интегратив хусусиятини кўрсатади. Бу ерда "компетентлик" тушунчаси турлича талқин қилинади: бир томондан, профессионализм синоними сифатида, иккинчи томондан, унинг таркибий қисми сифатида. Бу даврда касб-ҳунар таълими контекстида коммуникатив ва ижтимоий-психологик компетенциянинг назарий жиҳатларини фаол англаш мавжуд [14].

1996 йилда Ж. Делор 21-аср учун таълим бўйича халқаро комиссия ҳисоботида, "Таълим: яширин хазина" таълимнинг асосига тўртта устунни кўрсатди: "Билишни ўрганиш, ишлашни ўрганиш, бирга яшашни ўрганиш, яшашни ўрганиш" [5]. Шундай қилиб, Ж.Делор, аслида, асосий глобал компетенцияларни белгилаб берди. Ушбу босқичда компетенциялар доираси белгилаб қўйилган, улар аллақачон ҳамма томонидан таълимнинг исталган натижаси сифатида кўриб чиқилиши керак. Шу билан бирга, Европа Кенгаши дастури бўйича Бернда бўлиб ўтган симпозиумда таълим соҳасидаги ислохотларда талабалар муваффақиятли ишлашлари учун ҳам, кейинги олий таълим олишлари учун ҳам эгаллашлари керак бўлган асосий компетенцияларни аниқлаш зарурлиги масаласи кўтарилди.

2010 йилгача бўлган даврда таълимни модернизация қилиш концепциясида ўқувчиларнинг асосий компетенцияларини шакллантириш умумтаълим муассасасининг мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, А.В. Хуторской "компетентлик" ва "компетентли" атамаларини "умумий" ва "индивидуал" деб ҳисоблаган ҳолда ажратишни таклиф қилди [24].

Ушбу шартларни кўрсатиб, А.В. Хуторской куйидаги таърифларни таклиф қилди: "Компетенция - объектлар ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан ўрнатилган ва уларга нисбатан юқори сифатли ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ шахс хусусиятларининг (билимлар, кўникмалар, одатлар, фаолият усуллари) мажмуини ўз ичига олади, ва компетенция - тегишли ваколатга эга бўлган шахсга, шу жумладан унинг унга ва фаолият субъектига шахсий муносабатига эга бўлиш, эгалик қилиш" [24].

Психолог И.А. Зимняянинг нуктай назари муҳим, компетенцияни "инсоннинг ижтимоий ва касбий ҳаётининг билимга асосланган, интеллектуал ва шахсий шартли тажрибаси, компетенция эса шахснинг компетенциясида намоён бўладиган қандайдир ички, потенциал, яширин билимлар, ғоялар, қадриятлар тизими" деб таърифлайди [9].

Муаллиф ўз мулоҳазаларида ушбу атамаларнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий компонентга эътибор қаратади. Е.Ф. Зеер компетенцияни "билим ва ҳаракатлар мажмуи" деб таърифлайди ва компетенцияни "касбий фаолиятни, шахснинг ўз ваколатларини амалда қўллаш қобилиятини таъминлайдиган билим, кўникма ва кўникмаларнинг интеграл яхлитлиги" деб талқин қилади. Муаллиф тажриба, фаолият қобилиятлари, мотивацион ва ҳиссий-иродавий соҳаларни ушбу атамалар таркибининг муҳим элементлари деб билади.

Бу даврдаги "компетентлик" ва "компетентли" атамалари тадқиқотчилар томонидан замонавий жамиятда шахс ижтимоий ҳаётининг адекват намоён бўлишининг таърифи сифатида қаралади. Улар ўзаро таъсир, мулоқотнинг хусусиятларини, шунингдек, инсоннинг жамиятдаги шароитларга мослашиш истагини акс эттиради. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтамизки, ушбу вақт ораллиғида "компетентлик" ва "компетентли" атамалари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ажратилиб, аниқлаштирила бошлади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда "компетентлик" ва "компетентли" атамаларининг ўзгариши содир бўлмоқда, тадқиқотчилар ушбу атамаларнинг таркибий қисмларини ўзгартирмоқдалар, таърифларга янгилик қўшмоқдалар, муайян йўналишларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. турли фанлар нуқтаи назаридан замонавий тадқиқотчиларнинг баъзи таърифларини кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, Н.А. Лукоянова ўз ишида бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясининг таркибий қисмлари ғоясини янги мазмун билан тўлдиради, таърифта когнитив, фаолият, шахсий ва технологик таркибий қисмларга урғу беради. Шундай қилиб, муаллиф касбий компетенцияни "бўлажак мутахассиснинг касбий таълим жараёнида ўзлаштирган билимлари, кўникмалари, маълум бир фаолият бўйича шахсий ёки ички тажрибаси, шунингдек, шахснинг қобилиятлари ва фазилатлари" деб таърифлайди, таълим ва касбий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, касбий технологиялар ва малакаларни ўзлаштириш имкониятини беради" [12].

О.Ю. Шубкина ўқитишнинг техник йўналишлари бўйича талабаларнинг коммуникатив қобилиятлари тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф қилди. Муаллиф ушбу таърифни "касбий фаолият доирасидаги муҳандислик муаммолари ва коммуникатив вазиятларни ҳал қилишда самарали маданиятлараро профессионал ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган динамик интеграциявий профессионал аҳамиятга эга шахсий сифат" сифатида кўриб чиқади [25]. Муаллиф ушбу компетенциянинг куйидаги етакчи таркибий қисмларини аниқлайди: мотивацион-қийматли, когнитив, фаоллик, акс эттирувчи-баҳолаш.

Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, "компетентлик" ва "компетентли" таърифлари ҳар қандай таснифлаш нуқтаи назаридан тобора кўпроқ кўриб чиқилмоқда. Коммуникатив компетенция, ижтимоий компетенция, маданиятлараро компетенция ва бошқаларнинг таърифлари мавжуд. Ушбу атамаларда муаллифлар маълум бир компонент таркибини киритадилар, етакчи компонентларни ажратиб кўрсатадилар, Ижтимоий компетенциялар тадқиқотда тобора оммалашиб бормоқда.

Компетенцияга асосланган ёндашувнинг замонавий жадал ривожланиши, таъкидлайди А. М. Новиков, жамиятда таълимга фаолият йўналишини бериш зарурлигини англаш билан боғлиқ [16.9].

Компетенцияга асосланган ёндашувнинг мақсади таълим сифатини таъминлашдан иборат.

Компетенцияга асосланган ёндашув - бу таълим векторлари - ўрганиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз-ўзини англаш, ижтимоийлашув ва индивидуалликини ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиш [7].

Вақт ўтиши билан концепциянинг қўлаи ва мазмуни кенгайиб, ўтган асрнинг охиридан бошлаб таълимда компетенцияга асосланган ёндашув ҳақида гапира бошладилар. А.М.Митяева кўп босқичли олий таълимни лойиҳалашда компетенцияга асосланган ёндашувни ҳисобга олиб, кўп босқичли таълимни лойиҳалашнинг услубий тамойили сифатида компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш асосида таълим тизимини янги сифат ҳолатига ўтказиш зарурлигини асослаб беради [15].

Таълим натижаларини баҳолашнинг "тайёрлик", "таълим" тушунчаларидан "компетентлик" ва "компетентли" га ўзгариши бошланади. Улар таълим муҳитида кенг қўлланилади, аммо психологик-педагогик адабиётлар таҳлили (А. Г. Бермус, В. А. Болотов, В. Н. Введенский, Г. Б. Голуб, А. Н. Дахин, Д. С. Ермаков, И. А. Зимняя, О.Е. Лебедев ва бошқалар) шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда мавжуд "компетентлик" ва "компетентли" тушунчаларининг бир маъноли талқини эмас, бу тоифалар, уларнинг таснифи ва турлари ўртасидаги муносабатларга оид олимларнинг фикрлари турличадир [11. 102-104].

Компетенция - бу талабалар томонидан ўзлаштирилган таълим ва ҳаётий тажриба, унинг қадриятлари асосида амалий фаолият, ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш учун мустақил равишда амалга ошириладиган қобилият, деб тахмин қилинади [14.11].

Зеер Д. Ф. компетенциялар тушунчалар, тамойиллар, семантик қоидалар шаклида тақдим этилган назарий ва эмпирик билимларни мазмунли умумлаштиришдир, деб ҳисоблайди. Назарий компетенциялар воқелик

предметлари ва ҳодисаларининг ички алоқалари ва муносабатларини акс эттиради, уларни конкретлаштириш тушунчалар, қонуниятлар, тамойилларда ифодаланади. Эмпириклар эса нарс ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятларини акс эттиради ва таъсирчан хусусиятга эга бўлиб, уларни конкретлаштириш сўз-атамалар, белгилар, тасвирлар, мисоллардан иборат.

Қобилиятлар - бу касбий фаолиятнинг самарали бажарилишини, шахснинг ўз ваколатларини амалда қўллаш қобилиятини таъминлайдиган умумлаштирилган ҳаракат усуллари. Асосий ваколатлар сиёсий, ижтимоий, маданиятлараро, коммуникатив, ахборот, шахсий ва бошқалар бўлиб, улар махсус ваколатларни амалга оширишни ҳам белгилайди [7. 210-211].

Шунга қарамай, компетенцияга асосланган ёндашувнинг конструкциялари сифатида компетенция ва компетенциядан ташқари, Е.Ф.Зеер унда мета-сифат деб атаган бошқа конструкцияни кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Метавалитлар - бу инсоннинг кенг қўламли таълим, когнитив, ижтимоий ва касбий фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи қобилиятлар, фазилатлар, шахсий хусусиятлар.

Е. Ф. Зеер мета-сифатларнинг икки гуруҳини ажратиб кўрсатади: турли хил таълим, когнитив ва ижтимоий-касбий фаолият турларини (когнитив, тартибга солувчи, коммуникатив фазилатлар) амалга оширишда талаб қилинадиган кенг доирадаги фаолиятга эга бўлган гуруҳ; тор ҳаракат радиуси гуруҳи - касб гуруҳларини амалга ошириш учун зарур бўлган мета-профессионал фазилатлар: шахс - шахс, шахс - технология, шахс – табиат.

Олий касбий таълимнинг ўқув жараёнига компетенцияга асосланган ёндашувни жорий этиш муаммосининг долзарблиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Афсуски, олий таълим муассасасининг педагогик жамоаси компетенцияга асосланган ёндашув назариясини тўлиқ тушунишдан йироқ, шунинг учун ҳам бўлажак мутахассисларни моддий ва маънавий соҳаларда тарбиялаш, тайёрлаш ва етиштириш жараёнида амалий амалиёт сўз йўналтирилган фаолият.

Ўқитувчиларнинг билимлари, қобилиятлари, кўникмалари ва шахсий хусусиятлари талабалар фаолиятининг "ресурслари" - уларнинг ўз-ўзини ўрганиши, ўзини ўзи ташкил этиши ва ўз ҳаётининг "ресурслари" ни ташкил қилади [18.53]. Психологик жиҳатдан анъанавий таълимдан компетенцияга ўтишдаги энг қийин жараён - бу ўқитувчилар томонидан янги турдаги бошқарувни ўзлаштириш жараёни - яхлит вазиятни тизимли бошқариш, бу биринчи навбатда ўз шахсий позицияси ва ролини ўзгартиришни ўз ичига олади, ўқув вазиятида, бу вазиятнинг ички расмини қайта куради [19. 53].

Компетенцияга асосланган ёндашувга ўтиш ўқитишнинг якуний натижасини яхшилайдди. Ҳеч шубҳа йўқки, идеал таълим тизимини излаш ва кўриб чиқиш ҳар доим амалга оширилмоқда, бу олий таълим муассасининг, талабанинг ўзи, шунингдек иш берувчилар учун фойдали бўлади, чунки улар ушбу ҳаволадаги охириги фойдаланувчилардир.

Бўлажак аграр соҳаси мутахассислари ташкилотга, жамиятга, давлатга фойдали бўладими ёки йўқми, бу кадрлар тайёрлаш сифатига боғлиқ. Агар кадрлар тайёрлаш тизими иш берувчиларнинг талабларини инобатга оладиган бўлса, унда самарали ўқитиш тизимини олиш имконияти юқори бўлади. Худди компетенцияга асосланган ёндашувда бўлгани каби, таълим муассасаси, талаба ва иш берувчининг эҳтиёжларини қондира оладиган таълим стандартини яратиш истаги мавжуд.

Шу муносабат билан замонавий таълим муассасаларида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур кўринади: билимга ёндашувдан талабаларга йўналтирилган ҳамкорликка ўтиш; ўқув фанини ўқитишда фан-предмет йўналишларини амалга ошириш; таълим муассасалар талабаларининг ўзига хос хусусиятлари; замонавий таълим технологияларидан, интерфаол усуллардан фойдаланиш; талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқалар.

Хулоса. Психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосага келишга имкон беради: ўқув жараёнини компетенцияга асосланган ёндашув асосида ташкил этишнинг маъноси қуйидаги шарт-шароитларни яратишдан иборат: 1. Талабаларнинг субъектив позициясини шакллантириш; 2. Фанлараро интеграция; 3. Илмий кенгашлар, илмий-услубий кенгашлар, илмий-амалий конференциялар, муаммоли семинарлар, жамоавий ижодий фаолият, масофавий малака ошириш курслари ва бошқаларни тизимли ўтказиш жараёнида ўқитувчиларнинг умумий касбий тайёргарлиги, касбий компетенциясини доимий равишда ошириш; 4. Инновацион ва ривожланаётган муаллифлик ҳуқуқи технологияларини ўзлаштириш; 5. Ўқитувчилар томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш бўлажак мутахассисни тайёрлаш жараёнини илмий ва услубий таъминлашни ривожлантиришга қаратилган; 6. Талабаларни инновацион фаолиятнинг турли турларига жалб қилиш. 7. Талабалар томонидан мутахассисликни ўзлаштириш жараёнида таълимнинг назарий, амалий ва услубий элементларининг бирлиги ва 3D таълим технологиясидан фойдаланиш; 8. Мониторинг асосида бўлажак аграр соҳаси мутахассиснинг таълим сифатини баҳолаш тизими.

АДАБИЁТЛАР

1. Assessing Emotional Intelligence Competencies. Washington, 2004. 168 p.
2. White R. W. Motivation reconsidered: the concept of competence // Psychological Review. 1959. № 66. P. 297–333.
3. Воробьева В. А. Формирование социальной компетенции будущих магистров педагогического образования в процессе обучения иноязычному общению: автореф. дис. ... кан. пед. наук. Курск, 2015. 23 с.
4. Гончаров С. З. Социальная компетентность личности: сущность, структура, критерии и значение // Образование и наука. 2004. № 2. С. 3–19.

5. Делор Ж. Образование: сокрытое сокровище. Основные положения доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. Париж, 1996. С. 35–37.
6. Захаревич В. А. Педагогические условия формирования социальных компетенций студентов бакалавриата в процессе педагогической практики: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Владикавказ, 2015. 21 с.
7. Зеер Э. Ф. Модернизация профессионального образования: компетентностный подход: учеб. Пос. для вузов по специальности «профессиональное обучение (по отраслям)»: рек. УМО Вузов РФ / Э. Ф. Зеер, А. М. Павлова, Э. Э. Сыманюк; гл. ред. Д. И. Фельдштейн; Моск. Психолого-социальный ин-т. М.: МПСИ, 2005. 216 с.
8. Зеер Э. Ф. Психология профессионального образования. М.; Воронеж, 2003. 480 с.
9. Зимняя И. А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. № 5. С. 12–14.
10. Коляникова, Е. В. Формирование межкультурной коммуникативной компетенции старшеклассников в условиях дополнительного образования: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Смоленск, 2015. 27 с.
11. Кострова Ю. С. Генезис понятий «компетенция» и «компетентность» // Молодой ученый. 2011. № 12.
12. Лукьянова Н. А. Профессиональная подготовка будущих экономистов в условиях компетентностного подхода в образовании: дис. ... канд. пед. наук. Барнаул, 2015. 216 с.
13. Максимова О. Г., Харитонов Л. А. Формирование профессиональной компетентности будущих экономистов в условиях современного вуза // Вестн. Томского гос. пед. Ун-та (Tomsk State Pedagogical University Bulletin). 2009. Вып. 11. С. 17–23.
14. Митина М. Л. Психология профессионального развития. М., 1998.
15. Митяева А. М. Компетентностная модель многоуровневого высшего образования (на материале формирования учебно-исследовательской компетентности бакалавров и магистров): автореф. дис. ... д-ра пед. наук. Волгоград, 2007. 43 с.
16. Новиков А. М. Культура как основание содержания образования // Педагогика. 2011. № 6.
17. О Концепции долгосрочного социально-экономического развития РФ на период до 2020 года [Электронный ресурс] : распоряжение Правительства РФ от 17 ноября 2008 г. № 1662-р. URL: <https://base.garant.ru/194365/>.
18. Петрова О. Е., Сивицкая Л. А. Роль личности преподавателя при реализации парадигмы соучастия в образовательном процессе // Материалы III регион. межвуз. науч.-практ. конф. «Воспитание в условиях вузовского социума». М.: Изд-во ТПУ, 2002. Вып. 1. С. 226–229.
19. Сивицкая Л. А., Смышляева Л. Г., Смышляев А. В. Реализация компетентностного подхода в высшей школе: дефициты методической готовности преподавателей // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (Tomsk State Pedagogical University Bulletin). 2010. Вып. 12 (102). С. 52–55.
20. Словари и энциклопедии на Академике [Электронный ресурс]. URL: <https://dic.academic.ru/>.
21. Стрелкова А. В. Формирование социальных компетенций старших подростков методом кейсов: автореф. дис. ... канд. пед. наук. М., 2016. 23 с.
22. Хомский Н. Язык и мышление. М., 1972. 122 с.
23. Хорошко Л. В. Формирование социальных компетенций у воспитанников образовательных учреждений интернатного типа: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Карачаевск, 2015. 24 с.
24. Хуторской А. В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты [Электронный ресурс] // Эйдос. 2002. 23 апреля. URL: <http://eidos.ru/journal/2002/0423.htm>.
25. Шубкина О. Ю. Формирование коммуникативной компетентности студентов технических направлений подготовки: дис. ... канд. пед. наук. Красноярск, 2016. 212 с.

Аграр комплексте болажақ қәнигелердің социаллық-кәсіптік таярлығын қалыптастыру системасын жойбарлаудың педагогикалық шартлары

Султанов Е. К. Қарақалпақстан ауыл хожалығы және агротехнологиялар институты

Резюме. Бул мақалада аграр тарауы болажақ кадрларын таярлау методикасын компетенциялық жантастыру тийкарында жетилістіру бойынша мәселе көріп шығылған.

Таяныш сөзлер. Аграр тарауы, компетенция, билим, көнликпе, тәжірибе.

Аграр комплексте бўлажақ мутахассисларнинг ижтимоий-касбий тайёргарлигини шакллантириш тизимини лойиҳалашнинг педагогик шартлари

Султанов Е. К. Қарақалпақстан қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Резюме. Ушбу мақалада аграр соҳаси бўлажақ кадрларини тайёрлаш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича масала кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар. Аграр соҳаси, компетенция, билим, кўникма, малака.

Педагогические условия проектирования системы формирования социально-профессиональной подготовки будущих специалистов аграрного комплекса

Султанов Е. К. Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Резюме. В данной статье рассматривается вопрос совершенствования методики подготовки будущих кадров в аграрной сфере на основе компетентностного подхода.

Ключевые слова. Аграрный сектор, компетентность, знания, навыки, квалификация.

Pedagogical conditions for designing a system for the formation of socio-professional training of future specialists of the agrarian complex

Sultanov E. K. Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnologies

Annotation. This article discusses the issue of improving the methodology for training future personnel in the agricultural sector based on a competency-based approach.

Keywords. Agricultural sector, competence, knowledge, skills, qualifications.

O'ZBEKISTONDA KURASH SPORT TURINING KELIB CHIQISHI VA TARAQQIYOTI

Xolekov R. M.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Qadimiy qadriyatlarimiz, xususan mardlik, jasurlik, vatanparvarlik, gumanizm g'oyalarini o'zida mujassam etgan milliy sportimiz bo'lgan kurashni ommalashtirish, rivojlantirish va dunyoga tanitish hamda ushbu qadriyatimizni umumjahon durdonasiga aylantirish bo'yicha qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, kurashning tobora ommalashib borayotganligi nufuzli xalqaro musobaqalarni tashkil qilishga, mavjud infratuzilma va moddiy-texnik bazani modernizatsiya qilishga, sport inventarlari va kiyimlari ta'minotini yaxshilashga, bu borada ishlab chiqarishni kengaytirishga, shuningdek, soha uchun malakali kadrlar, trenerlar va hakamlar tayyorlashga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirishni talab etmoqda.

Buyuk ajdodlarimizdan meros qolgan kurash sportining boy an'analari va qadriyatlarini kelajak avlodlarga yetkazish, o'zbek sporti brendi nomi bilan kurashning jahon arenasidagi rolini oshirish, yoshlarning milliy sportga bo'lgan qiziqishlarini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish orqali ularda vatanparvarlik tuyg'usini yanada mustahkamlash, aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlarning, shuningdek, jahon xalqlarining mazkur sport turi bilan shug'ullanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish bosh maqsadimiz hisoblanadi.

O'zbek milliy kurashining jahon arenasiga chiqib, milliy mustaqillik yillarida shiddat bilan bir xalqning ma'naviy-jismoniy qadriyatidagi turli xalqlar va millatlarning udumiga aylanganligi olamshumul hodisadir. Zero kurash o'z jangovorligi, go'zalligi, jozibadorligi, halolligi bilan barchaning mehrini uyg'otgan, o'ziga katta qiziqish uyg'ota olgan, sport turi hisoblanadi.

Kurashda kurash tushuvchilar harom-harishdan, g'irromlikdan, o'g'rilikdan, kashandavanlikdan yiroq bo'lib, oliyanoblik, insoniylik, hatto raqibiga nisbatan hurmat ko'rsatadigan insonlar bo'lishi talab etiladi. Kurash insonlarni chiniqtiradi, irodani mustahkamlaydi, xalqiga, Vataniga bo'lgan muhabbatini uyg'otadi va mustahkamlaydi. Shuning uchun ham kurashchilar qat'iy qarorga ega bo'lib, hech qachon do'stlariga, millatiga, Vataniga xiyonat qilmaydilar. Kurash irodani toblaydigan, aniq maqsad sari undaydigan, qiyinchiliklarni chidam va bardosh bilan yengishga o'rgatadigan sport turi hisoblanadi. Shuning uchun ham kurash insonni ma'naviy, jismoniy, axloqiy jihatdan kamolotga yetkazuvchi tarbiya maktabi rolini o'taydi. Kurash tushuvchilar yakkama-yakka bellashuv natijasida o'zlarida chaqqonlik, epchillik, kuchlilik, tezlik kabi jismoniy sifatlarini rivojlantiradilar, ma'naviy-axloqiy kamolotga erishadilar.

O'zbek kurashi bir necha ming yillik tarixga ega. Qadimiy qo'lyozmalarda eramizdan oldingi davrlarda ham kurash ommaviy musobaqalar tarkibidan munosib o'rin olganligi haqida ma'lumotlar mavjud. Buni ko'pgina yozma va tarixiy yodgorliklar tasdiqlaydi. Masalan, Antik dunyo olimi muallif Elian Klavdiy ma'lumotlariga ko'ra hozirgi O'zbekiston hududida qadimgi zamonlarda Sak, Massaget va boshqa qabilalar yashagan. Ular o'rtasida kuchlar sinovi – kurash keng tarqalgan ekan. Yigitlar uylanadigan bo'lishsa, qalliqlarini kurashda yengishi lozim bo'lgan. Mashhur sharqshunos va etnograf S.P.Tolstov o'zbeklar o'tmishda kurashga Iydi Ramazon, Qurbon hayiti kabi marosimlarida, Navro'z kunlarida va sayillarda katta ahamiyat berishganini yozadi. Shu bayramlarning dastlabki uch kunida keksalar rahbarligida kurash uyushtirilgan, el tomoshaga chiqqan, maxbuslar ozod qilingan, aybdorlar gunohidan o'tilgan. Ko'pgina arxeologik materiallarning tasdiqlashicha o'zbek xalqining turmushi va hayotida kurashimiz asosiy o'yinlardan biri sanalgan.

Darhaqiqat, xalqimiz kurashimizga kishini jismoniy chiniqtirishning asosiy vositalaridan biri sifatida qaragan. Etnografik tadqiqotlarga ko'ra mamlakatimiz hududida kurashimiz milodning IX-X asrlarida keng rivojlangan bo'lib, hamma sayillarda kurash musobaqalarini o'tkazish odatga aylangan ekan.

Qadimiy manbalarni birma-bir ko'zdan kechirsak, kurashimizning qanchalik rivojlanganiga, o'zbek elida ko'p bahodirlar o'tganiga amin bo'lamiz. Ular kuch sinash, og'ir yuklarni ko'tarish, kurash bobida mislsiz mahoratlari bilan yetti iqlimga dong taratganlar va xalq orasida polvonlar deb atalganlar. O'zbek xalq og'zaki ijodining namunalari – "Alpomish", "To'lg'anoy", "Go'ro'g'li" kabi dostonlarda ham polvonlar kurashi madh etilgan. Tarixiy manbalarda yozilishicha, milodning X asrida hozirgi O'zbekiston hududida ko'plab kurash musobaqalari o'tkazilgan ekan. Qadimgi xitoy qo'lyozmasi – "Tan-shu" da Farg'onada Navro'z bayramida aholi ikkiga bo'linib, musobaqalar o'tkazilganligi qayd etilgan. X asr arab geografi va sayohatchisi Maksidiyning ma'lumot berishicha, Marv, Samarqand, Balx kabi yirik shaharlarda ham Navro'z bayramida shunday bellashuvlar o'tkazilgan.

Buyuk hakim Abu Ali ibn Sino "Kitob – al qonun fit-tib" asarida kurashning ikki turi haqida ma'lumot beradi. Uning yozishicha, dastlabkisida ikki kishi bir-birini belbog'idan ushlab, o'ziga tortib yiqitmoqchi bo'lsa, boshqa turi esa, birini ikkinchisining to'ni (yaktak) yoqasidan, qo'lidan ushlagan holda raqibining oyoqlarini chalib, o'rama va qaytarma usullarini qo'llab yiqitishga harakat qilgan.

Ibn Sino ta'biricha, bundan ming yil muqaddam ham bu xil kurash usullari ma'lum bo'lgan. Biroq ikkala usulda ham qo'l bilan oyoqdan olish ta'qiqlangan. Faylasuf va shoir Pahlavon Mahmud (1247-1326) Eronda, Turkistonda, Hindistonda kuragi erga tegmagan polvon sanalgan. 1881 yil Bombayda nashr etilgan "Otashkadan Ozariy" kitobida quyidagi satrlar bitilgan ekan: "Ismi Mahmud, Puryorivaliy laqabi bilan shuhrat topgan, o'z zamonasining ovozi olamni tutgan yagona pahlavon edi".

Mahmud Qoshg'ariy o'zining mashhur "Devoni lug'atit-turk" kitobida polvonlar bir-birini belidan ushlab oyog'i yordamida raqibini ko'targani haqida yozadi. Polvonlarning mislsiz qahramonlari, o'zaro kurashlari Tabiriyning "Tarix"ida, Firdavsning "Shohnoma"sida, Sheroziyning "Devon"da, Nizomiyning "Xamsa"sida, Navoiyning "Farxod va Shirin"ida, Boburning "Boburnoma"si kabi adabiyotlarda madh etilgan.

Ma'lumki, o'zbek kurashi IX-XIII asrlarda gurrakib rivojlangan. Shu davrlar ichida, kurash xalqning eng sevimli sport turidan biriga aylangan va juda ommaviylashgan hamda pahlavon Mahmud, Jaloliddin Manguberdi, Darvesh Muhammad kabi polvonlar o'zbek kurashining dovruq'ini taratishgan.

Tarixga bir nazar tashlasak, qadim-qadim zamonlarda, ayniqsa Amir Temur zamonida milliy kurashimiz juda ham rivojlangan. Kurash Amir Temur lashkarlari uchun jismoniy tarbiya, kuch-qudrat manbai bo'lgan. Ayniqsa, Amir Temur kurashning musobaqa va jang turlariga katta e'tibor bergan hamda qo'shinlarini kurash ilmini o'rganishga chaqirgan. Amir Temur nafaqat davlat arbobi, zukko, ma'rifatparvar, harbiy ilmni mukammal bilgan tarixiy shaxs, balki kurash san'atini ham chuqur bilgan kuchli polvon bo'lgan.

Ma'lumki, o'zbek milliy kurashi O'rta Osiyo va Qozog'iston vohasida keng tarqalgan sport turi bo'lib, bu hududlarda kurashning "Buxorocha" va "Farg'onacha" shakllari keng qo'llaniladi. "Buxorocha" kurashda tik turgan holda, beldan pastni ushlamasdan, qalmoqi qilib yiqitish usuli mavjud. Bu kurashning asosiy usullari raqibni oshirib otish, qalmoqi, qoqma, ichki tomondan poypechak qilib ag'darib, raqibning yelkasidan ushlab, tizza tomon bilan ilomoq qilib yelkadan oshirib tashlashdan iborat. Buxoro, Xorazm, Samarqand, Qashqadaryo, Surxondaryo, Jizzax viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasi hududida "Buxorocha" kurash rasm bo'lgan.

Farg'onacha kurashda raqiblar tik turgan holda, oldinda belbog'idan ushlanadi, bellashuv paytida ham qo'yib yuborilmaydi. Raqibni yerdan ko'tarib, oyoq harakatlari bilan yiqitiladi. Bu kurashning xarakterli usullari: irg'itish, raqibni avvalo yerdan uzib irg'itish, raqibni egib, aylantirib, boshini gilamga tekkizmasdan irg'itish, raqibni aylantirib yiqitish, raqibni sonidan ushlab, qayirib yelkadan oshirib yiqitish. Farg'onacha kurash Farg'ona vodiysi, Toshkent, Sirdaryo viloyatlari [2, 6] hududida rasm bo'lgan [5, 8]

Ha, kurash xalqimizning qadimiy, hammabop, keng tarqalgan, halollikni talab etadigan, g'irromlikdan yiroq bo'lgan qadriyatlardan biri. U milliy mustaqillik yillarida keng quloq yozdi, keng sarhadlarga ega bo'ldi, u jahonni qamrab olmoqda. Yer kurrasining besh qit'asidagi 100 dan ortiq mamlakatlarida o'zbek kurashining ixlosmandlari, muxlislari va ishtirokchilari mavjud. Milliy g'urur, halollik, fidoiylik, mag'rurlik, jasoratni o'zida mujassamlashtirgan milliy o'zbek kurashi 1992 yildan boshlab nufuzli musobaqalar sababchisi bo'lmoqda.

Milliy kurashni rivojlantirish va jahonga olib chiqishda Buxorolik polvonlar aka-uka Yusupovlar sulolasi tomonidan kata ish olib borildi. Shu sulolaning 2-farzandi (hozir marhum) Jo'raqul Tursunov oila sardori sifatida bu ishga qattiq bel bog'ladi. 1991 yil 26 fevral kuni Jismoniy tarbiya va sport davlat komitetining majlisgohida O'zbekiston Milliy kurash uyushmasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Yig'in sportning ana shu turi kelajagini belgilab berdi. Ma'lumki, milliy kurashning ikki, ya'ni Buxorocha va Farg'onacha usuli bor edi. Qoidalarda o'xshashlik bo'lsa ham, ular bir-biridan farq qiladi. Ana shu holatni hisobga olgan holda ikki mustaqil federatsiya tuzishga qaror qilindi. Bir qator tashkiliy masalalar ko'rildi. Milliy kurash federatsiyasining Buxorocha usuli bo'yicha birinchi Prezidenti etib biologiya fanlari doktori, kurash va sambo bo'yicha sport ustasi Jo'raqul Tursunov saylandi va Farg'onacha usuli bo'yicha esa O'zbekiston qishoq xo'jaligi vaziri Mirzajon Islomov saylandi.

Bu yig'ilishda milliy kurashning istiqbol rejaları ishlab chiqildi va tasdiqlandi. Milliy kurash tarixini o'rganish, yangi qoidalarini ishlab chiqish, kurash musobaqalarini yangi qoida asosida o'tkazish va kelajakda xalqaro maydonga olib chiqish masalalari federatsiya oldida turgan dolzarb vazifalardan biri edi.

1991 yil 18 iyunda O'zbekiston milliy kurash prezidenti J.Tursunov boshchiligidagi o'tkazilgan birinchi ilmiy-amaliy konferentsiyada Komil Yusupov tomonidan yangi kurash qoidalarini muhokama qilish uchun konferentsiya kun tartibiga kiritildi va konferentsiya qatnashchilariga havola qilindi. Komissiya qaroriga asosan milliy urf-odatlar va an'analari asosida taqdim qilingan kurash qoidalari tan olindi. Kelajakda xalqqa tanishtirish uchun birinchi musobaqani Qashqadaryoning Miroqi qishlog'ida o'tkazishga qaror qilindi va O'zbekiston tarixida ilk marotaba yangi kurash qoidalari asosida J.Tursunov rahbarligida milliy kurash musobaqasi o'tkazildi.

1992 yildan nufuzli bellashuvlar boshlanib ketdi. Qorako'lda "Tursun ota", Shahrisabzda "Amir Temur", Surxondaryoda "At Termiziy", Buxoroda "Bahouddin Naqshband", Andijonda "Bobur Mirzo", Xorazmda "Pahlavon Mahmud" xotirasiga bag'ishlab Prezident sovrini uchun o'tkazilgan xalqaro turnirlar o'zbek kurashining yuksak darajaga ko'tarilishida, jahon sport olamiga yangi tur bo'lib kirishiga katta hissa qo'shdi. [3, 9]

Chunki kurash ilk musobaqalaridayoq jozibadorligi, go'zalligi va hallolligi bilan barcha ishtirokchilarning, xorijiy mutaxassislarning mehrini qozondi.

Mustaqillik yillarida respublikamiz Prezidenti boshchiligidagi milliy kurashimiz yuqori darajada rivojlandi va Xalqaro maydonga chiqish uchun katta ishlar amalga oshirildi. 1999 yil 24 fevralda bo'lib o'tgan konferentsiyada J.Tursunov Xalqaro kurash akademiyasi Prezidenti etib saylanganligi tufayli Komilov O'tkir Tolipovich O'zbekiston kurash milliy federatsiyasi Prezidenti etib saylandi. 2001 yil 21 iyunda o'zbek kurashi og'ir judolikka uchradi. O'zbek kurashining asoschisi, O'zbekiston kurash federatsiyasining birinchi Prezidenti, biologiya fanlari doktori, professor, kurash va sambo bo'yicha sport ustasi Tursunov Jo'raqul Yusupovich 63 yoshda bevaqt olamdan o'tdi. Bu oliyjanob insonning ruhi xotiramizda abadiy saqlanadi.

Tinimsiz mehnat, ko'plab izlanishu say-harakatlar behuda ketmadi. 1998 yilning 6-sentyabrda o'zbek kurashining bir necha ming yillik tarixi sahifalariga olamshumul voqea sifatida zarhal harflar ila bitildi. Lotin Amerikasi, Evropa va Osiyo qit'asining 28 davlati vakillari ishtirokida Toshkentda bo'lib o'tgan ta'sis kongressida "Xalqaro kurash Assotsiatsiyasi" (XKA) tuzilganligi, xalqimizning milliy qadriyati "Kurash" nomi bilan jahon maydoniga chiqqanligi e'tirof etildi.

Shu Kongressning o'zida XKAning ijroiya qo'mitasi tashkil qilindi, Komil Yusupov tomonidan Kongressda muhokama qilish uchun taklif qilingan o'zbek kurashining xalqaro qoidalari bir ovozdan ma'qullandi. Xalqning

qadimgi qadriyati, ori va g'ururi bo'lgan kurashning jahonga yuz tutishini har tomonlama qo'llab-quvvatlagan O'zbekistob Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov Xalqaro "kurash" Assotsiatsiyasining Faxriy prezidenti, Komil Yusupov esa XKA Prezidenti etib saylandilar. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 1999 yilning 1-fevralida "Xalqaro kurash Assotsiatsiyasini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi Farmonga imzo chekdi. O'z vaqtida qabul qilingan bu Farmon mardlik, jasurlik, vatanparvarlik, insoniylik g'oyalarini o'zida mujassamlashtirilgan o'zbek kurashining nafaqat O'zbekistonda, balki butun jahonda keng quloch yoyishiga xizmat qiladi va qilmoqda. Bugungi kunda dunyoning 5 qit'asida 100 dan ortiq mamlakatlarda kurash federatsiyalari tashkil qilindi.

Kurash sport turi Qoraqalpog'istonda ham o'z rivojlanish yo'liga ega bo'ldi. Yurtimizda bir daryodan suv ichib, qo'yi qo'ralash, ovuli aralash yashagan turli millat vakillari o'zaro totuv va inoq hayot kechirgan. Ayniqsa Orol bo'yida, butun Turon zaminida istiqomat qilgan xalqlarning udumlar bilan an'analari bir-biriga yaqin, ular orasida farq juda oz bo'lgan. Bu xalqlarning ko'pincha qo'nib-ko'chib yashaganini xisobga oladigan bo'lsak ularni tashqi dushmanlaridan, oilasini, ovulini yurtini himoya qilish uchun jismoniy jihatdan baquvvat bo'lishni turmushning o'zi taqozga qilgan. Shu bois ham ephillikni, chaqqonlikni va kuchni talab qiladigan o'yinlar otadan bolaga o'tib kelgan. Urug'lar, qavmlar, ovular o'rtasida kurash, ko'pkari, kamondan o'q otish kabi musobaqalar tashkil qilingan. Bunday bellashuvlar orqali saralanib chiqqan alp qomat polvonlar o'sha ovulning, urug'ning obro'si, fahri hisoblangan. [3,12]

Turli davrlarda yashab o'zlarining mardligi bilan unutilmas iz qoldirgan o'zbek Pahlovon Mahmud, qozoq Hajimuxan, qoraqalpoq Ernazar Olako'z, turkman Xudayberdi Boltaevlar tilga olinadi. Bundan tashqari XX asrda Qoraqalpog'istonda kurash sportining gullab yashnashiga katta hissa qo'shgan Abduraxim Azimov, Sapaloq Shamuradov, Jaqabay Saparov, Matnazar Reymov, Satiboldi Miltiqboyev, Yusup Ismaylov, O'mirbek Aytimov, Shamurod Masharipov, Jiyebyay Qaljanov, Asamatdin Qabulov, Yarash Kazakov, Tanabergen Turimbetov, Adilbay Bekbauliev, Jalg'as Tajimurodov, Charsham Tajimurodov, Serik Jusipbekov, Murod Do'simbetov, Murot Boltaniyozov va boshqa ulug' polvonlar yetishib chiqib davlatimiz bayrog'ini ko'klarga ko'tarib, el-yurt sha'nini himoya qilib kelmoqda.

Yangi XXI asrga kelib ham bu sport turi mintaqada rivojlanishdan to'xtab qolgani yo'q. Qayta yangidan yangi chempionlar, polvonlar yetishib chiqdi. Jumladan, Berik Jusipbekov, Nizamatdin Xojabaev, Nukusboy Doniyorov va qizlarimizdan Gulmira Qaniyazova, Zulxodja Xudoyorova, Sanayim Erkinbaeva, Qundiz Baymanova, Amangul Allanazarovalar nong ismlarini e'tirof etishimiz joiz. Elimizdan buning bilan chempionlar yetishib chiqishi to'xtab qolmaydi balki hozirgi yoshlarimiz yangidan yangi marralarni zabt etadi deb ishonch bildiramiz.

Hurmatli Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoevning say harakatlari bilan bugun kurashimiz zamonaviy sport turi bo'ldi. Osiyo o'yinlaridan mustahkam joy oldi. Dunyo polvonlari "o'rtaga", "ta'zim", "kurash", "halol", "yonbosh", "chala", "dakki", "tanbeh", "g'irrom", "bekor", "teng", "to'xta", "vaqt" degan o'zbek so'zlaridan ulgi olib kurashmoqda. 2020 yil 4 noyabr. Bu sana milliy kurashimiz tarixida yorqin sahifa ochgan kun bo'lib qoldi. Shu kuni Prezidentimiz "Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora- tadbirlari to'g'risida"gi qarorni imzoladi. Bu, albatta, uzoq kutilgan tarixiy voqelik bo'ldi. O'zbek sportini dunyoga tanitish borasida yangi davr boshlandi Bu qarorni nafaqat xalqimiz, balki milliy kurashimizning barcha ishqibozlari, polvonlari katta xursandlik bilan kutib oldi. Har kuni chet ellardagi federatsiyalarimiz, xalqaro sport hamjamiyatlari vakillari bizni tabriklab, iliq munosabatlarini bildirmoqda

Kurash — milliy qadriyatimiz. Tarixchilarimizning shohidlik berishicha, u 3,5 ming yillik tarixga ega. Bilamizki, xalqimiz qadimdan to'yilda kurash tushib, polvonlari bilan faxrlangan. Dastlab ko'ngilochar o'yin sifatida boshlangan kurash keyinchalik mardlik, elning or-nomusi sifatida bizgacha yetib keldi.

Mustaqillik yillarida biz kurashni zamonaviy sport turi sifatida dunyoga tanitdik. Asl, o'zgaras qoidalarini ishlab chiqib, qudratini, falsafasini namoyish etdik. Bu millatimizning ulkan g'alabasi bo'ldi. Shu-shu dunyo sport olami bu sportni o'zbeklar, O'zbekiston nomi bilan bog'laydi. Bugun deyarli barcha qit'a polvonlari bayrog'imizdagi ranglari aks etgan yaktaklarda gilamga tushadi.

Kurashimizning Osiyo o'yinlari dasturiga kiritilishi Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning bevosita sa'y-harakatlari, mamlakatda sportga, xususan, milliy sport turlariga bo'lgan e'tibori mahsulidir. Ilk bor 2018 yili Indoneziyaning Jakarta shahrida o'tgan Osiyo o'yinlarida bellashgan polvonlar kurashimiz dovruq'ini dunyoga tanitdi. Bu o'yinlarni millionlab odamlar tomosha qildi, hakamlar o'zbekcha aytgan so'zlarni eshitdi, O'zbekiston ramziy ranglari jilolangan yaktaklarga havas qildi.

Davlatimiz rahbarining "Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora- tadbirlari to'g'risida"gi qarori bizni yangi marralar sari chorlabgina qolmay, ko'p yillik orzularimiz amalga oshirishining huquqiy asoslarini ham yaratib berdi. Oldimizga katta maqsad qo'yildi. Biz milliy kurashimizni keng targ'ib qilib, dunyoga tanitamiz, Xalqaro olimpiya o'yinlari dasturiga kiritamiz. [1,2]

Aslida, sport turining Olimpiya o'yinlari dasturiga kirishi juda katta tarixiy voqea sanaladi. Milliy sportini yoki biron sport turini yaratib, uni dunyoga targ'ib qilishga harakat qilayotgan, Olimpiya o'yinlarida ko'rishni ellik, yuz yillab kutayotgan davlatlar bor. O'zbekiston mustaqil bo'lganiga endi o'ttiz yil bo'ladi. Tarixan shu qisqa vaqtda kurashni Olimpiya o'yinlariga kiritish harakati boshlanganini eshitib, ochig'i ko'pchilik ishonmaydi, hayron bo'ladi, hayratga tushadi. Barmoq bilan sanarli mamlakatlarga o'zining sportini Olimpiya o'yinlari dasturiga kiritish sharafiga muyassar bo'lgan. Ulardan ayrimlarini sanab o'tsak, masalan, Yaponiya dzyudoni, Janubiy Koreya taekvondoni, Angliya futbolni kiritgan. Buning uchun uzoq yillar kerak bo'lgan Albatta, kurashni Olimpiya o'yinlarida ko'rish barchamizning ko'p yillik orzuimiz. Xuddi sportchining asosiy maqsadi Olimpiya o'yinlarida qatnashish bo'lgani kabi. Hozir bir sportchi maqsadi haqida gapiryapmiz. Endi bir sport turini eng nufuzli sport o'yiniga butun boshli xalq,

mamlakat nomidan manguga kiritish esa juda katta tarixiy hodisa ekanini anglash mushkul emas. Buni davlatlar, xalqlar orzu qiladi. Mana shu maqsadimizga erishishga Prezidentimiz qarori bilan aniq yo'llanma berildi, tamal toshi qo'yildi.

Yurtimizda jadal yangilanish davri kechayotgan bugungi kunda kurashimiz, albatta, Xalqaro olimpiya o'yinlari dasturiga kiradi va yangi O'zbekiston, xalqimiz nomi o'z sportini Olimpiya o'yinlariga kiritgan davlatlar ro'yxatida tarixga muhrlanadi.

Olimpiya xartiyasida sport turlarida gender tenglik masalasiga alohida e'tibor qaratiladi. Xalqaro nufuzga da'vogar sport turi, avvalo, ommaviy bo'lishi, kamida 75 mamlakat shu sportni tan olishi kerak. Bunda xotin-qizlar ham teng huquqli shug'ullanishi asosiy mezondir. Kurashga xotin-qizlarni jalb etish masalasiga kelsak, muammolar bo'lgani rost. Bu, ayniqsa, sharqona mentalitet hukmron xalqlarda juda og'ir kechadi. Ota-onalar qizlarini sportga bergisi kelmaydi, iymnadi, andisha qiladi, turli gap-so'zlardan qochadi.

Kurashda biz ana shu jihatlarni ham e'tiborga olganmiz, qoidalarini moslashtirganmiz. Birinchidan, og'ritish, bo'g'ish yoki yerda yotib kurashish kabi usullar ta'qiqlangan. Yerga tizza tegdimi kurash to'xtatiladi. Ikkinchidan, yaktaklarimiz ham mentalitetimizga xos. Sport kiyimimiz yopiq, tananing deyarli biron joyi ochiq namoyon bo'lmaydi. Demak, kurash ayollar uchun juda mos sport turi hisoblanadi. Bu, o'z navbatida, qariyalar, bolalar uchun ham qulay va xavfsiz. Yana bir gap. Biz milliy kurashimiz asoslarini, qoidalarini ishlab chiqishda qizlarni, albatta, ayol murabbiy shug'ullantiradi, degan talabni kiritganmiz. Bu ham ota-onalar qizlarining kurash bilan shug'ullanishiga qarshilik qilmasligiga yo'l ochadi.

Bugungi kunda islom mamlakatlarida ham kurash bilan shug'ullanayotgan xotin-qizlar ko'pchilikni tashkil etadi. Hatto chempionlar bor. Yaqinda Afg'onistonda musobaqa o'tkazdik. O'shanda ikki afg'on qizi ishtirok etib, chempion bo'ldi. Bu musobaqa xalq oldida, televidenie nigohida kechdi. Shu paytgacha Afg'onistonda qiz bola kurashga tushganini biz ko'rmaganmiz. Bu ham milliy sportimiz yutug'i.

Yana bir misol Angliya sport tarixini o'rgansangiz Olimpiya o'yinlari yana bir misol. Angliya sport tarixini o'rgansangiz, Olimpiya o'yinlari dasturiga kirgan ba'zi sport turlarini ham o'z mamlakati hududida qabul qilmaganini ko'rasiz. Lekin, kurash ularga eng ma'qul sport turi bo'ldi. Bugun Angliyada yoshlar ham, xotin-qizlar ham, keksalar ham bemalol bizning kurash bilan shug'ullanishi mumkin. Yashirmaymiz, hozircha ayol murabbiylarimiz yetishmay turibdi. Prezidentimiz qarorida ham bu masala aniq ko'rsatilgan. Endi, biz tegishli vazirliklar, tashkilotlar, oliy ta'lim muassasalari bilan hamkorlikda qabul kvotalarini oshirib, ayol murabbiylar tayyorlashni yo'lga qo'yamiz. Bu tezda samara berishiga ishonamiz. — O'shanda oldimizda dunyo uchun murabbiylar tayyorlash masalasi turgan edi. Shu sabab Xalqaro kurash institutini ta'sis etdik. Ammo bu institutning moddiy-texnik bazasi tugul, hatto binosi ham bo'lmagan. Keyin Butunjahon kurash fondini tuzdik. Chunki, kadrlar tayyorlash uchun ham, musobaqalar o'tkazish uchun ham moddiy ta'minot kerak edi. Afsuski, fondimiz xalqaro musobaqalarni o'tkazish bilan arang shug'ullandi xolos. Shu bois, bir oylik, bir haftalik kurslarni aytmaganda, bu institut kutilgan samara bermadi.

Ming shukrki, Prezidentimiz qarori bilan bu institut qayta tashkil qilinadigan bo'ldi. Uning moddiy-texnik bazasi asoslari ham aniq ko'rsatildi. Endi, biz dunyoga kurash bo'yicha murabbiylar yetishtirib beramiz. Bu borada ahvolimiz haqiqatan ham qoniqarli emas edi. Yillar davomida e'tiborsizlik tufayli, mablag' yetishmasligi sabab moddiy-texnik ta'minot achinarli holatga kelib qoldi. Tabiiyki, bunday sharoitda kurash bilan shug'ullanishning imkoni yo'q yoki haminqadar. Qaror bilan aniq vazifalar belgilab berildi. Endi barcha bo'g'indagi ta'lim muassasalarida kurash bilan shug'ullanish uchun moddiy-texnik ta'minot yangilanadi. Bu borada ish boshlangan. Barcha maktablarni qamrab olishni maqsad qilganmiz.

Prezidentimiz nafaqat mamlakatimizdagi ta'lim muassasalarini, balki dunyodagi federatsiyalarni ham gilamlar, yaktaklar bilan ta'minlash vazifasini qo'ydi. 2020-2030 yillarda kurash milliy sport turining xalqaro nufuzini yanada oshirish bo'yicha "Yo'l xaritasi" ishlab chiqildi, unda viloyatlar markazlari, Nukus va Toshkent shaharlarida 2020-2022 yillarda yangi quriladigan kurash mahorat sport maktablarining manzilli ro'yxati negizida 2030 yilga qadar kurashni ommalashtirish bo'yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlarni baholash mezonlari tasdiqlandi. "Yo'l xaritasi"da belgilangan chora-tadbirlarni amalga oshirish va baholash mezonlariga erishishning pirovard maqsadi kurashni Xalqaro olimpiya qo'mitasi tomonidan olimpiya sport turi sifatida tan olinishiga hamda kelgusida Xalqaro olimpiya o'yinlari dasturiga kiritilishiga erishish deb e'tirof etildi.

Kurash gilami — bu milliy sportimizning dunyodagi ramzi ham. Shu bois, xalqaro miqyosdagi musobaqalarni o'tkazish va federatsiyalarga gilam yetkazib berish uchun Germaniya bilan kelishuv olib boryapmiz. Chunki biz dunyodagi boshqa sport turlaridan kam bo'lishimiz kerak emas. Tatamini ko'rgan kishi bu yerda dzyudo bilan shug'ullanilishini darhol biladi. O'zbekistonning ramziy ranglari aks etgan gilamni ko'rganlar ham o'zbek milliy kurashini ko'z oldiga keltirishi kerak. Shu bois, gilamlarimiz juda mukammal va sifatli bo'lishi suv va havodek zarur.

Kurash zamonaviy sport turi sifatida xalqaro miqyosda tan olingandan keyin 1998 yili Toshkentda Xalqaro kurash assotsiatsiyasi ta'sis qilingan edi. O'shandan buyon "GAISF — Global Association of International Sports Federations" tashkilotiga a'zo bo'lish harakatidamiz. Hatto bu tashkilot rahbarini O'zbekistonga taklif qildik. U keldi. 2001 yili Shveytsariyaning Tsyurix shahrida a'zolik uchun hujjat ham topshirgan edik. Bir qadam qolgan edi. Ba'zi sabablarga ko'ra o'tolmadik. Lekin bizning sportimiz tashkilotning barcha talablariga javob beradi va shunga haqli. Hozir O'zbekistonda sportga bo'lgan munosabat tubdan o'zgargan, muhit yangilangan, ochiqlik ruhida harakat qilyapmiz. Shu ma'noda, biz maqsadimizga tez orada, albatta, erishamiz.

To'g'ri, Angliyada, Gretsiyada, Eronda, Braziliyada, Turkiyada, Fransiyada o'tkazilayotgan xalqaro turnirlar va musobaqalar to'xtab qoldi. Bunga asosiy sabab - moddiy ta'minot. Sir emas, xoh yurtimizda, xoh chet elda bo'lsin, har bir turnir juda katta tashkiliy ish va mablag' talab qiladi.

Oddiy misol, bitta farzandimizga to'y qilish uchun qancha tayyorgarlik ko'ramiz. O'zbek kurashining boshqa bir mamlakatda to'yini o'tkazish tashvishini aytmasak ham bo'ladi. Buning uchun mas'ul tashkilot rahbariyati bir yoqadan bosh chiqarib, har bir musobaqa uchun qanchalik harakat qilishi kerak. Homiylar jalb qilish, chet ellik rahbarlar bilan diplomatik munosabatlarga kirishish oson kechadigan jarayon emas. Shunchaki o'tmasligi kerak bunaqa turnirlar. Millat va vatan sha'ni turibdi uning negizida, axir. Prezidentimiz qarorida bu kabi musobaqalarni qayta tiklab, yanada ommaviyaroq o'tkazish ko'zda tutilgan. Xudo xohlasa, chet mamlakatlarda, xususan, Nyu-York, Parij, Rim, Tokio kabi dunyo xalqlari nigohidagi yirik poytaxt shaharlarda Prezident sovrini uchun xalqaro turnirlar o'tkazamiz.

Buning uchun ta'minot ham bo'ladi. Shu tariqa kurashni jahon durdonasiga aylantiramiz. Bu yo'lda, avvalo, o'zimiz, har birimiz milliy sportimizni bilishimiz, sevishimiz, ardoqlashimiz kerak. Uning kelajagi uchun kurashimiz, o'g'il-qizlarimizga o'rgatishimiz zarur, degan masala qo'yilyapti qarorda sport, turizm yo'nalishlarida xalqaro miqyosda taniqli ommaviy axborot vositalari bilan ham tig'iz hamkorlikni yo'lga qo'yamiz.

O'ttiz yildirki, milliy kurashimizni dunyoga tanitish borasida ishlab kelyapmiz. Mustaqillik yillarida ham kurashimizni rivojlantirish uchun imkon qadar harakatlar bo'ldi. Lekin keyingi yillardagidek e'tiborni ko'rmagan edik. Bu sa'y-harakatlar, tashabbuslar yangi O'zbekistonimizning bugungi islohotlariga mos va monand kechmoqda. Shunga munosib bo'lamiz.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2020 yil 4 noyabrda "Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ,-4881-son Qarori 18 varaq
2. A.Q. Atoev O'smir va yoshlarni kurashga o'rgatishning metod va vositalari Toshkent "O'qituvchi" 1987-yil 189 varaq
3. H.Bobobekov, M.Sodiqov, Z.Ro'zieva "O'zbek kurashi dovrig'i" Toshkent "Ibn Sino" 2002-yil 236 varaq
4. Hayitov Olimjon Toshovich, Jusipbekov Serik Qidirbaevich, Xudoybergenov Javlonbek Soatboy o'g'li "Kurash-bebaho qadriyat" Toshkent "Ilm-Ziyo" 185 varaq
5. Mirzaqulov Sh.A. "Belbog'li kurash nazariyasi va uslubi" Toshkent
Клиник амалиётда когнитив бузилишлардан безовталаниб мурожаат қилган инсонлар унутувчанлик, диққатни жамлашнинг қийинлиги, ақлий қобилиятнинг пасайиши, шунингдек интеллектуал меҳнат пайтида чарчоқнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолатларни акс эттирган. Кўп ҳолларда тиббиёт ходимлари, хусусан, ташхис қўйувчи врач, санаб ўтилган когнитив функциялардаги ўзгаришларни бемор эмас, балки унинг яқинлари томонидан билдирилган муносабатлар натижаси эканлигини таъкидлаганлар. Когнитив бузилишга дуч келган беморларнинг даволанишида унинг аломатларини диагностикаси бирламчи ҳисобланади. Бундай ҳолларда диагностика учун когнитив бузилиш ҳавф омиллари, яъни қарилик ва кексалик ёши, оилавий тарихидаги касаллик аломатларининг мавжудлиги, қон томирлари, қандли диабет, қориндаги ортиқча семизлик ва айниқса, омилларнинг ўзаро уйғунликдаги ҳолати мавжудлиги ҳақидаги маълумот муҳим ҳисса қўшиши мумкин [1, 2, 3,9,11,15].

Замонавий тиббиёт муаммоларига бағишланган таҳлилий маълумотларда когнитив бузилишлардан бири деменция юзасидан фактлар тақдим этилади. Ушбу таҳлилий маълумотга кўра бугунги кунда дунёда деярли 50 миллион одамда деменция касаллиги кузатилган ва ҳар йили ушбу касалликнинг 10 миллионга яқин янги ҳолатлари қайд этилган. Мутахассисларнинг фикрича, 2030 йилга келиб деменция касаллигига чалинганлар сони икки баробар, 2050 йилга келиб эса уч баравар кўпаяди ва 130 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Деменцияли беморлар даволаш ва парваришlash катта ҳаражатларни талаб қилади ва уларнинг кейинги ўсиши тенденцияси мавжуд.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар когнитив функциялар диагностикаси мазкур муаммо юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар учун муҳимлигидан далолат беради. Бизнинг тадқиқотимизга қадар когнитив бузилишлар диагностикасини амалга ошириш борасидаги изланишлар кўплаб ўтказилган. Уларда когнитив бузилишларнинг тиббий ва клиник диагностика воситалари ҳақида тўхталган жиҳатлари қайд этилган. Тадқиқотларда когнитив бузилишларнинг нейрпсихологик текширувида қўлланиладиган Мини-Ког (англ. Mini-Cog) тести, Психик статусни баҳолаш қисқа шкаласи (Mini-mental State Examination, MMSE), Енгил когнитив бузилишлар скрининги учун мўлжалланган Когнитив баҳолаш Монреал шкаласи (Montreal Cognitive Assessment, MoCA), Скрининг когнитив шкаласининг IQCODE сўровномаси (Informant Questionnaire on Cognitive Decline in the Elderly), ADL сўровномаси (Activity in Daily Living — “ҳар кунлик ҳаётдаги фаоллик”) каби методикалар тафсилотланган. Бизнинг тадқиқотимизда эса мазкур баҳолаш шкалалари ва сўровномаларига мос тарзда когнитив функциялар ва уларнинг бузилиш диагностикасига доир психодиагностика методикаларининг татбиқий хусусиятларини ёритишдан иборат эди. Когнитив функцияларнинг диагностикаси учун қўлланиладиган методикаларни таснифлашда тушунчанинг таркибий тузилмасига таянилди. Натижада когнитив функциялар клиник диагностикаси учун бир қатор методикаларнинг саралаш имкониятига эга бўлинди.

Хотира муаммолари кўплаб омилар томонидан қўзғатилиши мумкин. Энг кенг тарқалган сабаб-бу кундалик психоэмоционал стресс, хавотирнинг кучайиши, жисмоний безовталиқ туфайли келиб чиқадиган астеник синдром. Хотира функцияларининг аниқ пасайишининг патологик асоси Марказий асаб тизимининг органик касалликлари ва ақлий патологиялардир [5,6,7,10].

Фикрлаш бузилиши-бу воқеликни билвосита ва умумлаштирилган билиш, ҳукм ва хулосаларни шакллантириш жараёнининг бузилишларини бирлаштирган патофизиологик аломатлар гуруҳи. Улар фикрлаш жараёни динамикасининг бузилиши – тафаккур операцияларининг тезлашиши ёки секинлашиши, шунингдек унинг мақсадга мувофиқлигини бузилиши – узилиш, фикрлар хилма-хиллиги, теранлик ва мулоҳазалиликдаги номувофиқлик билан намоён бўлади. Самарали аломатларга обсессив фикрлар, алданишлар ва ўта қимматли гоёлар қиради. Махсус диагностика патофизиологик тестлар ёрдамида амалга оширилади [4,13,17].

Рухий касалликлар деярли ҳар доим диққат бузилишларини ўз ичига олади ва иккинчиси жуда хилма-хил бўлиб, ўз навбатида хотира, фикрлаш ва бошқа ақлий жараёнларнинг иккиламчи оғишларига олиб келиши мумкин [3,11,15].

Мазкур йўналишлардаги методикалар психик билиш жараёнларининг психодиагностикаси билан клиник психометрика мақсадларида қўлланилганлиги билан аҳамиятлидир. Улар қуйидаги тартибда тизимлаштирилди. Тизимга киритилган методикаларнинг амалиётда татбиқи, уларнинг психометрик мезонларга мувофиқлиги, мутахассисларнинг бундан хабардорлик даражасидан иборат мезонларга таянган ҳолда таҳлил этилди.

1-жадвал. Когнитив функциялар психодиагностикаси методикалари

№	Методикаларни татбиқ этилиш йўналиши ва номлари	Клиник диагностика	Психологик диагностика
I	Хотирани тадқиқ этиш методикалари		
1.1.	<i>Эшитиш хотираси тадқиқ этиши</i>		
1.1.1	10 та сўзни ёд олиш	3-4 марта эшитгандан сўнгра эсга олиб қолиш меъёр ҳисобланади. Агар белгиланган синон натижасига кўра меъёрдаги ҳолат кузатилмаса эшитиш хотирасида бузилиш мавжудлиги қайд этилади.	Соғлом инсонларда 9+1 тарзда эсда сақлаб қолиш меъёр ҳисобланади.
1.2	<i>Кўриш хотирасини тадқиқ этиши</i>		
1.2.1	Рақамларни эсга олиб қолиш	12 та рақам 20 секунд ичида намоён этилади. Клиник психодиагностикада катта ёшдагилар учун мўлжалланган меъёр кўрсаткичга етмаганда кўриш хотирасида бузилиш бор ёки ривожланган даражаси меъёрдан қуйи деган хулосани беради	Катта ёшдагилар учун 7 та, ундан юқори миқдордаги рақамларни эсда сақлаб қолиш меъёр ҳисобланади.
1.2.2.	Образли хотира тести	12 та образ 20 секунд ичида намоён этилади. Клиник психодиагностикада катта ёшдагилар учун мўлжалланган меъёр кўрсаткичга етмаганда кўриш хотирасида бузилиш бор ёки ривожланган даражаси, меъёрдан қуйи деган хулосани беради	Катта ёшдагилар учун 6 та, ундан юқори миқдордаги образларни эсда сақлаб қолиш меъёр ҳисобланади
1.2.3.	Бентоннинг кўриш ретенцияси тести	10 та стимул материал мавжуд. Миянинг органик бузилишига нисбатан шубҳаланиш ва унинг даражасини ўрганиш учун нейро-психологик ва патофизиологик текширишларда фойдаланилади, шунингдек методика Альцгеймер ва Пик касалликларда, лакунар деменциянинг симптомларини кузатилишини аниқлашда фойдаланилади.	Кўриш хотираси диагностикаси учун фойдаланилади. Тестдан амалиётда инсон интеллект даражалари билан муносабатлари меъёри аниқланган.
II	<i>Диққатнинг тадқиқ этиш методикалари</i>		
2.1	Ҳисоблаш методикаси (Крепелин бўйича)	Тест клиник диагностикада бир қатор касалликлар, ҳар хил нерв-психик касаллик билан оғриган беморларга хос хусусиятлар: бош миянинг органик касалланганлиги (травма, кон-томир касалликлари, яллиғланиш, шиш борлиги), неврозлар, апато-абулия синдромли шизофрения билан оғриган беморларда диққатни ўрганиш учун мўлжалланган. Тестнинг катта ёшдагилар ва болалар учун	8 та қатордан иборат рақамлар жуфтигидан фойдаланилади. Тестнинг татбиқ этиш учун синалувчидан 2 дақиқага яқин вақт талаб этилади. Тест инсоннинг ишга лаёқатлилиқ даражаси, толиқиш даражасини диққат хусусиятларини ўрганиш учун мўлжалланган

		мўлжалланган шакллари мавжуд.	
2.2.	Корректур синови	Диққатнинг концентрацияси ва барқарорлигини, толиққанликни ўрганади. Тестнинг катта ёшдагилар ва болалар учун мўлжалланган шакллари мавжуд. Тестнинг клиник текширувларда қўллашда унинг меъёрий кўрсаткичлари белгиловчи рол ўйнайди.	Диққатни жамлаш ва барқарорлик даражасини ўрганиш. Тестнинг тавсифи. Тест тасодикий жойлаштирилган ҳарфлар (рақамлар, рақамлар) қаторлари бўлган махсус шакллар ёрдамида амалга оширилади. Талаба матнни ёки шаклни сатрма-сатр кўриб чиқади ва маълум ҳарфлар ёки белгиларни кесиб ўтади.
2.3	Шулте методикаси	Кўз ташлаш ҳаракати, мўлжал-излаш, психик темп, диққат ҳажми тадқиқ этилади. Ўз навбатида инсоннинг ишга қобилиятлик даражасини аниқлаш тадқиқотларида ҳам фойдаланади. Тиббий диагностикада меъёр 25-30 секунд ҳисобланади.	Психологияда Шулте жадваллари ва уларнинг модификациялари (Араб-Рим рақамлари билан Шулте-Платонов, икки рангли Шулте-Горбова (рақамлар, ҳужайра фонлари ва уларнинг комбинацияси) синалувчини чалғитиш, алмаштириш, тақсимлаш, диққатни жамлашни ўрганиш учун фойдаланилади.
2.4	Диққат концентрациясини баҳолаш учун Торонт сўровномаси	Охирги ҳафтадаги диққат концентрациясини баҳолаш учун мўлжалланган. Клиник психометрика мақсадида фойдаланилади.	Психологик тадқиқотда кам учратади.
III	Тафаккур тадқиқот методикалари		
3.1	Тушунчаларни ўчириш	Тафаккурнинг структуравий бузилишини аниқлашга мўлжалланган. Олигофрени, ақли пастлик, эпилепсия, травмалар бузилишларни аниқлайди.	Тафаккур хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган.
3.2	Оддий аналогия	Тафаккурдаги патопсихологик ўзгаришларни ўрганишга мўлжалланган. Тиббий диагностика учун қўшимча усул сифатида фойдаланилади. Тафаккурдаги бузилишларни органик синдромли касалликларда ўрганади.	Тафаккур операцияларини ўрганиш билан бир қаторда турли касб-ҳуанр соҳасида фаолият олиб боровчи муатхассислар тафаккурида аналогиянинг аҳамиятини тадқиқ этишда фойдаланилади.
3.3	Мураккаб аналогия	Тафаккурдаги патопсихологик ўзгаришларни ўрганишга мўлжалланган. Тиббий диагностика учун қўшимча усул сифатида фойдаланилади. Тафаккурдаги бузилишларни органик синдромли касалликларда ўрганади.	Тафаккур операцияси ўрганиш билан бир қаторда турли касб-ҳуанр соҳасида фаолият олиб боровчи муатхассислар тафаккурида аналогиянинг аҳамиятини тадқиқ этишда фойдаланилади.
3.4	Мухим белгиларини ажратиш кўрсатиш	Тестда концепцияни аниқлаш учун объект ёки ҳодисанинг бир қатор хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларнинг энг муҳимларини ажратиш лозим. Таърифнинг аниқлик даражаси маълум бир объект ёки ҳодисани тавсифлаш учун танланган хусусиятларга боғлиқ	
3.5	“Сонлар қатори қонуниятлари” методикаси	Тест субъектнинг объектлар ёки ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини ажратиш қобилиятини очиқ беради. Мухим бўлмаган, иккиламчи хусусиятларини ажратиш, табиатда бир хил бўлган бир қатор вазифаларнинг мавжудлиги аниқлашга имкон беради. Тадқиқот учун махсус шакл ишлатилади ёки экспериментатор мавзуга доир вазифаларни тақдим этади. Кўрсатмалар олдиндан берилади.	Тафаккурнинг мантикий жиҳатларини ўрганишга мўлжалланган
3.6	Сўзлар матнидаги тушириб қолдирилганларини топиш	Тестнинг моҳияти нутқни деформациялашни ўрганиш учун тақдим этилади. Деформация гапнинг айрим таркибий қисмидагиларни	Тест нутқнинг индивидуал хусусиятларини, нутқ ривожланишининг умумий даражасини ва синалувчиарнинг

		ташлаб юборишдан иборат.	танкидий фикрлаш даражасини аниқлашга имкон беради.
3.7.	Классификациялар	Услуг умумлаштириш ва мавхумлаштириш жараёнининг даражаси ва хусусиятини, ҳукмлар кетма-кетлигини ўрганиш учун ишлатилади. Бу шизофренияда фикрлаш бузилишларини аниқлашнинг диагностик муҳим усулларидан биридир. Тадқиқот давомида беморнинг тажриба ҳолатига ва вазифанинг табиатига муносабати аниқланади, қарорнинг тўғрилигига бўлган ишончи ёки ноаниқлиги, ҳатолағи муносабати — уларни ўзи сезадими ёки маслаҳатдан кейинми, қилинган ҳатоларни тузатадими ёки уларни ҳимоя қиладими.	Усул умумлаштириш ва мавхумлаштириш жараёнларини ўрганиш учун ишлатилади, шунингдек таҳлил қилиш имконини беради, ҳулосалар, танкидийлик ва ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, хотира хусусиятлари, диққат ҳажми ва барқарорлиги, беморларнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларига шахсий реакциялари инobatга олинади.

Когнитив функцияларнинг бузилиши ва унинг даволаш чора-тадбирларни белгилашда клиник психометрика методикаларининг аҳамияти юқори. Тадқиқотимиз доирасида ўрганилган ва таҳлил этилган методикаларнинг тизимлаштиришдан асосий мақсад тиббиёт ходимлари фаолиятида тиббий тадбирлар самарадорлигини оширишда психология фани имкониятларидан фойдаланиш муҳимлигини таъминлашдан иборат эди.

Таҳлилий ўрганишларга кўра қуйидаги ҳулосаларга келинди:

1. Когнитив функцияларнинг меъёрда кечиши инсон саломатлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли когнитив функциялар ҳолатини баҳолаш учун психометрика талабларига жавоб берувчи диагностика воситаларига доимий равишда эҳтиёж мавжуд.

2. Когнитив функциялардаги бузилишларни етарлича баҳолашда жаҳон фани тажрибаларида синалган диагностика методикаларининг тўлиқ тафсилотини ҳисобга олган ҳолда амалиётда жорий этиш мумкин.

3. Маҳаллий шароитлар учун когнитив функциялар диагностикасида зарур методикаларнинг йўналиши ва хусусиятларига кўра татбиқ этишни тизимлаштириш керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Боголепова А.Н. Постинсультные когнитивные нарушения и возможности их коррекции // Медицинский совет. – 2015. – № 5. – С. 24–27.
2. Вахнина Н.В. Когнитивные нарушения при артериальной гипертензии // Медицинский совет. – 2015. – № 5. – С. 34–39.
3. Вахнина Н.В. Современные подходы к диагностике и лечению деменции // Справочник поликлинического врача. – 2014. – № 4. – С. 49–53.
4. Жмуров В.А. — Внимание. Нарушения внимания//Введение в клиническую психиатрию, 2009 //https://www.psychiatric-center.ru/biblioteka-kliniki/vvedenie-v-klinicheskuyu/vnimanie-narusheniya-vnimaniya.
5. Клиническая психометрика: учебное пособие / В. А. Солдаткин, А. И. Ковалев, М. Н. Крючкова [и др.]; ФГБОУ ВО РостГМУ Минздрава России, кафедра психиатрии, наркологии и медицинской психологии. – Ростов-на-Дону: Изд-во РостГМУ, 2020. – 352 с.
6. Мелибаева, Р. (2021). Тиббий психодиагностиканинг методологик муаммолари.
7. Мелибаева, Р. Н. (2018). ИЗ ИСТОРИИ ВОПРОСА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ МЫШЛЕНИЯ В ТРУДАХ ПСИХОЛОГОВ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION* (pp. 125-127).
8. Мелибаева, Р., & Абдиназарова, И. (2020). Тиббий психодиагностика: муаммо, мулоҳаза ва ечимлар.
9. Мелибаева, Р. (2020). О диалектическом характере процесса становления личности студента.
10. Нарметова, Ю. К. (2016, July). ОСОБЕННОСТИ ПСИХОКОРРЕКЦИОННОЙ РАБОТЫ С БЕРЕМЕННЫМИ ЖЕНЩИНАМИ. In *Контактная информация организационного комитета конференции* (p. 35).
11. Нарметова, Ю. К. (2015). Социально-психологический механизм организации психологических услуг в медицинских учреждениях (на примере больных с онкологическими заболеваниями). *Школа будущего*, (3), 148-153.
12. Нарметова, Ю. (2016). Тиббиёт муассасаларида психологик диагностика ишларини ташкил этишга тизимли ёндашув. *Scienceweb academic papers collection*.
13. Nuraliyevich, N. A. (2022). TIBBIYOT XODIMLARINING KASBIY IDENTIFIKATSIYASINI O‘ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 6-9.
14. Бекмиров Т. Р. ПОНЯТИЯ НЕВРОЗА В ПСИХОЛОГИИ И ИХ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 90-93.
15. Atakhanova, N. E., Abdinazarova, I. S. K., & Tursunova, N. I. (2021). Modern Methods of Early Detection of Endometrial Cancer on the Example of “Pipelle” Urogenital Probe. *International Journal of Pharmaceutical and Bio Medical Science*, 1(5), 38-42.
16. Akhmedova, M., Narmetova, Y., & Alisherov, B. (2021). Catigories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurance of conflicts between medical personnel.
17. Melibaeva, R. N. (2021). Status and Prospects of Medical Psycho-Diagnostics in Uzbekistan. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(12), 555-565.

Когнитив функциялар бузилишлари психодиагностикаси
Мелибаева Р. Н. Тошкент тиббиёт академияси

Резюме. Мақола когнитив бузилишлар муаммоси ва уларнинг психодиагностикаси ҳамда даволаш чора-тадбирларни белгилашда клиник психометрика методикаларининг аҳамияти тўғрисидаги материаллар таҳлиliga бағишланган. Бундан ташқари мақолада мазкур йўналишлардаги методикалар когнитив жараёнларнинг психодиагностикаси билан клиник психометрика мақсадларида қўлланишда тиббиёт ходимлари фаолиятида тиббий тадбирлар самарадорлигини оширишда психология фани имкониятларидан фойдаланиш ҳамда маҳаллий шароитдаги эҳтиёжларни инобатга олиб тизимлаштиришга асосий эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: когнитив функциялар, когнитив бузилишлар, тиббий психодиагностика, психоневрологик касалликлар, нейропсихологик, деменция, стресс, клиник психометрика, методика.

Психодиагностика когнитивной дисфункции.

Мелибаева Р. Н. Тошкентская медицинская академия.

Резюме. Статья посвящена анализу материалов по проблеме когнитивных расстройств и их психодиагностике, а также значению клинико-психометрических методов в определении лечебных мероприятий. Кроме того, в статье акцентируется внимание на использовании психологии в повышении эффективности работы медицинского персонала, а также применении в медицине методов психодиагностики когнитивных процессов и клинической психометрии, в последующем систематизацией с учетом потребностей местных условий.

Ключевые слова: когнитивные функции, когнитивные расстройства, медицинская психодиагностика, психоневрологические заболевания, нейропсихология, деменция, стресс, клиническая психометрия, методика.

Psychodiagnostics of cognitive dysfunction

Melibaeva R. N. Tashkent Medical Academy

Summari: The article is devoted to the analysis of materials on the problem of cognitive disorders and their psychodiagnostics, as well as the importance of clinical and psychometric methods in determining therapeutic measures. In addition, the article focuses on the use of psychology in improving the efficiency of medical personnel, as well as the use of methods of psychodiagnostics of cognitive processes and clinical psychometry in medicine, followed by systematization taking into account the needs of local conditions.

Keywords: cognitive functions, cognitive disorders, medical psychodiagnostics, neuropsychological diseases, neuropsychology, dementia, stress, clinical psychometry, methodology.

ТАДБИРКОР ШАХСИГА ХОС ТИЗИМЛИ-ХАРАКТЕРИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАР ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Халимова М. В.

Андижон давлат университети

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, такомиллаштириш юзасидан хорижий андозаларнинг ўзига хос хусусияти, мазкур фаолиятни мамлакат аҳолиси орасида кенг ёйишга ҳамда оммавийлигига эришишга ички интилишнинг юқорилигидадир. Биринчидан, ушбу омиллар ва (ёки) механизмлар таъсирида давлат (ҳукумат)нинг ўз фуқаролари олдидаги масъулиятини қуйидагича тушунтириш мумкин. Яъни, бунда давлат (ҳукумат)нинг устувор сиёсати керак бўлса жамият аъзоларидан ҳар бирининг ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, уларнинг иқтисодий фаоллигини, хусусий (зарурий ҳолларда шахсий) манфаатдорлигини оширишга, ўзига тўқ иқтисодий мавқега эга бўлишга ва (ёки) бойишига хизмат қиладиган кенг қўламли, тўлиқ ва қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилганлиги билан тавсифланади.

Иккинчидан, қайта алоқа тарзида, тадбиркорлар қатламининг – ушбу шарт-шароитларни яратиб берган давлат (ҳукумат)нинг ва (ёки) бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблигини шакллантирувчи истеъмолчининг олдида турган “шахсий масъулияти” ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда психология фанидан маълум бўлган тадбиркор шахсидаги муҳим характериологик хусусиятлар нафақат, тадбиркорлик фаолиятидаги муносабатларга, ўзини ўзи банд қилиш мотивациясига, бозорнинг бошқа иштирокчиларига, балки, муносабатлар бошқарувида ҳам бевосита таъсирини ўтказиши.

Хорижий психологлардан (Э. Кречмер, У. Шелдон ва бошқалар) характерологик хусусиятларни асосан ўзлари илгари сурган назариялари доирасида кўриб чиқишган бўлиб, таҳлиллар чет эл психологиясида шахс характерининг табиатини тушунтирувчи консенсус мавжуд эмаслигини кўрсатади. Лекин рус ва ўзбек психология мактаби намояндalари: П.Ф. Лесгафт, К.Д. Ушинский, А.Ф. Лазурский, В.Н. Мяснишева, К.К. Платонов, М.Г. Давлетшин, Э.Ф. Ғозиев, П.С. Эргашев, К.Б. Қодиров, А.И. Расулов ва бошқаларнинг изланишларида шахс характери муаммоси муҳим ўрин тутди.[1]

Фикримизча, рус ва ўзбек психолог олимларининг характер муаммоси ҳақидаги илмий қарашларига асосланиб, унинг тадбиркор шахсиятидаги ўзига хос қуйидаги хусусиятларини назарий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, характер – бу тадбиркор шахсиятининг энг аниқ ва барқарор саналадиган индивидуал хусусиятидир;

иккинчидан, характер ҳар қандай тадбиркор шахсиятидаги хулқ-атвори ва танланган тадбиркорлик фаолияти мазмунини белгилаб беради;

учинчидан, характер тадбиркорнинг теварак-атрофдаги воқеийликка, яъни бозор иқтисодиёти жараёнидаги “тадбиркор-истеъмолчи” диадаси муносабатини акс эттириб, муайян ўзгаришлар (ҳаётий) шароитида эмоционал жавоб бериш усулининг моҳиятини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот ишимизнинг ушбу босқичида Е.Л. Касьяник, Е.С. Макееваларнинг “Шахснинг тизимли-характерологик муносабатларини экспресс-диагностикаси

сўровномаси” (5-иловага қаранг) билан Андижон (168 нафар, шундан 101 нафари аёл), Фарғона (149 нафар, шундан 82 нафари аёл), Наманган (149 нафар, шундан 78 нафари аёл) вилоятларида истикомат қилаётган, ўзини ўзи банд қилиш билан машғул бўлган жами 466 нафар якка тадбиркорга мурожаат қилинди. Синалувчиларнинг 205 нафари эркакларни, 261 нафари аёлларни ташкил қилади [2].

1-жадвал. Ўзини ўзи банд қилиш билан машғул бўлган тадбиркорлар шахсиятидаги тизимли-характерологик муносабатлар кўриниши (ўртача арифметик қиймат) (n=466)

	Ижобий психологик хусусиятлар	Шкалалар								Салбий психологик хусусиятлар	X
	Андишали									Беандиша	2,143
	Қатъиятли									Қатъиятсиз	3,786
	Раҳмдил									Раҳмсиз	3,929
	Ташкилотчи									Эътиборсиз (лоқайд)	2,500
	Меҳнатсевар									Дангаса	2,500
	Ўзини назорат қилувчи									Эгоист (ўзини яхши кўрувчи)	4,000
	Ташаббускор									Лоқайд	2,429
	Альтруизм									Эгоизм	4,214
	Ўзига ишонч									Ишончсиз (ўзига нисбатан)	2,214
	Тартибли									Тартибсиз	2,714
	Тежамкор									Исрофгарчи	3,857
	Эҳтиёжларга нисбатан тежамкор									Бойлик ортиришга нисбатан интилувчи	3,714

Манба: муаллиф тадқиқотлари

Сўровномадан йўриқномага мувофиқ, тадбиркорлардаги характернинг психологик тузилмасини танланган тадбиркорлик фаолияти кесимида, ихтисослик шаклида очиб бериш учун фойдаландик. Синалувчилар якка тадбиркорлик фаолиятида зарур бўладиган психологик хусусиятларни ижобийдан салбийга олиб борувчи етти баллик шкала бўйича баҳолаб беришди. Синалувчилар томонидан 12 жуфт хусусиятнинг етти баллик шкала асосида баҳоланган натижаларни ўртачаси чиқарилди ҳамда тадбиркорлар характеридаги устувор йўналганлик траекторияси шакллантирилди (1-жадвалга қаранг).


Синалувчиларимиз, асосан, ўзини ўзи банд қилиш билан машғул, тадбиркор (жисмоний шахс)лар саналишиб, уларнинг меҳнат фаолияти кўринишлари бўйича таҳлили куйидагича:

- 41 нафар уйда репетиторлик қилувчилар (Rep);
- 13 нафар фуқароларнинг дала-хавли ва томорқа участкалари ландшафтини барпо этувчилар (Lan);
- 28 нафар жисмоний шахслар компьютерларини таъмирловчи ва созловчи, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатувчилар (Kom);
- 21 нафар жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювувчи, автомобиллар кузовларини силлиқловчилар (Avt);
- 30 нафар шахсий транспортдан фойдаланиб, жисмоний шахсларга товарларни етказиб берувчилар (Tov);
- 54 нафар деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчилар (Boz);
- 17 нафар сартарошлик, маникюр, педикюр хизматларини кўрсатувчилар (Sar);
- 47 нафар тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирловчи, аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереяси буюмларини тикувчилар (Tik);
- 29 нафар якка тартибда дераза ва эшик пардаларини тикувчи ва таъмирловчи, каштачилар (Par);
- 33 нафар бижутерия ва жевакларни тайёрловчи ва таъмирловчилар (Bij);
- 42 нафар қадоклаш ускуналарида фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрловчи ва сотувчилар (Qan);
- 50 нафар миллий нон ва патирларни тайёрловчи ва сотувчилар (Non);
- 50 нафар гуллар ва декоратив дарахтлар етиштирувчи ва сотувчилар (Gul);
- 11 нафар номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лапар) асровчи ва улардан фойдаланувчи (Dor) якка тадбиркор-шахслар.

Тадбиркор шахсининг тизимли-характерологик муносабатлари ва коммуникатив компетентлигини ижтимоий психологиясини тушунтиришда биз синалувчиларнинг:

- инсонларга нисбатан;
- ишга нисбатан;
- ўз-ўзига нисбатан;

- нарса(буюм)ларга нисбатан муносабатлари позициясига ажратиб таҳлил қилдик (4.1-расмга қаранг).



4.1-расм. Синалувчиларнинг тизимли-характерологик муносабатларга нисбатан йўналганлик кўрсаткичлари (n=466)

Аниқланилишича, 1-тоифага мансуб 41 нафар (Rep) уйда репетиторлик қилувчи синалувчилар характерида инсонларга (10 балл) ва ишга (9 балл) нисбатан ўртача даражали муносабат устуворлик қилса-да, аммо ўзига (6 балл) ва нарса-буюмларга (7 балл) нисбатан паст даражадаги муносабатни кўриш мумкин (4.1-расмга қаранг).

Синалувчиларимизнинг 2-тоифаси саналган 13 нафар (Lan) ландшафтчилар характерида эса инсонларга (10 балл), ўзига (11 балл) ва нарса-буюмларга (12 балл) нисбатан ўртача даражали муносабат устуворлик қилади. Лекин ландшафтчиларнинг ишга нисбатан паст даражадаги муносабатини тадқиқотнинг кутилмаган натижаси сифатида қайд этиш мумкин. Бунга сабаб сифатида водий меҳнат бозорида ушбу тадбиркорлик турига нисбатан рақобат муҳитининг деярли йўқлигидир. Шундай бўлса-да бу тоифа синалувчилар қарашлари билан 1-тоифа респондентлар жавоблари ўртасида муҳим ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги ксирини (r=0,300; p≤0,05) (4.2-жадвалга қаранг).

3-тоифага мансуб 28 нафар (Kom) компьютерларни таъмирловчи, созловчи, дастурий таъминот ўрнатувчилар характерида ишга (17 балл), ўзига (14 балл) ва нарса-буюмларга (15 балл) нисбатан юқори даражали муносабатни кузатиш мумкин. Лекин компьютерчиларнинг инсонларга нисбатан ўртача (9 балл) даражадаги муносабатини тадқиқотнинг кутилган натижаси сифатида қараш мумкин. Чунки, “инсон-техника” муносабатлари асосида қурилган мазкур тадбиркорлик фаолиятида бундай кўрсаткич норма ҳисобланади. Шунингдек, натижалар мазкур тоифа синалувчилар фикри билан 1-тоифа респондентлар қарашлари ўртасида сезиларли корреляцион боғлиқлик борлигидан далолат беради (r=0,489; p≤0,01) (4.2-жадвалга қаранг).

4-тоифага мансуб 21 нафар (Avt) автомобилларни ювувчи ва (ёки) автомобиллар кузовларини силлиқловчи уста-тадбиркорлар характерида инсонларга (14 балл), ишга (14 балл), ўзига (16 балл) ва нарса-буюмларга (13 балл) нисбатан баланд даражали муносабатни кузатишимиз мумкин. Бунга сабаб сифатида 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 3 896 393 киши яшайдиган Фарғона вилояти, 3 253 501 киши истиқомат қилаётган Андижон вилояти ва 2 931 066 киши умргузаронлик этаётган Наманган вилоятининг ҳар биридаги меҳнат бозорида ушбу тадбиркорлик турига нисбатан кескин рақобат муҳитининг шаклланганлигидир (4.1-расмга қаранг). Мазкур тоифа синалувчиларнинг танлови 1-тоифа респондентлар танлови билан сезиларли корреляцион боғлиқликни кўрсатса-да (r=0,516; p≤0,01), тадбиркорлик фаолиятида индивидуал ёндашувни талаб этадиган 2-тоифа тадбиркорлар қарашлари билан муҳим корреляцион боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди (r=0,387; p≤0,05) (4.2-жадвалга қаранг).

5-тоифага мансуб респондентлар, яъни 30 нафар (Tov) товарларни етказиб берувчи якка тадбиркорлар характерида инсонларга (10 балл), ишга (8 балл), ўзига (10 балл) ва нарса-буюмларга (10 балл) нисбатан ўртача даражали муносабат аниқланди. Шунингдек, натижалар 1-, 2-тоифа синалувчилар танлови билан ҳам муҳим корреляцион боғлиқликда эканлигини кўрсатади (мос равишда, r=0,272; p≤0,05, r=0,320; p≤0,05) (4.2-жадвалга қаранг). Ушбу ҳолат синалувчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати олдиндан режалаштирилган траектория бўйлаб кечиши, ҳар қандай “олди-берди” муносабатлари аввалдан “ишлаб чиқарувчи-буюртмачи” диадаси мулоқот контекстида келишилиб, фаолият тизимлилик асосида ташкил этилиши орқали изоҳланади.

6-тоифага мансуб респондент-тадбиркорлар, 54 нафар (Boz) чакана савдогарлар характерида устуворлик худди 4-тоифа синалувчиларнинг натижаларига айнан ўхшашдир. Жумладан, инсонларга (14 балл), ишга (19 балл), ўзига (13 балл) ва нарса-буюмларга (14 балл) нисбатан баланд даражали муносабатни шохиди бўлиш мумкин. Бунга сабаб сифатида 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 10 080 960 киши яшайдиган Фарғона водийсида [4] деҳқон бозорида ушбу тадбиркорлик турига нисбатан шаклланган носоғлом рақобат муҳити синалувчилар характерида ана шундай мобиликни талаб этади. Умуман олганда, изланишларимизда қўлга

киритилган натижалар Т.М. Ньюкомб томонидан таклиф этилган назарияга мос келиб, танланган тадбиркорлик фаолиятида мулоқотнинг ижтимоий ролини яна бир бор ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб беради. Бу эса турли тоифали синалувчилар гуруҳига хос ўзаро муносабатларда симметрияга эришиш орқали ижтимоий мувозанат ва (ёки) ижтимоий тизимдаги барқарорликни сақлаш мумкин деган хулосани келтириб чиқаради.[5]

АДАБИЁТЛАР

1. Бутаева У.А. Психологик етукликнинг ижтимоий-психологик асослари: Психол. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD)... дис. автореферати: 19.00.01. – Тошкент: ЎЗМУ, 2019. – 54 б.
2. Веблен Т.Б. Теория праздного класса: экономическое исследование институций. / Пер. с англ. Софья Сорокина. – Москва: Прогресс, 1984. – 368 с.
3. Гавра Д. Основы теории коммуникации: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2011. – С. 288.
4. Гегель, Г.В.Ф. Сочинения: в 14 томах / Г.В.Ф. Гегель; под ред. М.Б. Митина; пер. с нем. Б.Г. Стоппнер. – Репр. изд. 1939 г. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2018. – Том 6. Наука логики. Том 2. – 463 с.
5. Гоббс Т. Сочинения в 2 т. Т. 2 / Сост., ред., авт. примеч. В.В. Соколов; Пер. с лат. и англ. – Москва: Мысль, 1991. – 731 с.

Тадбиркор шахсига хос тизимли-характериологик хусусиятлар ва коммуникатив компетентликнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари

Халимова М. В. Андижон давлат университети

Резюме. Мазкур мақолада, тадбиркорлик фаолиятидаги муносабатларга, ўзини ўзи банд қилиш мотивациясига, бозорнинг бошқа иштирокчиларига, балки, муносабатлар бошқаруви ҳам бевосита таъсирини ўтказиши ёритилган.

Калит сўзлар: шахсий масъулияти, тадбиркорлик фаолияти, муносабатлар бошқаруви, тадбиркор-истеъмолчи, касбий мотивация.

Системно-характеристические черты личности предпринимателя и социально-психологические аспекты коммуникативной компетентности

Халимова М. В. Андижанский государственный университет

Резюме. В данной статье рассматривается прямое влияние на предпринимательские отношения, мотивацию самозанятости, других участников рынка и даже управление взаимоотношениями.

Ключевые слова: личная ответственность, предпринимательская деятельность, управление взаимоотношениями, предприниматель-потребитель, профессиональная мотивация.

System-characteristic personality traits of an entrepreneur and socio-psychological aspects of communicative competence
Khalimova M. V. Andijan State University

Summary. This article discusses the direct impact on entrepreneurial relationships, self-employment motivation, other market participants, and even relationship management.

Key words: personal responsibility, entrepreneurial activity, relationship management, entrepreneur-consumer, professional motivation.

ОҚИВ-ШИНИЎИВ ТОВАРЛАРИДА ЖАС БАСКЕТБОЛШИЛАРДИН АРНАВЛИ КЎШ ТАЙАРЛИГИНИНГ ЎЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

Мамбетжумайев Т. Т.

Ўзбекистон мамлекетлик дene тарбия ҳам спорт университети Нокис филиали

Кирисив. Заманавий basketbol texnikaliq ham taktikaliq hareketlerdin tez orinlaw menen xarakterlenedi ham sportshidan qisqa vaqt ishinde bulshiq etlerdin maksimal darejede is alip barivn talap etedi. Xaliq araliq arenalarda basketboldin rawajlaniv tendencyasinin analizi soni kórsetedi, bellesiwe, jaris iskerliginin bekkemligi artip baratirganligi sonin menen birge basketbolshilardin arnavli kúsh tayarligi joqari darejede asqanligin kórsetedi. Maman basketbolshilar ushin arnavli kúsh tayarligi áhmiyeti sózsiz, sebebi texnikaliq ham taktikaliq uqip darejesi jane de artivi onin fizikalig tayarliginin potencialina tiykarlanadi. Kóplegen qanigelerdin izertlewlerinde [1, 2, 3, 4, 8, 9] sportshilardin uliwma fizikalig ham arnavli tezlik-kúsh tayarligi darejesin asiw basketbol shiniqlarinin qurallari esabinan payda boladi dep kórsetedi, yaqniy, tayarliq processinde har qiyli ham kóp kólemdegi texnikaliq ham taktikaliq hareketlerdi oinlawdan kelip shigadi. Biraq, tek bul shiniqlar qurallardan paydalanip jaña texnikaliq hareketlerdi uyreniv processin tezletiv ushin kerekli bolgan fizikalig sipatlardi maqsetli rawajlandiriv toliq, kerekli bolgan natijje bermeydi desek duris boladi. Bul jaqdayda, eger arnavli kúsh bagdari boyinsha koncentraciyalangan quramali tayarliqt qollanbasaq, ol jaqdayda basketbolshilardin texnikaliq ham taktikaliq sheberligin asiriv processinde tezlik-kúsh sipatlarinin rawajlaniv darejesi sezilerli darejede óspeydi.

Sportshinin jaris iskerligin ayriqsha qasiyetlerin esapqa algan halda arnavli kúsh tayarlaw qurallarinnan maqsetli paydalaniv, oqiv-shiniqlar toparlari maman jas basketbolshilardi tayarlaw procesin qurivdin zárur shartlerinen biri bolip tabiladi. Bul izertlewдин aktualigim, kórsetilgen basketbolshilardin qabiletlerin maqsetli turde asiriv boyinsha ilimiy tiykarlangan usinislardin joq ekenligi belgileydi. Jas rezerv oyinshilardi sapali tayarlamastan, zamanagoy basketbolda joqari sport natijyelerine erisiv mumkin emes. Har qanday basketbol komandasinin, sonin ishinde jaslar komandasinin natijyesi tiykarinan ush faktor menen belgilenedi: oyinshilardin texnikaliq uqip, taktikasi ham har bir oyinshinin uliwma jaqdayi (fizikalig, ruwxiy-shidamlilig, psixologiyaliq ham basqalar).

Joqarı texnikalıq hám taktik tárepten maman oyınshı fizikalıq tayarlıǵı tomen bolǵan jaǵdayda, óz sheberligin hesh qashan tolıq kórsete almaydı, sebebi ol toptı kem iyeleydi hám maydanshada tomen tezlikte háreket qıladı. Oyında bulshıq et kúshi hám tezliginiń joqarı dárejeli kórinisi basketbolshınıń texnikalıq hám taktik arsenalın tolıq ámelge asırıwǵa imkaniyat jaratadı.

Ádebiyatlar dereklerin úyrenip shıǵıwda hám oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń sport tayarlıqlar tajiriybesin talqılawda olardıń arnawlı kúsh tayarlawdı basqarıw máseleleri tolıq úyrenilmegeni dárek beredi. Zamanagóy metodikalıq hám ilimiy ádebiyatlarda úlken jastaǵı basketbolshılarda tezlik-kúsh sıpatların rawajlandırıw metodikası tolıqıraq islep shıǵılǵan. Sonıń menen birge, ilimiy izertlewdiń ámeldegi nátiyjeleri hám metodikalıq usınıslardı jas hám jası úlkenler organizmleri arasındǵı ayırmashılıqlardı esapqa almaǵan halda xarakterin ulıwmalastırıp berilgen. Sonıń arasında, jas basketbolshılardıń úlken jastaǵılardı qaraǵanda hálisizlew hám olarda arnawlı kúsh sıpatlarınıń rawajlanıwı ayırıqsha ózgesheliklerine iye. Kóplegen basketbol qánigeleriniń pikirine kóre, oqıw-shınıǵıw toparlarındaǵı jas basketbolshılardıń jası arnawlı kúsh qábiiletlerin rawajlandırıw ushın eń maqul túsetuǵın waqıtı bolıp tabıladı. Sol sebepli bul jastaǵı basketbolshılarda arnawlı kúsh sıpatların sapalı rawajlandırıw wazıypaların sheshiw zárúrli áhmiyetke iye hám birinshi nawbette turadı.

Sońǵı jıllarda jergilikli hám shet el jetekshi qánigeler tárepinen basketbolshılardı tayarlaw boyınsha alıp barılǵan izertlewler sonı kórsetedi, oqıw-shınıǵıw topardaǵı jas oyınshılardı arnawlı kúsh tayarlıq sistemasında uqıplıq penen qollanılatuǵın shınıǵıwlar jaraqatlanıw múmkinshiligini sezilerli dárejede azaytadı hám olardıń keleshekte sport nátiyjeligin ósiwine járdem beredi.

Házirgi waqıtta jas basketbolshılardıń arnawlı kúsh tayarlıqta quralardan paydalanıw boyınsha eki pozitsiya bar. Bir qatar qánigelerdiń pikirinshe, jas basketbolshılardıń arnawlı kúsh tayarlıǵı shınıǵıwları tek top penen islenetuǵın shınıǵıwları óz ishine aladı, al basqaları bolsa, shınıǵıwlarında iskerliktiń bir bóleklerin topsız orınlaw kerek dep esaplaydı.

Biz keyingi pikirdi qollap-quwatlaymız, sebebi kóplegen jas oyınshılar arnawlı kúsh shınıǵıwlarında, ásirese tezlik hám háreketshen qábiiletin rawajlandırıwǵa qaratılǵan shınıǵıwları orınlawda, olardıń itibarı tek ǵana topqa boladı hám sol sebepli fizikalıq múmkinshiliklerin tolıq ámelge asıralmaydı hám rawajlanbaydı.

Joqarıdaǵınıń barlıǵı biziń izertlewimizdiń aktualıǵı hám baǵdardıń tańlawın belgileydi.

Izertlew jumısınıń maqseti - oqıw-shınıǵıw toparlarındaǵı jas basketbolshılardıń arnawlı kúsh tayarlıǵın rawajlandırıw ushın arnawlı shınıǵıwlar kompleksi tásinin úyrenip shıǵıw.

Eksperiment barısında tómendegi wazıypalar aldımızǵa qoyıldı:

1. Oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh dinamikası kórsetkishlerin anıqlaw.

2. Oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh tayarlıqlarınıń rawajlanıw dárejesine arnawlı shınıǵıwlar komplekstin tásinin úyreniw.

Izertlew usılları: Instrumental izertlew usılları retinde universal dinamo grafik stend qollanıldı.

Izertlewde kúsh hám tezlik-kúsh kórsetkishleriniń rawajlanıw dárejesiniń qásiyetleri jazıp alındı [5, 6, 7]:

Fmax (kg) – portlawshı izometrik rejimde bulshıq etlerdiń maksimal portlawshı kústiniń ólshem birligi.

J - izometrik rejimde bulshıq etlerdiń portlawshı kúshin xarakterleytuǵın koeffitsiyenti, portlawshı kúsh – bul qısqa waqıt ishinde úlken ólshem birliklerin paydalanıw qábileti.

Portlawshı kúshin bahalawda tezlik-kúsh indeksinen paydalanıwımız múmkin: **J = Fmax / tmax (kg / s);**

Q - baslanǵısh kúshi - bunda bulshıq etlerdiń kernewi dáslepki jaǵdayda jumıs iskerligi tez rawajlanıw qabiletiniń xarakteristikası. Izometrik rejimde bulshıq etlerdiń tezlandırıwshı kúshin xarakterleytuǵın koeffitsiyenti **Q = 0,5 Fmax / t1(kg/s)** formulası menen anıqlaytuǵın edik; bunda **0,5 Fmax** – portlawshı iskerliginiń maksimal ólshem birliginiń yarımı (kg); **t1** – baslanǵısh iskerlikke erisiw waqıtı (s).

G – tezlandırıwshı kúsh – bunda bulshıq etlerdiń qısqarıwdı baslawda iskerlik háreketin tez rawajlandırıw qabiletini. Izometrik rejimde bulshıq etlerdiń tezlandırıwshı kúshin xarakterleytuǵın koeffitsiyenti **G = Fmax / tmax – t1(kg/s)** formulası menen anıqlanadı.

Iskerlik háreketi arnawlı islep shıǵılǵan kompyuter baǵdarlaması «Sportshılardıń kúsh kórsetkishlerin analizlew baǵdarlaması» járdeminde islep shıǵıldı. Bul baǵdarlama Ózbekstan Respublikası Adıllık ministrliğine qarashlı intellektual mülk agentligi tárepinen DGU 09227 sanı menen dizimge alıńǵan.

Oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń arnawlı kúsh sıpatların rawajlandırıwdı izertlew ushın tómendegi shınıǵıwları islep shıǵıldı hám sol shınıǵıwlardan paydalanıw baǵdarlaması dúzildi. Baǵdarlama sekiriwshenlikti jetilistiriwge qaratılǵan, koncentracıyalanǵan joqarı effektlik júklemege iye hám aldınnan jaqsı tayarlıqtı talap etedi. Baǵdarlama bes háptege mólsherlengen bolıp, háptesine úsh shınıǵıwlar seansın óz ishine aladı. Jámi onbes seans.

1-kún: shtanga menen otırıw turıw (30-35%) 2x3

shtanga menen sekiriw (5-10%) 2x8

2-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 4x10

3-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,40 m.) 4x10

4-kún: shtanga menen otırıw turıw (30-35%) 1x3

gırya menen sekiriw (6 kg.) 1x10

oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

5-kún: gırya menen sekiriw (8 kg.) 2x10

oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

6-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,40 m.) 4x10

7-kún: shtanga menen otırıp turiw (30-35%) 2x2

giry menen sekiriw (32 kg.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

8-kún: shtanga menen otırıp turiw (30-35%) 2x2

giry menen sekiriw (6 kg.) 2x10

oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

9-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,40 m.) 4x10

10-kún: shtanga menen otırıp turiw (30-35%) 1x2

shtanga menen sekiriw (5-10%) 2x10

Seriya 3 márte qaytalanadı.

11-kún: giry menen sekiriw (8 kg.) 2x10

oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

12-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,40 m.) 4x10

13-kún: shtanga menen otırıp turiw (30-35%) 1x2

shtanga menen sekiriw (5-10%) 2x10

Seriya 3 márte qaytalanadı.

14-kún: shtanga menen sekiriw (5-10%) 2x10

giry menen sekiriw (6 kg.) 2x10

Seriya 2 márte qaytalanadı.

15-kún: oyıqlıqqa sekiriw (0,30 m.) 2x10

oyıqlıqqa sekiriw (0,40 m.) 2x10

Joqarıdağı «Sekiriwshenlikti» rawajlandırıwǵa qaratılǵan baǵdarlamadan paydalanıwda tómendegilerdi esapqa alıw kerek:

1. Sportshı bul baǵdarlamaǵa jaqsı tayarlanǵan bolıw kerek. Aldinnan sekiriw shınıǵıwların hám shtanga menen islenetuǵın shınıǵıwları belgili bir muǵdarda islew kerek hám oyıqqa sekiriw texnikasın durıs biliwi zárúr.

2. Bir shınıǵıw sabaǵında sekiriwshenlikti rawajlandırıwshı ayırım shınıǵıw seansları basqa jumıs penen birigiw múmkin (texnikalıq elementlerin immitaciya qılıw, dene hám iyin buwınların shınıqtırıw h.t.b.), biraq, ol qatań rawishte qosımsha emes tiykarǵı orında bolıw kerek.

Pedagogikalıq eksperiment dawamında qadaǵalaw toparında oqıw-shınıǵıw sabaqları tastıyıqlanǵan jıllıq reje tiykarında ótkerildi.

Izertlew nátiyjeleri.

Analiz nátiyjesinen kelip shıǵıp, pedagogikalıq eksperiment basında tájiriye toparındaǵı jas basketbolshılardıń anıq statistikalıq ayırmashılıqları menen úyrenilip atırǵan kórsetkishler izertlew parametrleri ($P > 0,05$) arasında parqı kórinbedi, biraq, tájiriye toparındaǵı jas basketbolshılardıń eki kórsetkishleri (J hám G) da orta ólshemleriniń joqarı kórsetkishleri gúzetildi.

Tájiriye toparındaǵı jas basketbolshılardan alınǵan keyingi maǵlıwmatlardan kelip shıǵıp **Fmax - 76,6±4,2; J - 80,6±18,9; Q - 77,3±14,5; G - 69,5±11,4**, hám qadaǵalaw toparındaǵı jas basketbolshılarda **Fmax - 77,2±4,1; J - 78,2±19,1; Q - 74,2±12,5; G - 68,2±11,5**, sonı kórsetedi, pedagogikalıq eksperiment basındajas basketbolshılardan tájiriye toparına fizikalıq tayarlıq dárejesi birdey bolǵanlardı tańlap alındı.

Pedagogikalıq eksperiment juwmaǵında biz tájiriye toparlardıń kúsh hám tezlik-kúsh tayarlıǵı parametrlerin salıstırıwiy analiz islendi. Biz pedagogikalıq eksperiment nátiyjesinde tájiriye toparındaǵı jas basketbolshılarda tómendegi tárepten anıq statistikalıq ayırmashılıqlardı anıqladık: **Fmax - 93, 3 ± 5, 4; J - 89, 6 ± 12, 1; Q - 97, 1 ± 9, 6; G - 74, 4 ± 13, 1**, sonıń menen birge qadaǵalaw toparındaǵı jas basketbolshılarda **Fmax - 78, 8 ± 3, 2; J - 79, 6 ± 11, 7; Q - 76, 2 ± 13, 4; G - 69, 4 ± 8, 3**.

Barlıq parametrlerde ayırım ózgerisler júz berdi, $P < 0,01$ kereklik dárejesinde bolsa, haqıyqıy statistikalıq ayırmashılıqlar barlıq úyrenilgen tórt kórsetkishlerde gúzetildi.

Izertlew nátiyjelerin talqılaw. Islep shıǵılǵan metodikanıń natiyjeliligin anıqlaw ushın pedagogikalıq eksperiment arqalı tájiriye toparı nátiyjeleri menen qadaǵalaw toparında alınǵan maǵlıwmatlar menen salıstırıw bolıp tabıladı hám sol pedagogikalıq eksperimentinde bizler bir waqıt ishinde eki topardı gúzetip bardıq.

Sonday etip, pedagogikalıq eksperimentinde alınǵan materiallar nátiyjesinde ótkerilgen statistikalıq analizi sonı dálileydi, arnawlı saylanǵan shınıǵıwlardan paydalanǵan halda, shınıǵıw toparları jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh sıpatların rawajlandırıw boyınsha biz tárepten islep shıqqan metodikadıń abzallıǵınan dárek beredi. Eksperimental toparındaǵı jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh sıpatların jetilistiriw ushın islep shıǵılǵan metodologiyası, basqa, jas basketbolshılardıń dástúriy boyınsha shuǵıllanıp atırǵan sistemasınan sezilerli ústinlikti anıqladık. Izertlew nátiyjeleri sonı kórsetdi, tiykarǵı oqıw baǵdarlamasın oqıw processı natiyjeliligin asırıwǵa qaratılǵan

arnawli fizikalıq shınıǵıwlar menen toltırıw kerek hám oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh tayarlıǵı dárejesin asırıwdıń eń nátiyjeli quralı bolıp tabıladı.

Juwmagı: 1. Ótkerilgen izertlewler oqıw-shınıǵıw toparlarındaǵı jas basketbolshılardıń kúsh hám tezlik-kúsh kórsetkishleri dinamikasın anıqlaw imkaniyatın berdi. Sonday etip, eksperiment dáwirinde úyrenilgen kórsetkishlerdiń sezilerli ósiwi anıqlandı. $P < 0,01$ áhmiyetli dárejesi boyınsha barlıq úyrenilgen kórsetkishler eksperimental toparınıń jas basketbolshılardıń haqıqıy statistikalıq ayırmashılıqlar gúzetildi.

2. Eksperiment dáwirinde qadaǵalaw toparında úyrenilip atırǵan kórsetkishler áhmiyetli ósim anıqlanbaı. Biraq, qadaǵalaw toparındaǵı jas basketbolshılardıń ($P > 0,05$) kórsetkishlerinde haqıqıy statistikalıq ayırmashılıqlar joq.

3. Izertlew nátiyjeleri sonı kórsetdi, tiykargı oqıw baǵdarlamasına qosımsha túrde arnawli fizikalıq shınıǵıwlar paydalanıwda, oqıw-shınıǵıw toparlardaǵı jas basketbolshılardıń oqıw-shınıǵıw processı nátiyjeliligini asırıwǵa járdem beredi hám olardıń texnikalıq hám taktikalıq tayarlıq boyınsha bilim dárejesin asırıwdıń nátiyjeli quralı bolıp tabıladı.

ÁDEBIYATLAR

1. Bondarchuk A.P. Osnovi silovoy podgotovki v sporte. M.: Sport, 2019. - 224 s.
2. Bompá T, Buccichelli K. Periodizaciya sportivnoy trenirovki. M.- Sport, 2016-384 s.
3. Verxoshanskiy Yu.V. Programmirovaniye i organizaciya trenirovochnogo processa. M.- Sport, 2019. - 184 s.
4. Verxoshanskiy Yu.V. Osnovi specialnoy fizicheskoy podgotovki sportsmenov. M.: Fizkultura i sport. 1988. - 332 s.
5. Goncharova O.V. Kontrolno-normativnye trebovaniya fizicheskoy podgotovki sportsmenov. Tashkent: ITA -press. 2018. - 320 s.
6. Goncharova O.V. Basketbol. Uchebnoye posobiye. Tashkent: ITA -press. 2018. - 164 s.
7. Kerimov F.A. Nauchnie issledovaniya v sporte. Tashkent: ITA -press. 2018. - 316 s.
8. Kerimov F.A., Goncharova O.V. Osnovi fizicheskoy podgotovki yunnix sportsmenov. Tashkent: ITA -press. 2018. - 188 s.
9. Platonov V.N. Dvigatelnye kachestva i fizicheskaya podgotovka sportsmenov. -M.: Sport, 2019. - 656 s.

Rezyume. Maqolada o'quv-mashq guruhları yosh basketbolchilarining o'rganilayotgan sifatlarining rivojlanishi nazorat qilish uchun universal dynamo grafik stend yordamida maxsus kuch tayyorlashni rivojlantirish uchun maxsus mashqlar majmuasidan foydalanish xususiyatlari ko'rib chiqilgan. Olingan ma'lumotlar o'quv-mashq guruhları yosh basketbolchilari ortasida kuch tayyorlashning rivojlanish parametrlarini aniqlash imkonini berdi.

Резюме. В работе рассматриваются особенности применения специального комплекса упражнений для развития специальной силовой подготовки юных баскетболистов учебно-тренировочных групп с использованием в своей работе для мониторинга развития изучаемых качеств универсальный динамо графический стенд. Полученные данные позволили определить параметры развития силовой подготовки юных баскетболистов учебно-тренировочных групп.

Resume. The paper examines the features of the use of a special set of exercises for the development of special strength training of young basketball players of educational-training groups using a universal dynamo graphic stand in their work to monitor the development of the studied qualities. The obtained data made it possible to determine the parameters of the development of strength training among young basketball players of educational-training groups.

Kalit so'zlar: basketbol, kuch va tezlik-kuch mashqlari, mashqlar majmuasi.

Ключевые слова: баскетбол, силовая и скоростно-силовая подготовка, комплекс упражнений.

Key words: basketball, strength and speed- strength training, a set of exercises.

Annotaciya. Maqalada oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń arnawli kúsh tayarlıǵın rawajlandırıw ushın arnawli shınıǵıwlar kompleksinen paydalanıw qásiyetleri kórip shıǵıladı. Bul ilimiy jumista úyrenilip atırǵan pazıyletlerdiń rawajlanıwın baqlaw monitoringgi ushın universal dinamo-grafik stendtan paydalanıldı. Alınǵan maǵlıwmatlar oqıw-shınıǵıw toparlarında jas basketbolshılardıń arnawli kúsh tayarlıǵınıń rawajlanıw parametrlerin anıqlawǵa imkaniyatın berdi.

Gilt sózler. Basketbol, kúsh hám tezlik-kúsh tayarlıǵı, shınıǵıwlar kompleksi.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Хожаметов А. А.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали

Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, у ижтимоий тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Юқори даражада ривожланган ишлаб чиқаришга асосланган мавжуд ижтимоий шароит жисмонан бақувват, ишлаб чиқариш жараёнида юқори унум билан ишлашга кодир, қийинчиликлардан чўчимайдиган, шунингдек, ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлган ёш авлодни тарбиялаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат: ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жисмоний ривожлантириш; ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш; уларнинг табиий ҳаракатчанлигини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш; ўқувчиларни ҳаракатнинг янги турларига ўргатиш; уларнинг иродавий сифатлари (куч, чакқонлик, уқувлилик ва бошқалар)ни ривожлантириш; ўқувчиларнинг гигиеник кўникмаларини ривожлантириш; уларда маънавий-ахлоқий сифатлар (дадиллик, қатъиятlilik, интизомlilik, масъулиятlilik, жамоа билан ишлаш)ни тарбиялаш; ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий ва мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш; ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига эришиш.

Мустақиллик туфайли жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни [1,2], ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3], “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида”ги Қарорлари [4] ва шу соҳага оид бошқа концептуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ва жисмоний тарбия ва спортга алоҳида урғу берилиши юқорида қайд этилган фикрларнинг ифодасидир. Сўнгги даврларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганлиги, минглаб халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг барча ҳудудларида энг нуфузли халқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу ҳужжатларнинг амалий тасдиғидур. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, тажрибали, маҳоратли рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъдодли захираларни етиштириш билан боғлиқдир [6].

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида спорт фаолияти жараёни олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга юқори талабларни қўяди. Жисмоний тарбияни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлаб мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний тарбия таълим муассасаларида ўқитилиши зарур бўлган, унинг ўқитилиш жараёни йўлга қўйилган фанлардан бири саналади. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ташкил этилувчи жисмоний машғулотлар жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини таъминловчи қўшимча тадбир ҳисобланади. Жисмоний тарбия тарбиянинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам боғланган ҳамда улар билан биргаликда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш вазифаларини ҳал этади. Эстетик тарбиянинг мақсади ҳамда вазифалари табиат ва атроф- муҳитдаги гўзалликларни тўғри қабул қилиш, уни тўғри тушуниш ва уни қадрлаб билиш, шу тариқа ўз турмушини чиройли ташкиллаштириш, турмушнинг чиройли тарафларини кўра билиш, гўзал ҳаёт кечириш учун курашишни ўргатиш ҳисобланади. Ота-баболаримиз қадимдан гўзаллик шайдоси бўлганлар ва меҳнат орқали бахтли умр кечирганлар. Жамият фаровон ҳаёт кечириши унга халқнинг мардонавор, меҳнати, яхши хулқ-атвори, табиатининг гўзаллиги, куй ва қўшиқ, санъат зўр шодлик, ўзгача лаззат, куч-ғайрат ато этади.

Эстетик тарбия санъатдаги, табиатдаги, бизни қуршаб турган ҳаёт воқелигидаги гўзаллик воситалари асосида тарбиялаш усули бўлиб, жаҳон педагогикасида улар инсонни гармоник тарбиялаш воситаларидан бири деб ҳисобланиб келинган. Эстетик тарбиянинг асосий вазифаси табиатдаги, санъатдаги, ҳаётдаги гўзалликни қабул қила олиш, тушуниш қобилиятини тарбиялаш, фаҳмлашдан, гўзалликка риоя қилишга одатлантиришдан иборат. Эстетик тарбия давомида бола ҳаётдаги гўзалликни тушунади, гўзалликни муҳофаза қилишга, ўзи ҳам гўзаллик яратишга интилади.

Умар Ҳайём гўзаллик, унинг хосияти хусусида фикр юритиб, шундай дейди: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юзнинг ўрнини босолмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг кела олмайди. Айтадиларку, гўзал юз дунёда саодат сабабчиси» [5]. Эстетик тарбия ўқувчиларда ахлокий қиёфа, ижобий хулқ-атвор нормаларини таркиб топтиришга, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эттиришга таъсир қилади.

Кейинги йилликларда замонавий спортда яшариш жараёни юзага келмоқда. Машғулотлар жараёнига кўпроқ ёш спортчиларнинг жалб қилиниши спорт соҳасидаги мутахассисларга катта масъулият юклайди. Хотин-қизлар спортини ривожлантиришда ҳам аёл мураббийларимиз жуда катта ўрин эгаллайдилар.

Ҳозирда Республикамиз ҳудудларида аёл мураббийларнинг камлиги қилинаётган тадқиқот ишимизнинг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Чунончи жисмоний тарбия - умумий тарбиянинг бир тури бўлиб, унинг асл мазмуни ҳаракатларга ўргатиш ва инсоннинг жисмоний сифатларини тарбиялашдан иборат.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат иқтидорли спортчиларни тайёрлаш учун, балки соғлом генофондни таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши даркор. Юртбошимиз айтганидек: “Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг келажагини барпо этади”. Демак оммавий спорт, айниқса, хотин-қизлар спортини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий ва технологик асосларини яратиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хотин-қизлар спортини ривожлантириш суръатини жадаллаштириш, айниқса, кишлоқ ҳудудларида ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ҳамда уларнинг мунтазам шуғулланишларига шароит яратиш, умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган истикболли режа вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш каби долзарб масалаларни Давлат умуммиллий дастурига киритиш истикбола қилиниши зарур бўлган масалаларни глобал миқёсда самарали ҳал қилиш имкониятларини очиб беради. Шу билан бир қаторда болалар, ўқувчи ёшлар ва хотин-қизлар спортини тўғри ташкил қилиш, улар организмни ривожлантириш, уларнинг ҳар бир жисмоний сифат ва функционал имкониятларини, ўзига хос сенситив даврларини эътиборга олиш зарурлиги билан боғлиқдир.

Қорақалпоғистонда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи мураббий хотин-қизлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама камол топган инсонлар қилиб тарбиялашда жисмоний ва эстетик тарбиялашда спортнинг аҳамиятига катта эътибор берилди. Бу ҳақда ҳукуматимиз томонидан қатор муҳим қарорлар қабул

қилинди. Натижада мамлакатимизда спортнинг барча турлари кенг қўламда ривожланди, халқимизнинг истеъдодли фарзандлари жаҳон бўйлаб ўз имкониятларини намойён этдилар. Қўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқди, улар мамлакат шаънини дунё микёсида мустақкам туриб ҳимоя қилдилар. Бундай ютуқларга эришишда мамлакатимиз таълим муассасаларида самарали ишлар олиб бораётган педагогларимизнинг ўрни катта бўлди. Айни пайтда педагог-олимларимиз томонидан спортни ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлиги нафақат уларнинг узлуксизлиги ва мунтазамлиги билан балки у машғулотлар ҳажми, муддати ва таъсир этиш қиймати билан ҳам белгиланади. Бинобарин, хотин-қизлар спортида аёл тренер-ўқитувчиларнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш ва уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиш ва шу шароит самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган моддий, ҳуқуқий, меъёрий ва ташкилий омиллар таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, хотин-қизлар спортини ривожлантириш фақатгина масаланинг моддий -техник жиҳатлари билангина белгиланмайди, балки ёш авлодни глобал микёсда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, машғулотларни миллий асосда ташкиллаштириш ва уларнинг спорт маҳоратларининг фундаментал бўлиши аёл мураббийлар тайёргарлигининг самарали шаклланиши даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Буюк олим, табобат оламининг етук вакили Абу Али ибн Сино “Дунёда ҳеч бир нарса инсон саломатлигига жисмоний ҳаракатдек ижобий таъсир эта олмайди” деган эди. Миллат генофондининг тозаллиги ва соғлигини таъминлаш мақсадида Хотин-қизларни оммавий равишда спортга жалб этиш тизимини яратиш, ўтказилаётган спорт мусобақаларида қизлар иштирокини таъминлаш ва уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, маҳаллаларда, мактабгача таълим муассасаларида ва бошқа соҳа вакиллари орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг жадал олиб борилиши натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ҳамда спорт тадбирларида иштирок этаётган хотин-қизлар сони кундан-кунга қўпайиб бормоқда. Жумладан, шахар ва туманларда аёллар ўртасида мусобақалар ўтказиш ҳам анъана тусига кирган. Бу ҳол жойларда хотин-қизлар спортини янада оммавийлаштиришга ёрдам бермоқда. Минглаб хотин-қизлар ўз маҳоратларини ошириш ва намойён қилиш баробарида, соғлиқларини ҳам мустақкамлашмоқда. Баркамол ва кўркам авлодлар бўлиб етишишмоқда. Бунинг ҳаммаси юртбошимизнинг спорт соҳасида, айниқса, хотин-қизлар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришдаги ташаббускорликлари билан бўлаётгани қалбларни гурур ва ифтихорга тўлдиряпти. Ўзбекистонда хотин-қизлар спортининг ривожланиши, спортчи қизларимизга бўлаётган ғамхўрлик, уларнинг спортдаги ютуқларини элга машҳур қилиш ва спорт инсон ҳаётида жисмоний етуқлик, соғломлик, имон-этиқодлилиқ, билимлилик, юксак маънавиятлилик, мардлик ва жасурлик, ватанпарварлик каби хислатларга тарбиялаши мумкинлиги эътиборга олинган. Қизларимизни спорт ва жисмоний тарбияга кенгроқ жалб этиш эвазига 2019-йил 16-17-июнь кўнлари Россия мамлакатининг Красноярск шаҳрида ўтказилган спортнинг дзюдо тури бўйича халқаро турнирда Муратбаева Гулнур 48 кг вазн тоифасида I-ўринни ва Ермағанбетова Нилуфар 57 кг вазн тоифасида III-ўринни қўлга киритган бўлсалар, Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Дайбекова Зайнаб 2018-йил 24-февраль 4-март кунлари Дубай шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида “Осиё чемпионати”да III-ўринни, 2018-йил Қиличбозлик бўйича Тайланд давлати Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ва қизлар ўртасида «Осиё кадет цикл доирасида-2018» турнирида II-ўринни, 2019-йил 16-17-ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўсмир қизлар ўртасида Қиличбозлик спортининг сабля йўналиши бўйича “Жаҳон кубоги”да I-ўринни эгаллади. “2019-йилнинг 19-март куни Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни санъат, маданият, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси ва маданиятини шакллантириш, навқирон авлод ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг бешта муҳим ташаббусида, яъни бешинчи ташаббусда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари назарда тутилади ҳамда аёлларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу эса барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиш йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг янада ошишига хизмат қилади [7].

Жаҳонда ҳозирги вақтда спортда ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш асосида уларнинг саломатлигини мустақкамлаш, соғлом турмуш тарзига одатлантириш ва ижтимоийлаштириш ҳамда спорт мусобақалари ёрдамида муайян халқ ва мамлакатни жаҳонга танитиш, уларнинг ютуқларини тарғиб қилиш воситаси сифатида эътироф этилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги 1992 йил 14 январ. Ўзбекистон Республикаси қонуни.// Халқ сўзи 1992 йил 15 январ,-1-2 б.
2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги(янги таҳрири) 2015 йил 4 сентябр. Ўзбекистон Республикаси қонуни.// Халқ сўзи 2015 йил 5 сентябр.
3. “Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.// Халқ сўзи 1999 йил 27 май,-2 б.

4. “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябр қарори.// Халқ сўзи 2003 йил 5 ноябр, -4 б.
5. Умар Хайём. Наврузнома. Тошкент. 1990
6. Каримов И.А. “Универсиада-2000” спорт анжумани қатнашчиларига йўлаган табрик сўзи// Туркистон.-2000.- 25 май,- 7 б.
7. Мирзиёев Ш.М. бошчилигида 2019-йилнинг 19- март куни ўтказилган видеоселектор маърузаси.
<http://kun.uz/news/2019/03/20/>

Жисмоний тарбия ва спорт ўқувчи-қизларнинг жисмоний-эстетик маданиятини такомиллаштиришдаги роли

Резюме: Ушбу мақолада хотин-қизлар спортининг ривожланиши, давлат дастурларининг амалга оширилиши, ўқувчи-қизларни спортга жалб қилиш, уларнинг оммавий спорт турлари билан мунтазам шугулланиши учун зарур шароит яратиш ва ривожлантиришнинг узига хосликлари ҳамда эстетик тарбиялаш ҳақида сўз этилади.

Калит сўзи: Хотин-қизлар спорти, давлат дастури, соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия, эстетик тарбия.

Роль физического воспитания и спорта в повышении физико-эстетической культуры школьников-девушек

Резюме: В данной статье рассматривается развитие женского спорта, реализация государственных программ, привлечение студенческой молодежи к занятиям спортом, создание необходимых условий для их регулярного участия в популярных видах спорта и особенности развития и эстетического воспитания.

Ключевые слова: Женский спорт, государственная программа, Здоровый образ жизни, физкультура, эстетическое воспитание.

The role of physical education and sports in improving the physical-aesthetic culture of schoolchildren-girls

Resume: This article discusses the development of women's sports, the implementation of state programs, the involvement of students in sports, the creation of the necessary conditions for their regular participation in popular sports and the features of development and aesthetic education.

Key words: Women's sport, state program, healthy posture, physical education, aesthetic education.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАЪЛИМГА ОИД ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕЗОНЛАРИ

Алибеков Д., Абдурасулова Л.

Жиззах давлат педагогика институти

Таълим тизими таълим ва тарбиянинг ўзаро боғланган ва моҳиятан бир-бирини тўлдириб борадиган хусусиятларни ўз ичига олиб, таълимнинг ижтимоий мазмуни, бугунги куни ва истиқболлини белгилаб берадиган ташкилий-ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этади. Таълим жараёни ижтимоий ҳаёт, атроф-муҳит, табиат ва жамият билан доимий ўзаро алоқадорликда бўлиб, улар ўртасидаги умумий муносабатларни моҳияти ва бирлигини таъминлаш учун ўз имкониятларига эга бўлган ижтимоий макон ва очик тизимдир. Таълим тизими инсон тараққиётини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тамойиллар ва комплекс хусусиятларни ўз ичига олиб, инсон такомиллигини табиат ва жамият билан боғлиқ жиҳатларини умумий қонуниятлари асосида фаол ва доимий ҳаракатдаги ижтимоий воқелиқдир.

Жамиятда таълим тизимини изчил ва барқарор тарзда мавжуд бўлиши у билан боғлиқ халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг мукамал тарзда қабул қилинганлиги билан боғлиқдир. Инсоннинг таълим олиши билан боғлиқ ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда халқаро миқёсда 1966 йилда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Пакт муҳим аҳамиятга эга. Пактда фуқароларнинг таълим соҳасига дахлдор ҳуқуқлари белгиланган. “Пактда меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, меҳнат учун адолатли иш ҳақи олиш; касбаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан холи бўлиш, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқлари эътироф этилган”[1]. Пактга биноан таълим - инсон шахсининг такомилга етиши ва ўзининг кадр-қимматини тўла ва беками-қўст англашига қўмаклашиши ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурматни мустаҳкамлаши лозим.

Билим олиш ҳуқуқининг халқаро умумэътироф этилган нормалари бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзига хос тарзда ратификация ва имплементация қилинган. Жамиятимиз миллий ҳуқуқий нормаларида фуқароларнинг таълим олиш билан боғлиқ ҳуқуқлари тўлиқ ўзининг ифодасини топган. Таълим олиш билан боғлиқ мазкур ҳуқуқий тамойиллар мамлакатимизда инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос ижтимоий қадриятга айланган. Билим олиш ҳуқуқи Конституциямизда қуйидаги асосларда ифодаланган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”[2].

Таълим тизими олдида жамият стратегик тараққиёти учун концептуал аҳамиятга эга бўлган вазифалар ва мақсадлар қўйилади. Давлат қонунчилик асосларидан келиб чиқиб, таълим тизими ва унинг инфратузималарини ривожлантириш эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилади. Таълим тизимини ҳуқуқий тамойиллари ва ривожланиш истиқболлари жаҳон тараққиёти жараёнлари, замонавий технологиялар, илм-фан, маданият соҳасидаги ютуқлар ва янгиланишлар билан биргаликда белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур омиллар уйғунлиги мавжуд бўлиб, таълим билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларда акс этган. Академик А.Саидовнинг таъкидлашича, “Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилганини таъкидлаш айни муддаодир”[3].

Таълим олиш ҳуқуқи жамиятда муҳим ижтимоий вазифа, яъни инсон манфаатлари, унинг келажаги ва истиқболлини таъминлаб, фаровон ҳаёт қуришга қаратилган қадриятларни рўёбга чиқаради. Жамиятда таълимга

оид ҳукукий муносабатларнинг тўлақонли рўёбга чиқиши ёшларни умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялайди, миллий ва жаҳон маданиятининг дурдоналаридан баҳраманд қилади, инсонни ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар таълим олиш ҳукукий тамойилини ўзида мужассам этади. А.Саитқосимовнинг таъкидлашича, “Билим олиш ҳукуқи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлардан бири бўлиб, шахснинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Мазкур соҳа бўйича конституциявий ва бошқа меъёрий-ҳукукий нормалар жамиятимизда ҳар бир инсонни малакали билим олиш ҳуқуқини тўлақонли кафолатлайди”[4].

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида қатор тизимли асосларга эга бўлган қонунлар ва меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни қабул қилиниши жамиятда таълим соҳасини тадрижий асосда ривожланиши ва инсоннинг таълимга оид ҳукукий манфаатларини таъминланиши, йирик таълим инфратузилмасини яратилиши, жаҳонда давлатимизни нуфузини кўтарилишига асос яратди. Ғ.Мирзониинг қайд этишича, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”да белгиланган улғувор вазифалар ижроси ўқув муассасаларида таълим сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, таълим-тарбиянинг ўзига хос усулларини жорий этиш, салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш имкониятини яратди”[5].

Мамлакатимиз Конституциясида шунингдек, фуқароларга ижтимоий ҳаётда кенг қамровли равишда манфаатли бўлган ва қундалиқ фаолиятда фойдаланадиган илмий ва ижод эркинлиги ҳам ифодаб берилган. Инсоннинг жамиятда маданий жараёнларда қўлга киритиладиган ютуқлардан самарали фойдаланишга оид бўлган ҳукуқи уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижодий ривожланишини таъминлайди ва бу жараённинг ҳукукий тамойили мамлакатимиз конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра: “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”[6].

Фуқароларнинг илмий, ижодий ва техникавий соҳалардаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг рўёбга чиқиши жамиятимизда таълим тизимида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва бу орқали ижтимоий тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириша тўғрисида бермоқда. Шунинг билан биргаликда илм-фан соҳасини ҳам инновацион фаолиятини таъминлаш борасида кенг қамровли фаолият кузатишмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”[7] кўзда тутилган.

Илм ва фанга эътибор фалсафий жиҳатдан олиб қараганда инсон ва жамият тақомилининг асосий ўзаги ҳисобланади. Жамият ўз келажагини башорат қилишда илм-фан имкониятларининг нечоғлиқ юқорилиги ва самарадорлиги асосий мезон ҳисобланади. Г.Тешабоевнинг таъкидлашича, “Илм-фан ва инновациялар соҳасида давлат сиёсати – Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг узвий қисми бўлиб, давлатнинг илмий, илмий-техник ва инновациявий фаолиятга муносабатини ифодалайди ҳамда илмий-техник инновация соҳасидаги давлат фаолиятини асосий устуворликлари, мақсадлари, йўналишлари ва шакллари белгилайди”[8].

Умуман олганда “инновация” жамиятни модернизация қилиш ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устивор аҳамиятга эга бўлган феномени ҳисобланади. Инновация жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олиб, глобаллашув даврининг муҳим жараёни сифатида барча мамлакатлар қатори бизнинг жамиятимизда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. У инсон ва жамиятнинг фаровонлиги таъминловчи, янгиликлар ва юксак технологиялар асосида жамият ҳаёт-мамот хусусиятлари учун самарали хизмат қиладиган, уни истикболга элтадиган жараёндир.

Академик А.Саидовнинг фикрича, “Глобаллашув шароитларида миллий куч-қудратнинг ҳудуд, аҳоли, иқтисодий ривожланиш даражаси, армиянинг катта-кичиклиги ва қуролланиш хусусиятлари, илмий-техник база ва ҳақозолар сингари анъанавий кўрсаткичлар ўрнига ахборот-коммуникация ва интеллектуал салоҳият, жаҳон молия бозорларидаги мавқе, янги технологиялар ва инновацияларни ўзлаштириш тезлиги, халқаро ташкилотлардаги таъсир, ғоявий-сиёсий ва мафкуравий воситалар биринчи ўринга чиқмоқда”[9].

Мамлакатимизнинг жаҳонда рақобатбардош иқтисодий салоҳиятга эришишида таълим ва илмий соҳани инновацион ривожланиши жараёни муҳим роль ўйнайди. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда “Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашнинг таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади”[10] деб таъкидланган.

Стратегияда қўйилган вазифаларнинг асосий йўналишларида Ўзбекистон 2030 йилгача бўлган муддатда Глобал инновацион индекс рейтингига кўра дунёнинг 50 та юқори кўрсаткичли давлат сафига қўшилишига эришиш, ҳамма босқичларда таълим бериш самарадорлигини таъминлаш, таълим, илмий соҳа ва иқтисодий инфраструктурани интеграцияси воситалари ва механизмларини яратиш, инновацияларни турли манбалар орқали маблағ билан таъминлашни кучайтириш, ўз фаолиятини муҳим инновацион чора-тадбирлар доирасида

ташкил этадиган ижтимоий иқтисодий асосдаги инфратузилмалар яратиш каби муҳим истиқболли инновацион вазибалар назарда тутилган.

Таълим тизимидаги инновацион тенденциялар жамиятни модернизация қилишда иштирок этиб, уни динамик равишда ривожланишини таъминлайди. Инновацион жараёнлар таълим тизимининг аввалдан шаклланиб келган инсонпарварлик тажрибаларни давом эттиради, чунки ижтимоий ҳаётда таълим соҳасининг бажарадиган вазифаси тарихан инсон омили ва уни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб келган. Я.Исмадёрвнинг таъкидлашича, “Инновацион ёндашув олий таълим тизими менежментига ривожлантириш ва ишни яхшилашга қаратилган тизимли ўзгартиришлар киритиш имконини беради, таълим муассасалари даражасида бошқарувчилик фаолиятига янги мазмун ва шакллари киритиш учун шароитларни таъминлайди, ташкилотларнинг ташкилий ва касбий маданиятини такомиллаштиради”[11].

Инновацион жараёнларда таълим жараёни субъектларининг инновацион қобилият даражалари муҳим ўрин тутати. Бу жараёнда таълим ва фан ходимларининг замонавий тараққиёт ва ўзгаришлар кўламига жавоб бера оладиган сифат кўрсаткичлари муҳимдир. Мазкур кўрсаткичлар замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб янги инновацион ғоялар бера оладиган, уни ҳаётга жорий эта оладиган, фикрлар хилма-хиллиги билан ишлайдиган ва истиқболга аниқ мўлжаллари мавжуд бўлган инновацион инсонда кўринади. Бу хусусиятлар жамиятда шахсга ижодий муҳит учун яратилиб бериладиган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар, турли туман муқобил ғоялар ва танлов эркинлиги шароитида юзага чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг таълим олиш ҳукуқи ва манфаатларини таъминлаш орқали таълим соҳани инновацион ривожлантиришнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат: мамлакатимизда таълим тизимини ҳукуқий тамойилларини мустаҳкамлаш орқали инновацион ривожлантириш орқали мамлакатимизда инсон ва жамият фаровонлиги таъминлаш, ижтимоий ҳаётни барқарор ривожланишда таълим имкониятларини кенгайтириш, таълим тармоқлари ҳукуқий базасини янада мустаҳкамлаш; олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида яратилган замонавий кўламдаги илмий-техник тадқиқотлар, янги ғоялар, фундаментал илмий ишланмалар, инновациялар ва интеллектуал мулк маҳсулотларидан фойдаланиш ва амалиётга жорий этиш, бу борада олимлар манфаатларини ошириш борасида меъёрий қонунчиликни такомиллаштириш; жамиятда инновацион ривожланишнинг асосий фундаменти бўлган таълим тизими имкониятлари, илмий тадқиқот соҳасидаги салоҳиятини иқтисодиёт тармоқлари, хусусий корхоналар ва бошқа тадбиркорлик тузилмалари, бизнес, маркетинг ва менежмент соҳаларини ривожлантиришга қаратиш борасида меъёрий-ҳукуқий базани янада такомиллаштириш; таълим тизимини барча босқичларини янгиланишнинг инновацион омилларини қайта кўриб чиқиш, ҳудудий демографик, географик, ижтимоий ва иқтисодий омилларни ҳисобга олиш асосида уларни модернизация қилиш, бу борада халқаро тажрибани кенгроқ қўллаш, талабалар ва ўқувчилар инновацион тафаккурини ошириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Хусанов О., Каримова О. ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари (махсус курс). Тошкент, “Шарқ”, 1997. –Б 53
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 41-модда
3. Саидов А. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг муҳим мезони. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №4, 2016 й. –Б. 9.
4. Саитқосимов А. Ижтимоий соҳани ривожлантириш инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг рўёбга чиқишининг муҳим мезони. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №3, 2019 й. –Б. 40.
5. Мирзо Ғ. Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №1, 2016 й. –Б. 8.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда*)
8. Тешабоева Г. Инновацион ўзгаришлар шароитида илм-фанга эътибор. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2018 йил №3. –Б. 48.
9. Саидов А. Ободлик омиллари. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2013 й. –Б. 8.
10. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. //“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 764-модда
11. Я.Исмадёрв. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. –Б 14.

Фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг инновацион мезонлари

Алибеков Д., Абдурасулова Л. Жиззах давлат педагогика институти талабаси

Резюме: Мазкур мақолада фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқи, бурчлари ва манфаатлари ҳамда уларни таъминлашдаги инновацион ёндашувлар, инновацион мезонлар таҳлили ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Фуқаро, таълим, тарбия, метод, ҳуқуқ, манфаат, инновацион, мезон, жамият, тамойил, ривожланиш, истиқбол, стратегия, глобаллашув.

Alibekov D., Abdurasulova L. Jizzakh State Pedagogical Institute

Summary: This article discusses the rights, duties and interests of citizens in education and the analysis of innovative approaches, innovative criteria in their provision.

Keywords: Citizenship, education, upbringing, method, law, interest, innovation, criterion, society, principle, development, perspective, strategy, globalization.

Алибеков Д, Абдурасулова Л. Джизакский государственный педагогический институт

Аннотация: В данной статье рассматриваются права, обязанности и интересы граждан в сфере образования и проводится анализ инновационных подходов, инновационных критериев в их обеспечении.

Ключевые слова: Гражданственность, образование, воспитание, метод, закон, интерес, инновация, критерий, общество, принцип, развитие, перспектива, стратегия, глобализация.

ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРДА ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

Хушвактова Х.С.¹, Баллиева.Р²

1.Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

2.Қорақалпоқ давлат университети

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бутун дунёда инсоният “барқарор экологик бухрон”ларга дуч келди, ушбу бухрон шундай бормоқдаки, унинг қачон тугаши ва нима билан якунлаши ҳақида ҳозирги кунда аниқ фикрларни айтаоладиган мутахассиси йўқ. Ушбу бухроннинг вужудга келишида бир қатор глобал масалалар мавжуд бўлиб, улар бизга қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Бундан бир неча йиллар бурун БМТ инсон ривожланиши ва экологик муаммоларга бағишланган маърузаларида: “2006 йилда сув танқислиги деганимизда, у бизга камбағаллик, очлик, сув тақчиллигининг энг катта муаммоларини олиб келади. Бир литр сувнинг нархи яқинда бир литр нефт нархидан баланд бўлиши кутилмоқда” деган эди. Аслида дунёнинг барча ҳудудларида кундан кунга кучайиб бораётган экологик муаммоларини экологик таълимсиз ечиб бўлмайди. Замонавий экологик таълим концепцияси, экологик таълимни ривожлантиришда халқаро келишувларсиз иш олиб бораолмайди.

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларнинг кучайиб бориши, аслида таълим тизими ва аҳолининг экологик маълумотини ошириш даражаси борасида олиб бориладиган ишлар сустр бўлганда сезилади. Кўплаб олиб борилган педагогик, ижтимоий изланишлар шуни кўрсатдики, бугунги билимли инсон экологик йўналишда кўп томонлама билим, тушунча ва ишларга эга бўлиши керак. Экологик тушунчаларни инсон онгида шаклланиши ва экологик маданият устувор бўлиши учун кейинги йилларда бир қатор янги маълумотлар олиш мумкин бўлган экологик конференциялар, семинарлар, тренинглар ва дебатлар олиб бориш лозим бўлади. Экологик таълимда катта бурилиш яшаш учун, бугунги кунда чет мамлакатларда олиб борилаётган экологик таълимни қандай бораётганини ўрганиш ҳам талабаларга ва экологияга қизиққан барча инсонлар учун керакли маълумотлар олади деган хулосага келдик.

Ўзбекистонда ҳам экологик таълим соҳасида дунё экологлари қаторида оз бўлса ҳам халқаро конференцияларда, семинарларда, делегациялар алмашиш ва илмий мақолалар чоп этиш орқали маълум изланишлар ҳамда ўқитувчилар алмашиш тизими бормоқда. Бизнинг олимларимиз орасида экология ва педогогика соҳасидаги ишларини ўз мақола ва монографиялари орқали ёритиб келаётган бир гуруҳ олимлар мавжуд.

Ўзбекистонда энг катта экологик муаммо шуки, Орол денгизининг қуриб бориши, бундан катта ачинарли экологик фожеа бу мавжуд бўлган денгизининг қуриши натижасида денгиз бўйидаги барча флора ва фауна қайтарилмас даражада нобуд бўлди. Орол денгизининг қуриб бориши ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзига ҳам таъсир қилди, аввало ишсизлик масаласи келиб чиқди, бундан ташқари оналар ва болалар ўлими ва касалликларнинг тури кўпайиб борди. Сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, ҳудудда жиддий иқлим ўзгаришлари юз берди. Шу юзага келган экологик бухронни бартараф қилишда сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида бир қатор кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширди. Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрҳокликка чидамли ўсимликлардан бутазорлар барпо этилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. 2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури доирасида 5 йилга мўлжалланган умумий бюджети 8 444,5 млрд сўмдан иборат 67 та тадбир белгиланган. Дастурда белгиланган Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, хусусан аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва улар бандлигини таъминлаш, аҳолининг уй-жой, тоза ичимлик сув, энергия ва газ таъминоти даражасини ошириш, канализация, санитария ва маиший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш, шунингдек таълим, маданият, спорт, ободонлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги қатор тадбирлар ижроси таъминланади.

Ўзимиздаги юз бераётган экологик муаммолар ва уларни бартараф қилишдаги тизимли ишлардан келиб чиқиб, биз чет мамлакатларда экологик таълим тизимини ўрганишга қарор қилдик. Ривожланган мамлакатлар Россия, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Финландия ва бошқа мамлакатларда олиб борилятган Экологик Таълим (ЭТ) иқтисодий тизимининг бир қисми ҳисобланади. Албатта чет мамлакатларда талабаларга экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш фанини ўргатилиши, олий таълим тизимида қандай ҳолатда эканлигини бир қатор изланишларимиз орқали ўрганилди.

Чет эл олимларининг экологик билим бўйича олиб борган ишлари таҳлили шуни кўрсатдики бошланғич синфларда ва колледжларда экологик таълим яхши йўлга қўйилган бўлиб, табиатни сақлаш бўйича турли ўйинлар, ижтимоий соҳадаги экологик билим, ўқув ва ўрганишлар бу соҳага озгина бўлса ҳам эътибор олиб келди. [5, 24; 6,16] каби олимлар, ушбу ривожланган мамлакатларда Экологик Таълим (ЭТ) сўзи, у узига

экология фанига берилган умумий тушунчалар билан биргаликда жуда кенг маънода ишлатилиб келинмоқда, яъни экология фани тирик организмларнинг ўзаро боғликлиги ва улар яшайдиган муҳити ўртасида боғлиқлик, инсонни яшаш муҳити, табиатдан рационал фойдаланишини ҳамда табиатни асраш каби умумий тушунчаларни уз ичига олади. Экологик таълим бериладиган ҳудудига қараб, ўзига хос таълим тизими шаклланади, Европа экологик таълим тизимини ўрганиш, бизга Европача таълим сифатини ўрганишга имкон беради.

Экологик таълим тизимини ўрганишдан яна бир мақсадимиз, дунёдаги янги экологик таълим тизимини ўрганиш билан бир қаторда чет эл ва бизнинг барқарор экологик таълим тизимимизни интеграция қилиш орқали олий таълим тизимидаги талабаларни янги экологик таълим тизими билан таништириш эди. Талабаларга экологик таълим беришнинг маҳаллий ва хорижий тажрибаларини умумлаштириб янги модулини ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилган эди.

Европа давлатларидан –Англия, Франция, Германия, Финландияда атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос таълим берилади. Англия таълим тизимида экологик таълим умум мамлакат таълим тизими доирасида олиб борилади. А.К. Шульженко маълумотларига кўра, Англиядаги экологик таълим тизимида экологик билимлар юқори даражада олиб борилмайди, экологиядан дарс берувчи ўқитувчиларнинг кўпчилигида экологик таълим ҳужжатлари йўқ, ушбу фанга эътибор нисбатан кам бўлиб, экологияни биология ёки қишлоқ хўжалик фанларининг бир қисми деб ҳисоблашади. Экология фанини ўқитишда турли хил амалий тадбирлар олиб борилмайди, мана шундан келиб чиқадики, мамлакатда турли хил экологик муаммолар келиб чиқишига эътибор қаратилмайди. [4, 34]. Яна бир европа мамлакатларидан бири Финляндияда экологик таълимга муносабат мутлақо бошқача бўлиб, ушбу таълим тизими ота-оналар, врачлар ва ўқитувчиларни ўзаро битта учбурчакка бирлаштиради. Уларнинг учаласи биргаликда, бола яшаб турган муҳит, шаҳар шароити, ўқиш жойининг экологиясини болага ёшлигидан тушунтириб борилади. Зарур бўлса экологик акциялар, кўрғазмалар дебатлар олиб борилади, ана шулар орқали ёш болада экологик таълимнинг зарурати кичиклигидан бошлаб шакллантирилади. Албатта бу ишларнинг бошида доимо ҳукумат ва таълим вазирлиги туради.

Канада давлатида экологик таълим тизимига эътибор мутлақо бошқача, бу давлатда ҳамма нарса эътибор билан қилинганиндег экологияни ўрганишда ҳам фан ютуқларига янги техника ва технологияларга, инсоният ва табиат ҳақидаги барча таълимотлар ягона эканлигини уйда ҳам ўқишда ва ишда яхлит ҳолда олиб боришга жуда катта эътибор қаратади. Онторио Вазирлар маҳкамасида янги таълим тизимида фанга ва технологияга катта эътибор берилган бўлиб бошланғич синфдан ва ўрта мактабларда шу фанлар (биология, зоология, анатомия) табиатга хос мисоллар билан ўқитилади. Ўқувчилар мактабда фан ва технологияларни табиатга хос бўлган катта кенгликда тасаввур қилишга ва мактабдан ташқарида ҳам фан ва технологияни ўз дунёсида шакллантиришга ўргатилади.

АҚШдаги экологик таълим тизимини ўрганганимизда шу нарса маълум бўлдики, университетларда экологик лабораториялар мавжуд бўлиб, талабалар ўз билимларини мактаб ўқувчилари билан биргаликда олиб боришади. АҚШ талабалари ўз илмий билимларни мактаб ўқувчилари билан биргаликда олиб боришади ва ҳаётга жорий этадилар, замонавий экологик таълимдаги ютуқларни ўқувчиларга етказадилар. Экологик таълимнинг америка модели шундайки- ўқув жараёнига табиат билан алоқа киритилган бўлиб: ўқувчилар уруғларни экишади, турли ўсимликлар билан ишлайди, ҳайвонларни парваришлайди, табиатга чиқиб сайр қилишади ёки баъзан ўқишни очик табиат қўйнида олиб боришадилар.

Россия мактабларида “Инсон ва уни ўраб турган табиат”, “Ўраб турган муҳит кимёси”, “Экология ва энергия” номли фанлар мактабда вақтидан ўқувчига тизимли тарзда ўргатиб борилади. Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш фанини ўқитишнинг турли хил дидактив усулларини Россия таълим тизимдаги маълумотларда кўриш мумкин. Россияда ҳам гуманитар таълим йўналишларида табиий фанларга оид фанлар соати катта ҳажмни эгаллайди. Уларда табиий фанлар иккинчи блок фанлари қаторидан салмоқли ўрин олган бўлади [3, 84].

Олиб борилган кузатишлардан келиб чиқиб чет эллардаги ва маҳаллий таълим тизимдаги экологик ўқитиш жараёнини умумлаштириш натижасида мамлакатдаги экологик таълимни юқори даражага кўтариш мумкин бўлади. Олий таълим тизимдаги экологик таълимни ривожлантириш учун қуйидагича экологик методика тавсия қилинади.

Экологик таълим-интеграция принципларига асосланиб, барча ўқув режаларини бирма бир кўздан ўтказиши - фанларнинг ўзаро алоқасини; амалий жараёнларни; табиатни ҳимоя қилишда таълим сифатини ошириш; оилани ва аҳолини ўқув жараёнига жалб қилишни кундалик вазифа деб билиш лозим. Экология дастурига барча ижтимоий жараёнларни киритиш ва ундан дарс жараёнларида фойдаланиш янги технологияларни шакллантириш зарур. Ўқитувчилар ва болаларга парклар, сайроғҳлар, кўчалар, вокзаллар, боғларни кўрсатиб уларнинг экологик талабларга жавоб бериш ёки бермасликларни тўғрисида ўқувчиларнинг фикрини сўраш натижасида улардаги экологик онг тушунчасини шакллантиришга ёрдам беради. Ёш болалар ушбу саволлардан сўнг табиатни асрашга ва сақлашга тезгина қўшиладилар, улар дарахтзарлар ва гуллар экишга киришадилар, қушларга уялар қуришади. Болалар ўз уйларида ва мактабларда сув, тупроқ ва ёруғликка аҳамият берадилар ва уни ўрганадилар. Мана шундай қилиб ёш болаларда табиатни асраш туйғусини шакллантириш мумкин бўлади [1, 94].

Экологик ўқитишнинг вазифаси ўсиб келаётган ёш авлодни ўзи яшаётган табиат олдида жавобгарлик ҳиссини шакллантириш ва табиатга нисбатан меҳр ва муҳаббатли қилиб тарбиялашдир. Табиатга оид фанларга ижобий фикрда бўлиб, ўзининг табиатдан ташқарида яшай олмаслигини ҳис қилиш зарурдир. Табиат бизнинг

авлодлардан мерос қолган умуммиллий ва умум инсоний қадриятимиз эканлигини ёдида тутиши лозим [2, 149]. Экологик ўқитиш тизими табиатнинг айрим ҳудудларини эмас, балки бутун дунёдаги табиатни яхлит ҳолда асрашга қаратилган бўлиши лозим, чунки Орол денгизининг қуриши ва унғ салбий таъсирлари фақат Орол бўйи ҳудуди эмас, Оролдан учган тузлар Марказий Осиё, ҳаттоки Евросиё материгининг қўпчилилик қисмига етиб борганлиги, дунё иқлим балансининг ўзгаришига таъсир қилишини билишга талабани ўргатишимиз керак бўлади. Замонавий экологик ўқитиш тизими ягона бирлик асосида қурилади, табиат ва инсоният доимо ўзаро алоқада бўлиб келган, шунинг учун инсонларнинг табиатга бўлган фикрларни доимо табиат фойдасига ривожлантириш ижтимоий алоқаларни янада ривожлантиришга ва шу тариқа инсон ўзи яшайдиган табиатни ҳимоя қилишга эришади.

Чет давлатларнинг ўқув тизимидаги экологик таълим тизимини бизда синаб кўриш, мамлакатимизда табиатни асраш ва ҳимоя қилишга ҳамда ўрганишга бўлган инновацион қарашларни янада ривожлантиради ва экологик таълим тизимини янада ривожлантиришга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бирюкова Н.А. Особенности экологического образования зарубежом. Ж.Педагогика. Москва. 2005, № 7.
2. Вайндорф-Сысоева М.Е. Педагогика. М.: Юрайт-Издат, 2005.
3. Корнелл Дж. Радость общения с природой // Экологическое воспитание: Вестник дальневосточного отделения ISAR. Вып. 3. Владивосток, 1995.
4. Шульженко А.К. Воспитание эстетического восприятия окружающей среды в европейских странах // Экологическое образование. Санкт –Петербург. 2005.- №2,
5. Arthur D., Forbes J., Houghton E. Environmental Education Ontario. -Ottawa, 2004.
6. Ali Khan S. Sustainable Development Education in the UK: the Challenge for Higher Education Institutions // Planet. London, 2002. - №4.

Резюме. Шет мамлекетларнинг оқуш системасида экологиялик билимлендируш системасини ўрганиш, елимизде табиатни асраш ҳам қорғашга ҳамда ўрганишга болган инновациялик қарашларди жанаде раўажландиради ҳам экологиялик билимлендируш системасини жетилиштирушга алып келеди.

Таянч сўзлар: экологиялик билим, табиатни қорғаш, жоқарғи билим, студент, қўйиш, флора, фауна, экология пәни.

Резюме. Хориж давлатларининг ўқув тизимидаги экологик таълим тизимини ўрганиш, мамлакатимизда табиатни асраш ва ҳимоя қилишга ҳамда ўрганишга бўлган инновацион қарашларни янада ривожлантиради ва экологик таълим тизимини такомиллаштиришга олиб келади.

Таянч сўзлар: экологик таълим, табиатни асраш, олий таълим, талаба, бухрон, флора, фауна, экология фани.

Резюме. Применение зарубежной практики разнообразных форм реализации экологического образования расширяет диапазон инновационных подходов в совершенствовании отечественной системы образования.

Ключевые слова: экологическое образование, охрана природы, высшее образование, студент, риски, флора, фауна, экология.

Summary. The use of foreign practice in various forms of environmental education expands the range of innovative approaches to improving the national education system.

Keywords: environmental education, Nature Conservation, higher education, student, risks, flora, fauna, environmental science.

УДК 316.3/4 ББК 60.54

ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Сеитова З.

Нукусский государственный педагогический институт

Одним из приоритетных направлений государственной политики нового Узбекистана являются достижение гендерного равенства, обеспечение прав, свобод и законных интересов женщин, усиление их роли в общественной и государственной жизни. Согласно радикальному феминистскому подходу, одной из универсальных моделей социальной стратификации, которая присуща любому обществу, является разделение людей по признаку пола, то есть на мужчин и женщин.[1] С этим спорным утверждением можно соглашаться или не соглашаться. Однако реальная жизнь доказывает, что пол порождает значимые социальные различия между людьми, в результате чего мужчины оказываются на высших ступенях социальной стратификации, а женщины оказываются отодвинутыми на второй план. Таким образом, независимо от того, какой социальный слой мы рассматриваем, пол является фактором, определяющим различия и неравенство внутри каждого слоя общества.

На сегодняшний день этот подход разделяется и на международном уровне. Как утверждается в документах ООН по проблемам человеческого развития, «ни в одном обществе женщины не располагают такими возможностями, какие имеют мужчины. Этот неравноправный статус ведет к сохранению существенных диспропорций между значительным вкладом, который вносят женщины в развитие человеческого потенциала, и тем, насколько мала их доля в предоставляемых этим процессом льготах» [2]. В этой связи, приоритетными проблемами человеческого развития и демократизации неизбежно становятся вопросы, связанные с достижением равенства между мужчинами и женщинами, а, следовательно, возникает необходимость повышения статуса женщин и расширения их прав. Узбекистан в числе одной из первых стран Центральной Азии предпринял шаги по предоставлению женщинам равных прав с мужчинами. В 1995 году Узбекистан ратифицировал Конвенцию о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (CEDAW), а многие ее положения были включены в национальное законодательство.[3]

В сокровищнице мирового опыта уже давно хранится апробированное убеждение, получившее достаточно широкое распространение на планете Земля о том, что женщины вносят свой особый вклад в общественную жизнь: женщины не только лучше мужчин представляют и могут представить свои интересы, но и смогут влиять на политическую систему, занимая руководящие посты. А мировой опыт парламентаризма показал, что если в законодательном органе меньше 10% мест принадлежит женщинам, то это затрудняет принятие законов в защиту детей. Если в парламенте страны будет 20-30% мест принадлежать женщинам, можно надеяться на более быстрое и реальное проведение в жизнь программ, отражающих интересы женщин. У женской парламентской группы появится чувство локтя, ощущение силы и веры в то, что женщина может коренным образом изменить собственную судьбу. Ведь неслучайно сегодня ООН придерживается главного организационного принципа: без полного участия и наделения властными полномочиями женщин мира не может быть найдено устойчивых решений в обществе, которому угрожают социальные, экономические и политические проблемы. Партнерство мужчин и женщин в политике является источником более полной и представительной демократии, поскольку создаются реальные возможности учета многополюсных интересов в обществе. [4].

Кроме того, необходимо отметить, что результаты многих исследований подтверждают высокую адаптивность женщин, их умение переносить невзгоды, мобилизовываться в сложной ситуации. Сегодня в Республике Каракалпакстан получает распространение совершенно непривычный тип семьи, когда основным кормильцем становится женщина, причем так происходит не только в неполных семьях. Женщинам всегда нужно было прикладывать больше усилий для профессионального развития, чтобы выдержать конкуренцию с мужчинами. В результате они стали более образованными и целеустремленными. Эффективное использование опыта, образования, знания, интуиции женщин, может привести к формулированию и проведению более сбалансированной и просвещенной государственной политики. Такие качества, как смелость, инициативность, предприимчивость, обостренное чувство социальной справедливости, ответственность за будущее своих детей, а, значит, и своей страны, должны быть востребованы государством и обществом. Добавим к этому и то, что женщины меньше подвержены девиации и ведут более здоровый образ жизни, а значит, они более надежные работники.[5]

Так как проявления неравенства между женщинами и мужчинами встречаются во всех областях нашей жизни, требуются новые подходы, новые стратегии и новые методы работы для осуществления принципа равенства. «Традиционное» видение проблемы равенства полов чаще всего приводит к стратегиям приспособления к существующим условиям, а не преодоления препятствий. Необходима разработка более широкой концепции равенства полов, ориентированная на то, чтобы задействовать все возможные навыки и способности женщин и мужчин.

Опираясь на многочисленные зарубежные и отечественные исследования, можно утверждать, что достижение фактического равенства мужчин и женщин в сфере политики и управления - одна из наиболее

противоречивых и сложных социальных проблем, которая сегодня недостаточно осознается и поэтому зачастую недооценивается. Исследование проблемы гендерного равенства позволит выявить наиболее оптимальную модель обеспечения политического равенства граждан (равенство мужчин и женщин при участии в выборах всех уровней, выдвижение на выборные посты и занятие выборной должности), факторы, препятствующие или содействующие эффективной работе национальных механизмов; а также обнаружить и систематизировать основные направления по решению проблемы представленности женщин в органах власти и управления РУз.

В рамках реализации Стратегии действий, а также в целях организации последовательной работы по реализации и достижению Целей устойчивого развития ООН на период до 2030 года Узбекистан разработал девять задач, направленных на обеспечение гендерного равенства и расширение прав и возможностей всех женщин и девочек. В соответствии с задачами к 2030 году необходимо повсеместно ликвидировать все формы дискриминации в отношении женщин и девочек, обеспечить гендерное равенство, всестороннее и эффективное участие женщин и равные для них возможности для лидерства на всех уровнях принятия решений в политико-правовой, социально-экономической и культурно-гуманитарной жизни. Кроме того, ЦУР предусматривают наиболее полное внедрение принципов гендерного равенства в процесс принятия государственных программ на разных уровнях управления.

Узбекистан присоединился ко всем основным международным договорам, предусматривающим правовую, социальную и экономическую защиту женщин от любых форм дискриминации и притеснений. Приняты гендерно ориентированные законы «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин», «О защите женщин от притеснения и насилия», «Об охране репродуктивного здоровья граждан», «О внесении изменений и дополнений в статью 15 Семейного кодекса», «О внесении изменений в Трудовой кодекс Республики Узбекистан» — о снятии ограничений, связанных с выбором женщинами ранее запрещенных форм трудовой деятельности и других гендерно ассиметричных положений трудового законодательства. В их разработке участвовали эксперты таких агентств ООН, как Программа развития ООН, Фонд народонаселения, Детский фонд, Управление Верховного комиссара по правам человека, Управление по наркотикам и преступности, Международная организация по миграции и Международная организация труда.

Разрабатывается Стратегия достижения гендерного равенства в Узбекистане до 2030 года, направленная на обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин во всех сферах, в общественной жизни в процессе осуществляемых в стране социально-экономических реформ. Региональный директор Фонда ООН в области народонаселения в Восточной Европе и Центральной Азии Алан Армитаж подчеркнул, что в результате реализации данной стратегии в Узбекистане появится больше женщин-лидеров, урбанизация будет проходить устойчивым образом. Будут обеспечиваться стабильное социально-экономическое развитие, созданы новые возможности, особенно для девушек — нынешних и будущих лидеров, их потенциал будет реализован, в обществе сформируется культура здорового образа жизни.[6]

Несмотря на негативные последствия глобальной пандемии на все сферы жизни общества и государства, особенно на экономику и социальную сферу, 2020 год стал поворотным в области обеспечения прав и свобод женщин. При этом в Узбекистане особое внимание уделяется следующим направлениям. Во-первых, расширению доступа населения, прежде всего женщин и детей, к современным качественным медицинским услугам, лекарственным препаратам. Реализуется сформированный Президентом страны принцип, утверждающий, что забота о здоровье матери и ребенка — это забота обо всем обществе, о нашем будущем. Во-вторых, обеспечению занятости женщин, выделению кредитов для женщин-предпринимателей. В этой сфере реализуется ряд государственных программ, в частности, «Каждая семья — предприниматель», «Благоустроенное село» и «Благоустроенная махалля», «Пять важных инициатив». В-третьих, системному обучению предпринимательской деятельности и льготному кредитованию женщин-предпринимателей. В целях содействия в регионах созданы центры женского предпринимательства, в которых только в 2020 году более 61 500 женщин прошли обучение на краткосрочных профессиональных курсах. В итоге, несмотря на пандемию, число женщин-предпринимателей достигло 172 700.

С целью защиты жертв домашнего насилия принято постановление Кабинета Министров «О мерах по совершенствованию системы защиты женщин от притеснения и насилия» от 4 января 2020 года. Утверждены положения «О порядке выдачи охранных ордеров женщинам, подвергшимся притеснению и насилию, обеспечения их исполнения, проведения мониторинга» и «О порядке прохождения лицами, совершившими или имеющими склонность к оказанию давления и насилия, программ по коррективке их поведения». Среди основных задач исправительной программы: - профилактика случаев проявления насилия по отношению к женщинам; - устранение причин и условий, которые способствуют этому; - выявление и исправление латентной (скрытой) формы насилия; - проведение индивидуальной (или в форме групп) разъяснительной работы с лицами, совершившими насилие, и другие.

Выводы. Несмотря на достижения в совершенствовании законодательства и начального образования в Узбекистане, необходимо ещё многое сделать в области гендерного равенства в системе высшего образования, в экономической и политической сферах. Для устранения этих пробелов правительство, гражданское общество и международное сообщество, представленное в стране, должны принять следующие меры, затрагивающие приоритетные сферы: 1. Улучшить сбор и анализ надёжных дезагрегированных данных во всех секторах для лучшего понимания ситуации, разработки политики и мониторинга прогресса; 2. Усилить гендерный анализ в

планировании и разработке политики, её реализации и мониторинге; 3. Создать благоприятные экономические условия для женщин, особенно в сельских районах страны, повысить доступ к официальной занятости, достойной заработной плате и производственным ресурсам; 4. Улучшить систему здравоохранения и возможности получения образования, как для женщин, так и для мужчин; 5. Расширить участие и представительство женщин в процессах принятия решений; 6. Устранить патриархальные взгляды и культурные стереотипы роли женщин и мужчин в обществе; 7. Повысить потенциал Комитета женщин; 8. Развить потенциал и способствовать укреплению партнёрства между правительством и женскими ННО. В целом в мире наблюдается тенденция динамичного роста женщин-политиков как в законодательных и исполнительных органах власти, так и среди представителей судебной власти. Тенденции, наблюдаемые в Узбекистане, тоже идут в русле общемировых процессов.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс», 1999.*
2. Всеобщая Декларация Прав Человека. Резолюция 217 А Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 г.
3. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1999.
4. Шведова Н.А. Политические аспекты необходимости гендерной стратегии в России. URL: <http://book.femiaru/ig/ig006.php>
5. Вагина Л. Реальна ли гендерная симметрия во власти. URL: <http://vww.v.clielt.ru/2003/7-03/vagina-7-03.html> (дата обращения: 12.04.2008).
6. Гендерная политика нового Узбекистана в контексте международных тенденций парламентаризма. 19.03.2021

*Yangi O'zbekistonning gender siyosati
Seitova Z. Nukus davlat pedagogika instituti*

Rezyume. Maqolada O'zbekistonda gender siyosati masalalari ko'rib chiqiladi. Ayollarning yuqori moslashuvchanligi, qiyinchiliklarga dosh berish, qiyin vaziyatda safarbarlik qobiliyati tasdiqlanadi. Siyosat va boshqaruv sohasida erkaklar va ayollarning haqiqiy tengligiga erishish eng munozarali va murakkab ijtimoiy muammolardan biri ekanligi isbotlangan.

Kalit so'zlar: gender, davlat siyosati, erkak, ayol, tenglik, harakat strategiyasi, urbanizatsiya.

*Гендерная политика нового узбекистана
Сеитова З. Нукусский государственный педагогический институт*

Резюме. В статье рассматриваются вопросы гендерной политики Узбекистана. Утверждается высокая адаптивность женщин, их умение переносить невзгоды, мобилизовываться в сложной ситуации. Обосновывается, что достижение фактического равенства мужчин и женщин в сфере политики и управления является одной из наиболее противоречивых и сложных социальных проблем.

Ключевые слова: гендер, гос. политика, мужчина, женщина, равенство, стратегия действий, урбанизация.

*Gender policy of the new Uzbekistan
Seitova Z. Nukus State Pedagogical Institute*

Resume. Annotation: The article deals with the issues of gender policy in Uzbekistan. The high adaptability of women, their ability to endure adversity, to mobilize in a difficult situation is affirmed. It is substantiated that the achievement of actual equality of men and women in the sphere of politics and management is one of the most controversial and complex social problems. **Key words:** gender, state policy, man, woman, equality, action strategy, urbanization.

ТАБИЙ ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ШАКЛИ ВА ТУЗИЛИШ ТАРТИБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тешабоев А.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти*

Янги Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида аҳоли ва ишлаб чиқариш субъектларига табиий газни етказиб бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Тараққиётимизнинг келгуси беш йиллик ривожланиш босқичида ҳам ушбу масала тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 1-илоvasи – 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 21-мақсадида “аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига табиий газ етказиб беришни ривожлантириш” вазифаси белгиланаётганлиги, шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 73-бандида “табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимида хусусий операторларни жалб қилиш”, 74-бандида “табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда эркинлаштириш каби масалаларни ўзида ифода этган “Табиий газ тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш [1] каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Табиий газдан оқилона фойдаланишга доир муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури бўлиб, шартномага асосланган мулкый муносабатлардан таркиб топади. Ушбу муносабатларда Табиий газни етказиб бериш шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш асоси бўлиб ҳисобланади.

Илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда айтиш керакки, табиий газни етказиб бериш шартномаси ўз характерига кўра, қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: **биринчи**, табиий газни етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномасининг алоҳида турларидан бири ҳисобланади; **иккинчи**, табиий газни

етказиб бериш шартномаси икки тарафлама шартнома ҳисобланади; **учинчи**, табиий газни етказиб бериш шартномаси ёзма ва электрон шаклда тузилади; **тўртинчи**, табиий газни етказиб бериш шартномаси тарафларнинг эркига асосланган ҳолда тузилади; **бешинчи**, табиий газни етказиб бериш шартномасидаги табиий газ билан боғлиқ қоидалар намунавий шартлар билан белгилананади; **олтинчи**, табиий газни етказиб бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, Табиий газни етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномаларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 386-моддаси биринчи қисмида олди-сотди шартномаси тушунчасига берилган тарифда: “олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади” [2], деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 3-бандига мувофиқ, табиий газни етказиб бериш шартномаси деганда, газ таъминоти (газ узатувчи) ташкилотига табиий газни истеъмолчига ўзининг газ тармоқлари орқали узатиш, истеъмолчига эса қабул қилинган табиий газ учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини юклайдиган битим назарда тутилган [3].

Мазкур икки нормани таҳлил қилиш орқали қуйидаги фарқни кўриш мумкин:

олди-сотди шартномасида биринчи тараф иккинчи тарафга товарни мулк қилиб топшириш мажбуриятини олиши назарда тутилган бўлса, табиий газни етказиб бериш шартномасида газ таъминоти ташкилоти истеъмолчига табиий газни мулк қилиб бериш эмас, аксинча, уни фойдаланиш учун етказиб бериши белгиланган. Биринчи қоидада товарни “мулк қилиб” бериш, иккинчисида эса “фойдаланиш учун” узатиш (аслида етказиб бериш) назарда тутилмоқда. Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Таъкидлаш керакки, табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчи мулк ҳуқуқининг иккита элементида фойдаланиши мумкин. Яъни табиий газдан фойдаланиш ва унга эғалик қилиш. Табиий газни тасарруф этиш ҳуқуқи истеъмолчида бўлмайди. Фуқаролик кодексининг 475-моддаси биринчи қисмида абонент энергия билан таъминловчи ташкилотдан туташтирилган тармоқ орқали қабул қилиб олган энергияни бошқа шахс (қўшимча абонент)га фақат энергия билан таъминловчи ташкилот розилиги билан бериши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу нормага мувофиқ айтиш керакки, бир истеъмолчи ўз фойдаланишидаги табиий газни тасарруф этиши, яъни уни кимгадур қўшимча фойдаланувчига бериб туриши ёки иссиқхонасида фойдаланиши каби ҳолатлар учун ҳам газ таъминоти ташкилотининг розилиги керак бўлади ва бу ҳолатлар истеъмолчининг ўзи томонидан тасарруф этилмаслигини англатади.

Табиий газни етказиб бериш шартномаси икки тарафлама шартномалар сирасига киради. Қоидаларга мувофиқ, табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда қуйидаги субъектлар иштирок этади:

биринчи, газ узатиш ташкилоти — табиий газни қабул қилувчи, узатувчи, газ таъминоти ташкилотлари ва истеъмолчиларга магистрал газ қувурлари орқали етказиб берувчи ташкилот. Қоидага мувофиқ, газ узатиш ташкилоти истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилиши учун газ таъминоти ташкилотларига табиий газ етказиб бериш вазифаси билан шуғулланади.

иккинчи, газ ташкилоти — табиий газни қабул қилиш, тақсимлаш ва истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб беришни таъминловчи ташкилот. Газ ташкилоти (газ таъминоти ташкилоти) табиий газни тегишли шартнома шартларига асосан етказиб беради.

“Газ ташкилоти” тушунчаси табиий газдан фойдаланиш соҳасидаги қуйидаги ҳужжатларда икки хил тарзда белгиланганлигини кўриш мумкин:

биринчи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори иловаси – Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларининг 2.1-банди тўртинчи хатбошисига мувофиқ, “газ таъминоти ташкилоти — газни қабул қилишни, тақсимлашни ва истеъмолчиларга етказиб беришни таъминловчи ташкилот” [4] ҳисобланади;

иккинчи, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорининг 2-илоvasи – Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг саккизинчи хатбошисига “газ ташкилоти — табиий газни қабул қилиш, тақсимлаш ва истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб беришни таъминловчи ташкилот” деб белгиланган.

Юқоридаги қоидаларга мувофиқ, бир тушунчанинг икки хил тарзда белгиланишида: **биринчи фарқ**: биринчи Қоидаларда “газ таъминоти ташкилоти” тушунчаси белгиланган бўлса, иккинчи Қоидаларда “газ ташкилоти” тарзида ифода этилган; **иккинчи фарқ**: биринчи Қоидаларда “истеъмолчиларга етказиб беришни таъминловчи ташкилот” тушунчаси назарда тутилган бўлса, иккинчи Қоидаларда “газни истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб беришни таъминловчи ташкилот” деб белгиланган.

Ўрганишлар натижасида аниқландики, ушбу ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Табиий газни етказиб бериш шартномасида иккинчи тараф (истеъмолчи, сотиб олувчи) сифатида абонент иштирок этади.

Мазкур шартномада абонент сифатида иштирок этувчиларни газни етказиб бериш ҳажмига асосан қуйидагича туркумлаш таклиф этилади: **чакана истеъмолчилар**. Фуқаролар (маиший истеъмолчилар); **улгуржи истеъмолчилар**. Юридик шахслар (юридик шахс мақомидаги коммунал истеъмолчилар, ишлаб

чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи истеъмолчилар, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар, стратегик аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар).

Фуқаролик кодексининг 366-моддаси биринчи қисмида: агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Қоидаларга мувофиқ, табиий газни етказиб бериш шартномаси ёзма тарзда тузилади.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3 млн 732 мингта аҳоли ва 79 минг 273 та улгуржи истеъмолчилар билан табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган ва шу асосда газ етказиб берилмоқда [5].

Таъкидлаш керакки, табиий газдан фойдаланишга доир ижтимоий муносабатларни замон билан ҳамнафас тарзда ривожлантириб бориш шарт. Амалдаги қонунчиликка эътибор берадиган бўлсак, табиий газдан фойдаланишга доир муносабатлар ҳалигача ушбу муносабатлар иштирокчилари учун мураккаб бўлган жиҳатларни сақлаб қолаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, айни вақтда миллий қонунчилигимизда:

биринчи, табиий газни етказиб бериш шартномасини сунъий интеллект воситасида – рақамли технологиялар орқали тузиш, бекор қилиш ва ўзгартиришга доир нормалар етарли эмас;

иккинчи, табиий газдан фойдаланишда истеъмолчиларнинг оқилоналик тамойилига риоя қилаётганлиги ва шартномавий интизомини рақамли технологиялар воситасида мунтазам кузатиб бориш ва аниқлаш борасидаги ишлар ҳалигача ўз якунига етгани йўқ;

учинчи, табиий газ тармоғидаги узилишлар бўйича истеъмолчиларни шартнома шартларига мувофиқ олдиндан огоҳлантириш, газ етказиб берилмаган давр учун истеъмолчилар кўрган зарарларни автоматик ҳисоблаб чиқиш амалиёти мавжуд эмас.

Шу сабабли, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнини янада такомиллаштириш, соҳада шартномавий интизомни тўлиқ таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар билдирилади:

биринчи таклиф: *табиий газни етказиб бериш шартномасини рақамли технологиялар воситасида тузиш, унга ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш имкониятини яратиш.* Шу мақсадда, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмаётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали газ таъминоти шартномасини тузишни “Худудгазтаъминоти” АЖ ва унинг ҳудудий тузилмаларининг махсус платформалари орқали тузиш имкониятини яратиш керак. Негаки, ЯИДХП воситачилигида йўлга қўйилган мавжуд тизим истеъмолчилар учун етарли қулайликларни яратиб бера олгани йўқ.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Англия, Германия каби давлатларларда янги абонентлар қандайдир ўртадаги восита орқали эмас, аксинча тўғридан-тўғри газни сотувчи (етказиб берувчи) хусусий оператор билан унинг расмий веб-сайти орқали шартномани расмийлаштиришининг гувоҳи бўламыз. Шу сабабли, газ таъминоти соҳасидаги шартномаларни “Худудгазтаъминот” АЖ ва унинг ҳудудий тузилмалари билан тўғридан-тўғри (воситачисиз) тузиш имконини берадиган Интернет тармоғида махсус “Gazta‘minot.uz” платформасини, шунингдек унинг онлайн ва оффлайн тарзда ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлайдиган мобиль иловаларини яратиш таклиф этилади;

иккинчи таклиф: *табиий газ тармоғида республикадаги барча истеъмолчиларнинг табиий газдан шартнома шартларига мувофиқ оқилона фойдаланаётганлигини онлайн тарзда кузатиш имкониятини яратиш.*

Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ҳам рақамли технологияларнинг имкониятларига бевосита боғлиқ бўлиб, айни вақтда “Худудгазтаъминот” АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан табиий газдан оқилона фойдаланиш жараёнини назорат қилиш орқали табиий газни тежаш ва ундан самарали тарзда фойдаланишни таъминлаш мақсадида “ақлли” ҳисоблагичларни ўрнатиш борасидаги ишларнинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, 2020 йил май ойидан – 2021 йил якунига қадар республика миқёсида 3 млн 546 минг 148 та “ақлли” ҳисоблагичлар бепул ўрнатилган [6].

Табиий газдан оқилона фойдаланишни таъминлаш, истеъмолчиларда шартнома шартларига мувофиқ табиий газдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш мақсадида “ақлли” ҳисоблагичлар фаолиятини онлайн тарзда кузатиб боровчи АЖ таркибидаги Марказий диспетчерлик бошқармасининг ваколатларини ошириш, хусусан, унинг нооқилона фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда истеъмолчини тармоқдан автоматик узиб қўйиш, хизмат томонидан шартномавий жавобгарликка тортишга асос бўладиган ҳолатлар ва уларнинг аниқ мезонларини белгилаш, табиий газни етказиб бериш шартномасида ҳам ушбу қоидаларни ифода этиш мақсадга мувофиқ.

учинчи таклиф: *рақамли технологиялар орқали табиий газ тармоғидаги узилишлар бўйича истеъмолчиларни олдиндан огоҳлантириш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.*

Табиий газдан фойдаланишга доир муносабатларни ўрганиш жараёнида амалиёт натижалари шартнома шартлари ва тегишли қоидаларда белгиланган тартибларнинг тўлиқ ишламаётганлигини кўрсатди. Хусусан, 2022 йилнинг 25-26 январь кунлари республика миқёсида электр энергияси ва табиий газ таъминотида юзага келган носозликлар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан) истеъмолчилар олдиндан огоҳлантирилмади.

Хориж давлатлари тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия, Англия каби давлатларда Wifi тармоғи ва ёки НБ-ИIoT интернет узатиш орқали маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга газ ҳисоблагичлар фаолияти йўлга қўйилган. Улардаги QR-кодлар орқали истеъмолчи мобиль қурилмасига айнан

ўзига хизмат кўрсатувчи операторнинг мобиль иловасини юклаб олиш, тўловларни амалга ошириш, балансни бошқариш, операторнинг маълумотлари (*шу жумладан, огоҳлантиришларни ҳам*)ни қабул қилиш ва бошқа кўплаб имкониятларга эга бўлади. Бу тизим истеъмолчига масофадан қатъий назар газ тармоғидаги ҳисоблагичнинг мавжуд ҳолати ва ундаги носозликларни аниқлаш имкониятини ҳам яратиб беради.

Шунингдек, Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича шартноманинг 7.1-банди тўртинчи хатбошисида “табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш”га мажбурдир ва 7.2-банднинг иккинчи хатбошисида “истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш” ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йилнинг 26 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари “мана бир зумда электр таминоти бўйича содир бўлган техник узилиш, бир зумда, бутун минтақа ҳаётида кучли акс садо берганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Ҳеч нарса қўлимиздан келмадику, шунча технология қўлимизда бор” [7], - деб таъкидлади. Мазкур электр таъминотидаги носозлик кейинчалик табиий газ тармоғида ҳам узилишларга сабаб бўлди;

тўртинчи таклиф: *сунъий интеллект ёрдамида табиий газ етказиб берилмаган давр учун истеъмолчилар кўрган зарарларни автоматик равишда ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратиш керак.* Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузурида дастурий таъминотга асосланган ҳолда фаолият юритувчи энергетика тармоғида зарарларни аниқлаш электрон марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур марказнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ваколатлари, фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатларида ифодалаш таклиф этилади.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши:

биринчидан, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнининг замон талаблари асосида такомиллаштирилишига;

иккинчидан, табиий газни етказиб бериш шартномасидаги тарафларнинг ҳуқуқлари таъминлинишининг янги замонавий механизмларининг яратилишига;

учинчидан, табиий газ соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz>
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.08.2021 й., 09/21/485/0747-сон.
4. ЎР ҚХТ, 2014 й., 41-сон, 505-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан тақдим этган расмий маълумот.
6. “Худудгазтаъминот” АЖнинг расмий веб-сайти – <https://hududgaz.uz>
7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти – <https://www.uza.uz>

Табиий газни етказиб бериш шартномасининг шакли ва тузилиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари
Тешабоев А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

Резюме. Мақолада табиий газни етказиб бериш шартномаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинган, ушбу шартнома илмий ва ҳуқуқий асосларга кўра туркумлаштирилган, табиий газни етказиб бериш шартномасини сунъий интеллект воситасида тузиш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини онлайн кузатиб боришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек бу борада хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Табиий газни етказиб бериш шартномаси, шартнома субъекти, маиший истеъмолчи, сунъий интеллект.

Тешабоев А. Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

Особенности формы и порядка структуры договора поставки природного газа

Резюме. В статье проведен научный анализ договора на поставку природного газа, данный договор категоризирован по научным и правовым основам, на основе положительного опыта зарубежных стран в этой области разработаны научно обоснованные предложения по заключению договора на поставку природного газа с помощью искусственного интеллекта, совершенствованию правовых основ онлайн-мониторинга исполнения договорных обязательств.

Ключевые слова: Договор поставки природного газа, субъект договора, бытовой потребитель, искусственный интеллект.

Features of the form and order of the structure of natural gas supply contracts

Teshaboyev A. Institute for Problems of Legislation and Parliamentary Studies under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Annotation: The article provides a scientific analysis of the contract for the supply of natural gas, this contract is categorized according to scientific and legal bases, based on the positive experience of foreign countries in this area, scientifically based proposals have been developed for concluding a contract for the supply of natural gas using artificial intelligence, improving the legal framework for online monitoring the fulfillment of contractual obligations.

Key words: Natural gas supply contract, subject of the contract, household consumer, artificial intelligence.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИНИНГ ТАНАЗУЛИ БЎЛМИШ КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Байжанов Т.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Жамиятда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришга асосий хавфлардан бири бу – ҳуқуқбузарлик яъни, содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) [1] бўлса, унинг ичида коррупция билан боғлиқ жиноятлар алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, коррупция давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади, барча жамоатчилик институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмга путур етказди, жамиятда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради ҳамда мамлакат хавфсизлигига хавф туғдиради. Шунингдек, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, давлат бошқаруви ва тадбиркорликнинг самарадорлигини пасайтиради, инвестицион муҳитни ёмонлаштиради, ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқаради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда давлат ва жамият келажагининг таназули бўлмиш – коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамызда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Коррупция – ҳар қандай мамлакатнинг миллий давлатчилик асослари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф солади, фуқароларнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради. Шу боис ҳам коррупцияга қарши курашиш ва мазкур фаолиятни доимий асосда давом эттириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, хусусан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида «коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш»[2], деб таъриф берилган.

Мазкур сўзнинг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, «коррупция» латинча «*corruptio*» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради.[3, 84] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «Коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш» [4] деб қайд этилган. Мисол учун, славян тилларида «коррупция» пора маъносига тушунилади. «Коррупцианти» кесими серб-хорват тилида «пора бериб ўз томонига оғдириш, пора бериш» деб таржима қилинади. «Корруптениску» сифати эса, чехларнинг тилида «сотилувчи, сотқин» маъносини англатади [5, 14-15]. Рус тилидаги «коррупция» – пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлиги [6, 22] маъносини англатади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупцияга энг қисқа, лекин кенг қамровли таъриф берилган десак муболаға бўлмайди, яъни: «Коррупция–шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»[7]. Мутахассис олим Қ.Р. Абдурасулованинг фикрларича, «Коррупция – давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир» [8, 60]. Б. И. Исмаиловнинг фикрича, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади [9, 2].

Баъзи олимларнинг фикрича, «коррупция, унинг миқёси, ўзига хос хусусияти ва ўсиш суръати – мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар маҳсули ҳисобланади» [10, 8]. Бугунги кунда дунё миқёсида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.), БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда десак муболаға бўлмайди назаримизда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил 31 октябрь) коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари томонидан ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатда коррупция жиноятининг моҳияти очиқ берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб қўйилган. Ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилиқ кўрсатиши боис коррупцияни миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қайд этишимиз мумкин. Айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамызда коррупцияга қарши курашга

қаратилган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор комплекс характерга эга чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар нафақат коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, бартараф этиш, балки, коррупциянинг ёки унга имкон берадиган омилларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликка йўналтирилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Шунингдек, мамлакатимизда бугунги кунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши кураш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, сўнгги беш йилда республикаимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни (2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2017 йилнинг 2 февраль) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (2019 йил 27 май, ПФ-5729-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, юртимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [11] белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-иловасида «2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури», 2-иловасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Мазкур ислохотлар иникоси сифатида айтишимиз мумкинки, ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилганлигини, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислох қилинганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилик кўрсатиши боис коррупцияни миллий хавфсизлигимизга таҳдид сифатида баҳолаш ўринлидир. Мазкур таҳдидларни олдини олувчи ва унга қарши курашувчи яъни, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган бўлиб, ушбу органлардан бири бу - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидир.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида: коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади; коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади; жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради; аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади; коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади; коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комимиссияси раиси томонидан 2019 йил 31 июль куни тасдиқланган «Коррупцияга қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси» ҳамда «Ёшларда коррупцияга қарши курашиш, фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуктаи назарини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси» ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёти ташкилотининг тавсияларини бажариш бўйича «Йўл ҳартитаси» ишлаб чиқилиб ушбу ҳужжатлар асосида бугунги кунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Ички ишлар органлари томонидан ҳам

тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш борасида ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон ва 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармонларига асосан Ички ишлар вазирлиги Академияси ижодий жамоаси томонидан тақдим этилган «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва ўзгартириш ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» номи амалий тадқиқотлари давлат гранти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси раиси томонидан 2017 йил 30 декабрдаги 3-сон баёни билан ПЗ-2017090294-рақам билан тасдиқланган.

Ушбу амалий тадқиқотлар давлат грантини амалга ошириш учун Академия бошлиғининг 2018 йил 11 мартдаги «Давлат илмий-техника дастурлари асосидаги Давлат гранти бўйича вақтинчалик ижодий жамоаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 48-сонли буйруғи тасдиқланган. Лойиҳа мавзуси доирасида ижодий уюшма томонидан илмий тадқиқотлар режа асосида амалга оширилмоқда.

Мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларни барвақт олдини олиш борасида Ички ишлар органлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилгани билан бирга, айрим камчиликлар мавжуд эканлигини, ҳали қилиниши лозим бўлган амалий ишлар кўплигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашда Ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ишларни мунтазам амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва тизимли таҳлил қилиш орқали уларнинг олдини олишни таъминлаш; давлат бошқаруви ва ҳокимият идоралари ўртасида профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича доимий назоратни олиб бориш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлаш; фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар томонидан илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг янги механизмини жорий этиш ҳамда ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустақкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш мақсадида мунтазам равишда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда коррупцияга қарши курашиш бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувлар орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

Шунингдек, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлашимиз лозимки, ҳар бир соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятга алоҳида эътибор бериш, жинсий йўллар орқали катта бойлик орттириш, адолат-сизликка қарши курашни кучайтириш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга кескин муросасизликда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Коррупциянинг олдини олиш борасида мунтазам амалий чораларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради албатта.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлашимиз лозимки, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш – қонунчилиكنи такомиллаштиришни, коррупциянинг олдини олиш бўйича комплекс чораларни амалга оширишни, иш фаолиятимизни янада демократлаштириш ва либераллаштиришни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг ишончли механизмларини шакллантиришни тақозо этади. Бу эса халқ, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг ҳамкорлигини, шаффофлигини ва очиклигини таъминлаш орқали Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантирилишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
3. Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.
4. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).
5. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т., 2009. – Б. 14–15.
6. Егорова Н. Е. Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1996. – С.22.

7. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).
8. Абдурасулова Қ., Курбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). –Т., 2009. –Б. 60.
9. Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.
10. Алауханов Е.О., Турсунбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан / Под ред. Е.О.Алауханова. –Алматы, 2008. – С.8.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Мамлекет ҳам жамият кележигининг таназзули болмыс коррупция менен байланыслы болган жинаятларын алдыни алууда ички ислер уйымларынын орны

Байжанов Т. Озбекистан Республикаси ИИМ Академиясы еркин изертлеушы

Резюме. Усы мақалада жамият социаллық омри ушын оте қауыплерден бири болған коррупция менен байланыслқ болған жинаятшылықдың алдыны алууда ички ислер уйимлари тарепинен амелге асырилиуы лазым болған уазыпалар барасында тохталынып, тийисли таклиплер алдынала сурилген.

Таяныш сөзлер: Коррупция, ички ислер уйимлари, норматив-хуқуқий ҳужжетлер, коррупция жинаятларына қарсы гурес, коррупция жинаятларын алдыни алуу.

Давлат ва жамият келажегининг таназзули бўлмиш коррупция билан боғлиқ бўлган жинаятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг ўрни

Байжанов Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Резюме. Мазкур мақолада жамият ижтимоий ҳаёти учун жиддий хавфлардан бири бўлган коррупция билан боғлиқ бўлган жинаятларнинг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиниб, тегишли таклифлар илгари илгари сурилган.

Таянч тушунчалар: Коррупция, ички ишлар органлари, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, коррупция жинаятларига қарши кураш, коррупция жинаятларини олдини олиш.

Будущее государства и общества роль внутренних дел в предупреждении коррупции, связанной с преступлениями

Байжанов Т. Соискатель Академии МВД Республики Узбекистан

Резюме. В данной статье акцентируется внимание на задачах, которые предстоит выполнять правоохранительным органам по предупреждению коррупционных преступлений, являющихся одной из наиболее серьезных угроз общественной жизни, и выдвигаются соответствующие предложения.

Ключевые слова: Коррупция, правоохранительные органы, нормативные акты, борьба с коррупцией, предупреждение коррупции.

The future of the state and society the role of the internal affairs in the prevention of crime related corruption

Bayjanov T. Researcher of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Summary. This article focuses on the tasks that law enforcement agencies have to perform to prevent corruption crimes, which are one of the most serious threats to public life, and put forward appropriate proposals.

Key words: Corruption, law enforcement agencies, regulations, fight against corruption, prevention of corruption.

УДК: 903.2 (903.01/ 903.21)

ЕСЕН-2 ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ИХТИСОСЛАШГАН УСТАХОНАСИ

Мадреймов Б.Ж.

Қорақалпоқ давлат университети

Тош ибтидоий одам ҳаётидаги энг муҳим материаллардан биридир. Яхши ва юқори сифатли хом ашёни танлашда бу тошни қайта ишлаш техникасининг ривожланишига ҳисса қўшган, тош даврида иқтисодий фаолият эволюцияси йўқолади. Ибтидоий одамлар, аввало, сув манбалари яқинида, яъни булоқлар, дарёлар, қўллар ва шаршаралар атрофида жойлашганлар. Бирок, бу манбалар яқинида ҳар доим ҳам юқори сифатли тошлар мавжуд эмас эди. Шунинг учун ҳам ибтидоий ҳунармандлар юқори сифатли материал тош хом ашёсини доимий равишда излаб топганлар, улар асосан тошларга бирламчи ишлов беришни амалга оширганлар, кейин уларни яшаш маконларига олиб кетган. Бундай фаолиятдан кейин қолдирилган тош буюмлари, чиқиндилар ва ташландилар, шунингдек бирламчи ишлаш маҳсулотлари ва баъзан тош қуроллари бўлган жойлар устаханалар деб аталади. Устаханалардан топилган топилмалар орасида йўнилғи излари бор тош бўлаклари, фрагментлар, бирламчи синдиришлар, узакча тош парчаларида ишлашнинг турли босқичлари, техник синиқлар, пластиналар ва учириндилар одатда устунлик қилади. Улар орасида ишлаб чиқариш жараёнида асосан ярамсиз бўлган қуроллар мавжуд бўлади. Технологик занжирдаги маълум боғланишлар билан маҳсулотлар йўқлиги устаханалар характерли жихатини ифодалайди. Тош даври устаханаларининг пайдо бўлиши ибтидоий одамнинг узок ва секин давом этган минерологик билим ва кўникмалари ривожидан келиб чиққан заруратдир.

Марказий Осиё ҳудудлари ер юзининг тош даврига оид тошга ишлов бериш устаханаларига бой ўлкалардан биридир. Ушбу устаханаларнинг аксарият кўпчилиги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган. Юртимизда тош даври тошга ишлов бериш устаханаларининг топилиши ва ўрганилиши XX асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади [1,18; 2, 1-160]. Бу ерлардан илк, ўрта ва сўнгги палеолит ҳамда неолит даврларига оид устаханалар топилган. Бу устаханаларнинг эволюциясини кузатиш имконини беради. Маълумки, тош даври ёдгорликлари иккита катта гуруҳга ажратилади: маконлар ва тошга ишлов бериш устаханалари. Маконлар

ўчоқлар (баъзан уй-жой қолдиқлари), ошхона чиқитлари, тош ва суякдан ишланган буюмлар ва бошқа қолдиқларга эга бўлади.

Орол бўйидаги Устюрт платоси Ўзбекистон ҳудудининг бой палеолит ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Устюрт кенг тарқалган арид-дедунацион плато бўлиб, генетик жиҳатдан Манғишлак билан бирлаштирилган, аммо охириги ёпиқ Қаринжарик ҳавзасидан ажралиб туради. Устюртдаги текисликнинг характерли элементи-бу тубсиз адирлардир (Барса-келмес, Ассак-Аудан ва бошқалар). Устюртдаги палеолитик жойлар деярли барчаси очик жойлар бўлиб бу адирлар билан боғлиқ [3, 32]. Устюрт платоси тош даврининг турли босқичларига оид ёдгорликларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда мавжуд бўлган палеоэкологик шароитлар илк палеолит давридан бошлаб инсониятнинг ривожланиши ҳамда турли хил маданиятлар яратиши учун қулай бўлган. Бу ҳудуддан Есен-2, Қорақудук, Шахпакти ва ҳақоза қадимги тош даври ёдгорликлари очиб ўрганилган. Аммо бу ёдгорликларнинг муомалага киритилганлигига ярим асрга яқин вақт ўтди. Ҳозирда янгидан-янги тадқиқот услубларининг пайдо бўлганлиги муносабати билан мавжуд археологик материалларни қайта тадқиқ қилиш, улар ҳақида янги маълумотларни қўлга киритиш ва шунинг билан бирга Қорақалпоғистоннинг палеолит даврини ўрганишни янги замонавий босқичга қўтариш имконияти мавжуд.

Илгари илк палеолитга оид деб топилган ҳамда чоп этилган Устюртдаги Есен-2, Қорақудук ва Шахпакти ёдгорликлари дастлаб палеолитнинг турли босқичларига, кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар натижасида уларнинг барчаси Сўнгги палеолитга ўтиш даврига хос деб топилган [4, 35] ва бу ҳозирда тўла асосланмаган.

1977 йилда Устюртнинг Қорақалпоғистон қисмидан илк палеолит даврига тегишли Есен-2, Қорақудук ва Шахпакти манзилгоҳлари топилган. Айниқса, муҳим ва диққатга сазовор биринчи палеолитик кашфиёт Есен-2 Устюртдаги энг машҳур палеолит даври манзилгоҳи [5, 48]. Ёдгорлик Е.Б. Бижанов ва А.В. Виноградов томонидан кашф этилган [6, 522]. Манзилгоҳ 90х40 квадрат метрли паст тепаликнинг текис юзасига тўғри келади. Археологик тадқиқотларда олинган материаллар Устюртнинг илк палеолит даврида-Евроосиёнинг археологик харитасида ҳали номаълум бўлган, палеолит даврининг бу катта ҳудудида жойлашиш босқичларини аниқлаган. Ниҳоят Устюрт тош асри ёдгорликларида хронологик бўшлиқни тўлдирилиши мумкин.

Дастлабки маълумотларда Есен-2 материаллари шартли равишда сўнгги палеолит даври билан саналанган эди [6, 522]. Бундай саналаш учун Марказий Қозоғистон материаллари билан киёслаш асос қилиб олинган. Аммо ушбу Марказий Қозоғистон материаллари етарлича чоп қилинмаган ва улар билан тўлиқ киёслаш имконини бермайди. Е.Б. Бижанов ўзининг кейинги мақолаларида юқоридаги киёсий маълумотларга асосланиб Есен-2 материалларини илк палеолитнинг охири ёки ўрта палеолитнинг бошлари билан саналади [5]. Шундай қилиб, Есен-2 ва унга киёсланган Қозоғистон материаллари ҳам қайтадан синчиклаб ўрганишни талаб қилади [9, 56].

А.В. Виноградов Есен-2 материалларини ўрганиш борасида катта ишларни амалга оширган. «Есен-2 коллекцияси учун Е.Б. Бижанов таклиф қилган саналаш Жанубий Қозоғистондаги (Бўриқазған, Танирқазған ва х.к.) ёдгорликлар билан таққослашга асосланган. Таъкидлаш жоизки, юқорида таққосланган ёдгорликлар материаллари ўртасида ўхшашликлардан кўра, тафовутлар кўпроқ ва Жанубий Қозоғистон, айниқса Қоратоғ ҳудудлари бутунлай бошқача маданий-техник анъаналарга эгаллиги билан характерланади [7, 189-190]. Бифаслар ёки қўл чўқморлари бунда муҳим рол ўйнамайди. А.А. Алписбаевнинг мақолаларида бу ерда илк палеолит даври топилмаларидан фақат биргина қўл чўқморини (Аккол маконидан топилган) келтириш мумкин ва фақат ушбу чўқморгина Есен-2 бифаслари билан таққосланиши мумкин. Жанубий Қозоғистоннинг бошқа материаллари типологик нуқтай назардан чопингларга ёки икки тарафлама ишланган гардишсимон курулларга яқинроқдир.

Ўзбекистон ҳудуди тош даврига оид тошга ишлов бериш устахоналари билан дунёнинг энг бой ҳудудларидан биридир. Қопчиғай (Фарғона водийси), Учтут, Иджонт, Вауш (Зарафшон водийси), Қизилолма 1-4, Жарсай, Ғиштсой (Оҳангарон водийси), Есен-2, Қорақудук, Шахпакти устахоналари ва Қизилқир (Қизилқум) макон устахонаси шу ердан топилган. Маълумки, тош даври ёдгорликлари иккита катта гуруҳга ажратилади: маконлар ва тошга ишлов бериш устахоналари. Маконлар ўчоқлар (баъзан уй-жой қолдиқлари), ошхона чиқитлари, тош ва суякдан ишланган буюмлар ва бошқа қолдиқларга эга бўлади.

Марказий Осиё тош даври тошга ишлов бериш устахоналарининг классификацияси М. Р. Қосимов ҳамда Л. Я. Крижевскаялар томонидан амалга оширилган эди [8, 265-268]. Улар бу ердаги тошга ишлов бериш устахоналарини таснифлар экан: "ушбу таснифнинг абадий эмаслиги ва Марказий Осиё ҳудудларида олиб бориладиган кейинги тадқиқотлар ўнга ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиши мумкинлигини" [8, 265-268]. башорат қилган эдилар. Қуйида биз М. Р. Қосимов ва Л. Я. Крижевскаялар томонидан ишлаб чиқилган Марказий Осиё устахоналари таснифини келтиришни лозим топдик:

Янги кашфиётлар туфайли Ўрта Осиёда тошга ишлов бериш устахоналари таснифига айрим ўзгаришлар киритилмоқда:

Жадвал №1. Ўрта Осиё тош даври тошга ишлов бериш устахоналари таснифи

Том маънодаги устахоналар	Ихтисослашган устахоналар	Макон-устахоналар	Конлар, чуқурликлар
"Геронтология" сўзи 1903 йилда И.Метchnikoffнинг "инсон табиати" деб номланган китобидан келиб чиққан ҳолда, "ҳаётнинг ҳақиқий мақсадини ва илм-фанни ушбу мақсадга эришишнинг ягона воситаси сифатида тан олишдир [6, 65]. Олдин одамларни дин билан бирлаштирганидек, ўзларини шу атрофида тўплашдир. Менимча, кексалик ва ўлимни илмий ўрганиш, геронтология ва танатология деб аталиши мумкин бўлган фаннинг иккита тармоғи ҳаётнинг сўнгги даврида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин." Метchnikoff зоолог ва микробиолог сифатида танилган.

Хуллас, жамиятда фан ва технология каби бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кам сонли амалиётлар ҳисобга олинса, фан фалсафаси ва технология фалсафаси соҳалари жуда катта фарқларни кўрсатиши мавзуга янги келганлар учун ажабланиб бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда экспериментал фан ўзининг тадқиқот тузилмаларини амалга ошириш ва ҳодисанинг кузатилиши мумкин бўлган шароитларни яратиш учун жуда муҳим технологияга боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/ageing-and-health>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
3. Мейер-Штейнер Т., Зудгоф К. История врачевания в древности и Средние века. Этнография Москва Ломоносов 2022. - 216 с.
4. Бэкон Ф. Новый Органон наук. — М.: Канон+. 2016. - 352 с.
5. Худайберганов Р. Scientific, philosophical and methodological aspects of language and communication relations // Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 48. No.8. August 25, 2021. China. SCOPUS. H-Index 17. ISSN: 1674-2974. CiteScoreTracker 0,7. SJR 0.26. — Р. 240-247.
6. Илья Ильич Мечников: история жизни и научные свершения. — М.: «Научного слова», 1974. — 65 с.

Геронтология: ижтимоий-фалсафий таҳлил

Абдукаримова Г. Б. Тошкент давлат транспорт университети

Резюме. Мақолада геронтологиянинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, геронтология авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ижтимоий онгнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: геронтология, саломатлик, ақл-идрок, етакчилик, геронтология фалсафаси, кексалик психологияси, гериатрия, қариш, қарилик.

Геронтология: социально-философский анализ

Абдукаримова Г. Б. Ташкентский государственный транспортный университет

Резюме. В статье описываются социально-философские аспекты геронтологии, которая является одной из фундаментальных проблем философии и науки. Также анализируется, что геронтология играет важную роль в развитии общественного сознания, изучая особенности взаимоотношений между поколениями.

Ключевые слова: геронтология, здоровье, интеллект, лидерство, философия геронтологии, психология старости, гериатрия, старение, старость.

Gerontology: socio-philosophical analysis

Abdukarimova G. B. Tashkent State Transport University

Summary. The article describes the socio-philosophical aspects of gerontology, which is one of the fundamental problems of philosophy and science. It is also analyzed that gerontology plays an important role in the development of social consciousness, studying the peculiarities of the relationship between generations.

Key words: gerontology, health, intelligence, leadership, philosophy of gerontology, psychology of old age, geriatrics, aging, old age.

ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА КАРАКАЛПАКСТАНА В СЕРЕДИНЕ XIX ВЕКА

Усенов С.Х.

Каракалпакский государственный университет

Каракалпакский народ является одним из древнейших народов Центральной Азии. Он совместно с другими народами Центральной Азии является наследником всех богатств, созданными народами Приаралья.

В IX-XII веках на земле древнего Хорезма и Приаралья жили и творили многочисленные ученые, поэты, певцы, мастера, создавшие замечательные произведения искусства многочисленные архитектурные памятники, красивые жилища, замечательные дутары и других ценности, сохраненные во многочисленных музеях. Центральнoазиатские танцовщицы и музыканты изумляли своим мастерством в зарубежных и арабских странах [1, 45]. Особый период развития культуры народов Приаралья приходится на период VII-XII веков, когда народы этого региона создали многочисленные города особенно Токкала, Хайван кала, Кердер и другие города, являющимся центрами науки и культуры. Многочисленные ученые, жившие в городе Кердер, как Аль Гапури, Аль Кердери и других стали известными во многих городах тогдашнего цивилизационного мира: в Басра, Ирак, Каир, а также среди народов России. Они занимались в основном научно-педагогической деятельностью.

В период государства Тимура и Тимуридов, а также в последующие периоды, среди народов Приаралья распространилась мусульманская культура, особенно эта культура развивались под влиянием таких выдающихся личностей как Ходжа Ахмед Яссави, Сулайман Бакыргани и других деятелей всего мусульманского мира, родиной которых является территория Приаралья, низовья Сырдарьи и Амударьи.

Несмотря на международную обстановку середины XIX века, несмотря на межфеодалные войны в ханствах, особенно между Хивинскими ханством и Бухарой, а также с другими государствами в ханствах культурная жизнь была не так отсталой, как рисует некоторые зарубежные историки. Следует сказать, что народ Хивы славилась своими учеными, мастерами, поэтами и другими деятелями культуры.

Многие правители Хивы были учеными и поэтами. Это видно на примере выдающегося историка Абулгазы жившего в XVII веке, который оставил замечательные книги по истории народов Средней Азии, особенно по истории Туркменистана и Хорезма. Эта традиция продолжалась и в середине XIX века, когда среди народов Хивинского ханства была развита поэтическая и историческая литература, особенно в период правления Мухаммед Рахим хана, известного под псевдонимом Феруза, правившего в Хиве более 40 лет, он уделил большое внимание на развитие культуры своего народа.

Каракалпакский народ в начале XIX века, несмотря на непрерывные войны, на тяжелые налоги, создал и сохранил замечательные памятники культуры в виде эпических произведениях, таких как «Алпамыс», «Кырк-кыз», «Шарьяр» и другие фольклорные произведения, произведения искусства и литератур. Поэты Ажинияз, Бердах жили и творили в рассматриваемый период.

Таким образом, народы Средней Азии, перед Российским завоеванием, в том числе, каракалпаки имели своеобразную, богатую, материальную и духовную культуру, которые в период Советского строя отрицались, либо принижались, считая, что каракалпаки не имели своей письменности, своей национальной государственности. Отрицалась духовная культура, особенно религия народа.

Одним из первых историков, собиравших культурные наследия каракалпаков, узбеков и туркмен были русские исследователи. В начале XX века на территории Каракалпакстана был исследователь И.А.Беляев, который записал народные дастаны, таких как «Едиге», «Алпамыс», произведения Бердаха Каргабая улы, произведения туркменского поэта Мактумкули, чьи произведения широко распространились среди народов Хорезмского оазиса. Многие собранные материалы исследователей опубликованы в виде отдельной книги в г. Ташкенте и в других городах. Многие исследователи и путешественники, побывав среди народов Хорезмского оазиса, записали различные фольклорные материалы, произведения народных поэтов. Среди них хочется особо отметить роль историка культуры А.Н.Самойловича, который впервые побывал на территории Хорезмского оазиса в начале XX века, записал многочисленные произведения туркменского поэта Мактумкули среди каракалпаков, многие из которых были опубликованы в начале XX столетия. А.Н.Самойлович обнаружив многие рукописные произведения Мактумкули, отмечает широкую популярность туркменского поэта среди каракалпаков и ему удалось найти отдельные произведения его в ауле Кырсадак на берегах Аральского моря [2,

67]. Риза Кули мирза, А Каульбарс, Столетов, Соболев и другие побывали в городах Чимбай, Кунград, Нукус и в других населенных пунктах. Их труды стали ценными историко-культурными источниками для современных исследователей для изучения культурной жизни народов Приаралья.

Культура охватывает многие стороны человеческой деятельности. Она включает историю городов, историю искусств, литературы, языка, обычаев и обрядов, созданные народом в течение многих веков. Рассматривая культуру каракалпакского народа в данной работе особое внимание уделено роли религии в культурном процессе каракалпакского общества в середине и во второй половине XIX века, а также другие компоненты культурной деятельности каракалпаков рассматриваемого периода. Учитывая положение, из всех культурных процессов самое униженное положение приходилось на роль религии в каракалпакском обществе.

Каракалпакский народ как и все народы Центральной Азии создали в своей многовековой истории богатую духовную культуру. Народ не может жить без культуры. Своим действием люди создали материальные производства, а также духовные ценности в виде человеческого языка, письменности, религиозных воззрений, устные предания, литературу, обычаи и т.д. С древнейших времен на территории Каракалпакстана появились человеческие общества, оставившие материальные остатки в виде городищ, кладбищ, ирригационных сооружений и других объектов культуры, которые сохранились до наших дней. Наши предки были создателями ранних религии в виде зороастризма, основной книгой которого была книга «Авеста», созданная 2700 лет назад на нашей территории. Многие традиции религии Зороастризма переходили от одного поколения к другой, обогащая духовную жизнь наших предков. Каракалпаки и другие народы Центральной Азии исповедовали религию ислам суннитского толка. В прежних наших исторических работах, посвященных истории религии ислама было прямо написано, что «Реакционную роль в судьбе каракалпакского народа играла мусульманская религия - ислам суннитского толка» [3, 132].

Однако исторические факты свидетельствуют: религия, в том числе исламская религия, помогала народу жить лучше и счастливо, трудиться на благо народа, учил справедливости и честности, дружбе между людьми и народами. В трудные дни представители духовенства жили и боролись вместе с народом. Многие ишаны и улемы были истинными патриотами и просветителями, учились они всю жизнь, знания и науку оставили на первое место с детских лет до глубокой старости. Имеется народная пословица, что человек должен учиться всю жизнь, «бесиктен табытка шекем» что означает, что каждый мусульманин всю жизнь должен совершенствовать свое знание.

Религия была национальной и общечеловеческой ценностью. Религия ислама служила не только для интереса богатых людей каракалпакского общества, она защищала интересы бедных, обездоленных людей, призывала богатых людей оказать материальную помощь беднякам и труженикам.

Каракалпаки с малых лет учились в начальных школах, где обучение велось на основе арабского письма и алфавита. В этих начальных школах наряду с религиозными предметами они изучали светские науки, историю и литературу, математику и географию и другие необходимые науки. В мектебах дети знакомились с произведениями восточных поэтов. Они изучали произведения ал-Бухари, Имам ал-Термизи, Ходжа Ахмеда Яссави, Сулеймана Бахыргани и других. Особенно книга Суфи Аллаяра изучались в мектебах Каракалпакстана, священная книга мусульман Куран, Хадис и другие книги религиозного содержания служили идейной основой культуры народа и преподавались в мечете и медресе, особенной любовью относились к произведениям великих мыслителей как Навои, Физули и других.

В начале и в середине XIX века среди каракалпаков усилились роль ишанов, каждый человек должен был суфи у определенных ишанов. Ишаны были решающим в решении многих социальных и общественных задач среди народа. Они соблюдали законы исламской религии, выступали против иноземных захватчиков, а также были распространителями религии среди населения. Они имели в огромном размере земельные угодья. Земля была источником их дохода и процветания. Они также были крупными скотовладельцами, в их руках находились верные им люди суфи, которые работали в их хозяйствах.

На территории Каракалпакстана в рассматриваемый период находились и крупные кладбища, где хранились крупные ишаны, вокруг которого хранились суфи и ближайшие родственники и односельчане. Населения с большим уважением относились к памяти предков, постоянно приходили к месту захоронения отцов и матерей. Люди бережно относились к местам захоронения и читали молитву в честь погибших, выполняли религиозные верования и традиции. Такими священными кладбищами были «Кабаклы ата», «Каракум ишан», «Ишан кала», «Назлумхан Сулу», «Азлер баба» и другие, многие из которых существует до настоящего времени.

Исламская религия призывала людей к миру между народами выступали против войны, призывали всех мусульман к объединению, особенно против вторжения Российской империи на территорию Хивинского ханства, против построения крепостей на побережья Аральского моря и на Амударье, в 40-х годах XIX века призывали бороться против Российской армии за сохранение целостности Хивинского хана.

В середине XIX века многие дети из каракалпакских районов стали обучаться в городе Хиве в медресе, после окончания которых они пропагандировали поэтические наследия великих предков. Таким знаменитым поэтом в середине XIX века стал Ажинияз ахун, окончивший медресе Шергазы хана в городе Хиве.

Самыми уважаемыми людьми среди каракалпаков были ишаны, окончившие медресе в Хиве, Бухаре. В указанный период ишаны жили во многих населенных пунктах Каракалпакстана, главной функцией которых

были распространение религии ислам. Самыми популярными высшими учебными заведениями на территории Каракалпакстана были медресе «Каракум ишана», «Кумозек» (Ишан кала).

Эти центры религии и культуры народов низовьев Амударьи служили очагом просвещения духовности и культуры. Сюда приезжали многочисленные посетители из различных районов Каракалпакстана, Хивинского ханства каракалпаки, узбеки, туркмены и представители соседних регионов. В «Каракум ишане» имелись кладбище, где были захоронены люди из различных районов, бии, ишаны, улемы, поэты и сказители и другие. Это место является самым почитаемым кладбищем, где до настоящего времени приезжают многочисленные паломники из разных территории нашей Республики, а также соседних стран.

Исламская религия оказало положительное влияние на духовное и материальное развитие каракалпакского общества в середине XIX века. Они совместно с узбеками и другими соседними народами оказало огромное влияние на развитие и распространение религии ислам и среди соседних народов. Каракалпаки играли положительную роль как распространители ислама среди казахского населения внутри Каракалпакстана, где казахи составляли значительную часть населения на северо-востоке и северо-западных районах, а также на территории Казахстана, где они открывали мектебы, в которых учили детей казахов основному религии ислам. Такую функцию выполнял знаменитый каракалпакский поэт Ажинияз Косыбай улы, который неоднократно побывал среди казахов, имел поэтические состязания с казахской поэтессой Кыз Менеш. Итак, каракалпаки, окончив Хивинские и Каракумские медресе, выполняли благородную функцию, боролись за поднятие духовного обогащения других народов, особенно казахов и туркмен где они выполняли роль современных учителей.

Исламская религия призывали к установлению теплых человеческих отношений между людьми, к братству, терпимости к представителям другой религии, другой национальности. Ишаны, муллы, суфи были просвещенными людьми. Многие из них учились в медресе Хивы и Бухаре. Количество их увеличилось среди народов низовьев Амударьи в первой половине XIX века. Они играли огромную роль в общественной и семейной жизни людей. Самой распространенной формой семьи среди каракалпаков была моногамной. Мусульманская религия придавала огромное значение роли мужчины в семье, возвышал роль отца и матери.

Особую роль в каракалпакском обществе играли общинные традиции: аул, коше. У каждого аула были свои руководители - «бии», «аксакалы». Особую роль отводилось ишанам, ахунам и муллам. Их мнения в решении многих общественных, хозяйственных и семейных вопросов были решающими. «Община» - «жамаат» существовали во всех аулах и городах Каракалпакии под названием «маслахат», т.е. «совет». Совет старейшин совместно решали вопросы общины, где специально собрались члены общины, где были специально отведенные места под названием маслахат тобе, где почетные места занимали представители духовенства.

В этих советах в основном участвовали, представили мужского пола. Однако они учитывали мнения женщин. Следует пересмотреть мнение «Женщины не считались полноправным членом общества, избивание ее не преследовались законом» [4, 134]. Многие информаторы сообщают о том, что каракалпаки, как и другие народы с уважением относились к женщинам, матерям, девушкам. Им отводились почетные места в доме, с уважением относились им особенно ишаны, муллы и другие духовные лица, считая их основной семейной жизни. Среди женщин были знатоки шариата, они обучались в мектебах и медресе, были среди них и поэты исполнители поэтических произведений, представители искусства [5, 13].

Все приведенные факты свидетельствует о том, что как и в другие странах, среди каракалпаков исламская религия широко вникало в общественную и семейную жизнь народа в середине XIX века, она играла большую роль в развитии духовной жизни общества, поэтому роль ислама была огромной и она оказала позитивное на развитие каракалпакского общества.

ЛИТЕРАТУРА

1. Вамбери А. Очерки Средней Азии.- Санкт-Петербург. 1873
2. Юсупов И. Каракалпакстан жерлери Мақтумқулының екінші Ұатаны// Эмиўдэрья. 1973. №4.
3. История Каракалпакской АССР. Ташкент, 1986.
4. Камалов С.К., Уббиниязов Ж.У., Кошанов А.К. Из истории взаимоотношений каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII - начале XX вв. - Ташкент: Фан, 1988
5. Карлыбаев М. Медресе в Каракалпакии XIX - начала XX веков. Нукус, 2002

Резюме: Мақалада каракалпак халқы өзинің эжайып мәденият улгилерин саклап қалғаны, каракалпак жәмийетшилигинің мәдений процесинде диннің роли, ағартыўшылық ислери менен шуғылланған дин ўәкиллеринің хызметин айтип, Қарақалпакстан аймағындағы диний исенимлер менен байланыслы орынлар ҳақында мағлыўмат бериледи. Ишанлар, моллалар, суфилардың карақалпак халқының жәмийетлик турмысындағы әҳмийетли роли көрсетилген.

Таяныш сөзлер: Халық, мәденият, жәмийетшилиқ ислер, диний исеним, ағартыўшылық, исеним, әҳмийетли, орын, турмыс.

Резюме: Мақалада каракалпак халқы ўзининг ажойиб маданият намуналарин саклаб қалгани, каракалпак жамоатчилигининг маданий жараёнинда диннинг роли, маърифат ишлари билан шуғилланган дин вакилларининг хизматини айтиб, Каракалпоғистон ҳудудидаги диний ишончлар билан боғлиқ ўринлар ҳақида маълумот берилади. Ишонлар, мулалар, суфиларнинг каракалпак халқининг жамоатчилиқ ҳаётидаги аҳамиятли роли кўрсатилган.

Таянч сўзлар: Халик, маданият, жамоатчилик ишлар, диний ишонч, маърифат, ишонч, аҳамиятли, ўрин, ҳаёт.

Духовная культура каракалпакстана в середине XIX века
Усенов С.Х. Каракалпакский государственный университет

Резюме: В статье рассказывается о сохранении прекрасных образцов культуры каракалпакского народа, роли религии в культурном процессе каракалпакской общины, роли деятельности представителей религии в просвещении, местах религиозных верований на территории Каракалпакстана. Раскрывается, какую важную роль играли верования, муллы и суфи в общественной жизни каракалпакского народа.

Ключевые слова: люди, культура, общественные дела, религиозные верования, просвещение, уверенность, важность, место, жизнь

Summary. The article tells about the preservation of the Karakalpak people's cultural specimens, the role of religion in the cultural process of the Karakalpak community, the role of religion in enlightenment, and the places of religious beliefs in the territory of Karakalpakstan. Beliefs, Mullahs, Sufis play an important role in the public life of the Karakalpak people.

Key words: people, culture, public affairs, religious beliefs, enlightenment, confidence, importance, place, life

АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ

Есенбаев Дж. Т.

Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

Кириш. Барчамизга маълумки собиқ совет иттифоқи давридан то давлатимиз мустақиллика эришган йилларига қадар, давлат бошқарувининг асосий этибори ҳарбий ҳаракатлар даврида ёки ушбу ҳаракатлар оқибатида, жумладан оммавий қирғин қуроли ишлатилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган йирик талофатлардан фуқаро муҳофаазини таъминлашга қаратилган. Ушбу тадбирларга давлатнинг йирик куч ва воситалари жалб этилган. Ўтган асрнинг 80 йил ўртасида ва 90 йиллар бошида ҳорижий давлатларда юзага келган қатор техноген тусдаги авариялар, айниқса, Чернобил атом электр станциясидаги йирик техноген авария, Арманистондаги зил-зила, темир йўллардаги ва авиациядаги катастрофалар²²да табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Ушбу ҳорижий давлатларда юзага келган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатлари бир қатор илмий изланишлар ва таҳлиллар натижасида аҳоли ва атроф табиий муҳитни табиий ва бошқа офатлардан муҳофаза қилувчи давлат идораси фаолиятини ташкил этиш зарурлиги далилланган.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, содир бўладиган зил-зилалар, қор кўчкиси, сел келиши, ишлаб чиқариш объектларидаги йирик авариялар, авиа ва темир йўл транспортидаги ҳалокатлар ва табиий ёки бошқа офатлар оқибатида юзага келадиган талофатлардан инсон ҳаёти ва атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш ёки умуман беталофат ўтказишда суғурталанмаган. Бундай вазиятларда фақат олдиндан мавжуд ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда прогнозлар асосида аниқ ҳисоб-китобларга таяниб, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишдаги самарали ҳаракатлар эвазига аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида ютуқларга эришиш мумкин.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йили 4 март кунги “Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1378-сон²³ фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибидаги Фуқаро муҳофаазини базасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилган. Мазкур фармон талабларини ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йили 11 мартдаги “Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этишда масалалари тўғрисида”ги 143-сон²⁴ қарори қабул қилиниб, қарор билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тузилиши, таркиби, вазирлик ихтиёрига ўтказидиган тузилмалар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг низоми тасдиқланган.

Ушбу тасдиқланган низом бўйича, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқаро муҳофаазини ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат идораси²⁵ этиб белгиланган.

Тадқиқотнинг асосий қисми. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва ҳудудларини юзага келиши мумкин бўлган табиий ёки бошқа офатлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йили 20 августдаги

²² Репин Ю.В. Безопасность и защита человека в чрезвычайных ситуациях. Москва. 2005., ст.3-4.

²³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 3-сон, 19-модда; 1998 й., 12-сон, 227-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 917-модда.

²⁴ [uz&u=https://lex.uz/docs/403672&prev=search&pto=aue](https://lex.uz/docs/403672&prev=search&pto=aue)

²⁵ [uz&u=https://lex.uz/docs/403672&prev=search&pto=aue](https://lex.uz/docs/403672&prev=search&pto=aue)

“аҳолини ва ҳудудларни табиий ва ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги №824-I қонуни²⁶ ҳисобланади.

Ушбу қонун билан, фавқулодда вазият, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тушунчалари киритилган.

Қонунда берилган тушунчага кўра фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити изидан чиқишига олиб келган авария, ҳалокат, хавfli табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият, деб берилган. Бундан ташқари, ушбу қонунда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш тизими белгиланган бўлиб, унда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг, вазирлик ва идораларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бошқарув органлари кучлари ҳамда воситаларидан иборатлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари²⁷ белгиланган. Ўнга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга оид кучлар ва воситаларни молия ҳамда ресурс жиҳатидан таъминлашни, фавқулодда вазият таснифини тасдиқлашни, вазирлик, идоралар, ижро ҳокимияти маҳаллий органлари фаолияти устидан назорат қилишни амалга оширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонун нормаларида фавқулодда вазиятларда, фавқулодда вазият режимлари белгиланмаганлиги, жойларда содир бўлаётган ҳалокатлар, авариялар, табиий ёки бошқада офатлар оқибатида юзага келган вазиятлар бўйича фавқулодда вазият режимларини амалга киритиш ваколати аниқлаштирилмаганлиги ҳамда жорий этиладиган фавқулодда вазият режимларида ҳаракат қилувчи Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколати белгиланмаганлигини кузатишимиз мумкин. 2020 йили 1 май куни Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги “Сардоба” сув омбори тўғони ўпирилиши оқибатида юзага келган техноген тусдаги фавқулодда вазиятни яққол мисол сифатида кўришимиз мумкин. “Сардоба” сув омборида юзага келган техноген тусдаги фавқулодда вазиятни эслар эканмиз, бе ихтиёр кўз олдимизга Сардоба сув омбори атрофидаги пахта далаларию қишлоқларни ва аҳолини турар жойларини сув босганлиги, инсонларнинг қурбон бўлганлари, уларнинг яшаш шароити изидан чиқиб, назоратдан чиққан даҳшатли табиий офат тасвирланади. «Чегарасиз дарёлар» коалицияси (Rivers without Boundaries coalition)нинг халқаро координатори Евгений Симонов ўз хулосасида, Сардоба сув омбори фожиясида расман олти киши ҳалок бўлгани, Ўзбекистон ва Қозоғистонда 35 минг гектар ерни сув босиб, камида 111 минг одам кўчирилганлиги²⁸ни таъкидлаган. Ушбу кўчирилган аҳоли Сирдарё ва Жиззах вилоятларига вақтинчалик жойлаштирилган.

Эвакуация қилинган аҳолини иссиқ кийим-бош, кўрпа-тўшак, уй-рўзғор буюмлари, турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тошқин етказган талафотларни бартараф этиш мақсадида махсус ва муҳандислик техникаларни жалб этиш, уларни зарур техник қисмлар билан таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 26 моддасига кўра, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар резервларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади²⁹, деб кўрсатилган.

Лекин, Сардоба сув омбори фожияси оқибатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида жабрланган фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани тиклаш чора-тадбирларини молиялаштириш тўғрисида”ги қарори билан белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатда юқорида таъкидланган қонун нормаларига зарурий тузатиш киритиш лозимлиги ойдинлашган.

Ўзбекистон Республикасининг “аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-боб 27-моддасида “аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар³⁰ деб белгиланган.

²⁶ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 37-сон, 316-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.)

²⁷ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 37-сон, 316-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.)

²⁸ Симонов. Мақола «Ўзбекистондаги тўғон ўпирилиши аввалдан қутилган фалокат эди». thethirdpole.net сайт.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни в.15.

³⁰ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 37-сон, 316-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори³¹ қабул қилинган бўлиб, ушбу қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда – ФВДТ) тўғрисидаги низом ҳамда Вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотларнинг ФВДТ функционал қўйи тизимида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функцияларига белгиланган бўлсада, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда бартараф этиш бўйича ҳаракат қилишда зарур чораларни амалга оширишга масъул бўлган жавобгар шахслар ким ва қайси давлат органи томонидан жавобгарликка тортилиши белгиланмаган.

Ушбу қарорнинг 4 бобида, прогнозлаштирилаётган ёки юзага келган фавқулодда вазиятларнинг ҳолати, қўламларидан келиб чиқиб муайян бир ҳудудда ФВДТ фаолият юритишида кундалик фаолияти, юқори тайёргарлик ва фавқулодда вазият режимлари кўрсатилган бўлиб, ушбу режимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳамда тегишли объектлар раҳбарларининг қарорлари билан жорий этилиши белгиланган. Яна бир аҳамиятли тарафи шундаки, ушбу қарорнинг мазкур бобида фавқулодда вазиятларни бартараф этишда объект, маҳаллий ва республика даражаларидан бири ўрнатилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни таснифлаш тўғрисида”ги 455-сон³² қарори билан тасдиқланган иловасида, фавқулодда вазиятларнинг локаль, маҳаллий, республика ва трансчегара даражаси белгиланган. Мазкур фавқулодда вазиятларнинг даражаларига бўлиниши ҳолатига этибор берадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган қарорларида икки хил турдаги фавқулодда вазият даражаси булар объект ҳамда локаль даражалари ўрнатилиши ҳақида кўрсатилган. Локаль даражадаги фавқулодда вазият бу – 10 кишигача жароҳатланган, 100 ортиқ кишиларнинг яшаш шароити изидан чиқишига олиб келган ёки базавайи ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ортиқ моддий зарар келтирган ва объект ҳудудида юзага келган фавқулодда вазият, деб таъриф берилган.

Хулоса. Юқорида келтирилган ҳолатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг самарадорлигини янада оширишда қуйидагиларни инобатга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишда, уларнинг олдини олишда кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирларни амалга оширувчи, фавқулодда вазиятларда куч ва воситаларни тўғри ҳаракат қилишини таъминловчи давлат органи “Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисида” қонун қабул қилиниши керак.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 2-боб 6-моддаси 2 хат бошини “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркиби ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади” таҳририга ўзгартишлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу киритиладиган ўзгартишга асосан қонун ҳужжати қабул қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг аниқ вазибалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бундан ташқари, фавқулодда вазият режимлари ва ушбу режимлар ким томонидан жорий этилиши, жорий этилган режимларда давлат бошқарув органлари, нодавлат, нотижирот ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари киритилиши тартибга солинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг таркибий тузилмалари ҳаракатини **қиритиш лозим**. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашни асосий устувор вазифа деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддаси³³га қўра, “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазибалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат” деб белгилаб қўйилган.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига, жорий этилган фавқулодда вазият режимларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини киритиш зарур. Барчамизга маълумки сўнгги беш йилда давлатимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш соҳасида катта ҳажмдаги ислохотлар амалга оширилди. Давлат ташкилотларининг давлат активлари ҳусусийлаштирилиши,

³¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.08.2020 й., 09/20/515/1223-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 09/21/525/0803-сон, 16.12.2021 й., 09/21/752/1166-сон, 22.12.2021 й., 09/21/766/1182-сон

³² ЎзР Қонунчилиги / Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш. Хавфсизлик. Маъмурий ва жиноий жавобгарлик / Фавқулодда вазиятлар, уларнинг оқибатларини бартараф этиш

³³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон

бунинг оқибатида давлат томонидан молиялаштириладиган озиқ-овқат, транспорт, қурилиш, муҳандислик корхоналар базаларидаги моддий товар бойликлар хусусийлаштирилганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Биргина эвакуация тадбирларига жалб этиладиган олдинги автобазалар ҳозирги кунда фаолият кўрсатмаслиги, йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, ушбу тадбиркорлик субъектларининг транспорт воситаларини ва бошқада куч ва воситаларини фавқулодда вазиятлар режимида жалб этиш масаласи очик қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни таснифлаш тўғрисида”ги 455-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 17.08.2021 й., 09/21/525/0803-сон, 16.12.2021 й., 09/21/752/1166-сон, 22.12.2021 й., 09/21/766/1182-сон
6. Ю.В.Репин. безопасность и защита человека в чрезвычайных ситуациях. 2005 г., Ст. 3.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асослар: муаммо ва ечим

Есенбаев Дж. Т. Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

Резюме. Мазкур илмий мақолада аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд ҳуқуқий асослар, уларни амалга оширилиши тушунчалари, мазкур ҳуқуқий асосларга доир назария ва ёндашувлар таҳлили, фавқулодда вазиятларда давлат идораларининг иштироки, фавқулодда вазиятлар режимида тушунча ҳамда ушбу режимларни амалга киритиш механизмлари баён этилган. Шунингдек, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар назариялар орқали илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазият, фуқаро муҳофазаси, муҳофаза, локаль, маҳаллий, республика ва трансчегаравий фавқулодда вазият.

Правовая база в сфере защиты населения и территории от чрезвычайных ситуаций: проблемы и решения

Эсенбаев Дж. Т. Департамент по чрезвычайным ситуациям Республики Каракалпакстан

Резюме. В данной научной статье рассмотрены существующая правовая база в сфере защиты населения и территории от чрезвычайных ситуаций, концепции их реализации, привлечение государственных органов к чрезвычайным ситуациям, понятия режима чрезвычайных ситуаций и механизмов реализации этих режимов. Также, с помощью научной теории проанализированы существующие законы и подзаконные акты в области защиты от чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: чрезвычайная ситуация, гражданская оборона, локальная, местная, республиканская и трансграничная чрезвычайная ситуация, защита.

Legal Framework in the Sphere of Protection of the Population and Territory from Emergencies: Problems and Solutions

Esenbaev J. T. Department of Emergency Situations of the Republic of Karakalpakstan

Summary. This scientific article discusses the existing legal framework in the field of protecting the population and territory from emergencies, concepts for their implementation, involvement of state bodies in emergency situations, the concept of the regime of emergency situations and mechanisms for the implementation of these regimes. Also, with the help of scientific theories, the existing laws and by-laws in the field of protection from emergencies are analyzed.

Keywords: emergency, civil defense, local, local, republican and cross-border emergency, protection.

МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАСНИФЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

¹Янгибаев А.К., ²Ешнйазов А.З.

¹Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Қорақалпоқ давлат университети

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш институти давлат мажбурловининг бир тури сифатида бир неча йиллар мобайнида қайта-қайта изланишларга юз тутиб, маъмурий ҳуқуқ фанида мазкур тадқиқот мавзусига оид бир-бирига зид бўлган қўллаб турли илмий ёндашувлар (позициялар) шаклланишларини кузатамиз.

Қонун чиқарувчи ва соҳа олимларининг асосий эътибори маъмурий мажбурлаш чораларини қўллашни ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда ушбу таъсир чораларини қўллашнинг процессуал тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилиб келинган.

Ҳуқуқни қўллаш механизмида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, маъмурий ва жиноий қилмишларнинг олдини олиш, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилишини олдини олишда маъмурий олдини олиш ва маъмурий чеклаш каби таъсир чоралари алоҳида ўринни эгаллайди.

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида маъмурий олдини олиш чораларини қўллашда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқли ўлароқ кенг ваколатларга эга. Мазкур чораларни қўллашнинг яна бир муҳим хусусияти ушбу чораларни қўллашда бошқа шахсларга уларнинг қонуний манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказиш ҳавфини юқориликдир. Шу асосда маъмурий олдини олиш чораларини қўллашнинг қатъий қонун билан тартибга солиниши унинг энг асосий хусусиятини белгилайди.

Маъмурий мажбурлаш – қонунчилик ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадида маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари томонидан қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда судлар томонидан қўлланиладиган давлат мажбурловининг алоҳида туридир. Маъмурий мажбурлаш давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадига эга давлат мажбурловининг алоҳида туридир.

Маъмурий мажбурлаш институтининг алоҳида элементлари давлат ҳокимияти органлари у ёки бу даражада давлат ҳокимиятини бошқариш қарорларини тайёрлаш ва ижро этиш жараёнида самарали восита сифатида қўлланилади.

Маъмурий мажбурлашни ана шундай элементларидан, ажралмас белгиларидан бири ички ишлар органларининг маъмурий амалиётини ўрганиш шунинг кўрсатадики, мазкур фаолиятда юзага келадиган муносабатларга “горизонтал” ва “вертикал” муносабатларга дахл қилмайди, балки ушбу чоралари ўз хусусиятиги кўра, бўйсунув шаклидан қатъий назар қўлланишини талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, мажбурлов – бу бўйсунувчи объектнинг хоҳиш-иродасини рад этиш ва унинг ҳулқ-атворида ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Ўрнатилган тартиб-қонданинг бажарилмаганлиги сабабли, бошқарув субъектининг иродаси бузилади. Бошқарув субъекти иродасини қайта тиклаш ва бўйсунувга эришиш мақсадида, бошқарув объектнинг хоҳиш-иродасига таъсир этилади. Мажбурлов орқали ҳуқуқ-тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, давлат ҳокимиятнинг нормал фаолият юритиши таъминланади [1, 496].

Маъмурий мажбурлаш чораларини таснифига оид фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш билан бирга қонунчилик ва илмий адабиётларни умумлаштириш асосида маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкинлигини қайд этиш мумкин:

юримдик презумпциялар, яъни, у ёки бу шахсларнинг фаолияти, енгиб бўламдиган табиий кучлар ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш фактлари, юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ёки объектив ижтимоий хавфли қилмиш ҳақидаги аниқ тахминлар, шахснинг судланганлиги ёки шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш факти, жамият, одамлар ҳаёти ва соғлиғига реал хавфни юзага келиши;

шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкинлиги ҳақида ишончли маълумотни мавжудлиги ёки жамоат тартиби ва хавфсизлигига, аҳолининг соғлиғига реал хавф туғдирувчи ҳолатни юзага келиши;

қонун билан белгиланган шахснинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган алоҳида шартларнинг пайдо бўлиши.

Маъмурий мажбурлаш институтининг ўзига хос хусусиятларини назарий талқини доирасида таъкидланганидек унинг таснифланишига оид илмий ёндашувларни айримлари хусусида мулоҳаза юритишни жоиз деб билдик.

Илмий юридик адабиётларда маъмурий мажбурлаш чораларини илк таснифлари ўтган асрнинг 60-йилларида рус олимлари томонидан асосланган. Жумладан, профессор М.И.Еропкин ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усулига қараб, маъмурий олдини олиш, маъмурий чеклаш ва маъмурий жазо чораларига ажратади. Мазкур таърифда маъмурий мажбурлашнинг “ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш” мақсадида қўлланилиши билан бирга уни “жамоат хавфсизлигини таъминлаш ёки маъмурий хатти-ҳаракат учун жавобгарликка тортиш” мақсадида ҳам қўлланилишини кўрсатувчи махсус белгилари сифатида қайд этилган. Бунда муаллиф маъмурий мажбурлашни қўллаш фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш вазифасини ўтайди деб таъкидлайди. Ушбу тасниф орқали биринчи маротаба маъмурий олдини олиш чоралари маъмурий мажбурлаш чораларини тизимида алоҳида ажратиш кўрсатилди [2, 62]. Бошқа бир илмий тадқиқотларда маъмурий мажбурлашнинг уч турини, яъни маъмурий жазо, маъмурий чеклаш ва тикловчи чораларни қайд этилади [3].

Бунда маъмурий мажбурлашнинг дастлабки чораси ҳисобланган маъмурий олдини олиш чоралари – давлат бошқаруви соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган мажбурий таъсир этиш чораси сифатида қараш мумкин. Ушбу тушунчадан келиб чиқилса, маъмурий олдини олиш чорасини энг асосий вазифаси ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ва қонуний манфаатларини, жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шу асосда ушбу чораларнинг қўлланиши қатъий қонун доирасида белгиланиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқ ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурималари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, бағажини кўриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Ушбу олдини олиш чоралари қатъий қонунда белгиланлиги билан бирга, уларни амалга оширишнинг процессуал тартибига ҳам риоя этилиши лозим.

Шундай қилиб, маъмурий олдини олиш чораларига бевосита қонунчиликда назарда тутилган, маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар бўлмаган тақдирда содир

этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус ваколатли давлат (энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) органлари аниқ ваколатли ҳаракатлари деб таъриф бериш мумкин.

Ўрганилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, маъмурий олдини олиш чораларини таснифига оид турлича ёндашувлар баён қилиш мумкин. Бунинг асосий сабаби назаримизда, маъмурий олдини олиш чораларини қўллашни тартибга солувчи қонунчиликда маъмурий мажбурлаш чораларини таснифига тааллуқли аниқ ҳуқуқий мезонлар мавжуд эмаслигидир.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган таърифга ҳамоҳанг равишда маъмурий олдини олиш чораларини маъмурий мажбурлов чораларини таркибий қисми сифатида уларни қўллаш ваколатига эга субъектларнинг доираси чегараланганлиги, қонунда белгиланган аниқ процессуал тартиблар мавжудлиги, ушбу чораларни муайян ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни олдини олиш, маъмурий чеклов чораларни ўрнатишга қаратилган, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган чоралар тизими деб таъриф беришимиз мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимлари маъмурий чеклаш чораларини уч турга ажратади. Биринчиси, *умумий маъмурий чеклаш* чоралари, буларга мажбурий даволаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат, фойдаланишни тақиқлаш ва бошқа. *Махсус маъмурий чеклаш* чораларига ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни зудликда тўхтатиш мақсадида қўлланиладиган чоралар киради, бу чораларга жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни қўллаш, ўқотар қурол қўллаш каби чоралар киради. Маъмурий чеклаш чораларини ушбу таснифини ҳам тўлиқ деб бўлмайди, юридик адабиётларда бошқача таснифларни ҳам учратиш мумкин. Жисмоний куч ишлатиш чораси ушбу таснифда бевосита шахс, яъни *ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чора* сифатида, шунингдек *мулкий, техник* хусусиятдаги маъмурий чеклаш чоралари (ўқотар қуролни олиб қўйиш, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш ва ҳ.к.)га ҳам ажратилган [4, 180, 200, 9-13].

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни таъминлаш чораларига эса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285-моддасига мувофиқ бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйиш чоралари киради.

Қайта тиклаш чораларининг асосий мақсади - бошқа шахс томонидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ёки унинг ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш натижасида шахсга тегишли ҳуқуқларни таъминланиши (тикланиши)дан иборат. Бунда муайян шахснинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки ёки лозим даражада бажармаслик ёки унинг ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилмайди. Акс ҳолда ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин. Шунинг учун тикловчи нормалар ҳуқуқ нормасининг гипотезаси ва диспозициясида ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 38-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шартлиги белгилаб қўйилган. Ушбу норма тикловчи норма ҳисобланади.

Маъмурий тиклаш чораларига маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, шахс томонидан қонуний мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган қилган ҳолларда қўлланиладиган ваколатли давлат (биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) органларининг ўзига аниқ ваколатли ҳаракатлари деб таъриф бериш мумкин. Маъмурий қонунчиликда маъмурий тиклаш чораларини тартибга солувчи аниқ нормалар назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 186-моддасига мувофиқ, агар маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин. Ушбу муддат Ўзбекистон Республикасининг Фуқароли кодекси 163-моддаси талабларига асосан мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам бартараф этиш ҳақидаги талабларига татбиқ этилмайди. Бу норма маъмурий тикловчи норма ҳисобланади.

Шундай қилиб, маъмурий мажбурлаш чоралари, маъмурий жазо чоралари, маъмурий чеклаш чоралари, маъмурий олдини олиш чораларини таснифи, тушунчасига оид мавжуд илмий қарашларни таҳлил қилган ҳолда, шундай ҳулосага келиш мумкинки, маъмурий мажбурлаш чораларини таснифи доирасида тиклаш чораларини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Тошкент, 2006. – Б.496.
2. Еропкин М.И. О классификации мер административного принуждения // Вопросы административного права на современном этапе. М., 1963. Б. 62.

3. Коркин, А.В. Восстановительные меры государственного-правового принуждения// Сб. науч. ст./ УрЮИ МВД России. - Екатеринбург, 2003. 0.1 б.т.
4. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т. 2016. Б.180. // Axmedova M.T., Xakimov G.T., Babayev D.D., Murakayeva Z.I. Ma'muriy huquq. Darslik. - T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. - 200 bet. // Безлепкина О.В. Основные направления совершенствования института применения физической силы сотрудниками полиции на современном этапе развития общества. – Журнал: Правопорядок: история, теория, практика, № 2 (5) 2015. Б. 9-13.

Ҳақимшилик мажбурлеу шараларының классификациясы туралы теориялық көзқараслар
Янгибаев А.К. Өзбекстан Республикасы Ички ислер министрлиги Академиясы
Ешнйазов А.З. Қарақалпақ мемлекетлик университети

Резюме. Мақалада ҳақимшилик мажбурлеу шараларын тасниплеуге теориялық көзқарас таҳлил етилген. Ҳақимшилик тиклеу шараларының роли мен аҳамияти корсетилген. Ҳақимшилик мажбурлеу шараларының озине хас болган тареплери корсетилген, ҳақимшиликтиң алдын алыу шараларына тарип берилген.

Таяныш созлер: ҳақимшилик мажбурлеу шаралары, ҳақимшиликтиң алдын алыу, шеклеу, ҳақимшилик жазалау шаралары, ҳақимшилик нызамшылык, ҳақимшиликти тиклеу шаралары, процессуал шаралар.

Маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлашга оид назарий қарашлар
Янгибаев А.К. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиги ўринбосари,
ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ешнйазов А.З. Бердақ номидаги Қарақалпақ давлат университети мустақил изланувчиси

Резюме. Мақолада маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлашга оид назарий қараш таҳлил килинган. Маъмурий тиклаш чораларини ўрни, аҳамияти ёритиб берилган. Маъмурий мажбурий чораларини ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган, маъмурий олдини олиш чораларига таъриф берилган.

Таянч сўзлар: маъмурий мажбурлаш чоралари, маъмурий олди олиш, чеклаш, маъмурий жазо чоралари, маъмурий қонунчилик, маъмурий тиклаш чоралари, процессуал чоралар.

Теоретические подходы к классификации мер административного принуждения
Янгибаев А.К. Академии МВД Республики Узбекистан
Ешнйазов А.З. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье анализируется теоретические подходы к классификации мер административного принуждения. Освещены роль и значение административно-восстановительных мер. Отмечены особенности мер административного принуждения, дано понятие меры административного предупреждения.

Ключевые слова: меры административного принуждения, административное предупреждение, пресечения, меры административного взыскания, административное законодательство, административно-восстановительных мер, процессуальные меры.

Theoretical approaches related the classification of measures of administrative compulsion
Yangibaev A.K. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Eshniyazov A.Z. Karakalpak State University

Summary. Theoretical approaches related the classification of measures of administrative compulsion is analysed in the article. The role and significance of measures of administrative restoration are highlighted. The features of measures of administrative compulsion are noted, administrative preventive measures are described.

Key words: measures of administrative compulsion, administrative prevention, restriction, administrative penalties, measures of administrative legislation, administrative restoration, procedural measures.

КОНСУЛЛИК ҲИМОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Гафурова С. А.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги кундаги ривожланиш босқичи барча мамлакатларнинг ўз фуқароларининг чет давлатлардаги ҳуқуқий ҳимоясига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги билан характерланади. Зеро, БМТ Халақаро суди қабул қилаётган мурожаатларнинг эътиборга молик қисмини консуллик ҳуқуқи масалалари ташкил этиши³⁴ бунинг яққол далилидир. Шу билан бирга, мазкур жараённинг амалий натижаси ўлароқ консуллик фаолияти кўплаб йирик давлатлар Ташқи ишлар тизимининг энг муҳим хизматига айланиб бормоқда³⁵.

Фуқароларнинг чет давлатларга боришлари, у ерда турли мақсадларда, яъни ўқиш, ишлаш, малака ошириш, хизмат сафарлари, қариндошларни кўриш учун хорижий давлатларда турли муддатларда (қисқа, узоқ, доимий) қолишлари сон жихатдан кўпайиб бормоқда. Фуқаролар чет давлатларда бўлиб турар эканлар, ўз мақсадларини амалга ошириш учун турли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Ана шундай муносабатларда ҳуқуқнинг бузилиши ва бунинг оқибатида қийин аҳволга тушиб қолишлари долзарб масаладир. Давлат эса фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим механизмдир.

1. ³⁴ Какого рода споры государства представляют на рассмотрение Суда? / Материалы о деятельности суда. <http://www.un.org/ru/ictj/inaction.shtml> Дата обращения: 12.03.2018г.

2. ³⁵ Yan Melissen, Ana Mar Fernandez. Consular Affairs and Diplomacy. Holland, Leiden. Martinus Nijhoff. 2011. ISBN13: 9789004188761. 27-бет.

Қатор давлатларда ўзларининг хориждаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг институционал тизими асосини чет давлатлардаги фуқаролар билан ишлаш бўйича парламент, ҳукумат ва ташқи ишлар вазирлиги тизимида махсус департаментлар, комиссиялар тузилганлиги, давлат миқёсида махсус агентликлар, вақтинчалик ва доимий кўмиталар мавжудлиги билан кўрсатиш мумкин³⁶. Шунингдек, дунё мамлакатлари тажрибасида ўз давлати фуқаролари консуллик ҳимоясини тезкор таъминлаш мақсадида хорижий давлатларда кўплаб консулхоналар очиши³⁷, консуллик фаолияти кўлами, ҳуқуқий ёрдам ва давлатларнинг амалий кўмак кўрсатиш имкониятлари ҳақидаги интернет тармоқлари орқали амалга оширилаётган тарғиботлар³⁸ олиб бориши ва бу фаолиятнинг ўсиб бориш тенденцияси мавзунинг долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Ўз ўрнида айтиш жоизки, дунёни қамраб олган COVID-19 пандемияси консуллик ҳимоясига бўлган долзарбликни янада кучайтирди. Консуллик ҳимоясининг ҳуқуқ институти сифатидаги ҳуқуқий-амалий аҳмиятини орттирди. Бугунги кунда консуллик муассасалари ўзлари учун ноанънавий бўлган шароитларда ва талабларда фаолият юритмоқдалар. COVID-19 дунё ҳамжамиятини қамраб боргани сари чет давлатлардаги фуқароларнинг ижтимоий ҳолати, ҳуқуқларининг таъминланиши, Ватанга қайтиш масалалари долзарб нуқтага чиқа бошлади. Мазкур муаммоли масала дунёнинг барча мамлакатлари тажрибасида кузатилмоқда.

COVID-19 оқибатида турли мамлакатларда амалга оширилган ва ҳамон қўлланилаётган турли чекловлар фуқароларнинг чет давлатларда бўлишлари, иш ва ўқишларида давом этишлари ва бошқа кўплаб эҳтиёжларини чеклашларига олиб келди. Ҳар қандай давлатнинг бошқа мамлакатлардаги фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлиб қолиш ҳолатлари кескин кучайди. Мазкур тенденция Ўзбекистоннинг чет давлатларидаги фуқароларини ҳам четлаб ўтмади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги фуқаролари ҳуқуқларининг консуллик ҳимоясини таъминлаш масаласида, аввало таъкидлаш жоизки, “конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир³⁹”. Зеро, давр тараққиёти талаби билан чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга бўлган эҳтиёж объектив характерга эга бўлиб бормоқда. Айнан ана шу жиҳатдан чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларининг консуллик ҳимояси масаласи долзарб ўринга чиқади. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги даврдаги ривожланиш босқичи фуқароларни ҳар қандай вазиятда ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўллари яратиш бирламчи вазифа эканлиги билан ажралиб туради. “Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кейтиши, мамлакатимизни тараққий эттиришда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтираимиз⁴⁰”. Бу ишларни амалга оширишда консуллик ҳимояси фуқароларнинг хавфсизлиги, ҳимояси ва ҳуқуқларининг амалга оширилишида муҳим ҳуқуқий восита саналади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ташқи ишлар вазирлигига чет давлатлардаги фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Фуқароларнинг мазкур мурожаатларининг мазмунан таҳлил қилинганда мурожаатларнинг аксарият қисми чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашга қаратилган консуллик ҳуқуқий ёрдам⁴¹ масаласида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Дипломатик ваколатхоналаримиз олдидаги муҳим вазифалардан бири чет давлатларда бўлиб турган ва ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишдир. Мазкур йўналишда олиб юзага келаётган масалалар консулларнинг чет давлатлардаги фуқаролар билан ишлаш фаолияти долзарб масала эканлигини таъкидлайди. Консуллик ҳимояси конструктив амалий ташқи сиёсат олиб боришнинг муҳим омили сифатида изоҳланади ва ўз-ўзидан ташқи алоқаларда “консуллик дипломатия”сини ривожлантиришга туртки бўлади.

3. ³⁶ Қаранг: <http://www.mid.ru/>; <http://rs-gov.ru/>; Постановление Правительства РФ от 11 декабря 1994 г. № 1369 (ред. от 05.09.2006) «Об утверждении положения о правительственной комиссии по делам соотечественников за рубежом» // СЗ РФ. 1994. № 34. Ст. 3606.; Постановление Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации от 24 декабря 2007 г. № 8-5 ГД // СЗ РФ. 2007. № 53. Ст. 6541. Официальный сайт комитета Государственной Думы по делам СНГ и связям с соотечественниками, <http://www.duma.gov.ru/sng/>; Постановление Правительства Москвы от 18 сентября 2001 г. № 844-ПП «Об основных направлениях работы по поддержке соотечественников за рубежом» // Вестник Мэрии Москвы. 2001. № 36.; Официальный сайт Международного Совета российских соотечественников, <http://www.msrs.ru/>

4. ³⁷ Мексика АҚШнинг 52 та штатида ўз консулхонасини очган. Электрон манба. https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_дипломатических_миссий_Мексики.

5. ³⁸ What are Canadian consular services? Government of Canada officials abroad cannot... Government of Canada officials abroad cannot... // Publications. <https://travel.gc.ca/travelling/publications/bon-voyage-but> Канада консуллик амалиётида консул қандай ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш имкониятларига эга эканлиги интернет тармоқлари орқали кенг оммага мунтазам етказиб туради//travel.gc.ca/about/assistance/consular.

6. ³⁹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь //Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 8-бет.

7. 40 Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси. 22.12.2017г.

8. https://sputniknews-uz.com/trend/Mirziyoyevning_Oliy_Majlis_SenatiQonunchilik_palatasi_azolariga_Murojaatnomasi

9. ⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти <https://mfa.uz/ru/about/activity/13823/>

Жаҳон илмий-амалий тадқиқотларида консуллик ҳимояси масаласини конструктив тарзда ва чуқур ўрганиш жараёни сезиларли даражада одимлаб бормоқда. Европа олимлари тадқиқотларига кўра консуллик ҳимоясига талаб жадаллашган. Консуллик ҳимояси масаласи консуллик ҳуқуқи доирасида кенг муҳокама этиладиган мавзуга айланмоқда⁴². Қатор давлатларда, жумладан, Хитой тажрибасида “чет давлатлардаги Хитой фуқаролари хавфсизлиги муаммолари ортмоқда” номи остида 696 хил воқеа ва ходисалар ўрганилган⁴³.

Европа Иттифоқи ўз фуқароларига нисбатан амалга оширилаётган консуллик ҳимояси жараёнларини таҳлил қилишлари натижасида 2009 йил 18 апрелда «Европа фуқаролиги ва консуллик ҳимояси тўғрисида»ги Резолюция⁴⁴ни қабул қилган. Мазкур резолюциянинг асосий ҳолатларига кўра консуллик ҳимояси масалаларида: консуллик ҳимоясининг жуда суст амалга оширилиши; давлатлар ўртасида низолар юзага келган вақтларда дипломатик муносабатларнинг аксарият ҳолларда самарасиз эканлиги; икки ва ундан ортиқ фуқароликка эга шахсларга нисбатан консуллик ҳимоясини амалга ошириш мураккаблиги каби муаммолар мавжуд эканлигини эътироф этган. Мазкур масаланинг мантиқий давоми сифатида ғарб тадқиқотчиларининг “консуллик дипломатияси” тушунчаси, шаклланиши ва ривожланишига қаратилган эътиборнинг ортганлиги таъкидлаш жоиз. Бундай тадқиқотларда улар консуллик дипломатиясини тараққий эттириш ва такомиллаштириш давр талаби билан долзарб нуктага келганлигини таъкидлайди⁴⁵.

Консуллик ҳимояси институтининг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини ёритишда қиёсий-ҳуқуқий усулни қўллаш қадим замонларга бориб тақалади. Масалан, Платон ўз даврида турли шаҳарлар қонунларини таққослаган. Аристотель сиёсий ташкилотнинг қай даражада қонуний эканлигини аниқлаш учун 153 та грек давлатлари ва шаҳарларининг “конституцияларини” қиёслаш орқали ўрганиб чиққан. Бироқ, Қадимги Рим ҳуқуқшунослари бундай тадқиқотлар қилмаганлар. Бунинг боиси улар ўз қонунлари ва ҳуқуқ тизимлари “аъло даражада бўлиб, бошқа давлат ва шаҳар қонунчиликларида устун” эканига ишонганлар. Шарль Монтескье ўзининг “Қонун руҳи”⁴⁶ асарида эса, чет давлатлар қонунчилигин ўрганган ва уларни бир бирлари билан қиёслаш натижасида ўзининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаларини шакллантирган. Бироқ, қиёсий ҳуқуқшунослик мустақил фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида жадал шаклланган. Бунда асосий тарихий воқеа сифатида 1969 йилда тузилган қиёсий қонунчилик ва ҳуқуқшунослик француз жамиятининг тузилишини айтиш мумкин.

Консуллик ҳуқуқини ўрганишда ва айниқса чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хорижий ҳуқуқий тизимларни ўрганиш, янгиликларидан хабардор бўлиш ва уларни муносиб илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг давлат ташқарисида бўлишлари ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши миллий қонунчилик чегарасидан чиқадиган масалалар. Айнан ана шу нуктаи назардан баъзи чет давлатларда мавжуд бўлган, у ёки бу жиҳатдан фуқаро ларимизга дахлдор халқаро амалиётни ўрганиш лозим. Зеро, “инсон-давлат муносабатларида афзаллик инсонга қартилиши керак”⁴⁷.

Давлат ҳуқуқи нормаларининг халқаро даражага чиқиби олиши ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқга кириб бориши жараёни ўзининг жадаллиги жиҳатидан бир бирдан кескин фарқ қилади. Мазкур йўналишда тезкор ривожланган ва эътиборга молик самара берган ҳудуд бу Европа ҳудудидир.

Европа Иттифоқи ҳуқуқи шартномаларнинг комплекс тизиминигина эмас балки ўзига хосликка эга бўлган бутун ҳуқуқий тизимни ташкил этади. Унинг алоҳида жиҳати сифатида Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир-бирлари билан узвий боғлиқлигидадир. Европа Иттифоқи ҳуқуқи унга аъзо давлатлар ҳуқуқ тизимларининг бир қисми саналади. Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг иктисодий ва ижтимоий соҳада қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг 80 фоизи Европа Иттифоқи органлари томонидан қабул қилинади ва барча аъзо давлатлар учун мажбурий саналади.

Европа ҳуқуқи ўзига хос ҳуқуқий тартиб ўрнатади. Бироқ, у халқаро ҳуқуқдан алоҳида ҳолда эмас, унинг доирасида амал қилади. Мазкур ҳолат Европа суди қарорларида ҳам ўз аксини топган. Суд ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ Европа Иттифоқи “халқаро ҳуқуқда янги ҳуқуқ тартибот тизимини шакллантирди...; у ўз доирасига фақат давлатларни эмас, балки уларнинг фуқароларини ҳам қамраб олди”, деб таъкидланган.

Германия Федератив Республикасида халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликда қўлланилишини тартибга солишга қаратилган махсус қонун ҳужжати мавжуд эмас. Мазкур жараёни тартибга соладиган асосий юридик қоидалар мамлакатнинг Асосий қонунининг (Конституциянинг) 2, 25 ва 59 (Федерал қонунчиликка оид қоидалар) ҳамда 74 (Германиянинг федерал ерларига оид қоидалар) моддаларида келтирилган. Ушбу моддалар

10. ⁴² Дж.Хайнал, М. Уэльс, Л.Сентьюри и С.Тейлор. Консульская служба 21-го века. Доклад по международным делам и торговли. Март 2013. 3-бет.

11. ⁴³ Қаранг: Ся Липинг "Реформы Консульской служба и изменения в дипломатии". Лайден. Мартинус Найхоф, 2011.

12. ⁴⁴ Мазкур резолюция Европа федералистлари иттифоқи томонидан қабул қилинган. Электрон манба Европа Иттифоқи тизимининг расмий сайти. <http://www.federalists.eu/uef/news/european-citizens-and-consular-protection>

13. Okano-Heijmans, Maaike: Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy. The Hague, Netherlands Institute of International Relations ‘Clingendael’ Clingendael Diplomacy Papers No. 26.

14. ⁴⁶ <http://studentdream.narod.ru/monte.htm>

15. ⁴⁷ Каримов И. Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана. – Т.: Узбекистон, 1995. Стр. 21.

ратификация жараёнларини тартибга солади ва миллий қонунчиликда халқаро нормаларнинг қўлланилишини тартибга солади.

Шу билан бирга, Германия ҳуқуқ тизимининг асосини конституцион актлар ташкил этади. Германияда давлат суверенитетидан келиб чиққан ҳолда давлат ташқи сиёсатининг мазмуни ва моҳиятини аниқлаш, ташқи алоқаларнинг шакли ва доирасини белгилаш конституциявий ҳуқуқ билан тартибга солинади. Бундан ташқари, конституциявий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқ нормаларининг шаклланиши ва амалга оширилишида қатнашишнинг ҳуқуқ субъектчилигини белгилайди. Бу эса, давлатнинг ташқи сиёсати, қўшни давлатлар билан олиб бориладиган алоқаларнинг йўналиши ва афзалликлари билан узвий боғлиқдир. Зеро, ҳуқуқнинг ўзи ҳам асл моҳиятан ана шундай боғлиқликлар асосида амалга оширилади.

Германия ҳуқуқ тизимида Германия Федерал судининг инсон ҳуқуқлари нормаларининг қўлланилишидаги ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Германия Олий федерал суди 1966 йил 10 январдаги Қарори билан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш мумкинлигини тасдиқлаган. Бунга асос сифатида қуйидаги ҳолатлар келтирилган:

биринчидан, Германия Конвенцияга “қонун кучига эга” деган изоҳ билан қўшилганлиги;

иккинчидан, Конвенция ўз қоидаларида жисмоний шахслар томонидан тўғридан-тўғри даъволар билан мурожаатлар қилишлари мумкинлиги белгиланган. Юқорида тилга олинган суд қарорида эса, “Германия қонунчилик ҳокимияти ўз Қарори билан шунга таъкидлайдики, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция тўғридан-тўғри даъво мурожаатларига асос яратади ва шунинг учун ушбу Конвенция Германия қонунчилигини тўлдирди” дейилган.

Мазкур қарордан сўнг Германия федератив судлари ўз қарорларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қоидаларини индивидларга тўғридан-тўғри қўлланилишини ва бир вақтнинг ўзидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар яратишини қайд этган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш учун ҳеч қандай норматив асос бўлмаган ҳолларда Германиянинг ташқи ишлар ва адлия вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган махсус қоидалар қўлланилади.

Давлат томонидан ўзининг чет давлатлардаги фуқаролари ҳуқуқларини консуллик ҳимоясини амалга ошириши унинг мутлоқ ҳуқуқи бўлиб, бу давлатларнинг суверенлигидан келиб чиқади. Давлатлар турли хил муносабатларга ўз ташқи алоқа органлари орқали киришадилар. Давлатлар ташқи сиёсатларини ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширадилар. Буларнинг барчаси бир бутунликда халқаро ҳуқуқий жараёнларнинг мураккаб таркибини вужудга келтиради ва халқаро ҳуқуқнинг турли тармоқлари воситасида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи алоқалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига мувофиқ ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик асосларида олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати миллий давлатчилик манфаатларига таянади.

Қонунийлик ва мустақкам ҳуқуқ тартибот жамият ҳаётида энг олий қимматга эга мезонлардир. Шу боис, ҳар қандай давлатда ҳуқуқ тизимини, қонунчиликни такомиллаштириш барқарор тараққиётнинг муҳим шарти сифатида давлатнинг бирламчи вазифаси этиб белгиланади. Ўз навбатида консуллик тизими ҳам мунтазам такомиллаштирилиб бориши лозим бўлган тизимдир. Консуллик ҳимояси ҳозирги кундаги халқаро муносабатлар талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши, глобализация жараёни натижасида юзага келадиган чакирувларга нисбатан муносиб шаклланиши керак.

Юқоридагилар асосида қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин: 1. Консуллик ҳимояси масаласи давлат тараққиётининг ҳеч бир даврида, ҳеч бир босқичида ўз долзарблигини йўқотмайди. Уни мунтазам такомиллаштириб туриш, жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг янгидан янги талабларига мослаштириб бориш лозим. 2. Консуллик ҳимоясини амалга ошириш механизми доимий такомиллаштирилиб борилиши лозим. Бу ўринда қиёсий-ҳуқуқий восита муҳим методологик асосдир. Чет давлатлар ҳуқуқини билиш, қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш миллий ҳуқуқ тизимини янада теранроқ англаш, унинг афзаллиги ва камчиликларини кўра билиш имконини беради. 3. Бугунги кундаги, айниқса COVID-19 пандемияси даврида консуллик ҳимоясига бўлган ҳуқуқий-амалий эҳтиёж ортиб бориши консуллик муассасаларидан тезкорликни, чуқур ҳуқуқий билим ва кўникмаларни талаб этади.

Консуллик ҳимоясини амалга оширишнинг тарихий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари
Гафурова С. А. *Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети*

Аннотация. Мазкур мақолада ҳозирги давр шароитида консуллик ҳимояси институтининг ривожланиш асослари, талаблари ва амалий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга ҳозирги кунда консуллик ҳимоясига нисбатан ортиб бораётган амалий эҳтиёж ҳамда унга мутаносиб равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, халқаро тажриба ва назарий масалалар кенг ёритилган. Мақолада консуллик ҳимояси институтининг жадал тараққий этишида зарур бўлган қатор омиллар кўриб чиқилган. Муаллиф, мавзунини ёритишда халқаро майдонда юз бераётган ўзгаришларни талкин этиш билан бирга, ҳуқуқий амалиёт кузатувлари, қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллار натижаларини батафсил изоҳ этган.

Калит сўзлар: консул, консуллик ҳимояси, консуллик муассасаси, фуқаролик мурожаатлари, ҳуқуқий-қиёсий таҳлил.

Abstract. This article describes the basics, requirements and practical and legal aspects of the development of the institute of consular protection in modern conditions. At the same time, the growing practical need for consular protection and the measures taken in response to it, as well as international experience and theoretical issues are widely covered. The article discusses a number

of factors necessary for the rapid development of the institution of consular protection. The author, in addition to interpreting the changes in the international arena in the coverage of the topic, explained in detail the results of observations of legal practice, comparative legal analysis.

Key words: *consul, consular protection, consular office, citizens' appeals, comparative legal analysis/*

Аннотация. В данной статье описаны основы, современные практические требования и правовые аспекты развития института консульской защиты в современных условиях. Наряду с этим, в статье широко освещаются растущая практическая потребность в консульской защите и меры, принимаемые в ответ на подобные вызовы. Также в статье приводится международный опыт и теоретические вопросы оказания консульской защиты гражданам, находящимся за пределами страны своего гражданства. Автор, помимо интерпретации изменений на международной арене, подробно разъяснил особенности юридической практики и результаты сравнительно-правового анализа по данному вопросу.

Ключевые слова: *консул, консульская защита, консульское учреждение, обращения граждан, сравнительно-правовой анализ.*

ТЕАТР САНЪАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Юсупов Қ.Б.

Қорақалпоқ давлат университети

Театр (юнонча teatr – томоша, томоша учун жойлар), томоша санъатининг асосий тури. Театрнинг умумий тушунчаси театр санъатининг турларига бўлинади: драма театри, опера, балет, пантомима театри ва бошқалар. Ушбу атаманинг келиб чиқиши қадимги юнон антик театри билан боғлиқ бўлиб, у ерда аудиториядаги жойлар шундай номланган (юнонча "теаомаі" феълидан - қарайман) деган маънони билдиради.

Театр санъатининг келиб чиқиши ибтидоий бутпарастлик маросимлари ва ўша пайтдаги жамият ҳаётининг асосий дақиқалари билан боғлиқ маросимларда ётади. Табиий ҳодисаларнинг у ёки бу ҳудода тимсоли ҳудодлар билан ўзига хос диалогни талаб қилди – асосий лаҳзалар, ҳаётининг воқеалар маросим ва маросимларда ўйналди (яъни театрлаштирилган шаклда). Маросим ҳаракатларида томошабинлар йўқдек туюлади, уларнинг барча иштирокчилари, қанча бўлишидан қатъи назар – кўпчилик бўладими, оммавий маросим пайтида ёки фақат рухонийлар, яширин маросим пайтида, тўғридан-тўғри киритилган ҳаракатнинг ўзи.

Шунга қарамай, томошабин, аниқроғи, назарда тутилган эди: бу театрлаштирилган томошалар, ибтидоий сирлар ҳудодларга қаратилган эди, маросим иштирокчилари улар билан мулоқотга киришдилар. Театрнинг энг яхши асарларида бугунги кунгача сақланиб қолган энг юқори нота, ҳаракатнинг муқаддаслиги шундай белгиланди. Бўлажак театрни зарур профессионаллаштиришнинг биринчи амалга оширилиши пайдо бўлди: ҳудодлар билан суҳбат қанчалик моҳирона амалга оширилса, уларнинг марҳаматига эришиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, архаик театр шакллариининг биринчи мутахассислари рухонийлар ва шаманлар эди; кейинчалик – мотам тутувчилар, қўшиқчилар, раққослар, қадимги ҳудодларни улуғлашди - Дионис, Сатурн, Осирис, Баал, Коляда, Астарте. Бу ерда биринчи марта келажак театрининг энг муҳим ижтимоий функцияларидан бири – ғоявийлик шаклланди ва амалга оширилди. Ҳудодларга яқинлик рухонийларга қуч беради; қўллаб-қувватлаш учун зарур жамоатчилик фикри ва кайфиятини, мафкуравий таълимотни шакллантириш зарур. Ритуал ҳаракатлар иштирокчиларининг (ва кейинчалик театр томошабинлари) юқори даражадаги ҳиссий иштироки, яъни жамоавий тажриба уларни энг кўп тақлиф қилади.

Театр жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний ва бошқа қарашлари тизими тарғиб қилинадиган ва сингдириладиган жамоат платформасидир, деган кенг тарқалган ва мутлақо ҳолис фикр шундан келиб чиқади. Театр санъатининг иккинчи ижтимоий функцияси – бу тижорат ва кўнгилочарлик бўлиб, у энг долзарб муаммолардан шалғитиш сифатида мафкуравий функциянинг ҳосиласидир. Император ҳокимият давридаги Рим оломонининг шиорини эслайлик: «Нон ва цирклар» (Лат. Panem et circenses). ва ҳар қандай кўнгилочар индустрия сингари, тижорат кўнгилочар театри ҳам жиддий даромад келтириши мумкин, бу эса ўз навбатида мафкуравий ва қуч тузилмалари учун жозибатор. Шундай қилиб, театрнинг бутун тарихи давомида иккала ижтимоий функцияси ҳам бир-бирига боғлиқ бўлган бирликда мавжуд бўлиб, баъзан энг инжиқ тарзда ўзаро боғлиқдир.

Бирок, бугунги кунда бу атаманинг маъноси жуда хилма-хилдир. Бундан ташқари, у қўйидаги ҳолларда қўлланилади: Бу театрнинг синтетик табиати. Унинг асарлари деярли барча санъат турларини осонгина ўз ичига олади: адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат (рангасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва бошқалар, вокал, хореография ва бошқалар; шунингдек, турли фанлар ва технология соҳаларининг кўплаб ютуқларидан фойдаланиш. Масалан, психология фанининг илмий ишланмалари актёрлик ва режиссёрлик ижодига, шунингдек, семиотика, тарих, социология, физиология ва тиббиёт (хусусан, саҳна нутқи ва саҳна ҳаракатини ўргатиш) соҳасидаги тадқиқотларга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, унинг фаолиятига янги ижодкорларни жалб қилиш, бугунги замон даражасидаги саҳна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим». Ҳар қандай истеъдод ўзига хос методология асосида шаклланади ва ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилади. Агар ҳозирги замон қорақалпоқ театри тарихига назар ташласак, унинг

саҳифаларида жаҳон театрларининг, хусусан, Макс Рейнхард, Гордон Крег, Анри Антуан, Шарл Дюлен, Жан Вилар, Питер Брук, Ежи Гротовский, Отто Крамер сингари буюк жаҳон режиссёрлари ва рус театрдан: К.С.Станиславский, В.И.Немирович-Давченко, Е.Вахтангов, В.Э.Мейерхольд, А.Д.Попов, М.О.Кнебел, Г.А.Товстоногов каби театр санъати алломалари қолдирган ижодий ва маданий мерос асосида, улар қўллаган услуб ва атамалардан кенг фойдаланиб келинганига гувоҳ бўламиз.

«Қанча санъат соҳиби бўлса, шунча ижодий услуб бор» деган гап кўпчиликка маълум. Аслида ҳам ҳар бир санъаткор анъанавий ҳисобланган услубларга асосланиб, уларни ўрганиб, сўнгра фақат ўзига хос ижодий усул, яъни метод яратди. «Бизнинг назаримизда юқорида қайд этилган ҳар бир буюк санъаткорнинг ижодий услубияти ҳақли равишда ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Аммо бу услублар ичида режиссёр ва актёрни тарбиялашда энг мукаммали К.С.Станиславский ва В.И.Немирович-Данченко бошлаб берган «Станиславский системаси» деб аталган ижодий услублар мажмуасидир»[1,3].

К.С. Станиславский ўз «системаси» билан актёрлик ва режиссёрлик ҳунарида катта ўзгариш қилди. «Менинг китобимда ёзганларим нафақат айрим давр ва шу замон одамларига гина тегишли бўлмай, балки барча замонлардаги актёрлик қобилиятига эга бўлган барча миллатнинг органик табиатига тегишлидур»[2,7]. Зеро, бу «система» инсон табиатига асосланган ва йиллар синовидан ўтган таълимот саналади. «Агар санъат бўлмаганда инсон ҳам бўлмасди» - деган эди Ф.М. Достоевский. Санъат инсон руҳини тозалайди, юксалтиради, қалбида эзгуликни шакллантиради. Агар фан борлиқни рационал таҳлилий англаш усули бўлса, борлиққа нисбатан реакция бўлса, санъат ҳаётни қайта гавдалантириш ва уни бадиий акс эттириш вазифасини бажаради.

Демак, санъат эҳтиросли бўлиши табиий. Санъат борлиқни ҳаётни ҳис туйғу ва эҳтирос орқали англаш усули бўлиб, у борлиқни бадиий образлар орқали акс эттиради. Театр санъати образлар орқали ифодаланади, образлар орқали инсонга ўз таъсирини ўтказди. Шундай экан, демак бадиий образ санъатининг энг асосий қуроли ва ифода воситаси бўлиб қолаверади. Санъатнинг ифода воситаси, яъни образ ҳаётни акс эттириш воситасидир. Одатда, биз образни санъаткорнинг воқеалик ҳақидаги тасаввурининг аниқ ҳис этиладиган тарзда гавдаланиши деб мушоҳада қиламиз. Биз худди шу ҳолатни, бадиий образнинг тўртта таркибий қисми-компонентларида ҳам кўришимиз мумкин.

Образнинг биринчи хусусияти – у, албатта, қандайдир фикр ва ғояни ифода этади. Яъни, образ аниқ ва муайян фикр, ғоя учун борлиқни қайтадан акс эттиради. Худди шу нарсга образнинг асосий мазмунини ифодалайди. Аммо, агар ғояга тўғридан-тўғри мурожат қилинса, унда театр санъатини-плакатнамо, публицистик шиорга айланиб қолиши мумкин. Ҳаммага маълум фикр ва ғоялардан прагматик равишда тўғридан-тўғри фойдаланилса, у, албатта, ҳаётни ўта соддалаштириб, фақат оқ-қорага ажратиб қўйиши мумкин ҳолос. Айниқса, театр санъатида, ҳаётни ўта конкрет ифодалайдиган санъатда бу масалага жиддий қарамоқ керак. Агар биз ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросларни четга суриб қўйиб, ундан қандайдир конкрет фикр излай бошласак, оқибатда вульгар ҳулосалар келиб чиқиши мумкин.

Масалан, мусиқа энг мавҳум санъат тури саналади. Шундай бўлса да, энг буюк куй ҳам режаланган идеяга бўйсунди. Яъни у шу идея учун яратилган ва шунга хизмат қилади. Шу билан бирга, яна бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар қандай буюк асарда, аксарият ҳолларда, идеяни илғаб олиш қийин бўлади. У аслида асосан «сирли» бўлади, театрда эса бу ҳолат мусиқага нисбатан «аниқроқ» ифодаланади. Шунинг учун санъатни англашда, қабул қилишда асар ғоясини вульгар равишда соддалаштирмаслик керак. «Система – маълумотнома, фалсафа эмас. Фалсафа вужудга келган жойда системага ўрин йўқ. Табиат бор» [3,309]. Бир қарашда англаб бўлмайдиган санъат асарларининг негизида ҳам фикр ва идея мавжуд.

Санъатда идея, фикр ва мазмун ҳамма вақт гўзал ва ўта сирли бўлиб қолаверади. Санъатни қабул қилишдаги энг ширин дамлардан бири ҳис-туйғуларимизга мос, унга адекват, онгли мазмун топиш билан белгиланади. Агар санъат томошабинни, ўзига хос, сирли жозиба билан жалб эта олмаса, унда режиссёрнинг меҳнати ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Ҳар қандай одам санъатни қабул қилиш хусусиятига эга. Аммо, ана шу хусусиятни ривожлантирмай ва такомиллаштирмай туриб, ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яъни кўнгилни ҳам машқ қилдириш лозим. Бу борада санъатда янги фикрни ҳамма вақт инсониятга айнан аниқ деб ҳисобланган жойлардан изламоқ керак.

Бадиий образнинг иккинчи таркибий қисми (компоненти) бадиий тўқимадир. Бошқачароқ қилиб айтиладиган бўлса, бадиий тўқима адабиёт ва санъатнинг ўзига хослигидир. Агар бадиий образнинг биринчи компоненти – фикр, идея ва мазмун инсоннинг жамиятда фуқаролик руҳи билан боғланган, идея ва олий муддаони англаш жараёни фанга мойилроқ бўлса, бадиий тўқима фақат ижодий тасаввур маҳсулидир. Бадиий тўқима биринчи навбатда ижодкорнинг истеъдодига боғлиқ. У бор жойда айнан ҳаётда йўқ нарсга ҳам бор бўлиб қолиши мумкин. Шу маънода, бадиий тўқимани санъат мўъжизаси ҳам дейишади. Бунга А.С.Пушкиннинг «Бадиий тўқима устида кўз ёшларим дарё бўлур» - деган сатрлари далил бўла олади. Масалан, ҳужжатли фильм том маънода, факт ва ҳужжатлар асосида суратга олинади. Фақат фактлар асосида суратга олинган ҳужжатли фильм шу соҳани биладиган одамларни қизиқтириши мумкин. Бироқ, бадиий фильм кўргач, сизнинг бутун вужудингизни ҳиссиёт тўлқини қамраб олади. Бадиий ҳиссиёт орқали ақлга таъсир ўтказди.

Бадиий образнинг учинчи қисми бу ҳаётий ҳақиқатдир. Агарда бадиий тўқима ҳаёт билан боғланмаган бўлса, унинг сариқ чақачлик ҳам қиймати қолмайди. Бадиий тўқимасиз ҳаётий ҳақиқат, ҳаётий ҳақиқатсиз бадиий тўқима бўлмайди. Оламни акс эттиришда ҳаётий ҳақиқат, ҳаётга айнан ўхшашлик томошабин ишончини қозонади. Бадиий тўқима инсон психофизиологиясисиз содир бўла олмайди. Бадиий тўқима ҳақиқати фалсафий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Чунки, ҳар қандай бадиий тўқиманинг ўз ҳақиқати мавжуд.

Зеро, ҳаётда қандайдир ягона мавхум ҳақиқат бўлмайди. Театр санъати қонуниятда ҳамма вақт ҳаётини ҳақиқат бўлиши асосий шартдир.

Бадий образнинг тўртинчи қисми – юқоридаги уч компонентнинг уйғунлашуви, яъни гармониядир. Буни англаш, санъатнинг энг нозик сирларини топиш учун режиссёр санъаткорона бадий истеъдодга эга бўлиши керак. Уйғунликнинг биринчи шarti – гўзалликдир. Бу гўзаллик нафақат санъатга, балки илм ва фанга ҳам алоқадор бўлади. Мутаносиблик ўта гўзал ва жозибали синоатдир. Демак, бадий образ ўз гўзаллигида таъсирчан ва юкувчан бўлиши лозим. Бу хусусият театр санъатига ҳам алоқадордир. Чунки, бадий образнинг яна бир таркибий қисми унинг таъсир кучига эга бўлиши, инсонга завқ бағишлай олиши билан белгиланади. Бадий образлар ҳар хил йўл билан бунёд қилинади, бунинг учун турли воситалар ишлатилади. Санъатнинг хилма-хил турлари да айнан ана шундай ҳолатда дунёга келади.

Театр санъатининг ўзига хос етита хусусияти бор: Биринчидан; театр санъатининг манбаи – жонли, ҳаракатланувчи инсон актёр ҳисобланади. Гапираётган эмас, ҳис-туйғулар кечириётган эмас, айнан хатти-ҳаракат қилувчи инсон. «Театр биринчи навбатда ўйин-кулгидир. Бу одам бўлиши керак спектаклни тинглади, маълум бир завқ олди, яъни хавотирга тушди бошқалар билан йиғлаш ёки кулиш, лекин айти пайтда у кетиши керак мамнун бўлиб, ўзи билан бир парча езгулик ва ҳақиқатни, олижанобликни олиб кетди унинг руҳи» [4, 272]. Иккинчидан; театр – фаоллик, серҳаракатлик манбаига эга. Актёр сўзининг биринчи бўғинидаги «акт» - ниманингдир содир бўлиши, фаоллик деганидир. Театр санъати ҳамиша фаолликни талаб қилади. Агар сахнада, актёр ижросида фаоллик болмаса, бу ўлик ижро бўлади. Сахнада гўё ташқи кўринишдан ҳеч қандай нарса содир бўлмаётган ҳолларда да унинг ички замирида кучли, фаол ҳаракат ётади. «Театрнинг дирекцияси, администрацияси сахнанинг барча талабига эгилиб бўйсиниш керак» [4,78]. Театрдаги ҳамма воситалар, нур, сахна қурилмалари, мусиқа, либос, декорация, грим, реквизит ва бошқа сахна компонентлари актёрнинг фаол хатти-ҳаракат қилиши учун хизмат қилади. Уларнинг ҳаммаси эса, ўз навбатида, восита бўлиш билан бирга, асарда ва актёрда ўз ифодасини топади, мужассамланади. Демак, театрда актёр яратувчи, театр эса актёр учун муқаддас олий даргоҳдир.

Театр инсоннинг ички ва ташқи хусусиятларини очиб берар экан, актёр нимани ўйнамасин, энг муҳими – у ҳамма вақт ўзига фаол қизиқиш уйғотиши ва ҳамиша шахс бўлиб қолиши керак.

Учинчидан; театрда ижодий жараён – шу дақиқада ва шу одамлар кўз ўнгида содир бўлади. Театрда икки яратувчи бор – Актёр ва Томошабин. Театр «кийим илгич»дан эмас, байрамдан бошланади. Театрга келиб-кетувчилар эмас, том маънодаги томошабин зарур. Бизнинг театримиз муқаддас жомеъ бўлмоғи керак. Токи, томошабин актёр билан мулоқотга кириши керак. Мўъжиза ана шунда яратилади. Томошабин театрда ҳис-туйғуни бошдан кечирибгина қолмайди, у актёр билан бирга дардлашади. У билан бирга ҳамнафас бўлиб яшайди. Театрда ўйин фақат сахнада эмас, томошабин билан биргаликда ўтади. Театрни томошабинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай театр йўқ, бўлса ҳам у ўлик сахнадир. Томошабинни жалб қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли – актёрнинг ижро маҳоратини оширишдан иборат. Шу билан бирга, яна асосий омилларидан бири ташқи муҳит ҳам алоҳида аҳамият касб этади, яъни томоша зали, бино, нур, деворлар, ички жиҳозлар ва ҳоказолар.

Тўртинчидан; театр санъати вақт ва кенглик бўшлиғида содир бўлади. Санъат турлари орасида шундай асарлар да борки, улар фақат кенгик ўлчамида бўлади. Масалан, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, кулолчилик, меъморчилик. Шундай асарлар борки, фақат вақт ўлчамида содир бўлади. Масалан, мусиқа, кўшиқ. Бироқ, санъатнинг ҳам вақт ва кенглик ўлчамида кечадиган турлари да бор. Булар: театр, кино, рақс, пантомима.

Санъат турларининг кўпчилигида асар ҳаёти яратувчи-ижодкорга боғлиқ бўлмайди. Асарнинг ўзи яратувчисиз ҳам мустақил равишда асрлар оша яшайверади. Масалан, адабиёт. Аммо, айрим санъат асарлари борки, улар ижроси билан бирга оламдан ўтиб кетади. Бу асарлар айти вақтда, шу дамда тан олиши керак, акс ҳолда ҳеч қачон тан олинмайди. Театр санъати ана шу турлараро вақт ва кенглик ўлчамидадир, чунки театрда бадий образ сахна кенглигида ва вақт ўлчамида кечади.

Бешинчидан; театр санъати синтетик, таркибий қисми ягона ва бир-бирига боғлиқ полимер санъатдир. Театрда ҳамма элементлар шундай яхлитликка эга бўладики, у ўз специфик хусусиятларини йўқотиб, янги, ягона шу спектаклга оид маъно кашф этади. Хусусан, шу тарзда мутлақо янги театр асарининг бадий образи яратилади. Биз театрда мусиқани эшитамиз, мусаввир асарини кўрамиз, бадий асарлар устида фикр юритамиз. Театрда актёрнинг нутқи, овозини эшитамиз, сахналар ва пластик ҳаракатларни томоша қиламиз. Кечириётган воқеалар устида фикр юритамиз. Буларнинг ҳаммаси актёрнинг ижросига боғлиқ бўлган синтетик хусусиятлардир. Бундан ташқари театр ўз ичига адабиётни, мусиқани, меъморчиликни, мусаввирликни, рақсни ва деярли қолган барча санъат турларини олади. Улардан тўла-тўқис фойдаланади.

Санъатнинг деярли барча турлари театр асарида синтетик равишда уйғунлашиб, мутлақо янги бадий асар бўлиб туғилади. Бу борада бадий асарнинг яхлитлиги ва компонентларнинг гармоник бирлиги режиссёрлар учун жуда ҳам зарур бўлган талабдир.

Олтинчидан; театр санъати иккиламчи. Театр санъатида адабиёт, драматургия, матн бирламчи ҳисобланади. Бироқ, театр ўзлигини, мустақиллигини, ўз санъат хусусиятлигини йўқотса, унда адабий асарларни иллюстрация қиладиган бўлиб қолади. Бу жуда хавфли бўлиб, ҳозирги замондаги театрни асоратга солади ва охир-оқибатда театр ўз миссиясини йўқота бошлайди. Театр мутлоқ ўзга тузилмадир, яъни томошавий, фаол хатти-ҳаракатлардир. Театр бу – аввало томоша эканлигини унутмаслик керак. Ҳозирги

кундаги хорижий мамлакатлари киносига эътибор қилсангиз, сўзларини тушунмасангиз ҳам гап нимада эканлигини ҳаракатлар орқали англаймиз.

Еттинчидан; театр жамоа санъатидир. Агарда ёзувчига ижод қилиш учун қалам ва қоғоз, мусаввирга мўйқалам, бўёқ ва мольберт, композиторга соз кифоя қилса, театр ижодкорларига бадий асар яратиш учун биринчи навбатда ижодий жамоа керак. Бундан ташқари бадий асар яратиш жараёнида актёрлар билан бир қаторда жуда кўп бошқа одамлар да меҳнат қилишади. Булар: нур берувчи, гриммчи, реквизитор, либосчи, овоз берувчи, оператор, расом, тикувчи, дурадгор, бутафор, мусикачи, сахна усталари, сахна безакчилари ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, театр санъатида ижодий акт жараёни шу жамоанинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Агар спектакл жараёнида бизга керакли бўлган жойда ва пайтда тўппончининг ўқ овози янграмаса спектаклга путур етади. Чунки, актёрлар да, томошабинлар да худди шу дақиқада кечинма вазиятидан чиқиб кетади. Демак, спектакл жараёнида унинг ҳамма иштирокчилари, ким бўлишидан қатъий назар, тенг равишда маъсулиятга эга. Бунинг учун ижодий жамоанинг ягона дунёқарашга эга бўлиши, маслакдош, елкадош, ҳамфикр бўлиши асосий шартлардан биридир. Бу борада, жамоада соғлом муҳит ва дўстона муносабатлар бўлиши катта аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Зуфаров У. Сахна талқини ва таҳлил. Ўзбекистон давлат консерваторияси. Тошкент.; «Муסיқа» нашриёти. 2007. 3-б.
2. К.С. Станиславский. Работа актёра над собой. Том.2, «Искусство» Москва.: 1954. стр.7.
3. К.С. Станиславский. Собр.-соч. 3-т. Стр.309
4. Немирович-Данченко В. И. Рождение театра / Ком. М. Н. Любомудрова. М.: Правда, 1989. 272 с.
5. Мастерство актёра. В.Терминах и определениях К.С.Станиславского. Москва. 1961
6. И. Виноградская. Жизнь и творчество К.С. Станиславского летопись том третий. 1916-1926 ВТО Москва. 1973

Театр санъатини тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари
Юсупов Қ.Б. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме: Мазкур мақолада театр санъатининг ўзига хос хусусиятлари, бадий образнинг компонентлари, актёр, ижро маҳорати, томошабин, актёр ва томошабиннинг ўзаро боғлиқлиги, санъатнинг вақт ва кенглик ўлчамида кечадиган турларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: театр, санъат, театр санъати, система, образ, бадий образ, актёр, томошабин, фикр, ҳис-туйғу, идея, муסיқа, либос, декорация, грим, реквизит, дирекция.

Теоретико-методологические основы исследования театрального искусства
Юсупов Қ.Б. Каракалпакский государственный университет

Резюме: В данной статье анализируются особенности театрального искусства, компоненты художественного образа, актёра, исполнительского мастерства, взаимозависимость зрителей, актёра и зрителя, содержание видов искусства во времени и пространстве.

Ключевые слова: театр, искусство, театральное искусство, система, образ, художественный образ, актер, зритель, мысль, эмоция, идея, музыка, платье, декорация, грим, реквизит, режиссура.

Theoretical and methodological foundations for the study of theatrical art
Yusupov K.B.Karakalpak State University

Summary: This article analyzes the features of theatrical art, the components of the artistic image, the actor, the performing arts, the interdependence of the audience, the actor and the viewer, the content of the arts in time and space.

Key words: theater, art, theatrical art, system, image, artistic image, actor, spectator, thought, emotion, idea, music, dress, scenery, makeup, props, directing.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАҚҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ОМИЛЛАРИ

Маматқобилов Т. Д., Хикматов Р. П.

Ўзбекистон Республикаси Қурулли қучлари академияси

XX асрнинг охирига келиб, “хавфсизлик” ва “миллий хавфсизлик” тушунчалари сиёсий мулоқотда кенг қўлланила бошланди. Хавфсизлик тараққиётнинг пойдевори ҳисобланиб, бугунги кунда турли соҳа мутахассислари томонидан жиддий ўрганилмоқда.

Миллий хавфсизликни таъминлаш учун хавф хатарларни олдини олиш ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услуби кўпроқ қўл келади. Шу боис давлатлар томонидан ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи стратегик вазифага айланди. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг чегара минтақаси олдидаги вазият Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига ўзаро боғлиқ. Мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси қўшни мамлакатлар билан чегараларни қатъий тартибга солиш бўйича сўнгги беш йилга қадар давлатларнинг ўзаро дипломатик муносабатлари йўлида сунъий тўсиқлар ва муаммолар пайдо бўлган эди: биринчи ва энг асосий муаммо – Марказий Осиёнинг деярли барча мамлакатлари билан давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича ҳуқуқий асоснинг йўқлиги; иккинчи муаммо – 1924-1927 йиллар – Марказий Осиё республикаларини чегаралаш даврида ва 1930 йил ва ундан кейинги даврда қабул қилинган ҳужжатлар бўйича келишмовчиликлар; учинчи муаммо – хариталарда белгиланган чегара чизиқларининг амалда фойдаланилаётган ерлар, ирригация тармоқлари, кўплаб инфратузилма объектлари, уй ҳўжаликлари ва

кабристонлар жойлашуви билан мос келмаслиги натижасида асосан оддий фуқаролар, айниқса, чегара ёнидаги аҳоли азият чекди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топишига кўра, чегараларни ўрта асосий тамойил асосида делимитация ва демаркация қилиш бўйича қўшни мамлакатлар билан музокаралар ўтказишга қарор қилинди. Биринчиси – ўзаро манфаатларни қатъий ҳисобга олиш, иккинчиси – чуқур ўйланган оқилона муроа, учинчиси – ер участкаларини ўзаро тенг алмашув. Барча томонлар мазкур тамойилларга риоя қилмасдан туриб, чегараларни тартибга солишнинг имкони йўқ, деган фикрга келишди, чунки Марказий Осиё мамлакатларига аввалги тизимдан мазкур муаммо бўйича чалкашлик мерос бўлиб қолган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил март ойида Туркменистонга, 2017 йил сентябр ойида Қирғизистон Республикасига, 2018 йил март ойида Тожикистон Республикасига, 2018 йил март ойида Қозоғистон Республикасига давлат ташрифлари ва 2018 йил феврал ойида Афғонистон расмийлари вакиллари билан учрашуви давомида эришилган юксак даражадаги келишувга мувофиқ, узоқ йиллик танаффусдан сўнг чегара масалалари бўйича ишчи гуруҳлар музокаралари тикланди. Эндиликда, Афғонистоннинг янги ҳукумати ҳисобланган толибонлар билан ҳам конструктив ўзаро манфаатли мулоқотлар ўрнатиш йўлидан борилмоқда.

Ён қўшниларимиз ҳисобланган, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-тожик чегаралари тўғрисидаги келишувларнинг имзоланиши ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг туташ нуқтаси ҳудуди тўғрисидаги келишувлар мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги фармони билан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасининг асосий хорижий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тасдиқланди. Унга кўра Ўзбекистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини узил-кесил ниҳоясига етказиш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг чегара хавфсизлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар ҳам мавжуд. Улар: чегара ҳудудларни келишилмаганлиги, яъни чегаранинг аниқланмаган линияси чегара қишлоқлардаги аҳоли учун тез-тез можароларга ва низоларга сабаб бўлмоқда; одамлар сув, ер ва чегарадан ноқонуний ўтиш борасида бир-бирлари билан низолашмоқда; чет элдаги террористик жангарилар – жаҳон ҳамжамиятининг долзарб муаммоси ва уларнинг Марказий Осиёга хавф солиши ва терроризмни ривожланиши; Афғонистон Республикасидаги вазият, гиёҳванд моддаларни кўпайиши; хорижий Давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштириш; ноқонуний миграция.

Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатларининг миграциясининг асосий йўналиши бугунги кунда табиатда ўз-ўзидан пайдо бўлмаган ва турли шаклларга эга бўлган меҳнат миграциясидир, аммо энг кенг тарқалган ва кенг миқёсли фуқароларнинг ташқи меҳнат миграцияси айрим ҳолларда ноқонуний ҳисобланади. Кўпчилик меҳнат мигрантларининг миграция ҳолатини шакллантиришга турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади: паст иш ҳақи, ишсизликнинг юқори даражаси, билимсизлик, билимга эътиборнинг камлиги, юқори даражадаги коррупция ва қора бозорни мавжудлиги, диний ўйғониш ва диний майдонни ўзгариши, террорчилик хавфи сабаб бўлмоқда.

Улыўма айтқанда, глобалласыў түсиниги ҳаққындағы көзқараслар хәр түрлилиги даўам етип келмекте. Бул тәбийий жағдай. Себеби оның мекән хэм заманда жүзеге келиў өзгешеликлери түрлише болып, дүньяның өзгериўине тийгизип атырған тәсиринде де жаңадан жаңа имканиятларда көринбекте. «Глобалласыў» түсиниги авторлар тәрәпинен жоқарыда алға сүрилген хәр түрли пикирлерге де қосылыў мүмкин. Себеби хәр бир автор оның хәр түрли тараўларына тийгизип атырған тәсирин хәр қыйлы пикирлейди хэм оны хәр қыйлы түсинеди. Усы мәнисте авторлар тәрәпинен алға сүрилип атырған пикирлер қаншелли хәр қыйлы болса, оның хәр қыйлы өзгешеликлери хэм адамзат, миллет, мәмлекет, дүнья жүзлик тийгизип атырған тәсирин үйрениў имканиятлары соншелли кеңейип барады.

Улыўмалық көзқарастан қарағанда, глобалласыў процесси тиккелей жаңа мазмундағы хожалық, социал-сийсий, тәбийий-биологиялық глобал орталықтың қәлиплесиўин хэм соның менен бирге, миллий хэм регионаллық машқалалардың дүнья көлеминдеги машқалаларға айланып барыўын суўретлемекте. Айтып өтиў керек, глобалласыў социал-сийсий, экономикалық турмыстың интенсивлесиўи менен тиккелей байланыслы түрде жүзеге келетуғын процесс. Оның мәнисин халықлар хэм мәмлекетлер арасындағы өз-ара байланыслардың кескин тәризде кеңейип кетиўи хэм қурамаласыўын қурайды. Бул улыўма планетарлық көлемдеги социаллық раўажланыўдың жаңа басқышы. Оның пайда болыўы илим хэм техника жетискенликлери себепли ғана мүмкин болады. Ол инсан искерлигиниң түрли тараўларында жүз берип атырған көптен көп терең өзгерислерден қуралған.

Усы орында соны айтыў керек, глобалласыў процесси пүткиллей жаңа нәрсе емес. Илим-пән, экономика, транспорт, байланыс коммуникацияларында жаңа қураллардың жарытылыўы, дүнья базарының қәлиплесиўи, ғалабалық миграциялар, халықаралық байланыслар хэм алмасыўлардың тығызланыўы мәмлекетлер хэм халықлардың бир-бирлеринен ажыралған турмыс кешириўлерине шек қойды. Глобалласыўдың әҳмийетли аспекти – бул ҳәзирги күнде халық-аралық қатнасықларды басқарып барыўдың системалары жаратылғанлығында. Улыўма, глобалласыў инсан искерлигиниң, ҳәрекет-әмелиятының барлық тәрәплерин қамрап алған.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Өзбекстан Республикасы Президенти Шавкат Мирзиёевтың БМШ-ниң 19 сентябр 2017 ж. 72-ши сессиядағы шығып сөйлеген сөзинен.
2. Омаз К. Безграничный мир: Власть и стратегия во взаимосвязанной экономике. –М., 1991.
3. Аннан К. Доклад: тысячелетие. –М., 2002.
4. Миллий истиклол ғояси. Дарслик. –Тошкент, “Академия”, 2005.

5. Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV-XVIII вв. Пер. с фр. Т. 1. Структуры повседневности: возможное и невозможное. М., 1986.
6. Millennium: winners and losers in the coming world order. – New York: Random House, 1991.
7. Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV-XVIII вв. Пер. с фр. Т. 1. Структуры повседневности: возможное и невозможное. – М., 1986.
8. Зиновьев А. Глобализация есть новая мировая война // Всемирный форум «Векторы антиглобализма». – Москва, 20 апреля 2002 года.
9. Азроянц Э.А. Глобализация: катастрофа или путь к развитию. – М.: Новый век, 2002.
10. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент.: «Янги аср авлоди», 2008 й.
11. Гулметов Е. Глобаллашув жараёни ва манавий ҳаёт // Миллий ғоя: манавият ва марифат. Конференция материаллари. 2 китоб. Т., 2007 йил.
12. Фалсафа комусий луғати. – Тошкент., 2004.

*Глобалласыў түсинигиниң философиялық методологиялық тийкарлары
Шпраддинова А.А. Қарақалпақ Мәмлекетлик Университети*

Резюме. Бул мақалада глобалласыў түсинигиниң мәнис-мазмуны, сондай-ақ, сырт ел ҳам мәмлекетимиз алымларының глобалласыў процессине берген тәрийиплери философиялық-методологиялық тәрәптен анализленген.

Таяныш сөзлер: глобализация, мәданият, глобал мәданият, миллий мәданият, жәмийет, жәмийеттиң социал-экономикалық тараўлары, теория.

*Глобаллашув тушунчасининг фалсафий-методологик асослари
Шпраддинова А.А. Қорақалпоқ давлат университети*

Резюме. Бу мақолада глобаллашув тушунчасининг мано-моҳияти, шунингдек, чет эл ва мамлакатимиз олимларининг глобаллашув жараёнига берган таърифлари фалсафий-методологик томондан таҳлил қилинган.

Таянч сөзлар: Глобализация, маданият, глобал маданият, миллий маданият, жаъмият, жаъмиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари, назария.

*Философско-методологические основы концепции глобализации
Шпраддинова А.А. Каракалпакский государственный университет*

Резюме. В данной статье анализируется значение понятия глобализация, а также философско-методологические подходы к процессу глобализации зарубежных и отечественных ученых.

Ключевые слова: Глобализация, культура, глобальная культура, национальная культура, общество, социально-экономические сферы общества, теория.

*Philosophical and methodological foundations of the concept of globalization
Shrazaddinova A.A. Karakalpak State University*

Summary. This article analyzes the meaning of the concept of globalization, as well as philosophical and methodological approaches to the process of globalization of foreign and domestic scientific.

Key words: globalization, culture, global culture, national culture, society, socio-economic spheres of society, theory.

ЧОЧ, ҒАРБҲИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪМУРИЙ МАРКАЗИ СИФАТИДА

Мухамедов Я. К.

Ўзбекистон миллий университети

Долзарблиги. Ҳозирги кунга келиб, Ғарбӣ Турк хоқонлиги даври тарихини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса унинг таркибида бўлган Чоч, Суғд, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Хоразм, Тохаристон каби маҳаллий ҳукмдорликларнинг конфедератив тузилиши, ҳудудларнинг шаҳарсозлиги, моддий маданияти, сиёсий ва маъмурий бошқарув тизимини тадқиқ этиш долзарб мавзулардан биридир.

Чоч ҳақидаги илк ёзма маълумотлар асосан Қанғ давлати ва ундан мустақил давлатларнинг ажралиб чиқиши даврига тўғри келади. Хусусан, “Чоч” атамаси дастлаб милодий II–III асрларга оид Чимкент яқинидаги Култўбе ёдгорлигидан топишган пишган ғишт устига ёзилган суғдий битикларда ҳамда 262 йилга мансуб бўлган Сосоний ҳукмдорининг “Зардушт кабаси” битигида ҳам воҳанин ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар берилган [1]. Ушбу ёдгорликлардан аниқланишича, Чочнинг ҳудудий чегараси ҳақида сўз юритилиб, унинг ҳудуд сарҳадлари Суғд ва “Чочистон тоғлари” гача хусусан, Чоч воҳасининг шимоли-шарқий қисмларидаги ҳудудларни қамраб олган.

Чоч тарихини ифодаловчи қадимий ёзувлар мавжудлигини тасдиқловчи топишмалар, ашёлар аниқланган бўлиб, улар асосан суғдий ёзуви мис тангалар ва турли муҳрлардан ўрин олган. Хусусан, Култобе (Арис) ёдгорлигидан III–IV асрларга оид суғд ёзуви акс этган идиш аниқланган бўлиб, ушбу идишнинг сиртига “уларнинг (Чоч) шаҳар барпо қилганлиги ва кўчманчиларни хирожга боғлаганлиги” ҳақидаги жумлалар қайд этиб ўтилган [2]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу лавҳа шаҳар дарвозасининг пештоқида ўрнатилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ва кўчманчилар бу жумлаларни ўқиб, ибрат олсин деган мақсадни кўзлаган ҳолда акс этганлигини келтириб ўтишади. Бу эса Чочнинг сиёсий-маъмурий бошқаруви ҳамда ҳудуд сарҳадлари ниҳоятда кенг ва юксак даражада тараққий этганлигидан дарак беради. Шунингдек, Уралдаги Кечево қишлоғидан топишган III–IV асрларга мансуб сопол идиш сиртида суғд ёзувида “воҳага мансуб бўлган идишлар [3]” дан ўрин олган битикда ҳам воҳа ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, Ҳурмузд ҳукмронлик қилган олтинчи йилига оид тангаларида “Чачаннапч” (Чоч халқи) атамаси учрайди. Шу турдаги қумуш буюмлардаги битиклардан бирини В.А. Лившиц *MY'R š'w c'c'nn'pc 3+3+320+10 styrk |xuv(u) šāw čāčānnāfč šīsnū stīrak|*

“Хукмдор Шāв, Чоч халкининг йўлбошчиси. (Салмоғи) – 39 статер” деб ўқийди[4]. Буни натижасида воҳада истиқомат қилувчи аҳолининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётин қандай кечганлиги, воҳанинг айнан шу даврдаги сиёсий ҳолати ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

VI-VIII асрларга мансуб Турк хоқонлиги даврига тегишли бўлган, воҳа ҳукмдорларининг суғдий ёзуви акс этган Чоч тангаларида ҳамда Қанқадан топилган сополларнинг сиртида ҳам воҳа бошқарувида бўлган бошқарувчи тоифа вакиллари ва уларнинг олиб борган ислохотлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтириб ўтилган.

Чоч воҳасининг ўзига хос жиҳати унинг номида ҳам кўзга яққол ташланади. Қизиғи шундаки, “Чоч” сўзи ҳам қадимги турклар тилида “феруза” деган маънода бўлган. Буни илк ўрта асрларга тааллуқли туркий ёзма ёдгорликларда “феруза”, яъни қимматбаҳо тош маъносида “чач”, “чаш” сўзлари учраши ҳам тасдиқлаб турибди[5]. Археолог олимларимиз эса Тошкент воҳасининг тоғларида қадимда феруза қонлари бўлганлигини тасдиқлашган[6]. Кейинчалик, миллоднинг илк асрларига келганда эса хитойликлар воҳани Чоч номига яқин шаклда Чже-ши, Чже-чже тарзида, яъни ўз тилларига ўғирмасдан қайд қилишган[7]. Ниҳоят, миллодий V асрга келиб, улар Тошкентни *Ши* “Тош” ёки *Ши-го* “Тош давлати мамлакати” тариқасида тилга ола бошлаганлар [8]. Миллоднинг XI асрдан бери эса воҳа туркийча “Тошкент - Тош шаҳри [9]” номи билан учрай бошлади. Бу ном илк бор қомусий олимлардан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида учрайди ва мазмуни худди шу маънода изоҳланади [10]. Хуллас, ушбу номларнинг барчасида “тош” сўзи мужассамлашганлигини кўришимиз мумкин.

Илк ўрта асрларга келиб Чочнинг сиёсий маъмурий бошқарув тарихи бўйича топилган нумизматик материалларнинг таҳлил қилиш натижасида бу даврга тааллуқли бўлган элликка яқин типдаги тангалар аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тангаларда акс этган суғдий ёзувда воҳадаги бошқарувчи бош ҳукмдорининг (тегин) мансаб ва ваколатларини, шунингдек, воҳага хоқон томонидан юборилган ноиб (тудун) ҳақидаги маълумотлар акс этганини ёзма манбалар асосида ҳамда уларнинг VII-VIII асрларда воҳада ҳукмронлик қилган туркий сулолаларга мансуб эканлиги аниқланди[11]. Бу эса илк ўрта асрларда воҳа худудларида туркий давлатчилик анъаналари юксак даражада тараққий этганлигидан дарак беради. Тангаларнинг ҳар бири ҳам иконографик, ҳам палеографик жиҳатдан мукамал ишланганлиги пул зарб қилиш анъанасининг санъат даражасига чиққанлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, тангаларда акс этган тасвирлар ва турли рамзлар аждоқларимиз давлатчилик анъаналарини ўзида мукамал даражада акс эттирганки, бу ҳолат минтақанинг бошқа худудларида камдан-кам ҳолларда кўзга ташланади.

Тошкент воҳасининг исломдан аввалги даврларга тегишли бўлган шаҳар харобаларидан топилаётган археологик материаллар ичида Ғарбий хоқонликка хос бўлган тангаларнинг топилиши чоч хоқонлигининг танга зарб қилувчи марказларидан бири бўлганлигини англатади [12]. Буни Чоч тангаларида акс этган хоқонликка хос бўлган иконографик тасвир ва эпитетлар ҳам кўрсатиб турибди[13]. Ушбу тангаларнинг хоқонлик бошқарув марказлари бўлмиш Ўрхун (Мўғулистон), Еттисув худудларидан эмас, айнан Тошкент воҳасидан топилиши бежиз эмас. Ёзма манбаларда Чоч воҳаси бир қанча муддат Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларидан бири бўлиб, бу араб географлари асарларидан жой олган *Жабғукат* (“Жабғу шаҳри”) мисолида ўз ифодасини топган[14].

Илк ўрта асрларга келиб, Чоч воҳасида турли-туман тангаларнинг зарб қилиниши натижасида иқтисодий ва маданий алоқаларининг тараққий этиши учун замин яратган. Бу бир томондан воҳанинг хоқонлик учун муҳим стратегик ва иқтисодий худуди бўлиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бу даврда Ипак йўли халқаро тижоратида Чочнинг аҳамияти ҳамда воҳада бир неча бошқарувчи сулолаларнинг мавқеи ошгани билан ҳам алоқадор эди. Бу эса воҳада ўнлаб шаҳарлар Чоч ҳозирги Тошкент воҳасидан ташқари Тароз (Жамбул), Исфижоб (Сайрам), Фороб/Ўтрор (Ясси-Туркистон) вужудга келишига ва кейинчалик кучли ҳукмдорликка айланишига сабаб бўлган.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Мақолада илмий манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қисий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва ҳолислик тамойили усулларида фойдаланилган. Илк ўрта асрларда Чоч воҳаси Амударё – Сирдарё оралиги ва унга туташ худудлардаги ўнлаб катта-кичик воҳа ҳукмдорликлардан бири бўлиб, воҳанинг бу даврдаги сиёсий-маъмурий бошқаруви масаласи илк ўрта асрлар тарихини ёритувчи асосан хитой, араб ва форс, қисман эса қадимги турк ва суғд манбаларда ўз аксини топган. Шунингдек, воҳа тарихининг бу жиҳатларини ёритишда эпиграфик ва нумизматик материаллар ҳам муҳим ўрин тутди. Илк ўрта асрлар Чоч тарихини ўрганган В.В. Бартольд, Э. Шаванн, Е. Массон, Ю.Ф. Буряков, А. Муҳаммаджонов, О.И. Смирнова, М.И. Филанович, Э.В. Ртвеладзе, Л. С. Баратова, А. Хўжаев, Ш. Камолиддин, Э. де ла Вессьер, Ф. Грене, З. Штарк, америкалик Ж.К. Скэфф, немис тадқиқотчиси З. Штарк, венгер шарқшуноси К.И. Беквис, туркиялик шарқшунос ва тарихчилар З.В. Тўғон, Э. Эсин ва Э. Экрем, А. Отахўжаев, Ғ. Бобоёров, М. Хатамова, А. Кубатин, Д. Нормуродов, Я. Мухамедов ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар ушбу манбаларни у ёки бу даражада ўрганганлар. Хусусан, ушбу тадқиқотчиларнинг бир қисми Чоч воҳасининг маъмурий марказлари масалаларини ўрганишда мазкур ёзма ва археологик манбаларга эътибор қаратган бўлсалар, бир қатор тадқиқотчилар эса улар асосида воҳадаги бошқарувчи сулолаларнинг сиёсий тарихи, келиб чиқиши, бошқарувда қўлланилган унвон ва рамзий белгилар (тамға ва ҳ.к.) каби масалаларни таҳлил қилишган.

Шу ўринда бир масала устида тўхталиб ўтиш керак бўладики, Ғарбий хоқонлик айнан нима учун Чочни асосий марказ сифатида танлаб олинганлиги масаласи ҳозирги кунга қадар олимлар ўртасида турли

тортишуларга сабаб бўлмоқда. Бизга маълумки Ғарбий Турк хоқонлиги Амударё-Сирдарё оралиги ва унга туташ ҳудудларнинг катта бир қисмини қўлга киритиши ва бу бошқарувнинг Ашина сулоласи қўлига ўтиши ҳудудда қўпгина табиий ресурсларга бой воҳаларнинг мавжудлиги билан изоҳланишини келтириб этиб ўтиш мумкин. Хусусан, Чочда - Илок, Фарғона, Тохаристон, Ҳисор каби ҳудуд тоғларининг жануби-ғарбий этакларида ястаниб ётган кенг яйловлар бўлиб, ушбу ерларда Ашина хонадони вакиллариининг ўз бошқарувини ўрнатишлариға замин яратиб берган деб ҳисоблаш имконини беради. Бу борада айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Чоч шаҳри Тегинлар сулоласининг, Тункат ва Тарбанд (Ўтрор) шаҳарлари эса Чоч Тудунлари сулоласининг марказлари бўлган[15]. Турк хоқонлиги даврида воҳанинг бош маркази “Чоч” шаҳри бўлиб, Чоч Тегинлари сулоласи бу ердан марказ сифатида фойдаланишган. Улар Чоч воҳасида энг юқори мавқели сулола бўлганлиги учун ҳам воҳанинг бош шаҳрини танлашган. “Чоч” шаҳрини бугунги кунда Қанқа тепалиги деб юритиладиган қадимий шаҳар харобаси билан тенглаштириш мумкин. Чунончи, ушбу қадимий ёдгорлик эгаллаган ҳудудининг катталиги ва бир вақтлар сиёсий марказ вазифасини бажарганлигини кўрсатадиган қўплаб археологик топилмаларға эгаллиги (хусусан, нумизматик материалларға бойлиги, ҳукмдор саройи (қароргоҳ) ўрнини аниқланганлиги ва ҳ.к.) билан Тошкент воҳасининг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Шу боис тадқиқотчиға кўра, Чоч (Қанқа) шаҳрини Тегинлар сулоласиға тегишли деб қаралса, ёзма манбаларда Чоч Тудунлари билан боғлиқ воқеалар баёнида тилға олинган Тункат ва Тарбандни эса Тудунлар сулоласи билан боғлаш тўғрироқдир[16].

Шу билан бирға, бу масалани тўлақонли ечилган деб бўлмайди. Бизнингча, масалаға ойдинлик киритиш учун қўплаб археологик изланишлар олиб бориш, ушбу сулолаларға тегишли моддий буюмлар (танға, муҳр ва б.)ға таянган ҳолда муайян бир тўхтамға келиш мумкин.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталиб ўтиш лозим, бизға маълумки, ушбу воҳа металлургия ҳомашёсига бой ҳудуд сифатида келтирилиб, турли туман рангли металллар қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ишлари олиб борилганлиги маълум. Масалан, бу ерға Кўчбулоқдан олтин, Лашкарак ва Шавғардан кумуш, Унгуриликкондан эса феруза тоши қазиб олинган [17]. Бу ўз навбатида хоқонликнинг ўлкаға бўлган қизиқишини янада ортишиға сабаб бўлган. Шу сабабдан бу воҳа хоқонликнинг танға зарб қилдириладиган ҳудудларидан бириға айланишиға ҳам айнан мана шу омилни келтириб ўтишға асос бўлган.

VI асрнинг охирилари ва VIII асрлар оралигида Чочда зарб қилинган тангаларининг катта бир қисми Ғарбий Турк хоқонлигиға оид тангалар бўлиб, тангаларда олий ҳукмдорларнинг исм ва унвонлари бир-бириға ўхшаш тамгалар, иконография (ҳукмдор тасвири, қўшалок портрет, ҳокимият рамзи бўлмиш ҳайвон суратлари ва ҳ.к.) билан зарб қилинган бўлса, қолган 3 типдагиси эса бир-биридан бутунлай фарқли тамға ва иконографияға эға. Кейинги уч тип тангаларнинг ҳар бирида “Чоч ҳукмдори”, “Чоч ҳукмдори Тегин”, тудун, элтабар каби ёзувлар акс этган бўлса, Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида эса “Чоч ҳукмдори” ибораси умуман учрамаслиги анча-мунча изоҳ талаб қилади. Тангаларнинг бундай ўзига хосликларидан келиб чиқиб, бу пайтда воҳада 3 та маҳаллий сулола ҳукм сурганлиги, уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳокимият рамзларига, яъни муайян унвон, тамға (герб)ға эға бўлганлиги, хоқонлар эса бу ерға бевосита ўзининг меросий мулки эмас, билвосита мулки – вассали сифатида қараган, деб изоҳлаш мумкин. Шунингдек, мазкур ҳар уч маҳаллий сулоланинг воҳанинг муайян бир қисмида ўз ҳудуди, бошқарув маркази бўлганлигини, шу билан биргаликда улардан бири нисбатан юқори мавқеда, қолганлари эса қуйироқ мақомда, аниқроғи, иккинчи даражали сулола бўлганидан дарак беради [18].

Бироқ VII – VIII асрларда воҳадаги туркий сулолалар ҳукмдорларининг марказлари қаерда жойлашганлиги борасида тарихшуносликда қуйидаги ҳулосалар бўлиб, ушбу тангаларни ҳам улар билан боғлаш мумкин:

1) Окқўрғон туманидаги Қанқа шаҳар харобаси ҳам, Тошкент шаҳридаги Мингўрик шаҳар харобаси ҳам Чочнинг пойтахти бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Эҳтимол, олдинроқ Қанқа, кейинроқ Мингўрик пойтахт вазифасини бажарган[19].

2) қадимдан Қанғ салтанатининг пойтахти бўлган Қанқа шаҳар харобаси Турк хоқонлиги даврида ҳам Чоч сулолаларидан бирининг пойтахти бўлишда давом этган. Мингўрик эса бу даврда Чочнинг муодофаа кўрғонларидан бири вазифасини бажарган [20].

Бу фикрда қанчалик жон борлигиға аниқлик киритиш учун янада чуқурроқ изланишлар олиб борилиши зарур. Фақат ҳозирча шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳақиқатан ҳам археологик топилмаларнинг, айниқса, бошқарувчи сулолаларға хос ҳокимиятға алоқадор ашёларнинг катта қисми Қанқа ёдгорлигидан топилаётганлиги ҳам бундан далолат беради.

Чоч бошқаруви билан боғлиқ яна бир масала – Турк хоқонлигининг Чоч воҳаси нафақат хоқонликнинг танға зарб қилдирган жойи бўлиб қолмай, балки хоқонлик бу ерда ўз қароргоҳларига эға бўлганлигидир. Хусусан, бир қатор тадқиқотчилар, хусусан, Ю.Ф. Буяков, Ғ. Бобоёров, М. Хатамовалар араб манбаларидаги Жабғукат ва Хотункат (хитой манбаларида *Кохотун-чен* “Хотун-шаҳар”) каби Чоч шаҳарларини Ғарбий турк хоқонлари билан боғлаб, ҳар иккала шаҳарнинг махсус қароргоҳлар бўлганлиги тўғрисидаги фикрини олға сурадилар[21].

Демак, хоқонлик Чоч воҳасиға анча жиддий эътибор берган ва бу ерға ўз вакиллари – тегинлар ва тудунларни юбориб, улар орқали воҳада бошқарувни амалға оширган бўлишлари билан бирға вақти-вақти билан хоқонларнинг бу ерға бевосита ташриф буюрганликлари уларнинг ўз номидан танға зарб қилдирганликлари ва қароргоҳ барпо этирганликлари мисолида ўз тасдиғини топади[22]. Дарвоқе, хоқонларнинг ўз вассаллари ҳудудига, хусусан, Фарғона, Суғд ва Тохаристон ға бир неча бор ташриф

буюрганлиги маълум [23], ҳатто бу ерларда улар номига “хоқон” унвонли тангалар зарб қилинганли ҳолати ҳам қўзга ташланади [24], бироқ Чочдан фарқли ҳолда хоқонларнинг ҳар учала ҳукмдорликда ўз қароргоҳини қурдиргани маълум эмас.

Шу ўринда хоқонларнинг ҳар хил мақсадларда Чоч воҳасига келиб бу ерда фаолият юритганлигига доир хитой манбаларида қайд этилган маълумотларни қисқача келтириб ўтсак. Шегуй хоқон 605 йилда бу ерга ўз хонадонидан бир шахзодани юборган бўлса (Тегин Тяньчи), унинг иниси Тун ябғу-хоқон (618–630) эса юкорида ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини Чочга, унинг шимолидаги *Цянь-Цюань* (Минг-булок) мавзесига қўчиради. [25] Яна бир Ғарбий турк хоқони Ашина Улуғ (Хэлу; 651–657) ўз қароргоҳини худди шу жойда барпо этади [26]. Бундан ташқари, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларидан яна бир неча нафари ўзаро тахт талашувлар пайтида Чочга паноҳ излаб келгани қайд этилади. Хитой йилномаларида Элби Тулу (Иби Дулу; 638–642) хоқон 640- йилларда Чочга қочиб, *Кохотун-чэн*[27] (Хотункат) шаҳрида паноҳ топгани тилга олинади [28]. 657 йилда хитой лашкарбошиси Су Дин-фань Ғарбий турк ҳукмдори Ашина Хэлуни тор-мор қилиш учун сафарга чиқади. Унинг қароргоҳи бўлган *Цюан-цян* (Минг-булок)қа етиб келган хитой қўшинлари бир қатор жанглардан сўнг хоқонни Суяб дарёси бўйида мағлубиятга учратгач, хоқон ва унинг ўғли Шиюн *Шу* (Чоч) ҳукмдори Шунейу Ше (шад)нинг ҳузурига қочиб, у ердаги Суду (Уштуркат?) шаҳрига бекинишади. Бу пайтда мазкур шаҳарни бошқараётган *Иниё даган* (Инал тархон) уларни тутиб, хитой қўшинларига топширади [29].

Қисқаси, илк ўрта асрларга, хусусан, VI–VIII асрларга келиб Чоч воҳаси тигиз ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларга тортилган бўлиб, бу воҳада бир неча сулолаларнинг ташкил топиши (Тегинлар, Тудунлар), воҳада бир неча бошқарув марказларининг ўртага чиқиши (Чоч, Тункат), Ғарбий Турк хоқонлигининг бу ерни муҳим стратегик марказлардан бири сифатида танлаши (Жабғукат, Хотункат), бу ерга ўз вакиллари ноиб ўлароқ юбориши (Тегинлар – Ашина хонадони аъзолари, тудунлар – солиқ йиғишни ташкиллаштирувчи ва маҳаллий ҳукмдорни назоратда тутиб турувчи махсус вакил), воҳада турк-сугд симбиозининг кучайиши[30] ва хоқонлиқнинг ўз тангаларини айнан Чочда зарб қилдириши бундан дарак беради.

Хулоса. Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида Амударё – Сирдарё оралигидаги бошқа тарихий географик вилоятлар (аслида воҳалар)да бўлганидек воҳа ҳукмдорликлари хос бошқарув шакли, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча кичик ҳукмдорликлар фаолият юритиши ва уларнинг барчаси муайян бир йирик салтанатга бўйсунуши ҳолати мавжуд бўлган. Бу даврнинг айрим паллаларида мавжуд кичик ҳукмдорликлардан бирортаси сиёсий жиҳатдан нисбатан кучайиб, бошқалари устидан устунлик қозонгани, “Чоч” номини акс эттирувчи танга-пул чиқаргани, хорижга (хусусан, Хитойга) элчи юборгани, шу билан биргаликда, Ғарбий Турк хоқонлиги учун муҳим марказлардан бири бўлганлиги воҳанинг шаҳар маданиятини янада гуллаб яшнашига сабаб бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Камолитдин Ш. Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида // *Moziydan sado*. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 18.
2. Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // *Shygys*, 2006, 1. P. 95-111; Подушкин А.Н. Раскопки катакомбы 1 восточной группы насыпей могильника Культобе в 2013 г. // *Кадырабевские чтения – 2014 / Под ред. А.А. Бисембаева*. Актобе: Актюбинский обл. центр истории, этнографии и археологии, 2014б. С. 138 – 144. Б-38. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар Тошкент. 2010. – Б. 5 – 10. Яценко С.А, Авизова А.К. Археология и история Кангюйского государства. Шимкент. – 2020.
3. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... – Б. 5 – 10.
4. Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2008. – С.307, Напольских В.В. Очерки по этнической истории. Казань, - 2018. С.256.
5. Максудов Ф., Бабаяров Г. К этимологии топонима Чач // *Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции*. – Ташкент, 2009. – С. 199-205.
6. Бураков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // *О‘zbekiston tarixi*, № 3. – Ташкент, 2002. – С. 10-20.
7. Ходжаев А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // *О‘zbekiston tarixi*. – 2009. № 4. – Б. 38–50.
8. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. Тошкент. 2010.Б. 6
9. Абу Райхан Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология). Перевод А.М. Беленицкого. М., 1963. С – 232; Абу Райхан Бируни. Канон Масъуда. Избранные произведения. Часть первая // Перевод и примечания Розенфельда Б.А., Ахмедова А. – Ташкент, 1973. – С. 471.; Махмуд ал-Кашгари. *Диван лугат ат-Турк*. Перевод, предисловие и комментарии З. – А.М. Ауезовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. Алматы, - 2005. III. С – 164.
10. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Ташкент. 2007. – С. 9-39, 45-52, 55-63.
11. Бобоёров Ф. Чоч – Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида // *Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция маърузалари*. – Тошкент., 2009. – Б. 118-125; Имонов О. *О‘zbekiston arxeologiyasi*. 2012. № 1 (4). – Б. 74.
12. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса... С. 7-15.
13. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар., Тошкент. 2010. – Б. 7
14. Байпаков К.М, Акшейев К. Хатамова М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI – VIII асрлар). Тарих фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2018. – Б. 22
15. Хатамова М.М. Ўзбекистон шаҳарлари VI – VIII асрларда (Чоч воҳаси мисолида). – Тошкент, 2017. – Б. 132 – 178.
16. Бураков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. М., 1974. – С. 18-45.
17. Мухамедов Ё.Қ Илк ўрта асрларда Чоч: бошқарув шакли билан боғлиқ; айрим масалалар // *О‘zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2019. №1. Б-12.

18. Филанович М.И. Ташкент: зарождение города и развитие городской культуры в древности и средневековье // Роль города Ташкента в развитии мировой цивилизации (Материалы Международной научной конференции посвященной 2200-летию юбилею города Ташкента). – Ташкент: Фан, 2009. – С. 45-51; Мукминова Р. Г., Филанович М. И. Ташкент на перекрестке истории (Очерки древний и средневековой истории города). – Ташкент: Фан, 2001. – С. 14; Алимова Д. А., Филанович М. И. Ташкент тарихи (қадимги даврлардан бугунгача) – История Ташкента (с древнейших времен до нашей дней). Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: ART-FLEX, 2009. – Б. 24.; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Тошкент: Ўзбекистан, 2010. – С. 26.
19. Буяков Ю.Ф. Археологические материалы к этнической истории... – С. 61; Ўша муаллиф. Средневековый Чач в системе торгово-экономических связей... – С. 35; Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие... – С. 182; Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории... – С. 14; Алимова Д.А., Филанович М.И. Ташкент тарихи... – Б. 24.; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента... – С. 26.
20. Буяков Ю.Ф. Средневековый Чач в системе торгово-экономических связей... – С. 35.
21. Буяков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Тошкент: Фан, 1975. С. 73–75; Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... – Б. 101, 114 – 116; Хатамова М. Турк хоконларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат ... – Б. 3-13.
22. Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... I. – М.- Л., 1950. – С. 284 – 285, 287.
23. Бобоёров Ф. “Турон хукмдори хокон” унвоили тангалар // О ‘zbekiston tarixi, 2-son, 2018. – Б. 3 – 18.
24. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 289; Taşağıl A. Gök-Türkler. II. – Ankara, 1999. – S.71.
25. Muhamedov, Y. (2022). SOME COMMENTS ON THE COVERAGE OF CHACH HISTORY BY FOREIGN RESEARCHERS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X), 3(01), 26-29.
26. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288. Смирнова О. И. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. Вып. 14. – М. – Л., 1961. – С. 65.
27. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288.
28. Ўша асар. – С. 292.
29. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 75-79).
30. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Сугд ва Чоч // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 17.

Chach as an economic, political and administrative center of the Western Turkic Khaganate.

Mukhamedov Ya. K. National University of Uzbekistan E-mail: mukhamedov-2017@mail.ru Tel: 998950214815

Summary. This article analyzes the reforms carried out in the management system of the Chach oasis, which served as the administrative and political center of the Western Turkic Khanate in the early Middle Ages. The article studied the main opinions expressed by foreign researchers about the administration of the oasis by E. Chavannes, F. Grenet, E. de la Vessier, American J.K. Skeff, German researcher Z.Stark, Hungarian orientalist K.I. Bekvis, Turkish orientalist and historians Z.V. Tugan, E. Esin and E.Ekrem.

Key words: Chach, tegin, tudun, shad, Chzhe-shi, Chzhe-zhe, Shi, Shi-go, Kultube, Zardusht kabasi, ashina, Kang, Chachanapch stater, chach, chash

Чач, как экономический, политический и административный центр Западно-тюркского каганата.

Мухамедов Я. К. Национальный университет Узбекистана Электронная почта: mukhamedov-2017@mail.ru Тел: 998950214815

Резюме. В данной статье анализируются реформы, проведенные в системе управления Чачским оазисом, служившим административно-политическим центром Западно-Тюркского ханства в период раннего средневековья. В статье были изучены основные высказанные мнения зарубежных исследователей об административном управлении оазиса Э.Шаванн, Ф.Грене, Э. де ла Вессье, американец Дж.К. Скефф, немецкий исследователь З.Старк, венгерский востоковед К.И.Беквис, турецкий востоковеды и историки З.В.Дам, Э.Есин и Е.Экрем.

Ключевые слова: Чач, тегин, tudun, шад, Чже-ши, Чже-чже, Ши, Ши-го, Култубе, Зардушт кабаси, ашина, Канг, статер Чачанапч, чач, чаш,

Чоч, Ғарбий Турк хоқонлигининг иқтисодий, сиёсий ва маъмурий маркази сифатида

Мухамедов Я. К. Ўзбекистон Миллий университети Email: mukhamedov-2017@mail.ru Тел: 998950214815

Резюме. Резюме. Ушбу мақолада, илк ўрта асрлар даврида Ғарбий Турк хоқонлигининг маъмурий ва сиёсий маркази вазифасини бажарган Чоч воҳасининг бошқарув тизимида амалга оширилган ислохотлари таҳлил қилинган. Мақолада хорижлик тадқиқочилардан Э. Шаванн, Ф. Грене, Э. де ла Вессьер, америкалик Ж.К. Скэфф, немис тадқиқотчиси З. Штарк, венгер шарқшуноси К.И. Беквис, туркиялик шарқшунос ва тарихчилар З.В. Тўгон, Э. Эсин ва Э. Экремларнинг воҳанинг маъмурий бошқаруви бўйича билдириб ўтилган фикр мулохазаларига асосланган ҳолда тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Чоч, тегин, tudun, шад, Чже-ши, Чже-чже, Ши, Ши-го, Култубе, Зардушт кабаси, Ашина, Канг, статер Чачанапч, чач, чаш,

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Қутлимуратова Н. М.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутаты

Маълумки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши цивилизациялашган жараён бўлиб, ушбу жараёнда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги шакл ва усуллари вужудга келади ҳамда шаклланади. Фуқаролик жамиятининг устунлиги - бу шахс, унинг ўзини ўзи англай олиш ҳуқуқи бўлиб, уни қўллаб-қувватловчи тузилмалар эса - бу шахснинг салоҳиятини, унинг манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжлари,

интилишларини тўлиқ рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган ижтимоий институтлар, ташкилотлар, гуруҳлар ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг асосий хусусияти - одамларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилигидир. Фуқаролик жамиятининг етуқлик мезони эса, мамлакатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари қафолатланганлиги билан ўлчанади.

Фуқаролик жамияти фаолиятининг устувор шартларидан бири жамиятда уйғун ижтимоий тузилманинг мавжудлиги бўлиб, унда аҳолининг турли хил гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш, фуқаролик барқарорлигини тасдиқлаш ва бутун жамиятни бирлаштириш орқали умумий фуқаролик келишувига эришишдан иборат. Бу вазифаларни бажаришдаги энг муҳим йўналиш фуқаролик жамиятининг мустақил, барқарор институтларини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда уларнинг инсон ва фуқароларнинг манфаати йўлида хизмат қилишлари учун кенг шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, институционал, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар натижасида “учинчи сектор”ни шакллантириш ва ривожлантиришга замин яратилди. Фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай мамлакатнинг давлат ва жамият қурилишида “учинчи сектор” нинг аҳамияти муҳим бўлиб, у фуқароларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг манфаатларини таъминлаш ва уларга риоя қилиш имкониятини беради.

Ҳуқуқий адабиётлардаги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда жамият манфаатларини, шу жумладан фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг етарли ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишлари босқичма-босқич ривожланиб борган. Яъни бугун мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда нафақат давлат органлари балки фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам кенг имкониятлар, жумладан институционал-ҳуқуқий асослар яратилиб берилган. Хусусан, мамлакатимиздаги демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлаш ҳамда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида” ги, “Жамоат фондлари тўғрисида” ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида” ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги Қонунлар ва бошқалар мавжуд. Бундан ташқари, республикада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг барча йўналишларда ўз фаолиятини ташкил этишларига кўмак беради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг замонавий ривожланиш даражаси, унинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари фуқаролик жамияти қуриш миллий моделининг ўзига хос хусусиятини тавсифлайди ҳамда унинг муваффақият ва барқарорлигини намойиш этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти мамлакатдаги жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Улар давлат идоралари билан бир қаторда турли соҳаларда жуда фаол ҳамкорлик қилишади. Уларнинг фаолият доираси кўп қиррали. Жумладан, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фуқаролик жамияти институтларининг бу йўналишда фаолияти давлат томонидан олиб бориладиган чора-тадбирларни енгиллаштиришга кўмаклади. Ҳар бир мамлакатда миллат генофондини яхшилаш, фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, аҳолининг узок умр кўриш даражасини ошириш, оилада соғлом авлод туғилиши ва уларнинг тарбияси учун шарт-шароитлар яратишга оид давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Ушбу давлат дастурларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам алоҳида вазифалар белгиланади. Мазкур вазифалар, тарғибот-ташвиқот ишларидан тортиб, амалий чора-тадбирларни назарда тутди. Умуман олганда, мамлакатда оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, репродуктив саломатликни сақлаш, гўдақлар ва болалар ўлимининг олдини олишга қаратилган қатор қонунлар, Президент фармон ва қарорлари қабул қилиниши давлат ва нодавлат тузулмаларнинг фаолият йўналишини белгилаб беради. Хусусан, она ва бола саломатлиги муҳофазаси йўналишидаги давлат сиёсатида барча тузилмалар иштирок этиши муҳим.

Мисол сифатида **Россия Федерациясида** “2025 йилда Россияда оила сиёсати давлат Концепцияси” қабул қилинган бўлиб, мазкур концепция оила сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берган. РФ да оила сиёсатининг асосий мақсади эса, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш ва туғилиш кўрсаткичини оширишга қаратилган. Концепцияда фуқаролик жамияти институтларининг оила сиёсатини амалга оширишдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилган. Жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қуйидагилардан иборат тартибда қайд этилган: Оила муқаддаслиги, унда фарзанд тарбияси билан боғлиқ тарғибот ишларини олиб бориш; Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги ва репродуктив ҳулқ-атвор билан боғлиқ тарғибот ишларини олиб бориш; Ёшларни оила ва оилавий муносабатларни бошлашга тайёрлаш бўйича қўшимча таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш; ОАВ ларининг таълим, фан, маданият, санъат соҳасидаги ижтимоий реклама ва

бошқа ахборот лойиҳаларида иштирок этиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, оиланинг жамият ва давлат олдидagi нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга, шунингдек бўлажак ота-оналарнинг маънавий ривожланишига қўмаклашиш; Спиртли ичимликлар ва тамака маҳсулотлари истеъмол қилишдан ташқари, соғлом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантириш, болаларни дам олиш ва соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирок этиш; Оилавий дам олиш ва туризмни ташкил этиш, болалар ва ёшларнинг соғлигини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш; Аҳолининг репродуктив саводхонлик даражасини оширишга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш; Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда бепуштлиқни даволаш ҳажмини кенгайтиришга қўмаклашиш; Ёшлар ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, шу жумладан вояга етмаганларнинг ҳомиладорлигини сунъий равишда тўхтатиш бўйича профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришда иштирок этиш[1].

Германияда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш учун кўплаб қонунлар қабул қилинган. Бунинг учун Германияда субсидиялашган тизим мавжуд бўлиб, фуқаро авваламбор тиббий суғуртага эга бўлиши лозим. Тиббий суғурталар давлат томонидан ҳамда нодавлат тиббий суғурта ташкилотлари томонидан берилади. Ўзбекистон қаратмоқчи бўлган жиҳатимиз тиббий суғурталар берилиши айрим фуқаролик жамияти институтлари ваколатига киритилганлиги. Тиббий суғуртага эга фуқарога давлат томонидан субсидиялашган тиббий хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, гинекологлар жинсий саломатлик бўйича контрацептив воситалардан фойдаланишга оид маслаҳатларни беришлари мумкин, бироқ оилани режалаштириш, соғлом авлодни дунёга келтириш бўйича нотижорат ташкилотлари тиббий маслаҳатлар бериш ваколатига эга. Шундай нодавлат марказлардан бири ProFamilia маркази бўлиб, бу марказ оилани режалаштириш бўйича аҳолига бепул ёки арзон консултацияларни тақдим этади [2]. Умуман олганда Германияда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун 1950 йилда кучга кирган. Мамлакат бирлашгандан сўнг, 1990-йиллар бошида “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қайта кўриб чиқилиб аниқлаштирилган эди. Германияда оналикни муҳофаза этиш Mutterschutz (Амалий ҳимоя) деб номланиб, у туғиш муддатидан 6 ҳафта олдин бошланади. Бу даврда аёлнинг меҳнат фаолияти билан шугулланиши таъқиқланади. Унга туғруқдан сўнг ҳам саккиз ҳафта давомида меҳнат фаолиятига мутлақ тақиқ жорий этилади. Туғруқ таътилининг охирида аёл ишга қайтиш ёки 36 ойгача давом этиши мумкин бўлган туғруқ таътилида (Elternzeit) қолиш тўғрисида қарор қабул қилади. Молиявий харажатлар бир вақтнинг ўзига бир нечта муассасалар томонидан қопланади: давлат тиббий суғурта жамғармаси, иш берувчи, шунингдек, аёлнинг хусусий суғуртаси бўлса, ёки ҳеч қандай суғуртаси мавжуд бўлмаса Федерал суғурта агентликлари томонидан қопланиши мумкин [3].

Бироқ, **Японияда** бошқача тизим амал қилади. 1992 йилга қадар Японияда туғруқ ва бола парвариши таътили мавжуд бўлмаган. Бу нарса Японияда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида ўзига хос бир сиёсат юритилганлигидан далолат беради. Бироқ, 1992-1996 йилларда 30 ёшгача бўлган аёлларнинг атиги 16 % ҳамда 30-34 ёшдаги турмуш қурган ёшларнинг 19 %и бу имкониятдан фойдаланишди.

2002 йилдан кейин қабул қилинган оилавий сиёсат тўғрисидаги қонун лойиҳалари Япония демографик тарихига тубдан янги ёндашушни бошлаб берди. Яъни мамлакатда болалар муассасалари инфратузилмасини такомиллаштириш ва оилавий тенг ҳуқуқли алоқани шакллантиришдаги баъзи тўсиқларни олиб ташлаш бўйича мақсадли чора-тадбирлар қабул қилинди, Япония ҳукумати иш ва шахсий ҳаёт ўртасида янада уйғун мувозанатни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқди. Шунингдек, бу чора-тадбирлар ичида айниқса, эркаклар орасида оиланинг жамиятдаги кадр-қимматини тарғиб қилишнинг оммалашishi, аҳолининг ҳаёт сифатини субъектив баҳолашнинг кўпайishi ва келажакка бўлган ишонч, энг муҳими тубдан янги бўлган давлат тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу чора-тадбирларни амалга оширишга эса ҳам давлат ташкилотлари ҳам нодавлат ташкилотлар масъул этиб белгиланди [4].

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2085-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 20-сонли қарори ва бошқалар қабул қилинган эди. Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш бўйича туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш давлат дастури тўғрисида” ги фармони, “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги давлат дастури каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, 2009-2013 йилларга мўлжалланган жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш Давлат дастури ва болалар тарбиясини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш давлат дастурлари ҳам айнан шу мақсадда қабул қилинган эди. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларни шартли равишда даврларга бўлиш мумкин бўлсада, бугун Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислохотлар она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида туб бурилишлар даври бўлмоқда дейиш мумкин. Жумладан, сўнгги йилларда Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт

маркази ташкил этилиб, улар сони 16 тага етди [5]. Оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омиллари чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар ижросини амалга оширишда нафақат давлат муассасалари балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам кенг жалб этилган. 2020 йил мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди ҳамда Давлат дастури қабул қилинди. Жумладан, ушбу дастурда фуқаролик жамияти институларига бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ёшларни спортга қизиқтириш, аҳоли орасида эрта турмушларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, эрта туғруқларнинг олдини олишга қаратилган амалий тадбирларни амалга ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга оид тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳоказолардан иборат. Бундай тадбирларни амалга ошириш айнан фуқаролик жамияти институтлари зиммасига юклатилганлигининг асосий сабаби, улар аҳоли орасида кўп юриб, улар билан доимий алоқада бўлишади, жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширишга кўмаклашишади.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегия” ларида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳаётидаги ролини ошириш масалаларини ҳам асосий вазифалар этиб белгилаб келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 2019 йилдан бошлаб бутун дунёни ларзага солган, мамлакатлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига шунингдек, дунё аҳолисига соғлиғига жиддий таъсир кўрсатган пандемия шароитида фуқаролик жамияти институтлари ташаббуси билан коронавирусга қарши курашда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, хайрия тадбирлари ташкил этилди, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Шу ўринда айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар соғлиқни сақлаш, фан, маданият, таълим ва бошқа соҳаларда ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқади.

АДАБИЁТЛАР

1. Концепция государственной семейной политики в Российской Федерации на период до 2025 года // <https://docs.cntd.ru/document/420217344>
2. Репродуктивное здоровье нации: ФРГ – лидер в этих вопросах // <https://aussiedlerbote.de/2021/11/reproduktivnoe-zdorove-nacii-frg-lider-v-etix-voprosax/>
3. Mutterschutz: охрана материнства в Германии // <https://germania-online.diplo.de/ru-dz-ru/gesellschaft/neuerordner/-/2422616>
4. М.Варламова, Семейное политика в Японии. Демоскоп Weekly, 2014 г.
5. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг янги устувор йўналишлари белгилаб берилди // <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/sogliqni-saqlash-tizimidagi-islohotlarning-yangi-ustuvor-yonaliishlari-belgilab-berildi-9-11-2018.html>

Она ва бола саломатлиги муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ва имкониятлари

Қутлимуратова Н. М. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати

Резюме. Она ва бола саломатлиги муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини таҳлил қилиш мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади. Мақолада она ва бола саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бу борада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хослиги хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия, Германия ва Япония мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: она ва бола саломатлиги, фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролик жамияти, аҳоли саломатлиги, “учинчи сектор”, ижтимоий институтлар.

Деятельность и возможности институтов гражданского общества по обеспечению здоровья матери и детей

Қутлимуратова Н. М. Депутат Олий Мажлиси Республики Узбекистан

Резюме. Основной целью статьи является анализ деятельности институтов гражданского общества в сфере обеспечения здоровья матери и ребенка. В статье анализируются нормативно-правовые документы по охране здоровья матери и ребенка, специфика деятельности институтов гражданского общества в этой сфере на примере зарубежных стран, в частности, России, Германии и Японии.

Ключевые слова: здоровье матери и ребенка, институты гражданского общества, гражданское общество, общественное здравоохранение, «третий сектор», социальные институты.

Activities and opportunities of civil society institutions to provide mother and child health

Kutlimuratova N.M. Deputy of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Summary. The main purpose of the article is to analyze the activities of civil society institutions in ensuring maternal and child health. The article analyzes the normative and legal documents on maternal and child health, the specifics of the activities of civil society institutions in this area on the example of foreign countries, in particular, Russia, Germany and Japan.

Keywords: maternal and child health, civil society institutions, civil society, public health, “third sector”, social institutions.

“XOTIRA” KATEGORIYASINING ILMIY (PSIXOLOGIK) OLAMNING MANZARASIDA AKS ETISHI

Agzamova D.,

O'zbekiston Milliy universiteti,

Kirish. Insonning kognitiv va lisoniy tafakkur turlari o'zaro mutanosib ravishda faoliyat yuritadi. Olamning kognitiv va lisoniy manzarasining ushbu ong turlariga mos keladigan variantlari ham o'zaro ta'sir o'tkazadi. Kognitiv ong dunyoning kognitiv munosabatida (ilmiy, professional va maishiy) turlicha olamning manzaralarini o'z ichiga olganidek, lisoniy ong ham ob'ektiv voqelikni lingvistik jihatdan o'zlashtirishga turlicha yondashuvlarni nazarda tutadi, real dunyo faktlarini turlicha talqin qilishga imkon beradi, ya'ni olamning lisoniy manzarasining turli xil (ilmiy, professional, maishiy) talqinlarini birlashtiradi. Olamning lisoniy manzarasi turlari bilim ongi dunyosining turli xil olam manzaralariga xos bo'lgan bilimlar va g'oyalar tizimining o'zaro bog'liqligi sifatida tushuniladi.

Olamning lisoniy manzarasining variantlarini farqlash har xil turdagi lingvokognitiv kategoriyalarga asoslangan (ilmiy, professional, maishiy kategoriyalari). Shu bilan birga, olamning lisoniy manzarasi o'z variantlarida leksik kategoriyalarning tarkibiy va semantik tashkil etilishida sezilarli farqlarni tan oladi. Bu farqlar, ayniqsa, olamning ilmiy lisoniy manzarasi (olamning falsafiy, psixologik, fizik, biologik, tibbiy va boshqa turdagi manzaralari), olamning professional lisoniy manzarasi (madaniy, logistik, sanoat) o'zgarishini ko'rib chiqishda yaqqol namoyon bo'ladi.

Ushbu maqolaning maqsadi “Xotira” kategoriyasining olamning ilmiy (psixologik) manzarasidagi talqinini ko'rib chiqishdir.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'tgan asrning oxirgi o'n yilligi va keyingi asrning birinchi o'n yilligi xotira mavzusiga haqiqiy qiziqishning kuchayishi bilan ajralib turdi. Bu mavzu zamonaviy ijtimoiy-falsafiy va gumanitar boshqa mavzular orasida alohida ahamiyatga ega bo'ldi. Bu davrda xotira mavzusi, Patrik Xatton to'g'ri ta'kidlaganidek, “fanlararo manfaatlarining kvintessensiyasiga aylandi. Bu hamma uchun mo'jallangan mavzu edi, lekin hech kim bu mavzuda imtiyozli fikr yuritish huquqiga ega emas edi [1]. Hozirda vaziyat qanday? Bu nafaqat paydo bo'layotgan muammoli va yangi muammo maydonining kengayib borishi bilan, balki ko'plab fanlarning ilmiy qiziqishining ahamiyati ortayotganlida ham yaqqol ko'rinadi. Bunga sabab fanlararo nutqapparaturida aylanayotgan yangi tushunchalarning mazmunining yetuk emasligi, nazariy noaniqlik va ularning kontseptual chegaralarining xiralashishini ko'rsatuvchi omillar bo'lishi mumkin.

XIX asr oxiridan boshlab psixologiyada xotirani eksperimental o'rganish boshlandi. Xotirani o'rganishda haqiqiy yutuq psixologiyada kognitiv yondashuvning rivojlanishi bilan birga dunyodagi fanlar maydoniga chiqdi. Kognitiv fan bilim va axborot jarayonlari muammosini diqqat markaziga olib chiqdi va turli fanlarni - falsafa va psixologiya, tilshunoslik va madaniyatshunoslik, nevrologiya va sun'iy intellektni o'rganishni birlashtirdi. Bu fanlararo soha xotirani o'rganish uchun nihoyatda samarali ekanligini isbotladi. Xotiraning kontseptual sohasi turli ilmiy fanlarda ifodalanadi. Kognitiv psixologiyada biz xotiraning quyidagi ta'rifini ko'rishimiz mumkin: “Xotira - bu tirik organizmning atrof-muhit bilan (tashqi yoki ichki) o'zaro ta'sirini aniqlash, bu o'zaro ta'sir natijasini tajriba shaklida saqlab qolish qobiliyatidir.” [2]

Tadqiqot metodologiyasi. Xotira turlar, bosqichlar va jarayonlar nuqtai nazaridan konseptuallashadi. Psixologlar xotirani turlarga, bosqichlarga va jarayonlarga qarab o'rganadilar. Ushbu maqolada biz ikkita xotira turini, eksplisit xotira va implisit xotirani, so'ngra xotiraning uchta asosiy bosqichini: *sensor*, *qisqa muddatli* va *uzoq muddatli xotira* turlarini ko'rib chiqamiz. [3] Bundan tashqari, biz xotiramizni yaxshilash uchun foydalanishimiz mumkin bo'lgan kognitiv metodlarga alohida e'tibor berib, uzoq muddatli xotiraning tabiatini ko'rib chiqamiz. Bizning munozaramiz uzoq muddatli xotira uchun muhim bo'lgan uchta jarayonga bag'ishlanadi: kodlash, saqlash va qidirish.

Tahlil va natijalar.

tur	• Eksplisit xotira • Implisit xotira
bosqich	• Sensor xotira qisqa muddatli xotira • Uzoq muddatli xotira
jarayon	• Kodlash • Saqlash • Qidirish

Jadval 1. Xotira tur, bosqichl va jarayonlar nuqtai nazaridan konseptuallashadi.

Eksplisit xotira. Xotirani odamdan ongli ravishda eslashni so'rash orqali biz xotirani baholaganimizda, eksplisit xotira baho beramiz. Eksplisit xotira ongli ravishda eslab qolinadigan bilim yoki tajribalarni anglatadi. “Xotira turlari” 1-jadvalda ko'rib turganingizdek, eksplisit xotira ikki xil: epizodik va semantik xotira turlariga bo'linadi. Epizodik xotira biz boshdan kechirgan tajribalarni bildiradi (masalan, bizning oliygohga o'qishga kirgan kunimiz yoki o'tgan yili Antalyada o'tkazgan ajoyib ta'tilimiz haqidagi xotiramizdir). Semantik xotira esa borliq haqidagi faktlar va tushunchalarni bilishimizni anglatadi (masalan, π ning qiymati 3,12ga tengligi yoki yer tortishish kuchiga ega ekanligi haqidagi faktlar).

Eksplisit xotira o'lchovlar yordamida baholanadi, bunda tekshirilayotgan shaxs ma'lumotni ongli ravishda eslashga harakat qilishi kerak. Xotirada axborotni eslab qolish testi - bu eksplisit xotiraning o'lchov birligi bo'lib, u ilgari eslab qolgan ma'lumotni xotirada qayta eslashni bildiradi. Biz insho testini o'tkazishda eslash xotiramizga tayanamiz, chunki

test bizdan oldin eslab qolgan ma'lumotlarni ishlab chiqarishni talab qiladi. Ko'p tanlovli test-bu xotira o'lchovini aniqlashning namunasi, eksplisit xotira o'lchovi, bu ma'lumot ilgari ko'rilgan yoki o'rganilganligini aniqlashni bildiradi.

O'zingizning tajribalaringiz, ehtimol, sizni eslash tanib olish qobiliyatiga ko'ra qiyinroq bo'lgan ilmiy tadqiqot natijalariga qo'shilishga olib keladi. Eslatib o'tamiz, insho testlarida talab qilinganidek, ikki bosqichdan iborat bo'ladi: birinchi navbatda javobni topish va keyin to'g'ri variantni aniqlash. Tanib olish, ko'p tanlovli testda bo'lgani kabi, faqat ro'yxatdagi qaysi element to'g'ri ko'rinishini aniqlashni anglatadi [4]. Garchi ular turli jarayonlarni o'z ichiga olsa-da, eslab qolish va tanib olishning funksiyalari o'zaro bog'liqdir. Ko'p tanlovli imtihonni yaxshiroq topshirgan talabalar, odatda, insho imtihonini yaxshiroq topshiradilar [5]. Xotirani o'lchashning uchinchi usuli - qayta eslab o'rganishdir [6]. Qayta eslab o'rganish me'zonlari ma'lumotni qayta o'rganilganda qanchalik tez qayta ishlangani, lekin keyin unutilganligini baholaydi. Agar siz ilgari frantsuz tilini universitetda talabalik davringizda ikkinchi til sifatida tanlagan bo'lsangiz, masalan, o'rgangan so'z boyliginingizning ko'p qismini unutgan bo'lishingiz mumkin. Ammo agar siz yana frantsuz tilida ishlasangiz, ikkinchi marta so'z boyligini tezroq o'rgangan bo'lar edingiz. Qayta eslab o'rganish xotirani o'lchash yoki tanib olishdan ko'ra sezgirroq o'lchov bo'lishi mumkin, chunki bu xotirani "to'g'ri" va "noto'g'ri" javoblar o'rniga "qanchalik ko'p" yoki "qanchalik tez" nuqtai nazaridan baholashga imkon beradi. Qayta eslab o'rganish, shuningdek, mashinani haydash yoki pianino chalish kabi protseduralar shuningdek faktlar va raqamlarni eslash qobiliyatini o'lchash imkonini beradi.

Implisit xotira. Eksplisit xotira biz bilgan narsalar haqida ongli ravishda xabar berishimiz mumkin bo'lgan narsalardan iborat bo'lsa-da, implisit xotira biz ongli ravishda anglay olmaydigan bilimlarni bildiradi. Shunga qaramay, implisit xotira biz uchun juda muhim, chunki u bizning xatti-harakatlarimizga bevosita ta'sir qiladi. Implisit xotira, agar odam ta'sir qiluvchi omillardan xabardor bo'lmasa ham, tajribaning xulq-atvoriga ta'sirini anglatadi. "Xotira turlari" 1-jadvalda ko'rib turganingizdek, implisit xotiraning uchta umumiy turi mavjud: **instrumental** yoki **protsessual xotira** va **tasodifiy xotira** yoki **praiming**.

Instrumental yoki protsessual xotira

Bu yashirin xotiraning bir turi, chunki og'zaki bayon qilish qiyin va uning bosqichlari avtomatik ravishda va ongsiz ravishda amalga oshiriladi. Ular amaliyot orqali takomillashadilar va ular sodiq va doimiy xotiralardir. Masalan, *zinapoyaga chiqish, pianino chalish, suzish va h.k.*

Tasodifiy xotira yoki praiming

Bu aytilgan ob'ektning oldingi taqdimoti natijasida ma'lum bir elementni aniqlash yoki qayta ishlash qobiliyatining oshishi bilan tavsiflangan yashirin xotiraning kichik turidir.

Sensorli xotira. Bu xotiraning eng qisqa turidir. Bu rag'batlantiruvchi g'oyib bo'lgandan keyin hissiy ma'lumot haqidagi tasavvurlarni saqlab qolish qobiliyatidan iborat. Ko'pgina ma'lumotlar bizni doimo ta'qib qiladi. Ular eshitish, ko'rish, hidlash, ta'm yoki taktil ma'lumotlar bo'lishi mumkin. Bizning tanamiz bir vaqtning o'zida barcha ogohlantirishlarga qodir emas, chunki energiya cheklangan, shuning uchun u axborotni saralaydi. Shunday qilib, ba'zi ma'lumotlarni e'tiborsiz qoldiradi va boshqalarini aniqlaydi. Ikkinchisi - bu sensorli xotiraning bir qismidir. Vizual stimullarning sezgir xotirasi ko'pincha ikonik xotira deb ataladi. Agar ular eshitish stimullari bo'lsa, bu echoik deb nomlanadi; va agar ular taktil bo'lsa, haptik turga bo'linadi.

Ushbu turdagi xotira ongli e'tiborni talab qilmaydi, aslida u odatda beixtiyor bo'ladi. Bu elementni sezgandan so'ng, taxminan 200-500 millisekundalarda juda tez pasayishi bilan ajralib turadi. Echoik yoki eshitish sezgir xotirasi biroz ko'proq davom etishi mumkin bo'lsa-da, ko'pi bilan 3 yoki 4 soniya vaqt talab etadi.

Ushbu xotiraning davomiyligi shunchalik qisqaki, u odatda idrok etish jarayonining bir qismi hisoblanadi, garchi bu tarkibni qisqa muddatli xotirada saqlash uchun muhim qadam bo'lsa ham.

Qisqa muddatli xotira va ishchi xotira. Qisqa muddatli xotira ishlov berilayotgan ma'lumotlarni vaqtincha tiklash orqali ishlaydi. Uning hajmi cheklangan va bir necha soniyadan bir daqiqagacha vaqt talab etadi [7]. Ushbu turdagi xotira biz o'qiyotgan matn nima ekanligini tushunishga yordam beradi, chunki gapni o'qiyotganda avvalgisini eslaymiz.

Qisqa muddatli xotiraga sig'inadigan elementlarning chegarasi taxminan 4 yoki 5 ga teng bo'lib tuyuladi. Ammo, bu imkoniyatni o'qitish yoki "chunking" texnikasi yordamida oshirish mumkin. Ushbu texnik elementlarni guruhlashdan iborat. Masalan, agar biz telefon raqamini bilmoqchi bo'lsak, uni yaxshiroq eslab qolish uchun raqamlarni uchdan uchga guruhlashimiz mumkin.[7]. Boshqa tomondan, agar biz uni saqlab qolish uchun ongli ravishda harakat qilmasak, ma'lumot uzoqroq saqlanib qolmaydi (ya'ni uzoq muddatli xotira). Ma'lumotlar qisqa muddatli va uzoq muddatli omborga o'tishi uchun ular takrorlanishi va / yoki biz bilgan boshqa ma'lumotlar bilan bog'liqligini yoki ma'nosini topishi kerak. Xuddi biz ularni eslash uchun g'ayratli va manfaatdor bo'lishimiz kerak. Masalan, ishchi xotira nafaqat mavjud bo'lgan ma'lumotlarni yodda saqlashga imkon beradi, balki ushbu ma'lumotlarning manipulyatsiyasini yuqori bilim jarayonlariga (til va fikrlash kabi) aralashishga imkon beradi. Ishchi xotira, shuningdek, rejalashtirish, qaror qabul qilish, aks ettirish, taqiqlash va h.k.larga imkon beradigan ijro funksiyalari bilan bog'liqdir.

Uzoq muddatli xotira. Uzoq muddatli xotirada bo'lgan xotiralar umrimizning oxirigacha u yerda qolishi mumkin. Vaqt o'tishi bilan u juda oz darajada yomonlashadi va cheksiz ko'p ma'lumotni saqlashi mumkin. Biroq, ushbu ombordagi barcha xotiralar bir xil kuchga ega emas va hammasi harakatsiz bo'lib qolmaydi. Vaqti-vaqti bilan bizning xotiralarimiz ko'rib chiqiladi va kerak bo'lsa "yangilanadi". Shuning uchun biz yodlagan ma'lumotlar qat'iy doimiy yoki ishonchli emas.

Xotiralar uzoq muddatli xotiraga o'tishi uchun konsolidatsiya jarayoni zarur bo'lib, unda miyamizdagi ma'lumotlar murakkab asab mexanizmlari orqali o'rnatiladi.

Xotira jarayonlari. Xotira turlaridan tashqari ularning jarayonlari ham farqlanadi. Bular *esda olib qolish (mustahkamlash), esda tushirish (aktuallashtirish, qayta tiklash), esda saqlash va unitish* jarayonlaridir.

Esda olib qolish natijasida yangi materialni oldin o'zlashtirilganlari bilan bog'lash orqali mustahkamlanadi. Esda olib qolish individ tajribasini yangi bilimlar bilan boyitishning zaruriy shartidir. Esda olib qolish tanlovchanlik xarakteriga ega. Esda qolish quyidagilarga bog'liq: inson faoliyatida aktiv qo'llagan, harakat qilgan narsalarni yaxshi esda qoladi. materialni esda qolish shaxsning motivlari, maqsadlari va faoliyat usullari bilan belgilanadi.

Esda olib qolish ham qisqa muddatli va uzoq muddatli, ixtiyoriy va ixtiyorsiz esda olib qolish tarzida bo'ladi. Shulardan ixtiyorsiz va ixtiyoriy esda olib qolishga to'xtalib o'tamiz.

Ixtiyorsiz esda olib qolishda material go'yoki "o'z-o'zidan" esda saqlanib qoladi. Bu nimaga bog'liq? O'tkazilgan tadqiqotlarning natijalari shuni ko'rsatadiki, ixtiyorsiz esda olib qolish quyidagi omillarga bog'liq: material faoliyatning asosiy maqsadining mazmuniga kirsa yaxshi esda qoladi.

Agar material faoliyatni amalga oshirishning sharoitlariga, usullariga kirsa yaxshi esda saqlab qolinmaydi. Faol ravishda aqliy ishini yuzaga keltirgan material ixtiyorsiz ravishda yaxshi esda qoladi; muhim hayotiy ahamiyatga ega bo'lgan, bizda qiziqish va hissiyot tug'dirgan material.

Ixtiyoriy esda olib qolish maxsus mnemik harakatlar mahsulidir. Bunda nimani va qanday qilib esda qolishni aniqlash katta ahamiyatga ega. Bundan tashqari quyidagi omillarni ko'rsatish mumkin: esda olib qolishning motivi; esda olib qolishning ratsional (oqilona) usullaridan foydalanish; tushunish, mantiqiy anglab esda olib qolish; o'rganilayotgan materialning rejasini tuzish; taqqoslash; tizimlashtirish va klassifikatsiya qilish; obrazli bog'lanishlarga keng suyanish; qayta esda tushirish; qismlarga bo'lib va yaxlit takrorlash kabilar.

Qayta esda tushirish - ilgari esda olib qolingani materialni aktuallashtirish. Qayta esda tushirishning tanish, qayta esda tushirish va xotirlash kabi turlari farqlanadi.

Qayta esda tushirish tanishdan shunisi bilan farq qiladiki, u qayta esda tushirilayotgan ob'ektni qayta idrok qilmay turib amalga oshiriladi. [8]

Xulosa va takliflar. Yuqorida ko'rib o'tilgandek, "Xotira" kategoriyasining olamning ilmiy (psixologik) manzarasini tegishli fan sohasidagi talqinlari va ta'riflari ushbu kategoriyaning mohiyatini yanada yaqqolroq ochib beradi. Kelgusi ilmiy izlanishlar ushbu kategoriyaning nafaqat ilmiy olamning manzarasi, balki professional va maishiy olam manzaralarida o'rganilishi kategorizatsiya hodisasini o'rganishda shubhasiz ulkan yordam beradi.

ADABIYOTLAR

1. Патрик Х. Хаттон. История как искусство памяти. М.: Владимир Даль, 2004. -424 с.
2. Когнитивная психология. М., 2002. - 297 с.
3. Atkinson, R. C., & Shiffrin, R. M. Human memory: A proposed system and its control processes. In K. Spence (Ed.), The psychology of learning and motivation (Vol. 2). Oxford, England: Academic Press. 1968, pp. 89-195
4. Haist, F., Shimamura, A. P., & Squire, L. R. (). On the relationship between recall and recognition memory. Journal of Experimental Psychology: Learning, Memory, and Cognition, 1992, №18(4), pp. 691-702.
5. Bridgeman, B., & Morgan, R. Success in college for students with discrepancies between performance on multiple-choice and essay tests. Journal of Educational Psychology, 1996, № 88(2), pp. 333-340.
6. Nelson, T. O. Ebbinghaus's contribution to the measurement of retention: Savings during relearning. Journal of Experimental Psychology: Learning, Memory, and Cognition, 1985, № 11(3), pp. 472-478.
7. Baddeley, A. D., Vallar, G., & Shallice, T. The development of the concept of working memory: Implications and contributions of neuropsychology. In G. Vallar & T. Shallice (Eds.), *Neuropsychological impairments of short-term memory*. New York, NY: Cambridge University Press. 1990, pp. 54-73
8. <https://fayllar.org/xotira-haqida-tushuncha-xotira-mexanizmlari.html>
9. Дзюба Е.В. Лингвокогнитивная категоризация в русском языковом сознании.-Екатеринбург. 2015, - 286 с.
10. Peterson, L., & Peterson, M. J. (). Short-term retention of individual verbal items. Journal of Experimental Psychology, 1959, № 58(3), pp. 193-198.
11. Unsworth, N., & Engle, R. W. On the division of short-term and working memory: An examination of simple and complex span and their relation to higher order abilities. Psychological Bulletin, 2007, № 133(6), pp.1038-1066.

Dunyoning ilmiy (psixologik) rasmida "xotira" toifasining ifodalanishi
A'zamova D. O'zbekiston Milliy universiteti

Izoh. Maqolada dunyoning ilmiy (psixologik) rasmida "Xotira" toifasining namoyon bo'lishi haqida so'z boradi. Kognitiv ong dunyoning kognitiv munosabatlarida (ilmiy, kasbiy va maishiy) turli dunyoqarashlarni o'z ichiga olgani kabi, lingvistik ong ham ob'ektiv voqelikni lingvistik assimilyatsiya qilishga turlicha yondashuvlarni nazarda tutadi, real olam faktlarini turlicha talqin qilishga imkon beradi, ya'ni. dunyoning til rasmining turli (ilmiy, kasbiy, kundalik) talqinlarini birlashtirish. Dunyoning lingvistik tasvirining turlari deganda dunyo tasvirining har xil turlariga xos bo'lgan bilimlar va tasavvurlar tizimining o'zaro bog'liqligi tushuniladi. 19-asrning oxiridan boshlab psixologiyada xotirani eksperimental o'rganish boshlandi. Xotirani o'rganishda haqiqiy yutuq psixologiyada kognitiv yondashuvning rivojlanishi bilan birga butun dunyo bo'ylab fan sohasida sodir bo'ldi.

Kognitiv fan bilim va axborot jarayonlari muammosini birinchi o'ringa qo'ydi va turli fanlar - falsafa va psixologiya, tilshunoslik va madaniyatshunoslik, nevrologiya va sun'iy intellektni o'rganishni birlashtirdi. Xotira turlari, bosqichlari va jarayonlari nuqtai nazaridan kontseptsiyalangan.

Kalit so'zlar: "Xotira" kategoriyasi, dunyoning ilmiy surati, kognitiv ong, xotira turlari, bosqichlari va jarayonlari.

Репрезентация категории «память» в научной (психологической) картине мира
Азамова Д. Национальный университет Узбекистана

Аннотация. В статье рассматривается репрезентация категории «Память» в научной (психологической) картине мира. Подобно тому, как когнитивное сознание включает в себя разные мировоззрения в когнитивных отношениях мира (научное, профессиональное и бытовое), языковое сознание предполагает разные подходы к лингвистической ассимиляции объективной реальности, позволяя по-разному интерпретировать факты реального мира, т.е. сочетать разные (научные, профессиональные, бытовые) интерпретации языковой картины мира. Под типами языковой картины мира понимается

взаимозависимость системы знаний и представлений, присущих разным видам картины мира. С конца 19 века началось экспериментальное изучение памяти в психологии. Настоящий прорыв в изучении памяти произошел в области науки во всем мире, наряду с развитием когнитивного подхода в психологии. Когнитивная наука выдвинула на первый план проблему знания и информационных процессов и объединила изучение разных дисциплин - философии и психологии, лингвистики и культурологии, неврологии и искусственного интеллекта. Память концептуализируется в терминах типов, стадий и процессов.

Ключевые слова: категория «Память», научная картина мира, когнитивное сознание, типы, стадии и процессы памяти.

Representation of the category "memory" in the scientific (psychological) picture of the world
Agzamova D. National University of Uzbekistan

Annotation. The article deals with the representation of the category "Memory" in the scientific (psychological) picture of the world. Just as cognitive consciousness includes different worldviews in the cognitive relations of the world (scientific, professional and everyday), linguistic consciousness presupposes different approaches to the linguistic assimilation of objective reality, allowing different interpretations of the facts of the real world, i.e. combine different (scientific, professional, everyday) interpretations of the linguistic picture of the world. The types of the linguistic picture of the world are understood as the interdependence of the system of knowledge and ideas inherent in different types of the picture of the world. The experimental study of memory in psychology began at the end of the 19th century. The real breakthrough in the study of memory has occurred in the field of science around the world, along with the development of the cognitive approach in psychology. Cognitive science has highlighted the problem of knowledge and information processes and combined the study of different disciplines - philosophy and psychology, linguistics and cultural studies, neurology and artificial intelligence. Memory is conceptualized in terms of types, stages and processes.

Key words: category "Memory", scientific picture of the world, cognitive consciousness, types, stages and processes of memory.

ЖОН ЛОКК ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАРИДА ЭХТИЁЖ ТУШУНЧАСИ ВА БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТ

Элмуротов Ж. Ш.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Мустақиллик ҳалқимиз, давлатимиз учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгилашнинг кенг истиқболларини очиб бермоқда. Миллатимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш ва ҳаётини эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шу эҳтиёжлар асосида юзага келадиган уларнинг манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш мақсадида жамиятнинг барча тизимларида ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланиб илгари сурилган “Ҳаракатлар стратегияси” миллий тараққиётимизнинг стратегик йўналишини таъминлаши билан бир қаторда тенглик, эркинлик, тараққиёт каби либерал ғояларнинг ижтимоий ҳаётдаги реал моҳияти, унинг тантанасига кенг йўл очиши билан ҳам концептуал аҳамиятга эга. Хусусан: “Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ҳавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш...”⁵¹, - каби стратегик мақсадларнинг ифодаланиши жамиятимиз аъзоларини эркин ва фаровон ҳаёт асосларини таъминлаш мақсадлари сари амалий фаолиятга йўналтириш, бу жиҳат бир томондан миллий тараққиётимизнинг позитив ривожини таъминлашга шарт-шароитлар яратиб борса, иккинчи томондан классик алломаларнинг либерал ғояларининг бугунги кундаги тантанасини ҳам далиллайди.

Маълумки, классик алломаларимиз томонидан илгари сурилган либерал ғоялар маълум бир ижтимоий-тарихий давр учун хизмат қилмасдан барқарор парадигма сифатида инсоният бахт-саодатли ҳаётининг қафолати сифатида барча давр ва барча ижтимоий-иқтисодий босқичларни қамраб олиш хусусияти билан ҳам қадрият сифатида эъзозланади. Ва бундай либерал ғоялар демократик тараққиётга замин яратиб, уни таъминлаб бориш характери билан аҳамиятли бўлиб, узоқ муддатлиги, давомийлиги ва доимийлиги билан ҳам стратегик моҳият касб этади. Мамлакатимиздаги бугунги тараққиёт ҳам классик даҳолар концептуал қарашларини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам ўтмиш-бугун-келажак занжирида ғоя ва амалиёт ҳамжиҳатлигини исботлайди. Шу маънода Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлагандек: ҳалқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш – бу вақтинчалик кампания эмас. Бу – ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир⁵². Ва бу стратегия миллий тараққиётнинг позитив ривожини таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўртинчи Фармони. – Тошкент: «Адолат», 2017. – Б. 3 – 4.

⁵² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 592 б.

Шу ўринда ўн еттинчи асрда фаолият олиб борган классик либерализмнинг энг ёрқин намоёндаларидан бўлган инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704 йй.) концептуал фикрларига эътибор қаратгудек бўлсак, у ўзининг аксарият асарларида либерал ғоялар, инсон табиатида эркинликка интилиш, унда эҳтиёжнинг ўрни масалаларига тўхталиб: “Тарихий жараёнлар ривожда ва жамиятдаги бутун ижтимоий муносабатлар тизимида “эҳтиёжлар”, айниқса “ижтимоий эҳтиёжлар” ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай инсоннинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаёт-мамотини эҳтиёжлар белгилайди⁵³. Шу туфайли “эҳтиёж” ўз мазмунига кўра объективдир” деган ғоя устувор бўлган. Бироқ, бизнинг фикримизча, шу объектив эҳтиёжнинг соҳиби эса доимо ҳаракатдаги, фаолиятдаги инсонлар бўлиб, уларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари туфайли манфаатлар юзага келади. Ўз манфаатини қондиришига қаратилган фаолияти туфайли инсон ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривож ва йўналишига фаол таъсир кўрсатади. Ва бу жиҳат инсон табиатида эркинликка интилиш хусусияти ҳаётий зарурият эканлигини етакчи ўринга чиқаради.

Ижтимоий ҳаётимизнинг ана шу объектив қонуниятларини чуқур ва маъсулият билан англаб етган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти бозор муносабатларига ўтишда “Ўзбекистон танлаб олган йўл – Республика ва унинг халқнинг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир”⁵⁴, деб таъкидлашлари, инсон вужудидаги эҳтиёж ва манфаатлар бевосита табиатидаги эркинликка интилиш ва мойилликнинг реал ҳаётдаги инъикослари ифодаси ҳамда халқ ва давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган сиёсий фаолият сифатида баҳоланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг ислохотларни, жамият ривожини белгилаб келадиган ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ва шу билан бирга, умумдавлат манфаатини эътироф ва ифода этган ҳолда, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, сифат жиҳатдан янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришда давлат бош ислохотчи бўлиб майдонга чиқиши, инсон эркинлигининг муҳим жиҳати бўлган эҳтиёж ва манфаатларининг давлат томонидан қафолатланиши эди. Зеро, “Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак”⁵⁵.

Маълумки, ҳар қандай давлат сиёсий ҳокимият сифатида жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Давлатнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ва фаоллиги ўтиш даври, ислохотлар даврида янада кучлироқ намоён бўлади. Ўтиш, ислохот жамиятдаги мавжуд эҳтиёж ва манфаатларнинг янги эҳтиёж ва манфаатлар билан тўқнашув жараёнида, давлат ва халқ манфаатини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи ҳамда кишилар ўртасидаги хоҳиш-иродага асосланган муносабатлар тизими сифатида ўзини намоён қиладики, бу жиҳат ҳам классик алломаларимиз, жумладан Жон Локк ғояларининг бугунги кунда ижтимоий ҳаётдаги реал аҳамиятини исботлайди.

Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши ҳокимият масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиздаги ислохотлар муваффақиятининг сабабларидан бири ижтимоий-сиёсий барқарорлиқдир. Республикамиз бугунги кунда мустақил давлатлар ҳамдўстлигида иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсий жиҳатдан энг барқарор ривожланаётган кучли давлатдир. Ушбу барқарорликни сақлаш ва янада мустаҳкамлаб бориш зарур.⁵⁶

Фикримизча, ушбу муҳим вазифа республикамызда қуйидаги асосий тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

Биринчидан, халқчил ҳокимият фаолиятини янада кенгайтирмоқ зарур, чунки ҳар қандай маданиятнинг ўзагини, негизини, аввало, қадриятларни яратиш, асраш, кўпайтириш ва ривожлантириш ташкил этадики, бунинг замирида халқ табиатида мужассам бўлган эркинлик ва фаровонлик ҳислатлари ётади. Бунинг учун эса, аввало, фуқароларда ўтмишдан, тарихдан, аجدодларимиз томонидан яратган моддий ҳамда маънавий бойликлар ва меросдан кўникиш ҳиссини, туйғусини шакллантириш билан бир қаторда, уни авайлаб-асраб, унинг ривожига ҳисса қўшмоқ зарур. Бунинг учун республикамызда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқдаки, ушбу жиҳатлар ҳам халқимизнинг эркинлиги ва фаровонлигига хизмат қилади;

Иккинчидан, давлат бошқарувида миллий-тарихий тажрибамыздан келиб чиққан ҳолда ҳокимлик лавозими, тизими қайта тикланди. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаруви тизимида эса маҳаллаларнинг ҳуқуқий, мавқеи оширилиб, ушбу институтга юксак сиёсий мақом берилиб, вазирлик даражасига кўтарилди. Бу ишлар халқимизда давлат ва ҳокимият органларига бўлган ишонч руҳини тиклаш, ошириш ва таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқдаки, либерал ғоялар тадрижий ривожда бевосита ушбу омил етакчилик қилади;

Учинчидан, Президентимиз ташаббуси билан маънавият ва маърифат давлатимиз сиёсатидаги асосий йўналиш деб белгиланди, бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Халқимиз тарихи ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоблари Соҳибқирон Амир Темур, унинг авлодлари – Улуғбек ва Бобур Мирзо, бир қатор алломаларимиз ва тарихий шахсларнинг юбилейлари кенг ва тантанали нишонланмоқдаки, бу халқимизнинг маънавияти, ўз тарихига этироми, ўзлигини англаши каби ҳислатлар ривожда муҳим омил бўлиб ҳисобланадики, либерал ғояларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти бевосита ушбу жиҳатлар билан боғлиқ;

⁵³ Локк Дж. Соч.: В 2 т. -- Т. 2. -- М., 1960. -- С.26.

⁵⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т.:Ўзбекистон, 2000.–24 б.

⁵⁵ Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. // Туркистон. 1999. 2 февраль.

⁵⁶ Исломов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. -Тошкент: “Адолат”, 2002.

Тўртинчидан, тилимиз, динимиз ва урф-одатларимиз, уларнинг қонуний мавқеи қайта тикланмоқда. бундан кўзланган мақсад халқимизда ўз маданий меросидан қониқиш, фахрланиш, миллий ўзлиқни англаш ҳиссини, туйғусини шакллантиришдир.

Ислохотларимиз моҳиятини халқимизга очиқ ва тўлиқ тушунтирилаётгани унинг муваффақиятини таъминловчи бош омил сифатида майдонга чиқмоқда. Бизга яхши маълумки, шўролар тузуми даврида ҳам жуда кўп ислохотлар ўтказилди. Лекин ушбу ислохотларнинг барчаси ярим йўлда қолиб кетди.

Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат эди: биринчидан, ислохотларнинг барчаси халқнинг, миллатнинг ҳақиқий эҳтиёж ва манфаатларини, демакки инсон табиатидаги либерал моҳиятга интилиш каби ҳислатларни ҳисобга олмаган эди; иккинчидан, ислохотлар бизнинг халқимизга бегона бўлган жамиятдан, ижтимоий-маънавий муҳитдан тўғридан-тўғри андоза олиб ўтказилган эди; учинчидан, ислохотларнинг ҳаммаси доимо мажбурий равишда, юқоридан зўрлик ишлатиш йўли билан ўтказилган эди; тўртинчидан, ўтказилган ислохотларнинг барчаси доимо жамият ҳаётини инқилобий, равишда бирданига ва тубдан ўзгартиришга мўлжалланган эдики, бу жиҳат радикал ўзгариш сифатида ўзининг кескин моҳиятини намоён этиб, жамиятнинг тадрижий ривожига салбий таъсир кўрсатган эди; бешинчидан, ислохотларнинг босқичларини изчил, аниқ ва ўз вақтида яқунлаб, янгисига босқичма-босқич ўтилмаган, кўп ҳолларда субъективизм ва волонтаризмга йўл қўйилган эди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ислохотларнинг тадрижий, яъни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб олишимиз айнан шу тарихий сабоқлардан тўғри хулоса чиқариш ва жамиятнинг объектив қонунларини эътироф этиш асосида амалга оширилмоқда. Бизнинг йўлимиз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини кучли муҳофаза қилиш асосида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сифатида даврнинг моҳиятини ўзида мужассам этиб, тадрижий тараққиёт талаблари асосида ривожланишни таъминлашдир. “Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир”⁵⁷. Ва бу анъаналар ва турмуш тарзи замирида эркинлик ва фаровонликка интилиш хусусияти ётадики, бу жиҳат инсон табиатида либерал моҳиятга чанқоқлик, унга интилиш ва уни ҳаётининг мазмунига айлантира билиш вазифаси ётади. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислохотлар бевосита халқимиз табиатидаги ана шу эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилганлиги билан эътиборлидир.

Бизда ўтказилган ҳар қандай ислохотларнинг муайян босқичлари, ўз вазифалари, мақсадлари мавжуд. Халқ эса ислохотларнинг натижаларини ўз вақтида ҳис қилиб бориши керак. Агар бу босқичлар чўзилиб кетса, суёт борса, бу, албатта, ислохотларнинг тақдирига, кейинги босқичларига салбий таъсир этади. Зеро, ҳар бир авлод ўзининг реал эҳтиёжлари, манфаатлари ва мақсадларига эга бўлиб, ҳеч ким уларнинг тақдирини уларнинг ихтиёрисиз ҳал қилишга ҳақи йўқ. Шу боис ислохотларнинг биринчи кундан бошлаб мамлакатимизда кекса авлодни, аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламини, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини химоя қилиш доимо биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ, ёки миллатнинг манфаати доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи муайян жамиятга, тузумга бўлган муносабатларида намоён бўлади⁵⁸. Ҳар қандай эҳтиёжни қондириш йўлида дуч келган тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиш жараёнида манфаат вужудга келади, яъни ҳар қандай манфаатнинг асосида доимо эҳтиёж ташкил этади.

Ингли файласуфи Жон Локкнинг «Давлатни бошқариш тўғрисида икки рисола» асарида келтирилишича, тарихий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч одамларнинг аниқ мақсадли фаолиятларидан иборат бўлиб, ушбу фаол ҳаракатнинг сабаби ва манбаи эса шу мазкур жамиятда мавжуд зиддиятлардир. Ҳар бир жамият ўз табиатига кўра турли хил мазмундаги ижтимоий муносабатлардан ташкил топади. Шу боис ҳам кишиларнинг фаол ҳаракатлари турли хил ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг бир-бирига зид келадиган қарама-қарши манфаатларининг тўқнашуви орқали намоён бўлади.⁵⁹ Маълум тарихий шарт-шароитларда эса турли мақсадга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар, партиялар, табақалар манфаатларининг мос келиши асосида улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Чунончи, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан олға сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили республикамиздаги барча фуқароларнинг, қатламларнинг, сиёсий ташкилотларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштириш асосида бугунги кунда жаҳон ҳамжамяти томонидан эътироф этилаётган, тан олинаётган, таъбир жоиз бўлса, бозор муносабатларига ўтишнинг янгича ўзбекона моделининг мазмун ва моҳиятини ташкил этмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу моделининг заминида ҳам, асосида ҳам, ислохотлар самарадорлигида ҳам халқимизнинг, миллатимизнинг туб ҳаётӣ эҳтиёжлари ҳамда манфаатлари асосий мезон қилиб белгиланган. Юқорида илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Локк жамият қонунлари ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги объектив, ички, умумий, муҳим, зарурий, нисбатан турғун алоқа ва муносабатлардан иборат деган хулосага келиши ижтимоий ҳаётдаги бугунги тараққиёт жараёнларида ҳам ўзининг ифодасини топганлиги Жон Локк таълимотларининг айни пайтдаги долзарблигидан ҳам далолатдир;

⁵⁷ Каримов. И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. -410 б.

⁵⁸ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -173-б.

⁵⁹ Каримов. И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. -320 б.

Иккинчидан, Жон Локк фикрича, жамият қонунлари фақат кишиларнинг шахсий ва ижтимоий манфаатларни кўзлаб амалга ошадиган фаолиятлари туфайли вужудга келади ҳамда рўёбга чиқади. Бунда шахсий манфаатлар билан ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва ҳатто ижтимоий манфаатлар нисбатини ошира бориш миллий тараққиётимизнинг оптимал моҳиятини таъминлаб борадики, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам ушбу омилнинг етакчи ўринда эканлиги эътирофлидир;

Учинчидан, Жон Локк кишиларнинг мақсадли фаолиятлари, албатта, маълум тарихий шарт-шароитдагина вужудга келади, ушбу ижтимоий-тарихий жараёнларнинг хусусияти ва ривожланиш тамойилларини белгилайди⁶⁰, деган хулосалари мамлакатимизда давр моҳиятини ўзида мужассам этган ижтимоий-сиёсий жараёнлар инсоният тадрижий такомилнинг бутунги босқичига мос эканлигини, демакки жаҳон ҳамжамиятининг субъекти сифатида Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятларига хос элементларни намоён этиш билан бир қаторда улар ривожини таъминлаб келаётганлигини исботлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисидаги Фармони. – Тошкент: «Адолат», 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.–Т.:Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. // Туркистон. 1999. 2 февраль.
5. Каримов. И.А. Биз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
6. Каримов. И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
7. Локк Дж. Соч.: В 2 т. -- Т. 2. -- М., 1960.
8. Локк Дж. Мысли о воспитании .Соч.: В 3 т. -- Т.3. -- М., 1988.
9. Исломов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. -Тошкент: “Адолат”, 2002.
10. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.

*Жон локк либерал гояларида эҳтиёж тушунчаси ва бугунги тараққиёт
Элмуротов Ж. Ш. Тошкент архитектура қурилиш институти*

Резюме. Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, ушбу жараённинг тадрижий такомил, унда классик алломаларимиз гоялари, хусусан инглиз файласуфи, либерализм концепциясининг ёрқин вакили Жон Локк гояларида эҳтиёж тушунчаси, ва бу тушунчанинг манфаат билан муштараклик ҳолати масалалари тадқиқ қилинган. Хусусан, Ўзбекистонда “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар халқимизнинг эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам эканлиги, ҳар қандай тараққиёт халқ манфаатлари билан муштарак бўлган тақдирда тараққиётнинг оптимал моҳияти таъминланиши, Ўзбекистонда бу жиҳат давлат сиёсатининг бош йўналишига айланганлиги эътироф этилиб, назарий аҳамиятга эга бўлган умумлашма хулосалар илгари сурилади.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон, Ҳаракатлар стратегияси, Жон Локк қарашлари, либерализм, эркинлик ва фаровонлик, миллий тараққиёт, давлат сиёсати.

Резюме. В статье рассматриваются реформы в Узбекистане, постепенное развитие этого процесса, концепция потребности в идеях наших классических ученых, в частности, английского философа Джона Локка, блестящего представителя концепции либерализма, и общность этой концепции с интересом. В частности, признается, что обновление и изменения, происходящие в Узбекистане в рамках «Стратегии действий», являются важным шагом на пути к обеспечению свободы и благосостояния наших людей, обеспечению оптимального характера развития, если любое развитие отвечает интересам народа. обобщенные выводы выдвигаются.

Ключевые слова: Узбекистан, Стратегия действий, взгляды Джона Локка, либерализм, свобода и процветание, национальное развитие, государственная политика.

Summary. The article examines the reforms in Uzbekistan, the gradual development of this process, the concept of need in the ideas of our classical scholars, in particular, the English philosopher John Locke, a brilliant representative of the concept of liberalism, and the commonality of this concept with interest. In particular, it is recognized that the renewal and changes taking place in Uzbekistan within the framework of the "Strategy of Action" are an important step towards ensuring the freedom and welfare of our people, ensuring the optimal nature of development if any development is in the interests of the people. generalized conclusions are advanced.

Key words: Uzbekistan, Strategy of Action, John Locke's views, liberalism, freedom and prosperity, national development, public policy.

⁶⁰ Локк Дж. Мысли о воспитании .Соч.: В 3 т. -- Т.3. -- М., 1988. - С.442.

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ХУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ХУҚУҚИЙ ИДЕАЛИЗМНИНГ САЛБІЙ ТАЪСИРИ

Утемурагов М.А

Тошкент архитектура қурилиш институти

Бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар, жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда ҳуқуқий маданияти ва онгининг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва ўз фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Ўз навбатида мазкур ҳолатларнинг акси содир этилса, норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш борасида ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмнинг салбий таъсири келиб чиқиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланган иккинчи устувор йўналиши бўйича белгиланган мақсадлар ушбу масалаларга бағишланганлиги билан долзарб ҳисобланади [1].

Биламизки, ҳуқуқий онг деганда инсонларнинг ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодаладиган ҳислари, туйғулари, фикрлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, бошқача қилиб айтганда инсонларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатини ва умуман ҳуқуқ қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикр-ўйларини, қарашларини ифодалаши тушунилади. Ҳуқуқий маданият эса, ҳуқуқни билиш ва тушуниш, унинг кўрсатмаларини онгли равишда бажаришдир [2]. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартиб солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқий талабларни билиш ҳамда уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид барча масалалар кишиларнинг ҳуқуқий маданиятлик даражасига боғлиқдир.

“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармонда шундай дейилган, “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади... Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда” [3]. Шу ўринда айтиш мумкинки, энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ҳолларда қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлардаги бўшлиқда кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада кийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бу камчиликларни бартараф этиш ва қонунчилик жараёни салмоғини ошириш мақсадида парламент аъзолари томонидан доимий изланишлар ва самарали фойлатлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги вазифалар тизимида жамият аъзоларининг онгида, фаолиятида учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмни йўқотиш масаласи ўта аҳамиятлидир. Шундай экан, албатта **ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм** ҳақида фикр юритишимиз лозим бўлади. Чунки, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм бевосита жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг даражасига маълум маънода таъсир этиши турган гап.

Нигилизм атамаси латинча “nihil” – сўздан олинган бўлиб, “ҳеч нарса”, “ҳеч нима” маъноларини англатади [4]. Илмий, ўқув адабиётида ҳуқуқий нигилизмнинг бир неча турлари ажратиш ҳам кўрсатилган. Хусусан, россиялик ҳуқуқшунос олим, профессор Н.И.Матузов ҳуқуқий нигилизмнинг қуйидаги кўринишларини ажратган: қонунлар ва бошқа норматив актларни қасдан бузишлик; юридик қондаларни оммавий тарзда бажармаслик ва уларга риоя этмаслик; бир-бирига зид ҳуқуқий актлар чиқариш; қонунчиликни мақсадга мувофиқлик билан алмаштириш; вакиллик ва ижро ҳокимияти тузилмалари ўртасида қарама-қаршилиқ; инсон ҳуқуқларининг бузилиши; ҳуқуқий нигилизмнинг назарий шакли мавжудлиги (бу кўриниши илмий адабиётларда мавжуд бўлади).

Фикримизча, ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий онгнинг элементи бўлиб, эътиборсизлик ва ҳуқуқ субъект(лар)ининг амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсинмаслиги, уларга нисбатан ҳурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши. Ҳуқуқий нигилизм қуйидаги кўринишларда намоён бўлади, назарий шакли (олимлар мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши); амалий шакли (фаол ва суёт кўринишда) [5].

Ҳуқуқий нигилизм анча мураккаб ҳодиса бўлиб, унга қарши кураш унчалик ҳам осон вазифа эмас. Айни пайтда, унга қарши кураш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш жоиз: ижтимоий-иқтисодий характердаги ислохотлар; ҳуқуқий тартибга солиш мазмунини ўзгартириш; юридик нормаларнинг мазмунини имкон қадар аҳолининг турли қатламларига яқинлаштириш; суд фаолиятининг характерини ўзгартириш ва алоҳида судга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш орқали одил судловнинг обрўсини кўтариш; ҳуқуқ қўллаш амалиётини яхшилаш; мазкур йўналишларда олиб бориладиган назарий

ишларни ва шу кабилар. Юқоридагиларнинг барчаси, умуман олганда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган. Демак, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги – ҳуқуқий нигилизмнинг камайишига олиб келиши аниқ.

Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқни назар-писанд қилмаслик ёки уни инкор этиш ҳисобланса, ҳуқуқий идеализм ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштиришни англатади. Иккала ҳодиса ҳам ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир. Гарчи ҳуқуқий идеализм ҳуқуқий нигилизм каби кўзга яққол ташланмаса-да, бу ҳодиса давлатга, жамиятга ҳуқуқий нигилизмдан кам зарар етказмайди.

Шундай қилиб, бир-бирини озиклантирувчи ҳуқуқий нигилизмга ҳам, ҳуқуқий идеализмга ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий нохуш кўриниши сифатида қараш лозим. Ҳар иккала ҳолатларда ҳам: биринчидан, қонунлар назар-писанд қилинмайди, очик ойдин бузилади, ижро этилмайди, кадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди; иккинчидан, аксинча, қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўжизакор ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни бартараф этмасдан туриб ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқий нигилизмдан фарқ қилган ҳолда, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрнига юқори баҳо беради. Бу икки ҳодисанинг ҳам озикланидиган манбаси битта ҳуқуқий жоҳиллик, ҳуқуқий онг хасталиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг заифлиги. Шу боис, ушбу икки ҳодисанинг бир медалнинг икки томони дейиш мумкин [6]. Қонунларнинг кучсизлиги, уларнинг ҳаётий эмаслиги аҳоли орасида унга ишончсизликни, лоқайдликни шакллантириши мумкин. Қонунга лоқайдлик эса, аста-секин ҳокимиятга лоқайдликка олиб келади. Шундай қилиб, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги ва умумий ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалардир.

Муҳими мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни кенг қўламда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш керакки, токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши лозим. Ушбу вазифанинг самарали амалга ошиши кўп омиллар – давлат ҳокимияти органларининг керакли шарт-шароит яратувчи ташаббускор фаолиятидан тортиб, то мустақил Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг демократик ислохотларда фаол қатнашиш истагига боғлиқдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг маънавий-ҳуқуқий асосларини теран шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини юксалтириш, замонавий маърифий ҳуқуқий маданиятни қарор топтиришнинг муҳим аҳамиятга эгалиги мазкур масалаларни ўрганишга сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлашда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, аҳоли, айниқса ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмунини ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш масалалари жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон
2. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: ТДЮИ, 2007. Б.491
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони” Халқ сўзи газетаси 2019 йил 10 январь.
4. Теория государства и права. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. –М.: Юрист, 1997. –С.585
5. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т.: Адолат, 2009. Б-652.
6. Теория государства и права. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. –М.: Юрист, 1997. –С.585

Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилишда ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмнинг салбий таъсири
Утемурастов М.А. Тошкент архитектура қурилиш институти

Резюме: Мақолада бугунги кунда норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш борасида ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмнинг таъсири масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалар эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий идеализм, норма ижодкорлиги, модернизация, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Негативное влияние правового нигилизма и правового идеализма в модернизации процесса нормального творчества
Утемурастов М.А. Ташкентский архитектурно-строительный институт

Резюме: В этой статье рассматривается вопрос о влиянии правового нигилизма и правового идеализма на модернизацию нормотворческого процесса, обеспечение неукоснительного исполнения законодательства на сегодняшний день. А также о том как правовой нигилизм и правовой идеализм, которые подпитывают друг друга, как общее неблагоприятное явление правовой неграмотности.

Ключевые слова: Правовой нигилизм, правовой идеализм, норма творчество, модернизация, правовое сознание, правовая культура.

Negative influence of legal nihilism and legal idealism in the modernization of the process of normal creativity

Utemuratov M.A. Tashkent institute of architecture and construction

Summary: This article discusses the issue of the influence of legal nihilism and legal idealism on the modernization of the rule-making process, ensuring the strict implementation of legislation today. And also about how legal nihilism and legal idealism, which feed each other, as a common adverse phenomenon of legal illiteracy.

Keywords: legal nihilism, legal idealism, creativity norm, modernization, legal consciousness, legal culture.

СТАНОВЛЕНИЕ АРМЯНСКОЙ ДИАСПОРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ, И ЕЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

Далакьян Ж.С.

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Исторический процесс интеграции армянской диаспоры, это длительный политический и, в частности, экономический процесс. Интегрируя, в какое-либо государство, диаспора проявляется во всех аспектах жизни деятельности общества. Исследуя роль и место армянской диаспоры в Узбекистане, можно будет увидеть ее влияние на социально-экономическое влияние страны.

В ходе исследования данной темы, широко применялся общенаучный метод - контент-анализ. Этот метод позволил рассмотреть сущность и характерные особенности понятия диаспора, определить роль этнических групп в политической системе Республики Узбекистан на основании изученной нормативно-правовой базы и ежегодных отчетов, на примере истории становления армянской диаспоры в Узбекистане.

Исторические источники дают сведения о существовании в Среднеазиатском регионе армянской диаспоры еще в III-IV вв. искорее всего это связано с распространением христианства. Так как преследуемые Римской империей армяне как сторонники новой религии двинулись на Восток в Иран, Среднюю Азию и Восточный Туркестан. Находясь в политической зависимости от Ирана, Армения одна из первых приняла христианство в качестве официальной религии. По результатам нашего исследования, можно заметить, что распространение христианства в Средней Азии связано не только с притеснениями людей новой веры в Иране и Византии, но и с торговлей на Великом шелковом пути. В составе миссионерских групп часто были купцы христиане, большинство из которых по своей национальности были армянами.

В середине XIX в. выходцы из Армении, главным образом мужчины, появились в Туркестане в ходе завоевания имперской Россией Средней Азии. Они переселялись из Западной Армении, Зангезура и Карабаха. Строительством железной дороги Красноводск-Самарканд способствовало активному освоению армянами центральных районов Туркестанского края. Имперские власти на первых порах поддерживали армян, стремившихся жить и работать в Средней Азии. Первыми посредниками между русскими и тюркоязычными жителями края были татары и башкиры, которых вскоре потеснили армяне, свободно владевшие турецким или персидским языком (так как историческая Армения в то время была поделена между этими азиатскими державами). И, что было немаловажно для российских властей, - армяне были христианами. Когда же поток переселенцев стал расти и армяне Кавказа, Турции и Ирана стали заселять города Зарафшанской и Ферганской долин, а также Ташкент, российская администрация приняла решение ограничить его. Это было вызвано опасением, что армянские купцы и предприниматели вытеснят русских из экономики Туркестанского края.

По данным статистики, в 1895 г. в Самаркандской области проживало 167 армян, из них в самом Самарканде 161 из которых 153 – мужчины [1; 5 стр.]. Если в первые годы после российского завоевания в Самаркандской, Ферганской областях проживало армян меньше, чем в других районах Средней Азии, то за десять лет, с 1902 по 1913 г., армянское население Ферганской области увеличилось на 2 130 чел. и составило 3 292 чел., из них в городах 1 602 чел., на селе 1 690 чел. [1; 5 стр.] Цифры показывают, что, несмотря на ввод ограничений со стороны царской администрации, число армянских переселенцев в Туркестанском крае продолжало расти. Естественно, расширялась и сфера их жизнедеятельности в городах: появились ремесленные мастерские и фабрики, винодельни, бани, гостиницы, доходные дома и рестораны, магазины, основанные ими. Немало армян находилось на государственной и военной службе.

С конца XIX века на территории нынешнего Узбекистана учреждаются армяно-григорианские приходские школы. Преподавание в них, за исключением Закона Божьего, строго предписывалось вести на русском языке. В начале XX века армянская диаспора становится все более устойчивой в хозяйственном отношении и ее благосостояние неуклонно растет.

В 1908 г. и в Ташкенте была построена армяно-григорианская церковь. А, в начале 20-х гг. XX в. в Туркестанской республике формируется Армянское Центральное бюро. При нем поэтапно было создано 13 школ, три дошкольных учреждения, клуб и три библиотеки [2; 5 стр.].

В советский период армянская диаспора Узбекистана еще более увеличилась, как за счет естественного прироста, так и в связи с миграцией отдельных семей и специальным переселением из Армении. В 1970-х гг.

только в крупных городах республики, таких как Ташкент, Самарканд, Коканд, Андижан, Бухара проживало более 50 тысяч армян. В настоящее время в Республике Узбекистан проживает 34,5 млн человек. [3; 1 стр.].

Этнические особенности населения Узбекистана не являются препятствием для межнационального согласия и внутригосударственной и национальной интеграции. Руководство Узбекистана находит преимущественный подход в национальной политике, чтобы поддержать дух гармонии между различными этническими общностями независимо от их численности. Эта целевая, хорошо продуманная национальная политика способствует развитию процесса активизации передовых социальных слоев неузбекского населения, рождению и формированию у представителей всех народов Узбекистана сознания общегосударственного национально-политического единства, чувства патриотизма и гордости за свою страну. Армянские церкви в Самарканде и Ташкенте стали очагами духовности, в сотрудничестве с которыми центр празднует Рождество, Пасху, старинные традиционные праздники Тэарндарач, Вардавар, Освящения винограда и День Святых переводчиков.

В 1989 году в Ташкенте появился первый в Республике Узбекистан армянский культурный центр, поставивший целью изучение и передачу подрастающему поколению многовекового культурного наследия своего народа. Созданные позже армянские центры, в их числе в Самарканде и Андижане, в 2001 году объединились с ним в Армянский национальный культурный центр Узбекистана, что стало наглядным подтверждением динамично проводимой в республике политики поддержания и развития духовных потребностей ее граждан. Здесь успешно реализуют социальную, молодежную, межнациональную и культурную программы. С 1993 года при центре открыт и успешно действует лингвистический кружок, где все желающие обучаются основам языка и 1600-летней письменности армянского народа. При Армянском центре действуют студии изобразительного и прикладного искусства «Арвест», танцевального — «Эребуни», драматического — «Дар». Спортивная секция центра инициировала проведение турнира по мини-футболу среди национальных культурных центров, а команда «Апага» трижды становилась чемпионом.

Сборная КВН центра «Ташкентские армяне» прославилась как чемпион высшей лиги КВН Узбекистана. С 2006 года выходит журнал узбекистанских армян «Депи Апага» («К будущему») [4.].

Его идейным вдохновителем стал Шарль Азнавур, в качестве почетного гостя международного фестиваля «Шарк тароналари», встречавшийся с армянской общиной Узбекистана. На примере жизненного пути своих выдающихся соотечественников - народной артистки Тамары Ханум (1906–1991), музыкального деятеля Ашота Петросянца (1910–1978), народных художников Узбекистана Варшама Еремяна (1897–1963), Оганеса Татевосяна (1889–1974), Николая Карахана (1900–1970), руководителей крупных производств Узбекистана, в числе которых Александр Мелкумов. В центре учат патриотизму, любви к своему народу и развитию собственной личности. Поддержание народных традиций - прекрасная в своей величавой мудрости школа, способствующая развитию духовных ценностей.

По состоянию на 2020 год армянская диаспора в Республике Узбекистан насчитывает более 42 359 тысяч человек [3; 5 стр.]. В Узбекистане ведут свою деятельность ряд общественных объединений армянской диаспоры.

Функционирование этих организаций, в основном, направлена на разного характера помощь представителям армянской диаспоры, как юридическую, так и моральную, сосредоточена вокруг изучения и распространения армянской культуры и языка.

В ходе исследования определены следующие основные задачи армянской диаспоры в Узбекистане: укрепление региональных армянских диаспор через формирование институтов сотрудничества с государственными органами власти городского, областного и регионального уровня; поддержка в получении образования и последующем трудоустройстве нуждающихся в этом представителей диаспоры, особенно молодежи; формирование требуемых условий, содействующих развитию региональных мультинациональных общественных организаций с целью солидарного сотрудничества; содействие интеграции представителей диаспоры в общественно-политическую жизнь Республики Узбекистан.

Армяне внесли заметный вклад в развитие экономики, искусства, культуры и просвещения Республики Узбекистан. Имена наиболее известных представителей этого народа навсегда вошли в историю Узбекистана. Среди них - известная танцовщица Тамара Ханум, народные художники Узбекистана В.Еремян, О.Татевосян, Н.Карахан, Р.Агбальян, Р.Аванян, музыкальный деятель А.Петросянец, который в 1938 году создал Узбекский оркестр реконструированных народных инструментов, музыковед Т. Головянец, Г. Урекелянц - журналист и писатель, соавтор гимна СССР, учёный-кристалловед Х. Багдасаров, доктор физико-математических наук, профессор, А. Григорян - боксёр, чемпион мира, В. Абрамов - бывший футболист, а ныне главный тренер сборной Узбекистана.

Полученные результаты исследования могут быть использованы для дальнейшего теоретического изучения и определения места и значения диаспор в политической системе современного общества. Сформулированные положения и выводы проведённого исследования могут быть применимы в учебном и научно-исследовательском процессе.

В Узбекистане, древней жемчужине Востока, веками формировался баланс межнационального согласия. Сегодня здесь, наряду с узбеками, проживают представители более 120 других наций и народностей. И всем им, гражданам Республики Узбекистан, Конституцией страны гарантированы равные права, свободы и недопустимость преследования. Демонстрируется уважительное и равноправное отношение к религиозным

чувствам верующих любых конфессий. Здесь, в Узбекистане XXI века, придерживающемся демократических принципов устройства, нет проблем, связанных с дискриминацией на национальной и религиозной почве. Народ Узбекистана, твердо следуя по соответствующему внутренним реалиям пути развития, посредством диалога культур, добился вполне примечательных успехов. Армяне Узбекистана, проживающие в диаспоре, вдали от своей исторической родины, имеют все необходимые условия для поддержания и дальнейшего развития своей Общины, удовлетворения всех ее запросов. Познавая свою страну, мы познаем себя. Ведь у нас за спиной долгая многовековая история с множеством эпизодов, достойных почитания. Так, истоки дружеских контактов между узбеками и армянами уходят в далекое прошлое. В древности, благодаря Великому Шелковому пути, контакты наших народов способствовали взаимообогащению. В наших характерах - много общих черт, в частности, радушие, гостеприимство и взаимное доверие, но много и различий. И, это замечательно. Ведь общаясь, мы познаем друг друга, определяем для себя истинные ценности, что помогает нам постичь самих себя и приблизить нас к своим корням.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Германов В.Л. Арманлар (Этнические меньшинства. Армяне) Этнический атлас Узбекистана. Совместное издание «ИООФС — Узбекистан» и ЛИА Р. Элинина, 2002 г. 5 стр.
2. Григорьянц А. А. Армяне в Средней Азии (вторая половина XIX в.). —Ереван: Изд-во АН Армянской ССР, 1984.
3. Демографическая ситуация. Statistika qo'mitasi. 2020 г.
4. Армянский Национальный Культурный Центр Узбекистана. Golden Pages - Uzbekistan.

Резюме. В данной статье раскрывается результат в области изучения истории национальных этнических групп, проживающих в нашей стране, на примере изучения истории формирования армянской диаспоры. Актуальность темы исследования состоит в том, что в современном мире возросла роль диаспоры в функционировании страны, где она проживает и ее исторической родины. Природа миграционных процессов берет свое начало из древнейших времен и связана с различными социальными, экономическими и религиозными факторами. Результатом масштабного роста миграционных потоков становится образование диаспор.

Summary. This article reveals the results in the study of the history of national ethnic groups living in our country. An example of this is the study of the history of the formation of the Armenian diaspora. The relevance of the research topic lies in the fact that in the modern world the role of the diaspora in the functioning of the country where it lives and its historical homeland has increased. The nature of migration processes originates from ancient times and is associated with various social, economic, and religious factors. The results of the large-scale growth of migration flows is the formation of diasporas.

Резюме. Ушбу мақола Арман диаспорасининг шаклланиш тарихини ўрганиш мисолида мамлакатимизда яшовчи миллий этник гуруҳлар тарихини ўрганиш соҳасидаги натижалар очиқ берилади. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундан иборатки, замонавий дунёда диаспоранинг ўзи яшайдиган мамлакат ва унинг тарихий ватани фаолиятидаги ролини ошиб боришидир. Миграция жараёнининг асоси қадимги даврга бориб тақалиади ва турли ижтимоий, иқтисодий ва диний омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Миграция оқимларининг кенг миқёсда ўсиб бориши сабабларидан бири бу диаспораларнинг шаклланиши жараёнидир.

Ключевые слова: диаспора, переселение, армяне, родина, религия, источники, миссионерство.

БУГУНГИ ЁШЛАР ЭРТАНГИ КЕЛАЖАК

Буранова Н. А.

Тошкент Архитектура қурилиш институти

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб ўзининг демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини аниқ белгилаб олди. Сўнги йиллар ичида мамлакатимизда маънавиятимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни бойитиш ҳамда дунё ҳамжамиятига таништириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Бу ҳақда сўз борар экан, энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, жамиятимиз ҳаётида юз берган туб ўзгаришларни, мамлакатимиз эришган беқиёс ютуқ ва марраларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг раҳнамолигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маълумки, истиқлол шарофати туфайли ўзбек халқининг мустабид тузум даврида коммунистик мафкура томонидан таҳқирланган бой маданий, тарихий мероси, маънавий қадриятлари тикланди. Юртимиз ўз қадимий маданиятига, қадриятларига эга ўлкадир. Халқимизнинг авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган ниҳоятда қадимий ва бой маънавий-маданий мероси бугунги кунда дунё ҳамжамиятини мамлакатимизга тобора жалб қилмоқда. Бу борада биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлагани каби: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”[1].

Дарҳақиқат, юртимиз ҳудудидаги ёши Рим ва Бобилга тенгдош Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларимиз ва уларда ҳозирги кунгача сақланиб келинаётган тарихий-маданий ёдгорликлар билан фахрлансак арзийди. Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи “Буюк ипак йўли”нинг айна марказида жойлашган Ўзбекистон ҳудудида турли даврлар ва цивилизацияга хос минглаб меъморий ва тарихий-маданий

мерос сақланиб қолган бўлиб, уларнинг кўпи ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига олинган. Ҳозирги кунда уларнинг тахминан 4 мингтаси мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган сайёҳлик йўналишлари тизимида киритилган. Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо мероснинг таркибий қисми бўлган обидаларни тиклаш, асраш чораларини кўриш ҳамда келгуси авлодга тўла-тўқис етказиб бериш йўлида ўлкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Мана шу йиллар давомида, биринчи навбатда, халқимизнинг миллий қадриятлари қайтарилди. Бой маънавий-маданий меросимиз, жумладан, Имом Бухорий, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Ҳаким ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний каби дунёда машҳур алломаларимизнинг маънавий ҳазинасидан баҳраманд бўлиш имконияти туғилди, Наврўз деб аталмиш халқимизнинг сеvimли миллий байрами тикланди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрамлари сифатида нишонланмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, Ислом динининг жамиятда тарбиявий мавқеи эътироф этилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби дунёга довруғи кетган қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари тантанали ўтказилди, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. Юксак дид билан таъмирланиб олдинги ҳолатига келтирилган бир қанча масжиду мадраса, минора-ю сардобалар, бошқа тарихий обида ва маданий объектлар юртимизга ташриф буюрувчи барча меҳмонларни ўзига жалб этиб келмоқда. Айнан истиқлол йилларида тарихий-маданий меросга муносабат фалсафасининг яхлит концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция юртимиз тарихига миллий меросимизга бўлган эътиборни шакллантиришга, ёш авлодни тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ва ёшларимизда ватанпарварлик, бунёдкорлик ҳисларини кучайтиришга йўналтирилганлиги, ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини умумбашарий аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Биринчи президент И.Каримов томонидан миллий-маданий меросга муносабат борасида илгари сурилган чуқур фалсафий моҳиятга эга концептуал ғоялар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши мустақиллик йилларида ёшлар маънавий ҳаёти тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, бой тарихий-маданий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгу шуурида миллий қадриятларнинг чуқур сингдирилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда бу ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, жисмоний, маънавий ва руҳий чиниқтириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “...биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилинаётган бу ишларимизни кимгадир намоён қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажакимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин”[2], деган фикрларини эслаш жоиз.

Истиқлол шарофати туфайли интеллектуал салоҳиятга эга, юксак маънавиятли кўпгина ўзбек ёшлари дунёнинг кўплаб давлатларида бўлиб фан, таълим, спорт, тадбиркорлик каби қатор соҳаларда юртимиз обрўсини юксакларга кўтариб, ўзбек фарзандлари нималарга қодир эканлигини кўрсатган ҳолда бутун дунё ҳамжамиятини лол қолдириб келмоқдалар. Ҳар йили кимё фани бўйича ўтказилаётган халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз иқтидорли ўсмир-ёшларининг мунтазам равишда фаол иштироки ва уларнинг совриндорлар қаторида бўлиши, спорт соҳасида Мексика ва Туркия давлатларида футбол бўйича бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёшларимизнинг ажойиб иштироки, футбол бўйича Осиё биринчилигида ўсмирларимиз китъа чемпионлари бўлиши, 2016 йилнинг ёзида Бразилия давлатида ўтказилган ёзги олимпиада ва паралимпиада ўйинларида спортчиларимизнинг ажойиб иштироклари ва совриндорлар қаторида бўлиши, санъат соҳасида халқаро саҳналарда ёшларимизнинг фаол иштироки ва совринли ўринларда доимий равишда бўлиб келиши қолаверса, мамлакатимиз фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда халқаро мусобақалар ва тадбирларга мезбонлик қилиши шулар жумласидандир.

“Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмийнинг бир ҳикмати бор: “Сўз – гул, иш – мева”. Ўйлайманки, бугун белгилаб оладиган режаларингиз қанчалик пишиқ-пuxта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради, – деди Шавкат Мирзиёев. – Сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод сифатида юртимиз ўтмишда жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини яхши биласиз. Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда”. [3]

Дарҳақиқат, жамият маънавияти фалсафаси – мамлакат тараққиётининг муҳим шarti ва қафолатидир. Шу нарса ҳақиқатки, ҳеч бир мамлакат ўз маънавий қадриятларига, имкониятларига таянмай, одамлар онги, тафаккурида маънавий ва ахлоқий анъаналарни ривожлантирмай юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайдди. Ёшларни тўғри тарбиялашда имон-этиқод ва она Ватанга бўлган садоқатни улар онг-шуурига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг ахлоқий мезонлари қадриятлари ўтмиш маънавий-маданий мероси билан боғлиқ. Халқнинг ахлоқий тафаккури, миллий қадриятлари ва урф-одатлари, маданий мероси пировард натижада турмушининг фалсафий тафаккури миллат учун, унинг обрўси ва истиқболи учун хизмат қилсагина бошқаларда эҳтиром ва ҳавас туйғуларини уйғотади, ана шундагина миллат ўз ўтмишини, ўзлигини, қадриятларини, урф-одатларини унутмайди. Шу боисдан ҳам маънавий-маданий қадриятлар шахснинг олға ҳаракатида муҳим омил бўлиб, унинг фаолиятида бошқарувчи ва боғловчи вазифаларини бажаради.

Келажакка муносиб бўлган маънавий жиҳатдан етук ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу ўринда Ислон Каримовнинг куйидаги фикрлари беихтиёр ёдга тушади: “Маънавий соҳасидаги ишларимизнинг пировард мақсади – имон-этикоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат” [4, 25]. Бу фикрларни жамиятга, ҳаётга татбиқ этишда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. “Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширамиз. Ишончим комилки, бундай имконият ва имтиёзларга аввало янги Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари сазовор бўлади, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари” [5].

Буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросни, мардлик ва жасорат туйғуларига асосланган фалсафий тафаккуримизни аллақандай “оммавий маданият”га алмаштирмасликка барчамиз бирдек масъулмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикамызда олиб борилаётган ислохотлар орқали биз ўз олдимишга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш масаласини қўяр эканмиз, шаклланиб келаётган янги авлод ҳаётида тарихий-маданий меросга муносабатни яхлит фалсафий тафаккур даражасида самарали ривожлантириш вазифасига янада жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 29-30 Б.
2. Ўзбекистон овози. 2007, 24 феврал.
3. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-yoshlari-forumida-yoshlar-uchun-muhim-bir-yangilikni-etkazdi>
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000, - 25
5. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-yoshlari-forumida-yoshlar-uchun-muhim-bir-yangilikni-etkazdi>

Резюме: В данной статье идёт речь о достигнутых успехах в духовной и культурной сфере за годы независимости и о роли его в воспитании молодого поколения.

Ключевые слова: воспитания, гордость, наследие, духовность, массовая культура, ценность, гражданское общество.

Summary: In this article there is a speech about the achieved success in the spiritual and cultural sphere in the years of independence about a role of it in the upbringing of the younger generation.

Keywords: education, pride, heritage, spirituality, mass culture, value, civil society.

Резюме: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида маънавий-маданий соҳада эришилган ютуқлар ва уларнинг ёш авлод тарбиясидаги роли тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тарбия, ғурур, мерос, маънавият, оммавий маданият, қадрият, фуқаролик жамияти.

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Рашидова М.К.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. [1; 83-б]. Бугунги кунда ҳар бир ёшни баркамол инсон бўлиб тарбиялаш давр талаби эканлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Давлатимиз қонунларида ёш авлодни ахлоқий-эстетик камолотини таъминлашда, унинг баркамол бўлиб ўсишида энг асосий аҳамиятга эга бўлган бўғинларни қамраб олиб, фарзанд тарбиясида ота-она ва устоз муаллимга энг асосий вазифаларни юклайди. Зеро, В.Гюго таъбири билан айтганда: “Инсоннинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди: ягона ўлчов, унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир”.

Буюк алломаларимизнинг ҳаёти, илми ва тафаккурига бекиёс таъсир кўрсатган ва улар ҳаётининг асосий қонунияти бўлиб қолган муқаддас ислон динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклигини, инсонпарварлиги ва бағрикенглигини, одамзотни доимо эзгуликка чорлашини англаган ҳолда ёш авлодга тушунтириш ва қўникмалар бериш тарбияда кўзланган мақсадга эришишдаги асосий воситалардандир. Аллома Демокрит айтганидек, “Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса тарбиядир”. Шу боис ёш авлодни миллий урф-одатлар, миллий қадриятлар, ахлоқий фазилатлар, эстетик омиллар ва воситалар асосида тарбиялаш назариясини яратиш, бойитиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларнинг давомий ва барқарор ривожланишига хизмат қилади. Маълумки, эстетик тарбия инсон онгига, ҳис-

туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, ҳатти-ҳаракатларига, хулқ-атвориға таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди. Ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимизда ёш авлод эстетик тарбиясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эстетик тарбия инсонда бунёдкорлик ва яратувчанликдан завқланиш, қизиқиш туйғусини уйғотишни назарда тутати. У инсонни янгилик ва замонавийликка ундайди, фаолиятни нафосат тамойиллари, гўзаллик талаблари асосида ривожлантиришга ўргатади. Шу боис бугунги кунда эстетик тарбиянинг бош мақсади - шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг эстетик диди ва эстетик дунёқарашини бойитишдан иборатдир.

Эстетик тарбиянинг талаба тақдиридаги аҳамияти, нафақат уни ўз-ўзини англашга, шу билан бирга табиат ва инсоният жамиятини эстетик ҳис қилишининг такомиллашиб боришига ҳам ижобий таъсир этади.

Қолаверса, бугунги эстетик тарбия ёш авлоднинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади.

Фаробий инсон ақлининг яратувчанлик қудрати ҳақида: <<Барча ҳайвонлардан инсон ўз алоҳида хоссалари билан фарқ қилади, чунки унда жон бор, ана шу жондан куч пайдо бўлиб бу куч тан аъзолари воситаси билан ҳаракат қилади, бу куч ақлдор. Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват, руҳий куч билан боғлиқдир>>, деб ёзган бўлса, Фома Аквинский: <<Ақл-иродадан устун туради. Биз ақлимиз яхши деб ҳисоблаган ишни қиламиз, ақлимиз кўрсатган мақсадлар сари интиламиз>>, деб таъкидлайди. Зеро, тарбиянинг шаклланиши ва ривожланиши билан инсон қиёфаси ва унинг турмуш тарзи кўпроқ ижтимоий ҳарактерга эга бўла бошлайди. Бунда инсоний эстетик ҳислат, фазилатларнинг тобора ижтимоийлашуви, унинг таркибий қисми-тарбиянинг роли ортиб боришини кузатиш мумкин.

Умуман тарбиянинг, хусусан эстетик тарбиянинг ўзига хос хусусияти тўғрисида Абдулла Авлоний: <<Тарбия-педагогика>>, яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия... боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдирмоқдир. Тарбия қилувчилар табиб кабудур, табиб ҳастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига <<яхши хулқ>> деган давони ичидан, <<поклик>> деган давони устулдан берур, катта қилмоғи лозимдур>>.

Инсон маънавий қиёфаси ҳақида маълум даражада концепциялар, гипотезалар яратилди. Инсон ҳамиша ўзининг эстетик моҳиятини мукаммаллаштириб боради. Олимлар инсоннинг маънавий-эстетик дунёси, ижтимоий қиёфаси, жисмоний камолоти ҳамда руҳий ҳолати ҳақида фикр-мулоҳазаларни илгари сурганлар. Инсоншунос тадқиқотчиларнинг тарбия соҳасида барча фанлар ютуқларидан, айниқса эстетиканинг ютуқларидан самарали фойдаланиши лозимлиги ҳақидаги хулосаларини ҳаётининг ўзи такозо этмоқда. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар, энг аввало, олам билан одам орасида ўзаро алоқадорлик механизмининг эстетик моҳиятини, бошқа махлуқотлардан туб ижтимоий сифатий фарқини акс эттирувчи хусусияти, хоссаларини янада теранроқ ўрганишини кун тартибига қўймоқда. Одамнинг шахс даражасига кўтарилиш жараёни, унинг табиий-ижтимоий моҳияти, маънавий-эстетик борлиги шаклланишида тарбиянинг ўрнини очиб бериш ҳозирги таълим-тарбия тизимининг асосий йўналишига айланмоқда.

Ҳозирги замон фанларида “одам” деб аталувчи биологик турга мансуб бўлган тирик мавжудотнинг ижтимоий сифат ва фазилатларига эга бўлган одамга айланиши узок давом этган эволюцион жараённинг маҳсули эканлиги ёритилмоқда. Инсон тўртта йирик қудрат: *тана-тарбия-руҳият-маънавият* йиғиндисидир. Аниқроқ қилиб айтганимизда, инсон биосоциал мавжудотдир. Инсоннинг маънавий руҳий ҳолати ҳақида фикр мулоҳаза юритганда, энг аввало ҳис-туйғулари, кайфияти, характери, иродаси, темпераменти тушунилади. Инсоннинг маънавий ҳолатида жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар, айниқса, жамиятда мавжуд бўлган барча ижтимоий институтлар амалга оширган тарбиявий-мафкуравий таъсир натижасида шаклланган фазилатлар, ҳислатлар, одатлар, қобилиятлар, малакаларининг йиғиндиси тушунилади.

Маънавий баркамол, комил инсон эса ўзида барча ижобий фазилатлар билан бирга эстетик жиҳатларни ҳам намоён этиши лозим. Мустақил Республикамизда эстетик тарбиянинг манбаи адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарларини яратилиши ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Тарбиянинг талаба тақдиридаги аҳамияти, нафақат уни ўз-ўзини англашга, шу билан бирга табиат ва инсоният жамиятини эстетик ҳис қилишининг такомиллашиб боришига ҳам ижобий таъсир этади. Қолаверса, бугунги эстетик тарбия ёш авлоднинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади.

Хуллас, талабалар эстетик тарбиясини шакллантиришнинг бир қатор мезонлари “ОТМ одоб-ахлоқ қоидаларида” ўз аксини топган. Аммо мазкур қоидалар тўпламида алоҳида “Эстетик мезонлар бўлими шакллантирилса янада яхши бўлар эди. Шунингдек, бўлимда эстетик тарбияни шакллантириш талабларига қуйидаги мезонлар асосида ёндашилса ёшлар дунёқарашининг шаклланишида янада яхши натижаларга эришилиши мумкин эди: эстетик тарбиянинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборатлиги, воқеликка бўлган инсон муносабатининг ҳар қандай кўриниши эстетик мазмундан ажралиб қолса, у асл инсоний моҳиятини йўқотиши; эстетик муносабат дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат воқеа-ҳодисларида, энг аввало жамият, инсоният, тараққиёт учун хизмат қиладиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларни кўра билиш қобилиятини тарбиялаши; инсон воқеликка бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам эстетик муносабатда бўлиши, эстетик ва ахлоқий тушунчалар инсон фаолиятини бошқариб туриши; ахлоқ ҳаёт санъатининг ҳам мағзини ташкил этиши, санъатда ахлоқий қоида ва ақидалар эстетик жиҳатдан қайта ишлаб чиқилиши: гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик,

фожиали ва кулгили каби эстетик тушунчалар сифатида идрок этилиши; миллий истиқлол ғоямизда таъкидланганидек, эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий этикоди бўлган инсонларгина бунёд эта олиши; маънавий баркамол, комил инсон ўзида барча ижобий фазилатлар билан бирга эстетик жиҳатларни ҳам намоён этиши ва бошқалар.

Эстетик тарбия ёш авлод томонидан билимларни эгаллаши, уларда эстетик маданиятни таркиб топтириш, воқеликка эстетик муносабатларни шакллантириш, эстетик ҳис-туйғуни ривожлантириш, ҳаёт гўзалликлари, ҳаёт ва меҳнатга мухаббатни тарбиялаш, эстетик идеални шакллантириш, ҳамда ҳаётий фаолиятни ташкил этишда эстетик қонуниятларига риоя этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Эстетик билимнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, улар орасида энг долзарби сайёрамизда нафосатга асосланган эстетосфера муҳитини яратиш билан боғлиқ. Чунки техногенцивилизация даврида техника, технология, умуман ноосфера инсоннинг яшаш муҳитига айланиб қолган. Бинобарин, инсониятнинг табиий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари кенгайиб бораётган бир даврда уларнинг эстетик муҳитга эҳтиёжлари ортиб бормоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ахлоқий, эстетик ва мантиқий тафаккурни янгилаш ва бойитишни тақозо этади. Хусусан, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлигини ахлоқий ва эстетик маданиятдан, мантиқий тафаккур ва мушоҳададан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу мақсадга эришиш учун бўлажак мутахассис ёки давлат хизматчиси аввало ахлоқий кўникма, эстетик билим ва мантиқий мушоҳадага эга бўлиши зарур. Қолаверса, эстетика фани доирасида ўзлаштирилаётган билимлар умуман шарқликларга, хусусан халқимизга бегона эмас. Зеро, бу илмсиз ўзбек халқи тафаккури, дунёқараши, кадрияти, маданияти, бир сўз билан айтганда, унинг буюклигини англаш мумкин эмас.

Инсон ижтимоий-эстетик моҳиятини белгиловчи, унинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи генератор вазифасини маънавий дунёси ва тарбия тизими бажаради. Шунинг учун ҳам инсон ижтимоий-эстетик қиёфасини характерловчи энг муҳим кўрсаткич, нафақат маънавий маданиятини шакллантирувчи ижтимоий муҳит, балки тарбия тизими ҳамдир. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, инсоннинг маънавий-эстетик қиёфасини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий муҳит ва тарбия жараёнининг уйғунлиги ташкил қилади.

Ҳозирги замоннинг турли анропологик, этногарфик ва социологик таълимотлари инсон фаолиятини нормага солиб турган, уни ягона мақсад томон йўналтирган буюк омил- тафаккур ва эстетик тарбия эканлигини таъкидламоқда. Агар маънавият, маданият инсоннинг инсоний табиатини белгиловчи восита бўлса, эстетик тарбия эса, уни мукаммалликка етакловчи, онги билан фаолияти бирлигини таъминловчи энг буюк маънавий ҳодисадир.

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади.

Ана шундай ёруғ келажакни, авваламбор, сиздек азм-у шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади.[1; 83-6]

Ҳозирда эстетик билимлар доираси шу қадар кенгайиб бормоқдаки, у деярли барча соҳаларда масалан, соғлиқни сақлаш тизимида – тиббиёт эстетикаси, экология соҳасида – экологик эстетика, техникавий тараққиёт соҳасида – техника эстетикаси (дизайн)нинг юзага келгани шулар жумласидандир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари Т.2019.836.
2. Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). /Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 3.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.–Т.:Янги аср авлоди, 2016.
4. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
5. У.Махкамов. Ахлоқ-одоб сабоклари.Тошкент: Фан, 1994й.

Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда эстетик тарбиянинг аҳамияти

Резюме. Ушбу мақолада инсоннинг маънавий-эстетик қиёфасини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий муҳит ва тарбия жараёнининг уйғунлиги ташкил этиши кўрсатилган. Шунингдек бугунги эстетик тарбия ёш авлоднинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини камраб олади

Калит сўзлар : Маънавият, ахлоқ, эстетика, дунёвий, ижтимоий-эстетик, кадрият, инсонпарварлик, умуминсоний кадрият, маданият, ватанпарварлик, эстетик тарбия.

Важность эстетического образования в формировании молодежи во всем мире

Резюме. В статье показано, что формирование духовно-эстетического образа человека - это сочетание социально-политической среды и образовательного процесса. Также сегодняшнее эстетическое воспитание в процессе формирования эстетического сознания подрастающего поколения включает в себя задачи воспитания его в моральном, трудовом и экологическом плане.

Ключевые слова: духовность, мораль, эстетика, светское, социально-эстетическое, ценность, человечность, общечеловеческая ценность, культура, патриотизм, эстетическое воспитание.

The importance of aesthetic education in forming the youth worldwide

Summary. This article shows that the formation of the spiritual and aesthetic image of human is a combination of socio-political environment and educational process. Also, today's aesthetic education in the process of forming the aesthetic consciousness of the young generation includes the tasks of educating it morally, labor, and ecologically.

Key words: Spirituality, morality, aesthetics, secular, socio-aesthetic, value, humanity, universal value, culture, patriotism, aesthetic education.

Интернет сайтлари

1. [www. Ziyo net.uz](http://www.Ziyo.net.uz)
2. www.faylasuf.uz
3. Эстетика .Вчера .Сегодня. Всегда (www/iph.ras.ru.page52361758.htm)

Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда эстетик тарбиянинг аҳамияти

Резюме. Ушбу мақолада инсоннинг маънавий-эстетик қиёфасини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий муҳит ва тарбия жараёнининг уйғунлиги ташкил этиши кўрсатилган. Шунингдек бугунги эстетик тарбия ёш авлоднинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади

Калит сўзлар : Маънавият, ахлоқ, эстетика, дунёвий, ижтимоий-эстетик, кадрият, инсонпарварлик, умуминсоний кадрият, маданият, ватанпарварлик, эстетик тарбия.

Важность эстетического образования в формировании молодежи во всем мире

Резюме. В статье показано, что формирование духовно-эстетического образа человека - это сочетание социально-политической среды и образовательного процесса. Также сегодняшнее эстетическое воспитание в процессе формирования эстетического сознания подрастающего поколения включает в себя задачи воспитания его в моральном, трудовом и экологическом плане.

Ключевые слова: духовность, мораль, эстетика, светское, социально-эстетическое, ценность, человечность, общечеловеческая ценность, культура, патриотизм, эстетическое воспитание.

The importance of aesthetic education in forming the youth worldwide

Summary. This article shows that the formation of the spiritual and aesthetic image of human is a combination of socio-political environment and educational process. Also, today's aesthetic education in the process of forming the aesthetic consciousness of the young generation includes the tasks of educating it morally, labor, and ecologically.

Key words: Spirituality, morality, aesthetics, secular, socio-aesthetic, value, humanity, universal value, culture, patriotism, aesthetic education.

Интернет сайтлари

1. www. Ziyo net.uz
2. www.faylasuf.uz
3. Эстетика .Вчера .Сегодня. Всегда (www/iph.ras.ru.page52361758.htm)

LOGOTERAPIYANING ISLOMIY SHAKLI

Xakimova M. S.

O'ZXIA stajor-tadqiqotchisi

Hayot vazifalarni ihtiyo qilmaydi, balki aniqlaydi. Chunki har bir insonda ichki kuzatuv yoki hissiyot, vijdon mavjud bo'lib, u o'ziga xos xususiyatlarni anglash imkonini beradi. Franklning so'zlari bilan aytganda, "Hayotda hammaning o'ziga hos muayyan vazifasi yoki topshirig'i bo'ladi. Ya'ni bir odam boshqa bir odamning o'rmini bosa olmaydi yoki boshqa birovning hayotida yashay olmaydi. Bundan kelib chiqadiki, har bir insonning ma'lum vazifani bajara olish imkoniyati ham, xuddi vazifasi kabi yagonadir.

Hayot ma'nosi- ich-ichidan, qalb to'ridan keladi. Bu borada Frankl shunday deydi: "Umuman olganda, inson hayotining ma'nosi nimadan iboratligini boshqalardan so'ramasligi kerak. Aksincha, ushbu savol o'ziga berilishini anglashi lozim. Boshqacha qilib aytganda, hayot har bir shaxsning oldiga shu savolni qo'yadi va inson unga faqat o'z hayoti bilan javob berishi mumkin. Savolga javob berish uchun kishi mas'uliyatli bo'lishi darkor" [1:146].

"Viktor Frankl nazariyalarining eng muhim tamoyillaridan biri bu hayot mazmuni. Ushbu psixologning fikriga ko'ra, odamlar o'zi va boshqalar uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olib, o'zining mavjudligidan maqsad topishlari mumkin. Boshqa tomondan, kundalik hayotda yuzaga keladigan muammolarga javob berish uchun "nima uchun" ni topish kerak.

Frankl o'zining terapiya uslubini yaratdi, u "logoterapiya" deb nomlandi. Bu insonning asosiy motivatsiyasi "ma'noga intilish" degan fikrga asoslangan, bu hayotdan ma'no topish zarurligini anglatadi. Shuning uchun uning asosiy terapevtik maqsadi odamlarga uni topishda yordam berish bo'lgan" [2:2]. Logoterapiya - mavjudlik ma'naolarini izlash va tahlil qilishga asoslangan ekzistensial psixoterapiya turlaridan biri hisoblanadi. Logoterapiya 20-asrning o'rtalarida Viktor Frankl tomonidan ishlab chiqilgan. Logoterapiya eng qiyin sharoitlarda ham topilishi mumkin bo'lgan inson erkinligiga, o'z qadriyatlarini izlash, hayotning mazmuni, azob-uqubatlarga paytida tanlash qobiliyati va maqsadga muvofiq harakat qilishni istashga katta e'tibor beradi.

Franklning fikricha, "Boshqa tomondan, logoterapiya, shuningdek, hayot uchun mazmun topishning turli usullarini tavsiflaydi. Frankl uchun bunga uch xil yo'l bilan erishish mumkin: ish yoki ishlarning o'zi, muayyan tajriba yoki munosabatlar orqali yoki oddiygina azob-uqubatlarga ijobiy munosabat orqali. Logoterapiya kontseptsiyasida aytilishicha, inson xatti-harakatining harakatlantiruvchi kuchi tashqi dunyoda mavjud bo'lgan hayotning ma'nosini topish va amalga oshirish istagidir. Frankl fikricha, ma'noga intilish insonda asosiy turtki beruvchi kuch bo'lib, odamlarni stressli holatdan chiqishiga, ma'noga intensiv intilishiga yordam beradi" [3:145].

1950-1960-yillarda Frankl keng tarqalgan hayot ma'nosining yo'qolishini qayd etadi. U keltirgan statistik ma'lumotlarga ko'ra, ruhiy tushkunlik, giyohvandlik, alkogolizm hayotning ma'nosini yo'qotgan shaxslarda ko'payadi, tajovuzkorlik ham kuchayadi. Frankl hayotda ma'no yo'qligini tajovuzning muhim sababi deb hisobladi. "Uning fikricha, ichkilikboz va giyohvandlar - bu hayotiy ma'noga ega bo'lmagan yoki uni yo'qotgan, ekzistensial bo'shliqni, ichki bo'shliqni, borliqning ma'nosizligini boshdan kechirgan odamlardir" [4:56].

"Frankl nuqtai nazaridan, ma'no sof sub'ektiv narsa emas - odam uni o'ylab topmaydi, balki uni o'z atrofida dunyoda topadi. Frankl inson o'z hayotini mazmunli qilishning uchta usulini nomlaydi:

1. Ijodkorlikka, mehnatga yetakchi rol berilgan faoliyat (maqsadsiz emas, balki jamiyatga hissa sifatida);
2. San'at asarlari, tabiat, sevgi tuyg'usi tajribasi haqida fikr yuritish imkonini beradigan tajriba;
3. Inson uning boshidan kechirgan iztirob va mahrumliklardan ma'no izlashi.

Frankl uchinchi yo'l azob-uqubatlarda ma'no topish yo'li, birinchi ikkitasi mavjud bo'lmagan taqdirdagina foydalanish kerakligini ta'kidlaydi" [5:60].

Logoterapiya ham, taklif qilinadigan psixoterapevtik yondashuvlardan biridir.

Har bir inson ma'no qidirishga harakat qiladi va individual javob beradi. Logoterapiyaning samaradorligi bo'yicha empirik tadqiqotlarning bir nechta sharhlari mavjud. Logoterapiya depressiya kabi alomatlarini kamaytiradi va hayotdagi ma'noni topishga bo'lgan intilishni ko'proq kuchayishiga sabab bo'ladi. Hayotdan maqsadni topish, uning mazmunini izlash, logoterapiya yondashuvidagi hayot bosqichlarining rivojlanish nazariyasi tomonidan qo'llab-quvvatlanishiga olib keladi. Hayotdan maqsad va ma'no topmaslik natijasida, ijtimoiy munosabatlarda omadsizlik va muvaffaqiyatsizliklarga duch kelinadi. Bu esa o'z navbatida depressiv kasallikning rivojlanishiga olib kelishi mumkin. Logoterapiya odatda ruhiy muammolarni qamrab oladi. Bular, diniy va ma'naviy muammolar hisoblanadi.

"Ma'naviyat — inson ruhiy va aqliy olamini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarini o'z ichiga oladi. Ma'naviyat atamasining asosida „ma'no“ so'zi yotadi. Ma'lumki, insonning tashqi va ichki olami mavjud. Tashqi olamiga uning bo'ybasti, ko'rinishi, kiyinishi, xatti-harakati va boshqa kiradi. Ichki olami esa uning yashashdan maqsadi, fikr yuritishi, orzu-istaklari, intilishlari, his-tuyg'ularini o'z ichiga oladi. Insonning ana shu ichki olami ma'naviyatdir. Oziq-ovqat odamga jismoniy quvvat bersa, ma'naviyat unga ruhiy ozuqa va qudrat bag'ishlaydi. Ma'naviyat ma'rifat va madaniyat bilan bog'liq. Ma'naviyat odamlarda tap-tayyor holda vujudga kelmaydi. Unga muttasil o'qish, o'rganish, tajriba orttirish orqaligina erishiladi. Ma'naviyat qanchalik boyib borsa, jamiyat va millat shunchalik ravnaq topadi" [6:14]. "Ma'naviyatli odam yashashdan maqsad nimaligini aniq biladi, umrini mazmunli o'tkazish yo'lini izlab topadi, muomala qilish madaniyatini egallaydi, har bir masalaga insof va adolat nuqtai nazaridan yondoshadi. Vijdon nima, yolg'on va rost nima, or-nomus nima, halol va harom nima — bularning hammasini bir-biridan ajrata oladi, hayotda yomonlikka boshlovchi xatti-harakatlardan voz kechadi, yaxshilikka boshlovchi amallarni bajaradi. Qisqasi, ma'naviyatda inson hayotining mazmuni aks etadi. Vatanni sevis, vatanparvarlik inson ma'naviyatini belgilovchi asosiy omillardan biridir. Ma'naviyat kamol topgan jamiyatlarda qobiliyat, iste'dod egalari shu jamiyatning, millatning yuzi, g'ururi, obro'-e'tibori hisoblanadi. Ma'naviyatli jamiyatda aql, sog'lom fikr, adolat va yaxshi xulq ustuvordir. Bunday jamiyatda xalqning ertangi kunga ishonchi kuchli bo'ladi, odamga nomunosib turli illatlar barham topadi. Millatning asrlar davomida shakllangan ildizlari, uning tarixiy tajribalari va ijtimoiymadaniy rivojlanishsiz ma'naviyatni tasavvur qilish qiyin" [7:36]. "Ma'naviyat — insonning, xalqning, jamiyatning, davlatning kuch-qudratidir. U yo'q joyda hech qachon baxt-saodat bo'lmaydi", degan edi O'zR Birinchi Prezidenti I. A. Karimov. Shu sababli O'zbekistonda ma'naviyatni yuksaltirish, xalqni ma'naviyatli qilish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Mustaqillik tufayli o'zbek xalqining ko'p asrlik boy tarixiy, ilmiy, madaniy va diniy merosini o'rganish, undan xalqning umumiy va bebaho mulki sifatida foydalanishga keng yo'l ochildi" [8:148]. "Ma'naviyatimiz „Avesto“ va zardushtiylik ta'limotidan boshlab hozirgi kungacha shakllanib, boyib, umuminsoniy qadriyatlar bilan yonma-yon rivojlanib bormoqda. O'zbekistonda ma'naviyat va ma'rifatni ko'tarish, targ'ib qilish, boyitish, aholining keng doirasiga yoyish maqsadida respublika „Ma'naviyat va ma'rifat“ markazi tashkil etilgan. Respublika ta'lim tizimida „Ma'naviyat asoslari“ fani o'qitiladi. Ma'naviyat sohasida ilmiy tadqiqotlar olib borilyapti" [9:89].

Hayotning ma'nosi, "ezgulik poydevori" da o'z aksini topadi. Ezgulik poydevori esa, yaxshilik ustiga qurilgan yaxshilik hisoblanadi. Diniy nuqtai-nazardan qaraganda, hayotning ma'nosini topish uchun Yaratgan tomonidan kamolotga erishish dasturi tayyor qilib ishlab chiqilgan. Ushbu dasturni diniy man'balar orqali topish maqsadga muvofiq. Diniy manbalardan shu narsa ayonki, yaxshi bo'lishga intilish, ma'naviyatga intilish demakdir. Yaxshilik-bunyotkor sistema bo'lib, ezgu urf-odat va an'analar, odob-axloq, muqaddas his-tuyg'ular, ota-ona, qadrdon uy, mahalla, Vatan va millat, ustoz, yoru do'st, milliy goya uning ustunlari hisoblanadi. Yaxshilikni saqlab qolish g'oyasi har bir inson qalbida aks etadi. "Alisher Navoiyning quyidagi satrlari fikrimiz dalilidir:

Navosiz ulusning navobaxshi bo'l,

Navoiy yomon bo'lsa, sen yaxshi bo'l.

Bu gulshan ichra yo'qdir baqo guliga sabot,

Ajab saodat erur, qolsa yaxshilik birla ot" [10:14]

Birinchi prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovning "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" kitobida xalqimiz ma'naviyatining asosini tashkil etadigan ana shunday ezgu fazilatlarining asrlar mobaynida qanday shakllanib borgani haqida atroflicha fikr yuritib, quyidagilar alohida ta'kidlanadi: "Xalqimizning turmush va tafakkur tarziga nazar tashlaydigan bo'lsak, boshqalarga hech o'hshamaydigan, ming yillar davomida shakllangan, nafaqat o'zaro muomila, balki hayotimizning uzviy bir qismi sifatida namoyon bo'ladigan bir qator o'ziga xos xususiyatlarni ko'ramiz. Misol

uchun, tilimizdagi mehr-oqibat, mehr-muhabbat, mehr-shafqat, qadr-qimmat degan, bir-birini chuqur ma'no-mazmun bilan boyitadigan va to'ldiradigan iboralarni olaylik. Qanchalik g'alati tuyulmasin, bu iboralarni boshqa tillarga aynan tarjima qilishning o'zi mushkul bir muammo"[11:8].

Yuqorida tilga olingan, Yaratgan tomonidan ishlab chiqilgan, kamolotga erishish dasturiga quyidagi tamoyillar kiradi: 1. "Beshta narsadan oldin beshta narsani g'animat biling: O'limdan avval tiriklikni, betoblikdan avval salomatlikni, bo'sh vaqtdan avval bandlikni, keksalikdan avval yoshlikni, faqirlikdan avval boylikni. 2. Avvalo onangga, yana onangga va yana onangga, so'ng esa otangga yaxshilik qil. Ota-onalarni keksalik vaqtida har ikkisini, yoki biri bo'lmaganda boshqasini rozi qilib jannatiy bo'lib olmagan farzand xor bo'lsin, xor bo'lsin va yana xor bo'lsin. 3. Pora beruvchi ham, uni oluvchi ham do'zaxga mahkumdur".

Hadisi muborakdan keltirilgan ushbu misralarning ma'naviy jihatlariga izoh berishning hech bir hojati yo'q. Inson tanasi uchun jon qanchalik muhim bo'lsa, uning ma'naviyati, ruhiyatining teranligi uchun ilm shunchalik ahamiyatli sanaladi. Inson ilm egallash yo'lidan yursa yuksaladi, aks holda tubanlikka, johillikka yuz tutadi. Bu foniylar dunyoda ilmdan bebahra qalblar jonsiz jasadga o'xshaydi. Alloh bu olamni cheksiz ilmu hikmat bilan yaratgan. Inson aql va tafakkur vositasida bu ilmlardan xabardor bo'ladi, moddiy va ma'naviy hayotda yuksaklikka ko'tariladi. Ilm inson tafakkuriga nur baxsh etadi. U shu nur orqali haqiqatni topadi. Ilm insonni doimo yuksak martabaga erishtiradi. Mana shuning uchun ham islom manbalari Qur'oni karim va hadislarda ilm-fanni egallash, ma'rifatli bo'lish juda katta savobli ish ekanini qayta-qayta ta'kidlanadi. Hadisda beshikdan to qabrgacha ilm izlash lozimligini qayd qilinishining o'zi katta tarbiyaviy ahamiyatga ega. "Qur'oni karimda: "Alloh sizlardan imon keltirgan va ilm ato etilgan zotlarni (baland) daraja (martaba)larga ko'tarur" deyilishi negizida ilmiy zotlar va unga intilganlar jamiyatda yuksak mavqe va hurmatga sazovor bo'lishlariga ishoradir". Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, ma'naviyat - hayotning ma'nosini topishning bir usuli.

Logoterapiya orqali davolashning bir qator terapevtik strategiyari ishlab chiqilgan bo'lib, ular hayotdan ma'no va maqsadni topishda yordam berish xususiyatiga ega: 1. Ruhiy kasalliklar, xususan depressiya, tashvish va stress holatlarini keltirib chiqaruvchi omillarni topish (Ya'ni, mazkur inson hayotida aynan qaysi jarayon uning stress holatga tushishiga sabab bo'ldi? Inson o'z hayotini taftish qilishi, o'rganishi); 2. Ijobiy, madaniy xotiralardan maqsad: ijobiy, madaniy xotiralarni saqlab qolish, yoqimli voqealar haqidagi shaxsiy xotiralarni eslab qolish (Ya'ni, hotirani tozalash, yomonlarini chiqarib tashlab, yaxshilarini qoldirish); 3. Muammolarini hal qilish uchun o'tmishdagi tajribalardan foydalanish; 4. Shaxsiy muhim xotiralardan maqsad: farovonlikni oshirish uchun shaxsiy muhim xotiralarni ko'rib chiqish (masalan, bolaning tug'ilishi, singlisi yoki ukasi nikohi) haqida o'ylash; 5. Xotiralarni qayta tasavvur qilish va zavq kabi ijobiy his-tuyg'ularga e'tibor qaratish (Ya'ni, hayotga bo'lgan ishtiyoqni oshirish); 6. Hayotdagi tanqidiy voqealardan maqsad: muvaffaqiyatsizlik, azob-uqubatlardan va qiyinchiliklardan ma'no topish (Ya'ni, bu yerda diniy yondoshish, yaxshilik ham yomonlik ham Yaratgandan ekanligini, har bir qiyinchilik ortida nur borligi, bu dunyo sinov ekanligini ko'z o'ngiga keltirish); 7. O'limdan maqsad: O'lim va yo'qlikdan ma'no topish; yaxshilikka umid va ishonch; hayot abadiy emasligi haqidagi xabarni muhokama qilib, undan maksimal darajada foydalanish; o'lim hayotning asosini tashkil etishi haqida o'ylash (Ya'ni, kelib-ketishning ma'nosi nimada ekanligini his qilish, o'limning qanday qarshi olishi amallar natijasiga bog'liqligini bilish, bu haqda ham diniy taraflama mukammal bilimga ega bo'lish); 8. Ijobiy fikrlardan maqsad: optimizm va umidga intilish, salbiy fikrlar o'rniga ijobiy fikrlarga o'tish (Ya'ni inson, har qanday holatda ham, hamma narsadan faqat yaxshilik qidirishi, hamma narsani faqat yaxshilikka yo'yishi, ijobiy fikrlashi kerak. Chunki salbiy fikrlar inson sog'ligiga jiddiy ta'sir o'tqazadi); 9. Iroda erkinligidan maqsad: iroda erkinligi, sevgi, mas'uliyat va axloqning ma'nosini tushunish; 10. Ibodatni yengish strategiyasi sifatida ko'rishdan maqsad: Namozning kurash strategiyasi sifatida ta'sirini o'rganish;

Yuqorida qayd etib o'tilgan fikrlardan kelib chiqib, haqiqiy hayot ma'nosini topishga yordam beruvchi "hayot dasturi" keltirildi: Ma'naviyat. Yaxshilik. Kamolotga erishish. O'z hayotini taftish qilish. Hotirani tozalash. Tasavvur qilish. Hayotga bo'lgan ishtiyoqni oshirish. Yaxshilik ham yomonlik ham Yaratgandan ekanligini, har bir qiyinchilik ortida nur borligi, bu dunyo sinov ekanligini ko'z o'ngiga keltirish. Kelib-ketishning ma'nosi nimada ekanligini his qilish (o'limning qanday qarshi olishi amallar natijasiga bog'liq). Har qanday holatda ham, hamma narsadan faqat yaxshilik qidirish, hamma narsani faqat yaxshilikka yo'yish, ijobiy fikrlashi (salbiy fikrlar inson sog'ligiga jiddiy ta'sir o'tqazadi)

"Hayot ikki xil bo'lishi mumkin: go'yo hech qanday mo'jiza yo'qdek yoki atrofda faqat mo'jizalar bordek" (Eynshteyn) [12:4]. Bu fikr hech shubhasiz inson idroki bilan bog'liq. Ya'ni, inson o'z hayotini qanday tasavvur qilsa, shunday bo'ladi. Bundan ko'rinib turibdiki, hamma narsa tasavvurga va harakatga bog'liq.

"Hayotdagi eng katta zavq, eng oliy quvonch - bu o'zining mavjudligini his qilishdir" (Go'rkiy). Haqiqatdan ham, insonning eng katta boyligi avvalo uning mavjudligi, barcha imkoniyatlar eshigi u uchun ochiq. Ma'lum vaqtgacha belgilab berilgan umrning har bir soniya va daqiqasini g'animat ekanligini his qilishi.

"Hamma narsani Xudodan ko'rish, hayotdan idealga intilish, minnatdorchilik, konsentratsiya, yumshoqlik va jasorat bilan yashash: bu Mark Avreliyning ajoyib nuqtai nazar" (Albert Eynshteyn). Darhaqiqat, yaxshilik ham, yomonlik ham Xudodan ekanligini bilishi, har doim mukammal bo'lishga intilishi, hamisha Yaratganga, o'zining har a'zosi uchun minnatdorchilik bildirishi, hushmuomala bo'lishi, har ishda jasorat ko'rsata olishi hayotining sermazmun o'tishining kafolat belgilari hisoblanadi.

Haqiqiy Nur - bu insonning ichidan paydo bo'lib, qalb sirlarini ko'ngilga ochib beradigan, uni baxtli va hayot bilan uyg'unlashtiradigan nurdur.

ADABIYOTLAR

1. Stiven R. Kovi, Muvaffaqiyatli insonlarning 7 ko'nikmasi. -T.: "Qaqnus mediya", 2020. -B. 146.

2. Viktor Frankl (1905-1997): Yaxshi terapiya. Qabul qilingan sanasi: 2019 yil 5-noyabr, Yaxshi terapiya: goodtherapy.com. –B. 2.
3. Frankl, V. E. Insonning ma'no izlashi: logoterapiyaga kirish. Beacon Press. 1962. –B. 145.
4. Frankl, V. E. Ma'no irodasi: logoterapiya asoslari va qo'llanilishi. 1988. –B. 56.
5. O'sha asar, –B. 60.
6. Karimov I. A., Istiqloq va ma'naviyat, -T.: 1994, -B.14.
7. Karimov I. A., Ma'naviy yuksalish yo'lida, -T.: 1998, -B. 36.
8. Ma'naviyat va ma'rifat asoslari (tuzuvchilar: S. O. Ota-murodov va boshqa,) -T.: 1998. –B. 148.
9. Imomnazarov ma'naviyat, Milliy ma'naviyatimiz nazariyasiga chizgilar, -T.: 1998. –B. 89.
10. Murtazo Qarshiboy, Ezgulik va ma'naviyat -T.: "Ma'naviyat" 2009, -B. 14.
11. Islom Karimov, Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. -T.: "Ma'naviyat", 2008. –B. 8.
12. © 2022 tandem-agro.ru Internet-do'konidan olindi. –B. 4.
13. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Sahih Buxoriy, Al-jomi' as-sahih. -T.: "O'zbekiston milliy entiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2008.
14. Abdulaziz Mansur, Qur'oni Karim ma'nolarining tarjimai. -T.: "Toshkent islom universiteti" nashriyoti, 2001.
15. Viktor Franklning logoterapiyasiga umumiy nuqtai: VeryWell Mind. Olingan sanasi: 2019 yil 05-noyabr, VeryWell Mind: verywellmind.com.
16. Viktor Frankl: Mashhur mualliflar. Olingan sanasi: 2019 yil 5-noyabr, taniqli mualliflar: famousauthors.org.
17. Viktor Frankl: Britannica. 2019 yil 5-noyabr kuni Britannica: britannica.com saytidan olindi.
18. Viktor Frankl: Vikipediya. 2019 yil 5-noyabr kuni Vikipediya dan olindi: en.wikipedia.org.

Logoterapiyaning islomiy shakli

Annotatsiya: Hayotning ma'nosi, "ezgulik poydevori"da o'z aksini topadi. Ezgulik poydevori esa, yaxshilik ustiga qurilgan yaxshilik hisoblanadi. Diniy nuqtai-nazardan qaraganda, hayotning ma'nosini topish uchun Yaratgan tomonidan kamolotga erishish dasturi tayyor qilib ishlab chiqilgan. Ushbu dasturni diniy man'alar orqali topish maqsadga muvofiq. Diniy manbalardan shu narsa ayonki, yaxshi bo'lishga intilish, ma'naviyatga intilish demakdir.

Tayanch iboralar: Hayot, ma'no, maqsad, logoterapiya, ma'naviyat, terapevtik strategiya, depressiya, hayot dasturi, yaxshilik, ezgulik poydevori.

Исламская форма логотерапии

Аннотация: Смысл жизни отражен в «основе добра». С другой стороны, основа добра — это добро, построенное на добре. С религиозной точки зрения Творец разработал программу взросления, чтобы обрести смысл жизни. Желательно найти эту программу через религиозные источники. Из религиозных источников ясно, что стремление быть хорошим означает стремление к духовности.

Ключевые слова: Жизнь, смысл, цель, логотерапия, духовность, терапевтическая стратегия, депрессия, жизненная программа, добро, основа добра.

Islamic form of logotherapy

Annotation: The meaning of life is reflected in the "foundation of goodness." The foundation of goodness, on the other hand, is goodness built on goodness. From a religious point of view, the Creator has developed a program for maturity in order to find meaning in life. It is advisable to find this program through religious sources. It is clear from religious sources that striving to be good means striving for spirituality.

Key words: Life, meaning, purpose, logotherapy, spirituality, therapeutic strategy, depression, life program, goodness, basis of goodness.

SHÍGÍNDÍLARDÍN EKOLOGIYALÍQ MASHQALALARÍ: SHESHIM HÁM TARAW ÓZGESHELIGI (QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ MÍSALÍNDA)

Nogaibayev I. A.

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Búgingi kúnde ekologiyalıq problemalar kún sayın insaniyat bolmısına qáwip salmaqta. Insaniyat keleshegi «tábiyat-jámıyet-insaniyat»tın óz-ara, jámiyettin tábiyatqa múnásibetine, anıraqı insaniyattın ekologiyalıq mádeniyatına baylanıslı bolıp qalmaqta. Házirgi waqıtta globalıq kólemde hár kúni shıgındı muǵdarının kóbeyip barıwı hám onıń keń tarqalıwı ekologiyalıq problemalardıń birine aylandı. Jáhán bankının izertlewine kóre, 2050-jılǵa barıp dúnyadaǵı shıgındılar muǵdarı 3,4 milliard tonnanı quraydı [1]. Álbette bunı insaniyat jámiyetiniń tábiyatqa degen keskin qatnasınıń nátiyesi dep qarasaq boladı. Bunday qatnas insaniyattın jasaw ortalıǵına onıń biosfera quramına, insanlar den-sawlıǵına, ósimlikler hám haywanatlar álemine unamsız tásirin ótkerdi. İnsanlar búgingi kúnde shıgındılardı hár qıylı jollar menen joǵaltıwǵa urınbaqta. Olar shıgındılardı jaǵıp jiberiw, topraq astına kómpir taslaw, okean hám suwlarǵa taslaw yamasa óziniń jasap atırǵan aymaǵınan uzaqraqqa taslaw arqalı joq etpekte. Biraq bunday qatnas tábiyat hám jámiyettin óz-ara qatnasınıń keskinlesiwine, ekologiyalıq problemalardıń keskin tús alıwın tezlestirip jibermekte. Búgingi kúnde tehiz qaldıqlarının 85 procentin plastmassa quraydı. Qánigelerdin eskertiwinshe, 2040- jılǵa barıp okeanda onıń kólemi derlik úsh ese artadı: hár jılı olar 23-37 million tonnaǵa jetedi. Dúnya boylap plasmassa shıgındılarının tarqalıwı haywanat hám ósimlik túrleriniń kemeyiwine hám de joq bolıwına sebep bolmaqta [2]. Okeandaǵı plasmassa shıgındıları haywanatlardıń, ósimliklerdin záhardeniwine, ósiwine, kislorod, quyash nırı menen támiynleniwın qáwip astında qaldırmaqta. Plasmassalar tek ǵana ósimlikler hám haywanatlar dúnyasına zıyanın tiydirip

qoymastan, inslarda hár qıylı keseliklerdiń rawajlanıwına, olarda garmonallıq buzılıwlarǵa sebeb bolmaqta. Sebebi hár bir adam jılına kóp muǵdarda polietilen paketlerden, plasmassa ıdıslardan paydalanadı, olardıń belgili procenti ǵana qayta islenedi. Biz bul paketlerdi, plasmassa ıdısladı 15-20 minut ǵana paydalanamız, biraq onıń shirip joq bılıp ketiwi ushın jüzlep jıllar kerek boladı. Búgingi kúnde kóplegen mámleketlerde shıǵındılar máselesine itibar qaratılıp atırǵan joq hám de onıń qáwipli aqibetleri haqqında jeterli dárejede túsiniw jetilmegenlikten onı tartıpkı salatıwın normativ nızamlı hújjetler jaratılǵanı menen onıń islew mexanizmleri tómén dárejede. «Insan-jámiyet-tábiyat»tıń óz-ara qatnasınıń rawajlanıwı barlıq basqıshlarında shıǵındısız keshpegen, tábiyat hám jámiyet rawajlanıwınıń belgili dáwir aralıqta tábiyat shıǵındıları qayta islew dárejesindegi múmkinshilikke iye bolǵan. Insaniyat talaplarınń artıwı, artıqsha ónimdi islep shıǵarıw hámde texnologiyalıq rawajlanıwǵa ótiw hám de olardan irracional túrde isletiw tábiyatta shıǵındılar muǵdarınıń kóbeyiwine, qayta islew múmkinshiliginiń joǵalıwına sebeb boldı. Hár bir qala turǵınlarına shama menen jılına 500 kg dan 800 kg deyin shıǵındı tuwrı keledi. Eger bir jılda toplanǵan bárshe shıǵındı joq etilmese yaqı bir uyımǵa taslanǵan bolsa, keyin bálentligi shama menen Elbrus(5642 m) penen barabar bolǵan taw payda boladı. Bul sanlar jıl sayın ósip barmaqta [3]. Aziq-awqat shıǵındısı 4-6 háptege deyin, karton hám túrli kórinstegi qaǵaz 1 aydan 2 jılǵa deyin, temeki qaldıǵı 10 jıldan 20 jılǵa deyin, plastik paket 10 jıldan 20 jılǵa shekem, plastik stakan 50 jıl, batariya 100 jıl, alyumen banka 80 jıldan 200 jıl, plastik baklashka 450 jıl, shıysha 1000 jıl dawamında shiriydi eken. Búgingi kúnde planetamız bunday shıǵındılar menen tolıp tasqan. Sonıń menen birge, shıǵındılar infeksiya hám de túrli kesellikler tarqalıwına sebeb bolmaqta. Shıǵındıların kóp muǵdarı bul rawajlanǵan mámleketler úlesine tuwrı keledi. Biraq shıǵındıların zıyanlı aqibetleri bir ǵana mámleket ushın emes, globalıq kólemde unamsız tásirin tiygizedi. Sonlıqtan búgingi kúnde shıǵındılarǵa baylanıslı normativ nızamlardı joǵa qoyıw onıń orınlanıwın qatań qadaǵalawǵa alıwımız tiyis. Shıǵındıları tańlap alıw texnologiyaların shólkemlestiriw tiyis. Jámiyetlik sanada ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriw jolları qarap shıǵılıwı tiyis, balalarǵa mektepke shekemgi, mektep dáwirlerinen baslap shıǵındıları tańlap alıw kónlikpesi hám bilimin qalıplestiruwimiz, olarda tábiyatqa degen etikalıq, estetikalıq sezimin oyatatuǵın sabaqlıqlardı joǵa qoyıw búgingi kúnniń áhmiyetli máselesine aylandı.

Ǵárezsizliktiń dáslepki jıllarınan balap Ózbekstan Respublikasında ekologiyalıq qáwipsizlikti támiyinlew boyınsha zárúrli huqıqıy, shólkemlestirilgen jáne social-ekonomikalıq ilajlar islep shıǵıldı hám ámelge asırıldı. Átirap - ortalıqtı qorǵaw hám tábiyiy resurslardan aqılǵa say paydalanıw salasındaǵı munasábetlerdi tikkeley tartıpkı salıwshı 15 ten artıq nızam, tábiyiy resurslarınń ayırım túrlerinen paydalanıw mexanizmleri hám shártleri, sonıń menen birge, mámleket ekologiyalıq ekspertızasın ámelge asırıw, túrli taypadaǵı qorǵalanatuǵın aymaqlardı shólkemlestiriw hám olarda bólek paydalanıw rejimin ornatiw tartıp-dástúrleri hám basqa máselelerdi belgilep bergen 30 dan ziyat normativlik-huqıqıy hújjet qabıllandı hám ámel qılıp atır [4].

Házirgi waqıtta elimizde social-ekonomikalıq rawajlanıwdıń barlıq sferaları boyınsha túpkillikli ózgerisler jüz bermekte.

Haqıyqatında da, real ómirdiń ózi aq elimizdiń socialıq-ekonomikalıq hám mádeniy turmısın reformalaw hám modernizaciyalawdı ámelge asırıw boyınsha tańlap alınǵan rawajlanıw jolınıń bes principi hám olardıń birligi, pütünligi Konstituciyamızǵa engizilgen tiykarǵı principleri hám normalardan kelip shıǵatuǵınlıǵın tastıyqlamaqta [5].

Búgingi kúnde qurılıs maydanına aylanǵan Ózbekstan da bul úyrenilip atırǵan máseleden jıraqlı emes. Maǵlumatlarǵa qaraǵanda, sonǵı jıllarda mámleketimizde jılına 100 million tonnadan artıq sanaat shıǵındısı, 35 million tonnaǵa jaqın xojalıq shıǵındısı payda bolmaqta. Shıǵındıxana hám shıǵındı saqlaw qoymaxanalarında 2 milliard tonnaǵa jaqın sanaat, qurılıs hám xojalıq shıǵındıları saqlanıp atır. Olar 12 mın gektar maydandı iyelegen. Bul bolsa xojalıq shıǵındılar menen islew salasın túpten reformalaw zárúrliǵın keltirip shıǵarıp atır[6].

Hár bir tiri janzat tábiyiy túrde shıǵındıları islep shıǵadı. Ol hár túrli formada bolıwı múmkin, biologiyalıq, xojalıq ya bolmasa shıǵındıların basqa túri. Eń tiykarǵısı olardı racional isletiw yaǵnıy onıń aqibetleri haqqında oylanǵan halda is júritiwimiz kerek. Adamlarda sonday subyektiv pikirler bar yaǵnıy olarda óziniń jasap atırǵan aymaǵınan tısqarı aymaqtı óziniki dep esaplamaydı hám sol jerge shıǵındıları taslap jiberiwge urınadı. Tábiyatqa degen bunday múnásibet ekologiyalıq mádeniyattıń joqlıǵınan onıń tóménliginen derek beredi. Birinishi orında shıǵındılar mashqalasın sheshiwimiz ushın ne islewimiz kerek? Bunday soraw globalıq kólemde áhmiyetke iye. Mashqalanıń tiykarǵı sebebi ekologiyalıq mádeniyattıń joqlıǵınan yamasa tómén dárejedeligi menen baylanıslı. Bunı biz ǵalabalıq túrde ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriw arqalı tábiyat penen óz-ara qatnastı tuwrı joǵa qoyıw imkaniyatına iyemiz. Bilimlendiriw tarawında ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiretuǵın sistema joǵa qoyıwımız shárt. Usı processetti baslanǵısh bilimdi mektepke shekemgi dáwirde, yaǵnıy balalar baqshasınan baslap artıqsha úyretip barıw kerek. Ekologiyalıq tálimdi joǵa qoyıwda sabaqlıqlar ámeliy usıllar menen kóbirek bayıtılǵan bolıwı, ekologiyalıq mádeniyat sabaqlıq sıpatında onı arnawlı túrde shólkemlestiriliwı zárúr. Ayırım mámleketlerde bilimlendiriw tarawında ekologiyalıq sabaqlıq joǵa qoyılǵan, biraq bul sistemalı túrde alıp barılmaıdı, yaǵnıy úziksiz tálim porcessine joǵa qoyılmaǵan. Ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriwdiń tiykarǵı jollarınıń biri- bul bilimlendiriwde ekologiyalıq tálimdi úziksiz tárizde joǵa qoyıw hám onı májbúriy ótkiziliw kerek sabaqlar qatarına kiritiw. Ózbekstanda Respublikasında bilimlendiriw tarawında ekologiya páni úziksiz ótilmeydi.

Ekinshiden, Ǵalaba xabar quralları arqalı xalıqtıń ekologiyalıq sanasın joqarlatıw zárúr. Insalardıń tábiyattıń ajıralmas bólegi ekenligin, onıń menen tuwrıdan-tuwrı baylanıslıǵın sáwlelendiretuǵın tele kórsetiwler joǵa qoyıw, ekologiyalıq problemalardıń aktualıǵın hám olardıń sheshiminde hár bir insannıń tábiyatqa múnásibeti hám ondaǵı ornı menen baylanıslıǵın ǵalaba xabar quralları arqalı jetkerip beriw kerek.

Úshinshiden, tábiyattı qorǵaw, oǵan húrmet sezimin oyatatuǵın normativ nızamlardı jetilistiriw. Bunda shıǵındıları tólem muǵdarın Ózbekstanda xalıq sanına qarap emes, jasaw ortalıǵına hám onıń tazalıǵına baylanıslı

tólem muǵdarın ámelge asırıwdı shólkemlestiriw kerek. Tereklerdi menshiklestiriwge baylanısı nızamlardı islep shıǵıw. Sanaat kárxanaları jaylasqan aymaqlarda, xalıqqa jeterli muǵdarda kislorod bólistirip beriw múmkin bolǵan tereklerdi egıw.

Tórtinshiden, búgingi kúnde kóplegen mámleketlerde shıǵındıardı tańlap alıw texnologiyaları shólkemlestirilgen, biraq shıǵındıardıń belgili procenti ǵana qayta islenedi. Ózbektanda xojalıq shıǵındıları kóbirek xalıq tıǵız jasaytuǵın aymaqlar yaǵnıy kishi rayonlarǵa tuwra keledi. Bunday aymaqlarda shıǵındıardı tańlap alıwǵa tiykarlangan shıǵındı taslaw qutıları shólkemlesitirilgen, biraq barlıq aymaqlarda emes. Shıǵındıxanada toplanǵan shıǵındılar toplanǵannan soń poligonlarǵa aparıp taslanıladı. Onı qayta islew texnologiyası jeterli dárejede emes, sol sebebli biz shıǵındıardı insan faktóri tásirinde onı qayta islew kónlikpesin usınbaqshımız. Usınıs sonan ibarat, Nókis qalasındaǵı kishi rayonlardan shıǵatıuǵın shıǵındıardı tańlap alıp, onı qayta islew menen shuǵıllanatuǵın shaxslar bar, lekin olar bul is penen mámleket yamasa mámleketlik ekologiyalıq shólkemi wákili sıpatında emes, bálki rásmiy emes túrde ózleri shuǵıllanadı. Olar shıǵındıardı tańlap alıp úy xojalıǵındaǵı baǵıp otırǵan qoy, qara mal hám basqa úy haywanlarına beredi. Baklashka, shiysha, temir, mis buyumların jıynap onı kárxanalarǵa aparıp pullaydı. Ayırımları temirden úy ruzgershilik buyumların qayta islew menen shuǵıllanadı. Álbette bul bolsa shıǵındıardıń belgili dárejede qayta isleniwine hám onın racional isletililiwne tásirin ótkermekte. Biraq bul Qaraqalpaqstanda ekologiyalıq ortalıqtıń jaqsılanıwına, shıǵındıardan pragmatik paydalanıw ushın kemlik qıladı. Mámleketimizde shıǵındıardıń tolıq dárejede qayta isletiliwine erisilgen joq. Xojalıq shıǵındıardı tártipsiz túrde jıynap alıw insan salamatlıǵına qáwıplı, sebebi shıǵındıardı jıynap alıwshı insanlar tárepinen gigiyena talaplarına ámel qılınbaydı. Bul bulsa juqpalı keseliklerdiń tarqalıwına hátte insan ólimine sebeb bolıwı múmkin. Sonlıqtan, shıǵındı taslaw orınlarında shıǵındıardı sortlap alıwǵa mólsherlengen qutılardı jaylastırıwdı shólkemlestiriwimiz kerek. Bizin pikirimizshe, hár bir máhalle óz aymaǵında shıǵındıardı qadaǵalaytuǵın jumısshıǵa mıtáj. Ol bir qansha wazıypalardı orınlaytuǵın, sonıń menen birge, puqaralardan shıǵındıardı satıp alıw, sol aymaqtıń tazalıǵın qadaǵalaw, shıǵındı taslaw qaǵıydaların buzǵan jaǵdaylarda tártip buzǵanlarǵa nızamlı sharalar kóriw wakilligine iye bolıwı kerek. Aymaq ekologiyasına juwapker shaxs máhalle shtat birligine bekitilip, aylıq penen támiylenedi.

Insan tábiyatınıń kópshilik bólegin óziniń tirishilik etiw ortalıǵına aylandırıp, tábiyatqa bolǵan erkinligi shegaraların keńeytedi, onda tábiyatqa ózgeriwshi tásirini ushın juwapkershilik sezimin kúsheytiwı shárt. Bul jerde ulıwma filosofiyalıq princip óziniń konkret kórinisin tabadı: erkinlik qánsheli tolıq bolsa, juwapkershilik sonsheli joqarı boladı[7].

ÁDEBIYATLAR

1. <https://greenologia.ru/othody/kolichestvo-musora.html>
2. <https://news.un.org/ru/story/2021/10/1412272>
3. Алимкулов, С. О. Отходы — глобальная экологическая проблема. Современные методы утилизации отходов / С. О. Алимкулов, У. И. Алматова, И. Б. Эгамбердиев. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2014. — № 21 (80). — С. 66-70. — URL: <https://moluch.ru/archive/80/14470/>
4. <https://www.researchgate.net/publication/349340115> ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ А. Ахроров
5. КМУ Хабаршысы. 2017. №2. Республика халкын аўыз суў менен тэмийинлеўдиң ҳәзирги халаты ҳәм оның социаллық тураклылыққа тәсири ҳаққында. Бердимуратова А., Әлиметов Ю., Камалова Х.
6. <https://yuz.uz/uz/news/maishiy-chiqindilar-har-yili-aholi-jon-boshiga-1-foizga-oshmoqda>
7. Спиркин А.Г. Основы философии. – М.: Издательство Юрайт, 2015. – с.142.

Shıǵındılardıń ekologiyalıq mashqalaları: sheshim hám taraw ózgesheligi (Qaraqalpaqstan respublikası mısallında)
Nogaibayev I. A. Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Rezyume. Avtor bul maqalasında túrli ilimiy-publisistik materiallardan paydalanǵan halda shıǵındıardıń ekologiyalıq mashqalasın kórsetip beredi. Ámeldegi maǵlıwmatlardı analiz etiw tiykarında bul ekologiyalıq apattıń tiykarǵı sebepleri anıqlanadı hám olardıń qásiyetleri kórsetiledi. Qaraqalpaqstanın sociallıq-ekonomikalıq jaǵdayı ekologiyalıq krizistı saplastırıw jolların izlew sharayatında óz kórnisin tapıp atır. Maqalada regiondaǵı jaǵdaydın keskinlesiwine alıp kelgen kóplegen aqıbetlerdi túsintiriwshi qızıqlı úzindiler bar.

Gilt sózler: Ekologiya, Ózbekstan, Qaraqalpaqstan, shıǵındılar, qayta islew, tábiyat, jámiyet.

Экологические проблемы отходов: поиск решений и особенности сферы (на примере Республики Каракалпакстан)
Ногайбаев Ы. А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье автор, используя разнообразные, научные и научно-публицистические материалы, проливает свет на экологическую проблему отходов. На основе анализа имеющихся данных определены основные причины данной экологической катастрофы, представлены их характеристики. Социально-экономическое положение Каракалпакстана отражено в контексте поиска решений экологического кризиса. Статья содержит интересные фрагменты, которые разъясняют многие последствия, приведшие к обострению ситуации в регионе.

Ключевые слова: экология, Узбекистан, Каракалпакстан, отходы, переработка, природа, общество.

Environmental problems of waste: search for solutions and features of the sphere (on the example of Karakalpakstan)
Nogaibayev I. A. Karakalpak State University

Abstract: In this article, the author, using a variety of scientific and journalistic materials, sheds light on the environmental problem of waste. Based on the analysis of the available data, the main causes of this environmental disaster are identified and their characteristics are presented. The socio-economic situation of Karakalpakstan is reflected in the context of the search for solutions to the ecological crisis. The article contains interesting fragments that explain many of the consequences that led to the aggravation of the situation in the region.

Keywords: ecology, Uzbekistan, Karakalpakstan, waste, recycling, nature, society.

СОФИСТИКА – ДЎЗАХ ОЛОВИМИ? ЖУРНАЛИСТИКА-ЧИ?

Мўминов Ф. А.

Бухоро давлат университети

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги яна бир ҳадис диққатимизни ўзига тортди. Мазкур 2458-ҳадис Имом ал-Бухорий “Саҳиҳи Бухорий: Ал-Жомий ас-саҳиҳ” тўплами иккинчи китобининг “Ноҳақ эканлигини била туриб жанжаллашган кишининг гуноҳи ҳақида” деб номланган 16-бобида чоп этилган. Унинг тўлиқ матни қуйидагидан иборат: “*Умму Салама (рз) ривоят қиладилар:* “Расулulloҳ (сав) хужралари эшиги олдида бўлаётган жанжал (овозини) эшитиб, жанжаллашаётганлар олдида чиқдилар-да, бундай дедилар: “Дарҳақиқат, мен (ҳам сизлар каби бир) инсонман, (ғоибий, ботиний нарсаларни, агар ваҳий келмаса, билолмасман). Жанжаллашганлар ҳузуримга келади. Шунда бирингиз иккинчигиздан сўзамолроқ (гапга чечанроқ) бўлсангиз, унинг сўзини тўғри деб ҳисоблаб, бу ишда унинг фойдасига ҳукм чиқариб қўйишим мумкин. Агар (янглишиб) бировнинг фойдасига бошқа бир мусулмоннинг ҳаққини ҳукм қилиб олиб берган бўлсам, шубҳасиз у дўзах оловидан бир парчадир. Хоҳласа уни олсин, хоҳласа тарк қилсин” [1, 412]. Бундан иккита жиддий ҳулоса чиқариш мумкин; биринчиси софистика ҳақида, иккинчиси сўзамолликка тегишли. Софистика сўзи ва тушунчаси ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кенг ишлатилади, шунинг учун “Ўзбек тилининг имло лугати”да “софизм”, “софистик”, “софистика”, “софистлар” сўзлари бор [2, 333]. Софистика кўпроқ фалсафага боғлиқ бўлса, гапга чечанлик ҳам фалсафа, ҳам бошқа соҳаларда ишлатилади – нотиклик маҳорати, журналистика, баҳс санъати ва ҳ.к. Масала –софистикани қандай тушунишда. Шу саволга жавоб берайлик.

Жаҳон халқларининг замонавий рационал-мантикий фикрлашига асос солган антик фалсафа таҳминан 1200 йил давом этган ва тўртта асосий босқичдан иборат бўлган: 1) биринчи грек файласуфлари, “етти доно” (улар етти кишидан иборат бўлиб, “семь мудрецов” ёки “ранние древнегреческие философы” деб аталади) даври; 2) софистика вақти; 3) етук грек фалсафаси фасли; 4) рим фалсафаси мавсуми. Қуйида бизнинг томонимиздан тилга олинаётган у ёки бу муддатлар чегаралари шартли равишда келтирилмоқда, чунки бир вақтнинг ўзида ҳар хил мактабларга тегишли турли олимлар ижод қилган. Масалан, машҳур файласуф Сукрот охириги софист ва биринчи етук қадимий грек файласуфи ҳисобланади. Бундай мисоллар янада бор.

Биринчи босқич “етти доно” даври бўлган, мазкур донишмандлар милoddан аввал VII-V асрларда фаолият юритган. Уларнинг таркибида Фалес, Биант, Питтак, Солон, Клеобул, Периандр ва Хилонлар бўлган деб кўпчилик ҳисоблайди. Ушбу файласуфлар ҳақида маълумотлар жуда кам, лекин шуниси маълумки, айнан етти грек пирлари ва уларга қарашли олимлар инсониятнинг замонавий рационал фикрлашига асос сола бошлаган. Жумладан, уларнинг марказий ғояси Дельфиядаги ибодатхонанинг тош устунида қирқилган “ўз ўзингни англа” матнли шиорда ўз аксини топган.

Мақоламиз мавзусидан келиб чиқсак, мазкур материалимиз учун иккинчи босқич етакчи аҳамиятга эга. Софистика даври таҳминан юз йилча давом этган, милoddан аввал V-асрнинг ўртасидан – IV-асрнинг ўртасигача (Сукрот яшаган давр 470-399 йй.).

Ушбу даврнинг биринчи ярмидаги софистиканинг ўрни ва аҳамияти дунё илми тарихида ижобий баҳоланади, чунки мазкур босқичда софистлар ўз халқини (ёзувчиларни, шоирларни, олимларни, кенг жамоани) мантиқан тўғри фикрлашга ўргатган. Софистларнинг ичида энг машҳурлари – Горгий (483-376) ва Протагор (485-410)лар бўлган. Масалан, Протагорнинг “барча нарсаларнинг ўлчови инсондир” деган ибораси дунё илми ва амалиётида ўша вақтлардан бери ҳозиргача бош умуминсоний қадрият ва қаҳриқ сифатида баҳоланиб, унга риоя қилиниб келинмоқда. Горгий ҳам жуда таниқли нотик бўлган. Биз томондан мазкур донишмандларнинг фаолиятига – уларнинг асарлари қанча қизиқ бўлмасин –айнан ҳозир батафсил характеристика беришга имкониятимиз йўқ. Қисқача айтишимиз мумкинки, халқ томонидан севиқли Протагор ва Горгий, ораторлар сифатида, одамлар учун йирик майдонларда нутқ сўзлаган кунлари қадимий греклар буқалар сўйиб, катта байрамлар уюштирган.

Аммо софизм даврининг иккинчи ярмида вазият жиддий ўзгарди. Сукротнинг “ҳақиқат басҳда англашилади” деган сўзлари қадимий дунё фалсафасининг янги босқичига асос солди. Шу вақтдан бошлаб кенг илмий жамоа Сукротнинг янги мезонини биринчи ўринга қўя бошлади. Софистлар эса Горгийнинг анъаналарига содиқлик кўрсатиб, сўзамолликка вафодорлиқни давом эттирди. Натижада, билиш назарияси икки, бир-бирига тўғри келмайдиган йўналишга бўлинди. Софистлар, Сукрот ғоясини тан олмай, узоқ йиллар давомида, ҳар хил ҳийла-найрангларни ишлатиб, нима бўлсада, реал ҳаёт, ҳақиқатга қарамасдан, ўз фикрларини исботлашни биринчи аҳамиятга эга бўлган масала деб ҳисоблаб келдилар.

“Катта энциклопедик лугати” муаллифлари бу жараёнга қуйидагича тушунтириш бермоқдалар: “Софистика... Бошида софистлар (улар атрофидаги илмий жамоани – Ф. М.) исбот ва радиянинг тўғри усулларига ўргатганлар, чин мантикий фикрлашнинг бир қатор қоидаларига асос солганлар. Аммо вақт ўтган сари улар мантиқ принципларидан узоқлаша бошладилар ва барча диққатларини ҳодисалар ташқи кўринишларининг бир бирига боғлиқ бўлганлигига, маълум бир воқеани, бошқа ҳодисалар билан алоқадорлигидан ажратиб олиб, унга локал баҳо беришга, сўзларнинг кўп маънолигидан фойдаланиб онгли равишда тушунчаларни алмаштириб уларга баҳо беришга ўз эътиборларини қаратдилар... Натижада софистик фикрлаш фирибгарлик, сўз ўйинига айланиб қолди. Софистлар ҳақиқатни ҳам, ёлгонни ҳам сохта усуллар

ёрдамида исботлай бошладилар, бахсларда ёлгон аргументлардан фойдаландилар, гарчи мазкур аргументларнинг нотўғрилиги олдиндан маълум бўлсада, жумладан, софистларнинг ўзларига ҳам. Ушбу ёлгон аргументлар мантикни била туриб бузилишига, одамларни онгли равишда адаштиришга йўналтирилган эди” [3, 770-771].

Кенгроқ маънода олганда, софизмлар онгли равишда олдиндан маълум бўлган мантикий хатоларга асосланади. Бундай хатоларнинг турлари кўп ва улар мантикий исбот жараёнининг учала қисмида ҳам (фактни танлаш – фикрлаш усуллари – исбот жараёнида) бўлиши мумкин. Булар: 1) фикрлаш учун олинган асослар, яъни, фактлар сохталиги; 2) исботланиши зарур бўлган фикр (тезис)нинг ёлгонлиги; 3) исбот жараёни (аргументация) нотўғрилиги. Ушбу, кенг аудиторияни онгли равишда адаштириш, иккинчи босқичдаги софистиканинг айнан мағзини ташкил этади. Шунинг учун бу ҳақда оз бўлсада, айтиб ўтишимиз зарур.

Биринчи гуруҳга кирадиган хатолар “ёлгон асос”, “исботланмаган асос” ва “исботда доира” деб аталади. Фикримизча, биринчи ва иккинчи хатолар тушунарли бўлса керак. Учинчи, “исботда доира” деганда, исботланадиган фикр сифатида асоснинг ўзи такрорланиши назарда тутилади. Масалан, “талаба – бу олий ўқув юрти ёки коллежда ўқийдиган киши”.

Иккинчи гуруҳ исботланадиган фикр, яъни, тезисга тегишли. Тезисдаги хатолар икки хил бўлади: тезисни алмаштириш ва ортиқча исбот. Биринчи ҳолда аслида бахслашаётган масала эмас, балки бошқа бир фикр исботланиши назарда тутилади, иккинчида – кераксиз, ортиқча фактлар тўкилиб ташланадики, бахснинг маъноси йўқотилади. Ортиқча исботга мисол сифатида логикага бағишланган китобларда бозорда ишлайдиган икки жанжалкаш сотувчи аёлнинг гапи келтирилади. Биринчиси қўшнисига “Сен нима учун айниган баликни сотиб, ҳаммамизга доғ туширяпсан?” деганда, иккинчиси “Сенинг нима ишинг бор? Ундан кўра устингдаги кир кўйлагингга, пиёниста эрингга, мактабда ўқиёлмайдиган болангга қарасанг-чи?”

Учинчи гуруҳ хатолари исбот жараёнига боғлиқ бўлиб, уларнинг турлари жуда кўп: тезис келтирадиган асосларга тегишли эмас; тезисни ўртага ташлаган одамнинг ўзига аргументация (мурожаат) (масалан, “Сен ўзинг кимсан?” деган сўзлар), тингловчиларга аргументация (“Бу одамни эшитяпсизларми, бу нима деяпти ўзи”), шошилиш умумлашма (“Бўлди, сенинг ҳамма гапларинг ёлгон”) ва бошқ. Жумладан, бу ерда термин маъносини онгли равишда қўпайтирилиши, масалан: “Ўғри ёмон нарсани олишга ҳаракат қилмайди. Яхши нарсани олиш эса яхши ишдир. Демак, ўғри яхши иш қилишга ҳаракат қилади” [4, 770-771].

Шундай қилиб, мазкур мақолага чиқараётган хулосамиз фақат журналистларга эмас, балки сўз билан ишлайдиган ҳар бир кишига тегишлидир. Журналистикага келганда, мақоламизнинг сарлавҳасида тилга олинган иккинчи саволга (“Журналистика-чи?”) бошқа бир чиқишимизда жавоб берамиз.

Юқорида келтирилган Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) фикрларига мувофиқ, сўзни ишлатадиган одам ҳеч қачон ёлгон гапни гапирмаслиги керак. Албатта, юқорида кўрсатганимиздек, софистик усуллардан фойдаланиб, нотик (журналист, сиёсатчи, раҳбар) одамларни ўз гапларига руҳан устамонлик билан ишонтириши мумкин. Оддий халқ, билими камлиги ёки фикрлаш қобилияти юқори эмаслиги сабабли, бундай нотикларга ишонади. Аммо сўзамол киши ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керакки, унинг реалликка асосланмаган, ҳақиқатга мос келмайдиган гаплари унинг ўзига қайтариқ ҳолда дўзах оловидан бир парчани олиб келади. “Хоҳласа уни олсин, хоҳласа тарк қилсин”.

АДАБИЁТЛАР

1. Ал-Бухорий, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомий ас-саҳиҳ. Ишонарли тўплам. 2-китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти., 2008.
2. Ўзбек тилининг имло лугати. А.Мадвалиев, Э.Бегматов; муҳаррир Н.Маҳмудов. – Тошкент: Akademnashr, 2013.
3. Большой энциклопедический словарь: философия, социология, религия, эзотеризм, политэкономия / Гл. науч. ред. и сост. С.Ю.Солодовников. – Минск: МФЦП, 2002.
4. *Қаралсин*: Большой энциклопедический словарь. Гл. научн. ред. и сост. С.Ю.Солодовников. – Минск: МФЦП, 2002.

Резюме. Мақалада ораторлық өнери ҳам журналистикадағы шешенликтен қалай қолланылыуы тийислиги туўралы тың мәселе көтерілген. Егер оратор, политолог, мәмлекетлик ғайраткер, журналист яки басқа сөзге шешен адамлар, халықтың белгилі бір мәселе бойынша жеткиликли билимге ийе емеслигинен пайдаланып, сөзди қуйқылжытып, оннан кең аудиторияны алдау мақсетинде пайдаланса, ол үлкен гүнаға батып, дозақ отының бір пәршесин өзлестиретуғыны дәлиленген.

Таяныш сөзлер. Оратор, политолог, мәмлекетлик ғайраткер, журналист, журналистика, дозақ оты.

Софистика – дўзах оловими? Журналистика-чи?

Ф. А. Мўминов, Бухоро давлат университети

Резюме. Мақолада ҳозиргача нотиклик санъати ва журналистикада ёритилмаган масала кўтарилган – сўзамоллик қандай шароитда ишлатилиши керакли ҳақида. Исботланганки, агар нотик, сиёсатшунос, давлат арбоби, журналист ёки бошқа сўзга чечан кишилар, халқни бирор-бир масала бўйича етарли билими бўлмаганлигидан фойдаланиб, сўзамолликни усталик билан ишлатиб, ундан кенг аудиторияни алдаш мақсадида фойдаланса, у катта гуноҳ қилган бўлади ва, натижада, дўзах оловининг бир парчасини ўзлаштирган бўлади.

Калит сўзлар. Нотик, сиёсатшунос, давлат арбоби, журналист, журналистика, дўзах олови.

Софистика – это огонь из ада? А журналистика?

Ф. А. Муминов, Бухарский государственный университет

Резюме. В статье поднят не обсуждавшийся ранее в узбекской журналистике вопрос – о методологических основах, принципах и методах использования красноречия в выступлениях ораторов, политологов, государственных деятелей, журналистов и др. На примере хадиса о пророке Мухаммаде (мир ему) и с использованием практики софистов доказано, что

применение мастерства слова в случаях, не соответствующих истине, т.е. реальному положению дел в человеческой жизни и практике, подобный лжеавтор добивается того, что он получит, по утверждению пророка, часть огня ада.

Ключевые слова. Оратор, политолог, государственный деятель, журналист, журналистика, огонь из ада.

Is Sophistry the Fire of Hell? What About Journalism?

F. A. Muminov, Bukhara State University

Summary. In this article discussed the question which is not mentioned previously in Uzbek journalism – on the methodological foundations, principles and methods of using eloquence in speeches by speakers, political scientists, government officials, journalists and others. In the example of the hadith about the Prophet Muhammad (peace be upon him) and the use of the practice of the Sophists, it is proved that the application of the mastery of words in the case, not the corresponding truth, that is to the real situation in human life and practice, a similar lie author is achieved by what he gets, according to the prophecy, part of the fire of the hell.

Key words. Speaker, political scientist, public figure, journalist, journalism, hell.

НЕМИС ТИЛИДА АЖРАТИШ ХОДИСАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Бегматов М.

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Ҳозирги замон немис тили грамматик қурилиши соҳасида бугунги кунгача жуда кўплаб диққатга сазовор бўладиган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса ҳам, унинг айрим томонлари етарлича ўрганилмаган. Немис тили грамматик қурилишининг ана шундай кам ўрганилган ёки айрим сабабларга кўра у ёки бу илмий-тадқиқот ишларининг текшириш объектига айланмаган масалаларидан бири бу- мураккаб гап синтаксисидир. Мураккаб гап синтаксиси, бизга маълум бўлган немис тили грамматикасига онд дарсликларда, ёки шунга онд илмий монографик асарларнинг биронтасида, содда ва қўшма гап синтаксиси каби алоҳида мустақил ўрганиш объекти қилиб махсус ажратилмаган бўлса ҳам, у тўғрисида фикр - мулоҳазалар келтирилган.

Рус тили материаллари асосида А.Г.Руднев ажратиш ходисасига алоҳида урғу бериб, уларни қуйидаги мисоллар намунасида таҳлил қилади: *Дома мать, грустная, собирала в дорогу сына* [4; 26-б.].

Впереди ночь, душистая, беспокойная [4; 26-б.].

Ушбу мисолларда ажратилган гап бўлаги инверсия йўли билан ҳосил бўлган, яъни ажратилган гап бўлаги функциясида келувчи *грустная, душистая, беспокойная* аниқловчилари ўз аниқланмишларига нисбатан одатдан ташқари ҳолатда турибди. Аниқловчиларнинг бундай ўзига мос бўлмаган ҳолатда келиши, яъни алоҳида ажратиб таъкидланиши, аниқланмиш маъносини бўрттириб кўрсатади, унинг таъсирчанлигини кучайтиради, сабаби улар ўзларига одат бўлиб қолган жойларда эмас, аксинча, уларга мойил бўлмаган жойларда келаяпти. Бундай характерга эга бўлган ажратилган гап бўлақларининг стилистик функциялари ҳам ўзгача, чунки бундай аниқловчиларнинг мазмуни, одатдаги аниқловчиларнинг мазмунига нисбатан салмоқлироқ, сабаби улар алоҳида ажратибли таъкидланмоқда. А.Г.Руднев ажратилган гап бўлақларининг юзага келишида бевосита таъсир қилувчи синтактик воситалар сифатида интонация, пауза, таъкидлаш яъни мантикий урғу, талаффуз темпи, сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, синтактик алоқалар ва тиниш белгиларини белгилаб ўтади [4; 28]. Испан тилшунос олими Ю.С.Морару ажратилган гап бўлаги маълум компонентга нисбатан “қўшимча” маъно англатиб келса, иловали унсур асосий ифодага нисбатан худди шундай функцияни бажаради ёки ажратилган бўлак маълум бўлакнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб, изоҳлаб келади; ажратилган гап бўлаги стилистик ходисадир, чунки уларнинг ёйилиш даражаси у ёки бу ёзувчининг индивидуал услубини белгилайди деб таъкидлайди [3; 58-б.]. Ажратилган бўлақларга хос бўлган хусусиятларга В.Г.Адмони қуйидагича фикр билдиради: “Эргаш гапларга хос бўлган грамматик тобелик, уларнинг маъновий тобелигини билдирмайди. Аксинча, эргашган қўшма гаплар таркибида эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан билдириб келатган маъно хусусиятлари асосий ва етакчи характерга эга бўлади, бундай вақтларда бош гаплар иккинчи даражали ёки ёрдамчи воситаларга айланиб қолади” [2; 218-б.].

Ажратиш ходисасига Н. Brinkmann қуйидагича муносабат билдирган: “*Ausklammerung (engl. Exbraciation) auch: Ausrahmung* - бу бир ёки бир неча гап бўлақларининг гап рамкасининг ташқарисида жойлашишидир” [7; 106-б.]. Матн таркибидан айрим гап бўлақлари гапда жойлашиш ўрнини ўзгартириб, такрор ифодаланишини *W.Schneider* гап бўлақларининг тарқалиш позицияси деб номлайди, *тарқалиш позициясида бир-бирига боғлиқ бўлган гап бўлақлари гайриоддий тарзда бошқа қисмлардан ажралиб туради деб кўрсатади* [11; 157-б.].

Duden грамматикасида “Apposition” тушунчасидан ташқари, унга маълум даражада кенгроқ маъно берувчи яна “*Restglied eines Satzes*” яъни “гапнинг ортик (қолдик) бўлаги” атамаси қўлланган ва мазкур ҳолатни қуйидагича таърифлаган: “Изоҳловчи- бу ажратилиш усулларининг бир кўриниши бўлиб, унинг таъсири асосида баъзи бир сўз туркумларининг синтактик алоқалари ўзгаришга учрайди ва бунинг натижасида улар гап мазмунини “тўлдириш” ёки “қўшимча қилиш” компонентлари функциясида келади. Улар гапдаги маълум бўлақлардан вергул билан ажралади” [8; 478-б.].

Hans, mein bester Schulfreund, ist gestern nach Österreich verreist [8; 478-б.]. *Conrad Röntgen, den Erfinder der X-Strahlen, kennen wir durch die faszinierenden Erfindungen auf dem Gebiet Physik* [8; 478-б.].

Гапнинг ажратилган бўлақларини тадқиқ этишга айриқша эътибор берган яна бир немис тилшунос олими W.Jung ўзининг “*Grammatik der deutschen Sprache*” номли грамматика дарслигида гапнинг ажратилган

бўлақларини “Satzbruch” яъни “гапнинг бўлиниб, ажралиб қолган бўлағи” деб атайди ва гап таркибида қуйидаги мисол намунасида таҳлил қилиб кўрсатади:

Er kämpfte ständig gegen den Schlaf, der ihn ganz fest überwältigt hatte, ein unzeitiger Schlaf [9; 119-6.].

Мисолда келтирилган *ein unzeitiger Schlaf*, ҳақиқатдан ҳам гапнинг “ажралиб қолган”, “бўлинган” сўз бирикмалари ҳисобланади. Бунақа шаклда ифодаланган сўз бирикмаларига “Satzbruch” терминологик тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ. W.Jungнинг мазкур дарслигида “Satzbruch” терминологик тушунчасига параллел равишда “Apposition” тушунчасини ҳам ишлатган. Умуман, “Satzbruch” ва “Apposition” терминологик тушунчалари асосида W.Jung нафақат “гапнинг ажратилган бўлақларини”, балки кенгрок маънога эга бўлган синтактик қурилмаларига эътибор қаратган. Лекин “Apposition” тушунчасининг ажратиш ҳодисасидан фарқини G.Paul “Deutsche Grammatik” номли грамматика дарслигида қуйидагича изоҳлайди: “Ein Satz kann zu einem Substantiv oder Pronomen in einem Appositionsverhältnis stehen. Einerseits kann ein Substantiv die Apposition zu einem Satz bilden” [10; 174-6.].

Демак, изоҳловчи гап таркибидаги от ёки олмошнинг маъносига изоҳ бериб аниқлик киритса, ажратиш ҳодисасига кўпинча гапнинг иккинчи даражали аъзолари учираб, улар бутин гап маъносини тўлиқтириб, маъносини конкретлаштиради.

Er will auch durchaus mit, ein Entschluss, von dem er nicht abbringen muss [10; 174-6.].

Kühn wünschte er durch die totenstille Nacht, verlorene Mühe! [10; 174-6.].

Мисолларда ифодаланган «*ein Entschluss*»нинг маъноси «*von dem er nicht abbringen muss*» ифодаси билан изоҳланган бўлса, кейинги мисолдаги «*verlorene Mühe*» эса воқеани тасвирлашда асосий гап таркибидаги ўрнидан ноодатий жойда қўлланилиши ва ўзига хос талаффуз билан ифодаланиши орқали, китобхоннинг диққатини жалб қилади. Агар мисолдаги ажратилган гап бўлақлари гап таркибида одатий ўрнида ифодаланса, унинг семантик маъносига китобхоннинг эътибори ажратилган бўлақ каби қаратилмаган бўлар эди.

Kühn wünschte er verlorene Mühe durch die totenstille Nacht!

Ажратиш ҳодисаси, ажратилган гап бўлақлари, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фақат ҳинд-европа тилларида илмий-тадқиқот ишларининг текшириш объекти бўлиб қолмай, шу билан бирга, ушбу мавзу бошқа тилларда, шу жумладан, туркий тилларда ҳам илмий тадқиқот ишларнинг илмий-текшириш объектига айланган. Масалан, ўзбек тилида ушбу мавзу бўйича яратилган илмий ишлар ўртасида академик Ғ.Абдурахмоновнинг ўзбек тили синтаксисини ўрганишга бағишлаб ёзган «Ўзбек тили грамматикаси» номли йирик асари алоҳида ўрин тутаяди, чунки ушбу асарда «мураккаб гап синтаксиси» синтаксиснинг мустақил бўлими сифатида содда ва қўшма гаплар синтаксиси билан биргаликда тилда тенг ҳолатда ўрганилади. Академик Ғ.Абдурахмонов мураккаб гап синтаксисининг предметига гапнинг ажратилган бўлақларини, ундалмаларни ва кириш бўлақларини киритиб, уларнинг ҳар бирининг ўрганилиш соҳасини белгилаб берган. Жумладан, гапнинг ажратилган бўлақларига ажратилган сифатловчилар, ажратилган предикатив қурилма (равешдош, шартли феъл бирикмалари) махсус ажратилган кўмакчили бирикмаларни киритган. Ажратилиш характерига эга бўлган кўп сонли мисолларни таҳлил қилиб, ажратилган гап бўлақларига хос бўлган хусусиятларни қуйидагича изоҳлаб беради: «Ажратилган бўлақнинг ўзига хос маъновий вазифаси (семантик функцияси) бўлади. Бу вазифа шундан иборатки, ажратиш орқали маълум бўлақнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Бу мантикий ажратиш оҳангда ҳам ўз ифодасини топади: ажратилган бўлақ бошқа гап бўлақларидан фарқланувчи алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинади ажратилган бўлақ орқали, бошқа қўшимча маъно ҳам ифодаланади» [1; 48-6.]. Ғ.Абдурахмонов бу ерда фақат ажратилган гап бўлақларига хос бўлган ва уларни юзага келтиришда бевосита таъсир қилувчи синтактик омилларни оддий такрорлабгина қолмасдан, шу билан бирга, улардан ҳам муҳимроқ бўлган стилистик омилга алоҳида ўрғу беради ва стилистик омил тўғрисида шундай ёзади: «Гапнинг ажратилган бўлақлари муҳим услуб воситаларидан биридир. Мураккаб фикрни содда, ихчам ва таъсирли ифодалаш усулларида бири ажратилган бўлақлардан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам ажратилган бўлақ масаласи грамматика билангина эмас, услуб, оҳанг, тиниш белгилари масаласи билан ҳам боғланади» [1; 47-6.]. Ғ.Абдурахмоновнинг ушбу хулосасида том маъно бор, чунки фақат ажратилган гап бўлақларинигина эмас, балки «бизларни қизиқтирадиган, барча ҳодисаларнинг юзага келишида стилистик омил муҳим, етакчи омил бўлиб ҳисобланади»-деб ёзади Б.Турсунов [5; 111-6.].

Мураккаб гап синтаксиси ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлмиш гапнинг ажратилган бўлақлари ва уларга хос бўлган синтактик хусусиятлар тўғрисида яратилган илмий ишларидан, уларда келтирилган тилшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазаларидан қуйидагича хулосага келишимиз мумкинки, ифодаланган фикрга тингловчининг эътиборини жалб этиш мақсадида ифода оҳангида қисқа узилишлар, ифода парокандаликлари, фикрни конкретлаштирилиш ҳолатлари юзага келиши кузатилади. Ажратиш ҳодисаси гап таркибидаги сўз ва ибораларнинг мантикий силжиши, тузилмавий синиши семантик-интонацион ўзига хос оҳанга эга бўлиши, ихчам қисмлардан таркиб топган синтактик қурилишни юзага чиқаради.

